

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**



**“ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР-МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ”
МАВЗУСИДАГИ ХИРЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

МАТЕРИАЛАРИ

V ҚИСМ

(2016 йил, 29-30 апрел)

Самарқанд-2016

«Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили» мавзусидаги ХIII республика илмий-амалий конференцияси материаллари.-Самарқанд: СамДАҚИ нашри, 2016 й.

Ушбу конференция материаллари тўпламига республикамизда Мустақиллик йилларида архитектура, шаҳарсозлик, дизайн ва санъатишунослик соҳаларининг устувор юналишлари, қурилиш, муҳандислик коммуникациялари, техника, ва технологияларни ривожлантириш, геодезия, картография ва давлат кадастрлари ягона тизими, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиёт, туризм ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, кадрлар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, педагогика, психология, таълим-тарбия соҳасида кадрлар сифатини ошириш борасида олиб борилаётган илмий-изланишлар натижалари, мулоҳаза ва таклифлар киритилган. Тўпلام материаллари олий таълим фанини ривожлантиришдаги муаммоларни чуқурроқ ўрганиш, илмий тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Конференция материаллари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Илмий-техник кенгашининг қарори асосида нашрга тавсия этилди (Баённома № 7/1, 07.04. 2016).

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

СамДАҚИ ректори	С.И. Ахмедов-раис
Илмий ишлар бўйича проректор	Э.Х. Исаков-раис муовини
Ўқув ишлари бўйича проректор	А.Т. Қўлдашев-аъзо
Молиявий ва иқтисодий ишлар бўйича проректор	Б.К. Абдусаматов-аъзо
И ва ИПКТБ бошлиғи	У.А. Хушвақтов-аъзо
И ва ИПКТБ ходими	Л.Т. Ибрагимов-аъзо
И ва ИПКТБ ходими	Ж.Х. Худойқулов-аъзо
“Камолот” ЁИХБТ етакчиси	З. Ясаков-аъзо
Иқтидорли талабалар услубчиси	Ф.А. Қосимова-аъзо

Масъул муҳаррирлар: Хушвақтов У.А., Ибрагимов Л.Т.

Компьютерда саҳифаловчилар: Ибрагимов Л.Т., Худойқулов Ж.Х.

Ушбу тўпلام муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР-МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

С.И. Ахмедов СамДАҚИ ректори

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши ҳамда уларни ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг пухта ўйланган стратегияси, айти пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир. Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида илм, фан ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларини илмий-инновацион интеграциясини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу йўналишда мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган бўлиб, илмий-инновацион ҳамкорликнинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-916 сонли қарори бу борада амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифаларни белгилаб бермоқда.

Бугун Мамлакатимизнинг тезкор ривожланиш даврида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида яратилган инновацион ғоя, технология ва лойиҳалар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кенгайтириш, сарф-харажатларни камайтириш, техник жараёнларни автоматлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид сиёсатининг Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Олий таълимда интеллектуал, кенг фикрли, бой дунёқарашга эга, ривожланган мутахассислар тайёргарлигини таъминлаш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш, илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, ёш олимлар иқтидорини юзага чиқариш каби эзгу мақсадлар устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Юқоридаги мақсадларни амалга оширишда фаолиятимизда сифат кўрсаткичларини юксак даражада таъминлаб беришга эришиш керак. Таълимнинг барча қўйи буғинлари қаторида олий таълим олдида қўйилган ижтимоий масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда, мутахассислар рақобатбардошлигини кафолатлаш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таъкидланганидек, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Ушбу тизимнинг пировард мақсади Президентимиз Ислам Каримовнинг “Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади” деган сўзларида ўз ифодасини топган.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ўтказилаётган **«Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили»** мавзусидаги XIII республика илмий-амалий конференцияси ёшлар иқтидорини юзага чиқаришда, уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантиришда, илмий тафаккурини, дунёқарашини бойитишда, рақобатбардош мутахассисларни тарбиялаш ва ёш олимларнинг инновацион ғоя ва ишланмаларини амалиётга тадбиқ қилишда, энг асосийси фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда етакчи омили бўлиб хизмат қилади.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бўлиб ўтаётган **«Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили»** мавзусидаги XIII республика илмий-амалий конференциясида 32 та олий таълим муассасаларидан 800 нафарга яқин ёш олимлар, катта илмий ходим изланувчилар ҳамда иқтидорли талабалар ўзларининг 600 дан ортиқ мақола ва тезислари билан иштирок этаётганлиги ёш олим ва талабаларнинг илмий изланишга бўлган интилишлари кенг қамровли эканлигидан далолатдир. Уларнинг илмий-тадқиқот ишлари шўъба йиғилишларида муҳокама қилинади ва улар асосида тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ўйлайманки, анжуманда берилган таклиф ва тавсиялар республикамизда мазкур соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур илмий-амалий конференция ишига муваффақиятлар тилаган ҳолда, Сизларга омад ва илмий изланишларингизга ривож тилайман, келажакда илм фан соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритишингизга, ўз билимларингизни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сафарбар қилишингизга ишонаман.

6-ШЎБА: ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ
СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ

**МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARGA EKOLOGIK TARBIYA
BERISHDA INTERAKTIV METODLARDAN FOYDALANISH**

*Y.Yuldasheva – Qashqadaryo VXTXQTMOI maktabgacha,
boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedrası o'qituvchisi*

O'zbekistonda jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etish jarayoni ketmoqda. Ushbu jarayon samarasi ko'p jihatdan madaniy saviyasi baland barkamol inson shaxsini shakllantirishga bog'liq. Zotan, ana shunday shaxsgina ijtimoiy taraqqiyot mo'ljallarini va millat manfaatlarini chuqur anglab etadi, Vatan ravnaqi yo'lida xizmat qiladi. Shuning uchun ham, Prezident I.Karimov ma'naviyat sohasidagi ishlarimizning pirovard maqsadi "Mustaqil dunyoqarashga ega, ajdodlarimizning bebaho merosi va zamonaviy tafakkurga tayanib yashaydigan barkamol shaxs – komil insonni tarbiyalashdan iborat", - degan edi¹. Barkamol inson shaxsi ma'naviy qiyofasida ekologik madaniyat ham alohida ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda fan-texnika jadal sur'atlarda rivojlanib, inson va tabiat o'rtasidagi tabiiy muvozanat buzilayotganligi, tabiatga nisbatan jamiyat a'zolarida g'amxo'rlik sust ahvolga kelib qolganligi oqibatida atrof-muhitga katta ziyon etmoqda. Ona tabiatga istiqbolni ko'zlab munosabatda bo'lish, kelajak avlodga uni go'zal va tabiiylikicha qoldirish bugungi kunning muhim vazifasi bo'lib turibdi. Chunki tabiatga nisbatan inson qanchalik berahmlilik bilan munosabatda bo'lsa, tabiat ham insonga nisbatan aynan ana shunday javob qaytaradi. Har bir inson ongida ekologik madaniyat qay darajada shakllansa, jamiyat ham shu darajada taraqqiy etadi.

Hozirgi kunda shaxslararo munosabatlardan tortib jamiyat va tabiatning o'zaro aloqadorligi orasidagi ko'plab muammolar odamlar ongida bolalarni tabiat bilan tanishtirishning talab darajasida emasligini namoyon etyapti.

Ma'lumki, atrof-muhitga ongli munosabat natijasida ekologik madaniyat shakllanadi. Bu esa o'z navbatida, tabiatga yetkaziladigan zararning oldini olish va bartaraf etishda munosib ishtirok etish, tabiat boyliklaridan oqilona foydalanish, ekologik savodxonlikni tarkib toptirishdan iborat. U quyidagi tarkibiy qismlarni qamrab oladi:

- insoniyat tabiatning bir bo'lagi ekanligini his etish;
- tabiatni insoniyatning tug'ilish, yashash, rivojlanish makoni sifatida anglash va fikrlash;
- tabiat bilan jamiyatning uyg'unligiga doir tabiiy va antropogen bilimlar tizimiga ega bo'lish;
- tabiiy muhit bilan ongli munosabatga kirisha olish, uning holatlarini baholay bilish bilim va malakaga ega bo'lish;
- atrof-muhitni tabiiy holda kelajak avlod uchun saqlash kabilar.

Bolalarni tabiat bilan tanishtirish, ularning ekologik savodxonligini oshirish jarayoni har tomonlama rivojlangan shaxs ma'naviy qiyofasini kamol topish jarayonining muhim va tarkibiy qismidir. U bolalarda milliy va umuminsoniy

qadriyat sifatida tabiatga ongli munosabat, tabiat zaxiralarini saqlash va ko'paytirishga oid mas'uliyat tuyg'usi, ekologik muammolarni amaliy hal qilishdagi ko'nikmalarning rivojlantirilishini o'zida qamrab oladi.

Tabiat rang-barang. Uning imkoniyatlari ham cheksiz. Biz pedagoglar ana shu rang-baranglikni, imkoniyatlarni ko'ra bilishimiz, ulardan ta'lim-tarbiya jarayonida oqilona foydalanishimiz kerak.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni har tomonlama tarbiyalashda tabiat bilan tanishtirishning o'ziga xos tarbiyaviy xususiyatlari bor. Bu jarayonni turli vositalar, metodlar, yo'llar bilan amalga oshirish mumkin. Masalan, bolalarni ekskursiya, kuzatish, sayr qildirish orqali tabiat bilan tanishtirish mumkin. Bu hammaga tanish, ma'lum bo'lgan metodlardir. Faqat ana shu metodlarni takomillashtirishimiz, ma'lum bir maqsadga qaratishimiz, har bir tabiat bilan tanishtirilganda bola ongida, bilimi va tushunchasida tabiat haqida yangi bir tushuncha, yangi bir g'oya qolmog'i kerak.

Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda, ekologik savodxonlikni tarkib toptirishda mazkur metodlardan guruhdagi bolalarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda foydalanish kerak. Masalan, kichik yoshdagi bolalarni tabiat bilan tanishtirib, ta'lim-tarbiya berishda ko'proq xona o'simliklarini parvarish qilish, suv solish, barglarini artishdan boshlash kerak. Bu guruh bolalari bilan bog'cha uchastkasiga chiqib ob-havoni kuzatish (yomg'ir, qor yog'ishini, quyoshning charaqlab turishini, shamolning esishini), o'simliklarni o'rganish (uchastkada o'sadigan 1-2 daraxtni), gullarni (gullash paytini) va ularning bir-biridan farqini ko'rsatib, o'tlarning yashil va past bo'yliligi, daraxtlarning baland va barglarining ko'p bo'lishini aytib, ularning xususiyatlari bilan tanishtiriladi.

Uchastkada qushlar bilan ham tanishtirilib, ularni uchib kelishini, daraxtlar shoxiga qo'nib, uning po'stlog'ini cho'qishini, tovush chiqarib sayrashini, uchishini kuzatadilar.

Katta guruh bolalari bilan esa butunlay boshqa ishlar: ko'pincha yil fasllarining bir-biridan farqi, jonli organizmlarning hayot sharoitlari, uy va yovvoyi hayvonlar haqidagi bilimlari sinab ko'riladi. Bu yoshda o'z o'lkasining tabiatini sevish va uni asrash ruhida ta'lim beriladi. Ayniqsa, o'simliklarni, hayvonlarni seva bilish, tevarak-atrofdagi tabiat go'zalliklaridan zavqlana bilish ruhida tarbiyalamog'imiz kerak.

Eng muhimi, bolalarni tabiatda o'zini tuta bilishi, dam olgan joyini ifloslamaslik, gullayotgan o'simliklarga ehtiyot bo'lish, hayvonlarni asrash, chumoli uylarini buzmaslik, qushlarni ko'rganda ularni ehtiyot qilish, tosh otmaslik kerakligi kabi ta'lim-tarbiya g'oyalari tushuntirilishi zarur.

Bog'cha uchastkasida va uning atrofida esa mahalliy o'simliklar bilan tanishish, polizlarda sabzavot ekinlari o'stirish kabi ishlarni bajarish kerak. Bolalar bu yoshda 6-7 gulli o'simliklarning barg va gul tuzilishiga qarab farq qila olishlari, g'alladoshlardan 2 turini, zamburug'larning 3-4 turini, 2-3 ta dala o'simliklarining nomini bilishlari kerak. Mahalliy hayvonlarni yaxshi bilishlari, ayniqsa 4-5 ta qishlovchi va 3-4 ta uchib ketuvchi qushlarni (rangi, katta-kichikligi, tovushi, harakat qilishini), 2-3 ta kapalakni, qo'ng'iz, ninachi, chumoli, asalari, qurbaqa, kaltakesak kabilarni bilishi, ularning yashash muhitini, harakat qilish yo'llarini (suzishi, sakrash, daraxtlarga tirmashishi, uchishi va shunga o'xshashlarni) farqlaydigan, biladigan bo'lishlari kerak.

Bolalarni tabiat bilan tanishtirish jarayonida esa xilma-xil metodlar: ko'rgazmali (kuzatish, rasmlarni ko'rish, diafilm, kinofilm va kompyuterlarni namoyish qilish), amaliy (o'yin metodi, mehnat, oddiy tajribalar), og'zaki (pedagogning hikoyasi, badiiy asarlarni o'qish, suhbat) kabi an'anaviy metodlar va zamonaviy pedagogik texnologiyalardan unumli va o'rinli foydalaniladi. Bolalarni tabiat bilan tanishtirishda xilma-xil texnologiyalardan foydalanishning sababi bolalarning yoshi, psixologiyasi, tabiat bilan turli darajada tanish bo'lganligidandir. Bundan tashqari tabiat bilan tanishtiriladigan ob'yektlarning mazmuni, hajmi, xususiyati va maktabgacha yoshdagi bolalarning bilish qobiliyatlari ham hisobga olinadi. Shuni unutmash kerakki, mavjud metodlar, texnologiyalar bir-biri bilan uzviy bog'langan, biri-birini to'ldiradi, biri-biriga xizmat qiladi. Shu o'rinda pedagoglar izlanuvchan, o'z ustlarida tinmay ishlaydigan, ularga topshirilgan vazifaning qanchalik muhim ekanligini his qilgan kishilar bo'lishi kerak.

Yoshlarni tabiatning qonuniyatlari bilan tanishtirishning ahamiyati shundaki, ularning to'g'ri o'sib ulg'ayishiga, tabiatda bo'ladigan voqea-hodisalarni ilmiy asosda tushunishga olib keladi. Bu bolaning shakllanishida, tabiatga, ona-vataniga, tabiat boyliklariga bo'lgan mehr-muhabbatini oshiradi.

Bolalarni har tomonlama tarbiyalash deganda, ularni o'zi yashab to'rgan muhitni toza saqlash, qo'riqlash, ko'kalamzorlashtirish kabi xislatlar ham kiradi.

Darhaqiqat, tabiatni muhofaza qilish ayrim kishilarning ishi deb qaramasdan bu hammaning ishi bo'lib, uni yoshlikdan, maktabgacha ta'lim muassasalaridan boshlash yanada yaxshi samaralar berishini esdan chiqarmaslik kerak.

SHARQ MUTAFAKKIRLARI EKOLOGIK TARBIYA HAQIDA

Berdiyeva Lobar Norqobulovna – Qashqadaryo VXTXQTMOI

Bugungi kunda insoniyatni xavf ostida solayotgan, tashvishlantirayotgan va global muammoga aylanib borayotgan muammolardan biri butun olamdagi ekologik vaziyat hisoblanadi. Ekologik muammolarning kelib chiqishiga asosiy sabab etib insonlarda ekologik madaniyat va ekologik ongning yetishmasligidir. Tabiatdagi yer osti va yer usti boyliklaridan oqilona foydalanmaslik, o'rmonlarning keskin kamayib ketishi, tabiatdagi suv va atmosferaning haddan ziyod ifloslanishi, chiqindi moddalarning keskin ortib ketishi muammolari yuzaga kelmoqda. Buning oqibatida esa ming yillar davomida turg'un bo'lgan tabiatga tabiiy holatda putur yetmoqda.

Ekologik ta'lim va tarbiyaning tub ma'nosi – tabiat va jamiyat o'rtasidagi doimiy birlik va ularni bir-birlariga bog'lovchi tabiiy hamda ijtimoiy qonunlarni o'rganish, hayotga tadbiiq qilishdan iboratdir.

Ekologik ta'lim va tarbiyaning maqsadi esa – insonni tabiatga qadam qo'ygan vaqtdan boshlab, butun hayoti davomida tabiatdan ongli ravishda foydalanishga, tabiatni ko'z qorachig'iday asrab-avaylashga o'rgatishdan iboratdir.

Ekologik tarbiyaga hozirgi kunda emas, balki o'tmish bobolarimiz ham alohida e'tibor qaratganlar. O'rta asrlarda yashab ijod etgan Sharq allomalaridan Abu Nasr Forobiy, Abu Rayxon Beruniy, Abu Ali ibn Sino va boshqa allomalarning asarlarida o'z ifodasini topgan. Ular hali ekologiya fani dunyoga

kelmagan davrda tabiat va undagi muvozanat, o'simliklar va hayvonot dunyosi, tabiatni e'zozlash haqidagi qimmatli fikrlarni aytganlar.

Sharq she'riyatining yirik vakili, faylasuf, matematik va astronom mavlono Umar Xayyom o'z asarlarida ekologik tarbiyaga alohida e'tibor qaratgan. U o'z asarlarida ulug' olim Abu Ali Ibn Sinoning ma'rifiy fikrlarini keng targ'ib etadi. Qo'lyozma to'plamlarida Umar Xayyom ruboiylarining soni yuztadan mingtagacha bo'lib, ularda xilma-xil, ba'zan bir-biriga zid g'oyalar ilgari suriladi.

Umar Xayyom ruboiylarining mavzu jihatdan bir necha guruhga ajratish mumkin. U avvalo tabiatshunos olim, astronom va faylasuf sifatida dunyoni bilishga, tabiat sirlarini tushunishga harakat qilgan. Bu dunyoda qanday yashash kerak, odamzod qaydan kelib, qaydan ketadi degan savollarga javob izlagan. Umar Xayyom dunyoning tuzilishi, unda insonning o'rni haqida mulohaza yuritar ekan, avvalo u inson dunyoda eng oily mavjudot ekanligini ta'kidlaydi.

*Dunyoning tilagi, samari ham biz,
Aql ko'zin qorasi, javhari ham biz.
To'garak jahonni uzuk deb bilsak,
Shaksiz uning ko'zi-gavhari ham biz.*

Mirzo Ulug'bek O'rta Osiyo xalqlari ilm-fani va madaniyatini jahon miqyosiga olib chiqqan, O'rta Osiyoda pedagogik fikr taraqqiyotiga munosib hissa qo'shgan ulug' siymolardan biridir. Mirzo Ulug'bekning pedagogika faniga qo'shgan hissasi shundan iboratki, u bevosita ilmiy-pedagogik qarashlari bilan odamlarni ilmi va ma'rifatli bo'lishga da'vat etadi. Ulug'bek o'zining falsafa tarixi, falakkiyot, matematika, geografiya, adabiyot fanlariga oid ko'p jildlik asarlarida o'z davri uchun muhim bo'lgan ilg'or pedagogik fikrlarni ilgari surdi, odamlarni o'zaro do'st va birodar, mehnatsevar va insonparvar, tinchliksevar va adolatparvar bo'lishga targ'ib etadi.

Mirzo Ulug'bek xalqning bilimli bo'lishini orzu targ'ib etadi, uni dunyo sirlaridan, boyliklaridan bahramand qilishni istaydi. U dunyoni bilish, anglash uchun uning sir-asrorlarini topish, shuning natijasida topgan boyliklarini xalqqa xizmat qildirish, buning uchun esa birinchi navbatda, bilim olish, uni hayotga tadbiiq etishni o'rganish zarurligini aytadi. Mirzo Ulug'bek inson qobiliyati va zakovatiga ishonadi.

Ulug'bek yosh avlodning tabiat haqidagi bilimlarni egallashi zarurligini alohida ta'kidlaydi. Uning uqtirishicha, fan va madaniyatning rivojlanishi bilan yurtda haqiqat va adolat barqarorlashadi. U tabiat haqidagi bilimlarni quyidagi masalarni hal etish bilan bog'laydi: joyning jo'g'rifik yo'nalishlarini aniqlash, Quyosh balandligini aniqlash, xaritalar tuzish, ob-havoga aniq ma'lumotlar berish.

Tabiat hodisalarini to'g'ri sharhlashga, inson bilan tabiat munosabatlarini to'g'ri tushunishga harakat qiladi.

"Manas" dostonida tabiat tasviri alohida o'rinni egallaydi. Bu tasvirda faqat uning go'zalliklaridan bahra va zavq olishgina emas, ayni paytda, tabiat ko'rinishi Vatan va yurt tushunchalari bilan uyg'un holda aks ettirilgan. Manas Vatanni mana bunday tasvirlaydi:

*Bulutlarga yetib boshlari,
Bo'zarib turar askari
Ko'kka tegib boshlari
Ko'karib turar askari*

*Tog'lari tutash qalim qor,
Qalin o'tloq, o'rmonzor.
O'rmonida xilma-xil,
To'lib ketgan jonivor,*

*Qo'ltig'ida quyosh ko'p,
Soylarida ilon ko'p.
Tik tog'ida taka bor,
To'qayida bug'u bor.
Adirida alqor bor,*

*Tuzlarida tulki bor,
Dalasida qulon bor.
Bulbuli qiyib sayrasa,
Yayragaday munglig' jon,
Munglug' jonki yayrasa,
Bas, juda soz bu makon.*

Xulosa shuki, o'quvchilarni ekologik tarbiyalashda Sharq mutafakkirlarining merosidan foydalanish muhim o'rin tutadi va ijobiy natijasini beradi.

4-SINF TABIATSHUNOSLIK DARSLIGIDAGI “KANALLAR, KO'LLAR” MAVZUSI ORQALI EKOLOGIK TARBIYA BERISH
*Moxidil Safarova Ahmadovna - O'zbekiston QXTXQTMOI Maktabgacha,
boshlang'ich va maxsus ta'lim fanlari kafedrasi o'qituvchilari*

Ekologik tarbiya hozirgi kundagi muhim tarbiya turlaridan hisoblanadi. Ekologik tarbiya berib borishda o'qituvchi, ota-ona muhim rol o'ynaydi. Shu bilan birga ekologik tarbiya oilada emas, barcha darslar jarayonida o'rgatib boriladi. Darsning maqsadlaridan kelib chiqib, tarbiyaviy maqsadlar tanlanadi. Tanlangan maqsadlar asosida dars tashkil etiladi. Mana shunday darslardan biri bo'lgan 4-sinf tabiatshunoslik darsligidagi “Kanallar, ko'llar” mavzusining namunasi keltiramiz.

Mavzu: Kanallar, ko'llar

Darsning maqsadlari:

a) **Ta'limiy maqsad:** Mamlakatimizda joylashgan kanallar, ko'llar haqida ma'lumot brish;

b) **Tarbiyaviy maqsad:** O'quvchilarni suvni asrab avaylashga o'rgatish, do'stlik, o'rtoqlik ruhida tarbiyalash;

Tashkiliy qism: a) Salomlashish

b) O'quvchilarning davomatini aniqlash;

c) O'quvchilarning darsga tayyorgarligini tekshirish

Darsning turi: Yangi bilim beruvchi

Darsning usuli: Interfaol metodlar

Darsning jihozi: Bahromov A. Tabiatshunoslik. T.: Sharq. 2014. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik. 44-46- bet. Darsga oid ko'rgazmalar, tarqatma materiallar.

Tayanch tushunchalar:

Daryo, kanal, ko'l, baliq turlari, suvsizlik.

Darsning borishi:

O'tgan mavzuni mustahkamlash:

O'tilgan mavzu og'zaki **savol-javob** metodi orqali mustahkamlanadi.

1. Daryolar qanday hosil bo'ladi?
2. O'zbekiston hududidagi tog' yonbag'irlarida qanday o'simliklar o'sadi?
3. O'zbekistondagi eng uzun daryo?
4. Amudaryoning uzunligi?
5. Soy deb nimaga aytiladi?
6. O'lkamiz daryo va soylarida qnday baliq turlari uchraydi?.

Yangi mavzuning bayoni:

Daryolardan foydalanish har doim qulay emas. Ko'p joylarda unumdor yerlar mavjud, ammo suv yo'q. odamlar bunday joylarga kanallar qazishgan.

KANAL-INSON TOMONIDAN QAZILGAN SUV YO'LI.

Inson suvsizlikdan qaqrab yotgan cho'llarda kanallar qazib, u joylarnibo'stonga aylantirdi, shahar va qishloqlarni bunyod etdi.

Kanallar suvni daryolardan oladi. Kanallar orqali daryolar bir-biri bilan tutashtirilishi mumkin. O'lkamizda aholini suv bilan ta'minlash, ekin maydonlarini kengaytirish maqsadida juda ko'p kanallar qazilgan.

RESPUBLIKAMIZDAGI ENG KATTA KANAL FARG'ONA VODIYSIDAGI KATTA FARG'ONA

Aholini suv bilan ta'minlaydigan katta kanallar



Kanallarda uchraydigan ba'zi baliq turlari




Ko'llar

Yer uzuda tabiiy ravishda vujuga kelgan katta chuqurliklar ko'p. Bunday joylarda suv to'planib, ko'llar hosil bo'lgan.

Ko'l- tabiiy ravishda vujudga kelgan chuqurlikda to'planib qolgan katta miqdordagi suv.

Ko'l bilan dengizni farqlay olish kerak. Dengiz okean bilan tutashgan bo'lib, suvi sho'r va taxir bo'ladi. Ko'l esa okean bilan tutashmaydi, suvi ichishga yaraydi.

O'lkamizdagi Orol dengizi ham aslida ko'ldir. Chunki u okean bilan tutashmagan. Egallagan maydoni katta va suvi sho'r bo'lgani uchun uni dengiz deb atashga o'rganib qolishgan.



Dars yakuni: faol qatnashgan o'quvchilar rag'batlantiriladi va ballari e'lon qilinadi.

Uyga vazifa: Mavzuni o'qib o'rganib kelish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Mavlonova R. va boshqalar. Pedagogika T.: O'qituvchi. 2010 y.
2. Bahromov A. Tabiatshunoslik. T.: Sharq. 2014. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik. 44-46- bet.

O'QUVCHILARNI EKOLOGIK TARBIYALASHDA "YOSH TABIATSHUNOSLAR" TO'GARAGINING O'RNI

Manzura Muhammadiyeva, Shuhrat Temirov – QDU Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasi o'qituvchisi

Fan- texnika rivojlanishi bilan insoniyat misli ko'rilmagan yutuqlarga erishmoqda. Ammo yutuqlarga erishish barobarida tabiatga katta zarar ham yetkazmoqda. Tabiatdagi unsurlardan oqilona foydalanmaslik, ekologik bilim va madaniyatning yetishmasligi natijasida tabiat va insoniyat o'rtasida katta muammolar vujudga kelmoqda. Masalan, daraxtlarning haddan ziyod kesilishi, daryolar o'zanining o'zgartilishi, dengiz va daryolarga neft qoldiqlarining oqizilishi, hayvonlarni me'yoridan ortiq ovlanishi, shaharlarning kengashi, cho'llarning o'zlashtirishili natijasida ekologik muammolar yuzaga kelmoqda. Xo'sh, bunday muammolarning oldini olish uchun qanday vazifalarni bajarmoq kerak?

1. Har bir insonda ekologik ong va ekologik madaniyatni shakllantirish lozim.
2. Tabiat bilan qanday munosabatda bo'lish kerakligini o'rgatib borish;
3. Ekologik ta'lim, tarbiya dars jarayonida emas, balki sinfdan va maktabdan tashqari ishlar davomida amalga oshirilishi lozim.

Maktabdan tashqari ishlar o'quvchilar bilan olib boriladigan, maxsus tashkil etilgan muassasalar tomonidan uyushtiriladigan ta'lim – tarbiya va ma'naviy ishlardan iboratdir. O'quvchilar bilan olib boriladigan maktabdan tashqari ishlar ta'lim – tarbiya jarayonining ajralmas tarkibiy qismidir. Maktabdan tashqari ishlarni o'z ichiga olgan to'garaklar quyidagi turlarga bo'linadi.

- fan to'garaklari;
- kasb – hunar to'garaklari;
- sport to'garaklari;
- san'at yo'nalishidagi to'garaklar.

Maktabda tarbiyaviy ishlarni aniq rejalashtirmasdan uning mazmuni, shakl va usullarini aniqlamasdan, ma'lum bir tizimga solmasdan turib ko'zda tutilgan maqsadga erishish qiyin.

Maktabdan tashqari ishlar davomida o'quvchilarni tabiatni asrash ruhida tarbiyalanganligi asosan tarbiya maqsad va vazifalaridan kelib chiqqan holda topshirilgan ishlarga nisbatan o'quvchi tomonidan bildirilgan munosabatiga qarab, quyidagi o'lchov mezonlari orqali aniqlanadi: o'quvchiga topshirilgan ishga nisbatan mustaqil harakati, tashabbuskorlik, javobgarlik hissini his etishi va ishni tez va sifatli bajarishi. Bu tarbiyaviy jarayonni amalga oshirishda o'qituvchi va to'garak rahbari faol rol o'ynaydi. O'quvchilar turli xil to'garaklarda

qatnashishlari mumkin. Mana shu to'garaklarda o'quvchilar o'rtasida musobaqa tashkil etish mumkin.

Maktabdan tashqari ishlarga o'quvchilarning o'zaro jamoa bo'lib mehnati natijasida mahsulot soni va xizmat turlarini oshirish mumkinligini o'rgatish lozim. O'quvchilarning tabiat bag'riga sayohati, o'simliklardan gerbariylar tayyorlashlari, "Jonli burchaklar"ni tashkil etishlari, tabiat hodisalariga oid ma'lumotlarni to'plashlari, hovlilar va ko'chatlarni tartibga keltirishlarida ko'rishimiz mumkin.

Maktabdan tashqari ishlarda boshlang'ich sinf o'quvchilariga ekologik tarbiya berish bo'yicha bajariladigan ishlar rejasi o'qituvchi va to'garak rahbari bilan birga tuzib chiqish mumkin.

“Yosh tabiatshunoslar” to'garagining taxminiy faoliyat ish rejasi:

№	Bajariladigan ishlar	Vaqt	Bajaruvchi shaxs
1	Tabiat bilan tanishtirish	Har doim	To'garak rahbari, o'quvchilar
2	Bahor oyidagi o'zgarishlar haqida ma'lumotlar berish va shu asosda rasm ishlash	Mart	To'garak rahbari, o'quvchilar
3	O'quvchilarni ko'chat o'tqazishga o'rgatish	Mart	To'garak rahbari
4	O'quvchilar bilan dorivor o'simlik va urug'lar yig'ish, gullarni o'stirishni yo'lga qo'yish.	Yil davomida	To'garak rahbari, o'quvchilar
5	Tabiat hodisalari bilan tanishtirish	Yil davomida	To'garak rahbari, o'quvchilar
6	Hayvonot va o'simliklar olami bilan tanishtirish	April oyida	To'garak rahbari, o'quvchilar
7	“Tabiatni asrash har birimizning burchimiz” mavzusida tadbir tashkil etish	May oyida	To'garak rahbari, o'quvchilar
8	O'zbekistonning “Qizil kitobi” bilan tanishtirish va undagi hayvonlar, o'simliklar maketini yasash	Sentabr	To'garak rahbari, o'quvchilar
9	Tabiat bag'riga sayohat va sayohat asosida qayta hikoyalash	Oktabr	To'garak rahbari, o'quvchilar
10	Tabiatdagi yer osti va yer usti boyliklar bilan tanishtirish	Noyabr	To'garak rahbari, o'quvchilar
11	“Jonli burchak” ni tashkil etish	Yil davomida	To'garak rahbari, o'quvchilar

O'quvchilarni ekologik tarbiyasida bu kabi to'garaklarning o'rni juda muhim hisoblanadi. Bu to'garaklarda o'quvchilar tabiat va undagi hodisalar bilan tanishadilar, tabiatga bo'lgan munosabatni o'rganib boradilar.

JISMONIY MADANIYAT KADRLARINING MALAKA OSHIRISH VA QAYTA TAYYORLASH JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI

SamISI o'qituvchisi M.A.Hotamov

“Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” ni hayotga tadbiiq etishning ustuvor yo'nalishlaridan biri oliy ta'lim muassasalarida va kashunar kollej va akademik litseylarda faoliyat ko'rsatayotgan pedagogik xodimlar salohiyatini zamon

talablari darajasiga ko'tarishdan iborat. Jismoniy madaniyat o'qituvchi-mutaxassislarining, ustoz-murabbiylarning chuqur bilim, boy tajriba, yuksak malaka va yuqori mahoratga ega bo'lishi, har tomonlama yetuk, ma'naviy barkamol kadrlar tayyorlash garovidir. Zero ustozlar har jixatdan shogirtlariga namuna bo'la olsagina kelajakda ishonchli zamin tayyorlanadi. Bunga erishish uchun o'qituvchilar tinimsiz izlanishlari, o'z bilim va malakalarining oshirib borishining barcha imkoniyat va vositalaridan samarali foydalanishlari zarur.

O'zbekistonning kelajagi bo'lmish yoshlarni aqlan yetuk, ruxan tetik, jismonan baquvvat va sog'lom qilib voyaga yetkazish bilan birga ularning o'zlaridagi mavjud iste'dod va iqtidorni namayon etishlariga alohida etibor berish lozim. O'zbekiston Davlat Jismoniy tarbiya instituti tasarrufidagi malaka oshirish tinglovchilariga o'z o'quv muassasalariga jismoniy madaniyat, sport sog'lomlashtirish, ishlarini rivojlantirish, ta'lim olayotgan talabalarning sport turlariga qiziqishini oshirish, bilimi, ko'nikma va malakalarini mustaxkamlash davr talabi ekanligini qayta-qayta tushuntiriladi.

Respublikamiz oliy o'quv yurtlari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari jismoniy madaniyat tizimini takomillashtirish uchun quyidagilarga alohida e'tibor berish lozim.

➤ Jismoniy madaniyat ta'limi barchaning imkoniyatini mosligi va ommaviylikini ta'minlashi lozim.

➤ Jismoniy madaniyat ta'limi mazmunini muvofiqligini ta'minlash jismoniy madaniyat sohasidagi bilimlarni jahon darajasiga olib chiqishlari lozim.

➤ Darsdan tashqari vaqtlarda jismoniy madaniyat mashqlari bilan shug'ullanishni takomillashtirish lozim.

➤ Xaqiqiy sport to'garaklari fakultativlar tashkil qilish lozim.

➤ Ommaviy sport sog'lomlashtirish tadbirlari bayramlarda sport turlari bo'yicha musobaqalar va boshqa sport tadbirlarini muntazam ravishda tashkil qilish shart.

➤ Talabalardan so'rovnomalar va anketa yo'li bilan jismoniy madaniyat faniga munosabatlarini urganib, ularni talabiga mos ravishda olib borish kerak.

Malaka oshirish va qayta tayyorlash markazlari jismoniy madaniyat tizimini takomillashtirish maqsadida nazariy bilimlar berish bilan birga tinglovchilarning intellektual salohiyatini zamon talablari darajasida rivojlantirib borishga ahamiyat bermoqda. Ushbu maqsaddan kelib chiqib talabalarga davlatimiz kadrlar siyosatini ijtimoiy, madaniy-ma'naviy hayotdagi dolzarb muammolarni qamrab oluvchi mavzular kiritilgan.

Chunki jismoniy madaniyat rahbarlari, o'qituvchi va mutaxassislari albatta bo'lishi lozim. Bundan tashqari jismoniy madaniyat rahbarlarida boshqarish san'ati mukammal shakllangan bo'lishi kerak. Shu bois ham malaka oshirish va qayta tayyorlash markazlari o'quv rejasida "Sport psixologiyasi", "Pedagogik mahorat" va "Jismoniy tarbiya harakatini tashkil qilish va boshqarish" bo'yicha ma'ro'zalar va davra suhbatlari olib boriladi.

Bundan tashqari, bugungi kunda moddiy texnika bazasini mustaxkamlash hamda o'quv jarayoniga ilg'or pedagogik texnologiyani kengroq olib kirish masalasiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu o'rinda tinglovchilarning bilimi, olgan yangiliklari va qaysi darslar ma'qul bo'lgani yoki ma'qul bo'lmagani uning sabablarini so'rovnomalar va anketalar yo'li bilan o'rganish hamda ularni taxlil qilib

o‘rganish va hayotga tadbiiq etish kelgusida samarali natijalarga erishish mumkin. Jismoniy madaniyat tizimi samaradorligini oshirish ko‘proq malaka oshirish va qayta tayyorlash markazlar tizimini yanada kuchaytirish bilan bog‘liqdir.

TASODIFIY MIQDORLARNING BOG‘LIQ BO‘LMASLIGI HAQIDAGI GIPOTEZANI TEKSHIRISH.

Samarqand davlat universiteti 1-kurs magistranti M.Murtazayev

Annotatsiya

Maqolada ikkita tasodifiy miqdorning bog‘liq bo‘lmasligi haqidagi gipoteza Pirsonning xi- kvadratik kriteriysi yordamida tekshiriladi.

Faraz qilaylik, n ta tajriba o‘tkazilgan bo‘lib, natijalari X va Y diskret tasodifiy miqdorlar bo‘lsin. Ularning mumkin bo‘lgan qiymatlari mos ravishda x_1, x_2, \dots, x_k va y_1, y_2, \dots, y_e bo‘lsin. X miqdor x_i qiymatni qabul qilgan, ya‘ni $X = x_i$ ($i = 1, 2, \dots, k$) bo‘lgan va Y miqdor y_j qiymatni qabul qilgan, ya‘ni $Y = y_j$ ($j = 1, 2, \dots, e$) bo‘lgan tajribalar sonini n_{ij} bilan belgilaymiz. Agar X va Y lar uzluksiz tasodifiy miqdorlar bo‘lsa, u holda har birining o‘zgarish sohasi chekli sondagi intervallarga ajratiladi. Bu holda n_{ij} – X tasodifiy miqdor i –intervalga, Y tasodifiy miqdor esa j –intervalga tushgan tajribalar soni bo‘ladi. n ta tajriba natijalarini quyidagi jadval ko‘rinishida tasvirlash mumkin.

$Y \backslash X$	y_1	y_2	...	y_e	$\sum_{j=1}^e n_{ij} = n_{i.}$
x_1	n_{11}	n_{12}	...	n_{1e}	$n_{1.}$
x_2	n_{21}	n_{22}	...	n_{2e}	$n_{2.}$
...
x_k	n_{k1}	n_{k2}	...	n_{ke}	$n_{k.}$
$\sum_{i=1}^k n_{ij} = n_{.j}$	$n_{.1}$	$n_{.2}$...	$n_{.e}$	$n_{..} = n$

X va Y tasodifiy miqdorlarning bog‘liq emasligini tasdiqlaydigan H_0 gipoteza tekshiriladi. Agar H_0 gipoteza to‘g‘ri bo‘lsa, u holda ta‘rifga ko‘ra

$$P(X = x_i, Y = y_j) = P(X = x_i)P(Y = y_j) = p_i q_j$$

$\hat{p}_i = \frac{n_{i.}}{n}$ va $\hat{q}_j = \frac{n_{.j}}{n}$ lar p_i va q_j ehtimollarning baholari bo‘lsin.

Agar H_0 gipoteza to‘g‘ri bo‘lsa, u holda X tasodifiy miqdor i -intervalga, Y tasodifiy miqdor esa j -intervalga tushishi kutilayotgan tajribalar soni

$$\hat{n}_{ij} = n \hat{p}_i \hat{q}_j = \frac{n_{i.} n_{.j}}{n}$$

ga teng bo‘ladi.

H_0 gipotezani χ^2 kriteriy bo‘yicha tekshirish uchun quyidagi statistikadan foydalaniladi:

$$\chi^2 = \sum_{i=1}^k \sum_{j=1}^e \frac{(n_{ij} - \hat{n}_{ij})^2}{\hat{n}_{ij}} \quad (*)$$

H_0 gipoteza to'g'ri, kutilayotgan barcha chastotalar esa $n_{ij} \geq 4, i = 1, 2, \dots, k; j = 1, 2, \dots, e$ shartlarda (*) statistika $(k-1)(e-1)$ ozodlik darajali χ^2 taqsimotga ega bo'ladi [1].

Berilgan α qiymatdorlik darajasida X va Y tasodifiy miqdorlar bog'liq bo'lmasligi haqidagi H_0 gipotezani tekshirish uchun kriteriyning kuzatish ma'lumotlari bo'yicha

$$\chi_{kuzat}^2 = \sum_{i=1}^k \sum_{j=1}^e \frac{(n_{ij} - \hat{n}_{ij})^2}{\hat{n}_{ij}}$$

kuzatilgan (tanlanma) qiymatini hisoblash va χ^2 taqsimotning kritik nuqtalari jadvalidan beligan α qiymatdorlik darajasi va $S = (k-1)(e-1)$ ozodlik darajalari soni bo'yicha $\chi_{kr}^2(\alpha, s)$ kritik nuqta topiladi.

Agar $\chi_{kuzat}^2 < \chi_{kr}^2(\alpha, s)$ bo'lsa, H_0 gipoteza qabul qilinadi; agar $\chi_{kuzat}^2 \geq \chi_{kr}^2(\alpha, s)$ bo'lsa, H_0 gipoteza rad qilinadi.

(*) statistikaning kuzatilgan qiymatini (χ_{kuzat}^2) ni hisoblashda

$$\chi_{kuzat}^2 = n \left(\sum_{i=1}^k \sum_{j=1}^e \frac{n_{ij}^2}{n_i \cdot n_j} - 1 \right) = n \left(\sum_{i=1}^k \frac{1}{n_i} \left(\sum_{j=1}^e \frac{n_{ij}^2}{n_j} \right) - 1 \right)$$

formuladan foydalanish qulay bo'ladi.

Eslatma. 1. Agar jadvalning barcha kataklarida kutilayotgan chastotalar $\hat{n}_{ij} \geq 4$ shartni qanoatlantirmasa, u holda satr va ustunlar qo'shnilarining mos satr va ustunlari bilan birlashtirilishi lozim.

2. Agar $s = (k-1)(e-1) \geq 8$ va $n \geq 40$ bo'lsa, u holda kuzatilayotgan chastotalarning mumkin bo'lgan minimal qiymati birga teng bo'lishi mumkin.

Ko'pchilik hollarda bir nechta tanlamalarning bir jinsligi haqidagi gipotezani yoki boshqacha so'z bilan aytganda bu tanlanmalar bitta bosh to'plamdan olinganligi haqidagi gipotezani tekshirish talab qilinadi. Agar k ta turli n_1, n_2, \dots, n_k hajmli tanlanmalarni yuqoridagi jadval ko'rinishida yozish mumkin bo'lib, ularning bir jinsliligi tekshiriladigan bo'lsa, u holda tekshirish uchun ikkita belgining bog'liq bo'lmasligini tekshirish kriteriysidan foydalaniladi.

OMMAVIY MADANIYATNING YOSHLAR HAYOTIGA TA'SIRI

D.Xamdanova, 201-GKK guruhi talabasi,

Ilmiy rahbar o'qituvchi M.O.Ibragimova

Bugungi kunning dolzarb muammolaridan biriga aylanib borayotgan mavzu "ommaviy madaniyat", "ommaviy madaniyatning yoshlar hayotiga ta'siri" kabi jihatlar- tushunchalardir. Xo'sh ommaviy madaniyat nima o'zi, uning bugungi kunda bu qadar keskin tanqid qilinishining boisi nimada? Nega biz uning faqat salbiy tomonlarinigina ko'ryapmiz? Axir ommaviy madaniyatning ijobiy tomonlari ham bor-ku? Nima uchun bu haqda kam so'z yuritilyapti? Avvalo, keling ommaviy madaniyat tushunchasiga madaniyatshunoslik darsligida berilgan ta'rif bilan tanishib chiqsak, unda: "ommaviy madaniyat- barcha uchun tushunarli, barcha foydalana oladigan, butun ommani har tomonlama qoniqtira oladigan madaniyat turidir"shaklida ta'rif beriladi. Modomiki, shunday ekan, bu ta'rifning

qaysi jihatlarini salbiy tomonga yo'yamiz? Demak ta'rifda izoh berilishicha, ommaviy madaniyat hamma xalqlar talablariga, ma'naviy ehtiyojlariga javob beradigan bo'lishi kerak.

Darhaqiqat, hozirda mobil telefon, kompyuter orqali turli, milliyligimizga yot bo'lgan har xil mavzudagi kliplar, qo'shiqlar, rasmlarni tomosha qilish yoshlarning kundalik hayotidagi oddiy holatlardan biriga aylanib bormoqda. Yoshlarimizning bugungi kundagi zamonaviy telefon, smartfonlariga shu qadar bog'lanib qolganki, butun dunyo go'yo shu matohga bog'lanib, hayotining mazmuniga aylangandek. Hozirgi kunda texnika va telekommunikatsiya rivojlangani sari ijtimoiy tarmoqlar ham soat sayin ortib borayapti. WhatsApp, telegram, viber, imo kabi tarmoqlarida yoshlarning soatlab do'stlari bilan, ba'zan mutlaqo begona bo'lgan guruhlariga bilib-bilmay qo'shib qolayotgani hech birimizga sir emas. Bundan bir necha yil muqaddam "Одноклассники" sayti yoshlarimizni shu tarzda o'ziga jalb etgan edi. Ommaviy madaniyat niqobi ostida kirib kelgan selfimaniya ham bugungi kunda faqat o'zbekistonliklar uchun emas, balki butun dunyoni tahlikaga solib kelmoqda. (selfimaniya – o'zini – o'zi su'ratga olish). Selfimaniya oqibatida ba'zi ko'ngilsiz hodisalar vham yuz berib turibdi. Qaysidir davlatda ikki qizning poezd ustida selfi qilish oqibatida dunyodan ko'z yumganini eshitib, insonningyuragi junbushga keladi. Bularning barchasini ko'rib, mana shunday rivojlangan bir davrda ulardan to'g'ri, oqilona foydalansa ham bo'ladi-ku, degan fikr keladi hayolinga va yurtboshimizni shunday so'zlari yodimga tushadi: "internetni katta bir do'konga o'xshataman. Bu do'konga kirgan odam o'ziga kerakli molni harid qiladi. Lekin, gap mana shu do'kondan nimani harid qilib olishiga bog'liq". Haqiqatan ham, internet turfa molar sotiladigan do'konga o'xshaydi. Undan biz o'zimiz uchun zaruru bo'lgan ma'lumotlarni olsak, yohud uzoqlarda bo'lgan tanishlarimizdan xabar olib tursak, hech qanday oqimlarga ishonmay, o'zimiz tanlagan yo'limizda davom etsak, hech kim bizni to'g'ri yo'ldan adashtira olmaydi. Shunday bo'lsa-da, ogohlik davr talabi. Shu sababli yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarsi tamoyillarini qaror toptirish, ularni giyohvandlik, ahloqsizlik, chetdan kirib kelayotgan har xil zararli ta'sirlardan, "ommaviy madaniyat" niqobi ostidagi tahdid va xatarlardan asrash masalalari bir zum ham e'tiborimizdan chetda qolmasligi darkor".

"Ommaviy madaniyat" degan tushunchani, uning salbiy oqibatlariga olib kelishi mumkinligini ayni paytda uning ijobiy tomonlari ham mavjudligini, boshlang'ich sinflardan sodda ko'rinishlar bilan tushuntirishni boshlash va bu ishni ta'limning boshqa bo'g'inlariga ham bosqichma – bosqich tushuntirish lozim.

Shunday ekan, har qanday voqea – hodisani, tushunchani mutlaqo yomon, yoki mutlaqo yaxshi deb bo'lmaydi. Bugungi kunda bizga kerak emas deb inson o'zini qafasdagi qushga o'xshatib, butun dunyo yangiliklari-yu, jahonda sodir bo'layotgan jarayonlardan bexabar qolishi ham maqsadga muvofiq emas. Har qanday voqe'likni chuqur tahlil qilib, uning umumbashariy jihatlaridan maqsadga muvofiq foydalanish lozim. "Ommaviy madaniyat" niqobi ostida kirib kelayotgan o'z mentalitetimiz, milliy urf-odatlarimiz va sof diniy qarashlarimizga zid keluvchi g'oya va mafkuralarga berilmasligimiz bugungi kunning zamon talabidir.

O'ZBEKISTONDA CHIZMA GEOMETRIYA VA CHIZMACHILIK FANINING RIVOJLANISHI VA O'QITILISH TARIXI

Dotsent B.B.Qulnazarov, ass. M.R.Norqulova (SamDAQI)

Chizma geometriya fani boshqa fanlar singari insonning mehnat faoliyati natijasida paydo bo'lgan. Ma'lumki, 1918 yilda O'rta Osiyo va Qozog'istondagi birinchi tashkil qilingan Oliy o'quv yurti Turkiston Halq Universiteti (Hozirgi O'zbekiston milliy universiteti) hisoblanadi. Keyinchalik 1920 yilda bu universitet Turkiston Davlat universiteti deb nomlandi. Bu O'rta Osiyo Respublikalarida xalq maorifi va Oliy maktab rivojlanishining asosi bo'ldi. Universitetda texnika va qishloq xo'jaligi fakultetlari tashkil yetilib mexanik va gidrotexnik inshootlar, qurilish yo'nalishlari bo'yicha mutaxassis muhandis(injener)lar tayyorlandi. Universitetning texnika va qurilish inshootlari yo'nalishlari talabalariga fundamental tabiiy fanlar va umum muhandis(injener)lik fanlari bilan bir qatorda chizma geometriya fani ham o'qitila boshlandi. Usha vaqtdan boshlab mamlakatimiz oliy o'quv yurtlarida hozirgi vaqtgacha «Chizma geometriya» va «Chizmachilik» fanlari o'qitilib kelinayapti deb hisoblash mumkin. 1923 yilda universitetning texnika fakulteti muhandis - meliorativ fakultetiga aylantirildi. Dastlab chizma geometriya va chizmachilik fanlari birgalikda o'qitilib, o'quv jarayonida chizmalarni chizish va ularni o'qiy olishga qaratilgan edi.

M.Ya.Gromov 1941-1945 yillarda Toshkent Irrigasiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandis(injener)lar instituti (hozirgi Toshkent Irrigatsiya va Meliorasiya instituti) «Chizma geometriya va mashinasozlik chizmachiligi» kafedrasida mudir bo'lib ishlab, u shu yillarda O'rta Osiyo politexnika instituti (hozirgi Toshkent Davlat texnika universiteti)ga chizma geometriyadan ma'ruza(leksiya)lar o'qiganlar.

1941-1945 yillarda professor V.O.Gordon (1892-1971) Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti «Chizma geometriya va chizmachilik» kafedrasiga rahbarlik qildi. U shu davrda o'zining ilmiy va pedagogik faoliyatida chizma geometriya fanini nazariy va umumta'lim maktablarida o'qitiladigan «Chizmachilik» fani (predmeti)ni metodik tomondan rivojlantirishga katta hissa qo'shgan. Shu yillarda V.O.Gordon 1935 yilda chop yetilgan «Chizma geometriya kursi» darsligini qayti ishlab ko'pgina mavzularni nazariy tomondan boyitdi va chop yettirdi. Hozirgi kunda bu kitob 23 marta qayta nashr qilinib, Rossiya oliy texnika o'quv yurtlari uchun asosiy klassik darsliklardan biri hisob kelinmoqda.

Professor, texnika fanlari nomzodi, Xorunov Raxim Xorunovich (1911-1992). U 1911 yilda Toshkent shahrida tug'ilgan. Toshkent pedagogika texnikumiga o'qishga kirib uni 1929 yilda tugatgan. 1929-1931 yillar Toshkent viloyati Angren rayonida o'qituvchi bo'lib ishlagan. 1931-1936 yillarda Toshkent temir yo'llari transporti institutida o'qigan. O'qishni tugatib Samarqand shahar deposida muhandis bo'lib ishlagan. 1939 yildan boshlab TTYMda «Chizma geometriya va grafika» kafedrasida o'qituvchilik qilgan.

Dosent Yusifjon Qirg'izboyev (1912 – 1995) (TTESI). U kishi Toshkent To'qimachilik va Yengil canoati institutida chizma geometriya va muhandislik grafikasi kafedrasiga mudirlik qilib, 1955 yilda Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat Pedagogika institutida chizma geometriya va chizmachilik kafedrasini tashkil qilgan va 0,5 shtat birligi(stavka)da ishlaganlar. U kishi bu yerda maruzalar

o'qib talabalarni har tomonlama tarbiyalashga o'z hissasini qo'shganlar. U kishining grafika fanlari bo'yicha ta'limini olgan o'quvchilaridan A.Tojiboyev, I.Raxmonov, M.Isayeva, I. Ismoilov, P.Odilov, R. Ismatullayev kabi yetuk mutaxassislarni Respublikamizning oily maktablari uchun tayyorlaganlar.

$M|G|1|N$ XIZMAT KO'RSATISH TARMOG'I BANDLIK DAVRI O'RTA QIYMATINING ASIMPTOTIK HOLATI VA UNING TADBIGQI

*H. Qurbonov, dots., Z. Madatova, magistr
(SamDU, mexanika-matematika fakulteti)*

Bir kanalli xizmat ko'rsatish sistemasiga λ parametrli Puasson talablar oqimi kelib tushayotgan bo'lsin. Talablarga ularning kelish tartibida xizmat ko'rsatiladi. Xizmat ko'rsatish vaqti uzunliklari bog'liq bo'lmagan va bir xil taqsimlangan tasodifiy miqdorlar bo'lib, $B(x)$ [$B(+0) = 0$] taqsimotga va μ^{-1} o'rta qiymatga ega. Sistemaning kutish joylari soni N ga ($N \geq 1$) teng, ya'ni bir paytning o'zida sistemada xizmat ko'rsatilayotgan talab bilan birga $N + 1$ ta talab bo'lishi mumkin. Ushbu sistema odatda, $M|G|1|N$ orqali belgilanadi.

Quyidagi belgilashlarni kiritamiz:

$\rho = \lambda\mu^{-1}$ – sistemaning yuklanishi;

ζ_k – $M|G|1|k$, $k = \overline{1, N}$, sistemaning bandlik davri, ya'ni sistema uzluksiz xizmat bilan band bo'lgan vaqt uzunligi;

ξ_N – sistemaning statsionar navbat uzunligi;

$$\sigma^2 = \int_0^{\infty} x^2 dB(x),$$

$$\bar{b}(s) = \int_0^{\infty} e^{-sx} dB(x), \quad \text{Res} > 0,$$

$$\bar{g}_N(s) = \int_0^{\infty} e^{-sx} dP(\zeta_k < x), \quad \text{Res} > 0,$$

$$P_N(k) = P(\xi_N = k), \quad k = \overline{0, N+1}.$$

[4] ishda $\bar{g}_N(s)$ va $M\zeta_N$ larni aniqlovchi formulalar hosila funksiyalar orqali ifodalangan va amalyotda ulardan bevosita foydalanish imkoniyati yo'q.

Ushbu ishda $M\zeta_N$ ning $N \rightarrow \infty$ va $\rho \rightarrow 1$ dagi asimptotik holati o'rganiladi va uning tatbiqi sifatida ξ_N ning taqsimot funksiyasi uchun o'tish holatlari qaraladi. $M\zeta_N$ uchun olingan munosabatdan xususiy holda $N = \infty$ da [1] (62-bet) ishdagi natija kelib chiqadi.

1-teorema. $N \rightarrow \infty$ va $\rho \rightarrow 1$ da ushbu munosabat o'rinli:

$$\sqrt{M\zeta_N} = \frac{1 - b^{-N}}{\lambda(1 - \rho)} + \bar{\theta}(N, \rho)(1 - \rho), \quad (1)$$

bu yerda

$$b = 1 + \frac{2(1 - \rho)}{\lambda^2 \sigma^2}, \quad \limsup_{N, \rho} |\bar{\theta}(N, \rho)| < \infty.$$

Izoh. Ushbu teoremada va bundan keyingi hamma joyda $\rho \rightarrow 1$ munosabat $\lambda \rightarrow \mu$ sifatida tushuniladi.

Isbot. [3] ishda quyidagi tenglik isbotlangan:
ixtiyoriy N va ρ uchun $s \rightarrow 0$ da

$$\bar{g}_N(s) = \frac{p_2 p_1^N (1-p_1) + p_1 p_2^N (p_2-1)}{p_1^N (1-p_1) + p_2^N (p_2-1)} + \theta(N, \rho, s)(1-\rho)s, \quad (2)$$

bu yerda

$$p_{1,2} = 1 + \frac{s}{\lambda} + \frac{1-\rho \pm \sqrt{(1-\rho)^2 + 2\lambda\sigma^2 s}}{\lambda^2\sigma^2},$$

$$\lim_{s \rightarrow 0} \max_{N, \rho} |\bar{\theta}(N, \rho, s)| < \infty.$$

(2) dan quyidagi tenglikka ega bo'lamiz:

$$\frac{1 - \bar{g}_N(s)}{s} = \frac{(1-p_1)(p_2-1)(p_2^N - p_1^N)}{s[p_1^N(1-p_1) + p_2^N(p_2-1)]} + \theta(N, \rho, s)(1-\rho) \quad (3).$$

$s \rightarrow 0$ da ixtiyoriy fiksirlangan N va ρ lar uchun ushbu munosabatlarga ega bo'lamiz:

$$\frac{1 - \bar{g}_N(s)}{s} = -\bar{g}'_N(0) = M\zeta_N, \quad (4)$$

$$\rho < 1 \text{ da}$$

$$\frac{1-p_1}{s} = -\frac{1}{\lambda} + \frac{2}{\lambda(1-\rho \pm \sqrt{(1-\rho)^2 + 2\lambda\sigma^2 s})} \rightarrow \frac{1}{\lambda(1-\rho)} \quad (5)$$

$$p_2 \rightarrow 1 + \frac{2(1-\rho)}{\lambda^2\sigma^2} = b,$$

$\rho > 1$ da

$$p_1 \rightarrow 1 - \frac{2(\rho-1)}{\lambda^2\sigma^2} = b,$$

$$\frac{p_2-1}{s} \rightarrow \frac{1}{\lambda(1-\rho)} \quad (6).$$

(4) – (6) munosabatlarga ko'ra (3) dan (1) tenglik kelib chiqadi.

2-teorema. $N \rightarrow \infty$, $\rho \uparrow 1$ va $N(1-\rho) \rightarrow \alpha$ ($0 \leq \alpha \leq \infty$) da quyidagi limit munosabatlar o'rinli:

$$\lim P(\xi_N < x\delta(N, \rho)) = F_{\alpha, A}(x),$$

bu yerda

$$\delta(N, \rho) = \frac{1-\rho^N}{1-\rho}, \quad m = \frac{2}{\lambda^2\sigma^2},$$

$$A = \alpha(1-e^{-\alpha})^{-1},$$

$$F_{\alpha, A}(x) = \begin{cases} 0, & x \leq 0 \\ \frac{1 - e^{-m\alpha \frac{x}{A}}}{1 - e^{-m\alpha}}, & 0 < x \leq A \\ 1, & x > A \end{cases}, \quad (7)$$

1) $\alpha = 0$ da

$$F_{0,1}(x) = \begin{cases} 0, & x \leq 0 \\ x, & 0 < x \leq 1 \\ 1, & x > 1 \end{cases},$$

2) $\alpha = \infty$ da

$$F_{\infty,\infty}(x) = \begin{cases} 0, & x \leq 0 \\ 1 - e^{-mx}, & x > 0. \end{cases}$$

Isbot. [2] ishda $P_N(k)$ va $M\xi_k$ lar ($k = \overline{0, N}$) o'rtasidagi quyidagi bog'lanishlar keltirilgan:

$$\begin{aligned} P_N(0) &= (1 + \lambda M\zeta_N)^{-1}, \\ P_N(k) &= \mu(M\zeta_k - M\zeta_{k-1}) P_N(0), \quad k = \overline{1, N}. \end{aligned} \quad (8)$$

Agar

$$P(\xi_N < x) = \sum_{k=0}^{[x]} P_N(k)$$

tenglik e'tiborga olinsa ($[x] - x$ ning butun qismi), (8) dan quyidagiga ega bo'lamiz:

$$P(\xi_N < x) = \frac{\mu M\zeta_{[x]}}{1 + \lambda M\zeta_N}.$$

U holda 1-teoremaga asosan

$$P(\xi_N < x) = \frac{\rho^{-1}(1 - b^{-[x]}) + \bar{\theta}([x], \rho)(1 - \rho)^2}{1 - \rho + 1 - b^{-N} + \bar{\theta}(N, \rho)(1 - \rho)^2}. \quad (9)$$

$N \rightarrow \infty$, va $\rho \uparrow 1$ da $N(1 - \rho) \rightarrow \alpha$ ($0 < \alpha < \infty$) bo'lsin.

U holda ushbu limit teoremlar o'rinli bo'ladi:

$$\begin{aligned} \rho^N &= \left(1 - \frac{2(1 - \rho)N}{\lambda^2 \sigma^2}\right)^N \rightarrow e^{-\alpha}, \\ b^{-N} &= \left(1 + \frac{2(1 - \rho)N}{\lambda^2 \sigma^2}\right)^{-N} \rightarrow e^{-\frac{2\alpha}{\mu^2 \sigma^2}} = e^{-m\alpha} \end{aligned} \quad (10).$$

Agar

$$\left[\frac{x(1 - \rho^N)}{1 - \rho}\right] = \frac{x(1 - \rho^N)}{1 - \rho} - \tau(N, \rho, x) \quad (\text{bu yerda } 0 < \tau(N, \rho, x) < 1)$$

tenglik e'tiborga olinsa, (10) ga asosan

$$b^{-\left[\frac{x(1 - \rho^N)}{1 - \rho}\right]} = b^{-N \frac{x(1 - \rho^N)}{N(1 - \rho)}} \cdot b^{N \frac{\tau(N, \rho, x)}{N}} \rightarrow b^{-\frac{m\alpha}{A}x}$$

munosabatga ega bo'lamiz. Bundan va (10) ga ko'ra (9) dan teoremaning $0 < \alpha < \infty$ holdagi isboti kelib chiqadi. $\alpha = 0$ va $\alpha = \infty$ hollarni (7) dan α bo'yicha tegishli limitlarga o'tib hosil qilish mumkin.

OLIV TA'LIM TIZIMIDA PEDAGOGIK DASTURIY VOSITALAR - MUSTAQIL TA'LIM OLIHNING ZAMONAVIY VOSITASI SIFATIDA

Mamanazarov B.J. TATU SF assistenti

Talabalarga bilim berishda axborot texnologiyalarining ahamiyati to'g'risida so'z borganda Prezidentimiz I.A.Karimovning "o'quv jarayoniga yangi axborot va pedagogik texnologiyalarni keng joriy etish,... talim-tarbiya tizimini

sifat jihatidan butunlay yangi bosqichga ko'tarish diqqatimiz markazida bo'lishi darkor" degan so'zlarini takidlash o'rinlidir.

Elektron axborot ta'lim resurslariga fan bo'yicha yaratilgan , elektron darslik, o'quv qo'llanma, metodik ko'rsatmalar, multimediyali vositalar, ma'lumotnomalar va lug'atlar, gipermatnlar, elektron testlar va topshiriqlar hamda shunga o'xshash talabning mustaqil bilim olishini ta'minlovchi, o'rganishga qiziqish uyg'otuvchi resurslar kiradi[Fanning o'quv–metodik majmuasi/O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, 2009-yil].

Yuqorida keltirilgan resurslarga qo'shimcha sifatida pedagogik dasturiy vositalar, video va audio ma'ruzalar, virtual laboratoriya stendlari, intreraktiv plakatlarini kiritish mumkin.

Pedagogik dasturiy vositalarnini o'quv jarayonida qo'llashdan maqsad shuki:

- Namunali va ko'rgazmali taqdim etish;
- Umumlashtirish va tizimlashtirish
- Doimiy va tezkorlik bilan o'quv axborotlarini yangilab borish;
- Turli ko'rinishdagi ko'nikma va malakalarni qayta ishlash va mustahkamlash
- O'zlashtirilgan bilimlarni nazorat qilish (tekshirish).

Shuni ta'kidlash lozimki, mutaxassislik fanlarni o'qitishda mustaqil ta'limni samarali amalga oshirish uchun quyidagi mezon va talablarga rioya etish talab qilinadi:

- mustaqil ta'limni tashkil qilishga tizimli yondashish;
- uning barcha bosqichlarini muvofiqlashtirish va uzviylashtirish;
- mustaqil ta'lim topshiriqlarining bajarilishi ustidan qat'iy nazorat o'rnatish;
- mustaqil ta'limning o'quv-uslubiy ta'minotini yaratish va takomillashtirib borish.

Yuqorida ko'rib turgan to'rtinchi bosqichda mustaqil ta'limning o'quv-uslubiy ta'minotini yaratish va takomillashtirib borish bandi ta'lim beruvchilar oldiga ulkan ma'sulyatni qo'yadi. Ta'lim oluvchilarda mustaqil o'rganish va tadqiqotlar olib borishi uchun eng avvalo ta'lim resurslari mavjudligi hamda izlanish olib borayotgan sohasi bo'yicha adabiyotlarning elektron o'quv resurslarining , ya'ni multimediyali elektron ta'lim resurslari va pedagogik dasturiy vositalarning yaratilganligini ta'minlash zaruriyati muhim o'rinni egallaydi.

Quyida sizlarga Web ilovalarni yaratish pedagogik dasturiy vositasini ko'rsatamiz.

Bu pedagogik dasturiy vositalar mustaqil ravishda Web dasturlarni o'rganish va web ilova yaratuvchilar uchun yaratilgan bo'lib, unda web dasturlash tillarini o'rganuvchilarga bir qancha imkoniyatlar yaratilgan.

Bizning tavsiya qiladigan video darsligimiz aynan kasb hunar



kollejlarda ida o'tiladigan vyebe dasturlash asoslari fani uchun mos keladi. Chunki ushbu video darsligimizda ushbu fanni o'rgatuvchi HTML, CSS, PHP, Java Script, Adobe Photoshop dasturlarini o'rgatuvchi video darsliklar joy olgan. Talaba ushbu video darslikdan uy vazifasini bajarishda foydalanishi vamustaqil ravishda ushbu fanni o'zlashtirishi mumkin bo'ladi.

Bu o'rgatuvchi tizimda video darslikdan tashqari o'quv materiallar va kerakli dasturiy maxsulotlar mujassamlashgan.

O'rgatuvchi pedagogik dasturiy vositalardan mustaqil ta'lim olishda qo'llashdan asosiy maqsad va kutilayotgan natijalar - bu muayyan ta'lim jarayonining yakunida ta'lim oluvchi tomonidan ma'lum bir materialning o'zlashtirilishi, ya'ni hosil qilinishi lozim bo'lgan bilim, hatti-harakat bilan bog'liq bo'lgan amaliy topshiriqni uddalay olish mahorati, shaxsiy fazilatlar va xulqini belgilaydi.



TIL O'RGANISH ZAMON TALABI

O'qituvchi: Mamatova Dilnoza Bekpulatovna

Talaba: O'sanova Dilnoza Guliston Davlat Universiteti

Bugungi kunda ta'lim jarayoniga mamalakatimizda katta e'tibor qaratilmoqda, zero ta'limga e'tibor kelajakka e'tibor demakdir. Jamiyatda farovon turmush qurish, inson zotiga munosib go'zal hayot barpo etish, avvalo shu jamiyat a'zolari bo'lgan komil odamlarga, kelajak barkamol avlodga bog'liqdir. Shuningdek jamiyat aholisi ko'p qutbli, serqirra dunyoning juda tez o'zgarib borayotganini nafaqat guvohlari, ba'ki jahon madaniyati fan va texnikasining rivojlanib, taraqqiy etib borish kabi murakkab va uzluksiz jarayonlarning ham bevosita ishtrokchilaridir.

“Agar iqtisodiy o'sish, taraqqiyot-jamiyatimizning tanasi bo'lsa, ma'naviyat ma'rifat va siyosiy ong yetukligi uning ruhi, aqli va jonidir. Buyuk davlat, buyuk kelajagimizga erishish uchun oqil, ma'rifatli, ayni paytda o'zining o'tmishi ulug' qadriyatlarini, millati bilan faxrlanadigan va kelajakka ishonadigan insonlarni tarbiyalashimiz kerak” deya ta'kidlaydi yurtboshimiz Islom Karimov. Qayd etib o'tilsinki, mamlakatda O'zbekiston Respublikasining “Ta'lim to'g'risida” gi Qonuni hamda Kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirish doirasida chet tillarga o'qitishning kompleks tizimi, uyg'un kamol topgan, o'qimishli, zamonaviy fikrlovchi yosh avlodni shakllantirishga, respublikaning jahon hamjamiyatiga yanada integrasiyalashuviga yo'naltirilgan tizim yaratildi.

Mustaqillik yillarida 1 ming nafardan ziyod chet tillar o'qituvchilari tayyorlandi, umumta'lim maktablarning o'quvchilari uchun ingliz tili bo'yicha multimedia darsliklari, boshlang'ich sinflarda ingliz tilini o'rganish bo'yicha elektron resurslar tayyorlandi, umumta'lim maktablarida, kasb hunar kollejlari va akademik litseylarda 5 ming dan ko'proq lingafon kabinetlari jihozlanadi. Shu bilan birga, chet tillarni o'rganishni tashkil qilishning amaldagi tizimini tashkil

etish shuni ko'rsatmoqdaki, ta'lim standartlari, o'quv dasturlari va darsliklar zamon talabiga to'liq javob bermaydi. Uni yanada takomillashtirish saviyasini oshirib zamon talablariga mos ravishda rivojlantirish har bir pedagogning o'z qo'lida.

Xorijiy tillarni o'qitishda qo'llanadigan mashqlar tizimiga 4 ta kichik tizimdagi mashqlar kiradi:

a) Gapirishni o'rgatadigan mashq; b) tinglab tushunishni o'rgatadigan mashq; s) o'qishni o'rgatadigan mashqlar;

d) yozuvni o'rgatadigan mashqlar.

Mashqlar tizimi mashq tiplariga bo'linadi. Mashq tiplari esa o'z ichiga mashq turlarini oladi yoki tiplari mashq turlarining yig'indisidir. Metodistlar mashqlarni oldin ikkita tipga ajratganlar:

1) Til mashqlari: 2) Nutq mashqlari:

Til mashqlari-til materiallarini o'rganish, o'zlashtirishni, ularni o'rgatishdagi qiyinchiliklarni yo'qotishni o'z oldiga maqsad qilib qo'yadi. Shuning uchun ular leksika, grammatika, fonetika yoki talaffuz, orfografiyani o'rgatish mashq turlariga bo'linadi.

Nutq-mashqlari esa til materiallari fonetika, leksika, grammatika, orfografiya asosida nutq faoliyati (tinglab tushunish gapirishni o'rgatish rivojlantirishni o'z oldiga maqsad qilib qo'yadi. Shu sababdan bu mashq tipini tushunish, gapirish, o'qish, yozuv mashqlarini tayyorlov mashq tiplari deb atala boshlandi.

Shuni qayd etib o'tish zarurki, universitetlarimizda noan'anaviy uslublardan foydalanish keng yo'lga qo'yilgan. Hususan, ingliz tili amaliy kursi va chet tilini o'qitish metodikasini kurslar bo'yicha barcha bosqich talabalari uchun takomillashtirilgan dasturlar yaratilgan. Ushbu dasturlarga ko'ra, talabalarning ijodiy, mustaqil va tanqidiy fikrlashga undaydigan zamonaviy metodlardan keng foydalaniladi. Shuningdek, talabalarning mustaqil ta'lim olish ko'nikmalarini rivojlantiruvchi maxsus kurslar bo'lib, vaqtni rejalashtirish, idrok etish strategiyalari, hotirani mustaxkamlash, jamoa bo'lib ishlash uchun zarur ko'nikmalar shakllantiriladi.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Абдуллаев Абубакир Нарзуллаевич-т.ф.н., доцент, СамДУ

Норбоев Абдуллабойназарович-магистрант, СамДУ

Ҳозирги даврда ахборот хавфсизлиги муаммосининг қўйилиш долзарблиги қуйидаги ҳолатлар билан характерланади:

Олий ўқув юртлари талабаларини ахборот хавфсизлигига ўргатишнинг ҳозирги бозор муносабатлари шароитларида рақобат муҳитида битирувчилар касбий фаолияти сифатини таъминловчи муҳим таркибий қисм сифатида ўзичига олувчи таълим олувчилар ахборот маданиятини шакллантириш ҳақидаги ғояга асосланади.

Олий ўқув юрти битирувчиси ахборот маданияти бир нечта ўзаро боғлиқ структурали компоненталардан иборат ахборот тайёргарлиги жараёнида ахборот ва коммуникацион технологияларни босқичма-босқич ўзлаштириш натижаси ҳисобланган нисбатан яхлит инсоннинг умумий ва касбий маданияти қисм тизим сифатида фойдаланиши мумкин. Улар орасида

шахсий савияда инсоннинг ахборот фаолиятини инсонпарварлик аҳамиятини қабул қилиш тушуниладиган *аксиологик*; ахборот мулоқотлар соҳасида муомала ва ҳамкорлик маданияти, телекоммуникация имкониятларидан шахслараро ва жамоавий ўзаро таъсир учун самарали фойдаланиш ахборот муносабатлари соҳасида ахлоқий фазилат билан характерланувчи *коммуникатив-этик*; ахборот технологиялар соҳасида компетентлик ва эркин йўналишни, тафаккур ихчамлигини ва мослашувчанлигини ўзичига олувчи *билиш-интеллектуал*; ахборот фаолиятини мумкин бўлган оқибатларини кўра олиш, доимо ўзгариб боровчи ахборот шароитларида, касбий ижтимоий мослашувни кўзда тутувчи *прогностик*; ўқув ва касбий масалаларни самарали ҳал қилиш учун ахборот-технологик имкониятлардан фойдаланиш улкан ҳажмдаги амаллар бажаришдан талабани озод қилиш билан характерланувчи *амалий*; “ахборот ҳуқуқи” ни билишни ва ахборот муносабатларини йўлга солувчи асосий ҳуқуқий меъёрларини бажариш, ахборот ресурслари билан амалга оширилувчи ҳаракатлар учун маъсулиятни ҳис этишни ўзичига олувчи *ҳуқуқий*; ахборот соҳасида «компьютер этикаси» принципларини қўллайдиган *ахлоқий-этик*; корпоратив ва индивидуал ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлашга, ахборотни ҳимоя қилишга ва ахборотдан ҳимоя этишга йўналтирилган *секюритологик* компонентлар бор.

Тизимли ёндошув принципларига асосан ахборот маданиятининг юқорида санаб ўтилган компонентларидан ҳар бири тизим сифатида унинг яхлитлигини таъминлайди, лекин ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан *секюритологик* компонент тизим ташкил этувчи ҳисобланади. Ахборот маданияти тизимида секюритологик компонентнинг асосий эканлигидан ахборот хавфсизлиги, ахборот ва ахборот ҳимояси ҳамда ахборот ва ахборот инфратузилмаси эгалари ёки фойдаланувчиларига жиддий зарар келтирадиган табиий ёки сунъий характердаги тасодиқий ёки атайлаб уюштирилган таъсирлардан ижтимоий ва индивидуал онгни ҳимоя этишни таъминловчи олий ўқув юрти битирувчиси ахборот маданиятининг мажбурий тизим ташкил этувчиси деб қаралиши лозим.

МАСОФАЛИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШ

*Эргашев Б.Б., Ирсадиев Ф.Ш., Йигиталиев И.Н.
Гулистон давлат университети*

Маълумки Республикамизда ҳозирги кунларда ўқув жараёнида таълим олувчиларга ўқитишнинг замонавий шакллари ва услулларини қўллаш, таълим тизимида ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш, улар ёрдамида таълим тизимини талаб даражасига етказиш устида бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Таълим тизимига масофали ўқитиш шаклларини жорий қилиш масалалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам шулар жумласидандир.

Албатта, таълим порталларини яратишга умумий талаблар қўйилади. Бундай талабларга концептуал, конструктив, технологик талабларни келтириш мумкин. Концептуал талаблар мақсадга йўналтирилганлик,

интеграция, тўлалик, яхлитлик, очиқлик, турларга ажратилганлик, самарадорлилик каби тамойилларда амалга оширилади. Конструктив талабларга тақсимланганлик, персоналлаштириш (ихтисослаштириш), мультиторпоративлик ва коммуникабеллик тамойилларини келтириш мумкин.

Масофали ўқитиш учун яратилган таълим порталининг электрон кутубхонаси гиперматн тизимидан иборат бўлиб, у таълим муассасасининг бошқарув жараёнларини, илмий-ўқув ахборот муҳитига ўтиш ва маълумотлар излашни осонлаштиради.

Масофали ўқитиш учун яратилган таълим порталининг электрон кутубхонасида қуйидаги ўқув-услугий материаллар бўлади:

- электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик қўлланмалар ва бошқа кўшимча материаллар;
- ўқув-услугий мажмуалар;
- ўз-ўзини назорат қилиш учун тест дастурлари ва топшириқлари;
- лаборатория ишлари ва уларнинг тавсифи;
- ҳисоб-график, мустақил ишлар, намунавий ишлар ва назорат ишлари;
- ҳисоблаш дастурлари, калькуляторлар, маълумотномалар, иловалар(кўшимча дастурий таъминотлар);
- календар ва ўқув режалари;
- таълим олувчилар реферати, тадқиқотлар ва лойиҳалар бўйича ҳисоботлар.

Ўқув жараёнида ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланишда электрон ўқув адабиётларининг энг асосий вакили электрон дарсликлардир.

Компьютерга мўлжалланган дарслик- бир онда тескари алоқани таъминлаши;- зарур ахборотни тезликда топишга ёрдам бериши;- гиперматнли тушунтиришларга кўп марта мурожаат қилишда вақтни иқтисод этиши;- экранга матнни тўғридан-тўғри чиқарибгина қолмай, балки мультимедиа технологияси орқали овозли таҳлил қилиш ва моделлаштириши;- аниқ бир бўлим бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мос ҳолда тезликда билимини баҳолай олиш имконияти;- зарур ўқув ахборотларни янгилаш имкониятини мавжудлиги билан анъанавий дарсликлардан фарқ қилади.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

*Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
сиёсий фанлар номзоди Ш.А.Эрматов*

Инсоният учун муҳим бўлган муаммоларни ҳал этишда, глобал хавфсизликни таъминлашда айрим минтақалар асосий ва ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримовнинг «минтақавий хавфсизликни таъминламай туриб, глобал мулоқотга эришиб бўлмайди»¹, деган фикри ўта муҳим аҳамиятга эга, негаки унда “минтақавий хавфсизлик-

¹ Каримов И.А Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т.3-Т: Ўзбекистон, 1996.-89 бет

дан ялпи хавфсизлик сари” принципи илгари сурилади.

Ҳозирги замоннинг энг долзарб масалаларидан бири бу ҳеч шубҳасиз хавфсизлик ҳисобланади. Халқаро миқёсдаги муносабатларда ҳам хавфсизлик омилига таҳдидларнинг борган сари кенгайиб бораётганлиги, экологик, диний ахлоқий муаммолар, террорчилик ва экстримизм каби кўпгина иллатларнинг миллий хавфсизлик доирасидан чиқиб кетаётганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, минтақавий ва ялпи хавфсизликка нисбатан ядро ва ахборот террорчилиги, кибернетик террорчилик каби янги қарама-қаршиликлар ва таҳдидлар пайдо бўлди. Буларнинг бари давлатлар ва халқаро ҳамжамият томонидан тегишли жавоб чоралари кўрилишини талаб этмоқда.

Яқин Шарқда ўзини “Ислом давлати” деб номлаб олган террорчилар гуруҳи, динни ниқоб қилиб, ўз сиёсий мақсадларига эришишда ундан фойдаланмоқда. Ироқ ва Шом Ислом давлати (ИШИД) ўзи босиб олган ҳудудларда асирларни қатл қилиши натижасида қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни ўлдириб, жаҳон маданияти ёдгорликларини ваҳшийларча йўқ қилмоқда. 2015 йил Сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ) Бош ассамблеясининг 70-сессиясида халқаро жамоатчилик эътиборидаги асосий масала сифатида “Ироқ ва Шом Ислом давлати” террорчилик гуруҳи ва унинг ўз экспансиясини тоборо кенгайтиришга уринаётганлигига қаратилди.

Афғонистон шимолидаги вазият анчагина ҳавотирли. Толибон ҳаракати охириги 14 йилдаги энг хавfli ҳаракати – Қундузни қўлга олгани ҳам минтақавий хавфсизликка нисбатан ташвишли ҳолат. Қундузнинг олиниши 2001 йилдан бери Толибон ҳаракати томонидан илк бор бутун бошли шаҳар эгалланган илк ҳолат бўлди. Ҳукумат қўшинлари ва Америка авиацияси кўмагида пойтахтнинг йирик шаҳри бошқаруви қайтариб олинган бўлсада, ҳалигача жангарилардан тўлиқ тозалангани йўқ.

Сўнгги пайтларда Тожикистон-Афғонистон чегарасининг Бадахшон (Помир) қисмида ҳам асосан "Толибон" ҳаракатига мансуб бўлган қуролланган гуруҳлар ҳамда турли халқаро террорчилик гуруҳларининг ҳаракатлари кузатилмоқда. Яқинда Бадахшон вилоятида ўтказилган ҳарбий амалиёт натижасида жангарилар назорат қилаётган Ямғон туманини тортиб олинганди. Афғонистон ҳарбий кучлари маълумотига кўра, мамлакатнинг Нангарҳар, Ғазна, Ҳирот, Бадгис, Бадахшон, Фарёб, Жаузжон ва Гильмонд вилоятларида ҳамда Қобулнинг Қундуз ва Лашкаргоҳи туманларида доимий равишда жангариларга қарши операциялар ўтказилиб келинмоқда.

Мамлакатда халқаро террористик ташкилотлар фаолияти тоборо кенгайиб бораётгани эса, нафақат минтақавий балки глобал миқёсда ҳавотирли эканлиги билан эътиборлидир.

Афғонистонда юзага келаётган вазиятни инобатга олган ҳолда, кўплаб мутахассислар Ироқнинг аянчли аҳволини такрорламаслик учун Афғонистонда АЙСАФ ҳарбийларини кўпайтириш, уларнинг бу мамлакатда бўлишини яна бир неча йилга узайтириш керак, деган фикрга қўшилмоқда. Бунинг учун жиддий асослар бор.

Дарҳақиқат, зиддиятлар тоборо кескинлашиб бораётган бугунги даврда минтақавий хавфсизликни таъминлашда, замон талабларига жавоб

берадиган янги механизм ва воситаларни излаш, айрим минтақаларда юзага келаётган масалаларни ҳал қилишга доир ташқи сиёсий ва халқаро ҳуқуқий концепция ва қарашлар, дипломатик ёндашувлар ҳамда уларни ҳал қилиш усулларининг, ташқаридан бўлган хавф-хатарларни бартараф этиш, минтақа ичидаги давлатлараро сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қайта қуриш муҳим аҳамият касб этмоқда.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Эшбоева Дурдона Алишер қизи, талаба, ГулДУ

Боқиева Маҳзуна Алишер қизи, талаба

Тил ўрганишда амалий машғулотларни ташкиллаштириш ўқитувчи бажарадиган энг муҳим вазифалардан бири бўлиш билан бирга, тил ўрганиш жараёнининг муваффақиятли амалга ошишига катта ҳисса кўшади. Машғулот одатда турли хил топшириқлар ёки дарснинг технологик харитаси орқали олиб борилади. Бажариладиган ишлар тартиби одатда олдин бажарилган синф машғулотларига қараганда кўпроқ ташаббускорликни талаб этади. Машқлар ва машғулотлар, албатта, тил кўринишлари (аспектлари) билан боғлиқ бўлади, уларнинг асосий мақсади грамматик тузилишни ўрганишни мустаҳкамлаш ёки тинглаш, сўзлашиш, ўқиш ва ёзиш равонлигини ривожлантириш ёки сўз бойлигини ошириш ва уни хотирада сақланиш бўлиши мумкин. Ушбу мақолада биз ана шундай машғулотларни самарали ўтказиш борасидаги айрим фикрларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Амалий тил машғулотларини самарали ўтказишни қуйидагича ташкил этишни тавсия этамиз:

1-босқич. Намуналарни танлаб олиш:

Ўқитувчи ёки ўрганувчи сифатида тажриба қилиб кўрилган амалий тил машғулотлари намуналари ҳақида ва ўрганувчиларга ёдда сақлаб қолишга самарали ёрдам берадиган ёки уларнинг фойдаланишини осонлаштирувчи ўзингиз билган мисолларни эсланг. Уларнинг қисқа тарифларини ёзиб қўйинг.

2-босқич. Анализ:

Эътибор беринг, сизнинг фикрингизча қайси факторлар ёки хусусиятлар машғулотларни самарали қила олади. Ўзингиз ёки ҳамкасбларингиз ҳамкорлигида камида икки ва ундан ортиқ хусусиятларни қайд этинг.

3-босқич. Баҳс-мунозара:

Қуйидаги берилган хусусиятларни таққосланг. Эҳтимол сизнинг фикрларингиз, гарчи сиз уни турлича тасвирлаган бўлсангиз ҳам, қуйида келтирилган фикрлар билан ўхшаш бўлиши мумкин.

Синфда тил машғулотлари гуруҳларда самарали тарзда баъзан хатолар юзага келган ҳолда, ўрганувчиларнинг бандлиги орқали амалга оширилади ва асосий фикрлар дарс мавзусига доир ва машғулотнинг кенг кўламини ўз ичига олади. Бундай машғулотларни ўтказишнинг, албатта, афзалликлари ва юқори имкониятлари мавжуд, бу эса синфнинг кўпчилик ўқувчиларининг фаол иштирокини ҳам таъминлайди.

ЯЗЫК И КУЛЬТУРА

Д.Э Мансурова “Чет тиллар” кафедраси ўқитувчиси

О.О.Бекмухаммедов 402 БИК талабаси

Язык как основа культуры. В теориях культуры всегда важное место отводилось языку. Язык можно определить как систему коммуникации, осуществляемую с помощью звуков и символов, значения которых условны, но имеют определенную структуру. По мнению антропологов, культура состоит из четырех элементов.

Понятия (концепты). Они содержатся главным образом в языке. Благодаря им становится возможным упорядочить опыт людей. Например, мы воспринимаем форму, цвет и вкус предметов окружающего мира, но в разных культурах мир организован по-разному. Это различие между двумя языками объясняется тем, что для жителей Тробриандских островов необходимо слово, охватывающее всех родственников, к которым принято относиться особым почтением. В английском и американском обществах сложилась менее сложная система родственных связей, поэтому у англичан нет необходимости в словах, обозначающих таких дальних родственников. Культура — это неотъемлемая часть человеческой жизни. Культура организует человеческую жизнь. В жизни людей культура в значительной мере осуществляет ту же функцию, которую в жизни животных выполняет генетически запрограммированное поведение.

Язык — явление социальное. Им нельзя овладеть вне социального взаимодействия, т. е. без общения с другими людьми. Хотя процесс социализации в значительной мере основан на имитации жестов — кивков, манеры улыбаться и хмуриться, — язык служит основным средством передачи культуры. Другой его важной чертой является то, что на родном языке практически невозможно научиться говорить, если его основной словарный запас, правила речи и структуры усвоены в возрасте восьми или десяти лет, хотя многие другие аспекты опыта человека могут быть полностью забыты. Это свидетельствует о высокой степени приспособляемости языка к потребностям человека; без него общение между людьми осуществлялось бы значительно примитивнее.

Общий язык также поддерживает сплоченность общества. Он помогает людям координировать свои действия благодаря убеждению или осуждению друг друга. Кроме того, между людьми, говорящими на одном языке, почти автоматически возникают взаимопонимание и сочувствие. В языке находят отражение общие знания людей о традициях, сложившихся в обществе, и текущих событиях. Короче говоря, он способствует формированию чувства группового единства, групповой идентичности. Руководители развивающихся стран, где существуют племенные диалекты, стремятся к тому, чтобы был принят единый национальный язык, чтобы он распространялся среди групп, не говорящих на нем, понимая значение данного фактора для сплочения всей нации и борьбы с племенной разобщенностью.

Язык – наиболее глубокая всеопределяющая структура во всякой национальной культуре. По утверждению Вильгельма фон Гумбольдта, «...язык всеми тончайшими фибрами своих корней связан с народным духом», это его внутренняя поэтическая энергия. Язык – универсальное хранилище национального самосознания, свойств характера в грамматических категориях. Есть языки с преимущественно глагольным (динамическим) изображением действительности, а есть – с именным (статическим) обозначением понятий. Этот последний тип языка характерен для становления индийской и греческой культур и соответственно для развития поздней европейской логики. Культуры различаются (типологизируются) и в некоторых других отношениях. Например, по антропологической концепции К. Леви-Строса, есть культуры «холодные», воспроизводящие одни и те же тексты и тяготеющие к замене истории мифом, и есть культуры «горячие», имеющие тенденцию к постоянному созданию новшеств, новых текстов и хотя бы частичной замене мифа реальной историей. С. С. Аверинцев объясняет это следующим образом: «Есть культуры более закрытые. Это связано с языком. Язык как зеркало культуры. Остановимся подробнее на взаимоотношении и взаимодействии языка и реальности, языка и культуры. Эти проблемы играют важнейшую роль как для совершенствования форм и эффективности общения, так и для преподавания иностранных языков; их игнорированием объясняются многие неудачи в международных контактах и в педагогической практике. Пропустив их через свое сознание, осмыслив результаты этого восприятия, он передает их другим членам своего речевого коллектива с помощью языка. Иначе говоря, между реальностью и языком стоит мышление.

Язык как способ выразить мысль и передать ее от человека к человеку теснейшим образом связан с мышлением. Соотношение языка и мышления — вечный сложнейший вопрос и языкознания и философии, однако в настоящей работе нет необходимости вдаваться в рассуждения о первичности, вторичности этих феноменов, о возможности обойтись без словесного выражения мысли и т. п. Для целей этой работы главное — несомненная тесная взаимосвязь и взаимозависимость языка и мышления, их соотношение с культурой и действительностью. Таким образом, язык, мышление и культура взаимосвязаны настолько тесно, что практически составляют единое целое, состоящее из этих трех компонентов, ни один из которых не может функционировать (а, следовательно, и существовать) без двух других. Все вместе они соотносятся с реальным миром, противостоят ему, зависят от него, отражают и одновременно формируют его.

Язык – универсальное хранилище национального самосознания, свойств характера в грамматических категориях. Есть языки с преимущественно глагольным (динамическим) изображением действительности, а есть – с именным (статическим) обозначением понятий. Этот последний тип языка характерен для становления индийской и греческой культур и соответственно для развития поздней европейской логики.

KENZO TANGENING ZAMONAVIYLIK HAQIDAGI XOTIRALARI

Yarashev F.S.202-QHALTE guruhi talabasi

Saidova B.A. - „Arxitektura nazariyasi va tarixi” kafedrasida katta o'qituvchisi

Kunchiqar mamlakat ko'p yuz yillar davomida dunyodan uzulgan edi. XX asrga kelib chegaralarini ochdi barchaga o'zining durdonalarini namoyish etdi. XX asrda Yevropada butun sharqqa nisbatan qiziqish oshdi: avval bu Napolyon qadami yetgan Misr edi, asr oxirida Van Gog yaponcha mavzuda ezkiylar chizdi.

Yevropa davlatining o'ziga xosligi saqlanib qoldi. XX asrning o'rtasida „Zamonaviy harakat”ning avj olgan paytida arxitektura sohasida millatlar orasidagi farq yo'qoldi hisob. Yaponiya o'zining madaniy aifonomligini bugungi kungacha saqlab kelmoqda.

Kunchiqar mamlakatning xazinasida ko'p qimmatli narsalar ,qadimiy urf-odatlar, masalan choy ichish marosimi va Xaruki Murakami yoki Kobo Abe kabi zamonaviy adabiy asarlar saqlanmoqda. Bu qatordan Kenzo Tangening arxitekturaviy loyihalari munosib joy egallaydi. Yaponiya hozirgacha egilmagan rebus bo'lib qolmoqda.

Uni g'arb insoni tushunishi qiyin, shuning uchun u ikki xil munosabat bildiradi. Bir vaqtda ham qiziqib ham ixtiyot bo'lib qaraydi.

1945-yilda AQSH Xirosimaga 15 kilotonalik quvvatga ega bo'lgan atom bombasini tashladi natijada 118000 kishi nobud bo'ldi. 1949-yilda konkursda birinchi o'rinni olgan lotixa bo'yicha Tinchlik parkini yaratish ishlari boshlandi. Park muallifi Kenzo Tange edi.

Kenzo Tange 1913-yilda Shikokuda tug'ilgan. Arxitekturaviy taxsilni Tokio universitetining arxitektura fakultetida oldi , va keyinchalik shu universitetda professor assistenti bo'lib ishga kirdi. O'qishni tugatib ,Le Korbyuz'ening zamondoshi bo'lgan Kunio Maekava atelida ishladi.

1949-1956-yillarda Xirosimada me'morial inshootlar kompleksi yaratildi. 1946-yilda Kenzo Tange ustoxonasida Arata Izodzak, Fumixiko Maki, Kisho Kurakava kabi taniqli arxitektorlar faoliyat ko'rsatgan. 1951-yilda Tange jahon miqyosidagi kaspiy muloqotlarda bo'ladi. U Le Korbyuz'e ,Gropiusom Xose Luisertom bilan tanishdi. Shu vaqtda Tange Tokioda o'zining kichikroq shaxsiy uyini quradi. Keyinchalik o'zining tiliga ega bo'lib ,Yapon an'analari bilan qiziqib Karava perefekturasini (1958) yaratdi va bu mavzuda bag'ishlangan maqolalar seriasini nashir etadUning binolarida xalq arxitekturasiga xos bo'lgan inson o'lchamlariga moslik belgilar orqali ishlashi qo'llanilayotgan shakllarning oddiyliigi materiallar va fakturaga etibor saqlanib qolgan .Boshqa tomondan o'zini uslubi bilan funksiolizm vositalarini ,yangi konstruksialar shisha, beton va metalni qo'shib ishlatish bilan „Zamonaviy harakat”ga ham murojat qiladi.

1964-yilda o'tkazilgan Olimpia o'yinlarining gimnastika zallarining kompleksi XX asr arxitekturasiga bag'ishlangan barcha darslik va albomlarga kiritildi. Uni zamonasining eng go'zal inshootlaridan biri deb hisoblashadi. Kompleks ikki katta va kichik zaldan iborat. Ko'priklar Pandus va ramkalar uni atrof qurilmalari bilan aloqasini taminlaydi. Kenzo Tange ishlatgan shakillar ancha katta bo'lishiga qaramasdan terrimoriya rejasi strukturasida aniq joylashtirilgan.

Inshootlarning zamonaviy konstruksiyalari va obrazlari uzoq vaqt davomida Yaponiyaning asosiy arxitekturaviy ramzi bo'lib qoldi ,va uning muallifiga xalqaro mashhurlik olib keldi.

STERJENLI SISTEMANING BIRINCHI KRITIK KUCHINI CHEGARAVIY ELEMENTLAR USULI BILAN ANIQLASH

Salimov X. (magistrant, SamDU, Abdirashidov A. (dotsent, SamDU)

Sterjenli sistemalar ustivorligi masalasining asosiy matematik modeli bu sterjenning bo'ylama-ko'ndalang egilishi haqidagi Koshi masalasini yechish, chunki sterjenli sistema elementlarining egilish holatida ustivorlikni yo'qotish kelib chiqadi. Shunga ko'ra to'g'ri chiziqli sterjenning bo'ylama-ko'ndalang egilishi haqidagi Koshi masalasining chiziqli qo'yilishi ushbu oddiy differensial tenglama va uning boshlang'ich shartlari bilan ifodalanadi:

$$w''''(x) + n^2 w''(x) = q(x) / EJ, \quad 0 \leq x \leq l, \quad (1)$$

$$w(0); w'(0) = \varphi(0); w''(0) = -M(0) / EJ; w'''(0) = -Q(0) / EJ,$$

bu yerda EJ – sterjenning ko'ndalang egilishidagi bikrligi; $w(x)$ – sterjen nuqtalarining bo'ylama ko'chishi; $n = \sqrt{F/EJ}$ – koeffitsiyent; F – bo'ylama siquvchi kuch; $q(x)$ – ixtiyoriy yuklanish [Баженов В.А. и др., 2001].

Koshi masalasi (1) ning yechimi $w(x)$ - bo'ylama egilish funksiyasini, $\varphi(x)$ – burilish burchagini, $M(x)$ – momentni, $\tilde{Q}(x)$ - sterjenning bukilish o'qiga perpendikulyar ko'ndalang kuchni quyidagi ko'rinishda izlaymiz:

$$EJw(x) = EJw(0) + xEJ\varphi(0) - A_{13}M(0) - A_{14}\tilde{Q}(0) + \int_0^x A_{14}(x-\xi)q(\xi)d\xi, \quad (2)$$

$$EJ\varphi(x) = EJ\varphi(0) - A_{23}M(0) - A_{13}\tilde{Q}(0) + \int_0^x A_{13}(x-\xi)q(\xi)d\xi,$$

$$M(x) = A_{33}M(0) + A_{23}\tilde{Q}(0) - \int_0^x A_{23}(x-\xi)q(\xi)d\xi,$$

$$\tilde{Q}(x) = A_{43}M(0) + A_{33}\tilde{Q}(0) - \int_0^x A_{33}(x-\xi)q(\xi)d\xi,$$

bu yerda ortonormallashtirilgan fundamental funksiyalar ushbu

$$A_{13} = \frac{1 - \cos nx}{n^2}; \quad A_{14} = \frac{nx - \sin nx}{n^3}; \quad A_{23} = \frac{\sin nx}{n}; \quad A_{33} = \cos nx; \quad A_{43} = -n \sin nx \quad (3)$$


ko'rinishda yoziladi. Agar sterjen o'qi Oy o'q bo'ylab yo'naltirilgan bo'lsa, u holda (2) tenglamalarda minus ishora tashlab yuboriladi. Agar (1) - Koshi masalasi sterjenning dastlabki to'g'ri chiziqli o'qiga perpendikulyar bo'lgan $Q(x)$ siljish funksiyasi bilan ishlansa, u holda (2) tenglamalarda fundamental funksiyalar alohida o'zgartiriladi [Дащенко А.Ф. и др., 2010].

Agar sterjenlar bitta qurilmaga chiziqli birlashtirilgan bo'lsa, ularning matritsali tenglamasi quyidagicha yoziladi [Дащенко А.Ф. и др., 2010]:

$$\vec{Y}(x) = \vec{A}(x)\vec{X}(0) + \vec{B}(x)$$

bu yerda A – kvazidiagonal ko‘rinishdagi matritsa; Y, X, B – vektorlar bo‘lib, ular sistemadagi barcha sterjenlarning kuchlanganlik-deformatsiyalanganlik parametrlari va ularning nuqtalariga qo‘yilgan yuklanishlardan iborat.

Masala. Uzunligi l ga teng sterjenli sistemaning ustivorligini ko‘rsatish maqsadida bo‘lakli o‘zgarmas bikrlikka ega ketma-ket ulangan ikkita sterjenli sistemaning bir cheti qattiq mahkamlangan, ikkinchi chetiga sterjen oqi bo‘ylab siquvchi F kuch qo‘yilgan holda uning birinchi kritik kuchini topish masalasi qaraldi (rasmga qarang).



Yechish. Masala chegaraviy elementlar usuli bilan quyidagi bosqichlarda yechiladi: 1) Sterjen ikkita qismga ajratiladi, tugunlar nomerlanadi, elementlarning boshi va oxiri belgilab olinadi. 2) Sterjenli sistema ustivorligi tenglamasi $A_* X_* = B$ ning A_* - sistema topologiyasini ifodalovchi kvadrat matritsasi, B – yuklanishlar vektori tuziladi. Xos tebranishlar holida $B = 0$ deb, X_* – noldan farqli xos yechimlar chiqariladi. O‘rganilayotgan sistemaning ustivorlik matritsalarini quyidagicha yoziladi:

$$X_* = \begin{matrix} 1 & EI v^{0-1}(0) \\ 2 & EI \varphi^{0-1}(0) \\ 3 & M^{0-1}(0) = 0; M^{1-2}(\ell) \\ 4 & Q^{0-1}(0) = 0; Q^{1-2}(\ell) \\ 5 & 1,5EI v^{1-2}(0) \\ 6 & 1,5EI \varphi^{1-2}(0) \\ 7 & M^{1-2}(0) \\ 8 & Q^{1-2}(0) \end{matrix}; Y = \begin{matrix} 1 & EI v^{0-1}(\ell) = EI v^{1-2}(0) \\ 2 & EI \varphi^{0-1}(\ell) = EI \varphi^{1-2}(0) \\ 3 & M^{0-1}(\ell) = M^{1-2}(0) \\ 4 & Q^{0-1}(\ell) = Q^{1-2}(0) \\ 5 & 1,5EI v^{1-2}(\ell) = 0 \\ 6 & 1,5EI \varphi^{1-2}(\ell) = 0 \\ 7 & M^{1-2}(\ell) \\ 8 & Q^{1-2}(\ell) \end{matrix};$$

$$C = \begin{matrix} & 1 & 2 & 3 & 4 & 5 & 6 & 7 & 8 \\ 1 & & & & & -2/3 & & & \\ 2 & & & & & & -2/3 & & \\ 3 & & & & & & & -1 & \\ 4 & & & & & & & & -1 \\ 5 & & & & & & & & \\ 6 & & & & & & & & \\ 7 & & & & -1 & & & & \\ 8 & & & & -1 & & & & \end{matrix};$$

$$A_* = \begin{matrix} & 1 & 2 & 3 & 4 & 5 & 6 & 7 & 8 \\ 1 & 1 & A_{12} & & & -2/3 & & & \\ 2 & & A_{22} & & & & -2/3 & & \\ 3 & & -A_{32} & & & & & -1 & \\ 4 & & & & & & & & -1 \\ 5 & & & & & 1 & A_{12} & -A_{13} & -A_{14} \\ 6 & & & & & & A_{22} & -A_{12} & -A_{13} \\ 7 & & & & -1 & & -A_{32} & A_{22} & A_{12} \\ 8 & & & & -1 & & & & 1 \end{matrix}$$

Yuqorida keltirilgan (3) fundamental funksiyalarning koeffitsiyentlar 0-1 va 1-2 sterjenlar uchun quyidagicha: $n^{0-1} = \sqrt{F/EJ}$; $n^{1-2} = 2\sqrt{F/EJ}$. A_* mat-ritsaning satrlarini uning o'ng tomonida ko'rsatilgan tartibda qayta tuzib, uning determinantini Gauss usuli bilan hisoblaymiz ($l= EJ=1$). Ishorani saqlagan holda kritik kuchning $F_1=2,4674EJ/l^2$ qiymati topiladi va u boshlang'ich parametrlar usuli bilan topilgan qiymatga mos [Смирнов А.Ф. и др., 1984].

MAKTAB BIOLOGIYA FANIDA BADIY ADABIYOTLARDAN FOYDALANISHNING TARBIYAVIY AHAMIYATI

NavDPI o'qituvchi M.X Ravshanova

NavDPI Tabiiy fanlar fakulteti 2-kurs talabasi N.P.Shomurodov

Hozirgi davr bolasini tarbiyalash ma'suliyatli vazifa hisoblanadi. Buning o'ziga xos sabablari mavjud. Bular tarbiyachi o'qituvchilarning va ko'pchilik ota-onalarning loqaydligi, bolani haddan ziyod erkalatib yuborish, kompyuterda internet tizimi orqali axloqsiz filmlarni, kliplarni namoyish etilishi kabilar bilan bevosita bog'liq.

Biz texnika asrida yashayapmiz. Bugungi bolalar oynai jahon, turli gazeta va jurnallar orqali turli voqea va hodisalar, yangiliklardan xabardordirlar. Fikrlash ko'lamini ancha keng hozirjavobdir. Shu sababli ular tarbiyasida boshqacha usullar talab etiladi. Mana shu talablar tarbiya vositalarini yanada faollashtirishni, takomillashtirishni taqazo etadi. Ha, bugungi bolalar shunchaki pandu nasihatlarini xush ko'rishmaydi. Bu esa o'qituvchi zimmasiga katta mas'uliyatlarni yuklaydi. O'qituvchini izlanishga, o'z ustida ishlashga, darsni har gal yangilik kiritib o'tishga undaydi.

Asqad Muxtorning "Qo'rqqoqlikning to'lovi" parchasidagi toshbaqa to'g'risidagi rivoyatdan "Toshbaqalar va timsohlar turkumi" mavzusida foydalanish mumkin. Rivoyatda toshbaqaning bir umrga tosh kotarib yurishiga, rangining ko'rimsiz bo'lishiga bo'yinlarining burishgan bo'lishiga o'zining qo'rqqoqligi, xudbinligi sabab bo'lgani yozilgan. Rivoyatni o'quvchilar diqqatiga havola etish bilan ularni mardlikka, har qanday vaziyatda ham yaqinlariga sodiq qolishga undash mumkin.

Odam va uning salomatligi fanidan bir qancha mavzularda P. Mo'minning "Kimki yursa piyoda", "Yasha sovun, yasha suv", "Muzqaymoq yeb ozgina". "Ibn Sino bobo ulashar davo", buyuk tabib Abu Ali ibn Sino o'gitlaridan, A. Oripovning "Tilak" she'ridan, "Uch buyuk tabib", "Tishlarni asraylik" hikoyalardan mavzu mazmuniga moslarini tanlab qo'llasa bo'ladi. Shu orqali ularda gigiyenik, axloqiy, iqtisodiy tarbiyani shakllantirish mumkin.

Biologiya fanida A. Oripovning "Genetika" she'ridan "Odam genetikasi" mavzusida foydalanish mumkin. Ushbu she'r o'tiladigan mavzuni mazmunan boyitib, o'quvchilarning xotirasiga, aqliy hamda axloqiy tarbiyasiga ijobiy ta'sir ko'rsatib ularda yashab o'tgan bobokalonlarining qilgan ishlaridan faxr, iftixor tuyg'usini uyg'otib, mavzuni xotirada oson saqlab qolishga yordam beradi.

Biologiya fanlarida badiiy adabiyotdan foydalanish o'quvchilarning ushbu fanni o'rganishga bo'lgan qiziqishni oshiradi, ma'naviy – axloqiy tarbiyasini shakllantiradi.

O‘ZBEK TILIDA “ERKAK” TUSHUNCHASINING GENDER NUQTAI NAZARIDAN TAHLILI.

Latipov Aziz Akbaraliyevich- SamDCHTI 2-kurs magistranti

Gender ilm-fanga o‘zining biologik jins ma’nosini tark etmagan holda shaxsning ijtimoiy-madaniy maqomini belgilovchi muhim omil sifatida o‘tgan asrning 80-yillarida kirib keldi. Genderning tilshunoslik sohasiga ijtimoiy fanlardan kirib kelganligi to‘g‘risidagi tasdiqni sotsiologik lug‘atlarda uning “ijtimoiy-madaniy jins” ko‘rinishidagi izohining mavjudligi bilan tasdiqlash mumkin. Demak, gender ijtimoiy hodisa va ijtimoiy kategoriya sifatida lingvistik nuqtai nazardan tadqiq etiladi.²

Leksikografiya zamonaviy yo‘nalishlar ta’sirida, ayniqsa antropologik paradigma doirasida sezilarli darajada rivoj topdi. Leksikografik manbalar zamonaviy lingvistik genderologiyaning faol aspektlaridan biri hisoblanib, ularning gender tahlili erkaklarga xos me’yorlar, erkaklik konseptlari, shuningdek erkaklikning lisoniy olam tasviridagi o‘ziga xos xususiyatlari haqida ma’lumot beradi. Shunga ko‘ra, inson til vakili sifatida “lug‘at shaxsda” va “shaxs lug‘atda” yo‘nalishlari tadqiq etila boshlandi. Fanning bu ikki yo‘nalishi muammolarini yechishda gender tadqiqotlari natijalari muhim hissa qo‘shadi.³

B. Mengliyevning *odam* leksemasining semantik jihatdan tahlili yoritilgan maqolasida “odam” leksemasining erkak sememasi bilan tenglashtirishning yaqqol ko‘rinishini kuzatishimiz mumkin. Unga ko‘ra *odam* leksemasining mazmun silsilasi uchta genetik bog‘langan nisbiy mustaqil sememalardan tashkil topgan bo‘lib, ularning har birini nisbiy yaxlitlik sifatida quyidagicha ta’riflash mumkin:

1. Fikrlash, so‘zlash va mehnat qobiliyatiga ega maxluq.
2. Erkak kishi.
3. Voyaga yetgan kishi.

O‘zbek tilining etimologik lug‘atida “*Odam* – arabcha so‘z “adamu” shaklida yozilib, birinchi paydo bo‘lgan kishi (*Odam* ato) ma’nosini, “adam” shaklida yozilsa, “kishi, inson” ma’nosini anglatadi; o‘zbek tiliga bu so‘z adam (*odam*) shaklida kirib kelgan”. *Odam* leksemasi o‘zbek tili lug‘atlarining har birida turlicha izohlangan.⁴

“O‘zbek tilining izohli lug‘ati” da *odam* – «kishilik jamiyatining ayrim bir a’zosi, shaxs» sifatida izohlanadi.

“Hozirgi o‘zbek tili faol so‘zlarining izohli lug‘ati” da *odam* leksemasi quyidagi ma’nolarda tavsiflangan:

1. Inson, kishi, oliy zot: (*Odam farzandi*).
2. Jamiyatning har bir a’zosi, shaxs: (*Odamlarni chaqirib kelmoq*).
3. Jamoa xo‘jaligi yoki oilaning har bir a’zosi: (*Qaramog‘ida oltita odami bor*)”.

Yuqorida keltirilgan misollardan shuni ta’kidlash mumkinki, *odam* leksemasi ham erkak, ham ayolni anglatadi. Chunki qayd etilgan lug‘atlarning

² Никольская В.А. Гендерные асимметрии и стереотипы в английской фразеологии: 2005. – 177 с.

³ Маматов А.Э. Хозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991. – 274 б.

⁴ Менглиев Б. ”Одам” лексемаси ва сатхлараро муносабатлар // Тилнинг аксиологик механизмлари ва матн эмоционаллиги. Маърузалар баёни тўплами. – Тошкент, 2001.

birortasida ham *odam* – *erkak* semasi bilan tenglashtirilmagan, ya'ni *odam* – *erkak* yoki *odam* – *ayol* tarzida izohlanmagan. Ammo yuqoridagi O'zbek tilining izohli lug'atida keltirilgan misolda, *odam* leksemasida erkak jinsi anglashilib, bu misolda erkak jinsi tushunchasi ustunlik qilgani yaqqol ko'rinib turibdi, ya'ni *mahallaning otasi* kabi.

“Devonu lug'otit-turk”da *er* so'zining izohi *odam* bilan ifodalanganligi kuzatildi:

*Ishda siqilmaydigan odam oq lochinni ham tutadi,
Shoshilmagan odam eng yaxshi bozini ovlaydi*”.⁵

Yuqorida hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'atida keltirilgan misollarda esa, *odam* leksemasi ostida ikki jins, ya'ni ayol va erkakni anglash mumkin, zero bunday tushuncha jamiyatga xos an'anaviy tushunchalardan biridir.

Mana shu samimiy iltijolar zamiridagi muruvvat har qanday bag'ritosh odamni ham eritib yuborgudek edi.

Konseptning jamiyatda tutgan o'rni, uning ijtimoiy ahamiyatini belgilovchi metodga ko'ra quyidagi holatga duch kelamiz, ya'ni *odam* leksemasi ko'p hollarda *ayol* tushunchasiga emas, balki *erkak* tushunchasi bilan tenglashtiriladi.

“*Er*”- “qadimgi turkiy tilda xotin bilan nikoh ahdidagi erkak. Bu so'z dastlab ‘erkak jinsiga mansub’ ma'nosini anglatgan sifat bo'lgan, ot ma'nosini esa, keyinchalik anglata boshlagan”.

Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'atida “*er*” leksemasi quyidagicha ifodalangan:

1. Erkak. *Jinsi – er, millati o'zbek.*
2. Nikohda bo'lgan erkak. *Er – xotin qo'sh xo'kiz.*
3. Mard, jasur. *Er yigitlar Vatanni qo'riqlaydi.*

“Erkak” qadimgi turkiy tilda *er* jinsiga mansub kishi ma'nosini anglatgan “*er*” so'zidan – “*kak*” qo'shimchasi bilan yasalgan bo'lib, asli sifat ma'nosini anglatgan, ot ma'nosi keyinchalik yuzaga kelgan: *er+kak=erkak* [41].

Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'atida *erkak* – jinsiy jihatdan xotin kishiga zid bo'lgan *odam*. Masalan: *Erkak bor uyda, fayz boshqacha bo'ladi.*

Lug'atda *o'g'il* leksemasi esa quyidagicha berilgan.

O'g'il:

1. Er jinsidagi (bola). *O'g'il va qiz bolalar.*
2. Shu jinsdagi farzand. *Ikki o'g'il va bir qizning otasi.*

Balog'at yoshiga yetganda esa, o'g'il leksemasi *yigit* leksemasiga almashadi. Yuqoridagi leksemalarni quyidagicha keltirish mumkin, ya'ni:

O'g'il - Balog'at yoshiga etmagan bola va o'g'il farzand.

Yigit - Balog'atga etgan o'g'il.

Shunday ekan *O'g'il* leksemasi bilan *yigit* leksemasi o'zining ma'nomohiyatiga ega ekanligi, alohida tushuncha sifatida ifodalanishini ko'rishimiz mumkin.

Yuqorida qayd etilgan ijtimoiy metodga asoslangan holda jamiyatda *erkak* leksemalari haqidagi tasavvurlarni quyidagicha keltirish mumkin: erkak jamiyatda hukmron, uning barcha amallari to'g'ri deb qabul qilingan. Masalan: *Erkak-da,*

⁵ Abdullayev X.D. Xalq maqollarining “Qutadg'u bilig” poetikasida o'rni va badiiy estetik funksiyalari. Toshkent, 2005. – 152 b.

erkak!

Bundan tashqari, o'g'il bola uchun erkalash ma'nosida qo'llaniladigan so'z ham *bola* leksemasi yordamida quyidagicha hosil bo'ladi: bola + kay = bolakay tarzida.

Shunday qilib, o'zbek tili leksikografik manbalarining gender tahlili leksemalar orasida erkaklik olami tasviri ustun ekanligini kuzatish imkonini berdi.

TEACHING COLLOCATIONS: TECHNIQUES TO BEGINNERS.

Shakhnoza Nashirova - Karshi State University teacher

Teaching collocations has become a top priority in language teaching. Although a lot of teachers might not agree on teaching collocations before upper intermediate-level, this study claims that exposing low-level learners (especially, beginners) to language chunks rather than individual words enhances their abilities in writing and speaking (communicative power). Learners may know many individual words which they can't use, along with their grammatical knowledge, but they lack the ability to use those words in a range of collocations which pack more meaning into what they say or write. In addition, learning collocations was found also beneficial in developing learners' skills such as critical thinking and autonomous learning. At the same time, the arbitrary nature of collocations encourages learners' autonomy as learners always ask themselves questions like why do I say —long hair and tall man and not vice versa?

“Without grammar little can be conveyed, without vocabulary nothing can be conveyed” Wilkins D. (1972, 11)

Recently, teaching collocation has become a top priority in language teaching. They have come out as an important category of lexical patterning. In many definitions of collocation, the co-occurrence of words introduces the core concept of collocations. Therefore, a typical definition of collocation is —words which are statistically much more likely to appear together than random chance suggests (Lewis M. 2000, 29).

The main focus of this paper will be lexis, specifically, adjective-noun collocation for beginners. It is a fact that forming the mental lexicon of our learners requires more than teaching them a word (Willis 2003).

Recognizing single words as individual items is not good for language use. For example, it is not very helpful for students to learn the meaning of the noun —*tea* without learning the adjective — *strong*, as the other option for learners is to go for —* *heavy tea* (Willis D. 2003) (Egyptian beginners make similar mistakes, although they know the meaning of both —*tea* and —*strong*). Having learners in mind, a teacher should re-examine the content of his lesson and find useful groups of words (collocations) to be taught to students. (Lewis M. 2009).

Mentioning collocation brings to our attention the term colligation that is pretty much connected to collocation teaching. Colligation is a type of collocation but when a lexical item is connected to a grammatical one. In other words, it refers to co-occurrence of words which is based on the way they function in a syntactic structure or a syntactic pattern. Firth claimed that colligation refers to the relations between words at the grammatical level, i.e. the relations of 'word and sentence classes or of similar categories' instead of between words (1968:181).

Collocation in low-level courses appears in various types such as adjective-noun (e.g. strong tea), verb-noun (e.g. have a shower) and noun-noun collocation (e.g. shower head). This concurs with Lewis (2000) findings that verb-noun, adjective-noun and noun-noun collocations are the most convenient for early stages, as they present language chunks to learners' attention as single choices. Also, adjective-noun collocation is a common area of errors for learners. Therefore, the next section introduces various collocation types which could be beneficial to beginners.

For the purpose our attention will be directed to lexical collocation more than grammatical collocation (Colligation; collocation categories noted by Benson et al. 1997, ix). It has become obvious that any lexical collocation is formed of two content words. It is worth mentioning that some other collocation types are formed of more than two words. Therefore, it is recommended to use the term chunks which better describes the nature of collocation. The term chunk refers to a combination of more than one word that conveys a specific meaning as a unit. The most common lexical collocation types as listed by (Stroh P. 2004) are:

1. Adjective-noun *heavy smoker*
2. Noun-verb *prices fall*
3. Verb-noun *do the dishes*
4. Verb-Adjective *defend sth vigorously*
5. Adverb-verb *half understood*

At this stage, it is very crucial to differentiate between collocation, idioms and phrasal verbs. On the one hand, let's agree that every phrasal verb could be considered as a collocation; this relies on the fact that collocation is mainly based on the ideas of co-occurrence, and phrasal verbs are one of the fixed combination in the English language lexical structure.

On the other hand, it is crucial to stress the fact that not every collocation is a phrasal verb. Therefore, the next section clarifies the idioms collocation overlap.

The relationship between idioms and collocations is one of the hottest areas in the study of lexis. Since idioms refer to those fixed chunks not only used by native speakers, but also represents the bulk of their daily language use, it is essential to consider teaching idioms to language learners. Therefore, it is important here to investigate the clear overlap between idioms (fixed structure) and collocations. Michael Lewis argued that, it is necessary to accept collocations as a wider concept of idiomaticity to get a clear idea of their nature (Lewis, 2000). Adjective-noun collocations, like other types of collocation, form a cline of idiomaticity that varied from very fixed structures to open collocations. According to The Oxford Dictionary of Current Idiomatic English the following categories are used to describe a cline of idiomaticity as follows (Lewis, 2000 & Stroh, 2004):

Pure idioms: This refers to lexical combinations that are completely opaque and invariable. They are not predictable, and learners can't rely on the literal meaning of words (e.g. *red tape*).

Figurative idioms: they are slightly variable and have one figurative and one literal interpretation (e.g. *green fingers*).

Restricted collocations: they have one figurative and one literal element, and there is an arbitrary combinability restriction on one of the elements with other elements outside the combination (e.g. *dry farming*).

Open collocations: they consist of elements which are both used in their literal sense, predictable and are freely combinable (e.g. *big flat*).

Consequently, this cline of idiomaticity shows that adjective-noun collocations have many types; some of them wouldn't be convenient for low level learners to study. This concurs with the claims that sometimes teachers don't have to teach certain types of collocations (Lewis 2000).

On the one hand, pure idioms are too difficult for low-level learners. On the other hand, open collocation is too easy to predict by students, and will not enhance students learning of collocation in general. At the same time, collocations that may sound predictable for teachers could be not predictable for students. Therefore, the next section explains what kind of collocations teachers need to consider while deciding on collocations for lower-level learners.

Experience showed that, with regards to teaching collocations to lower-level learners, it is essential for teachers to know what adjective-noun collocations to teach and what to avoid. This concurs with Lewis' claims that teachers may just need to draw students' attention to the important collocations and leave the unimportant ones to students to figure them out (Lewis, 2000). Therefore, in order to enhance students learning, teachers should consider the convenient collocation type that meets real students' level and needs in connection with collocation strength. For lower-level learners, most of what should be taught is medium-strength collocations. According to Jimmie Hill —Collocational strength of adjective-noun is classified (opacity based) as follows (2000):

Unique collocations: Thinking of collocations on a cline from those which are unique/fixed and non-literal —e.g. *red tapet* to those which are predictable —*anice day*.

Strong Collocations: Although not unique, some collocations are strong which make any information of their one part is incomplete without the other (e.g. *rancid butter*).

Weak collocations: the example —*red car* is a weak collocation, as both —red & —car can easily co-occur in different collocations. As many things can be —red. In addition, the collocation just carries the literal meaning of its words.

Medium-strength collocations: this form the main learning load for beginners' lessons, and of prime importance in expanding their mental lexicons (Hill, J. 2000). They neither include weak collocations nor strong or unique ones (e.g. *strong coffee, heavy smoker, pretty woman, handsome man, etc*).

As highlighted above the medium-strength collocations is the most convenient type for low-level learners for many reasons. Firstly, it forms the biggest bulk of teaching material introduced to such level of students. Secondly, using medium-strength collocations offers a range of cognitive challenge that exactly suits beginners and elementary students. Thirdly, the range of autonomy introduced with teaching collocation in general is very essential to students at this early stage; according to classroom practices, low-level learners are offered a lot of independent learning opportunities which definitely enhances learners' performance at advanced stages.

Since the ELT career is updating itself on daily basis, teachers should develop their teaching techniques to cope with modern

teaching methodology. It is essential to experiment theories and modify them to suit various teaching environments.

TALABALAR MUSTAQIL ISHINING SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA O‘QUV, TEXNIK VA DASTURIY VOSITALARINING HAMDA FANLARARO ALOQANING AHAMIYATI

Xodjayeva D. (assistant, SamDU,,

Abdirashidov A. (dotsent, SamDU,

Mamatov Sh.S. (dotsent, SamDU,

Zamonaviy oliy ta’limning rivojlanish konsepsiyasi har bir oliy ta’lim muassasasining oldiga o‘quv jarayonini axborotlashtirish sohasida yetakchi o‘rinni egallash vazifasini qo‘yadi. Bugungi kunda Oliy ta’lim muassasasi jahonning yetakchi universitetlari darajasiga taqqoslanadigan va respublikamiz tajribalariga mos keladigan ta’limning yangi avlodi standartlarini shakllantirishga yo‘naltirilgan.

Yangi standartlarni amalga oshirish, murakkab va dinamik rivojlanayotgan jarayonlarni kompleks tahlil qilish bilim va malakalariga ega bo‘lgan bitiruvchi talabalar guruhini shakllantirish imkonini beradi. Buning ma’nosi shuki, fanlararo to‘siqlarni bartaraf qilishni maqsadli yo‘naltirish, fanlarga tor doirada qarashdan voz kechish va talabalarda barcha turdagi texnologiyalardan foydalanishning afzalligi asosida analitik natijalarga ega bo‘lishi uchun ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish.

Yuqorida aytganlarimizni ana shu fan doirasida izohlashga harakat qilamiz.

Fanlararo yondashuv: oliy matematika fani materiallari (masalan, analitik geometriyadan dasturlashgacha) asosida mantiqiy fikrlashni, kommunikatsiya va o‘zaro ta’sirni rivojlantiradi; yangi amaliy masalalar yechimlarini qidirish, matematik obyektlar uchun ichki tasavvurlar va modellarni shakllantiradi; matematikaning umuminsoniyat madaniyatining qismi ekanligini, zamon taraqqiyotida matematikaning ahamiyati haqida tasavvurni shakllantiradi; matematik rivojlanish poydevorini qurish, matematik faoliyat uchun xarakterli bo‘lgan fikrlash mexanizmini shakllantiradi; matematik madaniyatni, kasbiy faoliyat maydonida matematik metodlar va vositalarning samaradorligini o‘stiradi.

Masalaning yana bir jihatiga e’tiborni qarataylik. Oliy matematika fanini mukammalroq o‘zlashtirish maqsadida MS Office dasturlaridan (masalan, MS Excel) va matematik paketlardan (masalan, Maple, Mathcad, MATLAB, Mathematica va boshqa) hamda Internet ma’limotlaridan unumli va samarali foydalanish maqsadga muvofiq. Masalan, korrelyatsion va regressiv bog‘lanishlarni qaraganda, regressiya bo‘yicha prognoz qurishda barcha yordamchi jadvallarni qo‘lda emas, balki, masalan, MS Excel jadval prosessorini yordamida to‘ldirish maqsadga muvofiq.

Ma’lumotlarni statistik ishlab chiqish uchun boshqa ko‘pgina dasturiy vositalar ham mavjud. Bular jumlasiga Microsoft firmasi ishlab chiqqan ma’lum “Statistica”, “Olimp”, “Mezozavr” va boshqa dasturiy paketlarni kiritish mumkin. Biroq MS Excelda statistik tahlil o‘z ijobiy tomoniga ega. Birinchidan, u doim qo‘l ostimizda, ikkinchidan bu dastur jarayonning ma’nosini chuqur tushunish va hisob algoritmini oson ishlab chiqishga imkon beradi. Bunday mustaqil ish ancha

unumli bo‘lib, talabani ijodiy potensialini rivojlantirishga yordam beradi va muammoli vaziyatlarni yechish usullarini mustaqil yakka tartibda topishga qaratilgan. Shu bilan birga bu jarayon mavzuni tezkor, namoyishkorona, kerakli tasvirlarda va yetarlicha aniqlikda hamda vizuallashtirilgan va animatsiyalashtirilgan holda o‘rganish imkonini beradi.

Ko‘rgazmali, texnik, dasturiy vositalaridan amaliy darslarda samarali foydalanish tajribasi ijobiy natijalar beradi. Talabalar an’anaviy dars shakllariga qaraganda ancha ko‘p miqdordagi har xil masalalarni qarash bilan birgalikda bu jarayonga ham ijodiy yondashadilar. Dasturiy vositalardan foydalanish talabalar faoliyatini hisoblash nuqtai nazaridan analitik va prognoz qilish faoliyatiga almashishga imkon beradi.

Bularning barchasi ta’lim jarayonining jonkuyarlaridan chuqur bilimni, adabiyotlarning yangi avlodini yaratishni, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalanishni, chet tillarni mukammal bilishni talab qiladi. Shuning uchun talabani mustaqil ta’lim faoliyatida o‘quv, texnik va dasturiy vositalaridan foydalanishni shakllantirish hamda fanlararo aloqani keng qamrovli tushunishlarining yangi qirralarini ochish biz pedagoglarning kundalik muhim vazifalarimizdan biriga aylanmog‘i lozim.

O‘ZBEK XALQ PEDAGOGIKASIDA MEHNAT TARBIYASINING YORITILISHI

Yarmanova Yulduz - Qarshi DU o‘qituvchisi

Mehnat - kishi kamolotining bosh omilidir. Mehnat- insoniyat hayotining birinchi shartidir. Insonlarning dunyoga kelishi bilanoq mehnat qilish ko‘nikmasi va malakalarini to‘g‘ri shakllantirishga alohida e’tibor berish lozim. Sharq xalqlari tarixida bolalarni tarbiyalashga hamda insoniy fazilatlarni tarkib toptirishda milliy urf-odat, rasm-rusumlarga amal qilishda avvalo inson mehnatidan boshlash kerakligi muhim ahamiyat kasb etgan. Xususan, o‘zbek xalqi ham bola tarbiyasiga alohida e’tibor berib, bolalarni barkamol qilib tarbiyalash, ularni jasur, insonparvar, vatanparvar, estetik didli, mehnatsevar, mehnat ahlini hurmat qilishga o‘zgaralar mehnatini qadrlashga o‘rgatilgan. Bu tarbiya jarayoni bizgacha yetib kelgan va hozirda xalqimizning bebaho ma’naviy boyligi hisoblangan o‘zbek xalq pedagogikasining xalq og‘zaki ijodi namunalari hamda buyuk alloma va mutafakkirlarimiz yozib qoldirgan noyob durdonalarida o‘z ifodasini topgan.

Demak, mehnat kishi kamolotining har tomonlama ta’minlash yoki tarbiyalash uchun asosiy vosita bo‘lib xizmat qiladi. Mehnat –kishilik tarixiy taraqqiyotining uzluksiz tarzda qudratli vositasi bo‘lib kelgan. Mehnat tarbiyasi xalq ommasining bola tarbiyasi tizimidagi barcha tarbiyaviy faoliyatning asosi hisoblanadi.

Jahon xalqlarining eng ilg‘or an‘analari xususan tarbiyaga oid tushuncha, qarash, urf-odatlari mehnat tarbiyasi bilan chambarchas bog‘liqdir. O‘zbek xalqining buyuk alloma va mutafakkirlari ilm, fan, adabiyot, san‘at sohalaridagi erishgan yutuqlari bilan jahon madaniyati xazinasiga hissa qo‘shgan.

Bolalarni kamolotga yetkazishda tarbiyaning barcha tarkiblarini shakllantirishda tarbiya vositasi sifatida folklor materiallaridan foydalanish jarayonida mehnat tarbiyasiga ham alohida e’tibor berilgan.

Mehnatkash xalq ommasi nodir yodgorliklarni, ijodkorlarni, xalq donishmandligini yuksak qadrlagan, o'rgangan, vorisi bo'lib kelgan. Mehnat xalqimizning bebaho qadr-qimmatiga ega bo'lgan madaniy merosimiz Qur'oni Karimda va hadislarda yuksak baholanadi. Madaniy meros bo'lgan Qur'oni Karim va hadislarda kishilarning kamolot jarayonida amal qilishi kerak bo'lgan ishlar yuzasidan pand-nasihatlar mujassamlashgandir. Jumladan, bolalar tarbiyasi borasida keltirilgan suralarda bolalarni yoshligidan boshlab, oilada insoniy fazilatlarini shakllantirib boorish hamda kamol toptirishda ularning axloqiy, aqliy, jismoniy hamda mehnatsevarlik ruhida tarbiyalashga keng o'rin berilgan. Chunki axloq ne'matlarga yetkazuvchi asosiy omillardan biridir.

Hadislarda insoniylik sha'niga dog' tushuradigan razil, ishyoqmas kishilar qoralanadi. Hadislarda, xususan, mehnat tarbiyasi, inson kamolotida mehnatning roli to'g'risida chuqur, teran fikrlar yuritiladi. Bundan tashqari hadislarda mehnat tarbiyasiga oid, kishilarning baxtli vat inch farovon hayot kechirishlarining asosiy mezoni mehnat bilan belgilanishi takror-takror nasihat qilinadi. Masalan, "Dehqonchilik qilinglar, chunki dehqonchilik barakali ishdir. Dehqonchilikni qo'riqlovchi soqchilarni ko'paytiringlar", "Kasbning eng yaxshisi kishining o'z qo'li bilan bajaradigan ishi va halol savdosidir", "Tangri o'z bandalari ichida g'ayratlisini yoqtiradi" kabi hadislarda kishilarni halol mehnat qilishga, g'ayratli, shijoatli bo'lishga mehnat orqali topilgan mol-dunyoni totli va barakali bo'lishini ta'kidlaydi. Qur'oni Karim va hadislarda barcha yaxshi amallar, qatorida kishilarni farovon hayot kechirishlariga mehnatning rolini yuksak ekanligi ifoda etilib, yoshlikdan boshlab halol mehnat qilib yashashga da'vat etilgan.

O'zbek xalq og'zaki ijodi namunalaridan maqol, topishmoq, tez aytish, qo'shiq, ertak, dostonlardamehnatni kishi kamolotida tutgan o'rniva uning qadr-qimmatini yuksak baholangan. Har bir janr bola tarbiyasining ma'lum bir xususiyatini o'zida aks ettiradi.

Tez aytishlar- bola tafakkuri va xotirasini takomillashtiradi, topishmoqlar esa aqliy faoliyatni rivojlantiradi. Maqollar odob-axloq tarbiyasini, qo'shiqlar bolalarni estetik didlarini shakllantirish, ertak va dostonlarda esa tarbiyaning barcha qirralarini tarbiyalashda o'z o'rnini topgan. Lekin har bir janrni alohida chuqurroq tahlil qilib ko'rilsa, barcha tarbiyalar qatori mehnat tarbiyasi yuzasidan juda ko'p tarbiyaviy manbalar uchratish mumkin. "Soli arralaydi, Lola allalaydi".

Maqollar – xalq og'zaki ijodining juda ixcham, shu bilan birga sermazmun eng ta'sirchan shaklidir. Maqol- xalqning aqli, farosati, tajribasining yakuni, xalq donishmandligining mahsulidir. Maqollar insonlarning mehnat jarayonida to'plagan turmush tajribalari, dunyoqarashi, o'zi yashab turgan ijtimoiy hayotga bo'lgan munosabati, o'tmish hayoti va uning ibratli saboqlari, shaxsning ruhiy holati, umid va orzularini ifodalaydi.

Folklor materiali bo'lgan maqollarda bolalarni barkamol qilib tarbiyalashning usul va vositalari uyg'unlashadi. Maqollarda pand-nasihat, eslatish, rag'batlantirish, ogohlantirish kabi metodlardan foydalaniladi.

Halol mehnat yaxshi odat, Berar senga saodat.

Og'zingni ko'kka ochma, Halol mehnatdan qochma.

Harakating erta bo'lsa, kuzda erta o'rasan.

Mard yigitning labi yog'liq, Dangasaning boshi qonliq.

Mehnat qilsang yasharsan, Katta –katta osharsan.

Bundan tashqari ertaklarda mehnat orqali halol pul topish va uning qadriga yetish masalalariga alohida e'tibor berilgan. "Har kishining mehnati shirin", "Ona yerda ko'p hosil", "Oltin tarvuz" kabi ertaklarda ko'rishimiz mumkin. Folklor janridagi ertaklar bolalarga mehnat tarbiyasini berishda muhim ahamiyat kasb etib, bolalarning fikrlash qobiliyatlarini ham o'stiradi va dunyoqarashlarini kengaytirishga xizmat qiladi.

O'zbek xalq pedagogikasining folklor janrida bolalarni barkamol qilib tarbiyalashga alohida e'tibor qaratilgan. Turli usul va vositalardan foydalanib yaxshi natijalarga erishilgan. Hozirgi kunda ushbu manbalardan keng va o'rinli foydalanish ijobiy natijalar beradi.

BOSHLANG'ICH SINIF "TABIATSHUNOSLIK" DARSLARIDA "O'YIN- TOPISHMOQ" DIDAKTIK O'YINIDAN FOYDALANISH

Yulduz Yarmanova - Qarshi Davlat universiteti

O'quvchilarga ekologik tarbiya berishda tabiatshunoslik darslarining o'ziga xos o'rnini bor. Ekologik ta'lim va tarbiya maqsadlaridan kelib chiqib, tabiatshunoslik fani o'quvchilarni insonni tabiatga ta'siriniva tabiat boyliklarini o'quvchilarga tushuntirish vazifasini o'z oldiga qo'yadi.

Boshlang'ich ta'lim jarayonida tabiatshunoslik fanining maqsad va vazifalari quyidagilardan iborat:

- o'quvchilarni tevarak-atrof tabiat bilan yaqindan tanishtirish;
- tabiatning tuzilishi va tabiatdagi hodisalar haqida to'g'ri tasavvurlarni shakllantirish;
- tabiatga muhabbat va uni sevishga o'rgatish;
- tabiatdagi resurslardan oqilona foydalanish hamda unga ehtiyotkorona munosabatda bo'lishga o'rgatish.

Bu vazifalarning barchasi darsliklardagi mavzularda o'z aksini topadi. Bu mavzularni yoritishda o'qituvchi tomonidan ekologik o'yinlar keng qo'llaniladi. Shu bilan birga tabiatshunoslik darslarida boshqa didaktik o'yinlarning qo'llanilishi bilan tanishamiz.

"O'yin-topishmoq" didaktik o'yini

Bu o'yindan darsning ma'lum bir qismida kichik hajmda yoki darsdan tashqari mashg'ulotlarda katta hajmda foydalanish mumkin. U quyidagi tartibda o'tkaziladi. O'qituvchi biror bir so'zni topishmoqlar yoki so'zlar vositasida uch marta ta'riflaydi. Birinchi ta'rif murakkab, ikkinchi ta'rif yengilroq, uchinchi ta'rif esa juda yengil bo'ladi. Birinchi ta'rifdanoq javobni to'g'ri topgan o'quvchiga 3 ball, ikkinchi ta'rifda to'g'ri javobni topgan o'quvchiga 2 ball, uchinchi ta'rifda to'g'ri javobni topgan o'quvchiga esa 1 ball beriladi. Bu o'yinni bir o'quvchi bilan og'zaki yoki ko'pchilik o'quvchilar bilan yozma ravishda o'tkazish mumkin.

Bunday o'yinlar o'quvchilar uchun juda qiziqarli bo'lib. ularning mustaqil fikrlash darajasini aniqlashga yordam beradi va rivojlantiradi. "O'yin - topishmoq" dan darsda yoki darsdan tashqari mashg'ulotlarda, ertaliklarda musobaqa tarzida foydalanish mumkin.⁶ 3-sinf "Tabiatshunoslik" darsligidagi "Yovvoyi hayvonlar"

⁶ T. G'afforova Boshlang'ich ta'limda zamonaviy texnologiyalar. Qarshi. Nasaf. 2008yil.

mavzusida quyidagicha qo'llashimiz mumkin. Yangi mavzu tushuntirilgach, mavzuni mustahkamlash uchun ushbu didaktik o'yindan foydalanamiz. O'quvchilar guruhlariga bo'lingan, har bir guruhga alohida o'tkaziladi.

1-guruhga: (Burgutlar)

Bu qaysi hayvon? (sher)

1. Bu hayvonlarni go'shtxo'r hayvonlar deb ham atashadi.
2. Bu hayvon yirtqichlar ichida eng kuchli hayvon hisoblanadi.
3. Bu hayvonning erkagi boshi, bo'yni, ko'kragini qoplab olgan yoli bilan urg'ochisidan farq qiladi.

2-guruhga: (Lochinlar)

Bu qaysi hayvon?(fil)

1. Quruqlikdagi eng katta hayvon, og'irligi 6 tonna, balandligi 4 metrga yetadi.
2. O'tlar, butalar, daraxtlarning bargi, meva va ildizlarni yeydi.
3. Uning burni-xartumi hid bilish a'zosi bo'libgina qolmay, ovqatlanish, karnay kabi ovoz chiqarish, yuk ko'tarish vazifalarini bajaradi.

3-guruhga: (Qaldirg'och)

Bu qaysi hayvon? (jirafa)

1. Yer yuzidagi eng baland hayvon, uning bo'yi 6 metrga yetadi.
 2. Bolasi tug'ilgan kunining ertasidayoq, onasining ortidan yugurib yuradi.
 3. Har bir qadamining uzunligi 4- 5 metrga yetadi.
- Bi kabi didaktik o'yinlardan foydalanish o'quvchilarni mustaqil fikrlashga, tabiatni o'rganishlariga olib keladi. Shu bilan birga darsning samaradorligiga ijobiy ta'sir etadi.

TABIY RESURSLARDAN OQILONA FOYDALANISH VA TOG' KON SANOATI CHIQINDILARINI QAYTA ISHLASH MUAMMOLARI

Z.A.Ro'ziqulova, G.A.Raxmanova - Navoiy davlat pedagogika instituti huziridagi kompyuter va axborot texnologiyalari akademik litseyi

Yer, yer osti boyliklari, suv, o'simlik va hayvonot dunyosi hamda boshqa tabiiy zaxiralar umummilliy boylikdir, ulardan oqilona foydalanish zarur va ular davlat muhofazasidadir.

O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. 55-modda.

O'zbekiston Respublikasida yer osti boyliklari va uning hozirgi kundagi ahvoliga alohida e'tibor berilgan bo'lib, 1994-yil 23- sentabrda qabul qilingan "Yer osti boyliklari to'g'risida"gi Qonun asosida yer osti boyliklariga egalik qilish mamlakatimizda konchilik munosabatlari ushbu sohadagi davlat boshqaruvi Vazirlar mahkamasining konchilik munosabatlari sohasidagi vakolatlari masalasi yoritilgan. Ayniqsa yer osti boyliklaridan foydalanuvchilarning asosiy huquqlari va majburiyatlari yer osti boyliklaridan foydalanish huquqining bekor qilinish holatlari hamda himoya qilinishi kabi muammolar qonun asosida izohlab berildi.

Barcha boyliklar, oziq-ovqatlar, ma'danlar, qazilma boyliklar, javohirlar yerdan olinganligi sababli, tuproqning iqtisodiy, ma'naviy va ekologik ahamiyati beqiyosdir.

Sayyoramizning atigi 149 mln.km.kv maydoni quruqlik bo'lib, shundan 19 mln.km.kv yoki 13%igina foydalanishga yaroqli yerlar hisoblanadi. Quruqlikning

tabiiy-tarixiy jarayonlarda o'zgargan yuza, g'ovak, unumdor qatlami tuproq deyiladi.

Tuproq – tabiatning muhim tarkibiy qismi sifatida, tog' jinslari, iqlim, o'simlik va hayvonot bog'lovchi eng muhim zanjirdir.

Tuproq - quruqlikning yuqori qismi bo'lib, o'simliklar, hayvonlar, mikroorganizmlar va iqlim ta'sirida "ona" tog' jinslaridan hosil bo'lgan. U biosferaning boshqa qismlari bilan uzviy bog'langan muhim va murakkab tarkibiy qismi. Tuproqda quyidagi *asosiy komponentlar* o'zaro ta'sirlashadi:

- Mineral zarralar tuproqning umumiy tarkibini (50 %) (qum, gil tuproq), suv (25-30%), havo(15-25%) tashkil etadi;

- Detrit - qotib qolgan organik moddalar, bakteriya, zamburug' o'simlik va hayvonlar hayotiy faoliyati qoldiqlari;

- Detritofaglardan tortib to detritlarni gumusga aylantiruvchi redutsentlarga bo'lgan tirik organizmlar to'plami.

Tuproq go'yo tirik organizm bo'lib, uning ichida turli murakkab jarayonlar kechadi. Tuproqning sirtqi qatlamlarida turli xil organizmlarning ko'plab qoldiqlari mavjud. Ularning chirishi oqibatida gumus hosil bo'lib, uning miqdori esa tuproqning hosildorligini belgilab beradi. O'simliklar tuproqdan zaruriy mineral moddalarni oladi. O'simliklar chirigandan so'ng olingan elementlar yana tuproqqa qaytadi. Tuproqdagi organizmlar barcha organik qoldiqlarni qayta ishlaydi. Shunday qilib, tabiiy sharoitlarda tuproqda modda almashinuvi doimiy sodir bo'lib turadi. Sun'iy agrosenozlarda bunday aylanish buziladi, chunki qishloq xo'jaligi mahsulotining katta qismi yig'ishtirib olinadi va ular ehtiyojlar uchun foydalaniladi. Demak, mahsulotning olingan o'sha qismi tuproqdagi aylanish jarayonida qayta ishtirok etmaydi va oqibatda uning hosildorligi kamayadi. Sun'iy agrosenozlardagi tuproqning hosildorligini oshirish uchun inson unga organik va mineral o'g'itlar soladi.

Yerda radioaktiv elementlarning parchalanishi natijasida tuproqda, suv va havoda tabiiy radioaktivlik vujudga keladi. Tabiiy holda uchraydigan radioaktivlik tabiiy radioaktivlik bo'lib, tabiiy radioaktivlikning miqdori konsentratsiyasi yer yuzidan atmosferaga ajralib chiqayotgan radon izotopining radioaktiv parchalanishi, shuningdek, kosmik nurlar zarralarining havo tarkibidagi kimyoviy elementlar atom yadrolari bilan o'zaro ta'sirlanishi natijasida vaqt o'tishi bilan o'zgarib turadi. Hosil bo'lgan radioaktiv atomlar noradioaktiv atmosfera changi zarralariga o'tiradi. Tarkibida kaliy, uran, toriy va boshqa radioaktiv izotoplari bo'lgan chang shamol bilan yer yuzidan atmosferaga ko'tariladi va vaqt o'tishi bilan havo bilan katta maydonlarda tarqaladi. Keyingi vaqtlarda sun'iy radioaktivlikning turli yadro reaksiyalari yordamida sun'iy yo'l bilan sodir qilingan radioaktivlik ko'payishi bilan tabiiy radioaktivlik ham ortib bormoqda.

Radioaktiv ifloslanish boshqa ifloslanishlardan ancha farq qiladi. Shu bilan birga biosferaning hamma joylarida radioaktivlikning tabiiy manbalari mavjud. Eng xatarlisi biosferaning antropogen radioaktiv, ya'ni inson faoliyati natijasida ifloslanishidir. Hozirgi kunda radioaktiv elementlardan turli sohalarda keng foydalanilmoqda, ularni saqlash va tashish vaqtidagi e'tiborsizliklar tufayli jiddiy

radioaktiv ifloslanishlar yuzaga keladi. Radioaktiv chiqindilarni saqlash va bu chiqindilarning geografik muhitga bo'lgan ta'sirini yo'qotish muammosi hozirgi kunda ham jamiyat oldida turgan eng muhim muammolardan biridir.

TALABANI JISMONIY MADANIYAT O`QITUVCHISI KASBIY FAOLIYATIGA TAYYORLASHNING AYRIM MASALALARI

*SamDU pedagogika fanlar nomzodi dosent Yu.Masharipov,
katta.o`qit.U.S.Do`sanov, o`qituvchi N.J.Mardonov*

Respublikamizda kechayotgan bozor isloxlari oliy ta'lim tizimidan talabalarni yetuk mutaxassis sifatida tayyorlash samaradorligini yanada oshirishni talab etmoqda. Zero, jismoniy madaniyat ta'lim tarbiyasi mazmunini milliy an'anaviy qadriyatlarimiz ustvorligida qayta ko'rish vazifasi mutaxassislar zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. Jismoniy madaniyat fakulteti professor-o'qituvchilari jismoniy madaniyat ta'limini yanada rivojlantirish uchun o'z kuch va g'ayratlarini, bilim va mahoratlarini oliy o'quv yurtlari uchun pedagogik kadrlar va ilmiy xodimlar tayyorlashga safarbar etmoqdalar. Umuman, xozirgi kunda jismoniy madaniyat fakulteti pedagogik maxoratni, o'z kasbiga oid bilimlarni, ilmiy tadqiqot ishlariga doir malakani puxta egallagan, o'rta maktabning yuqori sinflarida va boshqa bilim va sport kollejarida davrimiz talablari darajasida yuksak ilmiy saviyada dars bera oladigan mutaxassislarni yetishtirishga munosib hissa qo'shmoqda. Biroq, shunga qaramay, tan olish kerakki jismoniy madaniyat fakultetida pedagogik muxitni vujudga keltirish, talabalarda jismoniy madaniyat va sport faoliyatiga moyillikni kuchaytirish masalalari xozircha yetarli darajada xal etilgan deb bo'lmaydi. Masalan, fakultetni bitirganlarning 85-90 foizi o'qituvchi sifatida maktablarga yuborilayotgan bo'lsa-da, ular fakultetda ta'lim olayotganlarida xozirgi zamon talablariga mos kasbiy pedagogik tayyorgarlik ko'rishlariga ayrim kamchiliklar sezilmoqda. Ayniqsa, sport psixologiyasi, pedagogika va jismoniy madaniyat nazariyasi fanlaridan o'tiladigan dars saotlarini hajman oshirish maqsadga muvofiq.

Talabalarni jismoniy madaniyat o'qituvchisi kasbiy faoliyatiga tayyorlash nihoyatda muhim va mas'ulyatli masala sifatida barcha o'qituvchilar, maxsus kafedralar va ijtimoiy fanlar kafedralarining va fakultet dekanlarining doimo alohida diqqat-e'tiborini taqazo etadi. Shuningdek, talabani jismoniy madaniyat o'qituvchisi kasbiy faoliyatiga tayyorlashda fakultetdagi maxsus fanlar kafedralarining o'rta maktab bilan yaqin aloqa o'rnatilganligi, fakultet o'qituvchilari tayyorlash sifati uchun ma'naviy javobgarlikni oshirish kabi an'analar muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Bulardan tashqari fanni yaxshi biladigan va maktabda o'qituvchilik qilishga qodir mutaxassislar tayyorlash uchun o'quv dasturidagi o'quv-sport mashg'ulotlarini rejalashtirishda ma'ruzalarning pedagogik yo'nalishini hisobga olish lozim. Buning uchun fakultet talabalarining kasbiy-pedagogik yo'nalishi ularning tayyorgarligiga aniq differensial munosabatda bo'lishga asoslanmog'i kerak. Lekin xozir ham fakultetda o'rta maktab va o'quv yurtlari uchun o'qituvchi kadrlar tayyorlash darajasiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan jihatlardan mavjud. U ham bo'lsa, fakultet moddiy-texnik bazasining anchagina nochorligidir. Masalan, fakultetda futbol, qo'l to'pi, yengil atletika, gimnastika, kurash, suzish, sport turlari uchun sport inshootlari talab darajasida emas. Xuddi

shu sababli bitiruvchilarni maktabda ishlashga taqsimlayotganda ularning ba`zilari, men ichki ishlarda ishlashni xohlayman degan fikrni bildirmoqdalar. Ba`zan xalq maorif xodimlari va jismoniy madaniyat o`qituvchilari bilan suhbatlashganda ham fakultetni bitirganlarning ko`pchiligi maktabda ko`ngildagidek ishlay olmayotgani, jismoniy madaniyat va sport faoliyatlarida faollik va tashabbuskorlik ko`rsatmayotgani, ayniqsa, tarbiyaviy ishlarda nunoqlik qilayotgani haqidagi e`tirozlarni eshitamiz. Buning asosiy sababi bizningcha, fakultetda talabaning o`zi o`qigan maktabda jismoniy madaniyat darsiga qiziqqan, sportni sevadigan, maktabda sport tugaraklarida faol qatnashib yurgan, sport musobaqalarida ishtirok etib yaxshi natijalarga erishgan, jismoniy madaniyat o`qituvchisi bo`laman degan yigit va qizlarni qabul qilishimiz lozim.

O`rta maktab jismoniy madaniyat ta`limining mazmuni zamon talabiga muvofiqlashtirilayotgan hozirgi sharoitda fakultet talabalarining sport psixologiyasi fanini o`rganish uchun belgilangan 38 soatlik mashg`ulot yetarli emas. Chunki fakultetda bo`lajak jismoniy madaniyat o`qituvchilarining kasbiy-pedagogik tayyorgarligi uchun sport psixologiyasidan 40 soat ma`ruza, 20 soat amaliy, 20 soat seminar, jami 80 soat vaqt ajratilishi zarur. Bu esa fakultetda talabalarining kasbiy-pedagogik tayyorgarligiga va sport maxoratini oshirishning psixologik jihatlariga, ularning talabaning kelajakdagi jismoniy madaniyat o`qituvchisi faoliyatiga kasbiy munosabatini tarkib toptirishda muhim o`rin tutadi.

Talabani jismoniy madaniyat va jismoniy tarbiya o`qituvchisi kasbiy faoliyatga tayyorlashning mazmunini yanada kengaytirish va takomillashtirish yuzasidan quyidagi firk-mulohazalarini bildiramiz:

1. Psixologiya fanining yutuqlarini hamda uning pedagogik kadrlarni o`qitish va tarbiyalashdagi rolini hisobga olib, sport psixologiyasi laboratoriyasini tashkil etish maqsadga muvofiq.

2. Jismoniy madaniyat darsining tuzilishi, bosqichlari va darsga qo`yiladigan umumiy pedagogik talablarning samaradorligini oshirish maqsadida bitiruv bakalavr ishlarini maktab, oliy o`quv yurti, sport muassasalari bo`yicha tanlangan ixtisoslikka yaqinlashtirish lozim.

Xullas, mana shu muhim vazifaalrning amalga oshirilishi jismoniy madaniyat sohasi bo`yicha kadrlar tayyorlashning darajasi va sifatini yaxshilashda juda katta yordam beradi.

O`QUV-TARBIYAVIY JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK TAXLILI

N. I. Amirov, QarMII katta o`qituvchisi,

O.K. Nazarov QarMII talabasi

Pedagogika fanida keyingi 15-20 yil davomida ta'lim-tarbiyani mukammallashtirish yo'llari izlandi. Ta'limda texnik vositalar kompyuter texnikasidan foydalanish, dasturlashtirilgan ta'lim usullarini amalga oshirish, hamkorlik pedagogikasi, pedagogik jarayonni optimallashtirish bo'yicha qator ishlar sinab ko'rildi. Lekin bu tadbirlar ta'lim jarayonidagi ko'zlangan maqsadga olib kelmayapti.

Ta'lim jarayoni juda murakkabdir. Ilm o'rganish – igna bilan quduq qazishdek qiyin ish deb qadimgilar bejizga aytishmagan. Bu murakkab jarayonda

ham o'qituvchi ham talaba hamkorlikda maqsadli faoliyat ko'rsatishlari lozim. O'qituvchilar zamon talablariga mos shaklda fan dasturida aks etgan bilimlar mazmunini talabaga etkazadi. Talabalar esa bu bilimlarni faollik bilan o'zlashtirishi zarur. Bu jarayonga talabaning mavjud bilimlari, hayotiy tajribasi, bayon qilinayotgan bilimlar tizimiga, fanga va o'qishga munosabati ta'sir etadi. Bu sohada barcha talabalarning ham imkoniyati bir xil bo'lmaydi. Kimdir kengroq bilimga, boy tajribaga ega bo'lib o'qishda muvaffaqiyat bilan ishlaydi. Chunki, psixologlarning ko'rsatishiga bilimlarni o'zlashtirish, bu yangi qabul qilinayotgan axborotlarni talabada avval mavjud bo'lgan axborotlar tizimiga kiritishdir. Demak, talabada bilimlar qancha keng bo'lsa, u yangi bilimlarni qabul qilishi shuncha oson bo'ladi.

Psixologik nuqtai nazardan talabaning bilish jarayoni sezish, idrok, xotira va tafakkurni o'z ichiga oladi. Sezish va idrok bilimning dastlabki, eng oddiy bosqichi hisoblanadi. Sezishda voqea-hodisalar ta'surotning yaxlit obrazi bosh miyada hosil bo'ladi. Idrok sezgiga nisbatan murakkab aks ettirish bosqichi bo'lib, unda odamning yoshi, hayotiy tajribasi, ruhiy holati, bilimi va boshqalar ta'sir etadi. Sezgi va idrok asosida odamning ichki dunyosi shakllanib boradi. Xotira esa ana shu sezilgan va idrok etilgan ta'surotlarni bosh miyada saqlab qolishini ta'minlaydi. Xotiraning har bir bosqichiga ta'lim jarayonida katta e'tibor berish kerak. Asosiy e'tiborni esda olib qolish bosqichiga qaratish foydalidir. Chunki, yaxshi esda saqlangan ma'lumot uzoq muddat saqlanib qoladi. Xotiraning bu xususiyatidan ta'lim jarayonida foydalanish kerak. Talabalarga berilayotgan materiallarning ilmiy, hayotiy ahamiyati tushuntirilishi, muammoli vaziyatlar yaratilishi, materialni faol metodlar yordamida o'tilishiga e'tibor berish zarur.

Hozirgi kunda shaxsning tafakkurini o'stirish, davr talabi bo'lib, qolmoqda. Chunki, shaxsda tafakkur rivojlanmasa, inson o'ylashga-fikrlashga o'rganmasa, o'zidagi mavjud bilimlardan foydalana olmaydi. Tafakkuri rivojlangan odamtadbirkor odam bo'ladi. Tafakkur deganda shaxsning ma'lum muammo haqida o'ylashi, fikrlashi, tushuniladi. Tafakkur keng va chuqur bilimga asoslanadi. Talabada bilim mavjud bo'lishi bilan birga u o'ylashga ham o'rganishi kerak. Fikr yuritish ma'lum bir muammo paydo bo'lganda sodir bo'ladi. Shuning uchun darsning kirish qismida, ma'ruza, amaliy mashg'ulot, mustaqil ishlarda talabani fikr yuritishga majbur qiladigan topshiriqlarni taklif etish zarur. Tafakkur jarayoni psixik zo'riqishni, muammoni echish uchun barcha ma'naviy va aqliy imkoniyatlarni jalb etishni talab etadi. An'anaviy ta'lim tizimi o'qituvchi o'quvchi (tabala) ga ma'lumot berishga asoslangan bo'lib, bilimlarni o'zlashtirishda bilim oluvchilarning faolligiga kam e'tibor berilgan. Ta'lim natijalari ta'lim jarayonida omilkorlik bilan aniqlab, borilmagan. Bilimlarni o'zlashtirishda tanqidiy fikr yuritishga e'tibor berilmagan. Bilim bayon etilsa, u o'quvchi tomonidan o'zlashtirib olinadi degan g'oya ustun bo'lgan.

Bunday sharoitni bartaraf etish uchun pedagogika yangi bosqichga ko'tarilishi kerak. Yangi pedagogik texnologiyani yaratish lozim. Pedagogik texnologiyani yaratishni va amaliyotga joriy etishni yangi davr pedagogik amaliyot talab etmoqda.

Respublikamizga turli sohalarda keng qamrovli tafakkuri rivojlangan, mustaqil fikrlay oladigan mutaxassislar zarur. Ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchi va talabalarni mustaqil fikrlashga o'rgatish asosiy o'ringa ko'tarilishi zamon

talabidir. Bolaning butun hayoti davomida, ta'limning barcha bosqichlarida mustaqil fikr yuritish asosiy talab bo'lib qolishi kerak.

Yangi pedagogik texnologiyalarni yaratish va amaliyotga joriy etish uchun quyidagilarni amalga oshirish zarur:

- ta'lim jarayonida o'quvchi va talabalarni mustaqil o'qishga o'rgatish;
- ta'lim jarayonida dasturning mazkur darsga mo'ljallangan qismini to'liq o'zlashtirishga erishish;
- ta'lim jarayonida o'quvchi va talabalarni to'liq faollashtirish;
- ta'limni shunday uyushtirish zarurki, dars oxirida rejalashtirilgan maqsadga erishish ta'minlansin;
- ta'limda interaktiv metodlardan foydalanishni ta'minlash;
- ta'limni rejalashtirish va o'tkazishda moslanuvchan qayta bog'lnishni ta'minlash zarur;

Ta'lim-tarbiya jarayonini zamon talabi asosida takomillashtirish uchun kuch va mablag' sarflash, keng ilmiy izlanish o'tkazish talab etiladi. Shuningdek, ta'lim-tarbiya jarayonini takomillashtirishda faqatgina o'qituvchilargina ma'sul bo'lib qolmay, balki bu ishda keng jamoatchilik, mahalla va har bir ota-onaning ma'suliyati oshirilishi zarur.

TALABALAR TANQIDIY FIKRINI RIVOJLANTIRISHDA INTERFAOL METODLARNING O'RNI

N. I. Amirov, QarMII katta o'qituvchisi,

B. X. Eshmurodova, QarMII talabasi

Ta'limda har doim mazmun va metodlar muammosi mavjud, bu muammolar bir-biri bilan uzviy bog'langan. Ta'lim metodlaridagi muammolar «Kimni qanday o'qitamiz?» degan savol bilan bog'liq bo'lib, bundan ta'lim metodlarini ishlab chiqish uning mazmuniga bog'liq ekanligi kelib chiqadi. Bu ikki muammo o'zaro qarama-qarshilikda bo'lib, bir-birini to'ldirib boradi.

Tanqidiy fikr — bu qo'yilgan masala yoki niuammo yuzasidan o'z fikrini bayon qilish, o'zgalarning fikrlarini tanqidiy qayta idrok etish, o'z nuqtai nazarini asoslab berish va saqlab qolish imkoniyatiga ega bo'lishga asoslangandir. Yana bu qoidaga aniqlik kiritadigan bo'lsak, fikrlash — bu o'qish, yozish, so'zlash va eshitishga o'xshash jarayon. U faol, muvofiqlashtiruvchi shunday jarayonki, o'zida biror haqiqat to'g'risidagi fikrlarni qamrab oladi.

An'anaviy metodikada esa talaba shaxsining rivojlanishini hisobga olgan holda uning bilimi ko'nikmaga, undan esa malakagacha rivojlanishiga ahamiyat berilmasligi ayon. O'qituvchi talabaga iloji boricha o'rganilayotgan mavzudan ko'proq axborot berishga harakat qiladi. O'qituvchi axborotlarni to'plash, axborotlarni tanlash va qayta ishlash, o'rganilgan axborotlarni qo'llash kabi bilishning uchta bosqichdan iborat modeliga har doim ham rioya qilavermaydi. Keyingi navbatda talabaning bilish faoliyati (olgan bilimi) uni bilish faoliyatining yangi pog'onasiga, ya'ni bu bilish faoliyatining faollashuv jarayoniga ko'tarishi kerak. Shundagina bilim ko'nikmaga, ko'nikma esa malakaga aylanadi.

Ta'lim jarayonida tanqidiy (tahliliy) fikrlashning asoslanishi:

1. O'qituvchi (pedagog) va o'quvchi-talaba o'rtasidagi hamda o'quvchi-talaba bilan o'quvchi-talaba o'rtasidagi o'zaro hurmatni tarbiyalaydi.

2. Mashg'ulot jarayonida o'quvchi-talabanning o'z tajribasidan foydalaniladi.
3. Ma'lum o'quv mazmuni o'quvchi-talabanning talabiariga mos va aniq tarzda foydalaniladi.
4. Muarnmoni hal qilishda o'quv materiallaridan foydalaniladi.
5. Har xil fikr va qarashlar integratsiyalashadi.
6. Dastlabki shart-sharoitlar qabul qilinadi va tekshirib ko'riladi.
7. Ta'lim o'qituvchi (pedagog) bilan o'quvchi-talabalar orasidagi voki o'quvchi- talabalarning o'zlari o'rtasidagi munosabatlar orqali be rib boriladi.

Mashg'ulotlar jarayonida foydalaniladigan didaktik o'yinli texnologiyalar o'quvchi-talabalarning bilish faoliyatini faollashtirish, darslik va qo'shimcha adabiyotlar ustida mustaqil ishlash, nutq va muloqot madaniyatini rivojlantirish, ularni ongli ravishda kasb-hunarga yo'llash, didaktik o'yin davomida vujudga kelgan qiyinchiliklarni bartaraf etishda mo'ljalni to'g'ri olish, har xil vaziyatlarni tahlil qilib, to'g'ri xulosa chiqarishga zamin hozirlaydi.

Interfaol metodlar - o'zaro fikr almashishga, o'zaro fikrlarni to'ldirishga. goh noverbai, goho verbal ta'sir o'tkazishga qaratilgan harakatlar majmuasidir. Interfaol metodlarni qo'llashda o'zaro ta'sir asosiga qurilgan intellektual harakatlar shunchaki ta'sir yoki turtki vazifasini bajarish bilan cheklanib qolmaydi va hamkorlik subyektlarini ijodiy izlanishga yo'naltirish, noma'lum holatni ochishga (kashf etishga) ko'mak beruvchi nazariy-aqliy mulohazalarni yaratish funksiyalarini ham bajarishi mumkin. Interfaol metodlar asosida tuzilgan dars tizimlarida turli strategiyalardan foydalaniladi. Bunda talabalarga yashirincha usullardan (kitob, konspektlar va h.k.) foydalanish taqiqlanmaydi, aksincha, bunday usullarni qo'llash rag'batlantiriladi.

Talabalarning ijodiy imkoniyatlarini rivojlantirish, muammolarni hal qilishda tayyor standart yechimlar bilan birga nostandart yechimlar qilishga undash, talabalar ichki hissiyotlarini yuzaga chiqarib, ularni mantiqiy fikrlashga chorlash, ularni solishtirish, xususiy analitik fikr yuritishga o'rgatish, ularning intellektual, zukkolik xislatlarini shakllantirish va ma'lum yo'nalishda yanada yuqori darajada rivojlantirish maqsadida muammoli uslubdan foydalaniladi.

Muammoli vaziyat qanday hosil qilinadi? Buni uchun bajarilishi lozim bolgan topshiriq e'lon qilinadi. Endi shu vazifani bajarish uchun talaba bor bilim va ko'nikmalarini eslaydi, topshiriqni bajarishda shu paytgacha egallagan bilimlarining yetishmasligini sezish bilan birga talaba shaxsida ma'lum psixologik qarama-qarshilik shaklidagi holat yuz beradi. Galdagi muammo topshiriqni bajarish va shu topshiriqni bajarish uchun yangi bilim, iqtidor va ko'nikmalarni izlash inuammosi paydo bo'ladi. Ana shu vaziyat esa muammoli tahsilning boshlanish jarayoni hisoblanadi. Pedagog talabalarning topshiriqni mustaqil bajarish jarayonini zukkolik bilan boshqaradi.

Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish oson ish emas. Bu muayyan yosh davrida tugallangan va esdan chiqarilgan vazifa ham emas. Shu bilan birga, tanqidiy fikrlashga olib boradigan tugallangan yo'l ham yo'q.

Umuman olganda, talabalarning tanqidiy (tahliliy) fikrini rivojlantirish oliy o'quv yurtlaridagi o'quv-tarbiya jarayonida kamol toptiruvchi hamda tarbiyalovchi prinsiplarni amalgam oshirishda va talabalarning o'zini-o'zi boshqarishida muhim rol o'ynaydi.

ODOBNOMA DARSLARI –EKOLOGIK TARBIYALASHDA MUHIM MANBA

*Nilufar Sharopova Jamolovna, Hasanova Norxol Rabbimovna
Qashqadaryo VTXQTMOI*

Barcha darslar kabi odobnoma darslarida ekologik tarbiya manba hisoblanadi. Buni biz “Tabiatni asrang” mavzusi orqali ko’rib chiqamiz.

Mavzu: Tabiatni asrang

Darsning maqsadi:

a) Ta’limiy maqsad: tabiatni asrash, tabiat qo’ynida dam olish odobi haqida ma’lumot berish;

b) Tarbiyaviy maqsad: tabiatni asrash, uni ehtiyotkora munosabatda bo’lishga o’rgatish.

Tashkiliy qism: a) Salomlashish

b) O’quvchilarning saflangan holatda davomatini aniqlash;

c) O’quvchilarning darsga tayyorgarligini tekshirish

Darsning turi: Yangi bilim beruvchi

Darsning usuli: Interfaol metodlar

Darsning jihozi: Hasanboyeva O va boshqalar. Odobnoma. Umumiy o’rta ta’lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik. ”O’qituvchi” nashriyot matbaa ijodiy uyi Toshkent. 2014. 74-76- betlar. Darsga oid ko’rgazmalar, tarqatma materiallar.

Darsning blok – sxemasi:

1. Mavzu haqida tushuncha
2. Mustahkamlash
3. Klaster metodi
4. Test metodi
5. O’quvchilarni baholash, dars yakuni

Darsning borishi:

O’tgan mavzuni mustahkamlash:

1. Tabiat hodisalaridan ayting.
2. Xonquli haqida ma’lumot bering.
3. “Qizil Kitob”ga kiritilgan hayvonlardan ayting.

Yangi mavzuning bayoni:

(O’qituvchi mavzuni obrazli qilib jonli tarzda aytib beradi.)

Tabiatni asrang!

Olimjon daraxt, o’simlik va hayvonlar bilan bemalol so’rashadi. Uning o’rtoqlari juda ko’p, lekin bir-ikkita o’rtoqlari ozgina quloqsizroq. Bahorda Olimjon o’rtoqlarini tog’ yonbag’riga mehmonga olib bordi. Ular soy bo’yida miriqib dam olishdi. Olimjonning quloqsiz o’rtoqlari tabiatga ozor berishdi. Shunda jildirab oqayotgan Jilg’a Olimjonning oldiga kelib arz keldi:

- Olimjon, o’rtoqlaringga ayt, nega menga axlat tashlaydi? Axir men hali qancha poli-u dalalarga borib, ekinlarga jon bag’ishlashim kerak.

- O’rtoqlaringga ayt, shoxlarimni sindirib ozor bermasin, jonim og’riydedi O’rik daraxti.

- O’rtog’ingni qaytar, poloponlarimni urib tushirmoqchi, - zorlandi Qushcha.


Bu gaplarni eshitib, Olimjon rosa xafa bo’ldi. Quloqsiz o’rtoqlariga ularning arz-u dodlarini yetkazdi. Ular o’z qilmishlaridan uyalib, Jilg’a, O’rik daraxti va Qushchadan kechirim so’rashdi.

Yangi mavzuni mustahkamlash:

1. Mavzu yuzasidan savollar:

1. Olimjon daraxt, o'simlik va hayvonlar bilan qanday so'zlasha oladi?
2. Bahorda Olimjon qayerga bordi?
3. Olimjonga kimlar arz qildi?
4. Jilg'a, O'rik, Qushcha nima deb qilishdi?
5. Olimjon o'rtoqlariga qanday tushuntirdi?
6. Tabiatni asrash uchun qanday ishlarni amalga oshiramiz?
7. "Tabiat va men" matn tuzing.

2. Klaster usulidagi tarqatmani to'ldiring.



3. Test savollarining javobini belgilang.

1. "Tabiatni asrang" ertagidan qanday xulosa chiqarganingizni belgilang.

- a. tabiatni asrash kerakligini
- b. o'simliklar, qushlarni asrash kerakligini.
- c. Hayvonlarni asrash kerakligini
- d. Barcha javoblar to'g'ri.

2. "Tabiatni asrang" ertagining qahramonlari kimlar?

- a. Olimjon, Jilg'a b. Qushcha
- c. O'rik daraxti d. barcha javoblar to'g'ri

3. Tabiat qo'ynida dam olish odobi berilgan qatorni aniqlang.

- a. suvlarni iflos qilmaslik kerak.
- b. daraxt shaxlarini sindirmaslik kerak.
- c. qushlarga ozor bermaslik kerak.
- d. barcha javoblar to'g'ri

Dars yakuni:

Darsda faol qatnashgan o'quvchilar aniqlanadi, ballari e'lon qilinadi, rag'batlantiriladi.

Uyga vazifa: mavzuni o'qib o'rganish va tabiat qo'ynida dam olish odobi haqida matn tuzish.

ИНФОРМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА “КЛАСТЕР” ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

А.С.Наркулов –ТАТУ Самарқанд филиал, ассистенти

О.П.Жиянов –ТАТУ Самарқанд филиал, ассистенти

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим муассалари дарс жараёнида фанларни ўқитишнинг назарий ва амалий асосларини тадқиқ қилиш таълим соҳасидаги ислохатларнинг муваффақиятини таъминлайди. Таълим муассаларининг дарс жараёнида фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларни тадбиқ этиш борасида фанларни ўқитишда педагогик технологияларни самарали тадбиқ этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур манбаларнинг аксарияти умум ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари педагогларини педагогик технология соҳасидаги назарий билимлар билан қуроллантириш имкониятига эга. Бироқ мавжуд адабиётларда янги педагогик технологияларни амалиётда тадбиқ этиш, муайян таълим муассаси ўқув фаолиятида кўпроқ педагогик технологиялардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Умум ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқув фаолиятида фанларни ўқитишда назарий ҳамда амалий асосларининг ишлаб чиқилишида педагогик технологиялардан фойдаланиш мазкур ўқув юртли фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Инновацион педагогик технологиялардан бирини умум ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқув фаолиятида информатика фанини ўқитиш жараёнида “Кластер” педагогик технологиясини қўллаш, назарий ва амалий машғулотларини самарали ташкил этиш ҳамда билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради.



Бирор мавзунини дарс жараёнида ўрганишни мустаҳкамлашда кластерлар тузишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кластер тузиш кетма-кетлиги:

- Синф ёзув тахтаси ўртасидаги катта қоғоз варағига «калит» сўзи ёки сўз бирикмасини ёзинг.

- Сизни фикрингизча, бу мавзуга тегишли бўлган сўзлар ёки сўз бирикмасини ёзиб чиқинг.

- Тушунча ва ғоялар ўртасидаги ўзаро боғланишларни кўрсатинг.

- Эслagan вариантларингизни ҳаммасини ёзинг.

Кластер тузишда гуруҳдаги барча талабаларнинг иштирок этиши, шу гуруҳ учун ғоялар ўзаги бўлиб хизмат қилади. Мисол сифатида дастурий таъминот тушунчаси ҳақидаги фикрларни кетма-кет ифодаланишини кўрсатамиз.

«Кластер» сўзи ғунча, боғланган маъносини англатади. Кластерларга ажратишни даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. У асосан янги фикрларни уйғотиш, мавжуд билимларни рўёбга чиқаришга қаратилган стратегия бўлиб, муайян мавзуга бўйича янги фикр юритишга чорлайди.

KASB-HUNAR KOLLEJLARI BILAN TUZILGAN INNOVASION KORPORATIV HAMKORLIKNING SAMARASI

A.A.ESHBEKOV¹, O.RAXIMOV², E.BOBOQULOV³

¹SamDU, ²SamDAQI, ³Samarqand ShMX KHK

Innovation korporativ hamkorlikning maqsad va vazifalari O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'grisida", "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida"gi Qonunlar hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2008 yil 15 iyuldagi "Innovation loyihalar va texnologiyalarni ishlab chiqarishga tatbik etishni rag'batlantirish borasidagi qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-916 sonli qarori, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi rayosati majlisining 2010 yil 29 martdagi bayoni hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi 2010 yil 17 apreldagi 3-sonli Hay'at yig'ilishi qarorlariga muvofiq ishlab chiqilgan. Unda innovation korporativ hamkorlik oliy ta'lim muassasalari, fan va ishlab chiqarishning o'zaro innovation hamkorligini tashkil etish va rivojlantirishga doir tashkiliy, uslubiy, me'yoriy masalalarini o'zida mujassamlashtirilgan. Shu jumladan:

- Oliy ta'lim, fan va ishlab chiqarish o'rtasidagi innovation korporativ hamkorlikning bosh maqsadi - ushbu tizimlarning ilmiy, amaliy, uslubiy, axborot-kommunikasiya va moddiy-texnik resurslaridan; o'zaro manfaatli hamda samarali foydalanishni tashkil etish.

- Korporativ hamkorlik - oliy ta'lim, fan va amaliyotning innovation integrasiyasi, ya'ni oliy ta'limning ilmiy-innovation salohiyatini jonlantirish. Uning natijalarini arobasiya qilish, ekspertizadan o'tkazish va natijada real amaliyotga tatbik etishga erishishni hamda kadrlar tayyorlash sifatini oshirish. o'kuv rejalari va amalmyot dasturlarini mos holda muntazam yangilab borishni belgilab beradi.

- Korporativ hamkorlik o'z xususiyatiga ko'ra o'zaro manfaatli hamkorlik hisoblanib, birinchigan, oliy ta'limning mutaxassislar tayyorlash va ilmiy-tadqiqot olib borish salohiyatini real amaliyot ehtiyojlariga bo'sundirsa, ikkinchidan, soha korxonolari axborot-kommunikatsiya va moddiy-texnika resurslarining sifati va samarasini oshirishga hamda moliyaviy, iqtisodiy, ijtymoi va ekologik muxitlarni

yaxshilashga va jonlantirishga olib keladi.

Korporativ hamkorlikni amalga oshirish bilan birga tegishli xujjatlarni shakllantirish, saqlash va yangilab borilishni tashkillashtirish Oliy ta'lim tizimining ishlab chiqarish bilan o'zaro manfaatli innovasion korporativ hamkorligini amalga oshiruvchi asosiy boshqaruv bo'g'ini - oliy ta'lim muassasalarining mutaxassislik kafedralari hisoblanadi.

Innovasion korporativ hamkorlikni amalga oshirish uchun innovasion guruhlar to'g'risida mutaxassislik kafedralarida innovasion guruh a'zolari familiyasi va uning innovasion guruxdagi vazifasi to'g'risidagi axborotni o'zida mujassamlagan ma'lumotlar shakllantiriladi, mutaxassislik kafedra mudir(lar)i tomonidan imzolanadi va mutaxassislik kafedralari mudirlari mas'ul hisoblanadi.

Oliy ta'lim muassasasi innovasion guruhlar tomonidan mutaxassislik kafedralarida shakllantirilgan axborot bazasiga kiritilgan zamonaviy korxonalar bilan shartnomaviy aloqalarni o'rnatadi. Oliy ta'lim muassasasi professor-o'qituvchilari ilmiy-tadqiqot faoliyati natijasida yaratil(ayot)gan ishlanmalarni ishlab chiqarishga joriy qilish; ishlab chiqarish bazasida talabalar o'quv-ishlab chiqarish amaliyotlarini tashkillashtirish hamda professor-o'qituvchilar malakasini oshirish; oliy ta'lim muassasasi bitiruvchilarini ishga joylashtirish, va boshq.

Masalan, Qattiq jismlar fizikasi kafedra bilan Samarqand shahar va Samarqand shahar maishiy xizmat kasb-hunar kolleji, "Sino" OAJ tomonidan ilmiy, amaliy, uslubiy, axborot va moddiy-texnik resurslardan o'zaro manfaatli hamda samarali foydalanishni tashkil etish maqsadida innovatsion korporativ shartnoma tuzilgan. Hamkorlik shartnomalarida korxonalarining o'z yechimini kutayotgan ilmiy-texnologik muammolarini o'rganish va ularni hal qilish choralarini ko'rish maqsadida kafedra professor o'qituvchilari, ilmiy xodimlari, iqtidorli talabalarining intellektual salohiyatidan foydalanish ko'zda tutilgan. "Sino" OAJ va "EL XOLDING" OAJ larining ishlab chiqarish bazasida talabalar malakaviy amaliyotlari va kasb hunar kollejlarda pedagogik amaliyotlarni o'tash bilan birga bitiruv malakaviy ishlarini bajarish hamda shu korxonaga universitet bitiruvchilarini ishga joylashtirish ham rejalashtirildi. Innovatsion guruh tomonidan hamkorlik tuzilgan korxonaning ilmiy texnologik muammolari o'rganilib, bu muammolar to'g'risida axborot bazasi yaratilgan.

Umuman olganda Samarqand shahar maishiy xizmat kasb-hunar kolleji "Radioelektron apparaturalarni ta'mirlash bo'yicha ustalar" va "Elektr jihozlari va tarmoqlarini montaj qilish va xizmat ko'rsatish bo'yicha texnik-elektriklar" tayyorlanadi. Bunday kadrlarni tayyorlash uchun axborot texnologiyalaridan foydalanib, mutaxassislik fanlarini o'qitish bo'yicha talabalarga bitiruv malakaviy ishlari berilgan va amaliy ishlar olib borilmoqda.

PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF WRITING

Shayzakov G'ulom Muxtarovich

The development of writing follows the same pattern both in the mother tongue and in a foreign language from reception to reproduction as psychologists say, and from hearing to write if we express it in terms of methodology.

Since language is not a substance, it is a process. and language doesn't exist. It happens, we should know under what conditions it happens. What are the

psychological characteristics of oral language? They are as follows:

1. Writing must be motivated, i. e., the speaker expresses a desire to inform the hearer of something interesting, important, or to get information from him. Suppose one of the pupils is talking to a friend of hers. Why is she talking? Because she wants to either tell her friend about something interesting, or get information from her about something important. This is the case of inner motivation. But very often writing is motivated outwardly. For instance, the pupil's answers at an examination.

Rule for the teacher: In teaching a foreign language it is necessary to think over the motives which make pupils speak and write. They should have a necessity to speak and write not only a desire to receive a good mark, ensure conditions in which a pupil will have a desire to say something in the foreign language, to express his thoughts, his feelings, and not to reproduce someone else's as is often the case when he learns the text by heart. Remember that writing in the classroom should be always stimulated. Try to use those stimuli which can arouse a pupil's wish to respond in his own way.

2. Writing is always addressed to an interlocutor.

Rule for the teacher: Organize the teaching process in a way which allows your pupils to speak to someone, to their classmates in particular, i. e., when speaking a pupil should address the class, and not the teacher or the ceiling as is often the case. When he retells a text which is no longer new to the class, nobody listens to him as the classmates are already familiar with it. This point, as one can see, is closely connected with the previous one. The speaker will hold his audience when he says something new, something individual (personal). Try to supply pupils with assignments which require individual approach on their part.

3. Writing is always emotionally colored for a speaker expresses his thoughts, his feelings, his attitude to what he says.

Rule for the teacher: Teach pupils how to use intonational means to express their attitude, their feelings about what they say. That can be done by giving such tasks as: reason why you like the story; prove something; give your opinion on the episode, or on the problem concerned, etc.

4. Writing is always situational for it takes place in a certain situation.

Rule for the teacher: While teaching speaking real and close-to-real situations should be created to stimulate pupils' writing. Think of the situations you can use in class to make pupils' writing situational. Remember the better you know the class the easier it is for you to create situations for pupils to speak about.

These are the four psychological factors which are to be taken into account when teaching writing.

TEXNIK VOSITALARNI O'QUV JARAYONIDA QO'LLASHNING ASOSIY TALABLARI

*Xumora Qahramonova-QMII "Informatika va axborot texnologiyalari"
kafedrasi o'qituvchisi.*

Mustafo Toshmuhammedov - QMII IE-131 guruh talabasi.

Biz hozirgi tezkor jamiyatda barcha sohalarni texnik vositalarsiz tasavvur qila olmaymiz. Shu jumladan hozirgi kunda o'quv jarayonida ham o'qitishning texnik vositalaridan keng foydalanilmoqda.

Axborotning texnik vositalari mashg'ulotlarni mazmunli tashkil etishga, o'rganilayotgan ob'ekt haqida to'liq va aniq axborot berishga, o'quv materialini bayon etish tezligini oshirishga va vaqtni tejashga, mashg'ulotlarni turli shaklda tashkil etishga, talabalarning tabiiy qiziqishi va talablarini to'laroq qondirishga, o'quv jarayoni madaniyatini oshirishga keng imkon beradi. Shuningdek texnik vositalar talabalarning tasavvurini, fikrlash qobiliyatini rivojlantiradi. Texnik vositalarni kompleks ravishda qo'llash materiallarni yuqori darajasiga qabul qilishga imkoniyat beradi, materialni mustaqil o'zlashtirishni ta'minlaydi.

Darsda televidenie, grafoproektor va bo'r doskani kompleks qo'llash, orqali videomaterialni kompleks namoyish etish orqali materialni o'zlashtirishga erishiladi.

Dars boshlashdan oldin didaktik material haqida tushuncha berish - talabalarni uni anglashga psixologik jihatdan tayyorlaydi, ularda beriladigan bilimni o'zlashtirishga qiziqishni oshirishda muhim omil bo'ladi.

Dars davomida texnik vositalardan foydalanish material haqida to'liq tasavvurga ega bo'lishni ta'minlaydi.

Dars oxirida o'qituvchi material haqida bergan ma'lumotlarni yakunlaydi, kelgusi-navbatdagi mashg'ulot bo'yicha topshiriqlar beradi.

Ko'rgazmali darsda o'qituvchining kirish so'zi 3-5 minutli bo'ladi. Dars jarayonida kinofilm va kinolavhalarni namoyish etishda quyidagi talablarga rioya qilinadi:

- ko'p seriyali kinofilm dars oxirida, yakunlashdan keyin namoyish etiladi;
- o'qituvchining qisqacha kirish so'zidan keyin film namoyish qilingach, u haqda bahs - munozara o'tkaziladi, bu bir filmda ifodalangan voqea, mazmunni chuqur o'zlashtirishda muhim ahamiyatga ega;
- agar kinolavha ma'lum masala tahliliga bog'ishlangan bo'lsa, uni 1-3 minut vaqtda ko'rgazma sifatida namoyish etiladi;
- agar kinolavha umumlashgan xarakterga ega bo'lsa, uni namoyish etish 3-5 minutdan oshmasligi kerak.

Ta'lim jarayonini kompyuterlashtirish katta istiqbolga ega. Lekin kompyuter vositasida beriladigan material oldin aniqlab olinishi lozim.

Ta'limda videodisk, kompakdisklardan katta axborotlarni o'rganishda foydalanish ham kerak. Zero, ular ta'lim tizimiga tarkibiy qism sifatiga kiradi.

Ilg'or tajribada faqat «yangini» izlashga qiziqib ketmaslik kerak. Pedagogik faoliyatda yutuqqa muntazam izlanish, tajriba-sinovlari o'tkazish didaktik prinsiplar, qoidalar va qonuniyatlardan unumli foydalanish orqali erishiladi.

PEDAGOGIK DASTURIY VOSITALAR YARATISH USUL VA VOSITALARI

Qarshiyev Husan Berkinbayevich (Samdu)

Pedagogik dasturiy vositalar – kompyuter texnologiyalari yordamida o'quv jarayonini qisman yoki to'liq avtomatlashtirish uchun mo'ljallangan didaktik vosita hisoblanadi. Ular ta'lim jarayonini samaradorligini oshirishning istiqbolli shakllaridan biri hisoblanib, zamonaviy texnologiyalarning o'qitish vositasi sifatida ishlatiladi. Pedagogik dasturiy vositalar tarkibiga: o'quv fani bo'yicha aniq didaktik maqsadlarga erishishga yo'naltirilgan dasturiy mahsulot (dasturlar

majmuasi), texnik va metodik ta'minot, qo'shimcha yordamchi vositalar kiradi.

Pedagogik dasturiy vositalarni quyidagilarga ajratish mumkin:

– o'rgatuvchi dasturlar – o'quvchilarning bilim darajasi va qiziqishlaridan kelib chiqib yangi bilimlarni o'zlashtirishga yo'naltiradi;

– test dasturlari – egallangan bilim, malaka va ko'nikmalarni tekshirish yoki baholash maqsadlarida qo'llaniladi;

– mashq qildirgichlar - avval o'zlashtirilgan o'quv materialini takrorlash va mustahkamlashga xizmat qiladi;

– o'qituvchi ishtirokidagi virtual o'quv muhitini shakllantiruvchi dasturlar.

Bugungi kunda pedagogik dasturiy vositalarning gipermatn hujjatlarini ishlab chiqishda Microsoft Front-Page, Macromedia Dreamweaver, Microsoft Power Point, Microsoft Word kabi dasturiy vositalardan foydalaniladi.

Mavzuning asosiy tushunchalariga oid o'quv materiallarini yaratish uchun rastri yoki vektorli rasmlar bilan ishlovchi dasturlardan foydalanish zarur. Bular jumlasiga Corel Draw, Adobe Photo Shop, Adobe Illustrator kabilarni kiritish mumkin.

Dinamik illyustratsiyali o'quv materiallari yaratish uchun Disreet 3D Studio MAX, Alais Wave Front, Maya, Light Wave, SoftImage 3d, Adobe Image Ready, Gif Animator, Macromedia Flash, Adobe Premier kabi maxsus dasturlardan foydalanish mumkin.

Har xil ovozli jarayonlarni taqdim etish va ovozni tahrir qilish SoundForge, Wave Lab, Sound Recorder va boshqa dasturlar yordamida amalga oshiriladi.

Ma'lumotlar bazalarini yaratishda Microsoft Access dasturidan foydalanish mumkin.

Pedagogik dasturiy vositalarning imkoniyatlari va mukammalligi faqat dasturchining qobiliyat darajasi bilan chegaralanadi. Multimedia dasturiy mahsulotlarini yaratuvchi nafaqat ko'plab dasturlash tillarini, balki o'rgatuvchi va nazorat qiluvchi dasturlar yaratishning metodik tamoyillari bo'yicha bilimga ega bo'lishi lozim. Multimedia dasturiy mahsulotlarini yaratuvchi quyidagi bosqichlarda tayyorgarlikni amalga oshirish lozim:

– Informatikaning nazariy va amaliy asoslari;

– grafika bilan ishlash asoslari;

– ovoz bilan ishlash asoslari;

– integrasiyalashgan muhitda ishlash;

– o'rgatuvchi dasturlarni yaratish metodikasini egallashi.

Biror bosqichni o'zlashtirmaslik dasturiy vosita to'liq bo'lishini ta'minlay olmaydi.

Odatda o'rgatuvchi multimediali dasturiy vositalar yaratish bilan kompyuter dasturchilari shug'ullanadilar. Ammo bu dasturchilar o'zlari yaratayotgan mahsulot sifati bo'yicha yetarli bilimga ega bo'lsalarda, ko'p hollarda o'qitish metodikasini yetarlicha o'zlashtirmagan bo'lishlari mumkin. Bu esa o'rgatuvchi dasturiy vositaning metodik talablarga to'liq javob berishini ta'minlay olmaydi. Shu sababdan, dasturiy multimedia mahsulotlarni yarata olish malakasini shakllantirishda ko'p bosqichli tayyorgarlikni amalga oshirish zarur.

Ushbu tayyorgarlikning dastlabki bosqichi MS Windows muhiti va MS Office dasturiy paketi o'rganilishi lozim. Bu dasturlarni o'zlashtirish zamonaviy

axborot texnologiyalaridan foydalanishning dastlabki qo'nikmalarini shakllantiradi.

Tayyorgarlikning ikkinchi bosqichi – grafika dasturlari bilan ishlashni o'rganishdan iborat. Bu bosqich grafikaning turlariga mos ravishda bir qancha kichik bosqichlarga bo'linadi:

- rastrli;
- vektorli;
- uch o'lchamli;
- animasiyali.

Rastrli dasturlar birinchi navbatda skaner yordamida olingan yoki Internetdan olingan tasvirlarni tahrirlashda yordam beradi.

Keyingi bosqichda ovoz bilan ishlash metodlari o'rganiladi. Bu yerda ovozlarni yozish, tahrirlash va qayta yaratish masalalari muhim hisoblanadi. Bu masalalarni Sound Forge dasturi yordamida hal etish mumkin. Bu dastur ovozni yozish, fayllarni asosiy ovoz formatlariga o'tkazishni amalga oshiradi. Undan tashqari, mazkur dastur yordamida ovozlarni tahrirlash, ovozga maxsus effektlarni qo'shish imkoniyatlari ham mavjud.

Grafika yaratish va ovoz bilan ishlash bilimiga hamda metodlariga ega mutaxassis keyingi navbatda multimedia mahsulotlarini namoyish etish va yaratish vositalarini o'rganadi. Bunga birinchi navbatda HTML-dasturlash, MS FrontPage, Macromedia Dreamweaver bilan ishlash, MS PowerPoint da namoyishlar tayyorlash kiradi.

**“DARS JARAYONIDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA
TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH VA ELEKTRON
DARSLIKLAR YORDAMIDA MASHG'ULOTLAR O'TKAZISH”**

*Mahbuba Qarshiyeva, Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji Informatika va
axborot texnologiyalari fani o'qituvchisi.*

XXI asrda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'lim jarayoning muhim bir bo'lagiga aylanib bormoqda. O'quv jarayonini kopyuterlashtirish va axborot texnologiyalari yordamida o'qitish samaradorligini yanada ko'tarish bizning oldimizdagi vazifamizdir. O'quv jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish foydalanuvchilarning tafakkur ko'nikmalarini va murakkab vazifalarni hal qilish malakalarini rivojlantirishning yangi yo'llarini ochib beradi, ta'limni faollashtirish uchun prinsipial yangi imkoniyatlarni taqdim qiladi. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari auditoriya va mustaqil mashg'ulotlarni yanada qiziqarli, dinamik va ishonchli, o'rganiladigan axborotning katta oqimini oson o'zlashtiriladigan qilish imkonini beradi.

Dars jarayonida elektron darsliklar yordamida mashg'ulotlar o'tkazish o'qituvchi va o'quvchilar uchun juda qulaydir. Elektron taqdimot – slaydlardan darsda namoyish va ko'rgazmali material sifatida foydalanish pedagogga keng imkoniyatlar yaratib beradi. O'quv materialining elektron taqdimotda animatsiyalar shaklida berilishi o'tilayotgan mavzuni o'zlashtirishni osonlashtiradi. Namoyish slaydlarini talabalarga tarqatma materiallar sifatida ham tarqatish mumkin. Slaydlarga nisbatan talabalar o'zlarining fikrlarini bayon

etishlari mumkin va bu orqali ular axborotlar bilan ishlashning quyidagi malakalariga ega bo'ladilar:

- grafik axborotlarni matn shakliga keltirish yoki aksincha;
- muhokama etilayotgan mavzu bo'yicha xulosalar va savollarni shakllantirish;
- o'zining o'quv-bilish faoliyatini rejalashtirish.

Elektron darslik bu mavjud o'quv qo'llanma, darslikning undan foydalanuvchi-ga qulaylik yaratish maqsadida maxsus dasturiy vositalar yordamida ixcham holatga keltirilgan ma'lumotlar to'plamidan iborat bo'lishi lozim. Elektron darslik tayyorlash jarayonida taqdim etilayotgan ma'lumotlar undan foydalanuvchilarga qulay, qiziqarli va kerakli bo'lishligi ahamiyatlidir.

Elektron darslik uchun mavzularni aniqlash, yoritiladigan materiallar chegaralarini belgilash, ya'ni ochib beriladigan jarayonning qanchalik chuqurlashishi, ilmiylashishi va uquv dasturiga mos kelishi, har bir mavzu buyicha senariysi matnini tayyorlash. Har bir mavzu video, animatsiya fayllarni yaratish. Nochiziqli montaj usulini qullagan holda videotahrirlagichda videolavhalar va statik tasvirlardan butun filmni montaj qilish. Testlarni yaratish. Berilgan mavzular buyicha test topshiriqlarini ishlab chiqish. Asosiy matn bilan uyg'unlikdagi qo'shimcha matn va asosiy matnda keltirilgan asosiy fikrlarni to'plagan matnini tayyorlash va elektron darslik mundarija-menyusini tayyorlash. Agar qandaydir didaktik yoki pedagogik jihatdan nuqsonlar uchrasa, uquvchilar uchun tushinish qiyin joylar bo'lsa, ular yuqotiladi va tayyor holatga keltiriladi.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ХАМДА ТАЪЛИМ –ТАРБИЯ СОХАЛАРИ ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР

Б.Х. Имомов Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти.

Бугунги кунда таълим соҳасида мамлакатимизда баркамол авлодни ҳар томонлама жисмонан соғлом, ақлан етук, маънан баркамол, дунёқараши кенг қилиб тарбиялаш давлат сиёсатини устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Жумладан олий педагогик таълим олдида турган муҳим вазифалардан бири мустақил фикрлайдиган, педагогик фаолиятда инновацион технологияларни қўллашга қодир, олган назарий билимларини амалиётга қўллаш кўникмасига эга, фан ва техника тараққиёти натижаларини эгаллаган, рақобатбардош педагог кадрларни тайёрлашдан иборат. Ҳозирги даврда талабаларни яратувчанлик кўникма ва малака билан қуроллантиришда педагогнинг ўрни беқиёс. Жаҳондаги илғор мамлакатлар тажрибаси ҳар бир жамият тараққиётини таъминлашда илм-фан, маданият муҳим ўрин тутишини тасдиқлайди, зеро таълим-тарбияга устувор аҳамияти унинг мамлакат ва халқнинг истиқболини белгилаб беради. Кейинги йилларда таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларни деярли барчаси янгидан қурилди, капитал реконструкция қилингани ва улар моддий техник база билан таъминлангани, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг моддий техник ўқув –методик базаси мустахкамлангани, шунингдек жами мактабларнинг 96 фоизи электрон ахборот тармоғига улангани, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва таълим

жараёнларида инновацион технологияларни қўллаш, ва малакали мутахасислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш давлатимизни таълим тизимига юксак эътиборидир. Шунингдек, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш ва унда инновацион технологияларни жорий этиш бўйича АҚШнинг СНН компаниясининг дунё мамлакатлари бўйича Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича иккинчи ўринни эгаллагани бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси эканлигидан далолат беради.

Жамият томонидан таълим муассасалари олдида қўйилган ижтимоий юксак вазифалари қаторига мамлакатимиз ривож ва тараққиёти масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахасис ёшларни камол топтириш ётади. Жумладан:

- таълим жараёнига “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг асосий талабларидан бири педагогик технологияларни тадбиқ этишни жадаллаштириш, таълим жараёнининг моддий техник таъминотини замонавийлаштириш ва улардан дойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- ёш авлодни ҳар қандай умуммиллий ва умуминсоний ғояларимизга ёд бўлган мафкуралардан ҳимоя қилиш мақсадида уларни дарслардан бўш вақтларини самарали ўтказишда мунтазам маънавий-маърифий тадбирларнинг сифати ва салмоғини ошириш;

- соғлом авлодни етук қилиб тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун, уларни спорт билан шуғулланишига кенг жалб қилиш, бунинг учун спорт объеклари фаолиятини такомиллаштириш;

- таълим муассасаларида таълим бераётган педагог кадрларнинг билим савияси, педагог кадрларни юксалтириш ва замонавий талабларга мослаштириш ишларини жадаллигини ошириш;

- олий ўқув юртидаги таълим тарбия жараёнини ташкил этишда умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш;

- Ёшлар орасидан истеъдодли ва иқтидорлиларни танлаш, уларни қобилиятларини ташкил этилаётган турли “Зулфия” давлат мукофотлари, “Юрт келажаги” республика танлови, “Камолот” ЁИХ ташкил этаётган танловлар, фестиваллар, олий ўқув юртлари талабалари учун таъсис этилган Президент ва бошқа қатор имтиёзли степендиялар каби танловларда иштирок этишларини барча зарур имкониятларини яратиш ва кенг миқёсида ўтказиш;

Бу вазифалар замирида мамлакатимиздаги таълим –тарбия тизимидаги ислохотларнинг мақсад ва вазифалари ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама: жисмонан, ақлан, руҳан камол топтириш, ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига хизмат қилиш, ўзининг ким эканлигини ҳамда зиммасидаги масъулиятини чуқур англайдиган ва қатъий бажара оладиган шахсни вояга етказиш ўз –ўзидан равшанки таълим-тарбия муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш сингари салоҳиятли вазифаларни бажаришни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугун дунё эътироф этаётган Ўзбекистонда баркамол авлодни шакллантириш ва етук инсонлар бўлиб етишиши учун барча имкониятлар, буюк мақсадларга эришиш учун фақат

изланиш, фидойилик ва масъулият керак бўлади. Зеро, фарзанд ҳар биримиз учун ҳаёт мазмуни, орзу-истакларимиз рўёби келажак ворислари бўлган ёшларни эртага фахрланса бўладиган инсонлар сифатида кўришимиз, оиламиздаги соғлом муҳитга ва энг асосийси давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлган таълим тизимидаги ишларни самарали натижалари ҳар биримиз олдимизга юксак вазифалани юклайди.

Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш бир умрлик иш. Айниқса, биз зиёлилар, ёш авлод тарбиячилари ўз вазифамизга масъулият билан ёндошсак, “фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш”дан чарчамасак, миллатимиз янада буюк миллат бўлади, авлодларимиз аждодларимизга муносиб қудрат касб этади.

ТА’ЛИМ ТИЗИМИДА PEDAGOGIK JARAYON MOHIYATI

Qosimov Ubaydulla dotsent (SamDAQI)

Bobobekov Bekzod 101-KHALTE (SamDAQI) talaba

О’zbekistonda ishlab chiqilgan “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy hayotda yuz berayotgan islohotlarning yorqin namunasidir. Jamiyatning har bir sohasi kabi ta’lim tizimida ham islohotlar amalga oshirilmoqda. Shu borada qabul qilingan o’ta muhim qonun va normativ hujjatlar qatorida “Ta’lim to’g’risi”gi Qonun asosidagi 1997-yilda “Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi”ga oid qonunni ham qayd etish mumkin. Ushbu qonunga muvofiq ta’lim tizimi bosqichma - bosqich chuqur isloh qilinmoqda. Milliy dastur strategig jihatdan uzoqni ko’zlab amalga oshirilmoqda. Ta’lim va kadrlar tayyorlash tizimini jamiyatga amalga oshirayotgan yangilanish, rivojlangan demokratik huquqiy davlat qurishi jarayonlariga moslashtirish ham asosiy vazifalarimizdandir. Ta’lim tizimi rivojlangan demokratik huquqiy davlat qurilishi jarayonlariga moslash deganda o’quvchi mustaqil fikrga ega bo’lishi, o’z huquq va burchlarini o’qish jarayonida o’rganib borishi tushiniladi.

Ta’lim tizimida pedagogik jarayon o’qituvchi va ta’lim oluvchilarning bilim, ko’nikma va malakalarini amaliyotda qo’llash faoliyatini o’z ichiga qamrab oladi. Ta’lim jarayonida mazmun, o’qish, o’qitish, tarbiyalash asosiy bog’lovchi komponentlardir.

O’qish tizimli va asoslangan o’quv faoliyati bo’lib, ta’lim oluvchi tomonidan bilim, ko’nikma va malakalarni o’zlashtirishda o’quv jarayoni o’ziga xos o’rin tutadi.

Anglash murakkab, rivojlanuvchi jarayondir. His-tuyg’u va bilimlarni qabul qilish jarayonida ta’lim oluvchi ob’yektiv haqiqatni anglaydi. U yoki bu predmet yoki jarayon to’g’risida taassurotga ega bo’ladi..

Samarali o’qitishning muhim shartlari quyidagilardan iborat: ta’lim oluvchining qiziqishi, faoliyatining faolligiga, o’qituvchi va ta’lim oluvchi o’rtasidagi samimiy munosabat. Bu esa o’z navbatida o’quvchining o’qishga bo’lgan munosabati, uning samarali o’zlashtirishi, bilim va malakasining oshirishi o’quv materialini bilan samarali ishlashi irodaviy sifatlarni rivojlanishi va olgan bilimlaridan estetik qoniqish hosil qilishini ta’minlaydi.

Ta’lim oluvchining xarakteri va faolligi rivojlanish darajalari turlichadir.

Agarda ta'lim oluvchilar faoliyati sust bo'lsa, o'qitish jarayonini amalga oshirib bo'lmaydi.

1. Ta'lim oluvchining bilimlarni qabul qilish faolligi uchun uning shaxs sifatida shakllantirishiga ham ta'sir ko'rsatadi. O'quvchida o'z - o'ziga munosabati mehnatiga, boshqa shaxslarga, jamiyatga, ishlab chiqarishga atrof-muhitda ham shakllantirib boradi.

2. Pedagogik jarayonning muhim spesifik sharoitlaridan biri bu amaliy o'qitishdir. Amaliy o'qitish ta'limning muhim komponentlaridan biridir. O'qitish jarayoni amaliyotdan tubdan farq qiladi. Chunki ishlab chiqarishdagi o'qitish uslubining asosiy maqsadi ta'lim oluvchining ma'lum bir kasbga yo'naltirish va shakllantirishdan iborat. O'qituvchi va ta'lim oluvchi orasidagi o'zaro birligi va a'loqadorligi haqida gapirilganda boshqaruvchi va o'rgatuvchi shaxs bu o'qituvchi ekanligini unutmazlik kerak. Faqat o'qituvchigina ta'lim oluvchiga bilim bera olishi, uni shaxs sifatida shakllantira va u ta'sir ko'rsata olishi mumkin.

Lekin o'qituvchi qanchalik chuqur bilim bermasin, agar o'quvchi sust, loqayd, beparvo bo'lsa unda qiziqish, intilish uyg'onmaydi. O'qituvchi va ta'lim oluvchi o'rtasidagi munosabat sovuqligicha qolib, bilim berish jarayoni samarasiz bo'ladi. O'qitish jarayonini usullar nuqtai nazaridan ko'rib chiqilishi lozim. Agar o'qitish jarayoni ta'lim oluvchilarning o'zlashtirish qobiliyatlarini hisobga olmasdan tashkil etilsa, bunday holda o'qitish jarayoni samarasiz bo'ladi. Beriladigan bilim mazmuni o'quv dasturi, Davlat ta'lim standartida ko'rsatilgan bo'lib, uning tarkibini ijtimoiy maqsad, davlat buyurtmasi, pedagogik tuzulishning aniq maqsadlari belgilaydi. Pedagogik jarayonning faqat ta'limning mazmunlilikigagina emas, balki uning qonuniyligiga ham ta'sir o'tkazadi. Sababi:

a) pedagogik jarayon sharoitiga qarab mazmun belgilanmasa, ta'lim oluvchilarning o'zlashtirishlari qiyin kechadi hamda pedagogik jarayon bilan amaliyot sharoit o'rtasidagi bog'liqlik yo'qoladi;

b) guruhning shaxsiy imkoniyatidan kelib chiqib o'qituvchi dasturga mantiqiy o'zgartirishlar kiritishi mumkin, biroq bunday holda ham pedagogik jarayonning o'zaro bog'liqligi buzilmasligiga e'tibor berish lozim.

O'quv jarayonining sifati butun pedagogik jarayon sifatiga bog'liq. Ma'lumot berishning pedagogik jarayoni – o'qituvchilarning ilmiy shakllanishi texnik va texnologik ishlab chiqarish bilimlarini shakllantirishdir. Pedagogik jarayonning tarbiyaviy funksiyasi doimiy o'qitish va tarbiyalashdan iboratdir. Ushbu pedagogik jarayonda o'qituvchi va uning vazifasi ta'lim oluvchida ijobiy sifatlarni rivojlantirishi uchun tarbiyaviy choralarni maksimal qo'llashdan iborat. Tarbiyachi ta'lim oluvchilarda jamoaga intilish, do'stlik intizom, rostgo'ylik o'z ishiga javobgarlik kabi insoniy sifatlarni rivojlantirishga asosiy e'tiborini qaratadi.

QUYOSH NURLANISHI HISOBIGA ISSIQXONA ICHIDAGI TUPROQDA TABIIY ISSIQLIK JAMLANISHI KOEFFITSENTINI VA KUNLIK YO'LINI ANIQLASH

A. Abdullayev V. Rahmonov – Guliston Davlat Universiteti

Quyosh issiqxonalarini qurish sodda, ulardan foydalanish qulay va eng muhimi arzon mahalliy qurilish materiallaridan foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bunday issiqxonalarda mavsum davomida ikki marta hosil olish mumkin.

Quyosh energiyasidan foydalanib ishlaydigan issiqxonalarda, ochiq ob-havoli kunlarda kunduzgi vaqtdagi soatlarda tuproq issiqxona inshootlari ichida issiqlikni eng ko'p yutuvchi muhit bo'lib hisoblanadi va tabiiy usulda kunduzgi issiqlikning ma'lum bir qismini jamlaydi. Bu jamlangan issiqlik miqdori tungi vaqtlardagi issiqxonada issiqlik isrofini qoplash uchun ishlatiladi.

Yarim slindr shaklidagi ikki va uch qatlamli shaffof plyonka to'siqlarning optikaviy va issiqlik-texnikaviy ta'vsiflarini tadbiiq qilish uchun chekli oraliqlar uslubidagi hisobiy usuldan foydalanildi. Quyosh issiqxonalarida qisqa muddatli qo'shimcha jamlovchi qurilmaning hajmini optimallashtirish borasidagi tadqiqot natijalarini amaliy tadbiiq etilishi jamlagich kamerasi hajmini bir necha barobar kamaytirish va shuning hisobiga issiqxonaning foydali sathini oshirish imkonini beradi.

Shu sababli mazkur ishda, tabiiy issiqlik jamlanish jarayonini tahlil qilishda quyosh nurlanishining quyosh issiqxonasi ichidagi tuproqqa va qisqa muddatli qo'shimcha jamlagichning sig'imini optimallashtirish maqsadida quyosh issiqxonasi tuprog'ida tabiiy issiqlik jamlash koeffitsenti tushunchasini kiritamiz. Bu kattalik tuproqda tabiiy jamlangan issiqlik oqimining, issiqxona ichidagi: o'simliklar bargi, tuproqda va issiqxonadagi konstuksiyalarda yutilgan quyosh nurlanishi oqimiga nisbati bilan ifodalanadi, va uni K bilan belgilanadi.

Agar $q_F(x; z)$ ($x=0; z$) tuproqda tabiiy jamlangan issiqlik oqimi bilan belgilasak, $q_{yut\ o'}$ (z), $q_{yut\ t}$ (z) – mos ravishda o'simliklar bargi va tuproqda yutilgan quyosh nurlanishinig issiqlik oqimi.

Quyosh issiqxonasi tuprog'ida issiqlikning tabiiy jamlanish koefitsenti quyidagicha aniqlanadi

$$K^{O'B} = \frac{q_F(x = 0; z)}{q_{yut\ o'}}(z); \quad (1)$$

$$K^{O'Y} = \frac{q_F(x = 0; z)}{q_{yut\ t}}(z); \quad (2)$$

(O'B, O'Y –mos ravishda, o'simlik bor va yo'q holatlar)

Nostasionar issiqlik jarayonlaridagi shartga ko'ra, sutkalik quyosh radiatsiyasi va atrof-muhit haroratining kelishida bir xillik yo'q, shuning sababli Fure qonuniga ko'ra uni quyidagicha yozish mumkin bo'ladi

$$q_F(x = 0; z) = -\lambda_T \frac{\partial t_T(x, z)}{\partial x} \Big|_{x=0} \quad (3)$$

ko'rinishida yozish mumkin. Chekli oraliqlar usulida bu ifodani quyidagicha yozish mumkin

$$q_F(z) = \frac{\lambda_T}{\Delta x} (t_{T_{1,z}} - t_{T_{0,z}}). \quad (4)$$

$t_{T_{0,z}}$ ning qiymatini aniqlashda [1-3] ishlariga ko'ra quyidagi natijani yozish umkin bo'ladi:

- quyosh issiqxonasi ichida o'simliklar mavjud bo'lmagan hol uchun;

$$t_{T_{1,z+1}} = \frac{q_{yut\ t_{n,z+1}} + \left(\frac{\alpha_{kel\ t} K_{kel}}{\alpha_{kel\ t} + K_{kel}} \right) t_{0,z} + \frac{\lambda_T}{\Delta x} t_{T_{2,z}}}{\frac{\lambda_T}{\Delta x} + \frac{\alpha_{kel\ t} K_{kel}}{\alpha_{kel\ t} + K_{kel}}}; \quad (5)$$


$$t_{o',z+1} = \frac{\alpha_{kel_t}}{\alpha_{kel_t} + K_{kel}} t_{T_{1,z}} + \frac{K_{kel}}{\alpha_{kel_t} + K_{kel}} t_{o,z+1}; \quad (6)$$

- quyosh issiqxomasi ichida o'simliklar mavjud bo'lmagan hol uchun;

$$t_{T_{0,z}} = \frac{q_{yut_{o',z}} + K_{kel} t_{o,z} + \frac{\lambda_T}{\Delta x} \left(1 + \frac{K_{kel}}{\alpha_{kel_T}}\right)}{\frac{\lambda_T}{\Delta x} \left(1 + \frac{K_{kel}}{\alpha_{kel_T}}\right) + K_{kel}}; \quad (7)$$

$$t_{o',z} = \frac{\left(q_{yut_{o',z}} + K_{kel} t_{o,z}\right) + \left(1 + \frac{1}{\alpha_{kol}} \frac{\lambda_T}{\Delta x}\right) + \frac{\lambda_T}{\Delta x} t_{T,z}}{\frac{\lambda_T}{\Delta x} \left(1 + \frac{K_{kel}}{\alpha_{kel_t}}\right) + K_{kel}}; \quad (8)$$

Mazkur issiqxonalarda bir xil tashqi tabiiy sharoitlarda qiyosiy tajribalardan foydalanish misolida, ularning yillik issiqlik balansida quyosh energiyasining real xissasi mos ravishda, bir qavatli 0.34 va ikki qavatli 0.48 ekanligi aniqlandi.



1-tuproq sirti, 2-o'simlik sirti, 3-shafof to'siq.

1-rasm. Gelioissiqxona ichida o'silik bor hol uchun issiqlik balansini hisoblash sxemasi.

Olingan hisoblashlar natijalari va eksperimentlardagi natijalar muhandislik amaliyoti uchun qoniqarli natija beradi.

INTERAKTIV METODLARNING TA'LIM- TARBIYA JARAYONIDA QO'LLANILISHI XUSUSIDA

QDU Ingliz tili va adabiyoti kafedrasida o'qituvchisi R. Ergasheva

QDU qoshidagi MO va QT markazi o'qituvchisi Z. Suyarova

O'zbekistonda ta'lim tarbiya sohasini isloh qilishning asosiy omillaridan biri "shaxs manfaati va ta'lim ustivorligi"dir. Bu omil davlatimizning ijtimoiy siyosatini belgilab berganligi tufayli ta'limning yangi modeli yaratildi.

Hozirgi paytda o'qituvchi faoliyati birgina o'quv jarayonining tashkilotchisi sifatida emas, balki nufuzli bilimlar manbaiga aylanib borayotganligi va ayniqsa fan-texnika taraqqiyotining tezkor rivojlanish bosqichida axborotlarning keskin

ko'payib borayotganligi va ulardan o'qitish jarayonida foydalanish uchun vaqtning chegaralanganligi, shuningdek yoshlarni hayotga mukammal tayyorlash talablari ta'lim tizimiga yangicha yondashish zaruratini keltirib chiqarmoqda.

Keyingi vaqtlarda o'qituvchilar orasida *shaxsga qaratilgan ta'lim nima? Interaktiv metodda o'qitish nima uchun zarur? Uning qanday turlari mavjud? Tarkibiy tuzilishi qanday? Uni ta'lim jarayoniga qanday olib kiriladi? Uning avvalgi usullardan farqi nimada?* degan savollar uchraydi.

Bu savollarga aniq javob topish uchun an'anaviy darslarni yana bir marotaba tahlil etish joizdir. An'anaviy usul 17 asrda Chex pedagog olimi Yan Amos Komenskiy tomonidan taklif etilgan. U o'qitishning yagona klassik tizimini ishlab chiqib, uni sinf – dars sistemasi deb yuritadi. Keyinchalik bu sistema pedagogikada keng tarqalgan. An'anaviy maktab sinf dars sistemasi quyidagicha o'ziga xos an'analarga ega: taxminan bir xil yoki yaqin yoshli, tayyorgarlik darajasi yaqin bolalar sinfni tashkil etadi. Sinf yagona reja, dastur, darslik, dars jadvali asosida ishlaydi.

Endi interaktiv metodlar haqida fikr yuritsak: interaktiv metodlar – shunday metodlarki, u o'quvchilarning o'zaro muloqot va o'zaro ta'siridagi dars jarayonini amalga oshiruvchi usuldir.

“Interaktiv” so'zi ingliz tilidan olingan “Interakt”, ya'ni “Inter” – o'zaro, “akt” – harakat, ta'sir, faollik ma'nolarini beradi.

Interaktiv usullardagi darslar o'quvchini ijodiy fikrlashga, olingan axborotlarni o'zaro faollikda hal etishga, o'z fikrini erkin bayon etishga, tashabbuskorlikka, guruhlarda masalalar echimini topishga, hamkorlik, hamjixatlikda ish yuritishga, fikrni mantiqan yozma ravishda bayon etishga chorlaydi.

Interaktiv darslarni tashkil etishda o'quv jarayonida yakka tartibda, juft bo'lib ishlash, guruhlarda ishlash, izlanishga asoslangan loyihalar, rolli o'yinlar, hujjat bilan ishlash, axborot manbalari bilan ishlash, ijodiy ishlashlardan foydalanish mumkin. Interfaol usullar nimalarni o'z ichiga oladi? Hozirgi kunda mamlakatimiz metodistlari, trenerlari, amaliyotchi o'qituvchilari turli shakl – formalar taklif etmoqda va amaliyotda qo'llamoqda. Ulardan:

Juftlikda ishlash; karusel; kichik guruhlarda ishlash; akvarium; tugallanmagan gaplar; aqliy hujum; broun harakati; daraxt echimi; o'z nomimdan so'zlayman; rolli o'yinlar; press metod; o'z pozitsiyasini egallash; munozara; debatlar; katta davra va boshqalar.

Yuqoridagi turli shakl – formalardan foydalanishda, o'quvchilarni shu jarayonda ishlashga tayyorlab, ularni ko'nikma va malakalarga ega bo'lgan hollarda qo'llanilsa, kutilgan natijalarni olish mumkin.

Innovatsion, interaktiv ta'lim o'qituvchi va o'quvchiga doimiy ijodiy izlanish, uzluksiz o'z shaxsini rivojlantirish, takomillashtirish imkonini beradi.

Interaktiv metodlarda dars jarayonini olib borishda o'quvchilarda quyidagi xususiyatlarning rivojlanishini ko'rsatish mumkin:

O'quvchi o'qitilibgina qolmay, mustaqil o'qish, o'rganish, ishlashga, o'zlashtirishga o'rgatiladi. O'quvchilarni mustaqil ravishda tahlil qilish orqali o'zlashtirishga, ijodiy mulohaza yuritishga, shaxsiy xulosalar asosida erkin fikr yuritishga o'rgatiladi. Bizga yot fikrlarga qarshi fikr yurita olish, o'z nuqtai nazarini himoya eta olish ko'nikmalari shakllantiriladi. O'quvchiga bilimlar tayyor

holda berilmasdan, bilimlarni darsliklardan, axborot – resurs markazlaridan, internetdan, turli boshqa manbalardan izlash, topish, qayta ishlash orqali ijodiy mushohada yuritish imkoniyati yaratiladi. O’quvchining darsliklar bilan ishlash, o’qish, o’rganish, konspekt yozish, qo’shimcha adabiyotlar va manbalardan foydalanib, mustaqil o’zlashtirish ko’nikmalarini egallashga o’rgatiladi. Zero, ta’lim mazmunini, matnini mustaqil mutoala qilish, ishlash, o’zlashtirish kundalik shaxsiy ishlariga aylanadi. O’quvchi erkin fikr bildirish, o’z fikrini himoya qilish, isbotlay olish, tasdiqlay olishga odatlanadi. Eng muhimi o’quv jarayonida didaktiv motivlar vujudga keladi. Ya’ni o’quvchining extiyoji, hoxish, istagi qondiriladi, dars qiziqarli kechayotganligi sababli, vaqt o’tayotganini bilmay qoladi. O’quv jarayonida o’quvchining shaxsiy manfaatdorligi oshadi. Bu holat o’quvchini o’quv maqsadlariga intilishi va erishishida yuqori bosqichga ko’taradi.

TEACHING NEW WORDS EFFECTIVELY TO THE LEARNERS OF FOREIGN LANGUAGES

*Rasulov Feruzjon Xolmirzaevich-Teacher of academic lyceum № 1
under Samarkand State Architectural and Building Institute*

As we know, nowadays learning foreign languages is essential for a number of reasons. So taking these reasons into consideration our president I.A Karimov signed a resolution PQ-1875 “On measures on further improving system of studying foreign language” on 10 December 2012. The document was adopted to improve teaching foreign languages, training specialists with adequate language skills, introducing innovation technologies into education system. According to the document foreign languages will be taught from the primary school in order to acquire adequate knowledge before pursuing high school.

First of all, one who begins to learn any foreign language has to learn by heart new words. The reason of this is that none will not be able to learn any second language without knowing new words in the languages that they are trying to learn. That’s why as a teacher we should pay more attention to teach the words efficiently in our lessons. As a result students will be able to learn a second language much more easily. So, I’ll give some tips to teach new words from my experience.

Here the tips:

- Firstly, write ten words on the blackboard, read their definition and ask students to find the words accordingly. If they can find help them.

Example: *aim appropriate beneficial revise absolutely
topics support criticize improve knowledge*

- Give them handouts with ten sentences omitting the new words and ask them to fill the gaps using the new words.

Example: Fill the gaps using the words below

aim appropriate beneficial revise absolutely

1. My ...*aim*... is to learn English better.

2. Students should always ... *the rules*.

- Ask them pronounce the words one by one

- Find or make up an audio script using the new words, have the students listen to the script and ask them to write the words they listen in order.

- Give them a short paragraph which the new words were used, to translate.

Example: *I have a good friend. His aim is to study at university. He always revises grammar rules at home. Besides that he translates different topics...*

- Divide the group into three small sub-groups and ask them to make a short story using the new words.

Example: First group: *One day my parents criticized me. Because I hadn't done anything beneficial for them. They always support me but I ...*

- Ask the students to make up a dialogue with their peer and to tell it to the class.

Example:

Student A: *Hello, Jamila*

Student B: *Hello, Malika*

Student A: *What are you doing to improve your English ?*

Student B: *I am revising all grammar rules and new words.*

- Lastly, don't forget to give them appropriate home task and evaluate them accordingly.

If you use aforementioned tips in your English lesson, your lesson will be much more interesting and efficient. Besides that your students learn not only new words but also they have a chance of improving their Listening, Reading, Writing and Speaking skills according to CEFR principles. By doing that you will achieve your goals to teach foreign language efficiently. Additionally all the foreign language teacher should take into considerations the following tips as well when they teaching new words. They are:

- It is not enough just to know of a word. Learners also to know:

- a) what words it is usually associated with

- b) whether it has any particular grammatical characteristics

- c) how it is pronounced

- Try to teach new words not in isolation but in phrases

- Try to teach adjectives with nouns they often association with or vice versa, **e.g.** *royal family; modern technology*

- Try to teach verbs with structure and noun association with them, **e.g.** *to express an opinion*

- Try to teach nouns in phrases, **e.g.** *a train set; shades of opinion*

- Try to teach words with their prepositions, **e.g.** *at the moment*

Learning a language is like digging a well with a needle. That's why learners of foreign languages should try to learn more new words daily without any hesitation. If the learners of foreign languages can learn a word they can learn the other words as well, because they have a firm intention and ability.

MASOFAVIY O'QITISHNING TA'LIMDAGI AHAMIYAT

Raximov O., Parmonova.R.T- (SamDAQI)

Respublikamiz taraqqiyotining, uning mavqei, obro'-e'tiborini belgilab beradigan muhim omillaridan biri uning yetuk, barkamol kadrlari hisoblanadi.

1997 yil 29-avgustida qabul qilingan “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” ana shu muhim masalani hal etishning imkoniyatlari, yo’l-yo’riqlarini belgilab berdi. Birinchi bor O’zbekistonda ushbu dastur asosida kadrlar tayyorlashning asosi hisoblangan, uzluksiz ta’lim tizimi ishlab chiqildi.

Ta’lim jarayoniga borgan sari yangi usullarning kirib kelishi, yangi pedagogik texnologiyalarning qo’llanilishidan asosiy maqsad yuqari bilimli kadrlar tayyorlashdir. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida ham ta’lim olish huquqi haqida aytib o’tilgan. Ta’lim olish shakllari juda ham ko’p, lekin oxirgi yillarda ular orasida masofaviy o’qitish keng qo’llanila boshlandi. Bu ta’lim berish jarayoni xuddi sirtqi ta’lim shakliga o’xshaydi. Sirtqi ta’lim-nazoratqilish yozma ish va topshiriqlarni aloqa berilishi orqali olinadi va yuboriladi, masofaviy o’qitishda topshiriqlar elektron pochtaga kelib tushadi va undan kerakli manzilga yuboriladi. Bu yerda o’ziga yarasha harajatlar ham bor.

Masofaviy o’qitishning kengayishiga sabablar quyidagilardan iborat:

- ta’lim olish jarayonida jismonan sog’lom bo’lmagan insonlar ham qatnashishi mumkin;

- ta’lim olishni hoxlagan vaqtida olish;

- nazorat qilish, tezkorlik va natija e’lon qilinish,

- qo’shimcha harakatlar yo’qligi va shu kabilar.

Endi yuqorida sanab o’tilganlarni kengroq qarab chiqaylik. Konstitutsiyada ta’lim olishga hamma xaqli deb takidlanadi. Demak, bu huquqdan jismoniy kamchilikka ega bo’lgan shaxs ham foydalanishi mumkin. Faqatgina unda ta’lim olish hoxishi va zaruriy harajatlarni qoplash iloji bo’lsa. Ta’lim olish an’anaviy shakilda ma’lum vaqtda amalga oshiriladi va ko’pincha shaxsning ishlar rejasiga mos kelmaydi. Tavsiya etilayotgan shaklda esa bu muammoxal etiladi. Ta’lim jarayonida o’tilgan o’quv materialini qanday darajada o’zlashtirilishi nazorat qilinadi. Buning shakllari ko’p lekin vaqt jixatidan farqlaniladi. Masofaviy o’qitish esa nazorat bo’lim yoki kurs oxirida kelishuvga ko’ra o’zlashtirish tershirladi. Qayd qilingan ta’lim shaklining tarkib tuzilishini quyidagizanjir singari ifodalash mumkin: “Server”-“Internet tarmog’i” -“Taxsil oluvchi”. Bu yerda “Server”- oqituvchining ro’lida, “Internet tarmog’i”- mashg’ulot yetkazib beruvchi vosita sifatida, “Taxsil oluvchi”- o’rganayotgan shaxsni ko’rishimiz mumkin.

Ta’lim jarayonida vositalar – darslik, qo’shimcha adabiyotlar, ko’rgazmali qurollar qo’llaniladi. Demak, masofaviy o’qitishda ta’lim berish vositalari – elektron darslik, qo’shimcha seytlar ro’yxati ba boshqa manbalar ishlatiladi. Kurinib turibdiki, bu ta’lim shaklida vositalar elektron shaklda o’tadi va yaratilishi gipermatn va gipermediyaga asoslanadi. Bu zaruriy tushunchani birinchi talab bo’yichaekranda ko’rsatiladi. Ishlatilayotgan elektron darsliklarni to’la o’qib bo’lishgach nazorat savollari va tekshirish shakli sifatida test qo’llaniladi. Olingan natijaga ko’ra tegishli xujjatlar yuboriladi yoki qayta kursni o’qish tavsiya etiladi. Mana shu ta’lim olishda harajatlar, internetdan foydalanish ayrim xujjatlarni chop etish, telefon tarmog’i orqali lozim xujjat olishi juda kam miqdordagi summa ishlatiladi.

Bunda uchraydigan yutiqlar va kamchiliklar, ta’lim berich jarayonini tashkil etish va nazoratni amalga oshirish, fuqaroning jismoniy hayotining bu jarayonga ta’sirini kamaytirishga erishiladi. Sanab o’tilganlar esa o’z navbatida zamonga

mos keladigan va qo'yilayotgan talablarni qoniqtiruvchi mutaxassisni tayorlash imkoniyati yaratiladi. Ta'limning shu shaklidan keng ko'lamda foydalanish mamlakatimiz uchun zarur mutaxassislarga ega bo'lishga olib keladi. Bu ayniqsa, yangi yo'nalishlar uchun kadrlar bilan ta'minlanish imkonini beradi.

БАРКАМОЛЛИК СИФАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ҚаршиДУ, Мактабгача ва бошланғич таълим методикаси

Кафедраси доценти Д.Т.Кенжаева

Ўтган йиллар давомида мустақил Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш, уни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди ва ана шу мақсадда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш ижтимоий мақсад этиб белгиланди. Таълим тизимида ислохотларни амалга оширишдан кўзланган фаол, мустақил, масъулиятли, аниқ ҳаётий мақсад ҳамда мустақил фикрга эга, шунингдек, мавжуд мураккаб шароитда ҳаёт муаммоларини ҳал этишга қодир баркамол шахсни шакллантиришдан иборатдир.

Замонавий таълим таълим олувчилар олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- тезкор ўзгаришларга кўникиш, ҳаётий фаолият, шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ўзлаштирган билимларини моҳирлик билан қўллаш олиш;

- мустақил ва танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш, реал борлиқ ва юзага келувчи муаммолар моҳиятини англаш олиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни бартараф этиш йўллари излаб топиш;

- эгаллаган билимларни амалиётда қўллашнинг самарали усуллари топиш, янги ғояларни илғаб олиш ва ижодий фикрлаш;

- ахборот технологияларидан ўз вақтида самарали фойдалана олиш ва уларни қўллаш билиш.

Ушбу талабларга жавоб бериш учун ўқувчи шахсининг ривожланганлик даражасини ташхислаш талаб қилинади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро ҳамкорлик асосида баркамоллик сифатларини тарбиялаш мақсадига қаратилган технологиялардан самарали фойдаланиш лозим..

Ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари шахсида баркамоллик хислатларини сингдириш мақсадида қуйидаги топшириқ берилиши мумкин: Президентимиз асарларидан ўзлаштирган баркамол шахсга хос сифат (хислат)ларни муайян тизимга келтиринг ва жадвалда акс эттиришга ҳаракат қилинг.

Топшириқни бажариш учун ўқувчиларга схема тавсия этилади ва у акс эттирилган плакат ёзув тахтасига илиб қўйилади:

Жадвални тўлдиришда Президентимизнинг “Юксак маънавият–енгилмас куч” номли асарларидан фойдаланиш мумкинлиги айтилади.

Ўқувчилар мазкур жадвални катта қизиқиш билан тўлдирадilar. Уларнинг билимлари рағбатлантирилиб, рейтинг баллари қўйилади.

Баркамол шахсга хос барча сифат (хислат)лар аралаш ҳолда акс эттирилган жадвал тасвирланган плакат ёзув тахтасига илиб қўйилади ва

ўқувчиларга жадвалда қайд этилган сифатларни ижтимоий тарбия йўналишлари бўйича гуруҳлаштириш ва бойитиш вазифаси топширилади.

Педагогик жараёни шахсга йўналтирилишини таъминловчи ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратувчи педагогик технологиялар қуйидагиларни тақозо этади:

- ўқувчиларга муҳаббат;
- ҳар бир ўқувчида ўз кучи ва имкониятларига ишонч ҳиссини таркиб топтириш;

- ҳамкорлик ва самимий мулоқот маданияти;
- мажбурий ижодкорликни инкор этиш;
- ўқувчининг ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уни муайян фаолиятни ташкил этишга рағбатлантириш;

- ўқувчиларнинг айрим хатти-ҳаракатлари (дарсларни ўз вақтида тайёрламаслик, таълим муассасаси ички қоидаларига тўла риоя этмаслик, ўқитувчи ва атрофдагиларга етарлича ҳурмат кўрсатмаслик ва бошқалар)га нисбатан чидамли бўлиш, уларнинг сабабларини аниқлаш ва бу каби салбий одатларни бартараф этиш йўлида амалий фаолиятни ташкил этиш.

Ўқитувчиларнинг салбий сифатларга эга бўлишлари ўқувчиларда нафақат муайян фанларни ўзлаштиришга, шу билан бирга мактаб таълимига нисбатан қизиқишларининг пасайишига сабаб бўлади.

Шу сабабли малака ошириш тизимида педагогик туркум фанларини ўқитиш орқали ўқитувчилар онгига қуйидаги тушунчаларни шакллантириш зарур:

1. Ўқитувчи болаларни тушуна олиши лозим.
2. Ўқувчилар ўқитувчининг куюнчаклиги ва меҳрибонлигини ҳис этишлари керак.

3. Ўқитувчи ўзларининг униб-ўсишлари, камолга етишларидан қувонишини ўқувчилар сезишлари ва ҳис қилишларига эришиш лозим.

Ўрта умумий таълимнинг юқори босқич 8-9синф ўқувчилари билан мустақиллик байрами арафасида Тарих, Ҳуқуқ, Миллий истиқлол ғояси каби ўқув фанлари доирасида қуйидаги мавзуларда суҳбатлар, тренинглари, бахс мунозара кечаларини ўтказиш яхши самаралар беради:

1. Баркамол авлодни тарбиялашга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қандай талаблар қўйилган?

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида жамият ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизлари сифатида нималарни қайд этган?

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида баркамол шахс ва уни тарбиялаш масаласи қандай ўрин тутди?

4. Ёшларнинг жамият тараққиётини таъминлашдаги ўрнини шахсан Сиз қандай баҳолайсиз?

5. Сизнинг фикрингизча, мустақил, эркин фикрловчи ва ижодкор шахсни тарбиялаш йўллари, шакл, метод ва воситалари нималардан иборат?

6. “Фикр қарамлиги” ва “тафаккур қуллиги” иборалари қандай маъноларни англатади?

7. “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат” ғояси негизида қандай маъно акс этади?

8. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахсга қандай таъриф берилган? Таърифнинг маъносини изоҳланг.

9. “Кучли давлатдан кучли жамият сари”, “Куч – билим ва тафаккурда” ғояларининг маъносини шарҳланг.

10. Сизнинг фикрингизча, диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашишнинг самарали йўллари нималардан иборат?

11. “Бунёдкор ғоя” тушунчасини шахсан Сиз қандай ифодалайсиз?

12. Вайронкор ғоялар салбий таъсирларининг олдини олишнинг самарали йўллари нималардан иборат?

13. “Мафкуравий иммунитет” нима ва ёшларда уни қандай ривожлантириш мумкин?

14. Ватанпарварлик ҳиссига эга бўлишда она тилига муҳаббат қандай аҳамият касб этади?

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди” деганда нималарни назарда тутди?

Тадбирларни ўтказиш жараёнида ўқувчиларга вазифаларни уларнинг имкониятларини инобатга олган ҳолда тўғри тақсимлаш, ташкилий жиҳатдан тадбирнинг уюштирилишида уларга яқиндан ёрдам бера олиши маҳоратли ўқитувчи сифатида қай даражада шаклланганлигини кўрсатади. Зеро, ўқитувчининг ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиши ҳамда жамоага умумий таъсир этиши кўникмаларига эгаллиги педагогик фаолиятни тўғри ва самарали ташкил этилишини таъминловчи муҳим омиллар саналади.

Хулоса қилиб айтганда, баркамол шахсни шакллантиришда ўқувчиларга назарий билимларни бериш билангина чекланиб қолмай, мақсадга мувофиқ амалий машғулотлар (тренинглар, суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, иш ўйинлари, мустақил иш ва ёзма машқлар, муаммоли топшириқлар)нинг ташкил этилиши уларда юксак инсоний сифат (хислат)ларнинг самарали шаклланишига олиб келади.

ТАВСИЯЛАР:

Мустақил Ўзбекистоннинг босиб ўтган 23- йиллик йўли жуда узоқ йўл эмас. Лекин, шу йиллар ичида Республикамизда асрларга тенглаша оладиган вазифалар амалга оширилганлиги барчага маълум. Мана шу қилинган ишлардан фахрланиш, ғурурланиш ҳиссини ёшлар онгига сингдиришда ўқитувчи-педагогларнинг ҳиссаси ниҳоятда катта.

1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида баркамол шахс ва малакали мутахассисни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилаётган бир шароитда умумтаълим жараёнида ҳам баркамол шахсни шакллантириш долзарб педагогик муаммо саналади.

2. Педагогик таълим жараёнининг муҳим омили бўлган педагогик таъсир шахсда алоҳида сифатлар, хислатларни тарбиялашгагина эмас, балки шахсни яхлит шакллантиришга қаратилган умумий технологик жараённинг асосини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

3. Республикада баркамол шахс тарбиясини ташкил этиш борасида катта педагогик тажриба тўпланган. Улардан таълим жараёнида замонавий

метод ва усуллар билан уйғун, мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳамда таълим истеъмолига киритиш баркамол шахс тарбияси самарадорлигини оширади.

4. Баркамол шахсни шакллантиришнинг методик таъминоти ва амалиётдаги ҳолатини ўрганиш натижасида педагогик таълим мазмунини шахсга йўналтирилган таълим нуқтаи назаридан янгилаш, таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, педагогларни таълимий ҳамкорлик тамойилларига мувофиқ қайта тайёрлаш, педагогик таълим жараёнини илғор технологиялар, миллий ва жаҳон педагогикаси тажрибалари асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди.

5. Баркамол шахсни шакллантиришда таълим жараёни яхлит педагогик жараён сифатида ўқувчиларда шахсийлик хислатларини намоён этиш, уларни ижодкор, мустақиллик, эркинлик ва ижтимоий фаоллик каби сифатларга, шунингдек, ривожлантирувчи характерга эга бўлишларига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

KVANT NAZARIYASINING YARATILISH TARIXI

B.F. Izbosarov- “Fizika va astronomiya o’qitish metodikasi” kafedra dotsenti.

J.M.Abdullayev- “Fizika va astronomiya o’qitish metodikasi” kafedra katta o’qituvchisi. Navoiy davlat pedagogika instituti

Akademik litsey, kasb-hunar kollejlarning fizika fani darslik va o’quv qo’llanmalarini yangi ma’lumotlar bilan boyitib borish bugungi kunning dolzarb masalardan biri hisoblanadi. Jumladan, bu darslik va o’quv qo’llanmalarda fizik qonunlarni yaratilish tarixi etarlicha yoritilmagan. Agarda fizik qonunlarni yaratilish tarixi ko’proq ma’lumotlar bilan boyitib borilsa, o’quvchilarning dunyoqarashlari va ularning fanga bo’lgan qiziqishi yanada ortadi. Shu maqsadda ushbu maqolada ba’zi bir fizik qonunlarni yaratilish tarixi misolida kvant nazariyasining yaratilish tarixiga to’xtalib o’tamiz.

1859 yilda G.Kirxgof issiqlik (temperaturaviy) nurlanish qonunini kashf qildi. Bunda jismni nur chiqarish va yutish qobiliyati issiqlikdan nurlanishni qonunining miqdor xarakteristikalaridan biri deb hisoblagan. Jismni nur chiqara olish qobiliyati $E(v, T)$ quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$E(v, T) = \frac{dW_{nur}}{dv} \quad (1)$$

bu yerda dW_{nur} – T temperatura v dan $v + dv$ interval chastotadagi birlik sirt yuzaga mos kelgan nurlanish quvvatidir.

G.Kirxgof aniqlagan issiqlik nurlanish qonuni, quyidagicha:

$$\varepsilon(v, T) = \frac{E(v, T)}{A(v, T)} \quad (2)$$

bo’lib, bu yerda $\varepsilon(v, T)$ –absolyut qora jismni nur chiqarish qobiliyatidi bo’lib, chastota va temperaturaga bog’liq ammo, jism materialining turiga bog’liq bo’lmagan universal funksiyadir. Kirxgof qonuni aniqlangandan keyin barcha tadqiqotchi olimlar absolyut qora jismni nurlanish qonunlarini o’rganishga kirishganlar.

1879 yilda I.Stefan eksperimental natijalarga asoslanib quyidagi xulosaga kelgan, ya’ni absolyut qora jismni nur chiqarish qobiliyatining integrali absolyut temperaturaning to’rtinchi darajasiga to’g’ri proporsionaldir.

1884 yilda esa L.Bol'sman termodinamikaning ikkinchi qonunini absolyut qora jism nurlanishiga qo'llab quyidagi xulosaga kelgan, ya'ni:

$$\varepsilon(T) = \sigma T^4 \quad (3)$$

(3) formula Stefan-Bol'sman qonunini ifodalaydi. Bu yerda $\sigma = 5,67 \cdot 10^{-8} \frac{W}{m^2 \cdot K^4}$ – Stefan doimiysi. Stefan-Bol'sman qonuni, Kirxgof $\varepsilon(\nu, T)$ – funksiyasini yechimini hal etmagan.

1900 yil boshlarida Plank o'zining mashhur ilmiy ishlardan birini e'lon etgan. Bunda u klassik elektrodinamika metodlari yordamida Kirxgof funksiyalarini tekshiradi. Plank fikricha, ichi bo'sh yopiq jism devorlarini nurlanishi bu har xil chastotali chiziqli garmonik ossillyatorlar majmuasidan iboratdir. Bunda jism devorlari va uning ichidagi nurlanish termodinamik muvozanat holatida deb qaralgan. Bu holatda chastotasi ν bo'lgan ossilyator nurlanishiga sarf bo'lgan energiya, shu ossilyatorlarga tushayotgan nurlanish energiyasini yutishi natijasida to'liq kompensatsiyalaydi. Buni etiborga olib Plank, Kirxgof funksiyasi $\varepsilon(\nu, T)$ uchun quyidagi formulani keltirib chiqaradi:

$$\varepsilon(\nu, T) = \frac{2\pi\nu^2}{c^2} \bar{\varepsilon} \quad (4)$$

bu yerda $\bar{\varepsilon}$ – ν chstotali garmonik ossilyatorning o'rtacha energiyasi.

Bu formulada $\bar{\varepsilon}$ ni kT ga teng deb olsak, Reley-Jins qonunidagi formulaga mos tushadi, lekin Plank bundan foydalanmadi va u $\bar{\varepsilon}$ ni qiymatini termodinamik mulohazalardan izladi. U ossilyator entropiyasi va o'rtacha energiya o'rtasidagi bog'lanishni izladi, buning natijasida Kirxgof funksiyasi uchun quyidagi munosabatni keltirib chiqardi:

$$\varepsilon(\nu, T) = \frac{N_1 \nu^2}{e^{\frac{N_2 \nu}{T}} - 1} \bar{\varepsilon} \quad (5)$$

bu yerda N_1 va N_2 – doimiy koeffitsiyentlar. Shunday qilib, bu formula fizikaning rivojlanishida katta ta'sir bo'ladi.

1900 yil 14-dekabrida Plank nemis fiziklar jamiyati yig'ilishida "Normal spektrda nurlanish energiyasi taqsimoti qonuni nazariyasiga" degan ishini mazmunini bayon etadi. Bu kun kvant fizikasini tug'ilishi bo'ladi. Bu ishda Plank yaratgan formulani nazariy tushuntirish uchun quyidagi g'oyani tavsiya etadi, ya'ni absolyut qora jismni atom- ossillyatorlari energiyasi bir nechta porsiya – kvantlaridan $n\varepsilon_0$ iborat (bu yerda n -butun son, ε_0 – elementar portsiya, kvant energiyasi). Plank yana bir muhim gipotezalaridan biri: atom-ossillyatorni energiyasini o'zgarishi klassik fizikadagi tasavvurda uzluksiz emas, balkim diskret porsiyalidir.

$$\varepsilon(\nu, T) = \frac{2\pi\nu^2}{c^2} \cdot \frac{\varepsilon_0}{e^{\frac{\varepsilon_0}{kT}} - 1} \quad (6)$$

bu yerda ε_0 – elementar porsiya, kvant energiyasi. $\varepsilon_0 = h\nu$ ga teng ekanligi to'g'risidagi formula, (6) formulani, Vinni termodinamik qonuni $\varepsilon(\nu, T) = \nu^4 f\left(\frac{\nu}{T}\right)$ bilan taqqoslash natijasida kelib chiqadi. Shunday qilib, Plankni formulasi quyidagi ko'rinishga ega bo'ladi:

$$\varepsilon(\nu, T) = \frac{2\pi\nu^2}{c^2} \cdot \frac{h\nu}{e^{\frac{h\nu}{kT}} - 1} \quad (7)$$

(7)- formulada ikkita universal doimiyliklar h va k mavjud.

Shunday qilib, Plank diskretlik to'g'risidagi g'oyani statistik fizika bo'limidan moddani maydon bilan o'zaro ta'sir nazariyasi kiritilgan. Bu Plank g'oyasini ahamiyatini birinchilardan Bol'tsman tushunib yetgan.

Energiyani kvantlash to'g'risidagi g'oyasi, Eynshteynga chuqur ta'sir etgan va "Maxsus nisbiylik nazariya" si g'oyasini shakllantirishga ta'siri bo'lgan. Plank g'oyasi keyinchalik atom fizikasini rivojlanishida fundamental ahamiyatiga ega bo'ldi.

BOSHLANG`ICH SINIF O`QUVCHILARIDA EKOLOGIK BILIMLARNI SHAKLLANTIRISH

SamVXTXQTUMOI o`qituvchisi Xodjimatoeva Sh.M.

Insonning tabiatga chuqur va har taraflama ta'siri amalga oshayotgan bir paytdagi ilmiy-texnika inqilobi sharoitlarida inson va jamiyatning tabiatga bog'liqligini, uni saqlab qolish va yaxshilash zarurligini tushunadigan, atrofdagi go'zallikni qadrlay oladigan va tabiat holati uchun o'z zamondoshlari hamda kelgusi avlod oldidagi fuqarolik mas'uliyatiga ega bo'lgan har tomonlama rivojlangan shaxsning shakllanishini mo'ljallovchi umum ekologik tarbiya katta ahamiyat kasb etmoqda.

Maktabda tabiat muhofazasi ta'limining samaradorligi o'qitishni o'qituvchi tomonidan tabiat muhofazasining har xil tomonlari bo'yicha sinfdan tashqari ishlar bilan mohirona uyg'unlashtirilgandagina behad ortadi. Yashil soqchilar guruhi, tabiatshunoslik to'garaklari, yosh tabiat do'stlarining klublari, maktabdagi tabiat burchagi kabilar tabiat muhofazasi tarbiyasini tashkil qilish shakllari sifatida o'zini yaxshi oqladi.

Agar ilgari tabiat muhofazasi faqat o'simlik va hayvonlarning qirilishidan himoya qilish bilan cheklangan bo'lsa, keyinroq esa tabiat boyliklarini qo'riqlash masalalari eng jiddiy bo'lib qoldi, hozirgi vaqtda esa bosh muammo - atrof-muhitni saqlab qolishdir. Shu munosabat bilan maktab tabiatshunoslik kurslarida ekologik ongni shakllantirish uchun katta ahamiyatga ega bo'lgan tabiatdan foydalanishning eng muhim masalalari qarab chiqilmoqda.

O'quvchilarning ekologik tarbiyasi kompleks holda umumiy tarbiya bilan bog'liq tarzda amalga oshirilmog'i lozim. Ekologik tarbiyaning kompleksligi g'oyaviy-siyosiy, odobiy mehnat, estetik hamda jismoniy tarbiyaning uyg'unlashtirilishidan iboratdir, bu shaxsning har taraflama ravnaq topishini ta'minlaydi. Boshlang'ich sinfdagi ekologik tarbiya vatanparvarlik hislarini rivojlantiradi, chunki Vatan jonajon o'lka, uning tabiati, xo'jaligi odamlar turmushi orqali bilib olinadi, idrok qilinadi. Chunki jonajon tabiatga muhabbatni rivojlantirish vatanparvarlik tarbiyasida eng muhim omil hisoblanadi.

O'rmonlarda, cho'llarda, tog'larda turlicha qimmatli hayvonlar bor – o'rmon, cho'l va tog'larimizni himoya qilaylik. Baliqqa - suv, qushga - havo, darrandaga – o'rmon, cho'l, tog'lar kerak, Insonga Vatan, tabiatni muhofaza qilish - demak Vatanni himoya qilish kerak" degan ajoyib so'zlari bilan mustahkamlash mumkin.

Atrof muhitga ongli munosabatni tarbiyalash uchun birinchi sinfdan boshlaboq atrofdagi olam bilan tanishtirish bo'yicha mashg'ulotlarda (tabiiy xarakterdagi maqolani o'qilgandan keyin) bolalar oldiga amaliy vazifalar qo'yish zarur.

Ikkinchi sinfda shu fan bo'yicha bilimlar doirasi kengaytirilayotganda nazariy bilimlar, amaliy mashg'ulotlar (qishlovchi qushlarga yordam, yashil ko'chatlarni himoya qilish, erta gullovchi o'simliklarni qo'riqlash, hayvonlarga ehtiyotkorona munosabatda bo'lish) bilan bog'lanadi.

Uchinchi sinfda tabiatdan foydalanish va uni muhofaza qilish bo'yicha odamlar mehnatiga alohida e'tibor beriladi.

To'rtinchi sinfda tabiat muhofazasi bo'yicha bilimlar quyidagi tartibda tizimga solinadi (muntazamlashadi): jonajon o'lka tabiati, Vatanimiz tabiati, insonning tabiatdan foydalanishi va uni qo'riqlashi. O'quvchilarni, tabiatni muhofaza qilish to'g'risidagi qonunni bajarish - har bir kishining burchidir, degan xulosaga olib kelinadi. Muhimi shundaki, tabiatshunoslik darslari o'quvchilarni bilim bilan boyitibgina qolmasdan, balki Vatan uchun iftixor tuyg'ularini ham mustahkamlaydi.

ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA TARBIYA TEXNOLOGIYALARI

SH.N.Eshpulatov, D.A.Rasulova (SamDU)

Hozirgi vaqtda boshlang'ich ta'lim-tarbiya jarayonida tarbiya texnologiyalarni keng ko'lamda qo'llash jahon taraqqiyotining global tendensiyasi hisoblanadi. Tarbiya texnologiyalar ko'lamining ortib borishi, mamlakatda modernizasiya jarayoni tez sur'atlar bilan rivojlanayotgan ayni davrda boshlang'ich ta'lim-tarbiya sohasiga yangiliklarni tizimli ravishda kiritishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ammo ko'plab tarbiya texnologiyalarning yaratilayotganiga qaramay, ta'lim-tarbiya jarayonlariga tarbiyaning yangi mazmun, shakl, metod va vositalarini joriy etish darajasini hozircha yetarli deb bo'lmaydi.

Tarbiya texnologiyasi deganda tarbiyaning ma'lum maqsadlariga erishishga qaratilgan tarbiyaning maqsad va vazifalarini oydinlashtirish, tarbiya jarayonining har bir bosqichini alohida-alohida loyihalash, tarbiyaning shakl, metod va vositalarini aniq belgilab olishga qaratilgan tizimli jarayonini tushunamiz.

Pedagogik yordam“ tushunchasining semantik ma'nosi, birinchi navbatda, faqatgina biror narsaga kamroq ega bo'lgan odamgagina yordam ko'rsatish va qo'llab-quvvatlash mumkinligidan iborat. Shuning uchun bolaning o'zida biror narsani bilish istagi paydo bo'lsa va bu yo'lda uning oldida qiyinchiliklar paydo bo'lsa, pedagogik yordam harakatga keladi. Shunday qilib pedagogik yordam texnologiyasi, birinchi navbatda, vaziyatga javob qaytarishdan iborat bo'ladi. O'z navbatida, bu texnologiya turli uslublardan iborat. Ulardan biri - baholash algoritmik uslub hisoblanadi. Bola faoliyatini tuzatish va baholash munosabati: „yaxshiyomon“, „to'g'ri-noto'g'ri“, „mumkin-mumkin yemas“ kabilar ma'lum yosh bosqichida belgilar xulqi doirasini belgilaydi. Bu uslub o'qituvchi obro'si hali juda kuchli bo'lmagan kichik maktab yoshidagi o'quvchilar uchun ancha samarali bo'ladi. Pedagogik yordam texnologiyasini amalga oshirish uchun yangi bir uslub - ijtimoiy ko'nikmalar kursini kiritish maqsadga muvofiq. Ushbu kurs yetuk madaniyat, ijtimoiy munosabatlar, shaharlararo munosabatlar, qaror qabul qilish, o'zini anglash kabi fanlardan iborat bo'lishi mumkin. Ushbu ikki fan - akademik emas, balki laboratoriya-amaliy mashg'ulotlar yoki o'zini namoyon

etish va o'zaro aloqalar hamda hamkorlik tajribasi uchun jamoani ijodkorlik bo'yicha mashg'ulotlar ko'rinishida qurilishi juda muhim. Pedagogik yordamni amalga oshirishdan keyingi uslub - bolalar jamoasini yaratish va o'zini boshqarishda pedagogning yordami hisoblanadi.

Ammo ushbu uslubning ham ma'lum xavfli tomonlari mavjud. Pedagog ba'zi bolalar boshqalar ustidan nazoratchi bo'lib qolmasliklarini kuzatib borishi zarur. Bunday holatda bolalar jamoasida adovat ham yuzaga kelishi va bolalar qonunni bajaruvchilar va ularga qarshi kuzatuvchilarga ajralib qolishlari mumkin. Shunday qilib, yuqorida tasvirlangan uslublar to'plami (ularning ro'yxati, albatta, davom ettirilishi mumkin) yangi maqsad - pedagogik yordam uchun texnologiyani belgilab beradi. Va mana shu mazmunda boshlang'ich ta'lim-tarbiya tizimining yangilanishi innovasiyalar hisobiga amalga oshiriladi. Bu esa jamiyat talabilariga mos ravishda barkamol avlodni shakllantirishda samarali yo'llarni tanlashga imkon yaratadi.

O'QUV ISHINI TASHKIL QILISHNING SHAKLLARI VA ULARNING MAQSADLARI

S.R. Botirova Navoiy Davlat pedagogika instituti

O'qitishning har bir bosqichida o'zining muammolari mavjud. Ularga o'quvchi o'zining tayyorgarlik darajasi va rivojlanish holatiga beradi. Demak, ta'limiy muammolar uning mazmunidan kelib chiqadi. Agarda o'qituvchilar o'z oldiga qo'ygan maqsad va vazifalarni yaxshi anglab yeta olsalar, o'quvchilar tomonidan yangi bilimlar tez va sifatli qabul qilinadi. Maqsad va vazifalar o'quvchilarning qiziqishlari, faolligiga qarab qo'yiladi. Agar bu maqsadlardan o'quvchi qoniqish hosil qilsa, unda bilimga chanqoqlik va uni o'rganishda faollik paydo bo'ladi. Ular qoniqish hosil qilsagina dars jarayoniga faol qo'shiladilar. Agar darsning mazmuni juda zo'r bo'lsa ham, lekin o'quvchilarda qiziqish hosil qilmasa unda qo'yilgan maqsadga erisha olishmaydi. O'quvchilar darsga kelgandan ularning fikrlarini kimyoviy materialni qabul qila olishga tayyorlash kerak bo'ladi.

O'quvchilar odatda dars materiallarini yuzaki qabul qiladi. Yaxshi qabul bo'lishi uchun eng avvalo ularda qiziqishni uyg'otish kerak. Haqiqatdan ham o'quvchilarning bilimga qiziqishlarini faollashtirish murakkab jarayon hisoblanadi. U bir qancha bosqichlarni o'z ichiga oladi. Eng avvalo sensor hissiyotlar ularni borligicha qabul qilishi, keyin intellektual qobiliyat ishga tushadi va elementlarni bilib ularni umumlashtiradi.

O'qituvchini darsga ijodiy yondashishi shundan iboratki - har bir darsda o'quvchilarni o'qitish, tarbiyalash va rivojlantirish maqsadlarini ko'zda tutgan holda dars rejalarini ishlab chiqish, darsni olib boradigan usullarni tanlash, o'quv vositalarini, kimyoviy tajribalarni tanlab olish kerak.

O'quvchilardan so'rashga uyga berilgan topshiriqlarini, oldingi darsda o'tilganlarni tekshirib ko'rish kiradi. Ko'pgina hollarda, uyga berilgan vazifani frontal suratda, butun sinfni bir vaqtda tekshirib chiqish kerak bo'ladi. Shunda har xil usullardan foydalanib o'quvchilarni hamma vaqt e'tibordan chetda qoldirmaslikka harakat qilish kerak. Ba'zan, murakkab uy topshiriqlarini o'qituvchi vaqtni tejash maqsadida o'quvchilardan yig'ib, darsdan keyin

tekshiradi, va keyingi darsda o'z mulohazalarini va qo'ygan baholarini e'lon qiladi.

Yangi mavzuni bayon qilish qismi xilma-xil bo'ladi, uning xarakteri aniq materialga va bu materialga to'g'ri keladigan o'qitish usullari va vositalariga bog'liq bo'ladi. Bayon etish jarayonida darsning asosiy ta'lim - tarbiyaviy vazifasi hal qilinadi. Ko'pincha, darsning bu qismida o'quvchilarga tayyor bilimlarni berish bilan chegaralanmay, balki o'qituvchi rahbarligida o'quvchilarning o'zlariga tajriba, kuzatish, darslik bilan ishlash qoldiriladi.

Yangi mavzuni umumlashtirish va puxtalash darsning alohida qismini tashkil etadi, chunki yangi mavzuda eng muhim narsani ajratib ko'rsatishga va bu muhim narsani, qolgan vaqtga qarab, maxsus tarzda mustahkamlashga imkon beradi.

KIMYO FANIDAN O'QUVCHILAR BILIMINI BAHOLASHDA "SIRLI BAHO" USULIDAN FOYDALANISH

S.R. Botirova, H.H. Suyarova - Navoiy Davlat pedagogika instituti

Kimyo fanidan masalalar yechish darsida o'quvchilar bilimni baholash, rag'batlantirish mezonlarini har bir o'qituvchi bilishi kerak.

Butun dars davomida faol o'quvchilar berilgan barcha masalalarni to'g'ri va tez ishlab boradilar. Sust o'zlashtiruvchi o'quvchilar esa, aksincha bir-ikkita masalani to'g'ri ishlay oladilar-u, shu to'g'ri ishlangan masala uchun namunali baho olishni istaydilar.

Bu vaqtda o'qituvchi o'quvchilar bilimni baholashga qiynaladi. Chunki kam masala ishlasa-da, bu o'quvchilar ham masalani to'g'ri ishlangan bo'ladi. Quyidagi metodni qo'llash orqali bu muammoni bartaraf etish va o'quvchilarning darsga qiziqishini yanada oshirish mumkin.

O'qituvchi masala yechish darsi mavzusini e'lon qiladi. Mavzu yuzasidan kerakli ifodalari haqida batafsil ma'lumot beradi.

Shundan so'ng masalalar yechish boshlanadi.

1-masalaning sharti e'lon qilinadi. Masalani to'g'ri va tez ishlangan o'quvchilar daftariga o'qituvchi baho emas, balki "B" harfli belgini qo'yadi. Keyin 2-masalani ishlashga kirishadilar. Bu masala uchun "I" harfi bilan belgi qo'yiladi. 3-masala uchun "L" harfi va 4-masala uchun "I" harfi 5-masala uchun "M" harfi h.k. Shu tariqa keyingi masalalar ishlanadi.

Agar bitta o'quvchi dars davomida berilgan hamma masalalarni to'g'ri va tez ishlasa, (bu darsda 5 ta masala) ketma-ket ball o'rniga "bilim" so'zini hosil qiluvchi harfli belgilar qo'yib boriladi. Dars yakunida "BILIM" so'zining barcha harflarini (hech bo'lmaganda 3 tasini) to'plagan o'quvchilarga "Kimyo fanidan bilimli o'quvchi" deb yozilgan rag'bat kartochkasi beriladi va "5" baho bilan baholanadi.

Dars davomida "BIL" harflarini to'play olgan o'quvchilarga "Kimyo darsida yaxshi qatnashchi" kartochkasi beriladi va "4" baho bilan baholanadilar.

Dars davomida 1-2 tagacha masala ishlay olgan o'quvchilarga "Kimyo qiziqarli fan. O'z ustingizda ishlang." Kartochkasi beriladi va bu o'quvchilar "3" baho bilan baholanadilar.

Bu metodni qo'llash orqali quyidagi natijalarga erishish mumkin:

a. O'quvchilar sirli harflarini yig'ishga qiziqib, masalani tezroq yechishga intiladilar, o'z ishlari natijasi bilan qiziqadilar.

b. Hatto "3" baho olgan o'quvchi ham bu bahodan norozi bo'lmaydi, aksincha, nima uchun past baho olganligini tushunadi va o'z ustida ishlashni boshlaydi.

Shuni inobatga olgan holda har bir pedagog o'tayotgan darsini mustahkamlashga katta e'tibor berishi, o'quvchilar fikrini eshitishi kerak. Bu maqsadda darsda yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llash yaxshi natija beradi.

Bundan tashqari talabalar kimyoviy tajribalar ko'rsatishda ko'nikmalarga ega bo'lishi, maktab dasturidagi mavzularining o'qitish metodikasi va maktab kimyoviy masalalarni yechish metodikasini egallab olishi, darsni rejalashtirish, matn tuzish va darslar berishini o'rganishlari kerak.

ATROF –MUHITNI MUHOFAZA QILISH TADBIRLARI

H.H. Suyarova, S.R. Botirova
Navoiy Davlat pedagogika instituti

Sanoat korxonalarini va kommunal xo'jaliklar chiqindilari hisobiga shaharlar atrofida turli chiqindi omborlarining paydo bo'lishi, axlatxonalarining ko'payishi atmosfera havosini ifloslanishdan muhofaza qilishni taqazo etadi. Mazkur masala ekologiya fanining masalasi bo'libgina qolmay, balki ijtimoiy va iqtisodiy masala hamdir. Biroq, bu masala kompleks ravishda hal etilmasa, yechilishi murakkab bo'lgan muammo bo'lib qolaveradi. Hozirgi vaqtda atmosfera havosini muhofaza qilish maqsadida uch xil tadbirni amalga oshirish ko'zda tutiladi. Bular mantiqiy, texnik va loyihalashga asoslangan tadbirlardir. Mazkur tadbirlarni amalga oshirish bilan aholi turar joylaridagi atmosfera havosi bulg'anishlarini ruxsat etiladigan miqdorini ta'minlash mumkin, qolaversa, aholining sanitariya-turmush sharoitini ham yaxshilasa bo'ladi.

Atrof –muhitni muhofaza qilishda havo muhitini muhofaza qilishda har bir korxonaga quyidagi eng muhim tadbirlarga amal qilishi lozim.

- ekologiya to'g'risidagi qonunlar, atrof-muhit muhofazasiga oid me'yoriy va boshqa hujjatlar talablariga rioya qilish;

- tabiiy va xom-ashyo resurslaridan ratsional foydalanish, atmosferaga zararli chiqindilar, oqova suvlar bilan ifloslantiruvchi moddalar chiqishini kamaytirish, chiqindilarni minimizatsiya qilish va foydalanish bo'yicha tadbirlar ishlab chiqish va amalga oshirish;

- atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida manfaatdor tashkilotlar va jamoatchilik bilan hamkorlik qilish, korxonaning ekologik faoliyati masalalari bo'yicha ochiq axborot berish;

- avariya holatlardan ogohlantirish ishlari, profilaktik tadbirlar tashkil etganda xavfsizlik darajasini oshirish yo'li bilan korxonada ishchilari sog'ligi to'g'risida g'amxo'rlik qilish;

- Ishlab chiqarish va sexlarning ishchi zonalari havo muhiti;

- Sanitar–himoya zonasi havo muhiti;

- Navoiy shahri va yaqinidagi aholi yashash punktlarini havo muhiti;

- Korxonada manbalaridan gaz tashlanmalari;

Navoiy ixtisoslashtirilgan analitik nazorat inspeksiyasi bilan birga Zaraf-

shon daryosiga borib to'kiladigan oqova suvlar monitoringi, atmosfera havosi ifloslanishi monitoringi laboratoriyasi bilan birga yaqin posyolkalardagi atmosfera havosi tarkibi monitoringini amalga oshiradi.

Ekologik xavfi bo'yicha I kategoriyaga kiruvchi «Navoiyazot» AJ da tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi organlari bilan atmosferaga ifloslantiruvchi moddalar chiqishi, oqova suvlarni chiqarib tashlash va chiqindilarni joylashtirishni reglamentlovchi me'yoriy hujjatlar ishlab chiqilgan.

Atmosferani ifloslanishiga qarshi kurash bo'yicha o'tkaziladigan mantiqiy tadbirlar majmuasiga — atmosferani ifloslantiruvchi asosiy manbalardan biri bo'lgan avtomobillar uchun yangi turdagi dvigatellar yaratish, ularni texnologik toza yonilg'i turiga o'tkazish, atmosfera havosini ifloslantiruvchi barcha korxonalarni shahardan tashqariga joylashtirish, ishlab chiqarish korxonalarini bir-biriga yaqin joylashtirishni qat'iy man etish va boshqa shu kabi tadbirlar kiradi. Chunki ulardan chiqdan tashlamalar foto-kimyoviy reaksiyaga kirishib yanada xavfli bo'lgan moddalarni hosil bo'lishiga olib keladi. Atmosferani avtotransportlar ta'sirida ifloslanishini kamaytirish uchun ko'chalar tekisligini ta'minlash va avtomobillar harakatini «yashil to'lqinlar» prinsipi bo'yicha tashkil etish muhim ahamiyat kasb etadi. Bu hol o'z navbatida shahar magistral yo'llari bo'ylab mashinalar okimi harakati xavfsizligini ta'minlaydi. Atmosfera havosini muhofaza qilishda texnologik tadbirlarning ahamiyati kattadir. Ko'riladigan tadbir asosida tashki muhit ob'ektlariga, jumladan, havoga tashlanadigan chiqindilar miqdorini qisqartirish yoki mutloq. tuxtatish zarur. Buning uchun sanoat korxonalaridagi texnologik jarayonlarni takomillashtirish, hatto chiqindisiz yoki kam chiqindili texnologiyalarni joriy etish mumkin. Bunday texnologiyalar mutloq berk jarayonlar bo'lib, unda chiqindilar butunlay bo'lmaydi, chiqindi moddalar boshqa maxsulotlar ishlab chiqarish uchun xom ashyo vazifasini o'taydi. Chiqindisiz yoki kam chiqindili ishlab chiqarish jarayonlarini tashkil etishda xom ashyo tayyorlash, mavjud materiallardan tula foydalanish, ularni chiqindi sifatida tashqi muhitga tashlamaslik chora-tadbirlari ko'riladi. Albatta, chiqindisiz texnologiya jarayonlarini ishlab chiqish nazariy jihatdan oson bo'lsa-da, amalda uni joriy etish juda murakkabdir. Shuni ham aytib o'tish kerakki, chiqindisiz ishlaydigan sanoat korxonalari faoliyatlari asosini barcha xom ashyolarni tayyor mahsulotlarga aylantirish tashkil qiladi.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БЎЛАЖАК КИЧИК МУТАХАССИС- ЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ - ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

*У.С.Ходиев, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини
ривожлантириш маркази*

Ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан таълим тизимида ишбилармонлик, изланувчанлик, ташаббускорлик, рақобатбардошлик қобилиятларига эга бўлган, ижодий фикрлай оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Республикамизда амалга оширилаётган маънавий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашиши, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин олиши ёш авлодни касб-ҳунарга ўргатиш, шахс сифатида таркиб топтириш,

уларни умуминсоний фазилатларни мужассамлаштириш билан бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда таълим шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ҳамда маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳа, деб эълон қилинганлиги ҳам бежизга эмас.

Бугунги кунда даврда илм ва фаннинг жадал тараққий этиши, замонавий ахборот ва коммуникация воситаларининг кенг жорий этилиши, турли соҳаларда билимларнинг тез янгилалиши, техника ва технологиянинг кун сайин ўзгариб бориши натижасида замонавий иш берувчилар томонидан ишчи ва мутахассисларга алоҳида талаблар қўйилмоқда. Мос равишда кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий бўғини ҳисобланган ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими ҳам меҳнат бозори конъюнктурасига ҳамда иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжига қаратилган бўлиши лозим. Шунга кўра, бугунги кунда касб-хунар коллежларида ўқувчиларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни эгаллашга йўналтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Автотранспорт саноати ҳозирги кунда замонавий бозор иқтисодиёт шароитида жадал ривожланиб бораётган, илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий, экологик характердаги муаммоларни ҳал этишга сезиларли таъсир кўрсатадиган иқтисодиёт тармоқларидан бири ҳисобланади. Республикамизда ҳам автомобилсозлик саноатининг тезкор суръатда ривожланиб бориши натижасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш соҳаси учун юқори малакали кичик мутахассисларга бўлган талабнинг ошиши мазкур автотранспорт тармоғи учун учун малакали, рақобатбардошлик хусусиятига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш ва меҳнат бозоридаги кадрлар рақобатбардошлигини таъминлашни тақозо этмоқда. Шунинг учун, касб-хунар коллежларида давр талаблари асосида касбий лаёқатли, меҳнат бозорида рақобатбардош ва ўзгарувчан шароитларга тез мослашувчан, рақобатбардошлик қобилиятига эга бўлган кичик мутахассисларни тайёрлаш устувор масалалардан бирига айланганлиги сабабли юзага келадиган касб-хунар коллежларида бўлажак кичик мутахассисларнинг рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш тизимининг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш зарурияти ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда меҳнат бозорига тез мослашувчан, рақобатбардош кичик мутахассисларни тайёрлаш замонавий ўрта махсус, касб-хунар касб таълимининг энг муҳим вазифаси ҳисобланишини таъкидлаган ҳолда, ушбу муҳим илмий ва амалий масаланинг ечими йўлларида қуйидаги зиддиятлар мавжудлигини қайд этиш жоиз:

кичик мутахассисларни тайёрлаш сифатини баҳолашга анъанавий ёндошув ва тезкор ривожланаётган таълим хизматлари бозори;

бўлғуси кичик мутахассисларнинг шахсий камолоти ва тайёрлов мазмунининг таълимий йўналтирилганлиги;

касб-хунар коллежларида кичик мутахассисларни тайёрлаш сифатини баҳолаш тизимига пайдо бўлган эҳтиёж ва тайёрлаш сифатини баҳолашнинг илмий-услубий таъминоти етишмовчилиги;

бўлажак кичик мутахассисларда рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш жараёнининг тузилмавий моделини ишлаб чиқиш кичик

мутахассисларга меҳнат бозори томонидан қўйиладиган талаблар ҳамда рақобатбардош кичик мутахассис-битирувчини тайёрлаш учун педагог-ўқитувчиларнинг тайёрлиги ва ҳ.з.

Замонавий таълим сифатининг асосий кўрсаткичи бўлган бўлғуси кичик мутахассисларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги таълим муассасаси битирувчисининг компетенцияси қанчалик ривожланганлиги - вазиятлар ва билимлар орасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш, муаммоларни ҳал этиш учун билимларни адекват қўллаш қобилияти билан аниқланади. Бу ҳолат саноатлашган иқтисодиётдан ахборотлашган иқтисодиётга ўтишдаги шахсга талаблар ўзгариши билан аниқланади-ки, бунда ижрочилик аниқлиги, бошлиқларга бўйсунуш ва умрбод доимий бир хил меҳнатга ройишлик кўникмаси ўзгаришларга тез мослашиш, ижодкорлик, ташаббускорлик, ҳар тарафлама ривожланиш ва мулоқотга тез киришиш қобилиятига алмашади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, рақобатбардошлик қобилияти ҳолатли категория ҳисобланади-ки, бу субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг турли ҳолатларида касбий масалаларни эгалланган умумий ва махсус билимлар, кўникма ва малакалар, шунингдек касбий аҳамиятли шахсий сифатлар асосида муваффақиятли ечиш қобилияти билан намоён бўлади. Шунинг учун, касб-ҳунар коллежларидаги таълим жараёнида кичик мутахассислар рақобатбардошлик қобилиятини шакллантиришнинг зарурий шarti сифатида таълим жараёни субъектининг булғуси касбий фаолиятини моделлаштирувчи ҳолатларни ажратиш мақсадга мувофиқ. Бу танлов мазкур ҳолатнинг таълим жараёнида педагогик жараён бирлиги сифатида қаралиши мумкинлиги билан шартланади.

Мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари томонидан амалга оширилган психологик ва педагогик тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежларида “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” тайёрлов йўналиши бўйича бўлажак кичик мутахассисларнинг рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш тизимини илмий-педагогик асослаш юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш биринчи навбатда энг муҳим ҳисобланади:

1. Касб-ҳунар коллежларида бўлажак кичик мутахассисларнинг рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш ҳолати, моҳияти ва муаммоларини илмий жиҳатдан асослаш (бўлажак кичик мутахассисларда рақобатбардошлик қобилиятини шакллантиришнинг моҳияти ва муаммоларини аниқлаш; касб-ҳунар коллежларида бўлажак кичик мутахассислар рақобатбардошлик қобилиятларини шакллантиришнинг методологик асослари ва “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” тайёрлов йўналиши бўйича касбий фаолиятга тайёргарликни шакллантиришнинг педагогик-шароитларини ишлаб чиқиш)

2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида касбий компетентлик, касбий компетенция, рақобатбардошлик ва касбий муҳим сифатлар каби тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаштириш ва бўлажак кичик мутахассисларнинг рақобатбардошлигига таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш.

3. Касб-ҳунар коллежларидаги ўқитиш жараёнида “Автомобилларга

техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” тайёрлов йўналиши бўйича таълим жараёнида бўлажак кичик мутахассислар рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш мазмуни ва педагогик имкониятларини асослаш.

4. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” тайёрлов йўналиши бўйича бўлажак кичик мутахассисларда рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш жараёнининг тузилмавий моделини ишлаб чиқиш (бўлажак кичик мутахассисларда рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш моделини амалга ошириш методикаси, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш жараёни моделини амалга ошириш воситалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида рақобатбардошлик қобилиятларининг даражасини аниқлашни ташхислаш механизмлари ишлаб чиқиш).

5. Касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган бўлажак кичик мутахассисларда рақобатбардошлик қобилиятини шаклланганлиги даражасини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (касб-ҳунар коллежларида бўлажак кичик мутахассисларда рақобатбардошлик қобилиятларини шакллантиришнинг ўқув-услубий таъминоти яратиш).

TA'LIM – TARBIYADA TILNING O'RNI VA UNING PEDAGOGIK, ZAMONAVIY FALSAFIY QARASHLARI

*Toshpulatov D.A. TATU Samarqand filiali o'qituvchisi
Safarov A. 4-kurs talabasi*

Prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlaganidek: “ *Tarbiyachilarning o'ziga zamonaviy bilim berish, ularning ma'lumotini, malakasini oshirish kabi paysalga solib bo'lmaydigan dolzarb masalaga duch kelmoqdamiz. Mening fikrimcha, ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirishdagi asosiy muammo ham mana shu yerda. O'qituvchi bolalarimizga zamonaviy bilim bersin, deb talab qilamiz. Ammo zamonaviy bilim berish uchun avvalo, murabbiyning o'zi ana shunday bilimga ega bo'lishi kerak* ”.

Inter ingliz tilidagi “inter” old qo'shimchasidan iborat bo'lib, u tom ma'noda o'zaro ta'sir, yo'nalganlik ma'nosini anglatadi. Bu yerda inter so'zi keng doirada, xalqaro miqyosdagi ta'sir, harakat, yo'nalganlik mazmuniga ega. Interfaol atamasiga kelsak, u “interactiv” ya'ni keng xalqaro miqyosdagi harakat faolligini bildiradi. Lotincha inter so'zining ma'nosi – ichki potensial imkoniy quvvat degani.

Ma'lumki, har bir inson o'z ichki imkoniy quvvatiga va o'zgalarda qaytarilmas fazilatga ega.

Interaktiv usul tarbiya nuqtai nazaridan, har bir kishini ruhiy, ilohiy tavsifini ko'zda tutgan holda, xalqaro miqyosdagi ta'lim-tarbiya yangiliklarni hamda ma'naviy manbalarimizdagi aks ettirilgan intellektual salohiyatimiz ko'nikmalariga asoslanib komil farzand tarbiyalash demakdir.

G'arbda pedagogikaning interfaol metodlari bilan shug'ullanadigan qismini interaktiv pedagogika deb ham yuritiladi. Interaktiv pedagogika yoshlarni talabalarni faolliklari xilma-xilligini hamkorligi, hayrihohligi asosida ularni yangi faollikka, bunyodkorlikka, yaratuvchanlikka undovchi pedagogika bo'lib,

talabalarga bunday sifatlar ular erkin fikrlash asoslarini egallaganlaridan keyin shakllana boshlaydi, rivojlanadi.

Metod (usul) – yunoncha atama boʻlib, aynan nimagadir yoʻl degan maʼnoni anglatadi, yani maqsadga erishish yoʻlini bildiradi.

Taʼlim – tarbiya jarayonini bosh strategik maqsadi davlat tomonidan yoshlarga, mutaxassislariga qoʻyiladigan talablar asosida jamiyatning yoshlarga buyurtmasi sifatida belgilanadi. Xuddi shunday bizning davlatimizda talim – tarbiyaning hozirgi bosh strategik maqsadi 1997 yil avgustda qabul qilingan kadrlar tayyorlash milliy dasturi asosida: **“Zamon talablariga, bozor iqtisodiyoti talablariga javob beruvchi oʻzida komil inson sifatlarini shakllantirgan yetuk mutaxassislar tayyorlashdan iborat”** -, deb belgilandi.

Taʼlimning maqsadi - mustaqil jamiyatimiz ravnaqiga nazariy va amaliy hissa qoʻsha oladigan “Barkamol avlodni” ni tarbiyalash.

Taʼlimning vazifasi – yosh avlodni ilmiy bilimlar, koʻnikma va malakalar tizimi bilan qurollantirish.

Maʼlumki, inson jamiyatdan ajralgan holda yashay olmaydi. U odamlar bilan ijtimoiy munosabatda jamoa boʻlib yashaydi. Shuning uchun kishining madaniy jihatdan tarbiyalanishi uning muomalasida nomoyon boʻladi. Masalan: biz falonchi juda xushmomala odam, deb baho beramiz. Bu bilan biz muloqotda boʻlgan vaqtimizdan undan olgan taʼsurotlarimizni ifoda qilamiz.

Insonning boshqalar bilan muomala qilish madaniyatida uning nutqi alohida ahamiyatga ega boʻladi. Doimo xalqimizning tilga eʼtibor elga eʼtibor yoki til aql tarozisi degan fikri bejiz aytilmagan.

Ijtimoiy jamiyatda yashagan shaxsning tili, nutqi va boshqa madaniy – maʼnaviy tomonlari satsum ichida shakllangan va kelgusida vujudga kelajak barcha bilimlar yaxlitlanib boraveradi. Shu tariqa muayyan tilda soʻzlashuvchi jamiyat uchun xos boʻlgan dunyoqarash, dunyoning yaxlit konseptual tizimi vujudga keladi. Lekin shuni ham aytish kerakki, muayyan tili doirasidagi dunyoqarashlar qanchalik xususiy boʻlmasin, u konseptual dunyoni anglashga halaqit qilmaydi. Arabcha fikrlash tarzi zakot, roʻza, imon, duo kabi xos boʻlgan dunyoqarash, bu dunyoning yaxlit konseptual tizimi vujudga keladi. Arabcha fikrlash tarzi zakot, roʻza, umid, duo kabi kategoriyalarni yaratgan boʻlsada, u yadro fizikasi yoki gen injeneriyasi tushunchalarini ham anglashga qodir.

Zardushtiylik kosmogoniyasida har bir unurning oʻz ilohiy ibtidosi mavjud, Qadimgi vavilonliklar sayyoralarni va boshqa kosmik jismlarni ilohiylashtirganlar. (Bu anʼana hozirgacha davom etayotir: koʻpgina osmon jismlariga rim-yunon xudolarining nomlari berilgan; Mars, Pluton, Neptun, Uran). Dunyoqarashlarni mohiyatiga koʻra bir qancha turlarga boʻlish mumkin;

- har bir inson shaxsiy tajribasi orqali vujudga kelgan dunyoqarash;
- muayyan til doirasida vujudga kelgan lisoniy dunyoqarash;
- barcha individlar uchun yagona boʻlgan konseptual dunyoqarash

Dunyoqarashning milliy xususiyati uning, yuqorida taʼkidlangandek, muayyan til doirasida chegaralanishi bilan bogʻliq. Har bir lingvomadaniy jamoada tarkib topgan metaforalar, stereotiplar, etalonlar faqat bir tilga xos boʻlgan xususiylikka olib keladi. Masalan, yaxshi bilmoq maʼnosi oʻzbek, chex va fransuz tillarida mos ravishda besh panjasiday bilmoq, oʻz karmonidek bilmoq, oʻz botinkasidek bilmoq tarzda ifodalanadi. Shunday qilib, lisoniy kartina va

konseptual kartina, ya'ni muayyan til doirasidagi dunyoni anglash va umumiy dunyoqarash o'rtasida murakkab cheksiz davom etadigan munosabatlar mavjud.

Real dunyoning obyektiv voqea va xodisalari (tun, kun, fasllar, vaqt, borliq) barcha tillar doirasida bir xil anglashiladi. So'z fakat bir tildagi semantik xajm ikkinchi tildagiga nisbatan konseptual olamni o'zgacharak tarzda qoplashi haqida borishi mumkin. Masalan. bir so'zi rus tilida asosan miqdor ko'rsatkichi bo'lib xizmat qiladi (одного поля ягоды, один в поле не воин). O'zbek tilida bu so'z bir muncha kengroq konnotasiyaga ega (miqdor ma'nosida - bir yostiqa bosh qo'ymoq, bir kesak bilan ikki qarg'ani urmoq, ekspressiv ma'noda bir paqir, bir tiyin, bir ko'shak, noaniq artiklda birdan bular, bir baxya qoldi).

Konnotativ ma'no turli tillarda turlichadir. Masalan; it zoonimi rus tilida ijobiy konnotasiyaga ega. Ammo o'zbek tilida ko'proq salbiy ma'no bo'rttirilgan holda qo'llanadi. Masalan, rus tilida: гонять собак, вешать собак, каждая собака знает, грызутся как собаки, собачья смерть; o'zbek tilida esa: it qarash qilmok, it yotish mirza turish, it rasvosida, itdan bo'lgan kurbonlikka yaramas, iti kelib qoldi, it egasini tanimaydi. Dunyoni anglash uzoq, vaqt talab etadigan jarayon bo'lib. insoniyatning tarixida bir necha avlodlar umriga teng bo'lishi mumkin. Bizning dunyo haqidagi bilimlarimiz o'ta ijobiy. Predmetning biz anglab yetmagan xossalari biz uchun jumboq bo'lib qolaveradi. Absolyut bilim esa mavjud emas, zero, narsa va xodisalar, ular o'rtasidagi munosabatlar cheksiz davom etadi, odam o'zi o'rab turgan dunyoni o'z aqli, tafakkuri bilan anglaydi, idrok qiladi, ko'radi, sezadi, uylaydi, axborot oladi, qiyoslaydi, xulosa chiqaradi Hozirgi zamon homosapiens - muayyan hudud, ijtimoiy muhit, kollektiv, jamoa maxsuli. Odatda bu jamoaning sifat belgisi tip, muayyan madaniyat, urf-odatlar, stereotillar, etalonlar bo'lishi mumkin. Shunga ko'ra individ ham turlicha farqlanadi. Agar inglizlar muayyan til doirasida birlashgan bo'lsalar, ularning ushbu til doirasida egallagan bilimlari ham umumiy bo'ladi.

Xulosa qilib shuni ta'kidlash mumkinki buyuk mutaffakkirlar tilning natijasida fikrlarning xilma-xilligi haqida fikr yuritganlar. Masalan: Fikr tarbiyasi haqida buyuk pedagog A.Avloniy "Fikr tarbiyasi eng kerakli, ko'p zamonlardan beri tadbiiq qilinib kelingan, muallimlarning diqqatlariga suyangan, vijdonlariga yuklangan muqaddas bir vazifadir" deyiladi.

Fikrlashda qalb, ong sezgilarni uyg'unligi haqida Arastu ta'limoti, fikrning ezgulikka yunaltirilishi haqida- Alisher Navoiy, fikrning mantiqliligi haqida – I.P.Pavlov, fikrning bosqichliligida P.Galperin, fikrlashda umumta'lim haqida – P.Davidov ta'limotlari mavjud.

KVADRATIK DIFFERENTIAL TENGLAMANI LIMITIK DAVRAGA EGA BO'LMASLIK SHARTLARI.

*J.X.Xudoyqulov-assistent (SamDAQI)., Y.Sh.G'aybulov -magistr.,
D.A.Beknazarova. (SamDU)*

Yechimi to'g'ri chiziqdan iborat kvadratik differensial tenglamani maxsus nuqtalari va limitik davra mavjud bo'lmaslik shartlari aniqlangan.

$1 + \alpha x = 0$ yechimga ega bo'lgan differensial tenglamani

$$y(\alpha x + \beta) \frac{dy}{dx} = b_{10}x + b_{01}y + b_{20}x^2 + b_{11}xy + b_{02}y^2, \quad \alpha \neq 0 \quad (1)$$

tekshiramiz, bu yerda $\alpha, \beta, b_{10}, b_{01}, b_{20}, b_{11}, b_{02}$ o'zgarmas sonlar.

Agar $\alpha \neq 0$, $b_{11} \geq 0$ va $b_{20} \neq 0$ bo'lsa bu tenglamani

$$y(\alpha x + 1) \frac{dy}{dx} = -x + \lambda y - x^2 + bxy + cy^2, \quad (2)$$

ko'rinishga keltirish mumkin.

Bu tenglama fazaviy tekislikning chekli qismida ko'pi bilan to'rta maxsus nuqtaga ega bo'ladi. Frommer usuli yordamida [1] bu maxsus nuqtalarni tipini aniqlash mumkin, natijada bu maxsus nuqtalarining ikkitasi $y = 0$ o'qida joylashgan bo'lib $(0,0)$ -anti egar, $A(-1,0)$ boshqa ikkitasi $1 + \alpha x = 0$ to'g'ri chiziqda joylashgan.

Agar $\lambda = 0$, $b(c - 1) = 0$ shartlar bajarilsa bu nuqtalar yoki ikkita oddiy nuqta: agar bitta $y \geq 0$ yoki $y \leq 0$ yarim tekisliklarda joylashgan bo'lsa egar va tugun, agar harxil yarim tekisliklarda joylashgan bo'lsa ikkalasi egar tipida bo'ladi, yoki egar-tugun tipidagi murakkab nuqta bo'ladi.

$A(-1,0)$ egar tipidagi nuqtaning separatriis chizig'i sirtmog'idan (2) tenglama limitik davrasi paydo bo'lishi mumkin.

$\lambda=0$, $b(c-1)=0$ shartlar bajarilganda (2) tenglamani $(0,0)$ maxsus nuqtasi markaz tipida bo'ladi.

Quyidagi tasdiq o'rinli.

Teorema: Agar

$$\lambda \geq b \left[1 + \frac{1 - \alpha}{\alpha - c} \frac{1 - (1 - \alpha)^{c/\alpha} - c(1 - \alpha)^{c/\alpha - 1}}{1 - (1 - \alpha)^{c/\alpha}} \right]$$

shart bajarilsa (2) tenglama tekislikning chekli qismida egar maxsus nuqtani separatriis chizig'i sirtmoq tashkil etmaydi va limitik davraga ega bo'lmaydi.

YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANIB DARSDA TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH

*Xusanova D., Tog'ayeva S. Samarqand tuman Maishiy xizmat
kasb hunar kolleji o'qituvchilari*

Bugung kunda Respublikada ta'lim tizimni isloh qilish umumiy o'rta, o'rta maxsus, kasb hunar ta'lim tizmi fanlar mazmunini yanada boyitish va mukammlashtirish bilan bir qatorda zamonaviy o'qitishni faol usullarni qo'llash yangi pedagogik texnologiyalarni asosini tashkil qiladi. Bizga ma'lumki shu vaqtgacha o'qituvchi bilim va axborot beruvchi, talaba esa shu axborotni tinglovchi bo'lib kelgan edi. Rivojlangan mamlakatlardagi ta'lim tizimida esa talabalarni faolligi birinchi o'rinda turadi. Bu esa darsning yutug'i va butun mashg'ulot davomida talabalarining ishtirok etishi, ularning fikrlashishi, qilgan baxslari, bir-biriga qarshi mulohaza va savollar ko'pligi bilan belgilanadi. Bu esa talaba bilimni samaradorligini oshiradi. Hozirgi davrda talabalarimiz radio va televideniya, gazeta jurnallar, kompyuter, internet tarmoqlar, va boshqa tizimlar orqali ko'plab axborotlarni oladilar. Shu sababli ularning olgan axborotlari bilan hatto o'zlariga bilim beruvchi ba'zi o'qituvchilardan ham ilgarilab ketmoqda. Bu hol peagoglarmizdan tinimsiz izlanishni, o'z ustda ishlashni taqazo qiladi. Bugungi kundao'qitishning faol usullarni qo'llash yangi pedagogik texnologiyalarni asosini tashkil qiladi. Aytaylik fikrlashga majburlash yoki boshqacha qilib aytganda

“aqliy hujum” usuli. Bu usulda o’qitish uchun o’qituvchi mavzuni a’lo darajada o’rgatish yoki o’tish uchun bor imkoniyatlardan to’liq foydalana olishi kerak bo’ladi. Aytayulik, u tarqatma materiallar, rasmlar, jadvallar, asbob – uskunalar, qo’lbola jihozlar, kompyuter, televizor, videofilm va boshqalar orqali darsga avvaldan tayyorgarlik ko’rib qo’yadi.

Dars-mashg’ulot ushbu usulda tashkil etilganda talabalar erkin fikrlaydi, baxs-munozara yuritadi. Bu esa o’tilgan mavzu bo’yicha bilimi pastroq bo’lgan, darsda faol ishtirok etmagan talabalarga ta’sir qiladi va bilim olishga intiladi. Ma’lumki darsni bunday usulda tashkil etish oson kechmaydi. Bunda o’qituvchining tashkilotchiligi, chuqur bilimi, ziyrakligi va muloqotmandligi hamdaboshqa xususiyatlarga ega bo’lishi albatta zarur bo’ladi. Darsni tashkil etishda o’qituvchi o’z oldiga oliy maqsad qo’yishi mashg’ulot oxirida esa u maqsadga qanchalik erishgani yoki erishmagani haqida tegishli xulosaga kelishi ya’ni o’z faoliyatini tahlil etishi hamda dars samaradorligini baholashni talabalar hukumiga havola qiladi.

Hozirgi vaqtda ta’limning masala vazifasi va o’rni o’zgarishi bilan masala va savollarning o’zi ham yangilanib bormoqda. Agar masala va savollarning shartlarida avval so’ralgan “toping”, “ko’ring”, “hisoblang”, “isbotlang” kabi ifodalangan bo’lsa, endilikda “tushuntiring”, “to’g’ri javoblar ichida optimalini toping”, “masala va savollarga javob berishda va yechishda foydalanilgan barcha evristiklarni ajrating”, “o’rganing”, “turli xil javoblar va yechish uslublarini bashorat qiling”, “savolga javob to’g’rimi”, “masalani yoki savolni yechimi yoki javobi to’g’rimi”, “qo’yilgan savolni yoki masalani shartini shunday o’zgartiringki unda savolni yoki masalani xulosasi kelib chiqsin” va hokazo ko’rinishda ifodalanmoqda. Shuni ta’kidlash kerakki masala yoki savol talabalarini biror bir yo’nalishda majburan o’rgatish vositasi emas balki, o’qitishni boshlanish nuqtasi ya’ni ta’lim jarayonini asosi bo’lmog’i kerak.

O’qituvchi har xil usullar bilan talabalarni bilimlarini aniqlab olgach, mavzuni zamonaviy texnologiyalar asosida mukammal tushuntirib beradi. Dars mavzusiga oid medialar, turli vositalar, hayotiy misollar bilan boyitilgan bo’lsa, talabalarga mavzuni tushunish yanada oson kechadi. Boshqacha qilib aytganda, talabalar dars davomida qanchalik faol ishtirok etsa va erkin fikrlashsa, ular shunchalik ko’proq bilim va ko’nikmalarga erishadilar. Darslarni bu shaklda tashkil etib yuqori darajaga erishishi, o’qituvchining asosan kasbiy mahoratiga bog’liq bo’lgani uchun o’qituvchi o’z faoliyatining mohiyatiga ko’ra ijodkor, yakuniga ko’ra san’atkor bo’lishi lozim.

Bu usulda darsni olib borish oqibatida talabalarda fanlar bo’yicha olgan bilimlari ortadi va uzoq vaqt yodda saqlab qoladilar.

Pedagogik tajribalar shuni ko’rsatadiki, talabalar ma’ruza tinglaganlarida o’z eshitganlarini 5 foizini, o’qiganlarida 10 foizini, video, rasm, ko’rgazmalar ko’rganda bilimlarini 20 foizini, tajriba namoyishi qilganlarida 30 foizini, muzokara orqali birga tahlil qilganda 40 foizini, mashq qilganlarida ya’ni o’qigan yozgan, gapirganlarida, 50 foizini, ishbilarmon o’yinlar, loyiha usuli qo’llaganda, mustail o’qiganlarida, tahlil etganlarida, ish himoya qilganda bilimlarini 75 foizini, boshqalarni o’qitganlarida bilimlarini 90 foizni eslarida saqlar ekan.

Yuqoridagi aytilganlarda ko’rinib turibdiki, o’qitishning interfaol usullarini

qo'llab, talabalarini ko'proq amaliyotga o'rgatganimizda ular tegshli faoliyat bo'yicha olgan bilimi va ko'nikmalarini 90 foizini o'zlashtirar ekan.

Demak mashg'ulotlarni qaysi interfaol usullardan foydalangan holda qo'llab tashkil etish va mashg'ulot samaradorligini oshirib borish, unga barcha imkoniyatlarni safarbar etish o'qituvchining birinchi navbatdagi vazifalaridan biridir. Xulosa qilib aytganda, malakali kadrlar tayyorlash jarayoning sermashaqqat bir bosqichida o'quv mashg'ulotlarini sifatli tashkil etish va uni yuqori saviyaga ko'tarish, ta'limning eng asosiy vazifalaridan biri bo'lib kelmoqda va shunday bo'lib qoladi.

O'QUVCHILARNI ESTETIK TARBIYALASHNING MAVJUD HOLATI

*Z. Yuldasheva - QXTXQTMOI Maktabgacha, boshlang'ich
va maxsus ta'lim kafedrasida o'qituvchisi*

Nafosat tarbiyasi, eng avvalo, har bir kishida badiiy hissiyot tuyg'ularini, badiiy didni tarbiyalashdir. Nozik didli bo'lish, go'zallikni fahmlay va qadrlay olish, badiiy madaniyatni tushunish, xullas, o'z hayotini go'zallik qonunlari asosida qura olish barkamol insonning eng zaruriy fazilatidir. Insonda go'zallikni tushunish birdaniga vujudga kelmaydi, balki u jamiyat va odamlar, atrof-muhit ta'sirida shakllanib boradi. Shunga ko'ra insoniyatning badiiy rivojlanish qonunlari ijtimoiy rivojlanish bilan bog'langan bo'ladi. O'quvchilarda estetik tarbiyani qachondan boshlash kerak, nimalarga e'tibor berish lozimligi haqida o'qituvchilarning fikr-mulohazalari bilan qiziqdik va anketa savollari bilan murojaat etdik. Javoblarini quyidagicha tahlil etdik.

1. Estetika deganda siz nimani tushunasiz?

a) Go'zallikni tushunish va uni his eta olishni tushunaman (3 nafar)

b) Ichki va tashqi go'zallikni, didli bo'lishni (2 nafar)

s) Estetika deganda insondagi his-tuyg'ularning samimiy bo'lishini (3 nafar)

d) Nozik didli bo'lishni, fahm –farosatni va madaniyatli bo'lishni (2 nafar)

1 – anketa savolimizga esa 30% kishi estetika deganda go'zallikni tushunish va uni his eta olishni, 20 % kishi esa insondagi ichki va tashqi go'zallikni; 30% esa insondagi his-tuyg'ularning samimiy bo'lishini, 20% kishi esa nozik didli bo'lishni tushunishini aytgan. Javoblardan ko'rinib turibdiki, estetika deganda umuman insondagi did va nafosatni uyg'unligini tushunishar ekan.

2. Estetik tarbiyani qachondan boshlash kerak?

a) Estetik tarbiyani bola nutqi chiqqa boshlab, atrofdagilarga munosabat bildira boshlaganidan (5 nafar)

b) Maktabgacha tarbiya muassasalarida, yani bog'cha yoshidan (3nafar)

s) Boshlang'ich ta'lim jarayonidan (2 nafar)

2- anketa savolimizga berilgan javoblarni tahlil qilar ekanmiz, 50% o'qituvchi bolani oila muhitidan boshlash kerakligini, 30 % kishi esa bog'cha yoshidan, qolgan 20 % kishi esa boshlang'ich ta'lim jarayonidan boshlash kerak degan javoblarni ko'rsatishgan.

3. Hozirgi kunda o'quvchilarni estetik tarbiyalash uchun olib borilayotgan ishlar sizni qoniqtiradimi?

A) yo'q, o'quvchilarni estetik tarbiyalash uchun olib boriladigan ishlar deyarli qoniqtirmaydi.(5 nafar)

B) Bu boradagi ishlar ba'zi-ba'zida ko'zga tashlanib qoladi. Nomigagina olib boriladi. (3 nafar)

S) Ha, qisman qoniqtiradi (3 nafar)

Berilgan javoblar shuni ko'rsatadiki, o'quvchilarni estetik tarbiyalash borasida olib boriladigan ishlar o'qituvchilarni deyarli qoniqtirmaydi. Bu ishlarning ko'zga tashlanmasligini, ular jonli tarzda olib borilmasligi, o'quvchilarni jalb eta olmasligini aytib o'tishgan.

4. O'quvchilarni estetik tarbiyalash davomida ko'proq nimalarga e'tibor berish kerak deb o'ylaysiz?

a) darslar va darsdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida (3 nafar)

b) ota-onalar bilan hamkorlikda ishlash kerak va o'quvchilarni to'garaklarga jalb etish kerak (4nafar)

s) Sinfdan tashqari tarbiyaviy tadbirni ko'proq tashkil etish kerak (4nafar)

4-anketa savolimizga 30 % kishi dars va darsdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida amalga oshirish kerak deb; 40 % nafar esa ota-onalar bilan hamkorlik ishlarini jadallashtirish hamda o'quvchilarni bo'sh vaqtlarida to'garaklarga jalb etish kerakligini, qolgan 40 % I esa o'quvchilar bilan birgalikda sinfdan tashqari tarbiyaviy tadbirlarni tashkil etish kerakligini ko'rsatib o'tishgan.

5. Estetik tarbiya berish uchun o'qituvchi qanday vositalardan foydalanishi lozim deb o'ylaysiz?

a) musiqa, rasmlar (3 nafar)

b) san'at, musiqa (3 nafar)

s) adabiyot va tabiat (3 nafar)

5- anketa savolimiz estetik tarbiya berish jarayonida o'qituvchi musiqa, san'at, adabiyot, tabiatdan vosita sifatida foydalanishini ko'rsatishgan.

6. Estetik tarbiya ko'proq qaysi darslar jarayonida amalga oshiriladi?

a) o'qish, ona tili, musiqa (3 nafar)

b) tasviriy san'at, musiqa, mehnat(4 nafar)

s) barcha darslar davomida (3 nafar)

Bu savolimizga o'qituvchilarning bergan javoblarini o'rganar ekanmiz, deyarli barcha darslar jarayonida o'quvchilarga estetik tarbiya berish amalga oshirilishini aytib o'tishgan.

Berilgan javoblarni tahlil qilib shunday xulosaga keldik, o'quvchilarni estetik tarbiyalashda olib boriladigan ishlarni yanada jonlantirish kerakligini, dars va sinfdan tashqari tarbiyaviy tadbirlar jarayonida o'quvchilarni estetik tarbiyalashga doir ishlarni yanada jadallashtirish kerakligini bildirishgan.

Shunday xulosaga keldikki, o'quvchilarni estetik tarbiyalashni darsda, oilada, maktabdan va sinfdan tashqari tarbiyaviy ishlar jarayonida amalga oshirish kerak.

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Сам ДАҚИ катта ўқитувчи А. М. Деҳқонов

Сам ДАҚИ талабаси М.Х. Рахимова

Авваламбор сўз бошини бошлашдан олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов биз ёшларга, бизнинг келажак куришимизда

суянч, устун ва таянч бўлган сўзларидан бошламоқликни жоиз кўрдик:

Азизларим, Оллоҳ таолло берган соғлигимизни асрайлик. Чунки соғлом одам гина чинаккам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халк, соғлом миллат, буюк ишларга қодир бўлади.

Бу дунёда ҳаёт бор экан, одамзот тинч ва фаровон, бахтли-саодатли умр кечиришини орзу қилади. Шу маънода одамларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, алоҳида соғлиқни сақлаш масаласида давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Хаммамизга маълумки, XX аср инсоният учун муҳим ютуқлар асри бўлса, XXI асрда бу ютуқларнинг инсон ва жамият ҳаётига татбиқ этиш ва фан-техника ютуқларини янада ривожлантириш, ҳамда кенг қамров жиҳатдан умумбашарий аҳамиятга ега бўлган муаммоларни, яъни экологик хавф, ташқи турли ёвуз оқимлар ва гиёҳвандлик гирдобига тушиб қолишни олдини олишга доир кўплаб чора тадбирлар президентимиз томонидан ёш авлод химоясига ва юксалтиришга доир қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда. Дастурдан яна бир асосий урғу берилган йўналиш аҳоли кенг қатламлари орасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуллантиришни авж олдириш, айниқса ёш ва ўсмирларни спортга жалб этиш республика ва минтақаларда мусобақалар ва оммавий спорт тадбирлари ўтказишни ташкил қилиш босқичларидаги чора тадбирларни амалга ошириш физкультура ва спортни оммавийлаштириш бўйича илғор халқаро чора тадбирларни ўрганиш ва ёйиш, жойларда болалар спорт комплекслари, жисмоний соғломлаштириш клубларини, машқ заллари тизимини жадал ривожлантириш масаласи кўндаланг қилиб қўйилди ва жадал суръатларда амалга оширилди.

XXI аср шу билан характерли XIX-XX асрлардан бошлаб гиёҳвандлик муаммоси давлат арбоблари жамоатчилик, қолаверса аҳолини ташвишга солмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ёшларини огоҳлантириш, наркотик моддалар билан боғланган кишиларни келажакда нималар кутаётганлиги ҳамда, дунё миқёсида чиқаётган илмий адабиётлар, киборлар ва оммавий журнал ва газеталарда кенг ёритилмоқда.

Ҳар қандай инсоннинг энг мўтабар орзуси астойдил интилган асосий мақсади-соғлом баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга ётказишдан иборат.

Ислон Каримов.

Инсоният дунёда пайдо бўлибдики, унинг энг асосий мақсади, ҳаётда фаол меҳнат қилиши ва унинг евазига ўз саломатлигини сақлашидир. Президентимиз И. Каримов юқорида таъкидлаганларидек ҳар бир инсон келажак ҳаётини қандай барпо этиши унинг маънавиятига, ирода ва маънан ётуқлигига боғлиқ. Биз ёш авлод айнан Ўзбекистон фарзандлари дунёдаги энг бахти фаровон ва озод юртда яшаётганлигимизнинг ўзи ҳам биз ёш авлодга бахтдир. Мир Алишер Навоий бобомиз назарларида тарбия бағоят муҳим масаладир деб бежизга айтмаганлар. Таълим тарбия олиш мунтазамликни талаб қилади. Навоий бобомиз соғлиқнинг муҳим шароитларидан бири овқатланиш маданияти эканини ўз рублиоисида таъкидлайди.

*Ҳар қимгаки кўп таом емак фандур,
Билгинки, нажосатсизлик тани маскандур,*

*Қорнинг бирла дўст бўлмасанг, аҳсондур
Нечунки эр ўглига қорин душмандур.*

Биз танлаган мавзунинг индаллоси бизни ўраб турган жамийки борлик билан узвий боғлиқдир. Биз ўз соғлигимизни турмуш шароитимизни ва илмий салоҳиятимизни юксалтириб бормоқлигимиз лозим.

Дунёда инсонга энг азиз неъматдан бири тинчлик бўлса, яна бири сиҳат-саломатликдир. Яна бир нақлни келтирсак хато бўлмас ва шунга амал қилсак ўз орзуларимизга етади:

“Уч нарсени уч нарса билан топиб бўлмайди : бойликни орзу ҳавас билан, ёшликни пардоз-андоз билан, соғлиқни дори-дармон билан”. Бор ҳақиқат шудир.

Саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш илми ҳамда амалини ҳар бир кишининг ўз ўзи яхши билиши ва уларни кундалик турмушда қўллашдан иборат. Буни англаш ва тушиниш ҳозирги кунда ниҳоятда муҳим муаммо.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ ХУСУСИДА *О.К.Раупов, катта ўқит. СамДУ. А.А.Курбанов, катта ўқит. СамДУ.*

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга оширишнинг йўлларида бири ҳар бир фанни ўқитишда таълим билан тарбиянинг интеграциясига алоҳида эътибор беришдан иборатдир. Таълим бериш давомида ота-боболаримизнинг бой интеллектуал меъроси ҳамда умумбашарий қадриятларимизни ёшларимиз онгига сингдириб боришнинг аҳамияти катта.

Шу сабабли жисмоний тарбия дарсларини олиб боришда талабалар онгига маънавий-маърифий қадриятларимизнинг таркибий қимлари бўлмиш миллий ўз-ўзини англаш, миллий хис-туйғулар, миллий ғурур ва буюк аждодларга ҳурматни сингдириш ҳақида маълумот бериш керак. Олдимизга қуйилган мақсадни амалга ошириш учун диёримизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз ижоди, намуналари баён қилинган манбалар ўрганилиб чиқилди. Булардан ташқари, чет-эллик олимларнинг буюк алломаларимиз ҳақидаги фикрлари ҳам таҳлилий ўрганилиб чиқилди ва натижада жисмоний тарбия дарсларида талабаларнинг миллий истиқлол ғоясига садоқатли мутахассислар қилиб тарбиялашга кенг имкониятлар мавжудлиги кўрсатди.

Янги авлод бўсағасида камол топаётган ёшлар тарбияси ўта муҳим долзарб муаммо эканлиги барчага аён. Ёшларимизнинг соғлом, ҳар томонлама чиниққан, теран фикрли, ўткир заковат эгаси бўлиб етишиши жамиятимизнинг порлоқ келажагини таъминлайди. Бу ғоя азалдан ота-боболаримиз маънавиятида акс этиб келган.

Ўзбекистон ўзининг узоқ ва катта тарихига эга. Ҳалқларнинг маданияти, турли урф одатлари, ижтимоий турмуш шароитлари ва маънавий қадриятлари жуда кўп расмий манбаларда ўз аксини топган.

Президентимиз И.А.Каримов шундай дедилар: «Биз учун тарихий, маданий, умуман маънавий қадриятлар ҳалқимизнинг руҳини баланд сақлаш, ёш авлодни тарбиялашда энг асосий вазифа бўлиб қолиши керак».

Марказий Осиё халқлари олимларининг тарихий ғояларини ўрганиш орқали ёшларни жисмоний баркамоллик билан бир қаторда уларда чин инсоний туйғуларини, миллий қадриятларимизни сақлаш, Ватанга, халқга меҳр-шавқатли бўлиш, ота-она, Ватан олдида бурч ва садоқатни чуқур англаш руҳида тарбиялаш лозим.

Ибн Сино, Алишер Навоий, Беруний ва Бухорийга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис фарзандлар эканмиз, уларнинг таълим тарбияга оид ғояларининг давомчилари бўлиб, Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун ўз хиссамизни қўшмоғимиз лозим. Давлатчилигимиз асосларини яратиб келган Темур бобомиз ғайрат шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат бўлиб қолган.

Умумтаълим мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларининг «Жисмоний тарбия дастурларига» баъзи бир миллий ҳаракатли ўйинлар киритилган. Бу ўйинлар орқали болалар, ўқувчи-ёшлар ва талабаларга миллий қадриятларимиз мазмуни, маънавий-маърифий маданиятимиз бойлиги ва энг муҳими, миллий ғурур, ифтихор хис-туйғуларини сингдириб боришга имкониятлар яратилмоқда.

Демак, бой маънавий-маърифий меросимиз бор экан, юрагида миллий ғурури бор ва шу заминнинг фарзанди эканлигидан фахрлана оладиган ҳамда ўтимиши буюк аждодларимизнинг содиқ давомчисиман деган, ҳар бир ўқитувчи қандай фанни ўқитишидан қатъий назар ўз шогирдалирининг маънавий дунёсини юксалтирига ҳам масъулдир.

ТАЛАБА ҚИЗЛАРДА СОҒЛОМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ.

А.Қ.Қидиров ўқитувчи СамДАҚИ М.С.Шарипова талаба СамДАҚИ

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг таъкидлашича “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк хаёти тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шиклланади”. Ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлажак оиланинг мустаҳкам бўлиши учун ота-оналар маъсулдирлар. Оила ҳар тамонлама баркамол бўлишида ота – оналар тиббий – биологак, ижтимоий ва маънавий жихатлардан билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак. Тиббий, ижтимоий ва маънавий билимга эга бўлиш одамларнинг турмушини яхшилаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаша ёрдам беради.

Ёш оналарни хаётга тайёрлашда керакли маълумотларни олишига шарт – шароитлар яратиб бериш учун чора тадбирлар ўйлаб чиқилган. Ҳозирги кунда мактаб, лицей ва коллеж ҳамда Олий ўқув юртларида таълим жараёнида бериладиган билимлар қаторига соғлом турмуш тарзи киритилган. Талаба ва ўқувчиларнинг саломатлигини тиклаш мустаҳкамлашга қаратилган билимлар берилади. Шу асосида ёшларни оилага тайёрлаш йўллари ишлаб чиқилади.

Оила – бу кичик бир жамият бўлиб, жамиятнинг яратилишда ва яшаш жараёнида ўсиб келаётган болалар ота – онасининг билимларига таянадилар.

Ижтимоий муҳит таъсирида шаклланадилар. Бола саломатлиги авваломбор, юртимиз учун эркин фикрлай оладиган жамият аъзосини шакллантирса, ота – оналар учун – бу келажак меваси ҳисобланади ва уларнинг саломатлигини биринча ўринни эгаллайди.

Мазкур шартларнинг тўла–тўқис бажарилиши соғлом – авлодни тарбиялашнинг ижтимоий иқтисодий пойдеворини яратади. Тиббий билим ва кўникмаларига эга бўлишнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- Балоғат ёшидаги қизларда тиббий – гигиеник маданиятга оид билим ва малакаларни шакллантириш;

- Ёшларни соғлом оила қуришга тайёрлаш;

тиббий–гигиеник нуктаи назаридан қизларни бўлғуси оналикка тайёрлаш;

- Бир йилгача болаларни тарбиялаб катта қилиш;

- Бир ёшдан етти ёшгача болаларни соғлом ўстириш;

- Ногирон болаларнинг туғилиш сабабларини ўрганиш ва аниқлаш профилактик чора–тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Олий ўқув юртларида тахсил олаётган талаба қизларга тиббий биологик билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш билан бирга соғлом онани тарбиялашдан тарбиячи педагогларнинг ва хотин–қизлар кўмитасининг хизмати каттадир.

Хулоса қилиб айтиш керакки, талаба – қизлар ўртасида соғлом оилани шакллантиришда жисмоний маданиятни ўрнининг тарғибот қилиш зарурдир. Уларда жисмоний маданиятни ва спорт билан доимий шуғулланиш натижасида уларда соғлом оилани қуришда ҳаётда катта роль ўйнайди.

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА И.А. КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ» АСАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.

СамДАҚИ. Талаба, Ю.Каримова, илмий раҳбар А.Э.Зиётова

Инсоният яралибдики – эзгуликка интилиб яшайди. Ана шу башарият интилган эзгулик эса, аслида бу-маънавиятдир. Одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно ва мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонлари ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали президентимиз И.А.Каримов томонидан таҳлил этилди. Айни вақтда ҳар биримиз учун меҳнат фаолиятимизда катта бир дастуриламалга айланган президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асасида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилади. Бугунги мураккаб ва глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Биз одатда маънавият ҳақида, унинг маъно мазмуни, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз. Лекин негадир аксарият ҳоларда кўпчилик маънавият ўзи нима деган саволга аниқ ва лунда жавоб беришга қийналади. Бундай ҳолат олий ўқув юртида таълим олаётган талабалар орасида айниқса кўп такрорланади. Бу ҳолатни нафақат талаба ёшлар орасида, балки ҳаётий тажрибалари етарли, маълум бир вазифани ёки амални бошқараётган рўҳбар ходимларда ҳам учратиш мумкин. Қандайдир ноаниқ, саёз фикрлар билан чекланилади.

Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат қилиб яшашга, мардлик, саховот ва камтарликка чақиради, лекин, шу билан бирга, ҳаётда бу каби даъватларга амал қилишга интиладиган одам кўпинча турли қийинчиликлар, хатто азобу-уқубатларга дуч келишини кузатиш қийин эмас. Тан олиш керакки, юксак маънавий тушунчалар билан яшашга ҳаракат қиладиган одамнинг бугун ҳам кўп машаққатларни, оғир синов ва тўсиқлар, муаммоларни енгиб ўтишига тўғри келади.

Агарки эътибор берсак, тилимизда ҳалоллик ва нопоклик ҳақидаги ибратли ҳикमतлар билан бирга, “Йўлини топдими қандини урсин”, “Узумини енг-у, боғини суриштирманг” деган мақоллар ҳам борлигидан кўз юмуб бўлмайди. Албатта бундай мақол-маталлар бежиз пайдо бўлмаган, улар ҳам маҳлум бир ҳақиқатнинг ифодаси, Бинобарин, биз ҳаётнинг маъно-мазмунини шундай тушуниб, шу асосда яшашга интиладиган кишилар ҳам борлигини инкор эта олмаймиз.

Ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. **“Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак”**.⁷ Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш қийин. Шу боисдан ҳам талабаларга ҳар вақт ўз-ўзини назорат қилишни, ким эканлигини таҳлил қилишни ўргатиш, сингдириш лозим.

И.А.Каримов, ўз асарида маънавиятнинг асосларини баён қилиш билан бир қаторда маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонларга алоҳида тўхталади. Ушбу асарнинг ниҳоятда оммабоп тилда тилқин этилиши боис биз истаётган ва излаётган маънавиятни англаш анча осон кечади. Фақат бунинг учун, яъни маънавиятни англамоқ учун ва бу борада тўғри йўл тутиш учун авваломбор миллий қадрият нима эканини аниқ тушуниб олиш зарур. Албатта, биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари қадрли ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз. Ҳаётий қадриятлардан айри ҳолда халқ ёки миллат маънавиятини тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиладди. Қачонки ана шундай буюк меросларимиздан баҳраманд бўлар эканмиз, уларда ифода этилган теран

⁷ И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008 й, 29-бет

фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига амин бўламиз.

Мисол учун, “Авесто”нинг туб маъно моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳат ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Шунингдек, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналарида (эртак, достон, кўшиқ, лапар, аския, латифа ва х.зо.), миллий маънавиятимизнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган Навруз айёми мисолида ҳам маънавиятнинг асосларини ёрқин намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Шу ўринда маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир мезон-бу муқаддас динимиз эканлигини унитмаслигимиз зарур. Ислом динининг моҳиятини тўғри англаб етишнинг ўзи маънавиятни ангаш билан белгиланади. Тўғри англаб етмаслик эса маънавият ўрнида жоҳиллик уруғини ундиради. Бунга менимча изоҳ шарт эмас. Негаки, тартибсиз ҳаётнинг замирида маънавий қашшоқлик ҳукм суради. Дин ниқоби остидаги ғаразли мақсадлар, манфур ишларни амалга ошираётган мутассиб кучларнинг кучи нимада? Менинг назаримда Шахсий манфаатдорликда. Ана шу шахсий манфаатдорлик туйғусининг ўзи виждонсизликни, иймонсизликни, руҳи нопокликни, носоғлом фикрга қулликни, тўғрироғи нафсга қулликни аниқ ифодасидир. Муқаддас динимиз даҳолари ҳам ана шу иллатларга қарши курашиб, динимизнинг, инсонни инсон шаклига мослашувини таъминлайдиган восита бўлиб хизмат қилади. Биз, мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи зотларнинг номларини яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Ва уларнинг ҳар бирини қолдирган маънавий мерослари бугунги кунда биз истаётган ва излаётган маънавиятни англашга асос бўлади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз **оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир.**⁸ Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, тнсон ўз умри давомида олдиган барча инфармациянинг 70% ни 5 ёшгача бўлган даврда олар экан. Демак, унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Бир ўйлаб кўринг. “Насл”, “насиба” сўзлари бир-бирига жуда ёндош. Уларнинг уртасида илоҳий бир боғлиқлик йўқмикин? Албатта ҳар бир бандасига риск-насибани Оллоҳнинг ўзи беради. Лекин бу ҳаётда насибаси бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурйёдини соғлом муҳитда тарбиялаши катта аҳамиятга эга эканлигини унитмаслик керак. Зеро, насл-бу келажак демакдир. Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда маҳалланинг роли ва таъсирини ҳам таҳлил қилиш шарт. Негаки, “маҳалланг ота-онанг” деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қилиш керак. Фақат бир ҳақиқатни тўғри англаш кераки, ота-она тимсолидаги маҳалла бошқарувчиларининг ҳаммаси ҳам бошқаруқчилик фазилатига эгами? Бу каби саволлар ва масалалар И.А.Каримовнинг биз таҳлил қилаётган “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳар томонлама изоҳланган. Шунингдек, ушбу асарнинг маҳмун моҳиятида “Мустақиллик-

⁸ Ўша асар, 52-бет.

маънавий тикланиш ва юксалиш”, “Маънавиятга таҳдид – ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид”, “Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори” каби бобларни ўз ичига олган бўлиб, уни қўлига олиб ўқиган киши албатта жуда катта таъсурот олиши ва кенг тасаввурга эга бўлиши турган гап. Шу нарсани яхши англаб етиш керакки, маънавий юксалишга эришиш- бу тирикликнинг шarti. Инсоннинг инсон деган номга лойиқлигининг белгиси. Уни чуқур англаб олиш эса қисқа фурсатлик иш эмас. **Чунки маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узликсиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қуйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади.**⁹

Яъни мамлакатимиз тараққиёт пиллапоясидан янги-янги чўққилар сари қадам кўяр экан, биз яшаётган замон суръатлари шиддат билан тезлашиб, олдимизда яна қанча муаммо ва машаққатлар пайдо бўлар экан, табиийки, маънавий ҳаётимиз ҳам ана шу синовларда тобланиб, юксалиб, жамиятимиз, миллатимизнинг ёруғ ва соғлом келажагини ҳар қандай таҳдид ва туфонлардан – давр ўзгариши билан уларнинг кўриниши ва шакли ўзгаришига қарамасдан – безавол сақлаш ва асраб қолишга қодир бўлиши даркор.

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА «АМАЛИЙ ГЕОГРАФИЯ»
ДАРСЛАРИДА ЛОЙИҲА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ**
Абдувоҳидов С.Н., Мамажанов Р.И., Маъсумжон Т. - СамДУ

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда жорий этилган узлуксиз таълим тизими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жаҳон талабларига жавоб берадиган таълим тизимини шакллантириш ва таълим суръатини оширишга қаратилгандир. Таълим сифатини ошириш эса ўз навбатида фан-техника ютуқлари контекстида ўқитиш методикасини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустақил назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсади ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш давр талабидир.

Шу нуктаи-назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги «Малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» қабул қилинган қарорида замонавий фикрловчи педагогик кадрлар тайёрлашга, таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологияларни («Case study» услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, «амалаий ўйин», интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини ўрганшга алоҳида урғу берилган.

⁹ И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008 й, 171-бет

Тадқиқотнинг мақсади. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 1556 та ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида 239 та талаб этилаётган йўналишлар, касблар ва ихтисосликлар (таснифлагич – 2015) бўйича педагог-географлар касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларига «Амалий география» фанидан машғулотлар олиб борилмоқда.

География таълимининг барча босқичларига оид умумий педагогик ва услубий талаб ўқувчининг Давлат таълим стандартлари доирасида дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, география фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти. Биз тадқиқ этаётган «Лойиха» технологияси ўтган асрнинг йигирманчи йилларида америкалик файласуф ва педагог олим Ж.Дьюи ва унинг шогирди В.Килпатрик томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўзининг қизиқиши ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчи ўқитувчи билан ҳамкорликда бирор амалий масала ечимни лойиҳалайди. Уни дастлаб муаммолар методи деб аташган ҳамда у АҚШ таълим тизимида кенг тарзда қўлланилган бўлиб, ҳозирги пайтда у жаҳон педагогика тажрибасида муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда.

Шу ўринда география ўқитувчиси ва ўқувчи лойиҳа методи тўғрисидаги қуйидаги таъриф ва тушунчаларни билиши даркор.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг тавсифи. Лойиҳа (проект – латинча *projectio* – «олдинга ташланган» маъносини англатади) – фикр моҳиятини ва уни амалга ошириш имкониятини очиб берувчи тавсиф, асос, ҳисоб-китоб, чизма шаклида ифодаланган (муҳассамлаштирилган) режа, ғоя, образ.

Лойиҳа методи (метод проектов – грекча сўздан келиб чиққан бўлиб, ўзбекчада «тадқиқот йўли» маъносини англатади) – бу ўқитиш тизими, ўқитувчи назорати остида амалий аҳамиятга эга бўлган янги объектларни яратиш жараёнида таълим олувчиларнинг интеллектуал ва жисмоний имкониятларини, касбий сифатларини ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш йўли билан унинг ўзини-ўзи уюштиришига қаратилган ўқув жараёнини ташкил этиш модели.

Лойиҳали ўқитиш- ўқувчининг лойиҳали фаолиятини ташкил этиш, уни лойиҳалашга ўргатиш имкониятини берадиган барча психологик-педагогик, дидактик, методик ва ташкилий-бошқарувчи воситаларнинг мажмуаси.

Ҳозирги кунда педагогик адабиётларда олимлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳали таълим технологиясининг қуйидаги турлари, ижодкор ўқитувчилар томонидан таълим амалиётида қўлланилмоқда: 1) тадқиқотга асосланган лойиҳалар; 2) ижодий фаолиятга асосланган лойиҳалар; 3) ахборотли лойиҳалар; 4) телекоммуникацион лойиҳалар; 5) оптимал ечимни топишда танқидий тафаккурни ривожлантириш лойиҳалари.

Асосий натижалар ва уларнинг таҳлили. География таълимида лойиҳа технологиясидан фойдаланиш бизнинг тадқиқот ишларимизда учта йўналиш бўйича олиб борилмоқда.

Биринчидан, Самарқанд давлат университети география бўлими бака-

лавр 3 босқич талабалари билан «География ўқитиш методикаси» фани бўйича «Амалий география» ўқув предметидан мавзули лойиҳа ишини ўқитувчи раҳбарлигида талабалар томонидан ишлаб чиқилиши ва очиқ тақдимот машғулотларни ўтказиш. Унинг электрон вариантыни «Урбалайф» лабораториясида яратиш, уни эксперт баҳолашда географ магистрларни жалб этиш;

Ўзбекистон мустақилликга эришгандан сўнг БМТга 1992 йил 2 мартда аъзо бўлди. Шу куни БМТ Бош Ассамблеясининг тинчлик корпуси биноси олдида Ватанимиз давлат байроғи кўтарилди. Жоизки, мазкур бино пештоқига Шарқ алломаси Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асаридаги ўлмас мисралар: «Одам болалари ибтидода бир гавҳардан бино бўлганлари туфайли яхлит бир вужуд кабудурлар. Бинобарин, замон унинг бир аъзосига жароҳат етказса, бошқа аъзолари ҳам ўз тинчини йўқотади» олтин ҳарфлар билан битилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Тошкент шаҳрида 1993 йил 24 августда очилди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мазкур ваколатхонанинг мақсади бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос ислохотларни амалга ошириш, ижтимоий, таълим, илм-фан ва маданият, инсон ҳуқуқлари, демократия ва бошқарувни ривожлантириш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, гиёҳвандликка қарши кураш, Орол муаммоларини ҳал этиш соҳасида халқаро ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тинговчиларга лойиҳа технологияси бўйича индивидуал топшириқ ишланмалари берилади, улар дарслик, географик атлас, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Ўзбекистон Республикаси статистика кўмитаси материаллари, географик ахборот тизими (ГИС) маълумотлари, Дунёнинг сиёсий харитаси ва мавзули харита-чизмалар асосида мустақил ишлайдилар. Индивидуал тарзда бажарилган лойиҳа ишлари ўқитувчи раҳбарлигида кичик гуруҳларда қайта ишлаб чиқилиб, унинг тақдимоти ўтказилади. Мавзуни баҳолаш юз балли рейтинг тизими асосида амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи томонидан ўтказиладиган интерфаол методлардан жумладан лойиҳа технологиясидан оқилона фойдаланилса таълим-тарбия жараёни иштирокчиларнинг келгусида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга ҳамда ўзлари танлаган касб бўйича рақобатбардош кадр бўлиб етишига асос бўлади.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА МУҚАММАЛЛАШТИРИШ – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ.

*Доц. Абдуқодиров А.Т., 101 – АЙ ва А гуруҳи талабаси Сатимбаев Ж.
(СамДАҚИ)., Оқдарё политехника касб-хунар коллежи махсус фан
ўқитувчиси Абдуқодирова Н.*

Республикамиз зиёлилари “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да қайд қилинган вазифаларни амалга оширишда улкан ютуқларга эришмоқдалар Ҳозирги пайтда республикамиз олий ўқув юртларида ўқитиш “Модуль” тизими асосида амалга оширилмоқда, академик лицей ва касб хунар коллежлари ўқитишнинг замонавий

технологик қурилмалари, ва компьютерлар билан тўлиқ таъминланган, республикамиздаги барча олий ўқув юртларининг моддий – техника базасини янада бойитиш, ўқитишнинг замонавий техник воситалари ва лаборатория қурилмалари билан тўлиқ таъминлаш ишлари бошлаб юборилди. Республикамиз профессор-ўқитувчиларининг таълим соҳасидаги кўп йиллик педагогик тажрибаларига асосланган ҳолда таълим тизимида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда, лекин шунга қарамасдан биз педагоглар таълим тизими соҳасида ҳам тинмай илмий изланишлар олиб боришимиз, уни мунтазам равишда модернизациялаб туришимиз лозим бўлади.

Юқоридаги камчиликларни бартараф қилиш ҳамда талабаларнинг янада чуқурроқ билим олишга интилишларини кучайтириш мақсадида таълим тизимининг қуйидаги моделини тавсия қиламиз:

Ушбу моделга асосан барча талабалар олий ўқув юртларининг биринчи курсига контракт асосида ўқишга киришади. Биринчи курсдан бошлаб ҳар бир семестр ёки ўқув йили охирида талабанинг фанлардан ўзлаштирган билимларини ва тўплаган рейтинг баллари эътиборга олинган ҳолда уларга келгуси семестр учун қўшимча стипендиялар, устамалар ва грантлар тайинланади (ажратилади). Ушбу курсда фанларни ўзлаштириш бўйича юқори балл тўплаган иқтидорли талабалар эса кейинги курсдан бошлаб грант асосида ўқиш имтиёзига эга бўладилар. Ўқув йили тугагандан сўнг зудлик билан талабанинг фанларни ўзлаштириш даражасига қараб келгуси ўқув йили учун ҳар бир фаннинг бирор тегишли бўлимини ўзлаштириш бўйича тавсия қилинган талабалар рўйхати тузилади ва гуруҳлар ташкил қилинади.

Ушбу тизимда бакалавр 4 ўқув йили давомида ўзлаштириши зарур бўлган умумтаълим ва махсус фанлар ҳамда уларга тегишли дарс соатлари ўқув бўлими томонидан қатъиян белгиланади. Ҳар бир фан неча курс ёки семестр ўтилишига қараб, ҳар бир семестр ёки курс учун бўлимларга бўлиб чиқилади. Агар талаба биринчи курсга кирганда унинг билим савияси паст ва “математика - 1” бўлимини ўзлаштиришга лаёқатсизлиги аниқланса, у “математика - 0”, яъни элементар математикани ўрганишдан бошлайди ва ушбу бўлимни ўзлаштиргандан кейингина унга “математика – 1” бўлимини ўзлаштиришга руҳсат берилади.

Бизнинг таклифимиз шундан иборатки, барча таълим муассасаларида баҳолашнинг 100 балли тизимидан фойдаланган маъқул. Биз тавсия қилган 100 балли баҳолаш тизимида барча назоратларнинг баҳолари (баллари) журналга фоизлар ҳисобида қўйиб борилади ва натижавий ўзлаштириш баҳосини қўйиш учун жорий, оралик ва якуний назорат балларининг ўртача қиймати олинади. Ушбу 100 балли тизимда талабани баҳолаш интервали кенгаяди. Масалан гуруҳда 4 – та “аъло” баҳога ўқийдиган талабанинг билим савиялари бир-биридан фарқ қилгани учун 100 балли тизимда уларни турлича баҳоланади. Масалан уларга, ўзлаштириш кўрсаткичига мос равишда $86 \div 100$ балл ораликда баҳо қўйиш мумкин. Натижада ўқувчи ва талабалар билимини адолатли баҳолаш имконияти туғилади ва уларнинг билим олишга бўлган қизиқишлари янада кучаяди.

Ушбу ўқитиш тизимининг афзаллиги шундан иборатки биринчидан грант асосида ўқийдиган талабаларга сарф қилинадиган бир ўқув йилидаги

ҳаражатлар тежалади, иккинчидан 1-курсда ўзининг билимини ва иқтидорини намоёни қила билган, юқори рейтинг кўрсаткичига эга бўлган талабалар 2-курсдан бошлаб грант асосида ўқиш имконига эга бўладилар. Учинчидан талабаларнинг чуқурроқ билим олишга интилишлари янада кучаяди, тўртинчидан талабалар фанларни ва ўқитувчиларни танлаш имконига эга бўладилар, бешинчидан фанни ўқитишда ўқитувчиларнинг замонавий педтехнологияларни қўллашлари учун замин яратилади.

Биз педагог мураббийлар талабаларга чуқур билим беришнинг энг илғор усуллари тўғри қўллай билишимиз, таълим тизимида дарс беришнинг янги инновацион технологияларини кашф қилишимиз зарур бўлади, чунки таълим тизимини янада мукамаллаштириш – келажагимиз пойдеворидир.

JISMONIY TARBIYA DARSLARINI SIFAT-SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARINING O'RNINI VA AHAMIYATI.

SamDU. Z.Abdulaxatov, D.Ro'ziqulov, R.Sultonov.

Yosh avlodimizni bolaligidan boshlab sport bilan oshno qilish, ularni qalbida sportga havas va mehr o'yg'otish, ularni jismoniy va ma'naviy jihatdan barkamol etib tarbiyalashni bugungi zamon talablaridan biri ekanligi barchamizga ma'lum. Farzandlarimizni bolalikdan asosan maktab yoshidan boshlab sportni o'zining hayotdagi doimiy hamrohi deb bilishi, ular umrbod sport bilan do'st bo'lib qolishini, buning uchun mamlakatimizda barcha sharoit va imkoniyatlarni barpo etish jadal suatlarda olib borilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi «Ta'lim tugrisidagi» qonun, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» Prezidentimizning «Ta'lim va kadrlar tayyorlash, barkamol avlodni tarbiyalash tizimini tubdan islox qilish» to'g'risidagi 1992 yil 6 oktyabrda Farmoni, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining «Uzluksiz ta'lim tizimi uchun Davlat ta'lim standartlarini ishlab chiqish va joriy etish» to'g'risidagi 1998 yil 5 maydagi 5-sonli Qarori asosida dars ishlanmalari mazmuni pedagogik texnologiyalari va dars zichligini etiborga olib tuzib o'tilsa dars samaradorligi yanada oshadi.

XXI asrda fan texnika taraqqiyotining tezkor rivojlanishi bosqichida axborotlarning keskin ko'payib borayotganligi va ulardan oqitish jarayonida foydalanish uchun vaqtning chegaralanganligi, shuningdek yoshlarni hayotga mukammal tayyorlash talablar talim tizimida yangicha yondashish zaruratini keltirib chiqarmoqda. Bu ishlarni amalga oshirishda pedagogik texnologiyalarning o'rnini beqiyosdir.

Boshqa fan sohalari kabi jismoniy tarbiyada ham axborot texnologiyalaridan foydalanilgan holda dars mashg'ulotlari o'tkazilganida o'tilgan darslarning sifati juda yuqori bo'lishi isbotlangan. Bu dars mashg'ulotlarini o'tkazishda pedagogik texnologiyalarning quyidagi sifat ko'rsatkichlaridan foydalanish zarur.

1. O'quv jarayonini maqbullashtirish kam kuch sarfi evaziga o'qituvchi va o'quvchining o'qitish maqsadiga erishishdir.

2. Axborot texnologiyasi va texnik vositalar samarasini belgilaydigan didaktik materiallardan keng foydalanish pedagogik texnologiyalarning eng asosiy bel-

gilaridan biridir.

3. O'quv jarayoni uchun zamonaviy moddiy- texnik bazaning mavjud bo'lishi pedagogik texnologiyalarni navbatdagi sifat belgisidir.

4. O'quv tarbiyaviy jarayoni natijalarini obektiv nazorat qilish va sifatli baholash pedagogik texnologiyaning o'z oldiga qo'ygan natijaviy maqsadidir.

5. O'quv mashg'ulot jarayonini yanada yaxshilashga qaratilgan turli usul va uslublarni o'qitishning yangi pedagogik texnologiya asosida qo'llash asosiy talablardan biri ekanligi.

6. Jismoniy madaniyat darslarini o'tish uslubi aylanma shaklda yangi guruhlarga bo'lib, ketma-ket jixozlardan foydalanish, dars sifatini oshirishga yordam beradi.

Jismoniy tarbiya darslarini o'qitishda pedagogik texnologiyalardan foydalanilganda darslarni samaradorligi ancha yuqori bo'lganligi kuzatish mumkin. Bu darslarni "Aqliy hujm", "Kichik guruhlarda ishlash", "B.V.B.(bilaman, bilishni xoxlayman, bilib oldim) "kabi pedagogik texnologiyalarni usullaridan foydalanish, jismoniy tarbiya darsini nazariy bilimni yoki amaliy mashg'ulotlarni o'quvchilarga o'rgatishda yuqori samara beradi. Buning o'qituvchi pedagoglar oldinda jiddiy tayyorgarlik ko'rishi lozim.

Xulosa qilib aytganda, o'quvchilarga nazariy va amaliy bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirishda yuqori samara berishini ta'kidlashimiz lozim.

КИМ ЭДИГУ, КИМ БЎЛДИК?!

СамДАҚИ. 201-КТ(С) гуруҳи талабаси Абдуллаев Журабек Фофур ўғли.

Илмий раҳбар: Ижтимоий фанлар каф-си катта ўқитувчиси Зиётова А.Э.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги янги руҳдаги, кенг концептуал миқёсли Қарори халқимиз интиқиб кутаётган яна бир хушхабар бўлди.

Ҳаммамиз мустақиллик байрамини худди янги йилни кутаётгандек кутамиз. Ҳар бир йилнинг номланишини эса янада интиқлик билан "қандай номланаркан", "нима деб номланаркан", деб кутамиз.

Мазкур, 2016 йилни халқимизнинг юрагига яқин ном билан "Соғлом она ва бола" номи билан аталганлиги мамлакатимиз аҳолисининг руҳини янада кўтариб юборди. Зеро, Соғлом онагина мамлакатга таянч бўладиган соғлом фарзандларни дунёга келтиради, вояга етказди, тарбиялайди.

Қани айтинг, 1917 йилдан 1991 йилгача ўтган 74 йилда нечта мактаб, коллеж, таълим муассасаси қурилди? Кейинги 25 йилда-чи? 74 йилда Ўзбекистон халқи нечта енгил машина олган? 25 йилда нечта олди? Нечта касалхона, қишлоқ врачлик пункти қурилган эди? Нечта қурилди? Ўтган 74 йилда Ўзбекистонни нечта давлат тан олган? 25 йилда нечта давлат тан олди?

Тарихимизда қачон 25 йил ичида мамлакат иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошган, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган?

Сўнги 74 йилда буюк аждодларимиз руҳини шод этиш учун нималар қилинди? 25 йилда-чи?

Бундай маълумотларни кузатишда “Ким эдик?”- саволига жавобларимиз қанча маънос бўлса, “Ким бўлдик?” саволига жавобларимиз шунчалар мағрур бўлади.

Ҳа. Мустақиллик буюк ҳуқуқ, буюк неъмат. Бироқ, бу неъматни увол қилмаслик керак экан. Агарда у қаровсиз қолса, химоя қилинмаса, мустақамланмаса мустақиллик тарихи баъзан орқага ҳам қайтар экан. Бугунги таҳликали ҳаётда огоҳлик, ҳушёрлик даъвати тинса, лоқайдлар, бепарволар, текин пишлоқни қидирувчилар, олисдан топган “ҳомий”, глобал предиктларига Ватанни кўтарасига сотиб юбориши ҳам мумкин экан. Ана шундайлар боис собиқ иттифоқ республикаларининг айримларида тинч аҳолининг қони тўкилди, жони узилди.

Минг шукурлар бўлсинки, Ўзбекистонимиз тинч, осойишта. Бундай тинчлик ва осойишталикнинг замирида юртбошимиз И.А.Каримовнинг буюк хизматлари турибди.

“Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак. Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак”.¹⁰ Кучли пойдеворни қуриш учун эса, маънавиятга берилган эътибор, барча ишларимизнинг самарали бўлишига кафил бўлмоқда. “Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарвалик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади”¹¹, - деб таъкидлайдилар Президентимиз.

Ҳар тонг Ватанимиз мадҳиясини тинглаб ўқишга отланаман. Қадим диёримизнинг шоу-шавкати, халқимизнинг куч-қудрати, орзу-ниятларимиз ва миллий ғуруримиз ифодаланган мадҳиямиздан қулоғимга булбулларнинг чах-чахи, отларнинг дупрлаб кишнаши, эрк қунғироғининг бонги, буюк истиқлолнинг шовқини эшитилади.

Бугун, дунё аҳлини лол қилган, дунё аҳлининг қадами узилмаган, Амир Темурдек Соҳибқирон бобомизнинг буюк давлатини пойтахти бўлган, қадим ва навқирон Самарқанд кўчалари бўйлаб ўқишга борарканман, ўз ватанида ишлаб чиқарилган Некция, Каптева, Орландоларда сув сепилган равон кўчалари бўйлаб ишига бораётган, боғча боласини ўпиб, мамнун хайрлашаётган ёш ота-оналарга ҳавас билан қарайман. Маҳобатли, ярақлаган биноларга қараб, ғурурланаман. Қанчалик зўр-а, дейман.

Биз истиқлол тенгдошлари ана шундай бахту-саодат, ҳурлик симфониясини тинглаб ўсаяпмиз. Буларнинг барчаси учун биз Ватанимиз, мухтарам Президентимиз олдида қарздормиз, деб биламан.

ЎҚИТИШ АМАЛИЁТИДА ГАПИРИШДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдураззакова Шохидат - Гулистон давлат университети

Ўқиш санъати ёзилган сўзларга асосий эътибор қаратиш дегани бўлиб, бу масала бугунги методикада гапиришнинг асоси ҳисобланади. Сўзлар шунчаки уни ёзган кишининг фикрини ўқувчига етказишдир.

¹⁰ . И.А.Каримов. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, Т.: “Ўзбекистон”, Асарлар, 3-жилд, 1996, 53-бет

¹¹ И.А.Каримов. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, Т.: “Ўзбекистон”, Асарлар, 3-жилд, 1996,37-бет.

Ўқувчи ўзи танишаётган матннинг шаклини эмас матн мазмунини фаол ўзлаштирилиши талаб қилинади, айниқса ўқиётган матнни таниш ва нутқда қўлланиши қийин бўлмаса яна яхши.

Овоз чиқармай ўқиш ҳоллари асосий масала ва бунда қуйидаги воситаларга эътибор беришимиз мумкин:

1. Бу анъанавий оғзаки ўқиш тил дарсларидан замонавий шаклдаги ўқишни қўллаш шакли

2. Оғзаки ўқиш анъанавий мисраларда жамоавий дарс жараёнларида қўлланилган, шу билан бирга қисқа шахсан дарс ўтиш туркумларида ҳам қўлланиши мумкин.

3. Овоз чиқармай ўқиш кўз билан ўқиш ҳисобланиб лаблар билан қарши қўйилади. Кўзнинг ҳаракатлари тез бўлади ва ёзилган варақларни калит сўзларига эътиборини қаратади.

4. Овоз чиқармай ўқиш бутун синфнинг фаол бўлишини ва ўқитувчига бўшроқ ўқувчиларга ёрдам беришига имконият яратади.

5. Бундай ўқиш тури ўқувчиларни ўзларининг қобилиятлари даражасида ишлашларига имкон беради ва шундай қилиб фавқулодда қийин жойларни ўзлари хал қилиб кетишига имкон беради

6. Синфда овоз чиқармай ўқиш амалиёти ўқувчиларни уларнинг ўзларининг кутубхонасида ҳам ишлай олишларига тайёрлайди.

7. Бу ўқувчиларни ўқиётган нарсасини бир қарашда англаб олишларига ҳам йўл очади

8. Оғзаки ўқиш шундай бир махоратки бунда ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳар доим фақат энг зарурийгина нарсани ушлаб тушуниб олишлари шарт эмас

Оғзаки ўқишнинг фойдаси ҳақидаги бази мулоҳазалар:

1. Овоз чиқариб ўқиш бу ёзув шаклидаги рамзларни гўё бошқаларга айтиб туришдек бўлади; Бунда аниқ ёзиш учун ёрдам кўринади, шунингдек тўғри талаффуз қилиш ва тўғри оҳангига ўргатади

2. Агар тўғри овоз чиқармай ўқиш маълум айрим техника қўллаш билан амалга оширилса (кўзнинг ҳаракати сўзлар гуруҳларини камраб олишлари) болалар бундай хил ўқишга ўрганишда қандай эришишлари мураббий томонидан кўрсатилади.

3. Босмадан чиқарилган бетдаги сўзлар жонли рамзлар эмас, ва уларни қачонки яхши ўқувчи ўқиса уларга ҳаёт ато этилади. Ўқитувчининг матнни ифодали ва бурро етказиши жуда ҳам қимматли воситадир.

4. Тилнинг луғат бойлиги алоҳида эътибор талаб қиладиган муҳим ёндашиш бўлиб, бунда сўзлар ҳам эшитишга ҳам кўзда кўришга мўлжалланган бўлиши шарт.

5. Ўқиган пайтда матнни гўё қўшиқ ижро этгандагидек ўқилиши (хусусан ўқишнинг бошланғич босқичида) бу умумий фаолиятга эришишнинг яна бир танлаб олса бўладиган воситасидир

6. Овоз чиқармай ўқиш уйда ҳам шуғулланса бўладиган ўқиш туридир. Бироқ синфхона нозорат қилинадиган ягона жой ҳисобланади, буни ҳисобга олиб қўйишимиз керак.

7. Оғзаки ўқиш англаш, тушунишни синаш воситаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин ва сунъий ўқиб ўрганишни текшириб туради, натижа

асосий диққатни майда чуйда икир чикирларга эмас, мазмунга қаратиш талаб қилинади,.

8. Интенсив ўқиш анчагина ахамиятли бўлиб, у матнни иложи борича кўпроқ қисмини қамраб олишни эмас, айниқса ўрта босқичларда ва каттароқ қисмларни ўзлаштириш талаб қилинмайди албатта. Бироқ аслида мактаб болалари билан бирга ўқиш энг асосий нарса бўлиб қолмаслиги керак.

Ижобий босқичлар. Ўқиш шундай бир маҳоратки унга эришиш учун ўқувчи билан шуғулланиш талаб қилинади, ҳар бир матнни бир-бирига алоқадар босқичлар серияси сифатида бўлиши маслаҳат берилади ва бундай ишни амалга ошириш тайёргарликни талаб қилади албатта. Асосий мақсад ўқувчи томонидан ўқитувчининг ёрдамисиз эркин ўқий олишига эришиш, лекин бунда вақти-вақти билан луғат ҳам қўл келади. Оқибатда фақатгина шу воситанинг ўзигина эмас, керак уларга охириги босқичларга қараганда бошланғич босқичларда фарқ қиладиган матнларни бериш.

XXI АСР ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

Алланазаров Мухиддин Хайитович-ҚарМIIИ ўқитувчиси

Республикада миллий ва демократик қадриятларга асосланган ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва юртбошимиз И.Каримов таъбири билан айтганда “Инсон манфаати, эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада эркин ва обод бўлишига эришиш бош мақсадимиздир”. Бундай масъулиятни ҳис этувчи шахс мамлакатимиз манфаатларини тўла тасаввур этувчи миллий ғурури баланд, чинаккам ватанпарвар миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда унга доимо амал қилувчи баркамол инсондир.

Бундай инсон аввало мустақил, ҳуқуқий маданиятли шахс бўлмоғи керак. Худди шунинг учун ҳам мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларимиз онггида эркин, адолатли жамият асослари ҳақидаги билимларни уларнинг гўдаклигидан шакллантирмоғимиз, мавжуд ҳуқуқий билимларни янада мустаҳкамлашимиз зарур. Чунки, янги жамиятда эркинлик ва қонунга бўсуниш бир вақтнинг ўзида амал қилинишига эришмоқ лозим. Бунда жамиятнинг ҳар бир аъзоси инсон сифатида эркин ва озод бўлиши ҳар бир фуқаронинг ўзаро тенг ҳуқуқлилиги, фуқаро мақомидаги мустақиллиги каби тамойиллар устивор аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун аввало, ҳалигача айрим фуқаролар психикасида мустаҳкам ўрнашиб қолган эски мафкурага хизмат қилувчи ҳуқуқ талабларини итоаткорона бажариш кайфиятини ўзгартирмоқ зарур.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим омили - шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришдир. Янги давлатда шахснинг юксак ҳуқуқий маданияти умумбашарий қадриятларга, ижтимоий тараққиёт ютуқларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган тамойиллари ҳамда меъёрларига асосланиб ўз қоидаларини юзага чиқаради. Бундай шароитда кишилар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжихатлик, саҳоватлилик, меҳр ва мурувватлилик каби ахлоқий фазилатларни мустаҳкамланиши жамият тараққиётига кўмаклашади.

Шахс ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қабул қилинди. Мазкур миллий дастурда фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш, давлат органлари, ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юридик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг илмий асосларини тадбиқ этиш масалаларига ойдинлик киритилди.

“Миллий дастурнинг мақсади аҳолини барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир”.

“Ҳуқуқий маданият - тақидланади миллий дастурда, -умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда тадбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин”. Шунингдек, Президент И.А.Каримовнинг бевосита саъий ҳаракатлари билан ишлаб чиқилган “Стратегия– 2020” истиқболли режасининг асосий йўналишларидан бири таълимга тизимига бағишланган. Унга кўра, ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг ўзига хос назарий билимлар мажмуаси юзагалтирилади, жамиятнинг ақл-заковати, айниқса ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун муҳим омил вазифасини ўтайди.

Ҳуқуқ ижтимоий норма бўлиб, инсон яшаётган жамият, давлат доирасидаги унинг хатти-ҳаракатларининг меъёри, чегарасининг характерини белгилаб беради. Буюк файласуф Г. Гегель бежиз “ҳуқуқнинг асл моҳияти таъқиқдир” деган эмас.

Айни пайтда ҳуқуқ маъсулиятсиз, маъсулият эса ҳуқуқсиз яшай олмайди. Буларнинг бирини иккинчисидан ажратиш мумкин эмас. Чунки ҳуқуқсиз маъсулият қуллик, тобелик бўлса, маъсулиятсиз ҳуқуқ бебошлик, бошбошдоқликдир.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва маданият, қонун устуворлиги ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар кишиларда тасодифий равишда пайдо бўлмайди, уларни инсоннинг туғма хусусияти дейиш ҳам тўғри эмас. Ҳар қандай билим ва маърифат сингари ҳуқуқий билим ва маданият ҳам талаб ва эҳтиёжлар, мавжуд шарт–шароит ҳамда имкониятлар асосида юзага келади, ривожланади. Ҳозирги ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қарор топаётган пайтда ҳуқуқий билим ва маданиятга эга бўлган ёш авлодга эҳтиёж кун сайин ўсиб бораётганлигидан келиб чиқиб, ёшларда қонунга бўлган ҳурмат, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этиш даражаси, ҳуқуққа риоя қилмаганларга муросасиз бўлиш, қонунга сўзсиз итоаткорлик кайфиятини шакллантириш бўйича жамиятда ташкил топган ғоя ва фикрлар ҳуқуқий маданият назарияси тушунчасини вужудга келтиради.

Эндигина ёруғ дунёга келган норасиданинг қалби, жисми жонида ўзбек халқининг "Қонун-нонинг, номус-оринг", "Қонунбузар-эл бузар, эл бузарни қонун тузар", "Қонун билганга - кенг дунё, қонун билмаганга - тор дунё", "Қонун -элники, эл - юртники", "Қонун қайиради, ёлгон айиради", "Қонун калити адолат, адолатнинг калити саховат", "Қонунсиз битирган ишнинг охири вой", "Қонун ҳақ сўзни ёқлар, ҳақ сўз одамни" каби бебаҳо мақоллари, ҳикматлари ижтимоий муҳит, жамоатчилик, маҳалла, кўни-кўшнилари, ота-она, бобо ва бувилар таъсирида шаклланиб чуқур илдиз ота бошлайди. Булар энг олий даражада маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий қадрият, инсон қалбининг гавҳарларидир.

Қонун ва қонунчиликка, ахлоқий-ҳуқуқий қоидаларга амал қилишнинг зарурлиги, жиноят қилган кишининг муқаррар равишда жазоланиши, порахўр бойимаслиги, қонунни менсимаганнинг обрўси кетиши, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқиши муқаррарлиги ҳақидаги шарқона, ўзбекона ҳикматларни болаларнинг онгига сингдиришда оила катта ўрин тутаяди.

Ёшлар руҳиятида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш самардорлигини ошириш энг аввало ушбу вазифани бажарувчиларнинг педагогик-ҳуқуқий билим салоҳияти ва малакасини талаб даражасига мос эканлигига боғлиқ.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятлиги даражасини билдирувчи кўрсаткичлар қуйидагилар:

- қонун ҳужжатлари тизимини билиши;
- ёшларнинг ҳуқуқий кўрсатмаларга риоя этиш эътиқоди;
- ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалга ошириш маданиятига эгаллиги;
- ҳуқуқни қўлловчи муассасалар фаолияти билан яқиндан танишлик даражаси.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий маданият кўрсаткичларига эга бўлиш давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш вазифасини муваффақиятли ҳал этишда кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолади.

РАЗВИВАЮЩИЕ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННЫЕ МЕТОДЫ В ОБРАЗОВАНИИ

Аминова М. А. ст.преп., Алаева М. магистр (СамГАСИ)

Способности женщин, в частности, в науке и образовании проявлялись с давних времен. Наука - это одна из тех сфер человеческой деятельности, функция которой состоит в выработке и теоретической систематизации знаний о действительности, и в отличие от других сфер отличается своей объективностью, способностью проникать в сущность явлений и процессов.

В настоящее время развитие образования требует рассмотрения множество вопросов, касающихся методов организации учебного процесса. Для решения данных проблем необходимо переосмысление идей и опыта педагогов Запада, оценить и использовать их творческий вклад в теорию и практику личностно-ориентированного образования, систему коррекционно-развивающего образования.

В данной статье хотелось бы отметить роль ярких и неординарных личностей в научной сфере, в развитии образования. Особо выдающиеся из них остались в памяти людей своими уникальными в своих научных воззрениях.

Выдающийся итальянский педагог-психолог Мария Монтессори (Maria Montessori, 1870-1952) еще в начале XX века создала педагогическую систему, равной которой в мировой практике нет до сих пор.

Уникальная авторская методика впервые была применена в начале XX века в Италии. Мария Монтессори совершила переворот в воспитании детей: она разработала и обосновала методику самостоятельного развития ребенка, была одним из лучших педагогов того времени, посвятившим себя детям.

Ее система востребована по сей день и широко используется в коррекционном и развивающем образовании малышей. Философия методики: "Направлять детей на самостоятельное воспитание, обучение и развитие".

Среди личностно-ориентированных педагогических и коррекционно-педагогических систем занимает особое место. Основная задача Монтессори-педагогика заключается в поддержке самостоятельности ребенка, его социального поведения, умственного и физического развития. В данной системе педагог не ограничивает ребенка, а выступает как помощник ребенка. Педагогика, созданная Марией Монтессори, признается многими педагогами по всему миру уникальной и очень продуктивной.

Важной составляющей Монтессори-педагогика являются развивающие материалы. Непрерывно экспериментируя над материалом, она все более и более совершенствовала их. Монтессори-материал - важнейший составной элемент разработанного ею метода развития детей. Материалы служили важнейшим средством сенсорного воспитания детей, которое должно было стать основой обучения ребенка в дошкольном и младшем школьном возрасте. Монтессори-материалы были устроены таким образом, что ребенок мог самостоятельно находить и исправлять свои ошибки, развивать терпение и волю, наблюдательность и самодисциплину, упражнять собственную активность. Они позволили М. Монтессори реализовать принцип самообучения, добиться того, что дети, свободно выбирающие занятия, выполняли их так, как задумал воспитатель, оперируя предложенными им "клавишными досками", "числовыми станками", "рамками с застежками", фигурами-вкладышами и т.п. Следует отметить то, что материалы Монтессори меняются со временем: многие из них были созданы не самой Монтессори, а ее последователями. Например, не так давно появились рамки с липучками, а рамки с застежками, которые уже не используются, вышли из употребления.

Результаты наблюдений привели к разработке учебного материала, основу которого составляют чувственные восприятия детей.

Огромное значение в методике отводится сенсорному воспитанию, которая называется «**Зона сенсорного воспитания**». Эта зона предназначена для развития и утончения восприятия органов чувств. Она оборудована классическим сенсорным Монтессори-материалом, который разделены на несколько групп:

- **материалы для развития зрения.** Сюда входят четыре блока с цилиндрами и цветные цилиндры, розовая башня, коричневая лестница, красные штанги, геометрический комод с рамками - вкладышами, проекциями, объемные геометрические тела с основаниями. Для развития логического мышления на основе зрительного восприятия - комплект конструктивных треугольников, биномиальный и триномиальный кубы;

- **материалы для развития осязания.** Это - шершавые и гладкие доски для ощупывания, шероховатые таблички, ящик с тканью;

- **к материалам для развития барического чувства (различения веса)** относятся весовые таблички, для развития вкуса - вкусовые баночки, для развития слуха - шумовые цилиндры.

Благодаря всему этому, а также тонкому психологическому подходу, учету индивидуальных особенностей и возможностей каждого ребенка, опоре на естественные особенности человеческого восприятия дети Монтессори-школы раньше (к 5 годам) и лучше своих сверстников овладевают письмом и счетом, у них формируется склонность к учению, развивается воля. Проследивая урок по этой методике глазами психолога можно увидеть последовательность психических процессов возникающих в ребенке, как, упражняясь, ученик не только учится чему-то, но действительно развивает свой ум, причем сам.

Каждый Монтессори-класс неповторим. Несмотря на то, что метод имеет совершенно определенную структуру, он гибок и открыт для индивидуальной интерпретации. Каждый Монтессори-класс, будучи зависимым от толкований метода и возможностей учителя, является уникальным.

Одна из лучших сторон педагогического наследия Марии Монтессори - приоритет личной свободы ребенка в аспектах самостоятельности, самостоятельности, саморазвития, опора на сензитивные периоды личностного развития ребенка. В настоящее время в связи с актуализацией этапа дошкольного образования педагогическая система Марии Монтессори выступает поистине безграничной кладовой передового опыта мирового образования, способной обеспечить эффективность решения педагогических задач.

Мария Монтессори для распространения своей методики и помощи в ее освоении в 1929 году создала совместно с сыном международную Монтессори Ассоциацию (AMI). После смерти Марии, AMI возглавил ее сын Марии - Марио. Он много сделал для распространения Монтессори-педагогике. Его эстафету приняла внучка Марии - Ренильде Монтессори. Она возглавляет ассоциацию и ныне.

Сегодня по методике занимаются множество детей в мире, где созданы центры. Педагоги центра проходят обучение в Международной ассоциации и получают международные дипломы. Все центры поддерживают тесный контакт с AMI.

Так, как Монтессори-педагогика ориентирована на личность ребенка и признается уникальной гуманистически направленной и очень продуктивной многими педагогами по всему миру. Учитывая необходимость новых подходов к развивающим личностно-ориентированным образованиям, было

бы актуальным распротранение регионального центра Монтессори-методики у нас в стране, который стал бы базой для специализированных детских садов, центров реабилитации детей с особыми потребностями, школ раннего развития.

БУГУННИНГ БОЛАЛАРИ-ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИНИ ТАРБИЯСИГА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ

*Г.Б.АМИРОВА катта ўқитувчи, Юлдашев Бахтиёр ўқитувчи
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.*

*“Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом
авлод бизнинг энг катта бойлигимиз”*

И.А.Каримов

Одамзод яралганидан бошлаб, ҳозирги кунга қадар ажойиб бир орзу-мақсад билан яшайди. Бу орзу-мақсад яхши хулқли, соғлом, баркамол шахсни тарбиялашдир. Аммо, мақсад ва орзу ўртасидаги фарқ нима? Мақсад эришиш муддати аниқ қўйилган орзу. Орзу-мавҳум нарса. Орзу –онг ва қалб меваси, тафаккур ва туйғу ҳосиласи. Орзу одамни ҳаракатга келтириб туради. Агар одамзод орзу қилишни билмаса эди, бугунгидек тараққиётга етиб келмасди.¹² Ер юзидаги мавжуд бўлган ҳамма нарсани инсонлар орзуларида қуришган. Лекин орзулар рўёга айланиши учун унга ҳаракат қўшилиши лозим.Шундагина натижа кўринади.Натижа мустаҳкам бўлиши учун ҳаракат узлуксиз ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Нишонсиз отилган ўқ ёки қўниш манзили аниқ бўлмаган самалёт маъносиз ҳаракат қилгани каби, бола тарбияси аниқ мақсадга қаратилган бўлиши лозим.

Гулсевар ўз гулзорига энг асл, энг гўзал гулларни экиб, уни кўз қорачиғидек папалайди. Одам ақлу-хушини оладиган бу чиройли гуллар орасида ёввойи ўтлар, кўкатлар бўлмаслиги учун бутун чораларни кўради, юлиб ташлайди, тозалайди, кўздан қочирмайди. Биз ҳам жамият аъзолари хулқ-атворларида ёввойи ўтлар бўлмаслиги учун хабардор бўлишимиз зарур.

Бир киши Абдуллоҳ Ибн Муборак ҳазратларининг ҳузурларига келиб, боласи осий бўлиб ўсаётганидан, гап уқмаслигидан шикоят қилибди. Ибн Муборак:

-Сен болангни ҳеч баддуо қилганмидинг?-деб сўрабди.

- Ҳа, гоҳ-гоҳ қарғаб турардим.

- Унда нега айбни боладан кўряпсан? Аслида осий бўлишига ўзинг сабабчи бўлибсан,- дебди у зот.

Пайғамбар (с.а.в): “Фарзандини эзгулик қилишига ёрдамчи бўлган отани Аллоҳ таоло мағфират қилсин” деганлар.¹³

Биз ҳар биримиз касбимиз, мавқеимиз, шахсий сифатларимиз, юмушларимиз оз-кўплигидан катъий-назар ота ва она деган юксак номга эгамиз. Кун мобайнидаги юмушларни тугатиб, уйимизга бола-чақамиз ёнига шошиламиз. Уйда бизни фақат дам олиш, турмуш қувончларигина эмас, шу

¹²Ё.Абдуллаев. Осудаяшашнинг 99 сири. Т.: «Таълимнашриёти» 2015 й. 5 бет

¹³Мусулмон аёлнинг ўз эри олдидаги вазифалари. Т.: “Моварауннаҳр” 2004 й 44-45 б

билан бирга ота-оналик вазифаси ҳам кутиб туради. Инсоннинг меҳнати каби, ота-оналик бурчини виждонан адо этиши ҳам бу жамият, давлатга хизмат қилишдир.

Фарзандларимиз кун сайин, соат сайин улғаймоқда. Атрофдаги барча нарсалар, одамлар унинг онгида, хулқида, руҳиятида кучли ўзгаришлар ясайди, дунёқарашини шакллантиради. Шундай экан, бу ўзгаришлар фақат ижобий томонга қаратилиши учун бор эътиборимиз ва меҳримизни аямаслигимиз керак.

РАНГТАСВИР ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРГА ЁРУҒ ВА СОЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

АҲМЕДОВ М.Б. - Низомий номидаги ТДПУ «Меҳнат таълими ва дизайн» кафедраси катта ўқитувчиси

Мустақиллик йилларида ватанимизда олиб борилаётган ислохатлар замонавий санъат тур ва жанрларининг ривожланишига, бойишига олиб келди. Санъатнинг бошқа турлари қатори тасвирий санъатга ҳам самарали таъсир этди, ижодий изланишлар доирасини кенгайтирган ҳолда бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди.

Хусусан, рангтасвирда бадиий жараён бир мунча шиддатли ва серҳаракат кечди. Ўтган йиллар мобайнида бўлиб ўтган кўп сонли кўرғазмалар шуни тасдиқлайдики, мазкур давр рангтасвири тур ва жанри, услуб ва композицион ечимнинг турли-туманлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу эса рангтасвирчиларга ижодий эркинлик, шунингдек бадиий тасвири акс эттиришда шакл ва воситаларни мустақил танлаш имконини яратди.

Кейинги йилларда узоқ ва яқин ҳорижда, шунингдек, республикамизда ўтказилаётган халқаро миқёсдаги бадиий кўрғазмалар асосини анъанавий ҳамда ноанъанавий тарздаги дастгоҳли рангтасвир асарлари ташкил этади. Мамлакатимизнинг Мустақиллик байрамига бағишлаб доимий ўтказилиб келинаётган бадиий кўрғазмалар бу борада энг етакчи даражага кўтарилдики, ушбу кўрғазмаларда республика миқёсида тасвирий ва амалий санъатнинг барча турларида юзага келган етук ва намунали асарлар намойиш этиб келинаётганлиги юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Бир нечта жисмлар орасидаги ёруғлик муносабатлари орасидаги фарк натурадаги тус, ранг муносабатлари деб аталади. Натурага пропорционал бўлган бир нечта жисмлар орасидаги ёруғлик тафовути тасвирдаги тус нисабатлари ҳисобланади. Буюм юзасидаги ёруғлик даражаси натурадаги туси деб аталади. Бошқа юзалар ёруғлиги билан солиштириш натижасида, натурага пропорционал равишда олинган (ёки тасвирланган) юза ёруғлиги эса тасвирдаги тус муносабати ҳисобланади.

Буюм ёки бирор бир юзани тус орқали акс эттириш қандай маънони англатади? Бу - тасвирланаётган юза натурадаги юзалардан қанчалик очроқ; ёки тўқроқ бўлса, тасвирдаги ҳар бир юза бошқа юзаларга нисбатан шу қадар очроқ ёки тўқроқ бўлиши керак деган маънони билдиради. [3]

Машғулот давомида талабаларни янада фаоллаштириш қўйилган мақ-

садга эришиш чора-тадбирларни ўргатиш мақсадида «Муаммо» технологиясидан фойдаланишни тавсия этамиз. Масалан:

«МУАММО» технологияси

Машғулотнинг мақсади: Талабаларга машғулот мавзусидан келиб чиқиб турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишга ўргатишдан иборат. Уларда муаммонинг моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларини ривожлантиради. Муаммони ечишнинг баъзи усуллари билан таништириш ва муаммони ечишда мос методларни тўғри танлашга ўргатади. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ва муаммони ечишдаги хатти-харакатларни тўғри аниқлашга ўргатади. [2]

Машғулотни ўтказиш тартиби: Ўқитувчи талабаларни гуруҳларга бўлиниб олишларини таъминлаганларидан сўнг, машғулотни ўтказиш тартиб ва қоидаларини тушунтиради. Яъни у машғулотни босқичли бўлишини ва ҳар бир босқич талабалардан диққат–эътибор талаб қилишини, машғулот давомида якка, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлашларини айтади. Бундай кайфият талабаларга берилган топшириқларни бажаришга тайёр бўлишларига ёрдам беради ва уларда қизиқиш уйғотади.

Машғулотни бориши: Талабалар томонидан машғулот учун тайёрланган тасвирий санъат асарини диққат қилиб, унда ёритилган муаммони аниқлашга ҳаракат қилиш, хотирасида сақлаб қолиш ёки дафтарга белгилаб қўйиш (плакат, расм, кинолавҳа, бирор муаммони баён қиладиган матн, ривоят бўлиши ҳам мумкин). Масалан:



- гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан ушбу асар (плакат, расм, лавҳа, бирор муаммони баён қиладиган матн, ривоят ёки ҳаётий воқеа) дан биргаликда аниқланган муаммоларни А-З қоғозига ёзиб чиқилади;
- берилган вақт тугагач, тайёрланган ишни гуруҳ вакили томонидан ўқиб эшиттирилади;
- ўқитувчи гуруҳлар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қоғозни алмаштирган ҳолда гуруҳларга тарқатади;

- тарқатилган қоғозларда гуруҳлар томонидан ёзилган муаммолардан гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзини қизиқтирган муаммодан бирини танлаб олади;

- ўқитувчи томонидан тарқатилган қуйидаги чизмага гуруҳнинг ҳар бир аъзоси танлаб олган муаммосини ёзиб, мустақил равишда таҳлил этади.

Юқоридаги тасвирий санъат асари асосида мисол келтирамиз:

Муаммонинг тури	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечиш йўллари ва сизнинг ҳаракатларингиз
Нур ва соя қарама-қаршилиги	Ёруғлик, қоронғулик, нур, соя, тушувчи соя, рефлекс, ранг, тус, тўйинганлик, спектор ранглари, хроматик ва ахроматик ранглари, иссиқ ва совуқ ранглари...	Табиатдаги жисмларнинг ёруғлик даражаси тез суратда кўпайиши ёки аксинча камайиши мумкин. Улар орасидаги тафовут шу қадар улканки бу ҳодисаларнинг ифодасини тасаввур қилиш қийин. Масалан, қуёш ёруғлиги ой нуридан юз минглаб маротаба кучлидир. Бу ёруғликларни ифодалаш учун рассомнинг имкониятлари нисбатан чекланган. Шу сабабли, рангтасвирдаги ранг – тус, нур - соя орасидаги қарама-қаршилиқ табиатдагига нисбатан бир неча бор кам бўлиши мумкин. Энг оппоқ бўёқ ва энг оппоқ қоғоз ҳам ўзига деразадан тушаётган нурлардан кўпроқ ёруғликни акс эттира олмайди. Қоғозга тушаётган ёруғлик - бизнинг имкониятимиздаги картинада тасвирланадиган энг кучли ёруғликдир....

- яқка тартибдаги фаолият тугагандан сўнг ҳар бир талаба бажарган ишини бошқаларга ўқиб эшиттиради;

- муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича жамоавий фикр алмашилади;

- машғулот мавзусига ойдинлик киритилгандан сўнг ўқитувчи машғулотга яқун ясайди. Жамоага қизиқарли ишлари учун миннатдорчилик билдиради.

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ЭҲТИЁЖЛАРГА АСОСЛАНГАН ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ

Ашурова О.Ю., Абдуқодиров Х.Ю -Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи, “Иқтисодий таҳлил” фани ўқитувчиси

Ҳозирги кунда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (ЎМКХТ) тизимининг моддий техника ва ўқув моддий базасини яратиш, унинг мазмунини шакллантириш, тизим учун кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни қайта тайёрлаш ва малмқасини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ЎМКХТ таълим муассасаларида 280дан ортиқ таълим йўналишлари бўйича ўқитиш амалга оширилмоқда. Давлат таълим

стандартлари (ДТС) ва дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, амалиётга жорий этилган. ЎМКХТ тизими учун кадрлар тайёрлаш ҳам кенгайиб бормоқда. Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг 45та олий таълим муассасаларида касб-хунар коллежлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, ҳар йили бу олий таълим муассасаларига 5000дан ортиқ талабалар қабул қилинмоқда. ЎМКХТ таълими муассасалари раҳбарлари ва педагоглари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг ҳудудий марказлари фаолият кўрсатиб турибди.

Эришилган ютуқ ва натижалар билан бир қаторда, диққат эътиборни қаратишга молик бўлган талайгина масала ва муаммолар ҳам бор. Улар жумласига ЎМКХТ таълими муассасалари раҳбарлари ва педагоглари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мазмунини аниқлаш ва бу жараённи амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни киритиш мумкин.

Қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, таълимни умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар, олий таълим турларининг мазмуни тегишли ДТС ва улар асосида ўқув режа ва дастурларни яратилиши ва жорий қилиниши билан меъёрлангани каби, ЎМКХТ таълим муассасалари педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни ҳам Давлат талаблари ва улар асосида тузиладиган дастурлар маълум мақсадларни кўзлаб тузиладиган дастурларни яратиш учун асос ҳам бўлади.

Самарали тизим, жумладан кадрнинг касб малакасини ҳақиқий даражасини ҳисобга олиб тузилган қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг дастурларин жорий қилишни назарда тутди. Педагогнинг касб малакасини ҳақиқий даражасини аниқлаш гарчи мураккаб, жуда катта сафарбарликни талаб қиладиган тадбир бўлсада, уни ҳудудлардаги методик хизмат тузилмалари, Давлат тест марказининг ҳудудлардаги бўлинмалари, малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг ҳудудлардаги марказлари ёрдамида амалга ошириш мумкин. Лекин бунинг учун педагогни касб малакасини ҳақиқий даражасини белгилаш мезонларининг бўлишлиги талаб қилинади. Бундай мезонлар, юқорида қайд қилинган педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари асосида ишланади.

Педагог касб малакасининг ҳақиқий даражаси билан унинг эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалари даражасини таққослабгина, унинг кўшимча равишда қандай билим олиши, малака ва кўникмага эга бўлиши кераклиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Ўз профессионал даражасини талаблар даражасига кўтариш учун кўшимча равишда қандай билим олиши, қандай малака ва кўникмаларга эга бўлиши кераклигини билган педагог энди бу жиҳатларни, индивидуал дастур асосида қаерда ва кимдан олиши масаласини ҳал қилиш имкониятини кўриб чиқиши мумкин. Педагог бундай индивидуал дастур асосида мустақил малака ошириши ва қайта тайёрланиши, эркин тингловчи бўлиши, ўқитишнинг масофавий шаклидан фойдаланиши ёки анъанавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига бориши мумкин.

ЎМКХТ таълим муассасалари педагоглари учун қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг Давлат талаблари, ўқув режа ва дастурларни

яратиш ҳамда улар асосида педагоглар учун жуда катта спектрдаги касб малакаси мезонларини ишлаб чиқиш тегишли даражадаги илмий-методик салоҳиятни талаб қилади. Бундай ишларни амалга ошириш учун Давлат илмий техника ва Инновация дастурлари доирасида Фан ва Технологиялар Марказининг имкониятларидан фойдаланиш айни муддао бўлади.

ЎМКХТ таълим муассасалари раҳбар ва педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институт ва марказлари ўзларидаги тайёрлов йўналишлари, бу йўналишларнинг моддий-техника, ўқув-моддий базаси имкониятлари, ўқув-методик таъминланганлик ва профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳамда тингловчиларнинг бўлиши мумкин бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олувчи бир қанча дастурларни ишлаб чиқади ва ЎМКХТ таълим муассасаларига таклиф этади. Таълим муассасалари, тегишли ҳудудий бошқарув идоралари билан биргаликда мазкур дастурлар бўйича тингловчилар контингентини шакллантиради ва буюртма сифатида қайта тайёрлаш ва малакани ошириш институт ва марказларига тақдим этади. Бундай буюртмалар асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институт ва марказлари қайта тайёрлаш ва малака оширишни амалга оширади.

СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА ИЧИМЛИК СУВИ ЗАҲИРАЛАРИНИ ЭКОЛОГИК РИВОЖЛАНТИРИШ

*Ассистент З.Ясаков-Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти
2-тоифали ишлаб чиқариш таълим устаси*

З.Т.Ўнгалова - Самарқанд туман маиший хизмат касб-хунар коллежи

Ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши, шаҳар ва қишлоқларнинг кенгайиши, суғориладиган ерларнинг кўпайиши ва бошқа омиллар таъсирида сув билан таъминлаш муаммоси кескинлашмоқда. Сувга бўлган талаб кундан кунга ошмоқда. Шу боис сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масаласи жуда муҳим муаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятини аҳолини ва иқтисодиётни сув билан таъминлаш муаммоси ташвишлантираётган масала бўлмоқда.

Зеро, расмий маълумотларга кўра, бугун сайёрамизда 1 миллиарддан ортиқ одам тоза сувдан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Келгусида аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши ва иқлим ўзгаришлари оқибатида сув ресурслари тақчиллиги янада кескинлашади.

Шуни айтиш жоизки, Марказий Осиёдаги Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик муаммолар бутун дунёга яхши маълум.

Лекин бу аччиқ тажриба ҳамма учун ҳам сабоқ бўлмаган кўринади. Трансчегаравий дарёларда улкан тўғонлар қуриш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишга, ишлаб турган ва қурилаётган гидроиншоотларни энергетик иш режимига ўтказишга бўлаётган уринишлар минтақа аҳолисининг катта қисмини ҳақли равишда ташвишга солмоқда.

Бундай хатти-ҳаракатларнинг салбий оқибатлари бу ерда яшаётган миллионлаб одамларнинг ҳаётига таҳдид солади.

Чунки улар ҳозирданок глобал хусусият касб этмоқда.

Ер юзида ҳаёт давом этиши учун сувни, ердаги сув манбаларини, айниқса чучук ичимлик сувлари заҳираларини эҳтиёт қилишимиз, уларни иф-лослантиришга йўл қўймасдан, самарали фойдаланишимиз жоиздир.

Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Жанубий Осиё минтақаси мамлакатларида сув етишмаслиги доимий жараёнга айланган. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда жаҳон аҳолисининг ҳар ўнтадан 4 таси тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшашга мажбур бўлиб, бундай ҳолат 2025 йилга бориб, ҳар одамдан 6 таси ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик сув танқислигига учраш эҳтимоли бор.

Келгусида Республикамизда шундай аянчли муаммоларга дуч келмаслик мақсадида, ер усти ва ер ости чучук ичимлик сув заҳираларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш борасида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси саъйи ҳаракати билан бир мунча ишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда чучук ер ости ичимлик сувлари асосан 77 та манбада мавжуд бўлиб, уларнинг умумий заҳираси 57,6 миллион м³/суткани ташкил этади. Ер ости сув заҳираларининг 34,5% Фарғона водийсида, 24,6 % Тошкент вилоятида, 18% Самарқанд вилоятида, 9% Сурхондарё вилоятида, 5,5% Қашқадарёда, 7% атрофида қолган вилоятларда ҳосил бўлади. Президентимиз яна шуни таъкидлаб ўтдики, “Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, минтақавий ва глобал даражада гидрологик балансни сақлаш, сув ресурсларини асраш ва тежаш, сувдан фойдаланиш ҳажмини камайтиришни таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш - булар ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ғоят муҳим масалалар бўлиб, биздан алоҳида эътибор ва ўзаро манфаатли муҳокамани талаб қилади”.

Хулоса қилиб, барча ҳолларда меҳнат ва моддий ҳамда энергия ресурслари жуда кам сарфланадиган замонавий техник ечимларни ишлатиш зарур ҳамда сув ресурсларини чегараланганлигини инобатга олиб, сувдан оқилона фойдаланиш ва жойларда тузилаётган ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш, улардан самарали фойдаланиш, сув ўта танқис бўлган йилларда суғорма сувларга минераллашган зовур сувларини зарур нисбатда аралаштирган ҳолда ҳамда ташлама сувлари билан қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда ишлатишдек услуб, келажакда кенг қўлланилишини ҳозирги пайтда вужудга келган ҳолат тақозо этмоқда.

ЗЎРАВОНЛИК ҒОЯСИ ТАРҒИБОТИНИНГ ШАҲС АҚЛИЙ ИМКОНИАТЛАРИГА ТАЪСИРИ

Г.Бекмуродова, ф.ф.н. (ҚарДУ)

Инсонни ҳайвонот олаmidан ажратиб турган, унинг барча фаолиятига мазмун ва йўналганлик ато этаётган кадрият ақлдир. Шу боис барча замонларда, барча заминларда мутафаккирлар ақл хусусида, унинг табиати тўғрисида иштиёқ билан мулоҳаза юритганлар, кўплаб эътиборга лойиқ фикрлар баён қилганлар. Хусусан, қадимги Юнон файласуфлари (масалан, Гераклит, Сукрот, Афлотун) инсон фаҳм-фаросати билан фикр-мулоҳазаси

ўртасидаги ўзаро алоқадорлик механизмини чуқур ўрганган бўлсалар, мусул-мон файласуфлари (масалан, Ғаззолий, ал-Киндий, Форобий, ибн Сино, Беру-ний, Замахшарий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий) инсоннинг ақлий им-кониятлари моҳиятини, уни ривожлантириш йўллари тahlil қилдилар. Мусулмон мутафаккирларининг инсон ақл-заковати тўғрисидаги карашлари Европа файласуфлари (масалан, Б.Спиноза, П.Гольбах, И.Кант, И.Фихте) то-монидан янада ривожлантирилди. Уларнинг асарларида инсоннинг ақлга асосланган фаолияти нафақат ижобий, балки салбий характерга ҳам эга бў-лиши мумкинлиги асослаб берилди, ақлнинг индивидуал хусусиятлари ҳақи-да мулоҳаза юритилди.

Янги аср арафасига келиб зўравонлик ғоялари тарғиботи кучайди. Бунга XX аср охирида Ғарбда анча кенг илдиз отган ижтимоий дарвинизм таълимоти замин ҳозирлади. Таълимот тарафдорлари табиатга хос бўлган “яшаш учун кураш” қонуниятини ижтимоий ҳаётга ҳам хос, деб ҳисоблайдилар. Демак, яшаб қолиш учун муттасил курашиш, зўравонлик кўрсатиш зарур. Мазкур ёндашув зўравонликни оқловчи фильмлар миқдорини кескин ошириб юборди. Маълумотларга қараганда, тасодифий олинган бир кунда телеканал-ларда намойиш қилинган фильмларда 160 муштлашув, 202 қотиллик, 6 ўғрилиқ, 10 зўрлаш, 66 ичкиликбозлик сахналари бор экан.

Зўравонлик ғоялари тарғиботида Голливуд киностудияларида ишлаб чиқиладиган бадиий фильмлар алоҳида ўрин тутмоқда. Ушбу фильмларда зўравонликнинг куйидаги кўринишлари намойиш этилади:

а) таъсир кўрсатиш тамойилига кўра: жисмоний, руҳий, ҳиссий, жинсий зўравонлик. Кейинги йилларда айниқса руҳий зўравонликни намойиш қилувчи фильмлар кўпаймоқда. Одатда руҳий зўравонлик махсус тайёрланган ва режа асосида иш олиб бораётган гуруҳ томонидан аниқ бир шахсга нисбатан амалга оширилади. Энг эътиборлиси, фильм муаллифлари бундай руҳий зўравонликни қораламайдилар: аксарият фильмларда зўравонлар жазо-ланмай қоладилар;

б) ижтимоий хусусиятларига кўра: сиёсий, диний, маиший зўравонлик, болаларга нисбатан зўравонлик, ҳайвонларга кўрсатилган зўравонлик. Қизиғи шундаки, жаҳонда содир бўлган у ёки бу сиёсий воқеа сиёсий зўравонликни тарғиб қилувчи янги бадиий фильмнинг вужудга келишига замин яратади. Масалан, АҚШнинг Афғонистон ва Ироқда амалга оширган сиёсий-ҳарбий акцияси мавзуга доир юзлаб фильмларнинг суратга олинишига асос бўлди. Уларнинг барчасида сиёсий зўравонлик элементларини топиш қийин эмас. Бу зўравонлик АҚШ сиёсатдонлари ва ҳарбийлари томонидан амалга оширилса, сиёсий зарурият сифатида, муҳолифлар ва маҳаллий аҳоли ёрдамида бажарилса, зулм сифатида баҳоланади;

в) қурбонлар миқдорига кўра: оммавий, гуруҳий ва индивидуал зўравонлик. Санъатнинг тижоратлашуви, унинг даромад манбаига айланиши оммавий зўравонлик тарғиботида бағишланган жангари фильмлар миқдорини айниқса кўпайтирмоқда. Фильм муаллифлари ва продюсерларининг фикрига кўра, экранда қанча кўп қурбонлик бўлса, даромад салмоғи шунча юқори бўлади. Шунинг учун улар бутун-бутун шаҳарлардаги қирғинбаротни суратга олиш учун маблағ ва моддий-техникавий имкониятларни аямайдилар;

г) етказилган зарар шаклига кўра: тахдид, терроризм, зўрлаш, талончилик. Тахдид ва терроризмни намойиш қилувчи фильмларнинг бир хусусияти яққол кўзга ташланади: бу фильмларда тахдид солувчи субъект ёки террорчи аксарият ҳолларда мусулмон дунёси вакили бўлади. Бунинг устига, улардаги Осиё, Лотин Америкаси ва Африка вакилининг бирортаси ижобий қаҳрамон бўлмайди;

д) зўравоннинг шахсига кўра (зўравон жиноятчи, ўзга сайёрадан келган мавжудот, нариги дунё вакили ва шу қабила бўлиши мумкин). Кейинги йил-ларда кино бозорида нариги дунёдан келган мавжудот томонидан амалга оширилган зўравонликни намойиш қилувчи фильмлар миқдори кескин кўпайди. Сирасини айтганда, бундай фильмларни суратга олишнинг асл мақсадини тушуниб бўлмайди. Афтидан, асосий мақсад томошабинни ҳайратга солиш ва даромад қилиш бўлса керак.

Зўравонлик ғоялари тарғиботига бағишланган мазкур фильмлар ёзилган видеодискларни мамлакатимиз дўконларидан ҳам харид қилиш мумкин. Ушбу фильмлар ёшларни умумбашарий ғоя ва қадриятлардан чалғитади. Йигит ва қизларда зўравонлик ижтимоий ҳаётнинг одатий воқеаси, жиддий ижтимоий муаммони ҳал қилишнинг самарали йўли, деган нотўғри хулоса шаклланиши мумкин. Натижада ёшлар ақли эмас, куч ишлатишни аъло қадрият сифатида эътироф этишга одатланишлари мумкин. Бинобарин, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашни вазифа қилиб кўяр эканмиз, масаланинг бу жиҳатига ҳам эътибор қаратмоғимиз лозим.

O'RTA ASRLARDA OSIYO DORIXONALARI TARIXIDAN.

Sh.S.Bozorov - Sam DCHTI Ijtimoiy fanlar kafedrasi o'qituvchisi.

Tarix millatning haqiqiy tarbiyachisiga aylanib bormoqda. Buyuk ajdodlarimizning ishlari va jasoratlari tarixiy xotiramizni jonlantirib, yangi fuqorolik ongini shakllantirmoqda. Axloqiy tarbiya va ibrat manbaiga aylanmoqda.¹⁴ Madaniyatimizning poydevori hisoblangan tarixiy merosimizni o'rganish faqat ilmiy jihatdan ahamiyat kasb etibgina qolmay, balki ajdodlarimiz yaratgan ma'naviy xazinadan bahramand bo'lishda, ijtimoiy - siyosiy va iqtisodiy muammolarni hal qilishda va insonning har tomonlama kamol topishida muhim omil hisoblanadi. Bizning diyorumizda qadimdan dorixonalar xalqimizning salomatligi yo'lida doim xizmat qilib kelgan. Osiyo shaharlarida shifoxonalar tarkibiga kirgan dorixonalardan tashqari alohida joylashgan dorixonalar ham bo'lgan. Eron, Xitoy va Hindistonda dorixonalar eng qadimiy tibbiy muassasalar qatoriga kirib, ular qoshida turli xil dorivor o'simliklar yetishtiruvchi maxsus bog'lar barpo etilgan. Ularni qorovullar qo'riqlashgan. U yerda dorivor o'simliklarni yig'uvchilar, dorilar tayyorlovchi "dorisocho"lar, ya'ni dori tayyorlovchilar va ish yurituvchilar ishlashgan. Ayrim hukmdorlar o'z saroylari qoshida ham dorixonalar tashkil qilgan. Dongdor tabiblarning hatto shaxsiy dorixonalari ham bo'lib, ulardan bemorlarga dorilar maxsus dori qog'ozini bo'yicha berib turilgan.

¹⁴ Karimov. I.A. O'zbekiston buyuk kelajak sari.-T., 1999.-526 b.

Erondagi mashhur Gundishapur shifoxonasi qoshida ham dorixona bo'lib, unda tajribali dori tayyorlovchilar ishlashgan. Shunday dori tayyorlovchilardan biri Abu Zakariya ibn Masaviy (777-857) bo'lib, u 30 yildan ko'proq vaqt ichida shifoxonani turli dori-darmonlar bilan ta'minlab turgan.¹⁵ Alohida binoga ega bo'lgan dorixonalar misol qilib Buxoro vohasidagi ko'hna Poykent shahristonidan 1984 yili topilgan qadimiy dorixona binosini keltirishimiz mumkin. Arxeolog olimlarimiz bu tarixiy yodgorlikni VIII asr oxirlariga taluqli deb topganlar¹⁶. Dorixona binosining maydoni 15x15 metrli to'rtburchak shaklida bo'lib, asosan, ikkita katta xona va bir nechta bo'limalardan iborat. Birinchi xona dori-darmon tayyorlash uchun mo'ljallangan, ikkinchi xonada tayyor dorilar va idish-anjom saqlangan. Bo'linmalarining birida zinapoya katta supa bo'lib, unga tayyorlangan dorilar qo'yilgan bo'lishi mumkin, dori tayyorlanadigan xonalarning yer to'lasida uzunligi 6,3 metr sardoba ham joylashgan. U tayyor dori-darmonlar va turli xil mahsulotlarni saqlashda o'ziga xos sovuqchilik rolini bajargan.

O'rta Osiyo shaharlarining bozorlarida ham shunday dori-darmonlar bilan savdo qiluvchi maxsus do'konlar bo'lgan. Bundan tashqari, uyda dori tayyorlovchilar ham bo'lib, ular dorilarni tabiblarning ko'rsatmasi bo'yicha tayyorlaganlar. Bunday uy va bozordagi dorixonalar Ibn Sino davrida xalqqa xizmat ko'rsatuvchi dorixonalar tarmog'ini tashkil qilib, bemorlarni dori-darmonlar bilan ta'minlab turgan. O'rta Osiyoga o'zga yurtlardan Buyuk Ipak yo'li bilan kelgan sayyohlar, mehmonlar, savdogarlarga tibbiy yordam ko'rsatish maqsadida yirik karvonsaroylar qoshida ham ambulatoriyali dorixonalar tashkil etilgan bo'lishi mumkin. Navoiy shahridan 20 km Buxoro tarafda joylashgan "Raboti Malik" karvon saroyi xarobalaridan topilgan turli muattar hidli dori-darmonlar solingan bir qancha sopol, shisha idishlar, pichoq, qaychi va shunga o'xshash jarrohlik anjomlari fikrimizning dalilidir.¹⁷

Ko'rinib turibdiki, o'rta asrlarda va bizga yaqin bo'lgan davrlarda ham xalq orasidagi tabobat xizmati e'tiborli yo'lga quyilib kelingan. Bunga ilg'or xalq tabobati, kimyo fani farmakologiya va tibbiyot ilmining sezilarli rivoji ham uzviy ta'sir ko'rsatgan.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ РУҲИЙ ҲОЛАТЛАРИ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ

Г.Холбоева СамВХТХҚТУМОИ катта ўқитувчи

Г.Эшқувватов СамДУ ўқитувчи

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасига ҳам тааллуқли бўлиб, бўлажак ўқитувчилар маънавиятини шакллантириш вазифаси устивор йўналиш сифатида яққол кўзга ташланмоқда. Зеро, фақатгина ёш авлодни камол топтиришга, уни янги ижтимоий муносабатларга кириша оладиган, умуминсоний қадриятларни эътироф этадиган, маънавий баркамол, юксак маънавиятли, замонавий билимларга

¹⁵ Кодиров А.А. тиббиёт тарихи.- Т.,1993. 172-бет.

¹⁶ Мухаммаджонов.А. Пойкент дорихонаси. Фан ва турмуш, 1990, №-12.6-бет.

¹⁷ O'ralov A/ Yusupov.R. O`zbekistonda jamoat binolarining shakllanishi va rivojlanish tarixi. Samarqand.2006. 22-bet

эга этиб тарбиялаш бўлажак ўқитувчилар янгича педагогик-психологик ва касбий малакавий даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида: «...фақат чинаккам маърифатли одам инсон кадрини, миллат кадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил жамиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли, ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин», деб таъкидланган эди.

Ҳозирги жамиятимизда ўқитувчининг мустақил равишда билимларни эгаллаб, ўз малакасини ошириб бориши – бир томондан ўқитувчилик фаолиятининг борган сари нақадар муваффақиятли бораётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан муҳим вазифа эканлигидан далолат беради – чунки бу кечиктириб бўлмас жараён шахсни интеллектуал қашшоқликдан қутқариб қолади.

Ўқитувчининг руҳий ҳолатлари унинг эмоционал ҳаётида намоён бўлади. Шундай қилиб, ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишда кайфият, аффектлар, қизиқувчанлик, диққатни тўплай олиш, паришонхотирлик, стресс, иккиланиш, безовталиқ каби руҳий ҳолатлар намоён бўлади. Масалан, ўқитувчининг қизиқувчанлиги ўқув-тарбия жараёнида янги усул ва йўллارни излашга туртки бўлади. Қизиқувчанлик ҳолатини бошдан кечираётган ўқитувчи кўпинча ўзида кузатувчанлик, тафаккур, тасаввурни фаоллаштиради.

Иккиланиш-руҳий ҳолат сифатида кўпроқ ёш ўқитувчилар фаолиятида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда тажрибасизлиги, ўз кучи ва қобилиятига ишонмаслиги туфайли қийин педагогик вазиятларда намоён бўлади. Ижобий педагогик иккиланиш ижодий изланиш элементи ҳисобланади. Бироқ бу ютуққа эришишга ишонч билан мувофиқ бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, аввало, ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришни мақсад қилиб қўяр экан, ўқитувчининг ўз ишини(касбий профиограммасини) мукамал билиши фаолият самарасини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи, ўқитувчига қуйиладиган асосий шартлардан ва талаблардан бири шуки, у мулоқот жараёнининг барча қирраларини профессионал даражада мукамал эгаллаган бўлиши керак. У ҳам бўлса назарий билимларни бевосита амалиётга, машғулот жараёнида қўлай билишдир. У аввало ўқувчи-болалар шахсига хос бўлган хусусиятларни жуда яхши билиши («Ўзгалар психологиясини билиш - улар устидан ҳукмронликнинг бир шаклидир»). Ўзига ишонч, эътиқоднинг мавжудлиги, реал таффакур ва ироданинг бўлиши.

Ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тушиниши, яхши психолог бўлиши, ўқувчини қизиқтира олиши, ўқув материалларини тушунтира билиши, ўқувчини билимларини тўғри баҳолай олиши, болаларга ижобий - тарбиявий таъсир кўрсатиш, ўқувчилар жамоасининг меҳнатини ташкил этиб, уларга раҳбарлик қила билиши, педагогларга хос одобга эга бўлиши, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида – алоҳида муомалада бўла олиши керак. Шундагина у қобилиятли ўқитувчи ҳисобланади.

ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*Шайзаков Фулом Мухтарович., Каримова Зайнаб Абдуамитовна Инглиз
тили ўқитувчиси, ГулДУ*

Хозирги кунда ўз ҳақ ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларга таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа ҳодисаларга онгли муносабат билан ёндаша оладиган, айна вақтда мамлакат шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан ҳамоҳанг ҳал қила оладиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш биз учун уствор ҳал қилувчи масалага айланган. Мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган барча ишларни кенг халқ оммаси, айниқса ёшлар онгига етказиш бугунги кун талабидир. Бу эса ўз навбатида таълим – тарбия, айниқса ҳуқуқий тарбияни замонавий услублар асосида йўлга қўйишни тақозо этади. Бу борада ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий – тарбия ишларини яхшилаш ва таълим тизимини ислоҳ қилишни янада кучайтириш масалалари долзарб аҳамиятли хисобланади.

Ўзбекистон республикасида демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш омилларидан бири ёшларимизнинг сиёсий – ҳуқуқий маданиятини оширишдир. Айна чоғда бунги кун ёшлари келажакда давлатимизни замонавийлаштиришда, демократик кадрларнинг қарор топишида, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва таълим соҳаларини бошқариб, эркин, фаравон ва юксак маънавиятли жамиятни барпо этишда катта кучга айланадилар.

Ҳаётимизнинг устун, келажакимиз таянчи бўлган ўқувчи ёшларга ҳуқуқий билим беришнинг асосий мақсади, уларда ҳуқуқий тушунчаларни шакллантириш ва улар асосида ҳуқуқий тарбияга эришишдан иборатдир. Ҳуқуқий билим олиш жараёнида ўқувчилар конституцияда кўрсатилган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билишга, улардан фойдаланишга ва уларни ҳаётга тадбиқ этишга эришишлари лозим. Ҳуқуқий тарбияга оид фикр мулоҳазалар президентимиз Ислам Каримов асарларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятни ошириш нафақат таълим муассасаларида, балки уни амалга ошириш оиладан бошланади. Чунки ҳар бир оила жамият ҳаётини олға сурувчи, уни янада юксак босқичларга кўтариб равнақ топтирувчи, келажак авлодларни тарбиялаб етиштирувчи ва фарзандларни камол топтириш учун ғоят муҳим ўчоғдир. Шундай экан, ёшлар маънавиятини кенгайтиришни биз дастлаб ота – оналар билан ҳамкорликда олиб борсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ҳуқуқий маданияти шаклланган ўқувчи шахсларнинг ҳуқуқбузарлик содир этмасликлари, қонун доирасида иш тутишлари, давлат, жамият, таълим муассасаси ва оилада ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя қилган ҳолда улғайиши ижобий натижалар беради. Бу эса ёшлар ҳулқ аторида меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ҳушмуомалалик, виждонли бўлиш, ростгўйлик ва маънавий – ахлоқий сифатларни ўзларида такомиллаштиришга замин яратади.

ПЕДАГОГИК ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРНИ ЯРАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Ғайбулов Қ.М. (СамДАҚИ).

Педагогик дастурий воситаларни яратиш технологиясини амалга ошириш мақсадида уларнинг анъанавий воситалардан устунлигини тасдиқловчи қатор ижобий омиллар мавжуд. Мазкур омиллар дидактик, психологик, иқтисодий, физиологик гуруҳларга ажратилди.

Педагогик дастурий воситаларга қўйиладиган дидактик талабларга қўйидагилар киради: илмийлик, тушунарли, қатъий ва тизимли баён этилиши билан биргаликда (педагогика, психология, информатика, эргономиканинг асосий тамойилларини, замонавий фаннинг фундаментал асосларини ҳисобга олиб, ўқув фаолияти мазмунини қуриш имкониятини таъминлаш), узлуксизлик ва яхлитлик (илгари ўрганилган билимларнинг мантиқий оқибати ҳамда тўлдирувчиси ҳисобланади), изчиллик, муаммолилиқ, кўргазмалилик, фаоллаштириш (ўқитиш мустақиллиги ҳамда фаоллилик хусусиятининг мавжудлиги), ўқитиш натижаларини ўзлаштириш мустаҳкамлилиги, мулоқотнинг интерфаоллилиги, ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш ва амалиётнинг яхлит бирлиги.

Эстетик талабларга қўйидагилар киради: тартиблилик ва ифодалилиқ (элементлари, жойлашиши, ўлчами, ранги), безашнинг функционал вазифаси ва эргономик талабларга мослиги.

Махсус талабларга қўйидагилар киради: интерфаоллик, мақсадга йўналганлик, мустақиллик ва мослашувчанлик, аудиолаштириш, кўргазмалилик, кириш назорати, интеллектуал ривожланиш, дифференциациялаш (табақалаштириш), креативлик, очиклик, қайта алоқа, функционалилиқ, ишончлилиқ.

Фанлардан яратиладиган педагогик дастурий воситалар қўйидаги методик талабларга жавоб бериши керак:

1. Педагогик дастурий воситалар – ўқув материални тақдим этишнинг тушунчали, образли ва ҳаракатли компонентларининг ўзаро боғлиқлигига таянган ҳолда қурилиши.

2. Педагогик дастурий воситалар ўқув материални юқори тартибли тузилма кўринишида таъминлаши. Фанлараро мантиқий ўзаро боғлиқликнинг ҳисобга олиниши.

3. Педагогик дастурий воситаларда таълим олувчига ўқув материални босқичма-босқич ўзлаштирганлигини турли хилдаги назоратларни амалга ошириш асосида аниқлаш имкониятларининг яратилиши.

СОДЕРЖАНИЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ В ВУЗЕ

Ганиева Р.Р. , Атоева Х. К. (СамГАСИ)

Аннотация: В данной статье говорится об одной из важных проблем методики – содержанию обучения, о единицах языка и речи, взаимодополняющих друг друга, а также о компонентах содержания обучения иностранному языку: лингвистическому, психологическому и

методологическому, которые должны найти реализацию в курсе обучения иностранному языку в вузе.

Ключевые слова и выражения: методика, дидактика, язык, речь, единицы речи, речевая деятельность, лингвистика, социолингвистика, психолингвистика, лингвистический компонент, экстралингвистическое содержание обучения, психологический компонент, методологический компонент, самоконтроль, самокоррекция, самоанализ, функции языка, коммуникативный, кумулятивный.

Содержание обучения иностранным языкам составляет одну из важных проблем методики, т. к. оно призвано ответить на вопрос: чему учить? Определить содержание обучения иностранному языку нельзя без обращения к лингвистике. Для методики преподавания иностранного языка важно разграничение, проводимое в науке, на язык и речь. В лингвистике под языком понимают социально значимый код и правила его функционирования, закрепленные в сознании людей, т.е. язык – это система языковых средств, необходимых для общения, и правил их использования. Речь же – это реализация языковой системы в конкретных актах общения. Понятие речь включает как сам процесс, так и продукты этого процесса – речевые произведения.

Различают единицы языка и единицы речи. К единицам языка относят фонемы, морфемы, слова, фразеологические сочетания, микро-(предложения) и макротексты. Это элементы языка, организованные по формально-семантическому признаку.

К единицам речи относятся ситуативно обусловленные высказывания разной протяженности. В единицах речи элементы языка организованы по семантико-коммуникативному признаку, т.е. единицы речи непременно соотнесены с конкретной ситуацией общения. Это может быть слово, словосочетание, предложение, сообщение, рассказ или диалог.

При определении содержания обучения возникает вопрос – чему учить: языку или речи? В настоящее время считается общепринятым начинать с обучения речи, т.е. с овладения студентами пониманием и воспроизведением высказываний, обусловливаемых ситуациями общения, которые возможны в условиях изучения иностранного языка в вузе. Изучение языка как лингвистического явления может обеспечить знание системы языка, но оно не ведет к пользованию этой системой в целях общения. Обучение готовым фразам, соотнесенным с конкретными условиями, где возможно их применение, также не может обеспечить владение языком, т.к. оно возможно тогда, когда усвоение речевого материала ведет к формированию у студентов системы языка, когда он может строить высказывания в акте общения в соответствии с правилами, присущими данному языку как в отношении грамматического оформления, так и употребления слов.

Отсюда следует, что в обучении иностранному языку рационально было бы строить обучение от речи к языку в процессе организованного целенаправленного общения. Речевое высказывание в методике обучения иностранному языку принимает вид учебной единицы. Это может быть речевой образец, типовое предложение, модельная фраза, диалог-образец,

образец монологического высказывания большей протяженности, чем предложение. В качестве учебной единицы предлагается структурная группа, объединяющая различные по типу предложения: утвердительное, отрицательное, восклицательное, вопросительное.

Таким образом, мы видим, что языковой и речевой материал составляют не только лингвистическое, но и экстралингвистическое содержание обучения (ситуативный контекст, в котором возникает речь).

Определить содержание обучения иностранному языку нельзя без обращения к психологии, занимающейся строением деятельности и ее формированием. Речь – один из видов деятельности человека. Психолингвистика – наука, занимающаяся строением речевой деятельности, исследует речевое поведение человека, описывает модели умственных процессов, операций, действий, которые происходят при слушании и говорении. В результате осуществления речевой деятельности формируются механизмы речи, обеспечивающие восприятие при аудировании, чтении и порождение речевых высказываний при говорении и письме.

При обучении иностранному языку осуществляется учебная, познавательная деятельность, в ходе которой студенты усваивают язык, формируются механизмы речи, обеспечивающие его использование в общении. Речевая деятельность должна иметь предмет своей деятельности – мысль (о чем говорится, о чем говорить). Она реализуется в конкретных действиях и операциях, которые обеспечивают работу соответствующих механизмов речи, отвечающих за аудирование, говорение, чтение и письмо.

В деятельном подходе и при коммуникативно-ориентированном обучении объектом обучения выступает речевое действие. В психологии речевое действие определяется как процесс взаимодействия его компонентов: участников общения (кто с кем общается); коммуникативного намерения (зачем, с какой целью); предметного содержания: темы, ситуации, языковые средства; экстралингвистических и паралингвистических средств, используемых для высказывания в конкретной ситуации общения (как общаются).

Диалоги, беседы, тексты (устные и письменные) реализуются только в результате речевых действий. Они возможны только тогда, когда владение языковым и речевым материалом доведено до уровня навыков и умений. В ходе изучения иностранного языка у студентов формируются произносительные, лексические, грамматические, орфографические навыки, навыки техники чтения и письма, на основе которых развиваются умения понимать речь на слух, говорения и чтения. Речевые умения составляют творческую деятельность, в которой принимают участие интеллектуальная и эмоциональная сферы при решении речевых задач, воображение и представление слушающего, говорящего, читающего.

Итак, формирование навыков и умений пользоваться изучаемым языком в целях общения составляет психологический компонент содержания обучения иностранным языкам.

Современная дидактика уделяет большое внимание организации активной деятельности самих студентов по усвоению новых знаний, формированию и развитию умений, управлению учебно-воспитательным

процессом, стимулированию познавательной активности, вовлечение их в планирование своей учебной деятельности. Преподаватель же выступает как организатор учебного процесса. Он вовлекает студентов в различные виды речевой деятельности, чтобы они как можно больше слушали, говорили, читали и писали на изучаемом языке. При этом следует помнить о том, что языку нельзя научить, ему можно научиться. Для этого студенту необходимо уметь учиться по этому предмету, и здесь ему помогает преподаватель. Особо важное значение при изучении иностранного языка в вузе приобретает самостоятельная работа по иностранному языку.

Следует учить студентов переносу знаний, навыков и умений, приобретенных при изучении родного языка и других предметов, приемам выполнения заданий по письму, чтению, подготовке устного сообщения. Очень важно научить студентов самоконтролю, самокоррекции и самоанализу результатов учебной деятельности. Кроме того, обязательное условие успешного изучения иностранного языка студентами – умение пользоваться учебником, словарями и другими средствами обучения. Без этого они не смогут научиться языку на том уровне, который от них требуется после многолетнего его изучения в школе. Исходя из этого, можно выделить еще один компонент содержания обучения – методологический – обучение рациональным приемам учения, познания нового языка, формирование навыков и умений им пользоваться в целях устного и письменного общения.

Таким образом, современный уровень методической теории обучения иностранным языкам, использование достижений смежных наук позволяет определить содержание обучения, которое должно включать:

1. Лингвистический компонент, объединяющий языковой и речевой материал.
2. Психологический компонент, включающий формируемые навыки и умения, обеспечивающие студентам пользование изучаемым языком при общении.
3. Методологический компонент, связанный с овладением студентами приемами учения, познанием нового для них предмета, развитием у них самостоятельного труда.

Выделенные компоненты должны найти реализацию в курсе обучения иностранному языку в вузе.

СТИМУЛИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ МОТИВАЦИИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

Ганиева Р.Р., Атоева Х.К. (СамГАСИ)

Аннотация: Статья посвящена способам стимулирования коммуникативной мотивации при обучении иностранному языку, главным моментам для вызова коммуникативной мотивации. В статье подчеркивается, что преимущественное место на каждом уроке должно отводиться решению речевых задач.

Ключевые слова и выражения: коммуникативная мотивация, вызов, речевые виды деятельности, методический язык, учение-общение, речевой

образец, познавательный материал, актуализация межпредметных связей, речевая перспектива, личностная ориентация, речевой приоритет, кульминация урока, коммуникативная вершина, коммуникативный процесс .

В данной статье мы остановимся на главных моментах приложения усилий преподавателя для вызова коммуникативной мотивации, т.е. на задачах урока, на его содержании, на организации занятий.

В соответствии с требованиями современной дидактики преподаватель должен ставить студентов в известность о задачах урока, т.к. активность возникает только тогда, когда задача принимается ими. Принятие задачи студентами- это отправной момент для возникновения мотивации и успешного осуществления задачи. Поэтому важно, как они сообщаются студентам. Прежде всего должны быть названы задачи, связанные с овладением речевыми видами деятельности: аудированием, говорением, чтением. Преподаватель при этом должен быть способен встать на точку зрения студентов данной группы, тогда ему удастся «перевести» формулировку задачи с методического языка на язык студентов и пригласить их к учению-общению.

События актуальной действительности также могут обогатить содержание урока, показав студентам, что они учатся не для вуза, а для жизни, что несомненно поддержит коммуникативную мотивацию. Они могут придать свежесть любой теме, на любом этапе.

Большой резерв коммуникативной мотивации имеется и в материале познавательного характера научной, социально-политической и культурных областей.

Подаявая познавательный материал для занятий, нужно соблюдать равновесие между новой и известной информацией. Этого можно достигнуть путем сообщения нового об известном и путем актуализации межпредметных связей. В этом случае факты и события, усвоенные на других уроках по другим областям знаний, предстают перед студентами на уроках иностранного языка как бы в новой языковой оболочке. Узнавание их, внезапно испытываемое озарение доставляют им радость познания; одновременно студенты на деле убеждаются, что иностранному языку, как и родному, свойственна органичная вплетенность во внешний многомерный мир. Подобный эффект проявляется также при использовании на уроках иностранного языка актуального познавательного материала, который широко обсуждается в печати, по радио, в вузе и дома, что создает широкий контекст для восприятия и усвоения нового.

Как считают исследователи, на каждом уроке преимущественное место должно отводиться решению речевых задач. Идея речевого приоритета должна найти отражение в организации урока. Весь ход урока должен представлять собой последовательное восхождение к решению речевой задачи, являющейся кульминацией урока, его коммуникативной вершиной. При этом важно сделать кульминацию заметной для студентов, создав вокруг нее особую атмосферу (например, перед просмотром диафильма и обсуждением некоторых его эпизодов).

Итак, предпосылки для возникновения коммуникативной ситуации могут быть созданы при постановке задач урока, соответствующем

содержании и соответствующих организационных формах урока. Все это опосредуется преподавателем и полностью зависит от его стиля работы. Нарастание профессионального опыта преподавателя иностранного языка заключается прежде всего в его овладении приемами, стимулирующими общение. С их помощью он может любой материал программы повернуть в коммуникативное русло. Преподаватель вырабатывает в себе способность превращать живые впечатления действительности в предмет общения на уроке, он превращается в партнера общения и одновременно организатора, предлагая соответствующие ситуации и втягивая в них студентов. При этом он стремится, чтобы каждый студент нашел свою форму проявления в беседе, показал свои возможности.

АХБОРОТ ОҚИМИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

*Қарши Давлат университети Ижтимоий фанлар кафедраси
ўқитувчиси Д.Ахмедова*

Мустақиллик йилларида ёшларни ҳар жихатдан баркамол, юксак маънавиятли, етук малакали мутахассислар этиб тарбиялаш ва Президентимиз таъбири билан айтганда, ёш авлоднинг кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шунингдек, ўзбек халқи ўз мустақиллиги қўлга киритганидан буён ёшларимиз ва болаларимиз маънавий-ахлоқий тарбияси тизимида Ватан туйғуси, ватанга эътиқод, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва миллий-маънавий қадриятларни шакллантириш, уларни ўз халқи ва ватанинг содиқ фарзандлари қилиб тарбиялаш ҳаётимиз маънавияти ва мазмунига айланмоқда. Зеро, ёшлар маънавиятини шаклланишида миллий маънавий қадриятларнинг аҳамиятини ошириш, уларни миллий анъаналарга содиқ руҳда тарбиялаш, баркамол шахс этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда тадқиқотлар натижасига кўра, ёшларимизнинг ижтимоий қиёфасида қуйидаги ўзига хос икки турдаги қарама-қарши ҳолатлар намоён бўлмоқда яъни ижобий ва салбий ҳолатлар.

Булардан биринчисини ижобий ҳолатлар деб олсак, улар қуйидагилардир: мустақиллик, ислоҳатлар, янгиланиш, модернизация ва либерализация жараёнларига камарбасталик, ислоҳатлар моҳиятини чуқур англаш, ислоҳатлар мақсад ва мазмунини қўллаш, янги муносабатларга интилиш, изланиш, ўз ижтимоий мавқеига эга бўлиш учун ҳаракат, ўзи ва идрокига ишонч, салоҳиятини жамият тараққиёти учун сарфлаш, ижтимоий журъат, англолган фаоллик, ҳуқуқий саводхонлик, эркин фикр юритиш, қатъийлик, шахс сифатидаги комилликка эришиш, ўз ҳаётини жамият ривожига билан боғлаш, бунёдкорлик ишларига тайёргарлик, ҳаётга очик назар билан қараш ва соф кўнгилликдир;

Бугунги кунда ёшлар ижтимоий қиёфасининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ёшларининг янги ахборот узатиш воситалари ва технологияларини ўзлаштириш, интернетдан фойдаланиш қобилиятини кундан-кун ўсиб бораётганлигидир.

Тўғри, айрим ёшларимиз интернет тармоғидан фойдаланиш орқали фанларга оид янгиликларни, илмий-техникавий янгиликларни, маълумотларни ўзлаштирмоқда, тил ўрганмоқда, компьютер саводхонлиги юқори бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб интернет энг самарали ва таъсирчан оммавий ахборот воситаларидан бирига айланиб улгурди. Энг муҳими, бугун интернет инсоният маданиятини ривожлантирувчи омил вазифасини ўтамоқда. Зеро, глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг ёшлар маънавиятига таъсири хавф-хатарлари, шу билан бирга жаҳоннинг мамлакатларида уюшган жиноий гуруҳлар ва террорчи ташкилотларнинг сайтлари мавжудки, улар орқали ёшларнинг турмуш тарзига, ижтимоий қиёфасига тўғри келмайдиган ёт ғоялар ва амаллар тарғиб қилинаётганлигини, интернетнинг ҳар юзинчи саҳифасининг порнографик мазмунга эга эканлиги ёш авлоднинг тарбиясига, ҳуққ-одобига зарар етказиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Дарҳақиқат, мутахассисларнинг маълумотларига кўра, сўнги пайтда «оммавий маданият»нинг кенг миқёсда урчишига хизмат қилаётган Интернет майдонида кўнгилочар ўйинларга жалб этишга қаратилган ижтимоий тармоқлар оммалашиб бораётганлигини, биргина «Facebook» тармоғининг бир ойлик абоненти етти юз миллион, шундан Ўзбекистонда 128 минг, «Одноклассники»дан рўйхатдан ўтганлар сони 2,5 миллионга етганлигини, ўқувчи ёшлар орасида «Одноклассники», «Мой мир», «Facebook», «Twitter» каби оммалашган ижтимоий тармоқларда парнография, ваҳшийлик, бошқа деструктив ғоялар тарғиб қилинаётганлигини алоҳида таъкидлашган.

Шунингдек, маълумотларда, АҚШда ҳар беш ажримдан биттасига, Санкт-Петербург психоаналитик маркази маълумотларига кўра, ажримларнинг 15 фоизига ижтимоий тармоқлар сабаб бўлаётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда бу каби муаммоларни олдини олиш учун вақт, имконият борлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир.

ЛИРИКАДА МИКРОСЮЖЕТ

М.Давронова СамДУ докторанти, ф.ф.н.

Бизга маълумки, асарда ҳикоя қилинаётган воқеа сюжет ҳисобланади. “Сюжет – адабий асарда тасвирланган ҳаракатнинг мазмунини ифодаловчи ҳаётий воқеалар мажмуи, кенгроқ маънода, конкрет воқеалар тизмасида намоён бўладиган характерлар тарихи, поэтик фикр-туйғулар оқими. Ҳаётни акс эттиришда ва поэтик ғояни ифодалашда сюжетнинг роли ниҳоятда каттадир”¹. Бирор воқеани эпизодик шаклда тасвирлаш ҳамда шу жараёнда ҳис-туйғулар бўртиб туриши лирик сюжетни юзага келтиради. Бу ҳақдаги илмий мулоҳазалар бир-бирини такрорламайди. Уларда воқеа асосида яратилган шеърларни воқеабанд шеърлар деб аталган терминларни учратиш мумкин. Бироқ бу фикр ҳам тугал эмас. Рус адабиётшуносларининг изланишларига эътибор қаратилса, унда куйидаги фикрлар ҳам берилиб

¹Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002, 108-бет.

ўтилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. “Адабиёт назарияси”да фабулалари сюжет (воқеабанд лирика) ҳамда психологик сюжет (соф лирика) истилоҳи ишлатилган бўлса², “Адабиётшуносликка кириш” китобида сюжет асосида яратилган шеърларни “тасвирий лирика”³ деб аташади. Г.Н. Поспелов эса тавсифий-тасвирий лирика деб ўрганишни тавсия этади⁴. “Адабий тур ва жанрлар”да воқеабанд лирика термини ишлатилади⁵. Н.Шукуров ҳам воқеабанд шеър термини билан изоҳлайди ва бу ҳақидаги фикрлари эътиборга молик: “...унинг лирик асар эканлигини далиллаб тирувчи белгиларни эътиборга олиш лозим. ...унда эпик элементнинг, воқеанинг вазифасини, меъёрини, ўрнини аниқлаш ва шу нуқтаи назардан масалага ёндашиш талаб қилинади. Мана шу икки масала ҳақида гапириш воқеабанд лириканинг жанр хусусиятларини аниқлашга ва чегаралашга ҳам имкон беради”⁶. Н.Шукуров воқеабандлик асосидаги шеърларда у ёки бу воқеа тугалланган сюжет шаклида бўлиши мутлақо шарт эмас деб ҳисоблайди. “Шеърда ҳаётдаги тугал воқеанинг ёки бошланиши, ёки авж нуқтаси, ёки хотимаси, ёки яхлит системаси олиб тасвирланади. Лекин у эпик ва драматик асарлардагидек воқеликни акс эттиришнинг етакчи воситасига айланмайди ва унда сюжет ўзининг барча бўлаклари билан тугал ҳолатда бўлиши талаб қилинмайди. Лирикада воқеа кечинмани, туйғуни бўрттириб ифодалашга хизмат қилувчи бир элемент бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам воқеабанд шеър эпик ёки драматик тур жанрига айланиб кетмайди, балки лириканинг мулки бўлиб қолади”⁷. Н.Шукуров мулоҳазалари воқеабанд шеър хусусида билдирилган фикрларнинг ёркинроғидир. Иқбол Мирзонинг куйидаги шеъри эса юқоридаги фикрларга мисол бўла олади:

“Зулфияга қарама,
 Нақ энангни кўрасан!
 Мени яхши кўради.
 Сўра, кимдан сўрасанг!”
 Калтак ерди Абдулла,
 Калтак еб ҳам қайтмасди.
 - Ол-э, ўша Зулпини,
 Керакмас! – деб айтмасди⁸.

Хотира кўринишига эга бўлиб, сюжетга асосланган ушбу шеър эпизодик характерга эга. Унда учта шахс иштирок этган. Булар: лирик қаҳрамон, Абдулла ва Зулфия. Аммо бу уч қаҳрамоннинг ҳаёти шеърда қисман акс этади. Воқеа тугал эмас. Шеърда илк муҳаббат хусусида сўз юритилиб, эпизодик кўринишга асосланганлиги сабабли, хотирага айланган дарс жараёни ҳам кузатилади. Шу билан бир қаторда лирик қаҳрамон бу жараёни бугун билан ҳам боғлайди. Унда тасвирланишича лирик қаҳрамон

²Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении// роды и жанры литературы. М., 1964, с. 30

³ Введение в литературоведение. М., 1976, с. 217-218.

⁴Поспелов Н.Г. Лирика среди литературных родов. М., 1976, с. 62-177.

⁵Адабий тур ва жанрлар. 2 қисм. –Тошкент: Фан, 1992, 30-бет.

⁶Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973, 134- бет.

⁷Ўша асар. 134 бет.

⁸Иқбол Мирзо. Сизни куйлайман. -Тошкент: Шарқ, 2007, 170- бет.

ва Абдулла армия хизматига кетган чоғида Зулфия бошқа билан оила куради. Шеърнинг ўзига хос хусусияти яъни лирик қаҳрамоннинг характерини очувчи қирраси “Китобимнинг ичидан// Учиб тушар суврати,// Севмаганман мен уни,// Абдул яхши кўради!// Йиртаман деб сувратин,// Йиртолмайман ҳар куни,// Севмаганман мен уни!..// Севмаганман мен уни!..” сингари мисралар билан хотималанишида кузатилади. Шеър уч қаҳрамон ҳаётини ҳикоя қилса-да, уларнинг ҳаётини тўлиқ бермайди. Бу шеърнинг ғоясига кирмайди. Шеърдаги воқеа фақат лирик туйғуни ифодалаш учун хизмат қилгандир. Шеърда ифода этилган конфликт ҳам (лирик қаҳрамон ва Абдулла ўртасидаги ишқий мажаро) фақат туйғуни бўрттириш учун хизмат қилади. Шу сабабли ҳам шеърнинг хотима қисмида воқеага нисбатан туйғу устунлик қилади ва биз бу шеърни бемалол сюжет асосида яратилган шеър дея айта оламиз.

Мунаққид Иззат Султон: “Адабиётнинг кичик жанрларида кўпинча бир кичик воқеа ва унинг тафсилоти тасвирланади. Йирик жанрларга мансуб асарлар сюжети эса кўп тармоқли бўлади. Бундай ҳолатда сюжетнинг мураккаблиги хусусида гап боради. Ҳар икки ҳолда ҳам сюжет асар мазмунига асос бўлган кичик ёки катта воқеа бўлиб қолади”¹⁰ деб ҳисоблайди. Албатта, ҳикоя жанридаги воқеа роман жанрида ўзини оқлай олмаганидек (фақат бош қаҳрамон билан боғлиқ бир воқеа атрофида бўлиб ўтгани сабабли), роман жанридаги мураккаб сюжет ҳам ҳикоянинг ҳажмига мос келмайдир. Наср ва драматургияда сюжет ўзига хос жанр такомилидан келиб чиққан ҳолда берилса, лирикада ҳам сюжет лирик жанрларга хос тарзда учрайди. Бироқ юқорида таъкид этганимиздек лирик сюжет ҳақидаги фикрларда бир тўхтаб учрамайди. “Адабиётшунослик асослари”да: “Адабий асарни сюжетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин ҳар бир асарнинг ва, хусусан, лирик шеърнинг сюжети ўзига хосдир”¹¹ дейилади. Адабиётшунос Т.Сильман лирик сюжет ҳақида қуйидаги фикрларни илгари суради: “лирик шеър сюжети – тематик жиҳатдан ҳам ва шунингдек ўз тузилишига кўра ҳам биз “қуюлтирилган лирик ҳолат” деб атайдиган –лирик қаҳрамоннинг кучайтирилган, кескинлаштирилган ҳолатини ифодалайди”¹². Т.Бобоев Т.Сильманнинг фикрига қўшилган ҳолда лирик шеърда муайян поэтик фикр ва туйғулар оқими лирик манзарани акс эттиради деб ҳисоблайди. Худди манашу лирик манзара лирик сюжетни ташкил этишини таъкидлайди. Шу бидан бир қаторда фикр ва туйғулар оқими кўзга яққол ташланувчи, унда воқеа вазият яратилувчи ҳамда лирик қаҳрамондан ташқари персонажлар ҳам иштирок этишини таъкидлаб ўтади. Мунаққид бундай шеърларни “воқеабанд шеърлар” деб ҳисоблайди. Қатъий фикрга келиб, барча асарларда, шу жумладан, лирикада ҳам сюжет мавжуд деган ғояни илгари суради.

Хуллас лирикада сюжет тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилиб, унда асосан сюжетнинг маълум бир жиҳатлари очилади ва тўлиқ сюжет кўриниши учрамайди.

¹⁰Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 2005, 108-бет.

¹¹Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002, 108-бет.

¹²Сильман Т. Заметки о лирике. Л., 1977, 6 -бет

ҲОЗИРГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИ УЧУН КУРАШ

Джумаев М. М. ТАТУ Самарқанд

XX асрнинг сўнгида жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган серқирра жараёнлар бизнинг мамлакатимизга ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгарди, икки қутбли дунё барҳам топди, нисбий мувозанат бузилди. Дунёдаги икки қутбнинг бири бўлган собиқ социалистик лагер тарқалиб кетди. Унинг енг катта ва тоталитар тузум ҳукумрон бўлган асосий давлати – собиқ иттифоқ ўтмишга айланди. Бу давлатнинг ўрнида мустақил мамлакатлар юзага келди. Мустабид мафкура ғояларидан холос бўлган халқлар ўз миллий давлатчилик анъаналарини тиклади. “Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларга тинчлик ва тараққиёт инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир”. Бу тамойилларга асосланган эзгу ғоялар умуминсоний манфаатлар башариятнинг асрий орзуси бўлган ёруғ келажак учун хизмат қилади. Лекин, минг афсуски, ҳозирги вақтда дунёнинг мафкуравий манзарасида турли воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган тажовузкор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, ирқчилик, диний экстремизм каби сиёсий кучлар ва оқимлар ҳам бор. Бундай ғайриинсоний, бузғунчи ғоялар халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтириб, инсонларнинг тинчлиги ва осойишталигини бузиб, одамлар бошига турли балолар ёғдирмоқда.

Ҳозирги кунда глобаллашув фақат иқтисод ва сиёсат соҳасида эмас балки маънавият ва мафкура соҳасида ҳам жадаллашиб бормоқда. Айтиш мумкинки, маънавият ва мафкура соҳасидаги глобаллашув бошқа соҳаларга нисбатан жадалроқ юз бермоқда. Бунинг сабаби – ўз мафаатларини кўзлаётган баъзи давлатлар мамлакатимизга мафкуравий жиҳатдан зарали ва вайронкор таъсир ўтказишга уринаётганида. Ҳар қандай халқнинг маънавияти бошқа халқлар маънавиятидан ажралган ҳолда ривожланмайди. Миллий маънавиятлар бир-бирини бойитади ва тўлдирди. Мамлакатимиз Шарқ ва Ғарбни туташтирган карвон йўлларида жойлашгани сабабли, халқимизнинг маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарб маънавиятидан асрлар давомида баҳраманд бўлиб келган. Шу билан бирга Ғарб ва Шарқ халқлари маънавиятидаги ижобий томонларни ўзлаштириш билан чекланиб қолмай, уларга ижобий таъсир кўрсатган. Маънавият ва мафкура соҳасидаги ўзаро таъсир афсуски фақат ижобий томонлар билан чекланмайди. Бу жараёнда салбий ва вайронкор ғоялар ҳам ўз таъсирини ўтказмоқчи бўлади.

Ёшлар орасида буни қабул қилаётганлар кўп бўлмаса-да учраб турибди. Бунинг олдини олишда ёшлар онгига аввало миллий қадриятларимизни чуқур сингдириш зарур бўлади. Бизлар кимларнинг авлодлари эканимизни бир зум ҳам унутмаслигимиз керак деб огохлантирган эди мухтарам юртбошимиз. Шундай экан биз миллий қадриятларимизни унутишга ёки уни сийқаси чиққан “оммавий маданият” махсулотларига алмаштирмаслигимиз лозим. Бу эса огохликни талаб этади.

Ўзбекистон Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган мажлисда Президент Ислом Каримовнинг: “Фарзандларимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг хал қилувчи кучидир”. – деган сўзлари ёшларимизга билдирилган юксак ишонч ҳамда янгича фикрлашимиз учун жиддий туртки вазифасини ўтаётганига шубха йўқ.

ПАЙАРИҚ ТУМАНИ ҚИШЛОҚ ЁШЛАР БОҒИНИНГ МЕЪМОРИЙ– РЕЖАВИЙ ЕЧИМЛАРИ

Ўроқова Дилдора–104 КХАЛТЭ гуруҳи талабаси (СамДАҚИ)

Пайариқ тумани марказида жойлашган ёшлар боғи ҳудуд жихатидан анча катта жойни эгаллаган. Ёшлар ва болаларнинг ўйнаши ва дам олиши учун кўнгилочар парк атракционлари ҳам киритилган бўлиб, боғ жуда манзарали ҳудуд ҳисобланади.



Ёшлар боғининг дарвозаси



Боғдаги чархфалак атракциони



Боғ атракционларидан намуналар

Ёшлар боғида унинг қишлоқ ҳудудида жойлашганига кўп янгиликларни учратамиз. Масалан, шаҳар ҳудудларида замонавий тарзда жаҳон стандартларига мос қилиб қурилган парклардан ҳозирда қолишмаган тарзда қишлоқ ҳудудларида ҳам боғлар барпо қилинмоқда. Мана шундай қулайликларни ҳар бир туман марказларида учратамиз ва гувоҳи буламиз. Боғ-парк деб аташимиз бежизга эмас, чунки бу ерда боғ ва парк атракциони комплекс тарзда жойлаштирилган. Боғда барча ёшдаги аҳоли учун қулайликлар мавжуд. Ҳаттоки кекса отахон-у онахонларимиз учун ҳам бу боғ-парк тоза ҳавоси ва манзарали ҳудудлари билан дилга ҳуш ёқиши аниқ.

Спортни севмайдиган ўғил-қиз Ўзбекистонда топилмаса керак. Шу жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, боғда “ИЛҲОМ” номли икки қаватли спорт зали ҳам қурилган. Ундан ташқари, биз ёшлар учун мисли қутилмаган очиқ спорт майдони ҳам барпо қилинган.



Боғ атракциони ва очиқ спорт майдони

Бундай янгиликлар ва боғ–парк иншоотлари кўзни қувонтиради, албатта. Боғдаги чет мамлакатларникидан қолишмайдиган осмонўпар чархпалак атракционлар архитекторларнинг чексиз меҳнати ва изланишлари эвазига барпо этилмоқда.



Ёшлар маркази ва камолот биноси



Марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази

Боғда ўсмир ёшларнинг ижодий меҳнат қилишлари, ўзларининг ижодий ишларини ва бунёдкор ғояларини аҳоли ўртасида ҳаётга татбиқ қилишлари учун имконият етарлича. Мисол қилиб боғ ўртасида жойлашган икки қаватлик “ЁШЛАР МАРКАЗИ” ва унинг бир томонида туташган “КАМОЛОТ” ёшлар ижтимоий ҳаракати биноларини олишимиз мумкин.



Боғда манзарали дарахтлар ҳам талайгина. Бу игна баргли дарахтлар турига кирувчи арча ва можевельниклар ҳам ўзининг мафтункор кўриниши билан одамни жалб қилмасдан қолмайди.

Марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази деб ном берилган бу бино ҳақиқий дам олишга мўлжалланган десак хато бўлмас.



Худуд киш мавсумидан чиқиш арафасида суратга олингани учун кўпгина манзарали дарахтларни кўриш имкони бўлмади, фақатгина уларнинг уйқудаги ҳолати тушурилди. Боғда жуда кўп манзарали ва мевали дарахтлар мавжуд. Худуд кўпроқ манзарали дарахтлар билан тўлдирилган. Малум масофаларда ёритгичлар ҳам ўрнатилган бўлиб, бу кечки сайр килувчилар учун қулай. Ёз мавсумида фавворалар жуда чиройли кўринишга эга бўлади. Кун давомида ишдан ҳориган халқ дам олиш ва хордиқ чиқариш учун боғ-паркларга чиқишади.

К ПРОБЛЕМЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МАТЕМАТИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ ДЕТЕЙ

Г.Э.Джанпейсова, к.п.н., доцент кафедры «Методика дошкольного образования» ТГПУ имени Низами;

Объявленный 2016 год по инициативе Президента нашей страны Годом здоровой матери и ребенка поднимает на качественно новый уровень работу по воспитанию всесторонне здорового молодого поколения. Важным фактором воспитания детей физически здоровыми и гармонично развитыми личностями является развитие сферы образования. Важнейшей задачей современного образования подрастающего поколения в Республике Узбекистан является формирование мыслительных умений и способностей, которые позволят легко освоить новое. На решение этой задачи направлены содержание и методы подготовки мышления дошкольников к школьному обучению, в частности предматематической подготовки.

Учитывая требования, предъявляемые к разработке программных средств, ориентированных на детей дошкольного возраста (проектирование экранных средств, способы их трансформации, способы взаимодействия дошкольников с компьютером и др.), а также учета программного материала в аспекте математического образования дошкольников была подготовлена компьютерная игровая учебная программа (здесь и далее КИУП) **«Знакомимся с Геометрией».**

Цель: формирование элементарных геометрических представлений у детей 6 – 7 лет на основе использования КИУП.

Предварительная работа. В содержании до-экспериментальных работ с использованием КИУП в обучении дошкольников элементарным геометрическим знаниям были выделены следующие этапы: а) подготовительный; б) индивидуального обучения.

1 шаг. Этап активного использования компьютера. На этом этапе с детьми старшего дошкольного возраста проводятся специальные занятия 2 раза в неделю, в дни наиболее высокой работоспособности: вторник и четверг. Занятия с использованием компьютера организуются на 3-ем часу обязательных учебных занятий. При этом предельно допустимая длительность взаимодействия дошкольников с компьютером не должна превышать 10-12 минут.

2 шаг. С целью определения сформированности элементарных геометрических представлений у старших дошкольников, на основе использования КИУП осуществлялась проверка результатов формирующего эксперимента в экспериментальной и контрольной группах, полученных в ходе организации контрольного эксперимента.

I серия. На основе использования перфорационных карт выявить уровень сформированности представлений о геометрических фигурах и телах, их элементарном строении; умения определять форму и строение предметов (фронтальная форма работы).

II серия. На основе использования двух вариантов подпрограммы «Матрица фигур» КУИП «Геометрия для малышей» определить умение устанавливать классификационные и сериационные отношения между фигурами (групповая форма работы).

III серия. На основе практической деятельности с раздаточным материалом (набор счетных палочек, набор геометрических фигур) определить уровень сформированности умений решать логические задачи на перестроение фигур и поиск недостающей фигуры в плане умственных действий (индивидуальная форма работы).

*Содержание подпрограмм «Знакомимся с фигурами», «Закрась фигуры», «Найди недостающую фигуру», «Геометрический конструктор», «Пройди по лабиринту», «Матрица фигур», «Геометрические орнаменты» объединены игровыми ситуациями и персонажами; их презентация основана на следующих **этапах взаимодействия педагога и детей:***

1. Освоение элементов информационной культуры для развития игровой ситуации.

2. Математическое развитие на *репродуктивном уровне* (репродуктивный выбор формы, величины; раскрашивание геометрических фигур, тел, форм, предметов).

3. Математическое развитие на *частично-поисковом уровне*. Математическое развитие на *творческом уровне* (самостоятельный выбор объекта обучения и его расположение в пространстве; составление рассказа по сюжетной картине).¹⁸

Таким образом, компьютерная игровая учебная программа «Знакомимся с геометрией» как средство математического развития детей приобретает большее значение в силу следующих **функциональных**

¹⁸ Дошкольник и компьютер /Под ред. Л.А.Леоновой. М., 2004. С. 17.

возможностей: направленность на формирование адекватной самооценки детей, опосредованной наличием перспективы развития и ее соотношением с реально существующим положением человека в микросоциуме; виртуальная реальность компьютерной среды, созданной для интерактивного логико-математического обучения дошкольников, обеспечивает повышение его социального статуса в реальном социальном окружении; формирование представления о компьютерах как одном из средств знакомства с миром математики.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ РАҚОБАТБАРДОШ КАДР СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Дониёров А.А. – ТАТУ Самарқанд филиали ассистенти

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг изчил суръатларда ривожланишини ватанга бўлган садоқат туйғуларини шакллантирмасдан ҳал этиб бўлмайди. Айниқса, иқтидорли ёшларни тарбиялаш шунчалик муҳим, мураккаб ва кўп қирралики, мамлакатнинг ҳар бир ривожланиш босқичларида бу масала қайта ва қайта кўриб ўтилади. Шахснинг ижтимоий жиҳатдан шаклланишида тарихий-маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни ўрганиш, асраш ва англаш муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни ташаббускорлик руҳида тарбиялаш асосида – ватанга, яшаш жойига, халқига, ўз оиласига бўлган садоқати ва ҳурмат эътибори ётади. Шу боис ҳам ахборот коммуникация технологиялари шахснинг руҳан етук инсон бўлиб шаклланишида ахборот манбаи сифатида фойдаланиб келинмоқда. Ахборот тизимини жорий этилиши ёш авлодни кадр-қимматини, дунёқарашини, ватанга садоқатини шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунга келиб кўпчилик ёшлар ғарб мамлакатлари томонидан тарғиб этилаётган ҳаёт тарзига ўтиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон ёшларидаги ўзгаришлар, хусусиятлар ва қизиқишларни инобатга олган ҳолда тарбияни ташкил этиш зарур.

Бунда ёшларнинг давлат гимни, давлат байроғи, давлат герби рамзини билишини талаб этади. Шунинг билан бирга мамлакатда олиб борилаётган сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўғри тушуниб англашни тақозо этади. Ватанпарварлик ва ташаббускорлик бугунги кунда ёш авлоднинг руҳий-инсонпарварлик ҳолатини белгиловчи фактор ҳисобланиб, жамиятнинг мўтадиллигини, давлатнинг барқаорлиги, хавфсизлиги ва мустақиллигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик ва ташаббускорлик руҳида ёшларни тарбиялашнинг негизида тарихий онгнинг шаклланиши ётади. Тарихий тарбия – келиб чиқиш тарихи, авлод аждодларни, урф-одатларни билиш билан боғлиқ. Жамиятимизнинг дунё миқёсида тутган ўрни, кўпмиллатлилиги, тарихий жараёнлар, урф-одатлар, диний эътиқод, менталитет хусусиятларини тушуниш, ташқи хуруждан ҳимояланиш даражаси билан ифодаланади.

“ОЛИЙ МАТЕМАТИКА” ФАНИНИ ЎРГАНИШДА МАТЕМАТИК ПАКЕТЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ (GEOGEBRA МП МИСОЛИДА)

Сайфиев Бобур – 201- ХС гуруҳи талабаси,

ДЖаббаров Мамасоли - “Олий математика ва физика” кафедраси доценти

Ватанимиз мустақилликка эришгач, олий техника ўқув юртлари математик таълимида янги педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда, чунки бу дарсларда талабанинг пассив тингловчи эмас, балки ўқув жараёнининг фаол иштирокчиси бўлишини таъминлайди.

Кейинги 25-30 йил ичида дунёнинг етакчи математик ва дастурчилари томонидан мураккаб математик масалаларни ечишга кодир, дастурчи бўлмаган фойдаланувчилар учун мўлжалланган, компьютерларнинг имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишга хизмат қилувчи махсус дастурлар яратилган бўлиб, улар муттасил такомиллашиб бормоқда. Бундай дастурлар компьютер математика системалари(КМС) ёки математик пакетлар(МП) дейилади. Уларга мисол қилиб **Maple, Matlab, Mathematika, GeoGebra, MatCad** ва ҳоказоларни келтириш мумкин. Ҳозир тараққий этган мамлакатлар математик таълимида, айниқса, мустақил ишларни бажаришда МПдан кенг фойдаланишга ўтилаяпти, зарур ўқув адабиётлари яратилмоқда. Бунинг сабаби шуки, МПдан фойдаланиш фанни ўрганиш жараёнининг кўرғазмали, эсда қоларли бўлиши билан бир қаторда талабанинг мустақил ўрганишига кенг имкониятлар яратади. Биз ушбу мақолада математик пакетлардан, нисбатан кейинроқ пайдо бўлгани, **GeoGebra** МП ва унинг “Олий математика” фанини ўрганишдаги имкониятлари ҳақида сўз юритамиз.

“**GeoGebra**” (геометрия ва алгебра сўзларидан олинган) – фойдаланишга қулай, арифметика, геометрия, алгебра, жадваллар ва статистикани ўз ичига олувчи динамик математик дастурдир. Пакет **Java** тилида Австриялик олим Маркус Хохенвартер томонидан ишлаб чиқилган. Унинг аппарат платформаси ҳам **Java**, ҳам **HTML5** да ишлашга мўлжалланган. **GeoGebra** геометрик пакети **Windows, Lunix, MacOS**дан ташқари яна **Android** бошқарувида ишлайдиган мобил қурилмалар учун ҳам яратилган. Дастур муттасил такомиллаштириб борилмоқда, унинг охириги **GeoGebra5.0** версияси 2016 йил феврида яратилган. Пакетнинг **Maple, Matlab, Mathematika, MatCard** каби системаларга нисбатан кучли томонлари: интерфейсининг оддийлиги, бўлажак муҳандислар ва конструкторлар учун муҳим бўлган геометрик яшаш жараёнининг табиийлиги ва қулайлиги, геометрик яшашларнинг аналитик интерпретациялар билан бир вақда олиб борилишидир. Масалан, координата текислигида(полотнода): учта нуқта белгиланиб улардан учбурчак ясалса, система томонидан автоматик равишда бу учбурчакка, унинг томонларига ном берилади, учбурчак учларининг координаталари, томонларининг узунликлари, юзи ҳисобланиб объектлар панелида ёзилади; агар фокуслари (абцисса ўқида бўлиши шарт эмас!) ва бирорта нуқтасига кўра эллипс ясалса, бунда объектлар панелида берилган нуқталарнинг координаталари ва эллипсининг тенгламаси пайдо бўлади. **GeoGebra** МПнинг имкониятларидан

айримларини кўрсатиш учун “Олий математика” фани “Аналитик геометрия” бўлимига доир баъзи масалаларининг **GeoGebra** МПдан фойдаланиб ечилишига оид мисоллар келтирамиз.

1-мисол. Фокуслари $F_1(1; 1)$, $F_2(6; 3)$ нуқталарда бўлиб, $M(3; 3)$ нуқтадан ўтувчи эллипси ясанг ва $M(3; 3)$ нуқтанинг фокал радиуслари r_1, r_2 ларни топинг.

Масаланинг **GeoGebra** МПда ечиши қуйидагича:

1) **GeoGebra** МПни ишга тушириб, “Перспективы” рўйхатидан “Алгебра и графики” ни танлаймиз. Экранда 2 та: чапда “Панель объектов” ва ўнгда “Полотно”(текисликда координата системаси) қисмлар пайдо бўлади;

2) **GeoGebra** ойнасида эллипс белгиси кўрсатилган бўлимга кирамиз. Эллипс фокуслари ва эллипсдаги нуқтани киритиш сўралади (русча). $(1; 1)$, $(6; 3)$, $(3; 3)$ нуқталарни киритамиз, компьютер уларга A, B, C деб ном беради. “Полотно”да фокуслари A, B нуқталарда, C нуқтадан ўтувчи эллипс ясалади ва унга c деб ном берилади. “Панель объектов” да нуқталар номи, координаталари, эллипснинг номи ва тенгламаси пайдо бўлади. «Свойства»-«Переименовать» га кириб, нуқталар номини ўзгартирамиз.

3) “Отрезок” бўлимига кириб, MF_1, MF_2 кесмалар узунликларини, яъни $M(3; 3)$ нуқтанинг фокал радиусларини топамиз, бунинг учун кесмалар учларини белгилаш етарли. «Панель объектов»да улар узунликлари пайдо бўлади. Улар номини «Свойства»-«Переименовать» га кириб, r_1, r_2 деб ўзгартирамиз.

Натижада “Полотно”да эллипс ва нуқтанинг фокал радиуслари ясалади (1-расм), «Панель объектов»да эллипс номи, тенгламаси, фокал радиуслари узунликлари ва берилган нуқталар координаталари пайдо бўлади:

$$\begin{array}{l} \text{Ellips: } 35.88x^2 - 80xy + 119.88y^2 - 91.18x - 199.53y = -190.23 \\ r_1 = 2.83 \quad r_2 = 3 \quad F_1 = (1, 1) \quad F_2 = (6, 3) \quad M = (3, 3) \end{array}$$

2-мисол. Учлари $A(-3; -2)$, $B(-2; 2)$, $C(3; 4)$, $D(5; -1)$ нуқталарда бўлган тўртбурчакни ясанг, томонлари узунликларини ва юзини топинг.

Масаланинг **GeoGebra** МПда ечиши қуйидагича:

1) **GeoGebra** МПни ишга тушириб, “Перспективы” рўйхатидан “Алгебра и графики” ни танлаймиз.


2) Меню пастидаги $\cdot A$ бўлимдан, “Точка” ни танлаб, “Полотно” (координата системаси)да $(-3; -2)$, $(-2; 2)$, $(3; 4)$, $(5; -1)$ нуқталарни белгилаймиз (ясаймиз). Дастур уларга A, B, C, D деб ном беради.

3) **GeoGebra** ойнасининг учбурчак белгиси кўрсатилган бўлимининг «Многоугольник» бўлимига кирамиз. Кўпбурчак учларини белгилаш сўралади(русча). Уларни кетма-кет белгилаб, $ABCD$ тўртбурчактни ҳосил қиламиз. “Полотно”да ичи бўялган, томонларига мос равишда a, b, c, d , ўзига “многоугольник1” деб ном берилган $ABCD$ тўртбурчак ҳосил бўлади. «Свойства»-«Переименовать» га кириб, тўртбурчак номини $SABCD$ деб ўзгартирамиз(2-расм). «Панель объектов» эса тўртбурчакнинг учлари координаталари, томонлари узунликлари ва юзига оид маълумотлар ҳосил


бўлади:

$Точка: A = (-3, -2) \quad B = (-2, 2) \quad C = (3, 4) \quad D = (5, -1)$
$a = 4.12 \quad b = 5.39 \quad c = 5.39 \quad d = 8.06$
$S_{ABCD} = 30$

Келтирилган мисоллардан кўринадики, **GeoGebra** дастурини ўрганиб олиш ва ундан нафақат «Олий математика» фанини ўрганишда, балки ҳисоблаш-график ишлари, курс ишлари ва битирув малакавий ишларни бажаришда ҳам фойдаланиш мумкин.



1- расм



2 - расм

МАҲАТМА ГАНДИНИНГ КУЧ ИШЛАТМАСДАН КУРАШИШ ҒОЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АҲАМИЯТИ

СамДАҚИ ўқитувчиси Жаббаров.Р.Ф.

Ҳинд халқининг буюк фарзанди, Ҳиндистон озодлиги ва мустақиллигининг ялловбадори Мохандас Карамчанд Ганди 1869 йилда Ҳиндистоннинг Гужарот вилоятида туғилган. Ўз ҳавётини Ватани озодлиги билан боғлаган мутафаккирни ҳинд халқи, “Махатма” яъни буюк қалби сохиби деб эзозлаган. Ганди «сатьяграха» («куч ишлатмасдан курашиш») ғоясининг асосчиси сифатида 1915 йилдан Миллий конгресс ишларида фаол қатнаша бошлаган. У инглиз мустамлакачиларига қарши тинч намойишлар ўтказиш, чет эл товарларини байкот қилиш, расмий мансаб ва унвонлардан воз кечиш, солиқ тўлашдан бош тортиш каби кураш усуллари орқали меҳнаткаш оммани курашга жалб этади.

Ганди бутун фаолиятида дин билан сиёсатни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилган. Шу боисдан ҳам Гандининг барча динлар ҳамкорлиги ва дўстлиги ҳақидаги ғоялари Ҳиндистондаги реакцион унсурларнинг ғазабини келтирган. Оқибатда у ушбу шовинистик кучларнинг қурбонига айланди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Толстой ғояларининг қабул қилиниши ва ривожланиши ҳам Ганди билан боғлиқ.

Гандининг ижтимоий сиёсий фаолиятида улўф рус ёзувчиси Лев Толстой ижоди катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

У ижтимоий адолатсизлик, тенгсизликка барҳам бериш йуллари ҳақида уйлар экан, Толстой асарларида бунга жавоб топгандек бўлади.

Жумладан, у “Қалбимиздаги Худо салтанати” китобини ўқиб чиқади ва ижтимоий адолатсизликка қарши курашнинг ягона йўли Толстойнинг «ёвузликка қарши зўравонлик билан жавоб бермаслик» ғояси эканини тушуниб етади. Ганди ва Толстой уртасидаги ўзаро ёзишмаларда халқ, миллат равнақи марифатпарварлик ғояларни ва уларни амалга ошириш борасида фикир алмашилади

1915 йилда Ганди Ҳиндистонга қайтади ҳамда нозўравонлик сиёсий кураш тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқади. Толстой учун қаршилик кўрсатмаслик ёвузлик билан кураш ғояси сифатидагина маъно касб этарди. Шу манода Толстой бу ғоя менинг ичимдаги курашдир, деб таъкидлайди ҳар бир одам ўзидан бошлаши керак ва шу тариқа бу ғоя оламга тарқалади. Бу ўринда Ганди зеро, бу курашиш “Нозўравонлик –дунёда мавжуд бўлган ижтимоий ёвузликка қарши сиёсий кураш шаклидир”. деб такидлаб ўтади.

1920 йилда Ганди нозўравонлик кураш тактикасини ва энг муҳими, нозўравонлик сиёсий кураш услубларини ишлаб чиқади. Бу энди нафақат куруқ сўз, куруқ чақирик, балки нозўравонлик сиёсий курашининг аниқ усуллари эди. Булардан биринчиси –ҳамкорликдан бош тортиш, иккинчиси эса фуқаровий бўйсунмасликдир.

Ўша вақтда Ҳиндистонда фуқаролик уруши бошланиши сезилиб қолди, ўт кўйишлар, талончиликлар, низолар... Ўшанда Ганди мана бундай эълон берди: «Низолар тўхтамагунича, динлараро зиддият бартараф этилмагунича, мен очлик эълон қиламан». Бу ерда жуда муҳим ҳолат бор. Зўравонликсиз кураш унга фақат харизматик лидер раҳбарлик қилган тақдирдагина муваффақиятли бўлади. Обрўли харизматик лидерсиз нозўравонлик кураш мумкин эмас. Ганди мана шундай харизматик раҳбар эди. У бутун мамлакатга «Низолар тўхтамагунича, мен очликни тўхтатмайман», деб эълон қилади. Ҳар ҳолда, у ёш йигит эмасди, у узоқ вақт камокда сақлангани учун соғлиғи ҳам ёмонлашганди газеталар ҳар куни унинг соғлиғи тўғрисида маълумот берган. Унинг олдига парламент депутатлари келадилар ва айтадилар: «Сен ҳозир миллатга кераксан, сен ўзингни ўзинг ўлдираяпсан. Бу тартибсизликлар ўз-ўзидан бартараф бўлади». У: «Йўқ»,деб жавоб беради. Ҳақиқатан у заифлашади, тўшакка ётиб қолади, энди ҳар бир соатда унинг соғлиғи тўғрисида хабарлар пайдо бўла бошлайди ва аста-секин мамлакатда низолар тўхтаб, фуқаролик уруши олови сўнади. Ганди ўз шахсий намунаси, ўз ишининг ҳақлигига ишончи комиллиги билан ўшанда фуқаролик урушини тўхтатиб қолади.

Махатма Ганди ўзининг кечинмаларга бой ҳаёти билан Ҳиндистон халқи учунгина эмас, бутун дунё халқлари учун намуна бўлиб қолган.

ВЫЧИСЛИТЕЛЬНЫЙ АЛГОРИТМ РАСЧЕТА МНОГОСЛОЙНЫХ ПЛАСТИН СО СЛОЖНОЙ КОНФИГУРАЦИЕЙ

Жумаев С.С. – старший преподаватель НавГПИ

В настоящее время многослойные конструкции широко применяются в различных областях современных конструкций. Они являются важными конструктивными элементами современных строительных сооружений, машиностроения и др. Конструкции, имеющие слоистую структуру, широко

применяются в современной технике. Повседневная практика непрерывно выдвигает новые задачи в области расчета таких конструкций и предъявляет все более высокие требования к надежности расчетов, стимулируя этим развитие теории многослойных конструкций.

В работе [1] согласно гипотезам, приведенным в [2], выведены уравнения движения многослойных пластин при соответствующих начальных и краевых условиях.

При выводе математической модели многослойных пластин использован вариационный принцип Гамильтона – Остроградского, согласно которому

$$\delta \int_t (K - \Pi + A) dt = 0, \quad (1)$$

где K – кинетическая энергия системы, Π – потенциальная энергия системы, A – потенциал внешних сил, δ – операция варьирования.

Рассмотрен случай когда,

$$\begin{aligned} K &= \iiint_V \rho \left[\left(\frac{\partial u_1^{(k)}}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial u_2^{(k)}}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial u_3^{(k)}}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial u_1^{[k]}}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial u_2^{[k]}}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial u_3^{[k]}}{\partial t} \right)^2 \right] dx dy dz, \\ \Pi &= \int_V \left[\left(\sigma_{11}^{(k)} \varepsilon_{11}^{(k)} + \sigma_{22}^{(k)} \varepsilon_{22}^{(k)} + \tau_{12}^{(k)} \varepsilon_{12}^{(k)} \right) + \left(\tau_{13}^{[k]} \gamma_{13}^{[k]} + \tau_{23}^{[k]} \gamma_{23}^{[k]} + \sigma_{33}^{[k]} \varepsilon_{33}^{[k]} \right) \right] dV, \\ A &= - \sum_{k=1}^n \int_V \left(q_1^{(k)} v_1^{(k)} + q_2^{(k)} v_2^{(k)} + q_3^{(k)} w^{(k)} \right) dV - \\ &- \sum_{k=1}^n \int_{\Gamma} \left[N_n^{(k)} v_n^{(k)} + N_l^{(k)} v_l^{(k)} - Q^{(k)} w^{(k)} + M_n^{(k)} \frac{\partial w^{(k)}}{\partial n} + M_l^{(k)} \frac{\partial w^{(k)}}{\partial l} \right] d\Gamma. \end{aligned} \quad (2)$$

В (2) перемещения $u_i^{(k)} (i = \overline{1,3})$ соответствуют жестким слоям, а $u_i^{[k]} (i = \overline{1,3})$ – мягким, где k – число слоев. Компоненты напряжений и деформаций жесткого слоя $\sigma_{ij}^{(k)}, \varepsilon_{ij}^{(k)}$, компоненты напряжений и деформаций мягкого слоя $\tau_{ij}^{[k]}$ и $\gamma_{ij}^{[k]}$; $q_i^{(k)} (i = \overline{1,3})$ – внешняя нагрузка; $N_n^{(k)}, N_l^{(k)}$ – действующие внешние силы; $Q^{(k)}$ – внешняя поперечная сила; $M_n^{(k)}, M_l^{(k)}$ – внешние изгибающий и крутящий моменты; Γ – граничная область.

Число уравнений движения многослойной (n – слойной) пластинки составляет $3n$ уравнений, для которые решаются соответствующих начальных и краевых условиях.

Если рассматриваемые границы области сложного вида, то при приведенных краевых условиях следует переход от координат x, y к координатам n и τ .

Ниже приведены основные граничные условия:

1. Жестка защемленный край:

$$\begin{aligned} u_1^{(k)} \Big|_{\Gamma} = v_1^{(k)} \Big|_{\Gamma} = u_2^{(k)} \Big|_{\Gamma} = v_2^{(k)} \Big|_{\Gamma} = w_1^{(k)} \Big|_{\Gamma} = w_2^{(k)} \Big|_{\Gamma} = 0, \\ \frac{\partial w_1^{(k)}}{\partial n} \Big|_{\Gamma} = \frac{\partial w_2^{(k)}}{\partial n} \Big|_{\Gamma} = 0. \end{aligned}$$

2. Скользящая заделка:

$$w_1^{(k)}|_{\Gamma} = w_2^{(k)}|_{\Gamma} = \frac{\partial w_1^{(k)}}{\partial n}|_{\Gamma} = \frac{\partial w_2^{(k)}}{\partial n}|_{\Gamma} = 0,$$

$$\sigma_n^{(k)}|_{\Gamma} = \tau_n^{(k)}|_{\Gamma} = 0.$$

3. Скользящий шарнир:

$$w_1^{(k)}|_{\Gamma} = w_2^{(k)}|_{\Gamma} = 0,$$

$$M_n|_{\Gamma} = 0,$$

$$\sigma_n|_{\Gamma} = \tau_n|_{\Gamma} = 0.$$

4. Закрепленный шарнир:

$$u_1^{(k)} = u_2^{(k)} = v_1^{(k)} = v_2^{(k)} = 0,$$

$$M_n|_{\Gamma} = 0.$$

5. Свободный край:

$$M_n|_{\Gamma} = 0, \quad \left(Q_n + \frac{\partial}{\partial n} M_{n\tau} \right)|_{\Gamma} = 0,$$

где $\sigma_n = \sigma_1 l_1^2 + \sigma_2 l_2^2 + 2\sigma_{12} l_1 l_2$, $\tau_n = \tau_{12} (l_1^2 - l_2^2) + (\sigma_2 - \sigma_1) l_1 l_2$,

$M_n = (M_1 l_1^2 + 2M_{12} l_1 l_2 + M_2 l_2^2)$, $M_{n\tau} = M_{12} (l_1^2 - l_2^2) + (M_2 - M_1) l_1 l_2$, $Q_n = Q_1 l_1 + Q_2 l_2$,
здесь $l_1 = \cos \alpha$, $l_2 = \sin \alpha$.

Здесь дискретизация по пространственным переменным осуществляется на основе метода Бубнова – Галеркина [2], а затем при решении задач Коши можно применять методы Ньюмарка, Рунге – Кутта и центрально разностную схему [4]. При этом последовательности координатных функций (структура решений) строится на базе метода R – функций В.Л.Рвачева [5].

“KADRLAR TAYORLASH MILLIY DASTURI” VA O’ZBEKISTONDA TA’LIM TIZIMIDAGI ISLOHOTLAR.

Jumayeva Sh.S. QarMII, “Ijtimoiy fanlar kafedrasi” katta o’qituvchisi

Mustaqil O’zbekistonning iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy taraqqiyoti va ravnaqi ko’p jihatdan ta’lim-tarbiya jarayoni ,intellectual potentsiali bilan o’zaro chambarchasdir. Chunki, ilmiy potentsiali yuqori darajada rivojlangan mamlakat barcha sohalarda doimo ilg’or bo’ladi. Respublikamiz Prezidenti I.A. Karimov ta’kidlaganidek, Vatanimiz kelajagi islohotlarning taqdiri va ularning natijalari, xalqimizning bilim darajasi davr talabiga va taraqqiyotiga qanchalik mosligiga, qanday mutaxassislar yetqazib berib, o’rnimizni egallashlariga bog’liqdir. Shuning uchun mamlakatimiz rahbariyati ta’lim tizimini tubdan isloh qilishga katta e’tibor qaratayapti. Shunga ko’ra, yuqori malakali kadrlar tayyorlash davlat siyosati darajasiga ko’tarilmoqda. Yuqori malakali mutaxassis kadrlarni tayyorlashga erishish uchun ta’lim jarayonini tashkil qilish va boshqarishning o’ziga xos talablari mavjud.

Birinchidan, o’quvchi-talabalarning kasbiy bilimlari, o’zlashtirish darajasi davlat tarmoq ta’lim standartlari talabalariga mosligini ta’minlash:

Ikkinchidan, o'quvchi talabalarning mustaqil ijodiy faolligini davlat ta'lim standartlarida belgilangan bilim, ko'nikma va malakalari doirasini to'liq qamrab, olishga erishish. Shuningdek, davlat ta'lim standartlarida belgilangan bilim, ko'nikma va malakalari doirasidan tashqari fundamental va axbarot texnologiyalariga doir bilimlarni o'zlashtirish va ilmiy tadqiqotlar olib borish ko'nikmalariga ega bo'lish bilan yuqori malakali mutaxassis kadrlarni tayyorlash shartlari hisoblanadi. Uzluksiz ta'limning faoliyat ko'rsatish tamoyillaridan biri, ta'limning ustuvorligi-uning rivojlanishining birinchi darajali ahamiyatga ega ekanligi, bilim, ta'lim va yuksak intellektning nufuzidir.

Ta'lim tizimi sohasida 1997 yilga qadar ma'lum ishlar, yangiliklar amalga oshirildi, chora- tadbirlar ishlab chiqildi. Biroq, bu chora-tadbirlar davlatimiz oldida turgan vazifalarni amalga oshirishdagi talablarga to'la javob bera olmas edi. Shu munosabat bilan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov 1997 yil Oliy Majlisning IX sessiyasida mustaqillik yillarida ta'lim sohasida erishilgan natijalarga tanqidiy yondashib, kadrlar tayyorlash tizimida tub islohotlar zarurligini asoslab berdi. Mazkur nutqqa ramziy ma'noda " Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyotining poydevori" deb nom berilgan. Ushbu tarixiy sessiyada I.A.Karimov xalqimizga Kadrlar tayyorlash milliy dasturi va Kadrlar tayyorlashning milliy modelini taqdim etdi. Prezidentning maxsus Farmoni bilan kadrlar tayyorlash, ta'limni isloh qilish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi deb e'lon qilindi va Milliy dastur bosqichma-bosqich hayotga tadbiiq etila boshlandi. "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" o'zining ilmiy asoslanganligi, noyobligi va ertangi kunga- XXI asrga mo'ljanlanganligi bilan hayotimizda o'z o'rnini topdi, dunyo hamjamiyati tomonidan tan olindi, o'rganilmoqda, targ'ib etimoqda.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturining g'oyasi, maqsadi, fikrlar qamrovi teranligi bilan katta ijtimoiy ahamiyatga egadir. Mazkur dastur, uni ro'yobga chiqarish omillari jamiyatda zamonaviy ta'limning yuksak qadriyatlarini anglab etish hissini yuzaga keltiradi. Bu qadriyatlar barkamol shaxsni shakllantirishga, mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojiga o'z ijobiy ta'sirini o'tqazmoqda va bu jarayon takomillashib boraveradi.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturi "O'zbekiston – kelajagi buyuk davlat" g'oyasiga asoslanadi va unga xizmat qiladi. Mustaqil shaxsni shakllantirish jarayoni uzoq va murakkab bo'lib, bir tomondan, barcha davlat tuzilmalari hamda ijtimoiy tashkilotlarning va ayniqsa ta'lim tizimi mazmunining takomillashtirilishini, ikkinchi tomondan esa bevosita ushbu masalani amalga oshirishni ta'minlovchi yagona tarbiya tizimini barpo etish lozimligini taqozo etadi.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturining tadbiiq'i kishining jamiyatda o'z o'rnini topish jarayonini tezlashtiradi. Zero, har bir inson o'smirlik, ya'ni voyaga yetish arafasidanoq jamiyatda o'z o'rnini topa olishi va belgilay bilishi lozim. Aks holda bu uning hayot yo'llarida sarson, maqsadsiz bo'lib qolishiga olib keladi. Bu esa yoshlarning o'ziga ishonchini so'ndirishi, ayrim hollarda jamiyatda o'z o'rnini topa olmaslikka, o'z foydasi va jamiyat foydasini ta'minlay olmasligiga sabab bo'ladi. Demak, uning shaxs ,bo'lib shakllanishi gumon bo'lib qoladi. Kadrlar tayyorlash milliy modelini hayotga tadbiiq etish bilan ana shunday salbiy oqidatlarning oldi olinadi.

Milliy dasturning amalga oshirilishi jamiyatda mustaqil fikrlaydigan shaxs-

ning shakllanishiga olib keladi. Bunday shaxslarning ko'payishi jamiyatda ongli hayot kechirish tizimini vujudga keltiradi."ng asosiysi bunday kishilarga chetdan hech qanday nopok kuch, buzuq goyalar, quruq shiorlar, chaqiriqlar bilan ta'sir etib bo'lmaydi. Bunday odamlarni o'z tanlagan yo'llari, maqsadlaridan hech qanday kuch adashtira olmaydi. Aynan shu xislatlar, milliy xabfsizlikning mustahkamlanishiga olib keladi. Bugungi jahon hamjamiyati shunday bir mavqedaki, hal qiluvchi omil harbiy qudratda emas, balki intellektuak salohiyatda, fikrda, aqlda, ilg'or texnologiyalardadir. Zero, Prezidentimiz I.A.Karimov tomonidan ta'kidlangan: "Kuch-bilim va tafakkurda" degan hikmat bugun va ertangi kun uchun aytilgandir.

MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASASIDA BOLALARNI TABIAT BILAN TANISHNIRISH

Z. Qarshiyeva SamVXTXQTUMOI assistenti

Maktabgacha yoshdagi bolalarni har tomonlama kamol toptirish va tarbiyalashning eng samarali usullaridan biri bu tabiat bilan tanishtirishdir. Tabiat - bolani ma'naviy boyitishning bitmas-tuganmas manbaidir. Bolalar doimo u yoki bu shaklda tabiat bilan aloqada bo'ladilar. Ularni yam-yashil o'tloqlar, anvoi gullar, kapalaklar, qo'ng'izlar, qushlar, hayvonlar, suzib yurgan bulutlar, pag'a-pag'a yog'ayotgan qor uchqunlari, jilg'a va ko'lmaklar o'ziga jalb qiladi. O'simlik hamda hayvonotlarning xilma-xil olami bolalarda tabiatga nisbatan jonli qiziqish va havas uyg'otadi, ularni faoliyatga undaydi. Tabiat bilan muloqotda bo'lish bolalarda atrof-olam haqida realistik bilim, jonli mavjudotga insoniy munosabatda bo'lishni shakllantirishga yordam beradi.

Jonli tabiat burchagi uchun o'simlik va hayvonlarni tanlashda bir qator talablarni nazarda tutish lozim. Ular quyidagilardir:

1) o'simlik yoki hayvon u yoki bu ekologik guruhga xos bo'lishi lozim. Bunda bolalarni o'simlik va hayvonlarning katta guruhi uchun xarakterli bo'lgan, asosiy, o'ziga xos belgilari, yashash sharoitlari bilan tanishtirish imkoni yaratiladi;

2) tabiat burchagida yashovchilarni parvarish qilish, qilinadigan mehnatning sifati, xarakteri, unga sarflanadigan kuch va ^{Va}Qtiga ko'ra maktabgacha yoshdagi bolalarning yoshiga mos (tarbiyachining ishtiroki va rahbarligi ostida) bo'lishi lozim. Shuning uchun «beor» o'simliklar va ovqatni tanlamaydigan hayvonlar tanlanadi;

3) tabiat burchagidagi hayvon va o'simliklar tashqi ko'rinishidan yorqin, jozibador, maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning hali unchalik barqaror bo'lmagan diqqatini o'ziga jalb qila oladigan bo'lishi kerak;

4) tabiat burchagida bu turdagi o'simlik va hayvonlarning bir necha xili mavjud bo'lishi lozim. Chunki bolalar kuzatish obyektida faqat umumiy belgilarnigina emas, balki o'ziga xos xususiyatli belgilarni ham ko'ra olishlari kerak. Bu bolalarning tirik organizmlarning xilmaxilligi hamda takrorlanmasligini bilib olishlariga yordam beradi;

5) tabiat burchagida o'simlik va hayvonlar tamoman xavfsiz bo'lishi, bolalarning sog'liqlariga hech qanday zarar yetkazmasligi lozim;

MTMda tabiat bilan tanishtirishda ko'rgazmalilik katta ahamiyat kasb etadi. Chunki bola tabiat bilan ham nafas bo'lganidagina unda o'zaro munosabat

shakllanadi bunday sharoitni tarbiyachilar mashg'ulotlarda kunlik faoliyat davomida tabiat burchagidan foydalanishi zarur. MTM ma'muriyati davlat talablari asosida tabiat burchagini tashkil etishi zarur.

БАХТ ВА САОДАТ КУЙЧИСИ

З.Ф.Ахатова Самарқанд Таянч тиббиёт коллежи талабаси.

Илмий рахбар доцент Н.А.Бобоқандов

Зулфия Исроилова халқимизнинг атоқли ва ардоқли вакили, Ўзбекистон халқ шоири, халқаро “Нилуфар”, Жавоҳарлал Неру номидаги ҳамда Давлат мукофотлари соҳибасидир. У 1915-йили Тошкент шаҳрининг қадимий Дегрез маҳалласида таваллуд топган. Аввал бошланғич мактабда, сўнг хотин-қизлар билим юртида таҳсил олган. 1935 – 1938-йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиган. Шундан кейин турли нашриётларда ишлаган. 1953-йилдан 1980-йилгача, қарийб ўттиз йилга яқин республикамизда кенг тарқалган “Саодат” номли хотин-қизлар журналида бош муҳаррир бўлган.

Зулфиянинг дастлабки шеърлари “Ҳаёт варқлари” номи билан 193-йилда босилиб чиққан. Шундан сўнг шоиранинг “Шеърлар” ва “Қизлар кўшиғи” (1938-йил), “Уни Фарҳод дер эдилар” (1943-йил), “Ҳижрон кунларида” (1944-йил), “Далада бир кун” (1948-йил), “Тонг кўшиғи” (1953-йил), “Юрагимга яқин кишилар” (1958-йил), “Куйларим сизга” (1965-йил), “Ўйлар”, “Шалола” каби ўнлаб шеъррий тўпламлари чоп этилди. У атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон билан оила қурган. Бироқ улар орзуларга тўла ҳаёт кечираётган паллада – 1944-йили машина аварияси туфайли турмуш ўртоғидан айрилади. Шундан сўнг умр бўйи ўз муҳаббатига содиқ қолиб, Ҳамид Олимжоннинг ишларини сабот билан давом эттиради. Унинг “Семурғ”, “Зайнаб ва Омон” дostonлари асосида пиеса ва опера либреттолари яратади. Ўзи ҳам “Қуёшли қалам”, “Мушоира”, “Хотира синиқлари” каби поэмалар ёзади. Рус, украин, озарбойжон, ҳинд шоирларининг шеърларини ўзбек тилига таржима қилади.

Зулфия кенг танилган жамоат арбоби эди. У Осиё, Африка ва Европанинг ўнлаб давлатларида бўлиб, халқаро хотин-қизлар ҳамда адабиёт намоёндаларининг ҳаракатларида фаол иштирок этарди. Юртбошимиз Ислom Каримов таърифларича “Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақл-у закosi, фазл-у камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган”. Шоиранинг шеърлари инглиз, немис, рус, болгар, хитой, ҳинд, япон, араб, форс, ветнам каби жуда кўп хорижий тилларга таржима қилинган эди. Шоира 1997-йил 82 ёшида вафот этган.

Зулфия шеърлари ҳарорат билан битилган эҳтиросли, ҳаётбахш шеърлардир. Улар хоҳ Ватан ҳақида - унинг гўзал табиати, меҳнаткаш одамлари, буюк бунёдкорлик қудрати хусусида бўлсин, хоҳ инсонларнинг турфа ҳис-туйғулари: меҳр-муҳаббат, қувонч-у шодлик, бахт, садоқатни тараннум этишга бағишланган бўлсин - барчасида ҳаётсеварлик, ўқувчида ёруғ кайфият пайдо этиш истаги ҳукмрондир.

*Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан қилмабман парво.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоҳ.*

Шоира ҳар тонг умид билан, илҳом, ижод билан кечган умрини – маънавий умрини азиз билади. Одми, оддий либос кийдими ёки гоҳи оч, гоҳи тўқ яшадими, уларга парво қилмади. Ҳаётидаги энг муҳим деб билгани юрак бойлиги, яъни хотиралари, эзгу туйғуларини асради. Ўнлаб шеърӣ китоблар, дostonлар яратди. Суюкли ёри Ҳамид Олимжон номини азиз сақлаб, унинг ишларини давом эттирди, фарзандларини, набираларини эл-юртга нафи тегадиган, зиёли инсонлар қилиб тарбиялади. Ўзи ҳам эътибор, эъзоз топиб, халқаро майдонда ҳам шоира, ҳам жамоат арбоби бўлиб танилди.

ФИЗИКАНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

И.Т. Турдибеков, Н.Х. Холдоров, Ф.Н. Жамолов (СамДАҚИ)

Мустақиликка эришганимиздан кейин долзарб муаммолардан бири таълим- тарбия тизимини ислоҳ қилиш, унинг самарадорлигини давр талаблари даражасига етказишдан иборат бўлди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ” асосида ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимларида мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимига босқичма-босқич ўтишмоқда.

XXI асрда илмий-техник тараққиёт янада юксак даражада давом этмоқда. Копьютерлардан, интернет тизимидан, уяли телефонлардан ва замонавий ахборот –коммуникация технологияларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Илмий-техник тараққиёт туфайли анъанавий ўқитиш усуллари билан бир қаторда замонавий ўқитиш усуллари юзага келмоқда. Интерфаол инновацион усуллар, масофадан ўқитиш, электрон дарсликлар орқали билим олиш йўлга қўйилмоқда.

Инновацион усуллар ёрдамида табиий фанларни ўқитиш янада муҳимроқ. Физика дарсларида мавзулар мазмунининг ўзига хослигидан ва машғулот турларидан келиб чиққан ҳолда, турли интерфаол усулларини қўллаш мумкин бўлади.

1. Ижодий ғояларни яратишда, муаммоли масалаларни ҳал этишда ва талабаларнинг фаоллигини оширишда ақлий ҳужум усулидан фойдаланилади. Аниқ мақсад асосида таҳлил қилинадиган масалалар талабалар ҳукмига ҳавола қилинади. Ҳамма учун қўйилган муаммонинг ечимига тегишли бўлган ўз фикрини чекланмаган ҳолда баён қилиш имконияти яратилади. Барча ғоялар ким томонидан айтилишидан ва тўғри ёки нотўғрилигидан қатъий назар танқид қилинмасдан ёзиб борилади. Ақлий ҳужум тўхтатилгандан сўнг фикрлар муҳокама қилиниб, ҳақиқатга энг яқини қабул қилинади. Ақлий ҳужум усулидан маъруза ва амалий дарсларда талабаларни гуруҳларга бўлиб ёки бўлмасдан ҳам фойдаланиш мумкин.

2. Гуруҳий (ҳамкорликда) ўқиш усулидан маъруза ва амалий дарсларда кенг фойдаланилади. Гуруҳий ўқиш усули билим олувчиларнинг тафаккурини, ҳозиржавоблигини, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятини, ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга ҳамда талабалар ўртасида дўстона муносабатларни ўрнатишга олиб келади. Талабалар гуруҳий ўқишини ташкил қилишда ўқитувчининг биринчи вазифаси гуруҳларни ташкил қилишдан иборат.

Ҳамкорликда берилган жавоблар бутун гуруҳ муҳокамасига тақдим этилади. Ўқитувчи муҳокамага яқун ясайди ва ҳар бир кичик гуруҳ талабалари бир хил балл билан баҳоланади.

3. Иссиқ картошка усулини талабалар фаоллигини, фанга бўлган қизиқишини орттириш мақсадида қўллаш мумкин. Аввало, талабалар сонига қараб саволлар тайёрланади ва уларнинг доира шаклда жойлашишига имконият яратилади. Иссиқ картошка усулини лаборатория машғулотларида дарс бошланишида ёки дарс охирида қўлласа бўлади.

4. ФСМУ-технологияси (Ф-фикрингизни баён этинг, С-фикрингиз баёнида бирор сабаб кўрсатинг, М-кўрсатилган сабабга мисол келтиринг, У-фикрингизни умумлаштиринг) усули. Бирор мавзу ўтилиб бўлингандан кейин талабага ФСМУ-технологияси бўйича ўтилган мавзунини тушунтириб беринг деган савол қўйилади. Бу усулни қўллашда талабага ўз фикрини қисқа вақт ичида баён этишга имконият берилади. ФСМУ-технологияси усулини Ньютон қонунлари ва бошқа мавзуларда ҳам вақти-вақти билан қўллашни тавсия қиламиз.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги илмий-техник тараққиёт асрида ўқув жараёнида интерфаол инновацион усулларни қўллаш давр талаби.

ОНЛАЙН МУЛОҚОТНИНГ ЁШЛАР РУҲИЯТИГА ТАЪСИРИ

Э.Ибрагимов ҚарДУ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Компьютер тармоқларининг замонавий инсон ҳаёт ва фаолиятига жадал кириб бориши ва ривожланиши жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳатто сиёсий масалаларини ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда, шу билан бирга, шахснинг шахсий хусусиятлари, билим доираси, дунёқараши ўзгаришига ҳам таъсир этмоқда. Глобал Интернет тармоғининг тараққий этиши билан замонавий шахс ахборот технологиялари даври билан ҳамнафас ҳолда унинг маънавий ва маданий ҳаёти «онлайн ҳаёт» тарзини бошидан кечирмоқда.

Замонавий шахс ҳар соҳадан хабардор, билим ва малакали, кенг дунёқарашли, ишбилармон бўлиши учун туну кун мобиль телефонида ажралмаслиги, доимо электрон почтасини кузатиб бориши, Интернет ижтимоий тармоқларида онлайн мулоқотда бўлиши, умуман Интернет-муҳитда яшаши зарурдек туюлади. Баъзан компьютер, мобиль телефони ишламай қолса, гўё ҳаёт тўхтаб қолганга ўхшайди. Бу ҳол, айниқса, ёшлар ва ўсмирларни кучли ташвишга солади. Компьютер виртуал олами тобора ўзига жалб этиб, уларга кучли таъсир эта бошлайди. Инсонларда компьютер технологиялари, компьютер техникаси, электрон ва тармоқ ресурсларига бўлган эҳтиёж уларни тез-тез кибермуҳитда бўлишларига ҳамда бунинг

таъсирида уларнинг шахсий хислатлари, онглари, шунингдек, мотивациялари ўзгаришига олиб келади. Замонавий шахснинг ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларидан фойдаланишлари тобора ҳаётий заруратга айланиб бориши билан юзага келадиган шу каби ҳолатларга педагог ва психолог олимлар алоҳида эътибор қаратишлари шарт.

XXI аср ахборот асри сифатида намоён бўлиб, Интернет тармоғида сўнгги ўн йилликларда катта ҳажмли ахборотлар оқимига эга бўлган, замонавий инсонларнинг турли-туман ва кўплаб эҳтиёжларини қондирувчи қулай муҳит – кибермуҳитга айланиб бормоқда. Шу билан бирга, Интернет тармоғи фойдаланувчилари сони ҳам жуда тез ўсиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ҳозирги даврда Ер қуррасининг деярли 2 миллиарддан ортиқ аҳолиси мазкур тармоқ фойдаланувчиси ҳисобланади. Ахборот-коммуникация технологиялари шунчалик жадал тусда ривожланмоқдаки, бугунги кунимиздаги инновацион ютуқлар эртага «эскириб» ўрнига янгилари пайдо бўлмоқда. Мазкур жараёнларни ўрганиш ҳам шунчалик тезкорликни талаб этиши табиий ҳолат. Шу боисдан ҳам гўё одамлар замон талаби билан аллақандай ўзгача табиатли, «шошқалоқ» бўлиб қолгандек туюладилар.

Инновациялар замонавий оламнинг инсоният иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг муҳим қисмига айланган. Интернет-муҳит инсонга мулоқот учун зарур муҳитга айланди ва қуйидаги мақсадларда хизмат қила бошлади:

- киберкоммуникациялар – замонавий инсонлар дўст ва яқинларига айланган ижтимоий тармоқларда мулоқотда бўлиш;
- дам олиш ва кўнгилочиш вақтларини ўтказиш, компьютер ўйинлари ва турли иловалардан фойдаланиш;
- билим манбаи (Интернет барча учун очиқ билимлар «ҳазинаси»дир);
- турли ахборот олиш манбаи.

Интернет тармоғи ахборот ресурслари таълим олиш, кундалик ҳаётдаги ишларни тезкорлик билан амалга оширишда катта аҳамиятга молик. Кейинги даврларда «онлайн мулоқот» тушунчасини тез-тез эшитамиз. «Онлайн мулоқот» – шахс тарбиясига психологик ва ижтимоий жиҳатдан таъсир этади. Айрим ёшларда янги қизиқиш, мотив ва мақсадлар юзага келиши мумкин. Интернет тармоғи фойдаланувчилари ўз эҳтиёжларини виртуал қондириш йўлида ҳақиқий ҳаётдаги физиологик ва маънавий эҳтиёжларини унутишлари ҳам мумкин.

Киберреаллик компьютер ўйинлари виртуал оламида тақдим этиладиган Интернет-муҳит билан ўрин алмашади, ўсмир-ёшлар онгида ўз-ўзини англаш, мотивацион шахсий эҳтиёжларига таъсирини кўрсатади. Замонавий инсон кундалик ҳаётда катта ҳажмдаги ахборотларга дуч келади ва долзарб ахборотлар оқимини қабул қилади. Шу жиҳатдан ҳам XXI аср шахси кўпроқ стрессли ҳолатларга дуч келади. Бу эса шахс руҳиятига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Кўпинча вақт етмаслиги, психологик зўриқиш инсон организми ва психикасига таъсир этиб, руҳий зўриқиш, тушкун кайфият, депрессия, невроз ҳолатига олиб келиши мумкин. Ўсмир-ёшларнинг Интернет-муҳитидаги кўплаб ахборот-ресурсларидан

фойдаланиши уларнинг психик жараёнларига қуйидагича таъсир этиши мумкин:

- англаш жараёнларига, сезги, диққат, тасаввур, хотира ва нутқлари;
- моционал-мотивацион, хусусан: ҳиссий ҳолати, эмоция ва ҳиссиётлари, эҳтиёж, мотивация;
- шахсий табиати, жумладан: характер ва темперамент, индивидуал хусусиятлари;
- англаш, фаолият, шахслараро муносабатлар ҳақиқий воқелик ўрнини кибермуҳит эгаллашидан иборат.

Компьютер технологиялари ва мобиль алоқаси шахснинг ўзини англаши ва мотивацион-эҳтиёжлар муҳитини, психологик, ахлоқий ва маънавий оламига салбий таъсир этиб, ўзгартириши мумкин.

Масалан, Интернет оламида ўзларига зарур бўлган фойдали ахборотдан тўғри фойдаланиш салоҳиятларини шакллантириш лозим. Замонавий Интернет тақдим этадиган ижобий ахборот-ресурслари билан бир қаторда, айрим виртуал оламдаги ахлоқсизлик, бузғунчиликни тарғиб этувчи ахборотлар, салбий таъсирли компьютер ўйинларининг хавфли таъсиридан болалар ва ўсмирларни ҳимоя этиш долзарб масалага айланиб улгурган. Интернет-ресурсларини турли соҳа мутахассислари, жумладан, педагогик ва психологик нуқтаи назаридан назорат қилиш лозим.

Бу борада, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Биз ҳалқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада, маънавий тарбия масаласи ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади”.¹⁹

Бунинг учун эса, ота-она назоратини амалга оширувчи компьютер дастурларидан фойдаланиш зарур. Шу боисдан ҳам умумтаълим мактаблари ва бошқа таълим муассасаларида ўсиб келаётган авлод онгини чалғитувчи ахборотлардан ўзларини ҳимоя этиш иммунитетини шакллантириш катталарнинг муҳим вазифасидир. Ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ўсмир-ёшларни жалб этаркан, таълим тизимида фойдаланилиши зарур бўлган инновацион психологик-педагогик дастурлар яратиш давр талабидир.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ЁТ ТАҲДИДЛАР ВА УНГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИ

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

Э.Т.Жумаев.

Нуробод хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

С.А.Саидмуродов

Ўзлигимизни англаш мустақилликнинг энг олий неъматларидан бири бўлди. Ўзлигини англаб етган киши тафаккурнинг биринчи белгиси миллий ғоя, миллий мафкурадан баҳраманд бўлади. Ҳар бир соҳада ўзгаришлар, ютуқ ва муваффақиятлар кун сайин кўпайиб, кенгайиб бораётган экан,

¹⁹ И.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2008.- Б.4.

мафкура соҳасида энди иш қолмайди, ҳамма нарса ўйлаганимиздай давом этиб бораверади, дейиш нотўғри. Негаки, дунёда муаллақ бир худудда яшамаётганимиз, атрофимизда турли тизим ва тузумдаги халқлар ва мамлакатлар мавжудлиги, мафкурадек нозик маънавий жараённинг ўзлуксиз ўсиш ва ўзгаришда бўлишини тақозо этади. "Дунёда ёшлар онги ва қалбини эгаллашга" уринишлар сақланиб қолмоқда. Айниқса, ёшларимиз тафаккури, дунёқарашини шакллантириш масалаларига бефарқ бўлмаслик кераклигини назарда тутмай илож йўқ. Демак, мафкуравий таҳдиднинг сақланиб қолиши ёшларни ҳам ўйлашга ундайди.

Миллий ғурур, миллий ўз-ўзини англаш мазмун ва моҳият жиҳатидан ўзаро алоқадорликда бўлиб, бир-бирини бойитади, тўлдиради, бири иккинчисиз мавжуд бўлмайди.

Шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-этиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча бу миллий ғурурдир. Бу туйғу қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-этибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш. Мустақиллик кишилар миллий ғурурини ошириб, уни халқ, Ватан, аждодлар хотираси олдидаги маъсулиятни ҳис қилишдек, мазмун билан бойитмоқда.

Мустақилликкача бўлган тушунча, тасаввур ҳамда кечинмаларимиздан бугунги руҳимиз, маънавиятимиз нақадар катта фарқ қилиши ҳаммага аён. Буни ҳар ким ўзига ўзи берадиган "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?" деган жавобдан англаб олса бўлади.

Бугун ёшлар мустақиллик туфайли ор, андиша, номус, виждон, инсоф, ғурур, каби тушунчаларнинг ҳақиқий маъносини англаб етмоқдалар.

Ор бу номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан ҳижолат тортиш, уялиш, уят ва номус қилиш туйғусидир. Бундан ташқари, ўз ўрнида ҳазар қилиш ёки бўлмаса, обрў-этибор, фахрланиш маъноларини ҳам билдириши мумкин.

Ўтмишини билмаган ва эъозламаган халқнинг келажаги йўқ. Ўтмиш бизлар учун ҳам, бошқа халқлар учун ҳам аллақачон қайтмас бўлиб кетган, кўз ўнгимиздан олислашган, тарих мулкига айланган даврдангина иборат эмас, балки аҳамияти ҳеч қачон йўқолмайдиган тағ замин, ўқ илдизимиздир. Ўтмиш бизнинг таянч нуқтаимиз эканига шубҳа йўқ. Агар ана шу таянч нуқтага, маънавий пойдеворга суянмасак, ўтмишимиздан куч-қувват, руҳий-маънавий озуқа олмасак, олға томон ривожлана олмаймиз.

Ёшларда миллий ғурур, миллий ор номус ва миллий ифтихор фазилятларини шакллантириш ҳозирги глобаллашган замонда муҳим аҳамиятга эгадир.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Алланазаров Мухиддин Хайитович

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ўқитувчиси

Замонавий таълим технологиялари ўзининг фалсафий-тарихий, психологик, педагогик моҳиятига кўра инсонпарвар хусусиятга эга. Улар таълимнинг тарбиявий хусусиятини кучайтиради, ўқувчи-талабаларнинг ақлий ва маънавий-ахлоқий қобилиятини ривожлантиради. Уларда бир-бирларига ёрдам бериш, ҳамкор бўлиш ва ўзаро мулоқотга кириша олиш фазилатларини шакллантиради.

Ёшлар дунёқарашига йўналтирилган замонавий ўқитиш технологияларини педагогик фаолиятга қўллашда таълим олувчиларнинг шахсий тажрибаси, савияси, ихтисослиги ва фанга бўлган қизиқиши, психологик хусусиятлари (хотира, идрок, тафаккур, ўз ҳиссиётини бошқара олиш), хулқ-атвори ва миқдорга алоҳида эътибор бериши зарур. Зеро, таълим натижаси нафақат ўқитиш усули ва мазмунига, балки юқорида таъкидлаб ўтилган омилларга ҳам боғлиқдир.

Масалан, кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитишни ташкил қилишда гуруҳ 4 киши (билими ҳар хил даражадаги ўқувчи-талабалар)дан иборат бўлади. Бунда ўқитувчи янги мавзунини тушунтиради. Кейин ўқувчи-талабаларни гуруҳларга бўлиб, уларга мавзунини мустақамлаш бўйича турли топшириқлар беради. Бунда топшириқ айрим қисмларга бўлиниб, ҳар бир ўқувчи-талаба ўзига тегишли қисмини ўрганиши ёки уларни бирин-кетин алмашиб бажариши мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўқувчи-талабаларга фақат энциклопедик билим бериш билан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Чунки бугунги кунда иқтисодчи касбий фаолият мазмуни принципиал жиҳатдан ўзгарди. Ҳар қандай касб эгаси технологияларни мустақил бошқариш, ҳаётини муаммоларни ечиш ва мақсадга эришиш учун қарорлар қабул қилишга тайёр бўлиши лозим.

Таълим олувчининг шахси, ёшлар дунёқараши шаклланиши педагогнинг иш фаолиятига, унинг жамоа билан ҳамкорлик қила олиш ўқувига ҳам боғлиқ. Олий ва ўрта махсус иқтисодий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш омилларидан бири ўқитиш жараёнида шахснинг дунёқарашига йўналтирилган таълим технологияларини қўллашдир.

Педагог таълим олувчи шахсни ҳурмат қилиши, мулоқот қилишнинг буйруқбозлик усулидан воз кечиб, уни рағбатлантириши, бажарган ишларининг фойдали эканини таъкидлаши зарур. Мақсад ўқувчи-талабада аввалдан белгиланган хусусиятларни шакллантириш эмас, балки унинг ўз-ўзини англаши, ўзлигини намоён этиши учун имкон беришдир.

Анъанавий таълим мажбурликка, ўқитишни қаттиққўллик асосида ташкил этишга асосланган бўлиб, бунда таълим олувчилар деярли мустақил фаолият юритишмайди ва уларнинг ташаббуслари бўғилади. Анъанавий ўқитишда ўқувчи-талабанинг ўқув фаолияти ижодий характерга эга бўлмайди. Бошқача айтганда, у авторитар педагогикага асосланади. Унда

ўқув жараёни ўқувчи-талабаларнинг билимларини ўзлаштириши ва қайта тикланишидан иборат. Ёшларнинг дунёқарашига йўналтирилган ўқитишда педагог ва ўқувчи-талабалар ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Ана шу ҳамкорлик натижасида ўқувчи-талабаларда мустақил фикрлаш, ўз-ўзини фаоллаштириш ва намоён этиш хусусиятлари пайдо бўлади.

Ёшларнинг дунёқарашига йўналтирилган таълим мазмунини технологиялаштириш асосан, ўқув-дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва ўқувчи-талаба шахсини ривожлантиришни кўзда тутди. Технологиялаштириш ўқувчи-талабага ўқув материали мазмунини мустақил танлаш ва ўз-ўзини баҳолашига имконият яратади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ёшларнинг дунёқарашига йўналтирилган замонавий инновацион технологиялар асосида ўқитишни самарали ташкил этиш ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайди. Агар ўқитиш жараёни яхши ташкил этилмаса, замонавий ўқитиш технологиялари ҳам самара бермайди.

Шундай қилиб, ёшларнинг дунёқарашига йўналтирилган замонавий ўқитиш технологиялари орқали ўқувчи-талабада мустақил билим олиш, ижодий фикр юритиш ва қарорлар қабул қилиш хусусиятлари шаклланади ва ривожланади.

ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ АМАЛИЙ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ТИЗИМИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси К.С. Исламов

Ахборотлашган жамият ҳукмронлик қилаётган 21-асрда дунё глобалла-шуви интеграциясининг тўлақонли аъзосига айланиш мақсадида Республи-камизда Президентимиз раҳномалигида мисли кўрилмаган даражада улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу мавзунинг долзорблиги шундан иборатки, республикамизда электрон ҳужжатлар айланиши тизимларини жаҳон андозаларига мослаштириш, электрон тижоратни йўлга қўйиш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини автоматлаштириш, электрон ҳокимият тизими жорий этиш, таълим тизимида электрон ҳужжат айланиши тизимини тўлақонли тадбиқ этиш орқали электрон деканат, электрон назорат тизимларини ҳамда қоғозсиз технологияларни кенг жорий этиш орқали ҳужжатларнинг алмашишини тезлаштириш, уларни ҳимоялаш ва ижро интизомини назорат қилиш ҳамда кучайтириш.

Ушбуларни иноботга олган ҳолда:

- давлат органларининг ўз функцияларини бажаришда тезкорлик ва сифатни оширишга имкон берувчи фаолиятини автоматлаштириш ахборот тизимларини яратиш, хусусан Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида электрон ҳукумат(институтда-электрон деканат, вазирликда-электрон вазирлик) тизимини жорий этиш;

- ахборот ресурслари, технологиялари ва тизимларини, шу жумладан ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларини ривожлантириш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида

бошқариш тизимини такомиллаштириш, айнан 2013 йил Президентимиз томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғриси»даги ПҚ-1989 қарори ва ВМ нинг 250-сонли қарори ижросини таъминлаш;

- Миллий ахборот тизимининг ахборот хавфсизлигини, унинг ахборот тизимлари ва ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Ишнинг асосий мақсади: Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, айнан Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ва “Электрон тижорат тўғрисида” ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги Қонуни, 2013 йил Президентимиз томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғриси»даги ПҚ-1989 қарори ва ВМ нинг "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари ҳақидаги 250-сонли қарори бир қатор меъёрий ҳужжатлари ижросининг таъмин-ланиши ва уни амалга ошириш ишларини Республикамиздаги барча мутассади идоралари ва ташкилотларида, давлат ва нодавлат ташки-лотларида, ўқув муассасаларида ташкил этишда кўмаклашишдан иборат.

Ишнинг вазифалари: *Юқоридагиларни иноботга олган ҳолда* Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолиятини автоматлаштириш, айнан локал ҳисоблаш тармоғини ташкил этиш, вилоят ҳокимлиги билан корпоратив тармоқ ишини йўлга қўйиш, туман ҳокимлигида Е-хат, Е-ҳужжат тизимларининг иш фаолиятини шакллантириш ва мувофиқлаштириш ҳамда СамДАҚИ да электрон ҳужжат айланиши тизими ишларини амалга ошириш, «Ягона дарча» тизимининг фаолиятдан баҳраманд бўлиш, электрон деканат ишини мувофиқлаштириш ва ишга тушириш.

Объектлари: Электрон шаклда компьютерлар хотираларида маълумотлар базасида сақланаётган ва иш жараёнида компьютер тармоқларида, интернет тармоғида ҳаракатланаётган, фойдаланилаётган ва қайта ишланаётган ахборотлар ҳамда ахборот ресурслари.

Субъектлари Вазирликлар, давлат ва нодавлат корхона ва ташкилотлари, муассасалар, жисмоний ва юридик шахслар.

“INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI” FANIDA MASHG’ULOTLARNI KASBGA YO’NALTIRIB O’TKAZISH METODIKASI

*SamDAQI “Axborot texnologiyalari” kafedrasi
katta o’qituvchisi K.S. Islamov*

Kasb-hunar kollejlari o’quv jarayoni shakllariga ma’ruza, seminar, amaliy mashg’ulotlar, laboratoriya mashg’ulotlari, o’quv anjumanlari, maslahatlar, ekskursiya, ekspeditsiya, o’quv ishlab chiqarish pedagogik amaliyoti, kurs va diplom ishlari, talabalarning mustaqil ta’limi kiradi.

Касб-хунар коллежларида о'қитиш тизимига ма'руза билан биргалликда амалий (mashq, seminar va laboratoriya) mashg'ulot turi ham kiradiki, ular: ta'limiy, tarbiyaviy va nazariyani amaliyot bilan bog'lash funktsiyalarini bajaradi.

“Amaliy mashg'ulot” termini pedagogikaga oid adabiyotlarda ham keng, ham tor ma'noda izohlanadi. “Amaliy mashg'ulot” termini keng ma'noda mashq, seminar (ularning barcha turlari) va laboratoriya mashg'ulotlarini umumlashtiradi. Amaliy mashg'ulotlarning ma'ruzadan farqlanadigan asosiy me'yorlaridan biri o'quv jarayoni qatnashchilarining birgalikdagi harakatlarida o'ziga xos xarakterdadir. Ular vazifalariga ko'ra ham farqlanadi. Agar ma'ruzada ilmiy bilimlar asosi bayon qilinadigan bo'lsa, amaliy mashg'ulotlarda bilimlar chuqurlashtiriladi, kengaytiriladi va aniqlashtiriladi. Eng muhimi, amaliy mashg'ulotlar talabalar bilimini mustahkamlash, amaliyotga qo'llash va sinashga ham xizmat qiladi.

Amaliy mashg'ulot shakllaridan biri seminardir. Seminar mashg'ulotlari quyidagi vazifalarni yechishga qaratilgan bo'ladi:

- ma'ruzada bayon qilingan nazariy qoidalarni mustahkamlash;
- fan bo'yicha bilimlarni kengaytirish va chuqurlashtirish;
- talabalarning ilmiy-tadqiqot, bilish qobiliyatlarini o'stirish;
- nazariy o'qitish jarayonida egallagan bilimlarining amaliyotda tan olinishi.

Mashg'ulotlarning ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlari asosida mashg'ulotning har bir bosqichi uchun reproduktiv o'quv topshiriqlari, ularning didaktik maqsadlarini aniqlash va shakllantirish nazarda tutiladi.

ҲАЁТ ДАВРИНИНГ ТАСОДИФИЙ МИҚДОР СИФАТИДАГИ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ

*Исматов Ў- магистр ., Тошқулов Ҳ., Остонов Қ., Мўминов
(Самарқанд давлат университети)*

Ҳаётни суғурта қилиш асосида бир шахснинг суғурта ҳолати рўй бергандаги зарарлар қаралаётган пайтда бу ҳолат рўй бермаган катта сондаги суғурта қатнашчиларига тақсимлаш принципи ётади. Ҳаётдан кўз юмиш пайтининг ноаниқлиги ҳаётни суғурта қилишда асосий омил ҳисобланади. Айрим кишининг ҳаётдан кўз юмишининг вақтга нисбатан бирор аниқ нарса айтиш қийин. Лекин агар суғурта қатнашчилари катта бир жинсли одамлар гуруҳини ташкил этса, биз бу гуруҳдаги бошқа одамлар тақдири билан қизиқмаймиз, у ҳолда турғунлик хоссасига эга бўлган оммавий тасодифий ҳодисалар ҳақидаги фан сифатида эҳтимоллар назарияси усуллари қўлланилади. У ҳолда ҳаёт давомийлигини T тасодифий миқдор сифатида қараш мумкин.

Яшаб қолиш функцияси. Эҳтимоллар назариясида T тасодифий миқдорнинг тақсимоти $F(x)=P(T < x)$ тақсимот функцияси билан берилади.

Актуар математикада тақсимот функцияси билан эмас кўшимча тақсимот функцияси $\bar{F}(x)=1-F(x)$ билан ишлаш қабул қилинган. Ҳаёт давомийлигига нисбатан $1-F(x)$ – бу инсоннинг x ёшгача умр кўриш эҳтимоли.

$$s(x)=1-F(x)$$

функция яшаб қолиш функцияси деб аталади: $s(x) = P(T \geq x)$.

Яшаб қолиш функцияси қуйидаги хоссаларга эга:

1. $s(x)$ камаювчи ($x \geq 0$ да);
2. $s(0) = 1$;
3. $s(+\infty) = 0$;
4. $s(x)$ узлуксиз.

Ҳаёт суғуртаси бўйича актуар ҳисобларни олиб бориш учун манбалардан бири ҳаёт давомийлиги жадваллари ҳисобланади. Бу жадваллар аҳолининг вафот этиши ва унинг ёш таркиби ҳақидаги маълумотлар бўйича тузилади. Ҳаёт давомийлиги жадвалларида одатда бирор лимитик ёш ω (одатда $\omega = 100 - 120$) деб ҳисобланади ва мос равишда $s(x) = 0$, $x > \omega$. Ҳаётдан кўз юмишни аналитик қонунлар билан тавсифлашда одатда умр давмиёлиги чегараланмаган деб ҳисобланади, лекин қонунлар кўринишини ва параметрлар шундай танланадики, бирор ёшдан сўнг кейин яшаш эҳтимоли жуда кичик бўлади.

Яшаб қолиш функцияси оддий статистик маънога эга. Фараз қилайлик, l_0 нафар чақалоқлар гуруҳи назорати қилинмоқда (одатда $l_0 = 100000$) ва уларнинг нобуд бўлиш вақтларини тайинлаш имконияти мавжуд бўлсин. Бу гуруҳнинг x ёшдаги тирик вакилларининг сонини $L(x)$ билан белгилаймиз. У ҳолда

$$l_x = EL(x) = l_0 \cdot s(x).$$

Шундай қилиб, $s(x)$ яшаб қолиш функцияси чақалоқларнинг тайинланган груҳидан x ёшгача яшаганлар ўртача улушига тенг.

Актуар математикада кўпинча $s(x)$ яшаб қолиш функцияси билан эмас, балки l_x миқдор билан иш кўрадилар (гуруҳнинг бошланғич сони l_0 тайинланади).

Ҳаётдан кўз юмиш эгри чизиғи. Эҳтимоллар назариясида узлуксиз тасодифий миқдорни $f(x)$ тақсимот зичлиги билан тавсифлаш қулай. Актуар математикада $f(x) = -s'(x)$ ҳаёт давомийлиги зичлиги графиги (ёки амалда, график функции $l_0 f(x)$ функциянинг графиги) ҳаётдан кўз юмиш эгри чизиғи деб аталади.

$l_0 f(x)$ миқдор оддий статистик маънога эга. x ёшда вафот этган l_0 чақалоқлар берилган гуруҳи вакиллари ўртача сонини қараймиз. Бу миқдор d_x деб белгиланади ва у $d_x = l_x - l_{x+1}$ га тенг. У ҳолда $d_x \approx l_0 f(x)$.

$s(x)$ яшаб қолиш функцияси зичлик бўйича тикланиши мумкин:

$$\int_x^{\infty} f(u) du = s(x),$$

Шунинг учун ҳаётдан кўз юмиш эгри чизиғи ҳаёт давомийлигининг бирламчи характеристикаси сифатида фойдаланилиши мумкин.

Ҳаётдан кўз юмиш интенсивлиги

$$\mu_x = \frac{f(x)}{s(x)}$$

миқдор ҳаётдан кўз юмиш интенсивлиги деб аталади. x ёшга етган инсон

учун кичик t ларда величина $\mu_x t$ миқдор тақрибан $(x, x+t)$ ораликда ҳаётдан кўз юмиш эҳтимолини ифодалайди.

$s(x)$ яшаб қолиш функцияси ҳаётдан кўз юмиш интенсивлиги бўйича тикланганлиги учун:

$$s(x) = \exp\left(-\int_x^{\infty} \mu_u du\right),$$

ҳаётдан кўз юмиш интенсивлиги ҳаёт давомийлигининг бирламчи характеристикаси сифатида фойдаланилиши мумкин.

Ҳаёт давомийлигининг макрохарактеристикалари. Амалий нуқтаи назаридан қуйидаги макрохарактеристикалари муҳим:

1. Ҳаётнинг ўртача вақти

$$e_0 = ET = \int_0^{\infty} xf(x)dx = \int_0^{\infty} s(x)dx,$$

2. Ҳаёт давомийлиги дисперсияси

$$DT = ET^2 - (ET)^2,$$

бу ерда

$$ET^2 = \int_0^{\infty} x^2 f(x)dx = 2 \int_0^{\infty} xs(x)dx,$$

3. Ҳаёт давомийлиги медианаси $m(0)$

$$s(m) = 0,5.$$

тенгламанинг илдизи каби аниқланади. Ҳаёт давомийлиги медианаси—бу берилган чақалоқлар груҳи вакиллариининг роппа роса ярми етиб борадиган ёш.

Ҳаётдан кўз юмиш аналитик қонунлари. Кўп ҳолларда ҳисоблашларни соддалаштириш, назарий таҳлил ва х.к.лар учун яшаб қолиш эмпирик функцияси ёки ҳаётдан кўз юмиш интенсивлигини аналитик қонунлар ёрдамида тавсифлаш қулай. Аналитик қонуларнинг афзаллиги шундаки улар учун ҳаёт давомийлиги характеристикаларини унчалик кўп бўлмаган сондаги параметрлар бўйича тезда ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, олинган маълумотлар унчалик кўп бўлмаган ҳолларда фойдаланиш мумкин.

Оддий яқинлашиш 1729 йилда де Муавр томонидан киритилган, у ҳаёт давомийлиги $(0, \omega)$ ораликда текис тақсимланган, бу ерда ω – лимитик ёш. Де Муавр моделида $0 < x < \omega$

$$f(x) = 1/\omega, \quad F(x) = x/\omega, \quad s(x) = 1 - x/\omega, \quad \mu_x = 1/(\omega - x).$$

Бу функциялар графикларини $s(x)$ яшаб қолиш, $f(x)$ ҳаётдан кўз юмиш, интенсивности смертности μ_x ҳаётдан кўз юмиш интенсивлиги графиклари билан таққослаш шуни кўрсатадики, де Муавра қонуни унчалик яхши яқинлашишни бермайди. Масалан, биринчи формула $f(x)$ ҳаётдан кўз юмиш эгри чизиғи горизонтал чизиқдан иборат эканлигини, эмпирик маълумотлар эса 80 ёш атрофида энг юқори нуқта эканлигини кўрсатади.

1825 йилда Гомпертц тавсия этган моделда, μ_x ҳаётдан кўз юмиш интенсивлиги $\mu_x = Be^{\alpha x}$ кўрсаткичли функция билан яқинлашади, бу ерда $\alpha > 0$ ва $B > 0$ – баъзи параметрлар. Мос яшаб қолиш функцияси

$$s(x) = \exp[-B(e^{\alpha x} - 1)/\alpha],$$

кўринишга, ҳаётдан кўз юмиш эгри чизиғи $f(x) = B \exp[\alpha x - B(e^{\alpha x} - 1)/\alpha]$ кўринишда бўлади.

Мэйкхам 1860 йилда юқоридаги моделни умумлаштриб, μ_x ҳаётдан кўз юмиш интенсивлигини $\mu_x = A + B e^{\alpha x}$ кўринишдаги функция билан яқинлаштирди. А ўзгармас ҳад бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ ҳаёт учун хавфларни ҳисобга олишга имкон беради (улар ёшга кам боғлиқ), шу билан бир вақтда $B e^{\alpha x}$ кўшилувчи ёшнинг ҳаётдан кўз юмишга таъсирини ҳисобга олади. Бу моделда

$$\begin{aligned} s(x) &= \exp[-Ax - B(e^{\alpha x} - 1)/\alpha], \\ f(x) &= [A + B e^{\alpha x}] \exp[-Ax - B(e^{\alpha x} - 1)/\alpha]. \end{aligned}$$

Второй закон Мэйкхамнинг 1889 йилда киритган иккинчи қонуни μ_x ҳаётдан кўз юмиш интенсивлигини $\mu_x = A + Hx + B e^{\alpha x}$ кўринишдаги функция билан яқинлаштиради. Бу моделда

$$\begin{aligned} s(x) &= \exp[-Ax - Hx^2/2 - B(e^{\alpha x} - 1)/\alpha], \\ f(x) &= [A + Hx + B e^{\alpha x}] \exp[-Ax - Hx^2/2 - B(e^{\alpha x} - 1)/\alpha]. \end{aligned}$$

Вейбулл 1939 йилда μ_x ҳаётдан кўз юмиш интенсивлигини оддий $\mu_x = kx^n$ кўринишдаги даражали функция билан яқинлаштиришни таклиф этди. Бу моделда

$$s(x) = \exp(-kx^{n+1}/(n+1)), \quad f(x) = kx^n \exp(-kx^{n+1}/(n+1)).$$

Эрланг моделида μ_x ҳаётдан кўз юмиш интенсивлиги $\mu_x = \frac{x}{a(x+a)}$ кўринишдаги функция билан яқинлаштиради. Бу моделда

$$s(x) = \frac{x+a}{a} \exp\left(-\frac{x}{a}\right), \quad f(x) = \frac{x}{a^2} \exp\left(-\frac{x}{a}\right).$$

УДК 624.04

РЕШЕНИЕ ЗАДАЧИ ОБ ИЗГИБЕ ТРЕХСЛОЙНЫХ БАЛОЧНЫХ ПЛИТ ВЗАИМОДЕЙСТВУЮЩИХ УПРУГИМИ ОСНОВАНИЯМИ С УЧЕТОМ РЕАКТИВНЫХ НОРМАЛЬНЫХ И КАСАТЕЛЬНЫХ ДАВЛЕНИИ ОСНОВАНИЯ

К. Мамасолиев., К. Усанов

В работе предлагается приближенный метод расчета трехслойных балочных плит лежащих на однородном основании с учетом силы трения между подошвой плиты и поверхности основания. Предполагается, что заполнитель, расположенный между плитами передает только нормальные усилия. Дифференциальные уравнения изгиба верхней и нижней балочных плит нагруженных произвольным распределенным внешним нагрузкам, записываются в следующем виде:

$$\left. \begin{aligned} D_2 y_2^{IV} &= q(x) - k(y_2 - y_1) \\ D_1 y_1^{IV} &= q(x) - k(y_2 - y_1) - p(x) - \frac{h}{2} \tau' \end{aligned} \right\} (1)$$

где D_1, D_2, y_1, y_2 – соответственно цилиндрические жёсткости и прогибы

первый и второй плит; $p(x)$ – интенсивность внешней нагрузки; $k(y_2 - y_1)$ – нормальные усилия упругих связей; k – коэффициент жесткости упругих связи; $p(x)$, $\tau(x)$ – интенсивность нормальных и касательных давлений основания; h – высота нижней плиты.

Известно [1], что вертикальные и горизонтальные перемещения точек поверхности основания взаимодействующие нижней плитой длиной равной $2l$, в теории упругости определяются в виде

$$V(x) = \int_{-l}^l \left[\theta_1 \ln \frac{1}{|x-s|} p(s) + \theta_2 \text{Sig}(x-s) \tau(s) \right] ds \quad (2)$$

$$U(x) = \int_{-l}^l \left[\theta_1 \ln \frac{1}{|x-s|} \tau(s) - \theta_2 \text{Sig}(x-s) p(s) \right] ds \quad (3)$$

где θ_1 , θ_2 – некоторые постоянные зависящие от механических параметров грунта – основания.

Горизонтальные перемещения подошвы балочных плит определяются [1] по формуле

$$W(x) = \theta_3 \int_0^x N(s) ds - \frac{h}{2} y_1' \quad (4)$$

где $N(s)$ – внутренние продольные усилия; θ_3 – некоторый постоянный зависящий от параметров грунта – основания.

Реакции основания $p(x)$ и $\tau(x)$ представим в виде ряда по полиномы Чебышева [2]

$$p(x) = (1-x^2)^{-\frac{1}{2}} \sum_{n=0}^{\infty} A_n \cdot T_n(x) \quad (5), \quad \tau(x) = (1-x^2)^{-\frac{1}{2}} \sum_{n=0}^{\infty} B_n \cdot T_n(x) \quad (6).$$

Где $T_n(x)$ – ортогональные полиномы Чебышева первого рода; A_n , B_n – неизвестные постоянные подлежащие к определению.

В дальнейшем будет пользоваться безразмерной координатной x , равной отношению абсолютной координаты к полудлине балки l .

Подставляя (5) и (6) в (2) и (3) и используя известных [2] зависимостей

$$\int_{-1}^1 (1-s^2)^{-\frac{1}{2}} T_k(s) \ln|x-s| ds = \begin{cases} \pi \ln 2, & \text{при } k=0 \\ -\frac{\pi}{2} T_k(x), & \text{при } k=1,2,3,\dots \end{cases}$$

$$\int_{-1}^1 \text{Sig}(x-s) (1-s^2)^{-\frac{1}{2}} T_k(s) ds = -\frac{2}{k} U_k(x)$$

получаем следующие выражение для вертикальных и горизонтальных перемещений точек поверхности основания:

$$V(x) = \theta_1 l \left[A_0 + \sum_{n=1}^{\infty} B_n \cdot \frac{T_n(x)}{n} \right] - \theta_2 l \left[-B_0 \arcsin x + \sum_{n=1}^{\infty} B_n \cdot \frac{U_n(x)}{n} \right] \quad (7)$$

$$U(x) = \theta_1 l \left[B_0 + \sum_{n=1}^{\infty} B_n \cdot \frac{T_n(x)}{n} \right] + \theta_2 l \left[-A_0 \arcsin x + \sum_{n=1}^{\infty} A_n \cdot \frac{U_n(x)}{n} \right] \quad (8)$$

где $U_n(x) = \sin(n \cdot \arccos x)$

Вводя новые неизвестные функции

$$D_2 y_2 - D_1 y_1 = z_1, \quad y_2 - y_1 = z_2 \quad (9)$$

в системе (1), получим безразмерных координатах следующее

$$\left. \begin{aligned} z_1^{IV} &= q(x) - p(x) - \frac{h}{2l\tau'} \\ z_2^{IV} + 4\alpha^4 z_2 &= \frac{l^4}{D_2} q(x) - \frac{l^4}{D_1} p(x) + \frac{hl^4}{2lD_1\tau'} \end{aligned} \right\} \quad (10)$$

$$\text{где } \alpha^4 = \frac{(D_1 + D_2)}{4D_1 D_2 l^4 k}.$$

Общее решение системы дифференциальных уравнений (10) с учетом (5) и (6), представляются в виде

$$z_1 = f_q(x) + \sum_{i=1}^4 \frac{C_i}{(4-i)!} x^{4-i} - \sum_{n=0}^{\infty} A_n \cdot f_n(x) - \frac{h}{2l} \sum_{n=0}^{\infty} B_n \cdot \bar{f}_n(x) \quad (11)$$

$$z_2 = \sum_{i=1}^4 \bar{C}_i \cdot U_i(\alpha x) + \frac{l^4}{D_2} \psi(x) + \frac{l^4}{D_1} \sum_{n=0}^{\infty} A_n \cdot \varphi_n(x) + \frac{he^4}{2lD_1} \sum_{n=0}^{\infty} B_n \cdot \omega_n(x) \quad (12)$$

где C_i, \bar{C}_i ($i=\overline{1,4}$) постоянные интегрирования, определяемое из граничных условий рассматриваемое задачи;

$$f_n^{IV}(x) = q(x); \quad \psi(x) = \int_0^x [\alpha(x-z)]q(z)dz; \quad f_n^{IV}(x) = (1-x^{\frac{1}{2}})T_n(x);$$

$$\varphi_n(x) = \int_0^x U_4[\alpha(x-z)](1-z^2)^{\frac{1}{2}} T_n(z)dz; \quad \bar{\varphi}_n(x) = \int_0^x U_4[\alpha(x-z)] \left[(1-z^2)^{\frac{1}{2}} T_n(z) \right]' dz;$$

$$\psi(x) = \int_0^x U_4[\alpha(x-z)]q(z)dz.$$

Подставляя (11), (12) в (9) и выполняя соответствующие алгебраические операции, получим для прогибов плит следующие

$$y_1 = \frac{1}{D_1 + D_2} \left\{ f_q(x) + \sum_{i=1}^4 \frac{C_i}{(4-i)!} x^{4-i} - \sum_{n=0}^{\infty} A_n \cdot f_n(x) - \frac{h}{2l} \sum_{n=0}^{\infty} B_n \cdot \bar{f}_n(x) - \right. \\ \left. - D_2 \left[\sum_{i=1}^4 C_i \cdot U_i(\alpha x) + \frac{l^4}{D_2} \psi(x) + \frac{l^4}{D_1} \sum_{n=0}^{\infty} A_n \cdot \varphi_n(x) + \frac{hl^4}{2lD_1} \sum_{n=0}^{\infty} B_n \cdot \bar{\varphi}_n(x) \right] \right\} \quad (13)$$

$$y_2 = \frac{1}{D_1 + D_2} \left\{ f_q(x) + \sum_{i=1}^4 \frac{C_i}{(4-i)!} x^{4-i} - \sum_{n=0}^{\infty} A_n \cdot f_n(x) - \frac{h}{2l} \sum_{n=0}^{\infty} B_n \cdot \bar{f}_n(x) + \right. \\ \left. + D_1 \left[\sum_{i=1}^4 C_i \cdot U_i(\alpha x) + \frac{l^4}{D_2} \psi(x) + \frac{l^4}{D_1} \sum_{n=0}^{\infty} A_n \cdot \varphi_n(x) + \frac{hl^4}{2lD_1} \sum_{n=0}^{\infty} B_n \cdot \bar{\varphi}_n(x) \right] \right\} \quad (14)$$

Горизонтальные перемещения подошвы балочных плит, определяемые формулой (4), с учетом (6) и (13) записываются в виде

$$W(x) = \theta_3 l^2 \sum_{n=0}^{\infty} B_n \cdot f_n(x) - \frac{h}{2l} y_1'(x) \quad (15)$$

Для определения коэффициентов A_n и B_n используем из условие плотного прилегание нижнего плиты к основанию, т. е. из условия контакта

$$y_1(x) = V(x), \quad W(x) = U(x), \quad -1 \leq x \leq 1. \quad (16)$$

Подставляя (7), (8), (13) и (15) соответствующим равенствам в (16), затем умножая обе части полученных выражения на $(1-x^2)^{-\frac{1}{2}}T_k(x)$ и интегрируя в пределах от -1 до 1 , для определения коэффициентов A_n и B_n , получаем бесконечную систему алгебраических уравнений с бесконечными неизвестными относительно коэффициентов A_n и B_n . Решая полученные система алгебраических уравнений методом редукции [4], определяются неизвестные постоянные A_n и B_n . Подставляя значения этих коэффициентов, можно будет определить соответственно прогибов и внутренних усилий плиты, перемещения и реактивных давлений основания.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ МУҲИМ МАНБАСИ

102-ГКК гуруҳи талабаси Бобобеков Ф. (СамДАҚИ)

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Қ.А.Нурбоев (СамДАҚИ)

Маълумки, кейинги йилларда Ватанимиз тарихини ўрганиш янги босқичга кирди. Айниқса, тарихчи олимлар томонидан Ўзбекистон тарихининг даврлаштирилиши концепцияси ишлаб чиқилгач, ҳар бир давр алоҳида тадқиқ этила борди. Жумладан, Ватанимиз тарихининг миллий истиқлол даврини чуқур ўрганиш ҳам Президент И.А.Каримов ташаббуслари билан боғлиқдир. Бу борада 2011 йилда нашр этилган “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” ва 2015 йилда нашр этилган “Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асарлари тарихчи олимларимиз олдига қилиниши керак бўлган жуда улкан вазифаларни белгилаб берди. Президент И.А.Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли китоби 2015 йил август ойида нашрдан чиққан бўлиб, “Бизнинг мақсадимиз – эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш”, “Мустақиллик – тоғдек таянчимиз, қудратли заминимиздир”, “Ким эдигу ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?”, “Сайлов - демократиянинг олий шаклидир”, “Тарих - бамисоли кўзгу”, “Ўзбек модели” - амалда ўзини оқлаган, ёруғ истиқболимизни белгилаб берган тараққиёт йўли”, “Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади”, “Ободлик кўнгилдан бошланади”, “Замонавий раҳбар доимо олдинга интилиб яшаши керак”, “Кексалар -хонадонларимизнинг фойз-у фариштаси”, “Аёл бахти - жамият бахти”, “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”, “Халқимизга тинчлик ва омонлик керак”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимиغا бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ” лардан иборат бўлган 14 боблардан ташкил топган.

Модомики, собиқ Совет Иттифоқидек қудратли давлатда ҳам XX асрнинг 70-80 йилларида тинчлик ва хавфсизлик ҳозирги Ўзбекистондагидек кафолатланмаганлигини Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби орқали яққол танишишимиз мумкин. “Мустақиллик арафасида талончилик, босқинчилик, гаровга олиш,

таъмагирлик, ўғирлик, товламачилик, одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятлар Наманганда ҳам авж олади. 1990 йилнинг ўн ойида вилоятда 3189 та жиноят юз берган бўлса, 1991 йилнинг май ойига (беш ой ичида) келиб бу кўрсаткич 3213 тани ташкил этди. Ўзига тўқ оилаларнинг болаларини ўғирлаб кетиб, эвазига катта пул сўраш ҳолатлари кучаяди”²⁰. Агарки, совет суд-ҳуқуқ тизимини оладиган бўлсак, у инсонни ҳимоя қилувчи орган эмас, аксинча, мустабид тузум кўлидаги инсонлар ва халқларни эзиш қуроли, репрессив машинага айланиб қолган эди. Унинг бундай ғайриинсоний моҳияти, айниқса, XX асрнинг 80 йиллари иккинчи ярмида Ўзбекистон ва унинг халқига нисбатан авж олдирилган қатоғон компаниялари даврида яққол намоён бўлди. “Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ўз ноқобилликларини кўрсатди. Улар оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш у ёқда турсин, кўпинча шу тартибсизликларга ўзлари йўл очиб бердилар. Кейинчалик эса, яна вазият барқарорлашиб, тергов бошлангач, улар ишни юзаки юритишни афзал кўрдилар. Оқибатда фожеанинг бош ташкилотчилари ва асосий сабабчилари панада қолиб кетди”²¹.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, мустақилликдан олдинги давр тарихини ўрганиш Президент И.А.Каримов “Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китобининг бош ғояси бўлган “Ким эдигу ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” – деган ғояни теран тушунишимиз имконини беради. “Мен ҳар доим мустабид совет тузуми, ўша замонда халқимиз бошидан кечирган кунлар ҳақида кўпроқ ёзинглар, деб, тарихчи ва ёзувчиларимиздан илтимос қиламан. Ўша даврда яшаган, унинг барча кирдикорларини ичи-ичидан билган зиёлиларимизнинг қанчаси отиб ташланди, қанчаси қамоқда ўлиб кетди. Аммо ўша замонни ёшларимиз билиши учун бизга кўпроқ китоблар, дарсликлар зарур”²².

Президент И.А.Каримов ушбу китобининг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деб номланган 12-бобида ёшларга қарата шундай таъкидлайди: “Мен ёшларимизга, менинг болаларимга қарата ўрганишдан ҳеч қачон чарчаманглар, деб айтмоқчиман. Ўрганиш, интилиш ҳеч қачон айб саналмайди. Ниманидир билмасанг, уни ўрганиш зарур. Авваламбор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш керак. Касб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди”²³.

Демак, китобнинг ёшларимиз учун айниқса ибратли томони, унда “Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш керак” – деган ғоянинг устунлигидир. Зеро, ёшларнинг ўрганишдан тўхтаб қолиши, миллатнинг келажагига жиддий хавф туғдириши, маънавиятнинг фалажлашишига олиб келади.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув-услугий кўлланма. Т.; “Ўқитувчи”, 2012, 22-бет.

²¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.; “Ўзбекистон”, 2011, 180-бет.

²² Каримов И.А. Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. “Ўзбекистон”, 2015, 112-бет.

²³ И.А.Каримов Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. “Ўзбекистон”, 2015, 240-бет.

ТАРИХГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

т.ф.н. доцент К.Ғаниев, ўқитувчи Т.Эрназаров (СамДАҚИ)

Резюме. Мақолада мустабид совет тузуми даврида тарих фанининг сохталаштирилганлиги, халқимизни миллий хотирадан, тарихидан бегоналаштиришга қаратилган шафқатсиз, шовинистик сиёсат олиб борилганлиги, большевиклар партияси тарихий хотира имкониятларини чеклаш, уни одамлар онгидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилганлиги ва унинг оғир оқибатлари ҳақида фикр юритилади. Унда мустақиллик йилларида тарихий хотирани тиклаш, ватан тарихини ҳаққона ёритиш, юртимизнинг энг янги тарихи, уни даврлаштириши муаммолари ёритилган.

Калит сўзлар. Тарих, тарихий хотира, тарихишунослик, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва уни даврлаштириши, методологик тамойиллар.

Тарих одамларни озодлик ва эркинликка, аждодлар анъанасига содиқ бўлишга даъват этадиган қудратли куч, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омил. И.А.Каримов таъкидлаганидек “Тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ”²⁴. Дарҳақиқат Юртбошимиз айтганидек “Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқатларини билиш инсонга қувват беради, уни ҳаёт ҳақиқати билан қуроллантиради”²⁵. Инсонда тарихий хотира ўз Ватани тарихини, ўз халқи, аждодлари тарихини билиш орқали шаклланади. Яқин ўтмишда мустамлакачилар, тоталитар тузум мутассаддилари кўпгина халқларни, шу жумладан, ўзбек халқини тарихидан жудо қилиш, уларни ўз ўтмишига лоқайдлик билан қарайдиган, насл-насабини эслолмайдиган манқуртларга айлантириш сиёсатини юритдилар, амалиётда эса халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди, унинг бир неча минг йиллик бой тарихи сохталаштирилди, уни ёшларга ўқитиш ва ўргатишга изн берилмади. Маълумки Ватанимиз ҳудудида қарийб 150 йил давом этган мустамлакачилик даврида халқимизнинг миллий хотирасини, тарихини сохталаштиришга қаратилган шафқатсиз босқинчилик, шовинистик сиёсати олиб борилди. Айниқса мустабид совет тузуми, большевиклар партияси қандай бўлмасин тарихий хотира имкониятларини чеклаш, уни сохталаштириш ва одамлар онгидан чиқариб ташлаш чораларини курди ва шу йўлда ҳар қандай ёвузликдан қайтмади. XX аср бошларидаги миллий уйғониш ҳаракати «коммунистик пролетар утопияси» йўлида мустабид тузум томонидан тугатилди. Туркистон мухторияти ҳарбий куч билан йўқ қилинди. Ватан ва миллат фидойилари, айниқса жаҳидлар жоҳиллик ва ижтимоий адолатсизликни маърифат воситаси билан енгаолмагач, аввал Россия мустабидлари, сўнг советлар билан мурса қилишга мажбур бўлдилар ва охир оқибатда, нафақат эзгу ниятлари балки табаррук бошлари ҳам мунофиқлар жодусида қирқилди. Ягона Туркистон сунъий равишда бир неча алоҳида «республика»ларга бўлиб юборилди. Турар Рискулов, Мустафо

²⁴И.А. Каримов. Она ватанимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.-Т.: “Ўзбекистон”, 2015, 109-бет.

²⁵И.А. Каримов. Она ватанимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир, 112-бет

Чукай, Заки Валидий, Тўғон каби маҳаллий сиёсий арбобларнинг далил исботлари на ўлкага юборилган «шовинист-коммунистлар», на Москвадаги уларнинг доҳийлари томонидан тан олинмади.

Агар Чор Россияси бизнинг маънавиятимизни турғунликда, колоқликда тутишга ўринган бўлса, болшевик-шовинистлар, мустабид совет тузуми маҳаллий халқларни ўз миллий маънавиятидан буткул бегоналаштириш сиёсатини тутдилар «Шаклан миллий, мазмунан социалистик», «совет маданияти» тўлиқ мунофиқлик заминига қурилди. Динни, халқнинг минг йиллик эътиқодини, тарихий хотирасини рад этдилар, ўрнига «шахсга сиғиниш» балоси рубару бўлди. «Пахта мустақиллиги учун» кураш Туркистон халқларини иқтисодий қарамлик ва ночорлик, ўлка табиатининг вайрон бўлиши, сув, ҳаво ва тупроқнинг захарланишига олиб келди. «Халқлар дўстлиги», «интернационализм» байроғлари остида бутун-бутун миллатлар она юртидан бадарға қилинди, миллий ўлкалар аҳолиси таркибини руслаштириш сиёсати қаттиққўллик ва изчиллик билан амалга оширилди. Иттифоқ даврида республикадаги барча ҳал қилувчи мансабларда маҳаллий бўлмаган миллат намояндалари ҳукм сураб ва сиёсатни Москва кўрсатмасига биноан олиб борар эдилар. Маҳаллий халқ вакилларидан «хўжа кўрсин»га тайинлаб қўйилган раҳбар шахслар барчаси ҳар қадамда, ҳар сўзда ўзларининг Москва сиёсатига вафодор ва содиқ эканликларини исботлаб туришлари ёзилмаган қонун эди. Бу мунофиқона йўналишдан бир баҳя чекинганларга шафқат бўлмасди. Маънавият соҳасида ҳам фақат Москвага таъзим, таги пуч коммунизм ғоясига далил-исботсиз, шубҳа-гумонсиз сажда қилиш, «ёлғон социализм»га мунофиқона мадҳу сано асосий ҳукмрон йўналиш қилиб белгиланган эди.

Тўғри, миллий зиёлиларимиз Ватанимиз, ўзбек давлатчилиги тарихини, аجدодларимиз меросини ўрганишга анча-мунча ҳаракат қилишди. Аммо бу соҳада ҳам ёлғон аралаштирмай сўз айтиш мумкин эмас эди. Ўтмиш аждодларимиз меросини ўрганиш асосан тарихимизни, ўтмишимизни қоралаш, кўҳна тарихимиз «иллатларини» фош этиш мақсадларига хизмат қилдирилди. Шунда ҳам миқдорий нисбатларга эътибор берсак, неча минг йиллик исломгача маънавиятимиз тарихини ўрганувчи мутахассислар 70-80 йилларгача ўлкамизда деярли мавжуд бўлмаган, салкам 1300 йиллик ислом даврини ўрганувчилар бир неча ўн кишидан ошмас эди, аммо 60-70 йиллик «советлар» даврининг ҳар сониясини турли жиҳатлардан мадҳу сано этиш учун тарих, фалсафа, адабиёт ва бошқа ижтимоий-гуманитар йўналишларда минглаб олий маълумотли мутахассисларни ўз ичига олган маҳобатли «мафкуравий кўшин» сафарбар этилган эди.

Мустақилликнинг илк кунларидан ҳеч қандай сиёсий ақидаларсиз том маънодаги тўғри тарихни яратиш асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилди. И.А.Каримиов тарихни энг муқаддас миллий ва умуминсоний қадрият ҳамда хотира эканлигини ҳисобга олиб “Тарихий хотирасиз ҳақиқат йўқ”, “Ўзликни англаш тарихдан бошланади”, “Тарих халқ маънавиятининг асосидир” деган теран фалсафий фикрларни олға сурди. Шу билан бирга юртбошимиз 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчи олимлар билан суҳбатда тарихий воқеа, ҳодисаларни тўғри, ҳолисона,

илмийлик нуқтаи назаридан ҳаққоний ёритишга қаратилган назарий, концептуал-методологик тавсиялар берди ва Ватан тарихини ана шу методологик тамойиллар асосида яратиш вазифасини кун тартибига қўйди²⁶. Давлатимиз раҳбари тарихчиларга маслаҳат бериб, “Тарихни ёзишда ҳеч қачон ўнг томонга ҳам, чап томонга ҳам оғмасдан, фақат ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан йўл тутиш керак. Сохта тарих бамисоли оғу каби инсонни заҳарлайди, унинг онгу дунёқарашини чалғитади”²⁷ деб таъкидлаган эди.

Масалага шу таҳлилда ёндашилгани бежиз эмас, албатта. Биринчидан, мустабид совет даври мафкураси Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини атайлаб камайтиришга ҳаракат қилди. Иккинчидан, ўзбек халқида ҳеч қачон давлатчилик тарихи бўлмаган, деган ақидаларни тўқиб, Ўзбекистондаги бу жараён 1924 йилдангина бошланган, деган ғайриилмий “назария” тўқиб чиқарилди. Айни вақтда, ўзбек халқининг бой, ибратли тарихи ғаразли мақсадда бузиб кўрсатилди. Тарихимизни ўзимиз ёзишдан маҳрум бўлиб, бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқидик. Ўзбекистон тарихини тўлақонли ўрганиш ва таҳлил қилишдан маҳрум эдик.

И.А.Каримов ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тарихий ҳақиқатни тиклаш, тарихга янгича ёндашиш, совет мустабид тузумида юзага келган Ватанимиз тарихига нисбатан ноҳолисликлар ва “оқ доғлар”ни миллий мустақиллик мафкураси асосда тугатиш йўлида самарали ишлар амалга оширилди. Тарихчи олимлар томонидан қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монография ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар яратилди.

Мамлакатимиз ривожининг кейинги йилларида мустақиллик шароитида барча жабҳаларда амалга оширилган кенг қамровли ислохотларни, рўй берган демократик ўзгаришларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш эҳтиёжи вужудга келди. Ўтган асрнинг 80-йилларининг охири, 90-йиллари бошларидаги Ўзбекистондаги ўта қийин ва таҳликали вазиятни яққол англаш учун бугунги кун билан солиштириш, таққослаш лозим. И.А.Каримов таъкидлаганидек “Инсоннинг табиати шундайки, вақт ўтиши билан ёмон воқеалар эсидан чиқади. Бир томондан қараганда, бу – тўғри. Чунки инсон бошидан кечирган бахтсизликларни, эзилган кунларини эслашни хоҳламайди. Лекин яхши кунлар, обод ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш учун инсон баъзи-баъзида ортга назар ташлаб туриши ҳам керак. Тарихдан сабоқ чиқариб яшаши лозим”²⁸.

Мустақилликнинг қарийб чорак асри давомида мамлакатимизда эски замонни, унинг зўравонликларини кўрмаган, билмаган мутлақо янги авлод етишиб чиқди. Уларга совет мустабид тузумининг асл мазмун-моҳиятини тушунтириш кераклиги сезилмоқда. “Тарихимиздаги оғир даврлардан ҳам хулоса чиқариб яшашимиз керак. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролланиши лозим”²⁹ – деган эди

²⁶И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998

²⁷ И.А.Каримов. Она ватанимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир, 112-бет.

²⁸ И.А.Каримов. Она ватанимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир, 117-бет.

²⁹ И.А.Каримов. Она ватанимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир, 117-бет

И.А.Каримов. Ўсиб келаётган авлодга янги жамиятни эски тафаккур билан қуриб бўлмаслигини тушунтириш, унинг тафаккур тарзида жиддий эволюцион ўзгаришлар содир этилишини таъминлаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2012 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашини тузиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда мамлакатимизнинг энг янги тарихини тизимли равишда, тарихийлик, илмийлик, холислик тамойиллари асосида ўрганиш, бунда бирёклама ёндашувларга мутлақо йўл қўймаслик, тарихни ўрганишда ворислик тамойилларига суянган холда, ўзбек халқининг ўтмиши, бугунини ўзаро боғлиқликда тадқиқ этиш вазифалари қўйилди.

Тадқиқотчилар томонидан Ўзбекистоннинг энг янги тарихини қуйидаги босқичларга бўлган холда даврлаштириш мақсадга мувофиқлиги қайд этилмоқда.

1- босқич: 1989-1991 йиллар. Бу – Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги ўта таҳликали, машаққатли давр эди. Собиқ мустабид совет тузуми емирилаётган, чок-чокидан узилаётган бу даврда СССРнинг йўқ бўлиши аниқ бўлиб қолди. Мустақилликнинг дастлабки кунларида эса Ўзбекистон учун қандай янги йўлни, унга мос сиёсатни танлаш масаласи жуда ҳам долзарб эди.

2 – босқич: 1991-2000 йиллар. Бу даврда давлат ва жамиятни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими бартараф этилди. Унинг ўрнига миллий давлатчилик асосларига таянадиган демократик тизим яратишга қаратилган ҳуқуқий база яратилди. Ушбу босқичда бутун дунё эътироф этган И.А.Каримов томонидан асосланган тараққиётнинг “Ўзбек модели” ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этила бошланди, демократик фуқаролик жамияти асослари яратила бошланди.

3 – босқич: 2000-2010 йилларни қамраб олган бу даврда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, демократик ислохотлар ва модернизация жараёнларини амалга ошириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароланинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини янада кучайтириш, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада ортдириш каби йирик вазифаларни бажариш борасида муайян ютуқларга эришилди.

4 – босқич: 2010 йилдан бошланган ушбу тарихий босқичда мамлакатни ривожлантиришда ва демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришда янги марраларга эришилди. 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон ва ўзбек халқи учун янги даврни бошлаб берди³⁰.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китобини ўрганиш бўйича қўлланма / Масъул ижодий гуруҳ: Б.Ходиев, А.Бекмуродов, У.Ғафуров, Ш.Мустафақулов. – Т.: “Маънавият”, 2016, 95-96 бетлар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки мустақиллик йиллари миллий тарихимизни, айниқса, энг янги тарихимизни тиклаш, англаш даври бўлди. Тарих фани турли “изм”лар, сохта назариялар, “оқ доғ”лар, чалкашликлардан озод бўлди.

MIRZO ULUG’BEKNING FALAKSHUNOSLIK FAOLIYATI.

SamDAQI.201-SHQvaX.Qodirov.A.O.

Ilmiy rahbar:katta o’qituvchi Ziyodova.A.E

Umumjahon madaniy taraqqiyotini buyuk ilmiy kashfiyotlar bilan boyitgan Mirzo Ulug’bek Samarqandni dunyoga dong’i ketgan ilm-fan, madaniyat va ma’rifat markaziga aylantirdi. Bobosi Amir Temur, otasi Shoxruh Mirzo kabi ilm-fan, san’at va hunar ahliga homiylik qilibgina qolmasdan, shaxsan o’zi ham ilm va ta’lim ishlari bilan faol shug’ullandi. Saltanatda avval qator madrasalar, so’ngra dunyoda tengi yo’q rasadxona qurib, ularda o’z davrining taniqli olimlari ishtirokida yuqori saviyadagi ta’lim va tadqiqot ishlarini olib bordi. Natijada Samarqand Ulug’bek davrida nafaqat Movarounnahr, balki butun temuriylar saltanatining yirik ilmiy-madaniy markaziga aylandi. Bu yerda ko’plab taniqli olimlar yetishib chiqdi va ular o’z davrining nodir kashfiyotlarini amalga oshirdilar.

Mirzo Ulug’bek yurtimizning bir qator shaharlarida madrasalar qurdirgan, Samarqandda o’ziga xos ilmiy muhit, hozirgi tilda aytganda, akademiya tashkil etgan. U yerda 200 dan ortiq olim faoliyat yuritgan. Falakiyot ilmining nazariy va amaliy masalalari to’la qamrab olingan Ulug’bekning “Zij”i o’rta asrlardayoq Osiyo va Yevropa mamlakatlarida keng tarqalgan. Yevropalik astronom olimlar uni lotin, fransuz, ingliz tillariga tarjima qilgan, sharhlar bitgan. “Ziji Ulug’bek”, “Ziji jadidi Ko’ragoniy” nomlari bilan shuhrat qozongan bu asarda 1018 yulduzning o’rni va holati aniqlab berilgan. Yulduzlarning balandligi va ular orasidagi masofa, quyosh va oyning harakati, ularning tutilish vaqtlari bayon qilingan. Bu hisob-kitoblar zamonaviy texnologiyalar orqali aniqlangan kuzatuv natijalaridan deyarli farq qilmaydi. Masalan, Ulug’bek hisobi bo’yicha bir yil 365 kun 6 soat 10 daqiqa 8 soniyani tashkil etadi. Bugungi kunda bir yil 365 kun 6 soat 9 daqiqa 6 soniyaga teng. “Bu haqda so’z yuritar ekanmiz, beixtiyor 1996 yili Parijda YuNESKOning o’sha paytdagi Bosh direktori Federiko Mayor janoblari bilan bo’lgan bir suhbat yodimga tushadi, – deb yozadi Prezidentimiz “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” asarida. – O’shanda janob Mayor Ulug’bekning ilmiy merosini yuksak baholab, uning yulduzlar harakatiga oid hisob-kitoblari bugungi kunda kompyuter yordamida tekshirib ko’rilganda atigi bir necha daqiqaga farq qilishi aniqlandi, degan gapni aytib qoldi. Shunda men unga qarab, yo’q janob Federiko Mayor, Ulug’bek xato qilgan bo’lishi mumkin emas, balki kompyuterlar xato qilgan bo’lishi mumkin, degan edim”.

Dunyo tarixidagi birinchi turkiy tillar lug’ati bo’lmish “Devoni lug’atit-turk” kitobi muallifi Mahmud Koshg’ariy bo’lib, u o’z asarida yuksak mahorat bilan to’plashga erishgan so’z boyligining tom ma’nodagi oltin zarralarini — turkiy maqol va she’rlarni ham keltirib o’tgan. Koshg’ariy turkiy xalqlarning tili, madaniyati, etnografiyasi va folklorining birinchi tadqiqotchisi hisoblanadi.

Arab tili grammatikasining asoschisi sifatida tan olingan buyuk tilshunos, adabiyotshunos, geograf va faylasuf alloma — Mahmud Zamahshariy hayotlik davridayoq keng shuhrat qozongan. U, shuningdek, tarixdagi birinchi ko'p tilli lug'at — arabcha-forscha-turkiy lug'atning asoschisi bo'lgan. Albatta, biz barchamiz o'rta asrlarda Sharqda yashab ijod qilgan, o'sha davr voqyealaridan guvohlik beradigan bebaho asarlar yaratgan buyuk tarixchilar avlodiga, eng avvalo, Ahmad ibn Arabshoh, Nizomiddin Shomiy, Sharafiddin Ali Yazdiy, Hofizi Abro', Xondamir, Abdurazzoq Samarqandiy va boshqa allomalarga o'zimizning cheksiz hurmat-ehtiromimizni bildirishimiz ham qarz, ham farzdir.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУВОЗАНАТИ МАСАЛАЛАРИ.

Тер.Д.У. Ўқитувчи, Амиркулова. З. Талаба, Панжсиева.Б.

Мамлакатимизнинг истиклол йўлидаги биринчи қадамлариданок буюк мамлакатимизни тиклаш ва янада юксалтириш ижтимоий таълим -тарбияни такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш, улуғвор мақсадни ўз олдига қўйди. Бунга “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Давлат таълим стандарти” нинг жорий этилиши яққол мисол бўла олади.

Шу аснода талабаларга дарс бериш жараёнида таълим бериш билан бир қаторда тарбия ҳам бериб бориш зарурлиги ҳаммамизга маълум.

Бу жараён ўқитувчи-педагоглардан юксак билим, тафаккур ва маҳорат талаб қилади. Ўқитувчи қанчалик маҳоратли бўлса, таълим-тарбия тенглигига жуда катта эътибор беради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, таълимнинг ҳам, тарбиянинг ҳам, ўқувчи шахси, унинг баркамол авлод бўлиб этишишида муҳим аҳамият касб етади. Истиклол барча соҳаларда бўлгани каби халқ таълими соҳасида ҳам катта ўзгаришлар ясади, буюк бурилишлар қилди.

Президентимиз И. А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таълим-тарбия масалалаига урғу бериб шундай ёзади: “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Бу ҳақда фикр юритганимизда Абдулла Авлониининг “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидур” деган чуқур маъноли сўзларини эслаш жоиз. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари ўтган асрнинг бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб етади ”.

Дарҳақиқат, таълим-тарбиянинг мувозанати сақланар экан, биз албатта кутилган натижаларга эришамиз. Чунки, таълим-тарбия тизими тенглиги ўқувчи онгида маънавиятнинг шаклланишини таъминлайди. Демак, таълим-тарбия мувозанатини таъминлашда бугунги замонавий таълим технологияларидан дарс жараёнида кенг қўламда қўллаш ўз самарасини беради.

Истиклол шарофати боис бу каби бирёкламаликларга чек қўйилди. Эндиликда миллий педагогикамиз жадал суръатларда тараққий этаётир. Ота-боболаримиз азал-азалдан бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлар. «Бола бошидан...» деган нақл бежизга айтилмаган, назаримизда. Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Беруний, аз-Замахшарий, Навоий, Бобур, Огаҳий, Абдулла Авлоний, Абдурауф. Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари улуғ олиму адиблар, фозилу-фузалолар таълим-тарбия борасида кўп асарлар битганлар. Улар таълимдаги миллий хусусиятларга диққат-эътиборни қаратишган. Тарихдан маълумки, бир вақтлар Шарқ педагогикаси ниҳоятда гуллаб-яшнаган. Олмон олими Хёрлер «Шарқ Европанинг муаллимидир» деганида ана шу ривожланиш даврларини кўзда тутган эди, эҳтимол. Зотан, шарқ педагогикасининг қамрови кенг. Уни уммонга қиёсламоқ мумкин. Ҳозир ўрганаётганимиз ана шу уммондан бир қатрадир, холос. Биз ўзлигимизга қайтиб, мутафаккир боболаримиз меросидан унумли фойдалана билсак, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, таълим-тарбия соҳасида дунёнинг энг илғор мамлакатларига етиб оламиз. Зотан, бу ҳар қандай бойликдан афзалдир. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий айтганидек: «Эл адаби хушроқ эрур олтунидин». Шунинг учун ҳам ўзбек халқи ёш авлод тарбияси борасида дорилфунун яратиб қолдирган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби саналмиш «Авесто» дан тортиб то ҳозирги кунда яшаб ижод этаётган педагог-олимлар асарларига қадар педагогик қарашлар ўз аксини топгани бежиз эмас. Педагогика жамиятнинг ривожланиш қонун-қоидаларига таянган ҳолда тараққий этади. Бугунги кунда эса ана шу жараён авж палласига чиқмоқда. Хусусан, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар, миллий онг кун сайин юксалаётганидан далолат беради. Инсон онги тараққий этмас экан, ижтимоий ҳаёт жабҳаларида ҳеч бир ўзгариш сезилмайди. Модомики, замон жадал суръатларда ўзгараётibdими, демак, педагогика ҳам шу ўзгаришларга ҳамоҳанг бўлмоғи даркор.

OLIY TA'LIM TIZIMIDA PEDAGOG KADRLARNING MALAKASINI OSHIRISH VA KASBIY KOMPETENTLIK DARAJASINI RIVOJLANTIRISH MASALALARI

Muxtorova L. A. (TerDU)

Respublikamiz ta'lim tizimini zamonaviy darajada takomillashtirish yo'nalishida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli ishlardan ko'zda tutilgan asosiy maqsad – yosh avlodga ta'lim-tarbiya berish sifati va samaradorligini oshirish, ularni o'z yurtining sodiq farzandi etib tarbiyalash va mustahkam bilim egallashlari uchun barcha shart-sharoitlarni yaratish hisoblanadi.

SHu o'rinda Prezidentimizning ushbu fikrlarini eslab o'tishni joiz deb bildik: “Bizning asosiy vazifamiz-yosh avlodga faqat bilim berishdan iborat emas, balki bugun dunyoda yuz berayotgan voqea-hodisalardan to'g'ri xulosa chiqara oladigan, “Betakrorimsan, yagonasan, ona Vatanim-O'zbekistonim!” deb, o'z eri, o'z yurtida sadoqat tuyg'usi bilan yashaydigan, O'zbekiston fuqorasi degan sharafli nomga har tomonlama munosib bo'lgan insonlarni tarbiyalash-

barchamizning muqaddas burchimizdir”³¹ degan fikrlari o’qituvchi shaxsi, imkoniyat va ehtiyojlariga alohida e’tibor qaratilganligining tasdig’idir.

Bozor munosabatlari sharoitida mehnat bozorida ustuvor o’rin egallagan kuchli raqobatga bardoshli bo’lish har bir mutaxassisdan kasbiy kompetentlikka ega bo’lish, uni izchil ravishda oshirib borishni taqozo etmoqda. Xo’sh, kompetentlik nima? Kasbiy kompetentlik negizida qanday sifatlar aks etadi? Pedagog o’zida qanday kompetentlik sifatlarini yoritish zarur. Ayni o’rinda shu va shunga yondosh g’oyalar yuzasidan so’z yuritiladi.

Inglizcha “**competence**” tushunchasi lug’aviy jihatdan bevosita “qobiliyat” ma’nosini ifodalaydi. Mazmunan esa “faoliyatda nazariy bilimlardan samarali foydalanish, yuqori darajadagi kasbiy malaka, mahorat va iqtidorni namoyon etish”ni yoritishga xizmat qiladi. Kasbiy kompetentlik mutaxassis tomonidan alohida bilim, malakalarning egallanishini emas, balki har bir mustaqil yo’nalish bo’yicha integrativ bilimlar va harakatlarning o’zlashtirilishini nazarda tutadi. SHuningdek, kompetentsiya mutaxassislik bilimlarini doimo boyitib borishni, yangi axborotlarni o’rganishni, muhim ijtimoiy talablarni anglay olishni, yangi ma’lumotlarni izlab topish, ularni qayta ishlash va o’z faoliyatida qo’llay bilishni taqozo etadi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning muvaffaqiyati, eng avvalo, mustaqil va keng fikrlash qobiliyatiga ega bo’lgan, ongli, komil insonlar sifatida tarbiyalanib voyaga etgan yosh mutaxassis kadrlarga bog’liqdir². Bo’lajak o’qituvchilarni tayyorlashda ularning metodik kompetentligini shakllantirish, kasbiy-pedagogik jihatdan tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash masalasi, bevosita uning mazmuni bilan bog’liq. Pedagogik bilimlar, mustaqil pedagogik faoliyat yuritish o’qituvchi kasbiy mahoratining muhim tarkibiy qismi hisoblanadi va o’z navbatida jamiyat ma’naviy hayoti, moddiy ishlab chiqarish sohalarini pedagogik jihatdan yo’naltirishga yordam beradi. SHu sababli hozirgi kunda ta’lim samaradorligini oshirish, mutaxassislarning kasbiy kompetentlik darajasini rivojlantirish, pedagog kadrlarni innovatsion faoliyatga yo’naltirish, o’quv jarayoniga innovatsion ta’lim va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarni tatbiq etish, ilg’or xorijiy tajribalarni o’zlashtirish va maqsadli yo’naltirish ta’lim tizimni modernizatsiyalashdagi dolzarb vazifalar sifatida belgilangan.

Bugungi kunda oliy ta’lim muassasalarida ta’lim sifatini oshirishga, o’quv-tarbiya jarayonini modernizatsiyalash, pedagog kadrlarni tayyorlash tizimi sifat darajasini oshirishda o’qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish bo’yicha qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. SHu o’rinda Prezidentimiz I.A. Karimovning 2015 yil 12 iyundagi PF-4732-sonli “Oliy ta’lim muassasalarining rahbar va pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi Farmoni ta’lim sifatini yanada takomillashtirishda alohida ahamiyat kasb etmoqda. SHu sababli oliy ta’lim tizimida mutaxassislarning kasbiy kompetentlik darajasini rivojlantirish, pedagog kadrlarni innovatsion faoliyatga yo’naltirish hamda pedagogik mahoratini shakllantirish, ta’lim samaradorligini oshirish, modulli o’qitish texnologiyasini qo’llash muammolarini o’rganish nazariy va amaliy

³¹Islom Karimovning 2015 yilning 28 sentyabrdagi “Turkiston” saroyida O’zbekiston o’qituvchi va murabbiylariga bayram tabrigidan.

ahamiyat kasb etadi. Bu esa o'z navbatida "Oliy ta'lim tizimida pedagog kadrlarning malakasini oshirish va kasbiy kompetentlik darajasini rivojlantirish" muammosini tadqiq etishning dolzarb ekanligini tasdiqlaydi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi hamda Prezidentimiz tomonidan qabul qilinayotgan har bir Qarorda barkamol avlod tarbiyasi va ularning kasbiy mahoratini avvalo ta'lim muassasalarida oshirib borishga jiddiy e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, Respublikamiz Prezidenti I.A.Karimovning so'zlari "Mamlakatimizda sog'lom va barkamol avlodni tarbiyalash, yoshlarning o'z ijodiy va intellektual salohiyatini ro'yobga chiqarishi, mamlakatimiz yigit-qizlarini XXI asr talablariga to'liq javob beradigan har tomonlama rivojlangan shaxslar etib voyaga etkazish uchun zarur shart-sharoitlar va imkoniyatlarni yaratish bo'yicha keng ko'lamli aniq yo'naltirilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish"³² muhim vazifa sifatida belgilangan. Ushbu vazifalarni bekamu ko'st amalga oshirilishi uchun bugungi kunda avvalo bo'lajak o'qituvchilarning saviyasini va bilimni uzluksiz takomillashtirib borishga mustahkam zamin yaratilishi kerak. Ushbu muammolarning echimini topishda "Oliy ta'lim tizimida pedagog kadrlarning malakasini oshirish va kasbiy kompetentlik darajasini rivojlantirish masalalari"ni o'rganish muhim ahamiyat kasb etadi.

PEDAGOGIK FAOLIYATDA PEDAGOGIK MAHORATNI SHAKLLANTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI.

Rafiqov I.G'. (TerDU) Muxtorova L. A. (TerDU)

O'zbekiston Respublikasida o'qituvchi kadrlarning ma'naviy qiyofasiga, aqliy salohiyatiga hamda kasbiy mahoratiga nisbatan alohida mas'uliyatlar yuklangan. CHunonchi, bu borada Prezidentimiz I.A.Karimov quyidagilarni qayd etadi: «Biz yurtimizda yangi avlod, yangi tafakkur sohiblarini tarbiyalashdek mas'uliyatli vazifalarni ado etishda birinchi galda ana shu mashaqqatli kasb egalariga suyanamiz va tayanamiz, ertaga o'rnimizga keladigan yoshlarning ma'naviy dunyosini shakllantirishda ularning xizmati naqadar beqiyos ekanini o'zimizga yaxshi tasavvur qilamiz». Ushbu fikrlardan bugungi kun o'qituvchisiga nisbatan qo'yilayotgan talablarning mazmun va mohiyati anglaniladi.³³

Hozirgi kundagi global o'zgarishlar, fan-texnika va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining kun sayin rivojlanib borishi XXI asr o'qituvchisidan pedagogik mahoratni, o'tkir irodani, pedagogik-psixologik bilimlarni, o'z fanini chuqur bilishni va yuksak tafakkurni, siyosiy savodxonlikni, fikrlash doirasi keng va mulohazali bo'lishni talab qiladi.

O'qituvchi – O'zbekistonning porloq kelajagini barpo etuvchi, dunyoga mashhur mutafakkir va olimlarning davomchisi bo'lgan yosh avlod ta'lim-tarbiyasi uchun javobgar shaxsdir. SHunday ekan, o'qituvchining mazkur talablarga muvofiq keluvchi qiyofasi, uning o'quvchilar, hamkasblar hamda ot-onalar o'rtasidagi obro'-e'tibori hozirgi zamon talablariga mos bo'lishi shart.

O'qituvchi barkamol avlod ta'lim-tarbiyasi uchun javobgar shaxs bo'lib, nafaqat ma'naviy-axloqiy madaniyati bilan atrofdagilarga o'rnak bo'lishi, shu

³² "ADOLAT" ijtimoiy siyosiy gazetasi. – Toshkent, 2010, № 4, 29 yanvar.

³³ Ochilova G.O, Musaxanova G.M., . Pedagogik mahorat. – Toshkent, 2007, 16 – bet.

bilan birga, pedagogik mahoratini ham namoyon eta olishi, etuk o'qituvchi sifatida malakali kadrlarni tayyorlash ishiga o'zining munosib hissasini qo'shishi zarur.

Pedagogik mahoratga ega bo'lish, o'qituvchi uchun ta'lim-tarbiya samaradorligini ta'minlovchi zamin bo'libgina qolmasdan, ayni vaqtda uning jamiyatdagi obro'-e'tiborini ham oshiradi, o'quvchilarga unga nisbatan hurmat yuzaga keladi. Kasbiy mahoratni oshirish yo'lida amaliy harakatlarni tashkil etish pedagogik faoliyatda yo'l qo'yilgan yoki qo'yilayotgan xatolardan holi bo'lish, talabalar, hamkasblar hamda ota-onalar bilan munosabatda muvaffaqiyatlarga erishish imkoniyatini yaratadi.

O'z davrlarida Abu Nasr Forobiy, Yusuf Xos Hojib, Sa'diy SHeroziy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Alisher Navoiy, Husayn voiz Koshifiy, Abdulla Avloniy va boshqalar o'qituvchilik kasbi, uning mashaqqatlari, shuningdek, o'qituvchi shaxsida aks etishi zarur bo'lgan sifatlar xususida qimmatli ma'lumotlarni o'z asarlarida qizg'in bayon qilishgan. Binobarin, pedagogik jarayonning mohiyatini anglamagan, talabaga nisbatan chuqur hurmatda bo'lmagan o'qituvchi ta'lim-tarbiya samaradorligi va inson kamolotini ta'minlovchi fikrga ham ega bo'la olmaydi. Yuksak pedagogik mahoratga ega bo'lgan o'qituvchi talabani tushuna olishi, unga nisbatan insonparvar munosabatda bo'lishi, har qanday pedagogik vaziyatni to'g'ri baholashi, yuzaga kelishi ehtimoli bo'lgan ziddiyatlarni o'z vaqtida bartaraf etishi, pedagogik faoliyatda hamisha ilg'orligi, jamiyat taraqqiyoti hamda pedagogik jarayonda o'quvchilar ongiga singdirilayotgan ezgu g'oyalarni hayot bilan bog'lay olishi lozim.

Pedagogning kasbiy mahoratini rivojlantirishda bir qator xorij va O'zbekistonlik pedagog olimlar va tadqiqotchilar o'z xissalarini qo'shib kelmoqdalar. Jumladan, Rossiyalik pedagog - olimlar N.V.Bordovskaya, V.A.Slastenin, A.A. Radugina, E.N.SHiyanov kabilar bo'lsa, O'zbekistonlik olimlardan S.Rajabov, R.Mavlonova, S.Xasanov, U.Nishonboev, P.M.Quronov, U.Mahkamov, M.Maxmudov, O.Roziqov, S.Og'aeV, O'.Tolipov, N.Saidaxmedov, N.Azizxo'jaeva, J.Yo'ldoshev, G.A. Sultonova N.G'aybullaev, N.Xo'jaev, M.Xakimova, M. Xoshimova, B.Ziyomammedov, A.Xoliqovlarni ta'kidlab o'tish mumkin.

Hozirgi kunda ham yevropaning yetakchi olimlari (B.P.Zyazin, V.A.Kan Kalik, Y.N.Kyuluytkin, N.D.Nikandrov, L.I.Ruvinskiy va boshqalar) o'qituvchining pedagogik mahoratini yanada takomillashtirish uchun ilmiy-tadqiqot ishlarini olib bormoqdalar. Xususan, ular o'z asarlarida "mukammal egallangan pedagogik mahorat"ni o'qituvchi doimo orzu qilib intiladigan, ammo yetisha olmaydigan yuksak ideal kasbiy mahorat sifatida izohlaydilar. Shu ma'noda "mahorat" terminini o'qituvchiga nisbatan kompliment, ya'ni maqtov tariqasida eng oily baho sifatida qo'llash mumkin. Pedagogik mahorat faqat o'qituvchi batamom o'zlashtirishi lozim bo'lgan kasbiy bilim va ko'nikmalarni egallashning eng yuqori cho'qqisi sifatida qabul qilinmasligi kerak. Tajribali o'qituvchi o'z ijobiy yutuqlari bilan qanoatlanib qolmasdan, hamisha kasbiga oid yangiliklarni o'zlashtirib borishi, jamiyat taraqqiyoti tufayli paydo bo'ladigan zamonaviy pedagogik vazifalar va muammolarni hal qilishda faol ishtirok yetishi; o'zining kasbiy ko'nikma va malakalarini uzluksiz oshirib borishga intilishi lozim. Bu pedagogik mahoratni egallashning ajralmas qismidir.

Bugungi kunda jamiyat uchun butunlay yangi qiyofadagi mutaxassis talab

qilinmoqda. U faol ijodiy fikrlovchi, izlanuvchan, ilmiy axborotlarni mustaqil ravishda izlab topuvchi va ularni o'z amaliy faoliyatida qo'llay oluvchi mutaxassis bo'lib etishishi lozim. Darhaqiqat, har bir yosh mutaxassisni puxta ilmiy – nazariy bilimlar bilan qurollantirish, egallagan ilmiy bilimlarni amaliy faoliyatda qo'llash uchun ko'nikma va malakalarini rivojlantirish albatta oson ish emas. O'qishga ilmiy, ongli munosabat bilan qaraydigan, mustaqil fikrlaydigan, mukammal ma'lumotlarni egallashga layoqatli, bilish faolligi va aqliy mehnat madaniyatini o'zida mujassamlashtirgan yoshlarni voyaga etkazish – muhim vazifadir.

Xulosa qilib aytganda, o'qituvchining mahorati, uning zamonaviy texnologiyalarni ta'lim jarayoniga mohirona tadbiq eta olishi, ta'limning yangi-yangi yo'l va usullarini izlashi, ilg'or pedagogik tajribalardan ijodiy foydalana olishi juda muhimdir. SHuning uchun ham bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kelgusi faoliyatga tayyorlashda, zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy etishga tayyorlash bugungi oliy ta'lim oldiga qo'yilgan muhim talablardan biridir. CHunki innovatsion ta'lim texnologiyalari birinchidan, o'quvchilarni bilim, ko'nikma va malakalarni oson va qiziqib o'rganishlari uchun imkoniyat yaratsa, ikkinchidan, o'qituvchining ham professional o'sishiga, ham ma'naviy rivojlanishiga yordam beradi.

PEDAGOGIK TEXNIKA VA UNI SHAKLLANTIRISH OMILLARI.

Berdiyeva M.M. (TerDU)

Kadrlarning yangi avlodini tayyorlash muammosining samarali yechimi, birinchi navbatda, hozirgi kun talablariga javob bera oladigan psixologiya, pedagogika, iqtisodiyot, ekologik madaniyat, huquqshunoslik va shunga o'xshash boshqa fanlarning bilim asoslarini chuqur biladigan professional malakaga, har tomonlama chuqur bilimga ega bo'lgan o'qituvchi kadrlarning tayyorlanishi bilan bog'liqdir.

Hozirgi zamon fan va texnika taraqqiyoti o'qituv'chini ijodkor bo'lishini, fanning muhim muammolari yuzasidan erkin fikr yurita olish, fan yutuqlarini o'quv'chilarga yetkaza olish va nihoyat o'quv'chilari ham erkin fikrlashga, tadqiqot ishlariga o'rgata olishni talab qiladi. SHuning u'chun o'qituv'chi avvalo tadqiqod'chilik malakalarini egallashi zarur. O'qituv'chi ilmiy - tadqiqot ishlari olib borishi davomida omillarni to'playdi, tahlil qiladi, ular asosida xulosalar chiqaradi.

O'qituvchining pedagogik texnikasi haqida fikr yuritar ekanmiz, uning ongligiga, milliy g'oya va mafkuraga sodiqligiga, bilish va fikr doiralarining kengligiga, o'z vazifasiga munosabatiga e'tibor bermoq kerak. Ayniqsa, pedagogik texnika bobida o'qituvchining fikr doirasi keng bo'lish zarurligini alohida hisobga olish lozim. Chunki kishida bilim va fikr mukammal bo'lmasa u kamolotga erisha olmaydi. Darhaqiqat, kishi u yoki bu masalani, albatta, fikr orqali hal etadi. Shuning uchun, pedagogik mahorat sohibi bo'lishga intilgan kishi, shubhasiz, o'z bilimini doimo kengaytirishi, o'zining o'quvchi yoki talabaga ma'naviy-axloqiy ta'sir etuvchi g'oya va fikrlarini yangilab borishi zarur. Buning uchun u ko'p o'qishi va o'rganishi lozim. O'qituvchining pedagogik texnikaga baho berishda uning ta'limni qay darajada tashkil qila bilishi muhim ahamiyatga egadir.

Pedagogik texnika – har bir ta'lim oluvchiga va jamoaga pedagogik ta'sir

o'tkazishni samarali qo'llash uchun zarur bo'lgan malaka va ko'nikmalar majmuasi.

Pedagogik texnika pedagogga o'quv faoliyatida ham zarur bo'lgan umumiy pedagogik malakalar majmuidan tashkil topadi. Avvalo, pedagogik -texnikaning tarkibiy qismi sifatida pedagogning nutq madaniyatini, ya'ni savodli gapirish, o'z nutqini chiroyli va tushunarli, ta'sirchan qilib bayon etish, o'z fikr va his-tuyg'ularini so'zda aniq ifodalash malakalarini aytib o'tish mumkin.

Pedagogik texnikaning bosh tarkibiy qismi pedagogning mimik va pantomimik ifodaligidir. Aniq imo-ishora, ma'noli qarash, rag'batlantiruvchi yoki istehzoli tabassum pedagogik ta'sir ko'rsatishda ko'p so'zli tushuntirish yoki e'tiroz bildirishga qaraganda ancha samarali muomila vositalari hisoblanadi.

SHunday qilib, o'qituvchining pedagogik texnikasi bu shunday bir malakalar yig'indisidirki, pedagogik tarbiyalanuvchilar ko'rib va zshitib turgan narsalar orqali ularga o'z fikrlari va qalbini yetkazish imkonini beradi. Talalar bilan bevosita muomala qilishda pedagogning xuddi ana shu malakalarin uning xulq— atvorida namoyon bo'ladi.

Pedagogik vaziyatning haddan tashqari xilma - xilligi pedagogdan ijodiy xulq-atvorni aytganda har qanday pedagogik vaziyatda tarbiyalanuvchilarga samarali ta'sir ko'rsatishga yerdam beradi.

Rivojlangan pedagogik texnika o'qituvchiga o'zini pedagogik faoliyatda chuqurroq va yaqqolroq ko'rsatish, bolalar bilan muomala kilganda o'z shaxsiyatidagi kasbiy jixatdan bergan yaxshi axamiyatli narsalarni ochib berishga yordamlashadi.

Mukammal pedagogik texnika pedagogning vaqti va kuchlarini ijodiy ish uchun bo'shatib beradi, pedagogik o'zaro ta'sir ko'rsatish jarayonida talalar bilan muomala qilishda zarur so'zni topish yoki muvaffaqiyatli chiqmagan ish ohangini tushuntirishga o'z fikrini chalg'itmaslik imkonini beradi.

Bundan tashqari haqiqiy pedagog ta'sir ko'rsatishda o'qituvchining pedagogik sohadagi barcha malakalari bir vaqtda namoyon bo'ladi. Nutq, imo - ishora, mimika bilan sodir bo'ladi, uzluksiz o'zini tuta bilish, ta'sirchan vositalarni tanlashga, muvaffaqiyatli ravishda to'zatisht kiritib borish imkonini beradi.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГИК МЕХНАТ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Д.Ёқубова, ТерДУ ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва шу асосда тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да таълим соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуksиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришни назарда тутлади.

Педагогик меҳнатнинг буюк хусусияти шундан иборатки, унда меҳнат бошдан-оёқ инсонлар орасидаги ўзаро таъсир жараёнидан иборат. Унда предмет инсон, меҳнат қуроли инсон, меҳнат маҳсули ҳам инсон, яъни педагогик меҳнатнинг мақсади, масаласи, ўқитиш ва тарбия услублари

шахсий муносабатлар шаклида амалга оширилади. Педагогик меҳнатнинг бу хусусияти одоб, ахлоқ, хулқ каби томонларнинг юқорилигини таъминлайди.

Педагогнинг фаолияти ҳар доим юқори баҳоланган. Қадимий юнон файласуфи Афлотун: “Агар косиб ёмон уста бўлса, бундан давлат жуда катта нарса йўқотмайди - фақат халқ ёмонроқ кийинади, холос, аммо агар ёшлар тарбиячиси ўз вазифаларини ёмон бажарса, у ҳолда мамлакатда нодон, жоҳил, билимсиз ва аҳмоқлар тоифаси вужудга келади” дейди.

17 асрда яшаган илмий педагогиканинг асосчиларидан бири - Ян Амос Коменский «ўқитувчиларга қуёш остидаги энг юқори вазифа юклатилган», деган эди³⁴.

Педагогиканинг ҳар бир даврда ўзига хос долзарб соҳа бўлиб келганлиги тарихдан маълум. Бинобарин, ёшлар масаласининг ҳар бир замонда энг муҳим масалалардан бири бўлиб келганлиги инобатга олинса, педагогиканинг ушбу масала кескирлашгани сайин тараққий топиб боравериши – ойдин ҳақиқат. Айниқса, бугунги глобаллашув даври педагогика олдида жамият ва маънавиятнинг тақдири масаласини қўймоқда.

Педагогнинг бутун маҳорати унинг фаолиятини белгиловчи бир қанча қобилиятлари орқали такомилга етади. Ҳамда сир эмаски, бу қобилиятлар орасида бугунги куннинг ёшлари дастлаб ўқитувчи шахсидаги билимлилик даражасини танлайдилар. Холбуки, билимли педагог ўз дарсида илмийликка катта эътибор қаратиб, машғулотнинг сермазмун бўлишига интилади. Бироқ, бунда ҳам муайян мезонга амал қилиш тавсия этиладики, немис олими Ф.А.В.Дистервегнинг бу борадаги қарашлари ўринли “Илмий усулда ишлаган ўқитувчи фақат баён этади, тушунтиради. Агарда шу жараёнда бирор савол келиб чиқса, унинг жавобига аҳамият берилмайди, ҳеч қандай фойдасиз, олдиндан режлаштирилган йўналишда баён давом этади. Ўқувчи пассив кузатувчи ролини бажаради. У тайёр билимни олади, эшитади, кўчиради, ёдлайди. Ўқитувчи фанни ёки ўзининг шу фанга бўлган фикрини баён этади.

Элементар усул ўқувчини, мактабда эса бутун синфни ҳаракат марказига айлантиради. Ўқитувчи эса бошқариш воситаси бўлади. У фаолият қуролига айланади. Бу йўл билан ниҳоят умумий ҳолатга, аксиома, принципларга етиб борилади. Булар эса эришилган натижани ташкил қилади³⁵.

Таълим муассасаларида ўтиладиган дарс жараёнлари, турли типдаги машғулотлар сираси ўқитувчининг жараённи моҳирлик билан лойиҳалаш қобилиятига боғлиқ бўлади. Ваҳоланки, бугунги таълим олувчи – интернет ва бошқа турдаги ахборот оқимини имкони даражасида кенг кўламда қабул қилишга шошаётган индивид. Демак, унга шу ахборот уммонида тўғри йўналишни кўрсатиб, жамият танлаган эзгу ва инсонпарвар ғояларга эргаштириш вазифаси ҳам дастлаб ўқитувчи мураббий зиммасида қолувчи, шарафли ва энг машаққатли бурч эканини унутмаслик лозим.

³⁴Қосимов А.Х., Ҳолиқова Ф.А. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар. Маърузалар матни. Тошкент, 2004.

³⁵Йўлдошев Ў., Юсупов М. Дистервегнинг дидактик қоидалари. Тошкент – ЎзРФА “ФАН”нашриёти, 2006.

БОЛА КАМОЛОТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЖИДДИЙ ДАВРЛАР ВА УЛАРГА ОНГЛИ ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ

СамДАҚИ катта ўқитувчи Коршубаева Р.Х.

Бола шахсига хос илк белгилар уч ёшлар атрофида кўзга ташланади. Аммо бу айнан шу вақтдан ҳақиқий тарбияни бошлаш керак дегани эмас. Хўш тарбия қачондан бошланади?

-Она қорнидаги даврдан- деювчилар топилади албатта ва улар ҳақдир. Аммо гап соғлом авлод тарбияси ҳақида борар экан, мен шарқона тарбиянинг урф-одат тусига кириб қолган, буюк бир жиҳати ҳақида айтмасдан иложим йўқ. Шарқда авлодлар саломатлиги ва тарбиясини келин танлаш, куёв танлаш жараёнидан бошлашади. Чунки келин ёки куёв бола тарбиялашга нолойиқ оиладан бўлса - бўлғуси она ёки ота сифатида тарбиядек буюк ишнинг урдасидан чиқа олмаслиги аниқ. Келинг, бу жараёни ижобий ҳал бўлди ҳам дейлик, аммо кейинги жараёнлар ҳам катта ва ёш оилалардан баъзи тиббий ва кўплаб психологик билимларга эга бўлишни тақоза қилади.

Ривожланишнинг яна бир жиддий даври нутқнинг ривожланиш давридир. Инсон онгини унинг нутқисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маълумки нутқни эгаллаб олиш қобилияти вақт жиҳатидан чегараланган. Инсон ҳаётининг дастлабки даврларида нутқни таъминлаб берувчи жараён бошқа ёрдамчи механизмлар билан мустаҳкамланиб борилмаса, нутқ функцияси сўнади. Масалан вақтида аниқланмаган туғма карлик нутқ ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади.

Бирон бир ташқи ёки ички салбий таъсир остида системалараро алоқа худди шу даврда узилиб кетиши мумкин. Бунга қаттиқ кўрқувдан кейин болада нутқнинг бирдан йўқолишини мисол қилса бўлади.

Агар оғзаки нутқ 4-5 ёшларга қадар тикланмаса, нутқнинг кейинчалик ривожланиши катта шубҳа остида қолади. Бунга барча "Маугли болалар" тақдири мисол бўла олади. 1920 йили Ҳинд океани оролларида топилган ва Камала деб номланган 7-8 ёшлардаги қизчага доктор Синг 4 йил мобайнида бор йўғи бта сўзни ўргата олади, кейинги 7 йил ичида сўзлар сони 45тага етади холос.

Демак, боланинг нутқни эгаллаш даври ўзига хос эътибор ва муомала маданиятини талаб этади. Оиладагилар бола билан етарлича мулоқотда бўлишлари лозим. Бу мулоқот ва ўзаро мулоқотлар албатта ижобий бўлиши шарт.

Яна бир жиддий давр бу боланинг ўз - ўзига бўлган баҳосининг шакилланиш давридир. 3 ёшдаги бола ўзи ҳақидаги баҳога эга бўлади. Бу ёшдаги болалар катталар уларни қандай баҳоласа улар ҳам ўзларини шундай баҳолайди. Айнан катталар бу вақтда болаларнинг ўз-ўзига бўлган баҳосини шакиллантиради. Ота - оналар ва тарбиячилар болаларга бераётган баҳосининг тўғрилигига кучли эътибор қаратиши керак. Бу жараёнда болага катталар томонидан бошқа болаларни, кишиларни ва ўз - ўзини баҳолашга ўргатиб борилиши ўринлидир.

Ўз-ўзига баҳо билан бир вақтда болада турли фаолиятларда эришиши мумкин бўлган ютуқларга даъвогарлик шаклланади. Даъвогарлик даражаси

болани фаолиятга ундовчи механизмдир. Даъвогарлик даражаси боланинг қандай натижаларга эришаётганлиги билан боғлиқ бўлади. Ютуқларга кўпроқ эришилганда даъвогарлик даражаси юқори, омадсизликка учраганда даъвогарлик даражаси пасаяди. Агар боланинг ютуқларига катта эътибор бериб, ютқизишларига унчалик эътибор берилмаса, болада муваффақиятларга эришиш мотиви кучаяди. Бундай бола ҳар қандай ишга ғайрат билан киришади. Болалардаги мотивни тарбиялаш ота-оналарнинг ўз болаларининг қобилият ва имкониятларини тўғри баҳолай билишига боғлиқ. Тарбия жараёнида муҳими даъвогарлик даражаси адекват (бола имкониятларига мос) бўлиши керак.

Ўз-ўзини тўғри баҳолаш, ижтимоий нормаларни англаган ҳолда ўз-ўзини тўғри тарбиялаш демакдир. Ота-она ёки тарбиячининг болаларда бундай хусусиятни тарбиялай олиши ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган жиддий даврлардан муваффақиятли ўтиши комил инсон ва соғлом авлод тарбияси йўлидаги катта ютуқдир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ЯНГИ МАЗМУНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Қосимов Ш.У. - катта илмий ходим –изланувчи, ЎМКХТТКМО ваУҚТИ, Абдиқодиров Ш. - катта ўқитувчи, ТерДУ.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитларда касб-ҳунар таълимининг мақсади меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши тизимида ишлаб чиқариш бирламчи буғинларининг техник-ташкilotчи ва юқори малакали ишчининг яхлит касб фаолиятини амалга оширишга тайёрланган рақобатбардош, касбий-ҳаракатчан ижодий шахсни шакллантиришдан иборат. Бинобарин, ишлаб чиқариш амалиётининг мазмунини лойиҳалашнинг барча тадбири ана шундай мутахассисни тайёрлашга йўналтирилган бўлиши керак. Касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларига меҳнат бозори кўядиган талабларни билиш касб ва ихтисосликдаги рақобатбардош кичик мутахассисни тайёрлашнинг аниқ моделларини ишлаб чиқишга ва асослаб беришга, асосийси эса уларни амалиётга оширишга имкон беради.

Ҳозирги замон фани касб-ҳунар таълими мазмунини лойиҳалашнинг икки асосий йўналишини-икки стратегиясини таклиф этади: а) касбга йўналтирилган лойиҳалаш стратегиясини; б) шахсга йўналтирилган лойиҳалаш стратегиясини.

Касб-ҳунар таълими мазмунини лойиҳалашнинг касбга йўналтирилган стратегияси мутахассиснинг аниқ касбий фаолиятини (меҳнат функцияларини ва уларни бажариш асосларини) таҳлил қилишга таянади. Бундай лойиҳаларнинг афзаллиги мазмуннинг мутахассисларни тайёрлашга касб-ҳунар таълими томонидан қўйилган талабларга етарли даражада қатъий мос келишдан иборат бўлиб, бу эса табиийки тайёргарликнинг чуқурлигини ва сифатини таъминлайди. Мутахассиснинг ишлаб чиқариш фаолиятида меҳнатнинг асосий компонентларини ва уларнинг ўрнини аниқлаш фақат ўқув элементлари руйхатинигина эмас, балки уларнинг мазмуни ва йўналтирилганлигини тўғри аниқлаш имконини беради.

Бинобарин, кичик мутахассис шахсининг бажараётган меҳнат вазифа-

ларига ва бунинг учун зарур бўлган касбий муҳим сифатларига мўлжал олиб, техникни касбга тайёрлашнинг тегишли мазмунини ишлаб чиқариш амалиётида лойиҳалаш мумкин бўлади.

Кичик мутахассиснинг меҳнат (касбий) фаолиятини таҳлил қилишда қуйидаги асосий функцияларни алоҳида ажратишади: 1) режалаш; 2) ташкил этиш; 3) тартибга солиш; 4) назорат (ўз-ўзини назорат қилиш). Ҳар бир функция уни амалга оширишда ўз вазифасини қўшганда уларнинг ҳаммаси меҳнат (касбий) фаолиятнинг мақсадларига буйсундирилган.

Бугунги кунда кичик мутахассисни самарали шакллантириш ўқувчиларнинг касб фаолиятнинг барча муҳим жиҳатларини эгаллашларининг ва шахсий амалий тажрибага эга бўлишларининг зарурий шarti ўқувчилар интерактив касбий фаолиятида шахсан иштирок этишлари ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиёти таълим олувчиларда бўлажак касб-фаолиятларининг шахсий тажрибаси шаклланиши учун энг кўп имкониятга эга бўлади, чунки ўқувчилар инсоний маданиятининг ва ижтимоий тажрибасининг бир қисми ҳисобланган ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитларида аниқ бир маҳсулдор фаолият билан банд бўладилар.

Ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчилар аниқ бир ишлаб чиқариш участкаларида ихтисослик йўналишлари бўйича юқори малакали ишчилар меҳнати мазмунини ташкил этувчи турли хил ишларни бажаришади.

Ўқувчиларнинг амалиёт даврида ихтисослик йўналиши бўйича бажарадиган иш турларидан кўринадикки, кичик мутахассиснинг меҳнати профессионал мазмуни асосан ижро этиш хусусиятига эга ва хусусий масалаларни ҳал этишга йўналтирилган. Шу билан бирга бу асосан диагностик (таҳсиллаш) туридаги касбий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ ақлий меҳнатдир, чунки ўқувчилар ишларни бажаришлари жараёнида маълум бир автоматизмга эришишлари керак бўладиган кўрсатмаларга аниқ мувофиқ ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш, ўлчов асбобларидан фойдаланиш, ҳисоблаш график кўникмалар ва бошқалар) равишда бажариладиган манупулатив хусусиятга эга функциялар қатори кичик мутахассисларга интеллектуал (ақлий) масалаларни (таҳлилий, лойиҳаловчи, конструктив, ташкилий) ҳам ҳал қилишга тўғри келади. Бундай меҳнат дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш асосида мавжуд вариантлардан қабул қилинаётган қарорни асосланган ҳолда танлаб олишни тақоза этади.

Техникларининг касб фаолиятини амалга ошириш учун асосий, зарур кўникмалар ва малакалар таркибига киритиш лозим:

-касбий ҳаракатчанлик-инсоннинг ҳаётий вазиятларнинг ўзгариб қолиши муносабати билан меҳнат фаолиятини алмаштиришга қобилияти ва тайёр туриши, янги технологиялар ва техникани тез эгаллаши, яъни мутахассиснинг мансаб вертикали ва горизонтали бўйича ҳаракатлана олиш имконияти;

-меҳнат мажбуриятларини бажариш тизимида, биргаликдаги фаолият жараёнида бошқа кишилар билан муносабатларини тартибга солишда ўз касб фаолиятини тўғри баҳолай олиши;

-экстремал вазиятларда маъсул қарорлар қабул қилиши учун билим ва

кўникмалар захирасига эга бўлиш.

Жумладан, амалий топшириқлар ўқитишнинг политехник хусусиятига риоя этилишни таъминлаши жуда муҳимдир. Замонавий қурилиш саноати ўз-ўзидан политехник жиҳатларга эгадир. Бунинг сабаби шу билан изоҳланадики, унинг жуда кўп соҳалари айнан бир хил технологик жараёнлардан, қурилмадан, мосламалардан ва бошқалардан фойдаланади.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.

*“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси Қулдошев А.Т,
201-КТ (ТСваМГ) гуруҳи талабаси Қурбонова Ф.О.*

Ўзбекистоннинг бугунги кунда демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш стратегик вазифаси жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликдаги фаолияти билан узвий боғлиқ тарзда амалга оширилмоқда. Шунга кўра қурилаётган мазкур жамият, ўз табиатига кўра, интеграциялашган очиқ маънавий жамият ҳисобланади. Маданий, маънавий интеграция жамиятимиз стратегик тараққиётининг муҳим омили бўлган халқимиз руҳини, яъни унинг маънавий – руҳий бирлигини тиклашнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун мамлакатимиз Президенти мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб: «Халқнинг маънавий руҳини тиклаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир»,³⁶ деб белгилайди. Жамият ҳаётида ҳар қандай ўзгаришни амалга ошириш учун, аввало унинг ўзига хос назарий асосланган йўли, режаси ва модели ишлаб чиқилиши лозим. Мамлакатимиз эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиши учун танлаган «ўзбек модели» маънавий тараққиёт учун ҳам ўзининг ҳаётийлигини исботламоқда. Миллий тараққиётнинг “ўзбек модели” ҳаётнинг барча соҳаларига халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, миллий қадриятлари, бой тарихи ва қўхна маънавий мероси ҳамда умумбашарий тажрибаларини инобатга олган ҳолда ёндошишни назарда тутади. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишга қаратилган ислохотлар халқнинг маънавий бирлигини мустаҳкамлашдан иборат миллий тараққиёт моделининг ўзига хос томонидир. Мамлакатда ҳар қандай соҳани ислоҳ қилиш самарадорлиги, унинг маънавиятини мунтазам юксалтиришга бевосита боғлиқдир. Зеро, «фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат ... Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ, одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак».³⁷ - деб таъкидлайди президентимиз Ислом Каримов.

³⁶ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон, 1992, 72-73-бетлар.

³⁷ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузаси «Adolat» газетаси, 2002, 30-август, 3-бет.

Ўзбек моделининг жамиятни демократиялаштириш ва модернизация қилишдан иборат тамойиллари маънавиятнинг ривожланиш тенденциясига мос келади ва мамлакатимизда маънавий интеграция учун «**очик жамият**»³⁸ барпо этишга ёрдам беради. Бундай жамиятнинг маънавияти бой, фуқаролари ўртасидаги уйғунлик ва ҳамжиҳатлик ривожланган бўлади. Маънавият ва демократиянинг ўзаро диалектик бирликда ривожланиши мамлакатимиз истиқболлини белгилайдиган қонуниятдир. Шунинг учун ҳам, жамиятимиз маънавий ҳаётини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар демократик тамойилларни қарор топтиришга қаратилган бўлиб, маънавиятни юксалтиришнинг зарур шарти ҳисобланади.

Демократиянинг ривожланиши ҳар бир жамият аъзосининг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданияти даражаси, маънавий савияси билан шартлангандир. Демократия ва маънавиятнинг ўзаро тақозоланиши жамият маънавий ҳаётини интеграциялаштиришга қаратилган қуйидаги вазифаларни бажаришга хизмат қилади, яъни:

- шахс ва жамиятнинг маънавий интеграцияга эҳтиёжи, манфаати ва мақсадларини уйғунлаштиради;
- фуқаролар маънавий эркинлигинининг намоён бўлиш шакли - ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантиради;
- жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар ва кучлар ўртасида мурося ҳамда толерантлик муносабатларини шакллантиради;
- халқаро маънавий муносабатларни умуминсоният цивилизацияси истиқболлари манфаатлари асосида ташкиллаштиради.

Бу вазифаларнинг самарадорлигини таъминлашда эса, Президентимиз И.А. Каримов кўрсатганидек, «... анъанавий маданиятимиз ва халқимизнинг хусусиятлари, унинг аҳвол-руҳияси ва ижтимоий ташкил бўлиш шарт-шароитлари Ўзбекистон Республикасида демократияни шакллантиришнинг энг самарали омиллари бўлишини тушунамиз».³⁹ Бунда сиёсий фаол, маънавий эркин фуқаролар жамиятни демократиялаштиришнинг энг асосий омили бўлса, демократия бу омилнинг сиёсий майдонидир. Маънавияти юксак инсонгина ижтимоий-сиёсий фаоллик хусусиятига эга бўлади: ўзининг бурчини мамлакат олдида турган вазифаларни юракдан ҳис этади ва ўз фаолиятини унга йўналтиради. Зотан, маънавият йўқ жойда кишининг эркин, фаол ижодкорлик фаолияти, цивилизация ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Президентимиз И.Каримов “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида таъкидлаганидек, мамлакатимизда уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик барқарор тараққиётга таҳдид сифатида сақланиб қолмоқда⁴⁰. Бу таҳдидлар жамиятнинг маънавий қашшоқлиги натижаси бўлиб, келиб чиқиш генезисига кўра, дастлаб маҳаллий, миллий характерга эга бўлса ҳам,

³⁸ Постпозитивизмнинг йирик намояндаларидан бири англиз файласуф, социологи К.Поппернинг фикрича, «Очик жамият бу - демократик жамиятдир. Бундай жамият индивидуаллик тамойилларига асослангандир».

³⁹ И. Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон. 1997 йил, 186-бет.

⁴⁰ Каримов И. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.

уларнинг глобаллашув потенциали, кенг тарқалиш имконияти мавжуд. Шунинг учун ҳам ҳар қандай таҳдиднинг олдини олиш инсониятнинг маънавиятини юксалтириш орқали амалга ошиши мумкин.

Ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган бой маънавиятининг асосини ифодалайдиган тушунчалар ҳаёт тарзи мазмунини белгилаб келган. Хусусан, “ҳалол ва харом”, “увол ва савоб”, “меҳр ва оқибат”, “инсоф ва диёнат”, “сабр ва қаноат” ва бошқа тушунчаларда миллат менталитетининг характери намоён бўлган. Бу миллат доимо илмни ва зиёлиларни кадрлаган ва жамоа бўлиб яшаш тарзи эгоистик инстинктларни жиловлаб турган. Шу сабабли Ўзбекистонда маҳалла феномени, кўни-кўшничилик, куда-андачилик, дўст-биродарлик, катталарга – ҳурмат, кичикларга – иззат, жамоа бўлиб тўй-марака, хашар каби оммавий тадбирларни ташкил этишдан иборат **миллий цивилизация асослар** яхши ривожланганлиги маънавий интеграция жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва тенденцияларини белгилаб бермоқда.

Шунга кўра мамлакатимизда кечаётган маънавий интеграция жараёни жамият тараққиётининг умумий тенденциясини ифодалаб, миллий ғоянинг амалдаги кўринишидир. Агар биз миллий ғоя ва мафқурани жамиятимиз тараққиётининг олий мақсади – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий йўл-йўриқларини кўрсатиб берувчи маънавият синтези сифатида олиб қарайдиган бўлсак, унинг тамойиллари мазкур мақсадни воқеликка айланишининг зарур шарти – кишиларимизнинг онги, тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, ривожлантиришнинг энг муҳим воситаси эканлигини кўрамиз. Шунга кўра миллий истиқлол мафқураси маънавий интеграциянинг умумфалсафий аҳамиятга эга бўлган назарий-методологик асоси ва унинг намоён бўлшидир. Ўзбекистонда миллий ғоя ва мафқуранинг маънавий муносабатларни интеграциялаштирувчи функциясида икки жиҳат кўзга ташланади: биринчиси - уни мақсадга мувофиқ йўналтиргани учун ҳам жамият маънавий ривожланиш истиқболларини белгилаб беради. Иккинчиси - маънавий интеграция миллий ғоя ва мафқуранинг илмийлигини, комплекс-системалилигини таъминлайди. Бу кўрсатилган миллий тенденцияларнинг умуминсоният манфаатларига мослиги, унинг глобал маънавий хавфсизлигини таъминлашида намоён бўлади. Зеро, дунёда мафқуравий полигонларнинг хавфи кучайиб кетаётган ҳозирги шароитда, уларни муросага келтиришда маънавий омил устувор аҳамият касб этиб, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиш истиқболларини белгилаб бермоқда. Миллий ғоя ва мафқуранинг, табиатига кўра, интегратив характери, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни мужассамлаштиради. Мақсад дегани эса халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқдир.⁴¹ Ушбу мақсад – байроқ атрофида уюшиш, бирлашиш эса, миллий тараққиётимиз ва жаҳон цивилизациясида ўзига хос мавқени эгаллашнинг кафолати бўлиб, унинг сиёсий, ҳуқуқий,

⁴¹ Қаранг: Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журналы, 1998, №2, 9-бет.

ахлоқий, диний, илмий, бадий-эстетик қарашларини (интегратив ижтимоий ғоя тарзида) жамиятимиз стратегик мақсад ва вазифаларини амалга оширишга йўналтириш билан изоҳланади.

Ушбу муштараклик: **биринчидан**, турли миллат, сиёсий гуруҳ, партияларнинг манфаати, истаклари, қарашларини ўзида ифодалайди; **иккинчидан**, миллий мафкуранинг турли муқобил қарашларни, эътиқодларни бирлаштириш кишилар фаолиятини ботиний рағбатлантирувчи маънавий куч бўлиб хизмат қилади; **учинчидан**, миллий ғоя ва мафкура маънавиятни интеграциялаштирувчи функциясини халқимиз менталитетига хос ҳис-туйғулари, ҳаёт тарзи, анъана, урф-одатлари, расм-русмлари, эътиқодларига таянган холда бажаради; **тўртинчидан**, маънавиятнинг синтезлашган ва сиёсий манфаатлашган шакли бўлган миллий ғоя ва мафкура маънавиятни юксалтириши билан ўзининг гуманистик моҳиятини намоён қилади.

ПРЕПОДАВАТЕЛЬНИЦА САМГАСИ ИЗ КАФЕДРЫ «ВЫСШАЯ МАТЕМАТИКА И ФИЗИКА»

Кулмирзаева Г.А., Исмаилова М.Э. студентка СамИСИ 4-курса «Экономического» факультета.

Существует ещё одна причина высокой репутации математики: именно математика дает наукам определенную меру уверенности в выводах, достичь которой без математики они не могут.

А. Эйнштейн.

ТЕОРИЯ ИГР

Теория вероятности появилась в XV веке, в эпоху Возрождения, когда азартные игры – игральная кость, карты – были особенно распространены. Первыми выдающимися учеными в этой области науки были: Л.Пачоли (1445-1510), Н.Тарталья (1499-1557) и Дж. Кардано (1501-1576). Даже такие крупные ученые как Г.Галилей (1564-1642), Б.Паскаль (1623-1662), П.Ферма (1601-1665) и Х.Хейгенс (1629-1695) занимались проблемами азартных игр. Развитие торговли, возросшее в связи с значения выигрыша и риска в торговле, страхование, возникшее в связи с развитием судоходства, также способствовали созданию теории вероятности.

Важным этапом истории теории вероятности является посмертное издание книги «Ars conjectandi» (Искусство догадок) Я.Бернулли (1654-1705). В этой книге дается общее представление о теории вероятности, открывается закон о больших числах и обосновывается математическая теория вероятности. Долгое время теория вероятности не считалась равноценной другим областям математики, так как не были в достаточной степени выяснены ее принципиальные основы.

Основателем теории игр считают математика Иоганна фон Неймана. Им доказаны основная теорема теории игр и возможности ее практического применения.

В теории игр обычно речь идет об играх двух лиц; предполагается, что игры являются ограниченными, т.е. оба игрока в обоих случаях могут делать

только определенное количество шагов и игра заканчивается после ограниченного количества шагов. Отсюда вытекает ограниченность числа стратегий обоих игроков.

Под понятием стратегии подразумевается такая система правил, с помощью которой задается, как ходит игрок в некоторой данной ситуации.

В игре бывают и случайные ходы (например, подбрасывание игральной кости, раздача карт и т.д.). Таким образом, даже знанием стратегий обоих игроков не определяется однозначно исход игры. Пусть $M(i,j)=a_{ij}$ означает значение математического ожидания выигрыша первого игрока при условии, что первый игрок проводит игру по i -той, а второй – по j -той стратегии. В соответствии с этим вся игра может рассматриваться с помощью матрицы размерности $n \times m$, где n означает число стратегий первого, а m -второго игрока. Элемент матрицы a_{ij} в i -той строке и в j -том столбце представляет собой значение математического ожидания первого игрока. Такая игра иногда называется матричной игрой.

Стратегия. Целью теории игр (обычно в матричных играх) является нахождение лучшей стратегии отдельных игроков. В большинстве игр было бы нецелесообразно применять всегда одну и ту же стратегию, так как если противник определит нашу стратегию, ему легче будет найти хорошую обратную стратегию. Таким образом, кажется вероятным получение лучшей стратегии в том случае, когда стратегия выбирается случайным образом из отдельных стратегий. Предположим, что первый игрок выбирает свою стратегию из возможных с вероятностью $p_1, p_2, \dots, p_n (p_1 + p_2 + \dots + p_n = 1)$, а второй – с вероятностью $q_1, q_2, \dots, q_m (q_1 + q_2 + \dots + q_m = 1)$, соответственно. В таком случае математическое ожидание выигрыша отдельных игроков определяется выражением:

$$\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m a_{ij} p_i q_j$$

Цена игры. Первый игрок может проводить следующее рассуждение: если я выбираю свои стратегии с вероятностями p_1, p_2, \dots, p_n , то могу предположить, что мой противник будет выбирать свои с вероятностями q_1, q_2, \dots, q_m , при которых математическое ожидание моего выигрыша будет очень мало. Иначе говоря, если я буду выбирать из моих стратегий по распределению вероятностей p_1, p_2, \dots, p_n , то математическое ожидание моего выигрыша будет, по меньшей мере,

$$\inf_{\{q\}} \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m a_{ij} p_i q_j$$

где инфимум относится ко всем распределениям вероятностей q_1, q_2, \dots, q_m . Итак, лучшим можно считать такое распределение вероятностей p_1, p_2, \dots, p_n , для которого самое большое возможное значение имеет следующее выражение:

$$\inf_{\{q\}} \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m a_{ij} p_i q_j$$

Аналогично, для второго игрока лучшей стратегией является выбор по распределению вероятностей q_1, q_2, \dots, q_m , для которого значение выражения

$$\sup_{\{p\}} \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m a_{ij} p_i q_j$$

имеет наименьшее возможное значение.

По основной теореме теории игр выполняется следующее соотношение:

$$\sup_{\{p\}} \inf_{\{q\}} \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m a_{ij} p_i q_j = \inf_{\{p\}} \sup_{\{q\}} \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m a_{ij} p_i q_j = \lambda$$

Данное число называется ценой игры.

Итак, по основной теореме теории игр утверждается, что первый игрок имеет такую стратегию, при использовании которой математическое ожидание его выигрыша будет по меньшей мере λ (при выборе вторым игроком любой стратегии); а второй игрок имеет такую стратегию, при которой математическое ожидание его потери будет по крайней мере λ .

YOSHLARNI JISMONIY-INTELLEKTUAL SALOHIYATINI RIVOJLANTIRISHDA JISMONIY TARBIYA VA OMMAVIY SPORT- SOG'LOMLASHTIRISH TADBIRLARINI O'RNI.

O.K.Raupov, katta o'qit. SamDU

A.A.Qurbanov, katta o'qit. SamDU

Har qanday mamlakatning ertangi kuni, kelajak taraqqiyoti birinchi galda o'z halqining, yoshlarning jismoniy va ma'naviy holati bilan o'lchanadi. Hozirda davlatlar o'rtasidagi o'zaro musobaqa, kuch-qudratini namayon etish bellashuvini, asosan ikki yo'nalishda sport va jismoniy tarbiya hamda aql-zakovat, ya'ni intellektual faoliyat sohasida ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Halqning jismoniy intellektual salohiyatini ro'yobga chiqarish, bu borada tegishli zahiralarni shakllantirish XXI asrda taraqqiyot va yuksalish kafolatiga aylanib bormoqda.

Respublikamiz hukumati tomonidan mustaqillikning dastlabki yillaridanoq yoshlarga qaratilayotgan e'tibor davlat siyosatining muhim ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida qaralib, yoshlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash, mustaqil fikrlaydigan zamonaviy mutaxassislarni etishtirish, hamda jismonan baquvvat, iymon-e'tiqodi butun, bilimli, mard va jasur, Vatanparvar, ma'naviyati yuksak, milliy g'oyani o'zida mujassam etgan shaxsni shakllantirishda e'tibor berila boshladi. Bu boradagi ishlarni aniq, maqsadli amalga oshirish uchun davlat ahamiyatiga molik hujjatlar qabul qilinib, dasturlar ishlab chiqildi. «Ta'lim to'g'risida»gi Qonun, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi», «O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to'g'risida»gi Qonun, sport sohasidagi «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida»gi Qonun, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasini tashkil etish to'g'risida»gi Farmoni va boshqa me'yoriy hujjatlar yoshlar bilan ishlash, ularni barkamol avlod sifatida shakllantirishning davlat miqyosida muvoffaqiyatli amalga oshirilishida zamin bo'lmoqda.

Respublikamizda jismoniy tarbiya va sportni yoshlar orasida ommaviylashib borishini ta'minlovchi birlamchi omil munosib shart-sharoitlar yaratilgan. Zamonaviy sport inshootlari, o'yingoh va majmualarning barpo etilishi o'quvchi-yoshlarni ommaviy sport musobaqalari bilan to'la qamrab oladigan «Umid nihollari», «Barkamol avlod», «Universiada» o'yinlaridan iborat uch bosqichli milliy tizimning shakllanishiga asos bo'ldi. Natijada sport, jismoniy tarbiya yoshlar dunyoqarashiga ijobiy ta'sir etib jismoniy-intellektual salohiyatining rivojining yangi bosqichiga ko'tarishini ta'minlamoqda. SHuningdek, yurtimizda jismoniy tarbiya va sportning ta'limdan tashqari tizimi ham shakllanmoqda. Bu o'quv maskanlari, mahallalar qoshida turli sport to'garaklari faoliyatini yo'lga qo'yish, sport maydonchalari va majmualari barpo etish ishlarida yaqqol namayon bo'lmoqda. Birgina «Mahalla futboli» bellashuvlari yoki «Sportchi oila» musobaqalari sport nafaqat ta'lim davrida balki ta'limdan tashqari paytda ham yoshlar hayotining tarkibiy qimiga aylanib borayotganini ko'rsatadi.

Jismoniy tarbiya va ommaviy sport sog'lomlashtirish tadbirlari yoshlarni jismoniy intellektual salohiyatini yanada rivojlantirish va mustahkamlashning zarur omilidir. YOsh avlodni ham jismoniy, ham aqliy jihatdan etuk va komil etib tarbiyalash vazifasi quyilgan davrlarda ikki tarbiyaviy yo'nalishni uyg'un holda olib borish va samaradorligini ta'minlash bosh masala hisoblangan. SHu tufayli ajdodlarimiz o'z milliyligini, ma'naviy boyligini saqlabgina qolmasdan, ezgulik, taraqqiyot, ma'rifat, mustaqillik sari intilganlar. Jismoniy va intellektual etuk insonning faolligi, aql zakovati, kuch-qudrati quyidagi yo'nalishlarda, ayniqsa zarur va samaralidir. Birinchi – haqiqatni bilish, ikkinchi – yaxshilik qilish, saxovatli bo'lish, uchinchi – go'zallikni yaratish, boyitish, asrab-avaylash, to'rtinchi – halq, millat manfaatlarini ro'yyobga chiqarish yo'lida fidoiy bo'lish va ularni himoyalash. Jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug'ullanish inson organizmini mustahkamlaydi, ish qobiliyatini o'stiradi, sog'lom hayot tarziga ehtiyojini tarbiyalaydi. Bu esa uzoq yillar mustahkam salomatlik va ijobiy faollik garovidir.

Harakat faolligi insonning ruhiy faoliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. U salbiy-ruhiy ta'sirlar, aqliy charchoqni bartaraf etish vositasi va intellektual faoliyat omili sifatida xizmat qiladi. Sog'lom bolada jismoniy mashqlar natijasida miyada qon aylanishi yaxshilanadi. Axborotni qabul qilish, uni ishlab chiqishni ta'minlovchi ruhiy jarayonlarni faollashtiradi. Jismoniy mashqlar ta'sirida xotiraning yaxshilanishi, e'tiborning barqarorlashishi, elementar intellektual masalalar echishning tezlashishi, ko'rish-harakat reaksiyasining faollashuvi ortadi.

Hulosa o'rnida shuni ta'qidlash lozimki, yoshlarda jismoniy va intellektual salohiyatini bir-biridan ajratmagan holda, o'zaro uyg'unlikda rivojlantirish yoshlardagi yillar davomida shakllangan, hali ishga solinmagan jismoniy intellektual salohiyatidan yaratuvchanlik, salomatlik, barkamollik va go'zallik manbai, mamlakat iqtisodiy-ijtimoiy taraqqiyotini, halq turmushini tobora yaxshilash va Vatan hafsizligini ta'minlash vositasi sifatida foydalanish imkonini beradi.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ОБУЧЕНИИ СТУДЕНТОВ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫХ СПЕЦИАЛЬНОСТЕЙ

Старший преподаватель Л.А.Камолов

ВТШПБ при министерстве внутренних дел Республики Узбекистан

Процесс информатизации является одной из основных характеристик современного периода развития общества. Сегодня главная цель информатизации состоит в подготовке обучаемых к полноценному и эффективному участию в бытовой, общественной и профессиональной областях жизнедеятельности. Успехи нашей страны в будущем, ее возможности выбрать и реализовать оптимальную историческую траекторию во многом связаны с развитием информационной сферы. Основным фактором в современных информационных технологиях являются не средства вычислительной техники, а кадры, способные ставить содержательные задачи и находить новые области эффективного приложения и использования компьютеров. Последнее, в первую очередь, зависит от квалификации кадров, которая в решающей степени определяется системой образования.

Архитектура и строительство являются одними из самых обширных областей деятельности человека. Они включают большой круг задач, связанных с организацией среды для жизнедеятельности человека. Это эстетические и социальные, инженерно-технические и функциональные, экологические и эргономические, технологические и целый ряд других проблем, которые решаются в процессе архитектурно-строительного проектирования и реализации объекта. В процессе архитектурно-строительного проектирования, как и в любом другом виде деятельности, успешно применяются средства и методы информационных технологий проектирования.

Известно, что архитектурно-строительный проект является графической моделью будущего объекта. Поэтому геометро-графическая подготовка специалистов архитектурно-строительного профиля и использование информационных технологий на всех этапах проектирования играет важную роль в профессиональной деятельности - от степени овладения ими зависит ее эффективность и успешность, а так же конкурентоспособность специалиста-строителя и архитектора на рынке труда.

Роль и место архитектурно-графических дисциплин в процессе подготовки инженерных кадров определяются новыми профессионально-техническими задачами, стоящими перед специалистом в сфере его деятельности. Это, прежде всего, - умение решать комплексные научно-технические, технологические и другие функциональные задачи, системно, алгоритмически и ассоциативно мыслить; четко планировать структуру действий, необходимых для достижения заданной цели; умение визуально представить результат своей деятельности.

Все вышеизложенное должно найти отражение в содержании профессионального образования специалистов архитектурно-строительного

профиля, а точнее, в государственных образовательных стандартах, так как именно они регламентируют минимально-достаточный уровень подготовки специалиста соответствующий потребностям социально-экономического развития общества.

Сегодня в Узбекистане проводится активная политика по компьютеризации образования и обучения профессиональным дисциплинам, сфера архитектуры и строительства здесь не исключение.

К нынешнему времени разработанные учебные программы «Архитектурно-строительное черчение», «Топографическое черчение», «Методика преподавания инженерной графики», «Компьютерная графика», «Дизайн» и «Национальный компонент в истории и развитии графики» внедрены в образовательный процесс на художественно-графические факультеты вузов Республики Узбекистан. Программы «Графический дизайн» и «Техническая графика и основы дизайна» используются в ряде вузов Узбекистана; учебная программа «Вариативные программы интегративного курса «Графика» - в общеобразовательных школах, в художественных гимназиях и лицеях⁴².

Также широко используются программы для проектирования и дизайна, разработанные зарубежными специалистами. В частности, AutoCAD и ArhiCad; 3Dhome, и такие известные 3D-редакторы, как 3DMax и Maya и т.д.

В условиях конкуренции и рынка труда возрастают требования к профессионализму человека и его культуре, в т.ч. и графической. Любой человек, профессионально не связанный с инженерной, педагогической или художественно-графической деятельностью, должен обладать минимальным запасом знаний и умений по графике. Сюда следует отнести наиболее практически полезные темы из технического черчения («Виды, разрезы и сечения», «Эскизы», «Сборочные чертежи, их чтение и детализирование», «Построение разверток», «Аксонметрические проекции и технический рисунок»), элементы художественной графики (умение рисовать), раздел «Перспектива», знание элементов компьютерной графики, общих вопросов истории графики и ее современного состояния.

Использование информационных технологий архитектурно-строительного проектирования сдерживалось, во-первых, отсутствием специального программного обеспечения, ориентированного на решение собственно проектно-конструкторских и архитектурных задач, и, во-вторых, отсутствием подготовленных кадров строителей и архитекторов. В настоящее время от степени овладения ими зависит эффективность и успешность профессиональной деятельности специалиста-архитектора и строителя.

Компьютерные технологии являются предметом изучения таких дисциплин, как «Компьютерная графика», «Геометрическое моделирование», «Автоматизация проектирования». На сегодняшний день они имеют свою теоретическую базу, круг задач, направления развития и с

⁴²Рузиев Э.И. «Научно-методические основы подготовки учителей графики в высших учебных заведениях». Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора педагогических наук . УДК 378(077)(575.1)+744(077), Ташкент 2005г.

каждым днем набирают силу. В силу различных обстоятельств в действующих государственных стандартах высшего профессионального образования перечисленные дисциплины как самостоятельные единицы отсутствуют и, как следствие, на данном этапе уровень профессиональной подготовки студентов строительных специальностей, регламентируемой существующим стандартом высшего профессионального образования, не соответствует требованиям, предъявляемым к ним содержанием профессиональной деятельности в плане компьютерной подготовки.

Информационные технологии в процессе преподавания блока геометро-графических дисциплин являются одним из основных факторов профессиональной информационной подготовки студентов строительного профиля. Владение компьютерными технологиями выступает необходимым условием профессиональной деятельности будущих специалистов-строителей и архитекторов.

МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРДАН ДАРСЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ

Тожибоева Шохсанам Расулбековна. Ўқитувчи. ГулДу.

Уралова Мафтуна . 32-15 гуруҳ талаба.

“Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан холос бўлади ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият истъедодини аввало ўзи учун оиласи, миллати ва халқининг давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар тўлиқ тарақиётга эришадики, суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиши ҳам осон эмас”.

И.А.Каримов

Бугунги куннинг инновацион технологиялари, интерфаол услубларининг сони жуда кўпайиб кетган. Биз ўз тадқиқотимизда фразеологизмлар, матал ва мақолларни немис тили дарсимизда талабаларни нутқини ўстиришда фойдаланамиз. Германия маданиятига мурожаат қиладиган бўлсак, халқ оғзаки ижодида фақатгина ўрганган сўзларимиз билан гаплаша олишимиз қийинбўлади. Шу сабабли илмий мақоламизни “Мақол ва маталлардан дарсда фойдаланиш” деб номладик. Бу ишимизда биз 3 – босқич талабаларининг битта гуруҳида таҳлил қилиб кўрамиз. Бу машғулотни биз очик дарс кўринишида олиб борамиз. Дарсни бошлашдан олдин гуруҳни иккита кичик “die Rose” ва ” Die Blume” гуруҳларга ажратамиз.

Тадбиримизнинг таълимий мақсади: мақол ва маталларнинг иштирокида ижтимоий – маданиятини ривожлантириш.

Тарбиявий мақсади: Халқлараро ўзаро тушунишини мустаҳкамлаш.

Тадбирнинг бориши. I. Икки гуруҳ сардорларининг беллашуви: “Чўққини эгаллаш” деб номланади. Сардорлар беллашувида ҳар икки сардор навбатма- навбат мақол ёки матал айтишади. Ҳар бир мақол ва матал чўққини эгаллаш учун бир қадам ҳисобланади. Ҳакам доскага рангли тасмалар билан белгилаб боради. Ҳар бир сардор немисча мақоллар ва

уларнинг ўзбекчадаги муқобил таржималарини айтиб боради ва ким кўп айтса чўққини эгаллаган ҳисобланади.

Rosa: *Feuer fangen*

Blume: *дилдан ёнган, жон дили билан қизиқмоқ, муҳаббат ўтида қовирилмоқ.*

Rosa: *mit dem Feuer spielen*

Blume: *ўт билан ўйнашмоқ, енгилтаклик қилмоқ.*

Шу тариқа ўйин давом этади. Кейин роль алмашишади.

Blume: *fix und fertig*

Rosa: *буткул тайёр бўлмоқ.*

Blume: *In Frage stellen*

Rosa: *ҳавф тугдирмоқ, шубҳа остига олмоқ.*

II. **Иккинчи беллашув.** Бунда ҳар икки гуруҳда ўтирган иштирокчилар бир-бирига қарши мақол ва маталларни айтишади. Битта гаруҳ мақол ва матал айтса иккинчи гуруҳдаги иштирокчилар уларнинг муқобил таржималарини айтишади.

Blume: *Arm haben Kinder, Reich haben Kinder*

Rosa: *бой бойга боқар, сув сойга оқар*

Blume: *Der Appetit kommt beim Essen.*

Rosa: *Иштаҳа овқат маҳал келади.*

Blume: *Der Alten Rat der jungen Tat.*

Rosa: *Қари келади ошга, ёш келади ишга*

III. **учинчи беллашув:** Кимкўп мақол билади? *Nennt wie möglichst viele Modelle zu einem deutschen Sprichwort!* Биринчи немисча мақолни ўқитувчи айтади, гуруҳ аъзолари навбат билан шу мақолнинг муқобил таржимасини айтади. Кейин гуруҳ сардори битта мақолни айтади, бошқа гуруҳ аъзолари худди шундай давом эттиради.

Ўқитувчи: **Übung macht der Meister.**

1. Mannschaft: R: Wie der Koch, so der Brei.

B: ошга қараб, ошпазга баҳо бер.

R: Ende gut alles gut.

B: охири бахайр бўлсин.

2. B: Ehre verloren, alles verloren.

R: номус ўлимдан қаттиқ.

B: Wie die Saat, so die Ernte.

R: нимани эксанг, шуни ўрасан.

IV. **Понтомима:** Бу шартда қатнашувчилар мақолнинг маъносини мимика ва хатти-ҳаракатлари орқали тушунтиришга уринишади. Бошқа гуруҳ аъзолари бу мақолнинг немисча вариантини топишади. Қатнашувчи хатти-ҳаракати билан “*нашшани ушламоқ*” иборасини изоҳлайди, иштирокчилар кўп уринишлар натижасида “*нашшани тутиб олмоқ*” деб топиб олишади ва хурсанд бўлишади. **Morgen, morgen nur nicht heute, sagen alle faulen Leute.- дангасани эртаси тугамас.** Қатнашчилардан бири шу мақолга понтомима қилиб тасвирлайди. Димоғдор инсонни худди юқоридан ҳаммани синовчан кузатиб туради ва кулади, кейин қоқилиб йиқилади. Худди шундай тўрттадан пантомима қилишади.

V. *Уй вазифасини.* Талабаларга картинка ва расмлар берилади, бу расмларни қайси мақолларга мос тушишини ва шу расмга мос расмни топиб келиш топшириқ қилиб берилади. Rate mal! Was für ein Sprichwort ist auf dem Bild dargestellt? Талабаларбутопшириқни уйда бажариб келишади.

ЁШЛАРИМИЗНИ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРИ

Бердиқулов А. А., ассистент. СамДАҚИ.

Ушбу мақолада ёшларнинг жамиятда эгаллаётган ўрни, уларнинг имкониятлари ва келажақдаги ютуқлари ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, ёшларимизнинг турмуш даражасини янада ўстириш, ҳаёт фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг олиб борилиши ўз аксини топган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида ёшларимизнинг ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги фаоллигини, билими ва шижоатини намоён этиб, ижтимоий фаоллигини ошириш учун асос бўладиган муҳим соҳага айланганлиги ҳақида.

Биз ёшлар ҳаётда ўзимизни эркин сезмоғимиз, билим олмоғимиз, ўз имкониятларимизни намоён қилмоғимиз учун яратилган шароитларга ақл кўзи билан назар солар эканмиз, шунчалик ишонч, эътибор, ғамхўрлик, меҳнат ва машаққат «Нима учун ва ким учун» деган саволга оқилона жавоб топамиз. Буларнинг барчаси юртимизнинг, халқимиз ва миллатимизнинг келажаги бўлган, Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори бўла оладиган биз ёшлар учундир. Шунчалик ишонч ва эътибор бизнинг ҳар биримизда ғурур ва ифтихор туйғусини тарбиялайди, келажаққа ишонч ҳиссини уйғотади ва масъулият туйғусини оширади. Шу ўринда, Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги тантанасида сўзлаган маърузасида биз ёшларга ишонч билдириб, фахр билан айтган сўзларини келтириш жоиздир: «Бизнинг мана шу қисқа йигирма икки йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни кўришда, юртимизни турли бало-қазолардан асрашда, Ўзбекистони-мизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига киритиш, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида энг асосий омиллар нима деб сўраса, мен, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, десам, айтиш ҳақиқатни айтган бўламан!».

Давлатимиз раҳбарининг шунчалик ишонч ва ғурур билан ёшларни мамлакат ва халқ келажаги тараққиётининг ҳал қилувчи кучи деб эътироф этиши уларга янада кўпроқ масъулият ҳиссини сингдиради.

Жамиятимиз тараққиётининг асосий бунёдкор кучи бўлган ёшларга нисбатан бундай ишонч авваламбор буюк келажагимизга бўлган ишонч демакдир. Зеро, буюк келажақни буюк инсонлар яратади. Бугунги кунда

бизнинг ёшларимиз анна шу буюклик сари қадам қўяётир. Унинг заминлари эса халқимиз шижоати, эзгу амаллари ва келажакка бўлган ишонч-этиқоди негизида бунёд этилмоқда. Айни пайтда, мустақиллигимиз шарофати билан ёшлар камолоти, баркамол авлод тарбияси учун барча моддий ва маънавий омиллар амалга оширилаётган ислохотларимизнинг барча соҳаларида устувор аҳамият касб этиб бормоқда.

Ёшларимизни баркамоллик руҳида тарбиялашнинг яна бир муҳим ва ҳал қилувчи омили юксак маънавиятни шакллантириш ҳамда изчил маънавий тарбияни олиб боришдир. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида жамият тараққиёти, баркамол авлод тарбиясида биз амалга ошираётган иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан уйғунлиги масаласини тўғри англай олиш қанчалик муҳим эканлигини таъкидлаб ўтган эди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ёшларимиз онг-тафаккурини эски тузум иллатларидан муҳофаза этиб, мустақиллик дунёқараши билан озуклантирган ҳолда, уларда шу юрт келажаги учун масъулият ҳиссини, ундаги барча моддий ва маънавий бойликларга эгалик қилиш ҳиссида тарбиялаш янги авлод тарбияси муҳим хусусиятдир.

РЕСПУБЛИКАДА АЁЛЛАР МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МАРКАЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Якубова Ҳ. – Ёбосқич “Бино ва иншоотлар архитектураси” мутахассислиги магистри.

“Аёл-Аллоҳ яратган табиатнинг энг буюк мўжизасидир! Аёлни улуғламоқ-оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир”.

И. А. Каримов.

Мустақилликга эришганимизнинг биринчи кунлариданоқ Республикада аёлларнинг жамиятдаги ўрнига, уларнинг барча муаммоларига ечим топишга жуда катта эътибор берилмоқда.

Аёллар учун маслаҳат марказлари, гўзаллик марказлари, бичув-тикув ва пазандачилик ўқув марказлари ташкил этилгани фикримизнинг далилидир. Бизнинг фикримизча, ҳар бир шаҳар ва аҳоли пунктида ушбу марказларнинг бирлашган ягона марказлари ташкил этилса ва бир бинонинг ўзида аёлларга турли хизмат кўрсатиш амалга оширилса, янада самаралироқ натижага эришиш мумкин. Бу жуда кенг ва атлофлича ўрганишни талаб этиладиган масала ҳисобланади.

Ушбу масаланинг тарихий негизларини излаш мақсадида биз ўтмиш архитектурасига мурожаат қиламиз. Албатта XX аср бошигача



бизга маълумки, қиз-аёлларимизнинг ўқиши, илм-фандан сабоқ олиши алоҳида биноларда эмас, балки биби халифаларнинг уйларида амалга ошган.

Бизнинг эътиборимизни Бухоро шаҳридаги Модари хон мадрасаси ўзига жалб этди. Модари хон мадрасасига Бухоро меъморий мактабининг мадраса қуриш анъанавий услублари қўлланилган.

Ушбу услуб мадарасаларнинг иккитадан, яъни “қўш” услубда қуришни тақозо этган. Модари хон мадрасаси “Қўш мадраса” номи билан машҳур бўлган ансамбль мадарасаларнинг биридир.

Бухоро ҳоқими Абдуллахон 1566-1566 ва 1588-1590 йилларда икки мадраса қуриб, бирини онасига бўлган ҳурмати ва эътибори сифатида Модари хон деб атади.

Модари хон мадрасасининг олдинги томони бино тарзида Бухоро мадрасасининг анъаналарига хос равоқчалар чиқарилган. У оддий, аммо

улуғвор кўринишга эга. Пештоқ орти қисми Бухоро ва Ёиждувондаги Улуғбек мадрасалари ечимига ўхшаб кетади. Бош пештоқ орқаси ва унга қаратилган ҳовли тўрида пештоқли икки айвон бор. Ён томонларида айвон ҳам пештоқ ҳам йўқ. Бинонинг умумий тарҳи трапеция кўринишида, ўнг ва чап томонида қишки дарсхона ва



масжид бор. Бурчакларда гулдаста, ташқи изора ва шарафаларда қисман чизиқли кошинпардозлик ва кошинбурушлик ишлатилган.

Модари хон мадарасасининг қаршисида, кўчанинг ғарбий бетида Абдуллахон мадрасаси қурилган. Бу мадараса ўзининг тарҳи, хужраларининг ечими ва яна бир қатор меъморий ечимлари билан ўша давр архитектурасининг ўзига хос янги поғонага кўтарилганидан далолат беради.

Мазкур қўш мадраса услуби бугунги кунда ҳам бино лойиҳалаётганда кўчаларни ташкил этишда қўлланилиши мумкин. Чунки кўча кўриниши яқин ё қарама-қарши жойлашаган бинолар фасади кўринишининг уйғунлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Республикада аёллар маданий-маърифий маркази биноларини шакллантириш ва унинг архитектурасини яратишда тарих намуналарини чуқур ўрганиш, унинг илмий асосларини ишлаб чиқиш келажақдаги ишларимиз режаларидан жой олган.

INGLIZ TILI DARSIDA GURUH BILAN ISH OLIB BORISH

R.T.Eshmamatov, SamDAQI o'qituvchisi

Chet tili o'qituvchisining vazifasi butun dars davomida har bir talabanning faollik harakatini ta'minlash va ularning gapirish vaqtini kupaytirishdir. Bu vazifani amalga oshirishda guruhli formada ish olib borish yordam beradi. Bu yana talabalarni chet tilini o'rganishda, mustaqil ishlashda malaka va ko'nikmalarini oshiradi.

Guruh bilan ishlashda og'zaki nutq va o'qishni o'rgatishda olib borish mumkin. Har bir guruhda 3-4 doimiy guruh yaratish kerak, ularni a'zolarini vaqti-vaqti bilan o'zgartirib turish mumkin. Har bir guruhda yaxshi o'zlashtirgan talabalardan o'zlarining maslaxatchisi bo'lib, ular talabalarni guruhli ish olib borishda yordam berishadi. Har bir berilgan topshiriqni bajarish paytida yaxshi o'qiydigan talabalar o'zlarining guruhidagi sust o'qiydigan bolaga yordam berishi mumkin. Har bir guruhga topshiriqni bajarish uchun aniq vaqt beriladi! Guruh oldida og'zaki nutqni o'stirish uchun quyidagi vazifalar qo'yiladi.

Tasavvur qiling: Siz o'zingizning kelgusidagi sayohatingiz rejasini muhokama qilishingizni, har biringiz o'zingizning sayoxat qilish usulini taklif qilasiz. So'zlardan foydalanib piyoda yurish sayohati juda qiziq ekanligini isbotlang. Guruh a'zolariga mavzu bo'yicha foydalaniladigan so'z va iboralar taqsimlanadi:

“Hiking, interesting, places, useful, monuments and memorials, is good for smb's health, learn many things”.

Guruhingizda sayohat qilishning turli yo'llarini biladigan odamlar yig'ilishgan. Sizga ko'proq poezdda sayohat qilish yoqadi. Kerakli so'z va iboralarni ishlatib, shu transport vositasida sayohat qilish foydali ekanligini ishontiring. Foydalanish uchun berilgan so'z va iboralar:

rather, quick, dining car, not so dear, look out of the window, comfortable, pleasant, sit, read, sleep, meet many interesting people.

Shunaqa topshiriqlarni boshqa guruhlar ham oladi. Ular sheriklarini turli xil transport vositasi bilan sayohat qilish qiziqroq ekanligiga ishontirish kerak. Har bir guruh topshiriqni yaxshiroq bajarishni muhokama qiladi. Bu erda nafaqat so'z va iboralar balki rasmlardan ham foydalanish mumkin. Sayohat mavzusi ustida ishlagan guruhlariga, o'rmon, dala, daryo, palatka, idish-tovoqlar, rasmlar taqsimlanadi va quyidagidek boshlanadi:

Siz sayohatdasiz. Sizning dam olishingiz va ovqat tayyorlashingiz uchun biror erga to'xtash kerak. Har biringizning rugzagingiz ichida kerakli buyumlar bor. Shunday vaziyatda siz nima deysiz? Nutqingizga emotsionallik bo'lishi uchun quyidagi so'z va iboralarni ishlatib. Talabalar gapirib berishning eng yaxshi variantlarini o'ylab musobaqalashadilar. Misol:

- *Oh, I look over there. What a nice place for us to rest? And there is the river near the forest.*
- *Yes, I see. It's very beautiful indeed! I shall put up our tent on that hill.*
- *Girls, who shall I give all our food to? It's in my sport bag.*
- *To me, of course. Usually it's my duty to make dinner. But who has the fire? It's difficult for girls.*

Dialog o'rganishda ham guruhli formada ish olib borish foydalidir.

Masalan: «Mening uyim» mavzusida ishlashda talabalarga quyidagi fikrlar beriladi: Do'stlaringizdan biri yangi uy oldi deb tasavvur qilingiz. Siz bu haqda ko'proq bilishga qiziqayapsiz.

(Kartochkalarda jumlar berilgan, ulardan gap tuzish mumkin)

- *My house is in Alisher Navoi Street*
- *Do you have a garden in front of your house? How many rooms are there? Do you have a house or a flat?*

- *It's large*
- *What colour is it?*
- *Is your house large or small?*
- *What is there in your garden?*

Natijada talabalar dialog tuzishib, uni aytib berishadi. Boshqa talabalar ham shu vazifani bajarish uchun o'ртоqlarining dialogini tinglashadi va kerakli paytda tuzatish kiritishlari mumkin.

- *Do you have a house or flat?*
- *I have a house.*
- *Where is your house?*
- *My house is in Navoi street.*
- *What colour is it?*
- *It is green.*
- *Is your house large or small?*
- *It's large.*
- *Do you have a garden in front of your house?*
- *No, we haven't. The garden is behind the house.*
- *What is there in your garden?*
- *There are fruit trees and flowers.*

Uy vazifasini tekshirganda ham guruhli formali ishni qo'llash mumkin. Misol: Guruhga o'qigan matnga reja tuzish topshiriladi. Talabalar matnni o'zaro abzatslarga bo'lib olishadi. Har qaysi talaba o'zining abzatsini qayta o'qib chiqadi, matnning ma'nosini aniqlaydi va uni rejaga kiritadi. Rejalar muhokama qilinadi. Shu tuzilgan reja asosida talabalar matnni aytib berishadi. «Do'kon» mavzusi ustida ishlaganda ularga univermagning bo'limidan narsa olayotgan holatni bajarish beriladi.

Guruhni kichikroq qilib tashkil qilish kerak. Bunda o'qituvchi har bir talabaning nutqini tekshirish uchun osonroq bo'ladi. Guruh bilan ish olib borish chet tilini o'rganishda juda foydali. Ularning ko'nikma va malakalari oshadi, so'z boyligiga ortadi, darsda so'zlashuv vaqti uzayadi.

Natijada jamoa ruhida tarbiyalash, o'ziga yuklatilgan majburiyatini bajarish ma'suliyati, mantiqan fikrlashi o'sadi, fikrini to'play oladi. Uquvchilar gapirganda uyatchanligi yo'qoladi, ilgarigi o'ziga ishonishi oshadi. Eng muhimi-guruhli ishlash talabalarni o'z ustida ishlashga o'rgatadi.

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА АХБОРОТ–КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Низомий номидаги ТДПУ п.ф.н., доцент А.Э.Пармонов, ўқитувчи
Ж.А.Хамидов талаба Ф.Х.Мирбилалов*

Ҳар бир мутахассис, у қайси соҳада ишлашидан қатъий назар ўз вазифасини замон ўқувчи даражасида бажариши учун ахборотни ишлаб чиқувчи воситаларни, уларни ишлатиш услубиятини билиши ва ишлаш кўникмасига эга бўлиши зарур. Шу сабабдан ҳозирги вақтда педагогларнинг ахборот коммуникацион технологиялари бўйича билимларни чуқурлашти-

ришга, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида жуда катта эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарориди педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даражаси ва сифатини янада ошириш, унинг ўқув методик ва ахборот таъминотини мустахкамлаш бўйича қатор вазифалар кўйилган.

Таълим сифатини ошириш ҳозирги вақтда асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммо халқаро таълим тизимлари ривожланиши ва суръатлари даражаси ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” томонидан ўртага кўйилган. Кўйидагилар ёрдамида таълим сифати оширилади:

- Илмий – педагогик кадр ва юқори малакали мутахассислар учун курслар ташкил қилиш;
- Мултимедия технологияларини қўллаш;
- Ўқитувчи ва таълим олувчининг мунтазам равишда бўлиб ўтадиган индивидуал мулоқот имкониятлари;
- Ўқув материалларини ўзлаштиришни текшириш ва мустақил равишда мунтазам назорат қилиш;
- Тармоқли телеконференциялар давомида ўргатувчиларнинг жамоавий тарзда ижод қилиш имкониятларидан фойдаланиш;
- Индивидуал йўналиш бўйича таълим олиш имконияти;

Малака олиш тизимида масофавий таълимдан фойдаланиш орқали ютуқларга эришилади.

- Таълим сифатини оширилиши;
- Ҳаражатларни камайтирилиши;
- Интерфаол таълимни ташкил қилиш;

Таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологияларини қўллаш ва улар асосида мултимедиа воситаларидан фойдаланиш педагог ва психологик нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга бўлиб, кўйидаги муҳим қафолатланган натижаларга олиб келади:

- Ўқув тарбия жараёнини фаоллаштиради, таълим самарадорлиги ошади;
- Ахборотни турли шаклда (овоз, матн, видео, графика, анимация ёрдамида) берилиши ўқувчининг диққатини тортади, юқори даражада кўргазмалилик таълим олувчиларда катта қизиқиш уйғотади, мазмуни узоқ вақт хотирада сақланишини таъминлайди;
- Табақалаштирилган таълимга ўтиш учун замин яратади;
- Ўқувчи машғулот давомида пассив тингловчидан фаол иштирокчига айланади;
- Мустақил таълим олиш имконияти ва кўникмалари ривожланади;
- Ўқитуви томонидан берилган кўпгина ташкилий ишларни компьютер амалга оширади, ўқитувчи учун доимий муаммо бўлган вақт танқислиги муаммоси сезиларли даражада камаяди;
- Компьютер “ўргатувчи” ролини ўйнайди, яъни ўқувчининг билим даражасини тест ва назарий саволлар бериб назорат қилади ва баҳолайди, ўқувчи тушунмаган мавзусини қайта-қайта такрорлашга имкон беради.

Таълим жараёнида компютер воситасидан фойдаланишнинг салбий тарафлари ҳам мавжуд:

- Компьютер олдида узоқ вақт ўтириш соғлиққа зарар етказди;
- Ўқувчиаларда ёзув кўникмалари ривожланмай қолади;
- Ўқувчиаларнинг ўқитувчи ва ўртоқлари билан жонли мулоқоти чекланади.

Мана шу камчиликларни назарда тутган ҳолда ўқитувчи компьютер воситаларининг имкониятларидан оқилона фойдаланиши талаб этилади.

Таълим тизмининг асосини юқори сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб саналсада, аммо бундай муҳит таълим тизмини такомиллаштиришга, таълимда ахборот коммуникацион технологияларини туб маънода жорий этишга хизмат қилади.

МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Ш.М.Мамарасулов, ассистент - Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти. М.Н.Маматова, ўқитувчи - Самарқанд шаҳар қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи. Г.А.Ғаффорова. - Жиззах давлат педогогика институти.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, малакали педагог кадрлар тайёрлаш илғор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги таъкидланган.

Бугунги кунда таълим тизимида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалиётга тадбиқ этишнинг учинчи босқичи давом этмоқда. Мазкур жараённинг, 2005 ва ундан кейинги йилларда, таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустақамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш режалаштирилган. Шу кунда олий ва ўрта махсус таълим соҳаларида таълим жараёнини замонавий инновацион технологиялар билан таъминлаш, бажариладиган жиддий вазифа сифатида белгиланди. Шунингдек, мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва инновацион технологияларнинг жорий этишни янги даври-миллий тараққиётимизнинг юксалиш босқичи изчил равишда давом этмоқда. Ўзбекистон жаҳон харитасидан мустақил Давлат сифатида жой олгандан кейинги тарихан қисқа давр ичида демократик жамият, ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин иқтисодиётни шакллантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди ва салмоқли натижалар қўлга киритилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида таълимда инновацион технологияларни жорий қилиш жараёнини ўрни алоҳида ахамият касб этади.

Таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистоннинг илғор педагог олимлари илмий асосланган ҳамда Республикамизнинг ижтимоий - педагогик шароитига мослашган таълим технологияларни тадбиқ этиш йўлида талай ишларни амалга оширмоқда. Лекин тизимлар назариясига тўлалигича суянган, ҳамда ҳудудимизнинг ижтимоий - педагогик менталитига мос келадиган ва ҳаммага тушунарли бўлган миллий педагогик технология модели яратилиб таълимга тадбиқ этилиб келинмоқда.

Мамлакатимиз таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамлашда, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар билан таъминлашда, инновацион технологияларни таълимга тадбиқ этилиши катта аҳамият касб этади. Инновация бирор янги нарсани, янги тартиб қондани киритишни аниқлаб, янги методлар, воситалар, янги концепциялар, янги ўқув дастурларни киритишни ҳамда қўлланишга хосдир.

Инновацион муаммолари билан боғлиқ бир қатор тадқиқотларда ўзгаришлар янгилик бўлиши, бироқ ҳар доим бутунлай янги ғоялар ёки шакллар бўлмаслик мумкинлиги фарз қилинади.

Шундай қилиб, инновация тушунчаси орқали ўқув - тарбия жараёнини яхшилаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган дидактик, методик, ташкилий-техник ўзгаришларни тушунамиз.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнини ҳамма томонларини комплекс тизимли ҳисобга олинган ҳолда, янги педтехнологияларнинг замонавийларини қанча кўпроқ жорий этилса, уларнинг салмоғи яна ҳам кўпайтирилса, ўқув фаолиятида таълимнинг Давлат стандарти талабларини бажариш имконияти кўпроқ яратилади.

Шундай қилиб мутахассислар тайёрлашда замонавий таълим технологияларини қўллаш таълим жараёнида ижобий натижаларга олиб келади, ўқувчиларнинг фанга қизиқишини оширади.

ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МУТАХАССИС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ САМАРАЛИ ҚЎЛЛАШ

Ш.М.Мамарасулов, ассистент - Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти. М.Н.Маматова, ўқитувчи - Самарқанд шаҳар қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи. Г.А.Ғаффорова. - Жиззах давлат педогогика институти.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларига киришда ўрта мактаб ва коллеж ўқувчиларига нисбатан катта талаблар қўйилмоқда. Мактабни тугатган ёшлар нафақат олинган билимларга эга бўлиб қолмасдан, балки мустақил равишда билим эгаллаш, исталган соҳада компетент инсон бўлиш, ижодий фикрлай олиш каби имкониятларга эга бўлиши лозим. Бу сифатлар уларни ҳаётда муваффақиятли равишда ўз ўринларини топишда қўл келади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш, таълим - тарбия тизимини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш” ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.

Президентимизнинг 1997 йил 6 октябрь ПФ-1869-сонли ”Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида” ги фармони, 2003 йил 1 июлдаги ПФ-3272-сонли “Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги фармони юзасидан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида малакали кадрларларни етиштиришда жаҳон амалиётида ўрин тутган юқори технологиялардан самарали фойдаланиш ва илмий изланишларга катта эътибор қаратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча таълим муассасалари етарлича моддий техника базаларига эга бўлиб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Бакалаврият негизида ўрта-махсус касб-хунар таълими асосида етиштирилган кадрлар турар экан, бу кадрларнинг давлат таълим стандартида белгиланган талабларга жавоб бериши учун академик лицей ва касб-хунар коллежлари зиммасига улкан вазифалар юклатилган. Бу эса академик лицей ва касб-хунар коллежи педагоглариининг белгиланган вақт мобайнида ўқувчиларга етарли билим беришлари учун ўз устида кўп ишлашни, замонавий ахборот технологияларидан самарали, ҳамда педагогик технологиялардан ўринли фойдаланишни, сўнгги фан ва илмий янгиликлардан воқиф бўлиш, интернет билан малакали ишлашни талаб қилади.

Педагоглар олдига ўқувчиларни тарбиялаш, вояга етказиш ва юқори малакали касб-хунар эгалари этиб етиштиришда маъсулиятли вазифалар қуйилмоқда. Замонавий кадрлар тайёрлаш ва фанларни бугунги кун талаблари асосида ўқитиш учун таълимда янги педагогик технология усуллари кўлланишни тақозо этади. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичидаги сифат муаммоларини ижобий ҳал этишда, таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтаришда янги педагогик технологиялар асосий мезонлардан бири этиб белгиланган.

Дарс учун қуйилган асосий мақсадга эришиш учун мавзунини тушунтириш жараёнида мотивацияни тўғри танлаш, аниқ, ҳаётий мисоллар ва далиллар келтириш, таълимий техникалардан тўғри фойдаланиш зарур. Мисол учун мутахассислик фанига киришда мавзуларни тушунтиришда “Кластер”, “Муаммоли ўқитиш”, фаннинг асосий қонун ва тушунчаларини тушунтиришда “Тармоқ”, “Нима учун?”, “Венн диаграммаси”, “Сехрли рақамлар”, “Кейс” технологиялари яхши натижа берган.

Мутахассислик фанларидан амалий машғулотларида эса асосан “Блиц” ва “Инсерт” жадвалидан фойдаланиш яхши самара бериши синовдан ўтказилган. Фанда тажрибалар кўргазмалиликни талаб қилади, бироқ ўтказиб бўлмайдиган тажрибаларни компьютер технологиялари воситасида тушунтириш зарур ҳисобланади. Ҳозирги кунда ахборот воситаларининг жадал ривожланиши натижасида мавзу тушунтириш учун интернет тармоғидан кўплаб модел, тажриба, анимацияларни юклаб олиб олиб фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ҳозирги кунда ўқувчиларнинг замонавий ахборот технологияларига қизиқиши бунга кўмак бўлади.

ДАРС ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ МАҲОРАТ

*Мамарасулов Шахобиддин Мамарасулович СамДАҚИ ассистенти
Есенова Сарбиназ Шаробаевна - Нукус давлат университети ассистенти*

Ҳозирги замон жамиятининг ҳамма соҳасида ҳар кимдан ташаббускорликни, ижодни, мустақил фикрлашни талаб қилади. Дарс – педагогик ижодкорликнинг асосий майдони. Ўқитувчининг асосий педагогик эҳтиёжи – ўргатиш, етказиб бериш айнан дарсда амалга ошади. Шундай экан, дарс таълим жараёнини ташкил қилишга тўғри, янгича муносабат керак.

Дарс жараёнида ўқитувчи олдида муҳим бир масала туради. Ўқувчиларни билим олишга жалб қилиш, уларни олга ҳаракатлантиришдир.

Бу эса ўқитувчи ва ўқувчиларни (ўзаро) биргаликдаги меҳнатга жалб қилади. Бунинг учун ўқитишда мажбур қилмаслик керак. Педагогик ҳамкорликнинг қарашларидан бири – дарсда ўқувчидаги кўрқувни йўқотиш, уни эркинроқ, дадилроқ қилиши, ўзини кучига ишонтириш, унга жиддий, ижод қилишга қодир шахс сифатида қараш.

Дарсда аниқ мақсад ғояси. Бу ўқувчилар билан ҳамкорлик руҳида иш олиб бориш, уларга аниқ бир мақсад қўйиб, бу мақсаднинг мураккаблигига ва буни амалга оширишга ишонтириш уларда ўзига бўлган ишончини, аниқ, мушкул масалани ҳам еча олиш мумкинлигини шакллантиради.

Дарс ўтиш жараёнида куруқ гап билан чегараланмай, ўқувчи хотирасини шакллантириш, мантиқ, тасаввур, фикрлай олишини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини шакллантириш шахсий сифатларидаги нотекисликларни, нуқсонларни бартараф қилишга ёрдам беради. Уларда эркин фикр қилиш камол топади. Натижада ўқувчилар ўтиладиган мавзунини оз билсада, муҳокама қилишда фаол ўқитувчи қайси дарсни ўтишдан қатъий назар, ҳеч қандай кераксиз, ортиқча нарсаларга тўхталмай, ҳар бир мавзунини аниқ, равшан, лўнда тушунтириши ва шу билан бирга ўқувчиларни индивидуал ва жамоа ўз-ўзига баҳо беришга ўргатиши лозим.

Дарс ўтиш давомида ўқитувчи шундай усуллардан фойдаланиш керакки, ўқувчилар ўзларини шахс сифатида ҳис қилишсин. Бу ҳар бир ўқувчи ҳар бир дарсда ўзининг баҳосини олиши, масалаларни ўзи танлаб олишда намоён бўлади. Ҳар ким ўз гуруҳида ҳимоя остида, ҳеч ким уни шубҳа билан ҳақорат қилмайди. Ўқитувчининг педагогик маҳоратида дарснинг ўрни муҳим. Дарс шундай марказки, ўқитувчининг ҳар бир тафаккури ва ҳаракатлари шу марказ атрофида айланиб, яна унга қайтиб келади. Ҳар бир дарс ўқитиш жараёнига ўзининг, фақат унга хос бўлган ҳиссасини қўшади.

Замонавий дарс фақат ўқитишнинг метод ва шакллари билан чекланиб қолмай, балки таълим-тарбия, ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида биргаликдаги ўзаро боғлиқлигини рўёбга чиқаришни талаб қилади. Дарс, ўқитувчидан ижодий педагогик тафаккур, педагогик маҳоратни талаб қилади. Ўқитувчининг ўқитиш воситалари унинг ижодкорлигига, кўп киррали билимига, болаларни севиш, фаолиятига асосланади. Дарс беришда ўқитувчининг муваффақияти унинг назарий ва касбий тайёргарлигига боғлиқ. Дарсга тайёрланиш жараёнида

Ўқитувчи шу предметга қарашли, психологик-педагогик, методик китобларни, журнал ва газеталарни мунтазам равишда ўқиб бориши, бадиий адабиётдан, ҳар хил кинофильмлардан фойдаланиш керак. Дарс бериш жараёнида воситалар ҳар хил бўлиши мумкин.

Бу ўқитувчининг ихтисослигига, унинг қизиқувчанлигига, эҳтиёжларига, интеллектуал фаоллигига боғлиқ. Албатта, бунда ўрганилаётган материал мазмунини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Дарс бир нечта омиллардан иборат. Ўқитувчи ҳар бир дарсда 3 та масалага эътибор қаратиши керак. Булар:

1. Тарбиявий масалалар – ўқувчиларнинг бўлаётган ҳодисаларга, атрофга бўлган дунёқарашини шакллантиради. Уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳини тарбиялайди.

2. Илм оширадиган масалалар ўз ичига ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришини олади.

3. Билиш масалалари – ўқувчиларда ўрганилаётган материаллардан асосийсини, муҳим жойларини ажрата олиш қобилиятини, ўқув фаолиятида ва фикрлашда мустақил бўлишни, ўқишда қийинчиликларни енгишини шакллантириш.

Тажрибали ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг дарсдаги муҳим, керакли жойлари қайсилигини, қайси жойини эслаб қолиш, қайси жойидан шунчаки хабардор бўлиши кераклиги аниқланади.

Ўқитувчи томонидан дарсни ишлаб чиқиш натижасида, ўқитувчи дарснингмуаллифига айланиши керак. Дарснинг қандай бўлиши, ўқитувчининг ижодкорлигига ва маҳоратига боғлиқ. Аввало, дарснинг ижодий режаси тузилади. Режа ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ўқув дастуридан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу материалининг мазмунини чуқур билиш;

- ҳар бир мавзунинг ҳозирги замонга, ўқувчиларнинг ёшига мос бўлиши;

- ўқитувчининг ҳаётий ва иш тажрибага, маънавий ҳолатига мос бўлиши;

- ўрганилаётган мавзунинг олдинги ўтилган, кейин ўтилиши керак бўлган мавзуларга мос келиши;

- ҳар бир мавзунинг ўқувчилар психологияга мослашиш мақсадга мувофиқдир.

- Дарс жараёнини ўқитувчи ташкил этар экан, у ўрганишнинг самарадорлигига, ўқувчининг таълимнинг субъектига айлантиришга, ўқувчилар ҳам шу дарснинг ҳаммуаллифлигига айлантиришга интилади.

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН БАЪЗИ БИР ФАЗИЛАТЛАР

*Ф.ф.н., доц. Ш.Ж.Маматкулова, Ш.Б.Қодирова 101- Лан.Арх
магистрант СамДАҚИ*

Инсон оилада бахт ва эзгулик учун дунёга келади, шу орзу умид билан яшайди. Ўзбек оилаларида фарзанд дунёга келиши билан боғлиқ маросимлар ва расм-русумлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири яхши ниятлар билан амалга оширилади. Шулардан бири, чақалоқга исм қўйиш, кичик ва катта

чилла сақлаш, бешикка белаш, биринчи қадам, илк бора гапира бошлаш, тиш чиқиши, ёшига тўлиши, ўғил болаларни хатна қилиш, биринчи мучал муносабати билан боғлиқ оилавий тантаналарнинг ўтказишида рамзий маъно бор. Шундай маросим ва расм-русумлар фарзанд қувончига қувонч қўшади, унинг маънавий камолотига ижобий таъсир ўтказади.

Оилада чақалокнинг соғлом ўсиши учун муҳим бўлган даври чилла давридир. Бу муддат кичик (20 кун) ва катта (40 кун) чилла даврларига бўлинади. Бу давр ёш она ва болани ёлғиз қолдирмаслик, улар яшаётган хонага ҳеч кимни киритмаслик (гигиеник томондан ҳам мумкин эмас), чақалокни тузли, тупроқли сувда тез-тез чўмилтириш (бадандаги ортикча туклар тўкилади), онага юмуш қилдирмаслик, қувват берадиган, сут кўпайтирадиган таомларни истеъмол қилиш, тунда ташқарига олиб чиқмаслик ва безовта қилмаслик (она ва бола маълум бир шарпадан сесканиши, қўрқиши мумкин, натижада сут камайиши ёки хасталаниши мумкин), болани қоронғуликда сақламаслик, она ва болани асабини бузмаслик, қўрқитмаслик, уларнинг саломатлигини таъминлаш гаровидир.

Шарқда қадимдан эмизикли аёл таомномасига алоҳида аҳамият бериб келинган. Ёш бўшанган она сут келтирувчи кучли таомлар билан овқатланиши, сутни бузмаслик учун пиёз, саримсоқ, гармдори, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслиги зарур. Булар бола танаси учун оғудир.

Алла ўзбек халқининг қадимий, муҳим характерга эга қўшиқ турларидан ҳисобланади. Она алласиданбебахра бўлмаган бола қалбида ота-онага, ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисси бўлиши қийин. Алла айтмаган ёки алла эшитиб катта бўлмаган қиз бола бўлмаса керак.

Оилада фарзанд тарбияси у туғилмасдан бошланмоғи зарур. Ҳомиладор аёлнинг кайфияти яхши, асаблари сокин, истеъмол қиладиган таомлари бола организми учун фойдали бўлмоғи зарур. Ўз вақтида юмушларини бажариб, дам олиб, сайр қилиб, овқатланиб, туғилажак бола тақдирини ўйлаш унинг вазифаси ҳисобланади. Эр-хотин, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги соғлом маънавий муҳит, хушмуомилалик, хурсандчилик боланинг беҳавотир, соғлом туғилишига гаров бўлади.

Баъзан оилада учрайдиган эр-хотин, қайнона-келин ва бошқалар ўртасидаги бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик, ўзаро низо, уруш-жанжаллар, ҳомиладор аёлни авайлаб-асраш ўрнига оғир меҳнатга мажбурлаш, хўрлаш, хатто унга қўл кўтариш боланинг касалманд, ногирон, жиззаки бўлиб туғилишига олиб келади. Ота-онадаги энг яхши хусусиятлар ҳам ёмон хусусиятларга қўшилиб ирсий йўл билан болага ўтиши табиийдир. Ҳатто туғилмаган болада она қорнидаёқ ота-онага нисбатан меҳр ҳисси шакллана бошлайди. Баъзан эрнинг бола дунёга келмасдан “Агар фарзандимиз қиз бўлса, тўғри отангнинг ўйига кетасан” ёки “Туғруқхонада йўқлаб боришимни кутмагин” каби хархашалар билан жанжал кўтариши, албатта, бўлажак она учун ҳам, бола учун ҳам зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун донишмандларнинг болани у туғилмасдан олдин тарбиялаш хусусидаги ўғитларига амал қилмоқ зарур. Бир киши янги туғилган чақалокни донишманд киши олдига олиб келиб: “Тақсир, боламга

қачондан тарбия бера бошлай?” – дебди. “Боланг дунёга келганига неча кун бўлди?” – дебди донишманд. “Икки ой, таксир, дебди ота. “Аттанг, сиз анча кеч қолибсиз, тарбияни онасининг қорнидалигидан бошлашингиз керак эди”, – дебди донишманд.

Инсон ўз ниятига етиши ва бахтли яшаши учун интилиши, ғайрат кўрсатиши ва яхшилик кўриши учун инсонларга яхшилик қилиши лозим. Инсоннинг шаклланишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида, эл-юрт ичида иззат-ҳурматга сазовор бўлишида, юксак ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассам этишида оила асосий ўринни эгаллайди. Оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатлар, ахлоқий-миллий қадриятлар сақланади ва ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маънавий ҳаёт пойдевори қуйилади ва мустаҳкамланади. Оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Оилада тарбиянинг негизларига асос солинади. У болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний муносабат ва фазилатларни тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади.

Ўзбек халқи табиатан болажон халқ. Болага нисбатан бағрикенглик, меҳридарёлик, ўта фидойилик халқимизга хос хусусиятлардир. Шу боисдан ота-оналаримиз фарзандларнинг пухта билим олишлари, қизиқишлари бўйича касб-хунар эгаллашлари, ахлоқ-одоб қоидаларини мукамал билишлари ва уларга амал қилишлари учун зарур имкониятларни яратадилар. Чунки оилада болани тўғри тарбиялаш – мустаҳкам пойдеворли жамият барпо этилишининг гаровидир. Бола тарбияси кенг қамровли, узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу жараён турмуш қурадиган йигит ва қизнинг бир-бирига ҳар томонлама муносиблигидан бошланади. Бўлажак ота-онанинг соғ-саломатлиги, насл-насаби, дунёқараши, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мостлиги, турмуш қуришга ҳар томонлама тайёрлиги фарзанд кўриш ва унинг тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Оила аҳиллиги, баркамол фарзандлар жамият мустаҳкамлиги ва маънавий етуқлигининг гаровидир.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ИЛМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

*СамДАҚИ. 201-КТ(ТСваМГ) гуруҳи талабаси Маматқулова Зарнигор
Илмий раҳбар: Зиётова Адолат Эргашевна.*

Бугун тараққиёт йўлидан изчил боришимизда, эзгу мақсадларни амалга оширишда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган имон-эътиқодли ёшларни шакллантириш давлат сиёсатида асосий вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ёшларнинг динга бўлган муносабатлари турлича эканлиги ва мустақил қарашлари борлиги яхши, аммо уларни айрим ҳолларда баъзи бир диний ақидаларга мойил бўлган гуруҳларга кўшилиб

қолиб чалғиётганлиги ҳам сир эмас. Бундай гуруҳларнинг олдига қўйган асосий вазифаси эса ислом дини ниқоби остида сиёсий кураш, ёшларимизнинг шу билан бирга бутун омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш, бузғунчи ақидалардан қурол сифатида фойдаланишдир. Бу гуруҳлар ортида ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар мавжуд.

Дунёда бирон дин йўқки, унда инсоният саодати мақсад қилиб олинмаган бўлса. Аксинча, радикал диний оқимлар ва уларнинг кичик гуруҳлари ҳам, бугун инсоният хотиржамлиги, тинчлиги йўлига ғов бўлибгина қолмасдан ҳатто талофат ва ташвишлар келтираётгани, бугун ҳам уларни тегирмонига сув қуювчилар мавжудлигидан, уларга эргашаётганлар топилаётганлигидан далолатдир.

Чоризм мустамлакачилиги даврида динни камситиш, имомлар (ислом мураббийлари) ни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизгин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб имомлари таъқиб қилинди. Дастлаб минглаб масжидлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Исломий маърифат таъқиқлаб қўйилган бу даврда, чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари йўқ қилинди. Натижада, жаҳолатпараст удумлар ривож топди, “чала муллалар” ҳозирги кунда, аксарият ҳолларда олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, одамларни тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқдилар ва бунга одамларни ҳам жалб этишга ҳамон уринмоқдалар. Уларнинг бу сўзларига аксарият ҳолларда айрим ёшларимиз алданиб қолишларига асосий сабаб ҳам, уларнинг аввало оилада сўнг таълим муассасаларда етарлича билим олмаганлиги, ислом динининг туб моҳиятини билмаганликларидадир.

Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай дейди: “Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб келмоқда”.⁴³

Бизнинг муқаддас динимиз ҳаққонийлиги ва бағрикенглиги, одамзоднинг доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждоқлардан - авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан ва халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, рухий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди.

Шу билан бирга ислом дини, унга эътиқод қилувчиларни илм олишга, маърифатли бўлишга даъват этади. Илк ваҳий ҳам “Ўқи!” деган амр бўлганлиги бунинг яққол исботидир. “Илм” сўзи Қуръони Каримнинг саккиз

⁴³ И.А.Каримов . Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. 37-бет.

юз ўн бир жойида турли маънолари билан келганлиги айна ҳақиқат.

IX—XII асрларда ғарбда аҳолининг тўқсон беш фоизи саводсиз бўлганлиги, ҳатто диний уламолар ҳам ўқишни, қўлларига қалам тутиб ёзишни билмаган бир вақтда мусулмон ўлкалардан диний ва дунёвий барча фанларнинг илғорлари етишиб чиқди ва анча муддат “Араб цивилизацияси” номи билан аталиб келинди. Шу даврда мусулмон оламида илмнинг турли соҳаларида саксон олти мингга яқин йирик олимлар иш олиб борганлиги, биз бебаҳо ҳисоблаган, маънавий мерос ва мулк эгаси эканлигимизнинг исботидир.⁴⁴

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, ўз эътиборини ўсиб келаётган ёш авлодни илмли, маърифатли қилиб тарбиялашга қаратди. Бунинг самарасини ҳозирги кунда жамиятнинг ҳар бир соҳасида кузатиш мумкин. Ёшлар қайси соҳани танлашмасин, ўз соҳаси бўйича етарлича билимга эга бўлишлари керак. Муқаддас динимизда келтирилган қирқта асосий фарзлардан бири ҳам илм излаш фарзидир. Илм йўлидаги киши Оллоҳнинг ҳимоясидадир, дейилади ҳадисларнинг бирида.

Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “ Ер юзидаги амалларнинг афзали учтадир: илм талаб қилиш, нафсига қарши курашиш ва касб қилиш. Илм талаб қиладиган инсон Оллоҳнинг севиқли бандасидир. Нафсига эрк бермайдиган инсон Оллоҳнинг яқинидир. Хунарли эса Оллоҳнинг дўстидир”.

Ёшларнинг жамиятдаги фаолликлари тобора ошиб бораётган бугунги даврда улар эришаётган улкан ютуқларни эътироф этган ҳолда, уларда маънавий мукаммаликни ошириш учун қуйидагиларни инобатга олиш керак:

- улар фаннинг қайси соҳасида ижод қилишмасин, диний қадриятлардан хабардор; тарихий хотирага эга; ўзликларини англаган; мустақил фикрга эга – эътиқодли бўлишлари уларнинг янада қудратли, комил шахс бўлиб шаклланишига асосдир. Зеро, бугун мустақил диёримизда амалга оширилаётган ислохотлар, бир сўз билан айтганда, давлат сиёсати ёшлар фаолиятини қўллаб – қувватлаб турганлиги, мамлакатимиз ёшларининг имкониятлари қўламига кафолатдир.

ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ ВА “АВЕСТО”ДА ТАФАККУР МАСАЛАЛАРИ

М.Маматова Қарши ДУ ўқитувчиси

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” қадимий тарихга эга бўлган Ажам ва Турон аҳли сиёсий, ижтимоий, маданий, диний, хўжалик ҳаёти ҳақида маълумот берувчи илк муҳим ёзма манбадир. “Авесто” қадим-қадимдан олимлар, файласуфлар эътиборини ўзига тортиб келган. Мазкур асарнинг илмий ва маданий аҳамияти беқиёсдир. Мазкур тарихий манба ғарб ва шарқ олимларининг бирдай қизиқишларига сабаб бўлиб келаётган манбалардан биридир. Ҳеч бир даврда муқаддас манбани ўрганишга бўлган эътибор сусайгани йўқ.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бу бетак-

⁴⁴ “Ҳидоят”. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий, илмий-адабий нашри 2008.5-нашри

роҳ асарнинг биз учун аҳамияти — аввало унинг олис-олис даврларда ҳам халқимизнинг миллий хусусиятлари ва фазилатлари, умумбашарий кадриятлар билан доимий узвий боғланиб кетганлигини исботлайдиган ҳаётбахш манба бўлганлиги учун ҳам қимматлидир”.

Авестода аждодларимиз оламни билишда, турли ходисалар, жараёнлар ўртасидаги ҳақиқий ёки ҳаёлий боғлиқликни, уларнинг бир-бирига ва ердаги ҳаётга, одамлар тақдирига таъсирларини аниқлашда ва ифодалашда тафаккурнинг илк тарихий шакли асотирлардан (мифологиядан) фойдаланганликлари ўз аксини топган. Асотир эса оламни кенг қамровли, умумлашган, системали ва айна пайтда конкрет-образли идрок қилишнинг ибтидоий универсал, синкретик шаклидир.

Авестода олам яхлит тарзда, бир бутунликда идрок этилади. Жамият ва инсонни табиатдан, коинотдан ажратмайди, балки уларнинг узвий бир унсури, бўлаги деб билади. Ахура Мазданинг ягона яратувчи экани ғояси, яъни тарихда илк бора ваҳдат тушунчаси асосида юзага келган зардуштийлик дини маъбудлар ва сифинилиши керак бўлган сиймоларнинг бутун бир тизимига ўрин берди. Шу тизимни маънавий жиҳатдан асослаб Авеста китобида турли худоларга (маъбудларга) бағишланган алқовлар (гимн), ибодат матнлари, удумларнинг тафсили ва тавсифлари ўрин топа борди.

Авестода нафақат ибтидоий тафаккур шакллари, балки бугун фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан бири – адолатли ҳалол ҳаёт кечириш. Бу қоида «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» каби уч асосий ахлоқий қоида ҳеч қачон ўз илмий-амалий, тарихий ва инсоний аҳамиятини йўқотмайди.

Зардуштийлик динида инсон тафаккури оламни реал ва фантастик, нореал унсурларнинг мураккаб тилсимий алоқалар билан боғланган муштарак тизими сифатида ўзига хос тарзда конкрет-образли акс эттиради. Аммо тафаккур ўзгармас, қотиб қолган ходиса эмас. Авестода фетишизмдан анимизмга, ундан политеизмга ўтиш асотирий тафаккурнинг ўзига хос тарихий босқичларини ифодалайди. Агар мазкур фарзга таянилса, Авестода тафаккур ўзининг энг ривожланган босқичини ибтидоий жамият емирилиши, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши, эътиқодда политеистик қарашлар қарор топиши даврини бошдан кечирган. Эрамиздан авв. II минг йиллик ўлкамизда бронза асри гуллаб яшнаган, суғорма деҳқончилик ва хонаки чорвачилик ташкилий хўжалик турлари сифатида муқим ривожланган, жамиятда ҳокимлар қоҳинлар, ҳарбийлар, ҳунар аҳли, чорвадор, деҳқон каби меҳнат тақсимооти ва ижтимоий табақаланиш чуқурлашган давр зардуштийликни яхлит тизим сифатида шакллантирган, дейишга тўла асос бор. Ана шу даврда ибтидоий диний-мафкуравий, асотирий тасаввурлар маълум бир тизимга келтирилган. Дунёнинг яхлитлиги, ҳаётнинг узлуксиз ва тадрижийлиги, турли туман маъбудларга эътиқодни сўндириб, яхлит, ягона сабабқорни излашга, уни танишга, иймон ва эътиқод қилишга ундаган. Демак, эрадан авв. II минг йиллик ўлкамизда кучли тафаккур изланишлари даври сифатида, ҳақни таниш, пировардида Аллоҳни таниш аждодларимиз учун ўзига хос синов, маънавий тараққиёт босқичи бўлган, дейишга ҳақлидирмиз.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИКНИ ТАРБИЯЛАШДА ВАТАН ТАРИХИНИНГ ЎРНИ.

Муратова Марғуба – СамДАҚИ ўқитувчи

Эрназаров Туйғун – СамДАҚИ ўқитувчи

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриятлари тарихини билишга ўзлигини англашга қизиқиш ортиб бормоқда. Бу табиий хол. Инсоният борки, авлод - аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон деб аталувчи ҳудудимиз, нафақат шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмақда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, олиму-уламолар, сиёсатчилар, саркардалар, дипломатлар етилиб чиққан.

Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари шу кунгача кўрку, файзини, махобатини йўқотмаган асору - атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради.

“Бешавқат давр синовларидан омон келган, энг қадимги тош ёзувлар битиклардан тартиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган йигирма мингдан ортиқ қўлёзма уларда мужассамлашган, тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, химия, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, буюк тарихимиз ва ифтихоримиздир. Бунчалик буюк меросга эга бўлган халқ дунёда ҳам топилади. Шунинг учун бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламиз”⁴⁵

Инсоният тарихини, тарихий воқеа, ҳодисаларни тўғри ёритиш ва ўрганиш учун бир қатор муҳим назарий методологик тамойилларга таянмоқ зарур.

Президентимиз И.А.Каримов ушбу асарида “Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантиришимиз зарур”⁴⁶ - деб таъкидлайди.

Инсонда тарихий хотира ўз Ватани тарихини, ўз халқи аждодлари тарихини билиш орқали шаклланади. Яқин ўтмишда мустамлакачилар, халқимизни ўз тарихидан жудо қилиш, уларни ўз ўтмишига лоқайдлик билан қарайдиган, насл-насабини эслолмайдиган манқуртларга айлантериш сиёсатини юритди, амалиётда эса халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди, унинг бир неча минг йиллик бой тарихи сохталаштирилди, уни ёшларга ўқитиш ва ўргатишга изн берилмади. Мустақилликка

⁴⁵ И.А.Каримов. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз”, 7-жилд. Тошкент., “Ўзбекистон”, 1999й., 132 бет

⁴⁶ И.А.Каримов. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. Тошкент. 71 бет

эришганимиздан сўнг Ватанимиз тарихи ўз ўрнини топди, барча ўқув масканларида талаба – ўқувчиларга Ватан тарихини ўқитиш давлат-сиёсати даражасига кўтарилди. Ватан тарихини ўқитиш йўлга қўйилди.

Ватанимиз тарихи миллатнинг, ёшларнинг ҳақиқий тарбиячисига айланмоқда. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг “Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”, “Тарих - халқ маънавиятининг асосидир”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”, “Инсон учун тарихдан жудо бўлиш- ҳаётдан жудо бўлиш демакдир” деган ифодали сўзлари ва кўрсатмалари дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимизнинг асрлар синовида янада кучайиб, тобланиб борган мустақкам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди.

СИФАТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Маҳмудова Гулруҳ Равшанбековна, Гулистон Давлат Университети,
“Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси*

Илм-фанимиз ютуқлари ривожланиб бораётган жамиятимиз ва давлатимизнинг энг муҳум жиҳати бўлиб ҳисобланади. Бугунги кундаги амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг, юз бераётган ўзгаришларнинг моҳияти жамиятимиз тараққиётини таъминловчи омил бўлиб ҳисобланадиган сифатли кадрлар тайёрлаш бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва таълим жараёнини имкониятларини кўрсатиб бериш мақсадида замонавий инновацион технологияларни таълим амалиётига жорий этишга катта аҳамият берилмоқда. Инновацион таълим муҳитини яратиш, уни жаҳон андозаларига тўлиқ мослаштириш ёшларимизнинг ҳозирги тез ўзгарувчан ижтимоий ҳаётимизга ижобий тарзда ижтимоийлаштиришнинг муҳум асоси бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда ҳеч бир соҳани инновациясиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, барча соҳаларга инновацион технологияларни кенг жорий этиш юқори ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилиши билан муҳум бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Биз бу соҳадаги республика қонунлари, ҳукумат қарорларини инобатга олган ҳолда, сифатли кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида қуйидаги таклифларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, ахборот-коммуникация технологиялари тадбиқ этилишини кучайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барча соҳаларини янада ривожлантириш.

Иккинчидан, ахборот тизимлари ва маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга чет эл инвестициясини кўпроқ жалб этиш учун керакли шарт-шароитларни яратиш.

Учинчидан, ахборот ресурслари бозорини ривожлантирилишини ташкил қилиш, давлат бошқаруви, тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, умуман барча соҳаларда электрон шаклдаги ахборот алмашинувиға ўтишни жадаллаштириш.

Жумладан, Бугунги кунга келиб республиканинг барча олий таълим муассасаси Интернет тармоғига уланган ва ахборот технологиялари марказлари тузилган. Академик лицейларда компьютер билан таъмиланганлик даражаси сезиларли равишда ортди. Ахборот тармоқларига уланишни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг илмий, таълим ва тиббиёт ва бошқа бир қанча соҳаларида Интернет тармоғидан бепул фойдаланиш имконияти яратилди. Амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтириш олдимизга бир қанча вазифаларни юклайди, жумладан:

-академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва мактабларда Интернет синфлари ташкил этишни кенгайтириш;

-давлат тилидаги идоравий ва идоралараро маълумот базаларини яратиш;

-аҳолининг Интернет тармоғидан кенгроқ фойдаланишини таъминлаш учун алоқа бўлимлари, Интернет-қахвахоналар, Интернет-дўконлар, Интернет- клубларда жамоа тартибида фойдаланиш шахобчаларини ташкил этиш;

-давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзбек тилидаги ахборот ресурсларига бўлган эҳтиёжи қондирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

-хукуқий, статистика, банк ахборотига оид миллий маълумот базаларини барпо этиш, ҳамда уларга ҳар қандай тоифадаги фойдаланувчиларнинг турли босқичларда киришини таъминлаш.

Юқорида келтирилган вазифаларнинг бажарилиши сифатли кадрларга бўлган талабнинг бажарилишига, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилади ва малакали кадрлар тайёрлашда инновацияларнинг роли қанчалик муҳим эканлигини исботлаб беради.

НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРДАН КАСБИЙ ФАНЛАР УКИТИЛИШИДА ФОЙДАЛАНИШ.

*Камбарова Мухаббат Рахматовна - Навоий тиббиёт коллежи
фармакология фани ката уқитувчиси*


Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим жараёнини мазмунан ислох қилиш мақсадида илгор педагогик технологиялар таълимнинг ноанъанавий янги шакл ва услубларини жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Касб-ҳунар коллежларида касбий фанларни ўқитишда ўқувчиларнинг таълим олишга нисбатан фаолликларни орттиришга хизмат қилувчи ноанъанавий таълим шакллари муаммоли таълим, таянч иборалар, очик мулоқот кабилардан фойдаланилмоқда. Жумладан таянч иборалардан фойдаланиб ўқитувчиларнинг билим олишга бўлган интилиш ва фаолликларини орттиришга ўқув материални мантикий боғланишлар асосида ўрганишга хизмат қилади.

Бунинг учун таълимнинг ноанъанавий шакллари излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Куйида касб-хунар коллежларида умумтаълим махсус ва касбий тайёргарлик фанларини уқитишда фойдаланиш мумкун таълимнинг ноанъанавий шаклларида келтирамиз.

Урта махсус касб-хунар коллежларида уқувчиларни техник воситаларга булган кизикишини ортиришга, уқитиш сифатини ошириш, мутахасисларни тайёрлашда жахон миқёсида стандартлар талаб даражасига кутариш хозирги куннинг асосий вазифасидир.

Замонавий техника воситалари билан жихозланган синфларда дарс утиш жараёнида ҳисоблаш техникаси компьютерлар ахборот технологияларидан фойдаланиш ва таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

УЗ-УЗИНИ БАХОЛАШ» УСУЛИ:



«Уз-узини баҳолаш» усули чизмасини тузиш қоидалари

1. Айлана ёки тугритуртбурчак шакллардан фойдаланишни узингиз танлайсиз

2. Чизманинг қуриниши уқувчини дарсда қай тартибда тайёрланганлигини билдиради

3. Йўналиш курсаткичларида йиғилган рағбатлар уқувчини изланувчанлиги, фаолигини курсатади.

Машгулот бошланишида ҳар бир уқувчига индивидуал чизма варақалар тарқатилади, уқувчи исм, фамилиясини ёзади ва машгулот давомида иштирокига қараб рағбат баллар бериллади уқувчи шу рағбатбалларини қулидаги чизмага ёпиштириб боради, дарс якунида ҳамма балларни жамлайди ва баллар сонига булади шунда уқувчини уртача балли келиб чиқади.


Афзаллик томонлари:

1. Укувчини дарсда фаоллигини таъминлайди
2. Укувчини изланиш ва китоб уқишга чорлайди
3. Укувчида тугрилик ва хакконийлик хиссини уйғотади.
4. Укувчиларни барчасини баҳолаш имкони булади.


Камчиликлари:

1. Вақт талаб қилади.

«Омад шарчалари» усули: Бу усулда турли рангдаги шарчаларни ракамлаб чиқилади ва



шундай ракамли савол карточкалари тузилади. Укувчи ракамланган шарчалардан бирини танлайди ва шундай ракамли савол карточкаларига жавоб беради, тугри жавоб берган укувчига шарчалар совга қилинади.



Услугбни куллаш учун керакли жихозлар:

1. Рангли шарчалар
2. Рангли коғоз
3. Саволлар туплами
4. Доска, бур

Афзаллик томонлари:

1. Машгулотни хилма-хиллигини таъминлайди
2. Укувчини кизикишини ортиради
3. Укувчида тенгдошидан ортда колмаслик хиссини уйғотади
4. Голибликка интилиш хиссини уйғотади

Камчиликлар:

1. Синфда шовкин-сирон булиш эхтимоли мавжуд
2. Укувчилар барчасини камраб олиш имконияти пасаяди

MARKAZIY OSIYONING ROSSIYA BILAN XVI-XIX ASRLARDA O'RNATGAN SAVDO-MADANIY ALOQALARI

Sh.A.Muslimov SamISI 1-son AL

Rus savdogarlari Markaziy Osiyoga teri, charm, movut, yog'ochli mahsulotlar, oyna va noyob mahsulotlarni pullashga olib borishgan. XVII asrda Markaziy Osiyoda sakkizta rus elchiligi, Rossiyada esa qirq marta xonliklar elchilari bo'lib qaytdi. Markaziy Osiyolik savdogarlar Sibir va Volga hududlariga paxtali qog'oz, shoyi matolar, kamon, gilam, qog'oz kabi mahsulotlarni olib borishgan. Chunki bu mahsulotlar mahalliy aholi o'rtasida haridorgir edi. shu bilan birga noz-nematlar, qovun, ranglar va qimmatbaho toshlarni olib borishgan. Bu davrda yetti marta buxoroliklardan, beshta elchilar Buxoroga tashrif buyurishgan. Masalan, 1620 – yil Imomqulixon (1611-1642) Odambiyni rus podshosi Mixail Fyodorovich yoniga yuboradi⁴⁷. Javob xatida ikki tomon o'rtasida qaror topgan azaliy do'stlik, madaniy va savdo aloqalari gurkirab rivojlanishiga astoyidil harakat qilishi aytib o'tilgan. Buxoroga uyushtirilgan diplomatik safar (1620-1623) ga Ivan Danilovich Xoxlov boshchilik qildi. 1621 – yilda u Samarqanda bo'lib, Imomqulixon bilan uchrashdi hamda Xoxlovning xoxishiga ko'ra 27 asirni asirlikdan ozod etdi. Xo'ja Ibrohim ikki marotaba (1638 va 1642) Rossiya safarida bo'lib ikki o'rtada o'rnatilgan do'stlik va savdo munosabatlarini mustahkamlashga hissa qo'shdi⁴⁸. Bunday muzokaralar siyosiy qarashlarga ham bog'liq bo'lib, ikki hukumat vakillari qalmiqlarga qarshi birga kurashishga kelishib oldi. Samarqand haqidagi ma'lumotlar Buxoroning tashqi aloqa hujjatlarida ko'plab uchraydi. Masalan Nodir Muhammadning taxtga o'tirishi (1642-1645) munosabati bilan 1643 – yil martda sar Mixail Federovichga yo'llagan xatida bundan keyin ham ikki davlat o'rtasida savdo va asirlar o'rtasida almashinuv amalga oshirilishi aytib o'tilgan. Bu xat davomida elchini Onisima Gribova kutib olgani va javob tariqasida No'g'oy yuzini yuborganligi aytiladi⁴⁹.

O'rta Osiyo xonliklarining Rossiya bilan savdo aloqalari xalqlarning iqtisodiy va madaniy rivojlanishida muhim rol o'ynadi. O'rta Osiyodan tashrif buyurgan karvon tarkibida mayda hunarmandlar, jarrohlar va me'morlar tashrif buyurgan. Dmitriy Donskiy saroyida mashhur samarqandlik arxitektor ustalar yashab ijod qilgani manbalarda qayd qilib o'tilgan. Buxoro, Xiva va Samarqanda rus savdogarlari va mayda hunarmandlarini aynan shu holatda uchratish mumkin. Ba'zi rus savdogarlari xonliklarda o'z savdo uyushmasiga ega bo'lib ikki o'rtada elchilik vazifasini ham bajarib bergan.

XVI asr birinchi yarmidan XIX asrga qadar Rossiya va O'rta Osiyo xonliklari o'rtasida sovg'alar, tuxfalar va qimmatbaho buyumlar berish urfga kirgan edi. bu kabi sovg'alarni berishda xususiy savdogarlar xizmatidan foydalanishga to'g'ri kelardi. Bu esa o'z navbatida biroz xatarli ham edi⁵⁰.

⁴⁷Федчина В.Н. Развитие картографических представлений о Средней Азии с древнейших времен до XVIII в. Научн.зап. ТИНХ. - Вып. 31. - Ташкент, 1964. С. 107.

⁴⁸Чимимдоржиев Ш.Б. Взаимоотношения Монголии и Средней Азии с Россией в XVII- XVIII вв. -М.: Наука, 1979. С. 27.

⁴⁹Джамалов К. Торгово-дипломатические отношения Бухарского ханства с Россией в XVII в. -АКД. Душанбе, 1965. С. 8-10.

⁵⁰Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов - русский посланник в Персию и Бухару в XVII в. -СП(б)., 1891. С. 12.

O'rta Osiyolik savdogarlar Qozog'iston, Jung'orlar, Qashg'ar, Xitoy va Hindiston bilan savdo munosabatlarini yo'lga qo'ygan bo'lib Rossiyaning bu davlatlar bilan olib borgan savdo aloqalari ham aynan O'rta Osiyolik savdogarlar tomonidan amalga oshirilgan. E. Meyendorf xabariga ko'ra 1775-1819 yillar oralig'ida Buxorodan Rossiyaga 11 ta elchi yuborilgan bo'lib, ularning 7 tasi bu hududda qolib savdo aloqalariga o'rgangan va Rossiya bilan savdo qilish huquqini qo'lga kiritgan⁵¹. Rossiyada qolgan xonlik savdogarlari rus yerlarida qaysi mol haridorgirligi va yana qanday yangi molar keltirish zarurligini o'rganib qaytishgan. Aynan shu davr oralig'ida savdoda paxta, qog'oz va boshqa mahsulotlar Rossiya yerlarida ko'plaab miqdorda sotildi. Rossiyadan Buxoroga keltirilgan tovarlarga 10 %, Buxorodan Rossiyaga olib ketilgan tovarlarga esa 5 % miqdorda soliq solindi. Rus hukumati buxorolik elchi Ernazar Maqsudov (1774-1776: 1779-1780) xizmatlarini yuksak baholab unga savdo munosabatlarini rivojlantirish uchun Kaspiy dengizidagi bir Kemani hadya etdi.

АНЪАНАВИЙ МАЪРУЗА АБАДИЙМИ ЁКИ УНИНГ МУҚОБИЛЛАРИ МАВЖУДМИ?

Н.С. Сайидаҳмедов (Самарқанд қишлоқ хўжалик институти)

Олий таълим муассасаларида ўқув материални оғзаки баён қилишда, асосан, билимлар манбаига таянадиган ўқитиш методлари таснифидан фойдаланишади. Улар ичида **маъруза**⁵² алоҳида ўрин тутади. Маъруза ўқув курсининг етакчи халқаси сифатида назарий материални баён қилиш усули ҳисобланиб, талабаларнинг яхлит ва тугалланган ҳолатда билимларни қабул қилишини таъминлайди. Маъруза ўқув фани бўйича тизимланган илмий билимларни бериши, муайян фан ва техника соҳасининг ривожланиш ҳолати ва истиқболларини очиши, таълим олувчиларнинг диққатини бирмунча мураккаб, муаммоли саволларга жалб этиши, уларнинг фаол билиш фаолиятини рағбатлантириши ва ижодий фикрлашини шакллантириши лозим.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида ўқув материални маъруза орқали баён қилишга тарафдорлар билан бир қаторда қаршилар ҳам мавжуд. Улар қуйидаги ҳолатларни таъкидлашади:

- маъруза ўзгалар фикрини суст қабул қилишга ўргатади, таълим олувчиларининг мустақил фикрлашини камайтиради;
- маъруза мустақил шуғулланишдан воз кечтиради;
- дарслик мавжуд бўлмаган ёки кам бўлган ҳоллардагина маъруза керак;
- талабаларнинг аксарияти нотикнинг сўзларини механик тарзда ёзиб олади. Бу индивидуал ўқитиш принципига зиддир.

Олий таълим тизимидаги ўқитиш тажрибаси кўрсатишича, маърузадан воз кечиш талабалар тайёргарлигининг илмий даражасини камайтириб юборади, семестр давомида ўқишнинг тизимлилигини ва бир маромдалигини бузади. Шунинг учун маъруза аввалгидек олий таълимда

⁵¹Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов. -Указ.изд. С. 16.

⁵²“Маъруза” сўзи лотинча “lektion”- ўқиш маъносини англатади.

ўқув жараёнини ташкил этишнинг етакчи шакли ва ўқитиш методи сифатида қолади. Кўрсатилган камчиликлар кўпинча ўрганилаётган материални саралаш, тўғри методикани танлаш, маърузани бошқа мақбул ўқитиш методлари билан бириктириш ҳисобига йўқотилиши мумкин. Маълум даражада бу қарама-қаршиликлар таъсирчанлиги ўқув жараёнида маъруза ўқишнинг ноанъанавий турларидан фойдаланиш имкониятларини очиб беради. Улар қаторига маъруза-маслаҳат, маъруза-матбуот конференция, маъруза икковлон, маъруза-суҳбат, маъруза-мунозара, маъруза-тадқиқот, маърузада тескари алоқа техникасини қўллаш, визуалли маърузалар киради.

Маъруза - матбуот конференция талабалар билимларини бенуқсон тўлдириш ва улар тайёргарлиги даражасини ташхислаш учун хизмат қилади. У ташкилий жиҳатдан қуйидагича ўтказилади: Ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилиб, талабалардан қаралаётган муаммо бўйича ёзма равишда саволлар беришни сўрайди. Икки-уч дақиқа давомида талабалар қизиқарли саволларни тузиб, ўқитувчига беради. Бундай машғулот ўтказишнинг бир варианты сифатида саволлар ўқитувчи топшириғига кўра олдиндан ўтган маъруза босқичида тайёрланиши ҳам мумкин. Ўқитувчи уч-беш дақиқа давомида саволларни уларнинг мазмунига қараб саралайди ва маърузани бошлайди. Маъруза қўйилган саволларга жавоблар йиғиндиси ва кетма-кетлиги сифатида ёки баён қилиш жараёнида шаклланади. Маъруза сўнггида ўқитувчи талабалар қизиқиши ва билимларини жавобларда қай даражада акс этганлигини таҳлил қилади. Агар баъзи жавоблардан улар қаноатланишмаса, ўқитувчи махсус ажратилган вақтда уларни батафсил очиб беради.

Бу турдаги маърузаларни ўтказиш қуйидаги ҳолларда мақсадга мувофиқ:

- дастур бўлимини ўрганиш бошида, гуруҳ эҳтиёжлари ва қизиқишлари даражасини, унинг моделларини, таълим олувчиларнинг имкониятларини аниқлаш мақсадида;
- ўрганишнинг ўртасида, маъруза талабаларни курснинг муаммоли жиҳатларига жалб қилишга ва билимларини тизимлашда йўналтирилган ҳолда;
- дастур бўлимини ўрганишнинг сўнггида, ўзлаштирилган мазмунни ривожлантиришнинг истиқболларини аниқлашда қўлланилади.

«Маъруза-икковлон». Бундай маъруза икки ёки ундан ортиқ ўқитувчилар томонидан олдиндан тайёрланган сценарий асосида ўтказилади ҳамда интеллектуал ва психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўқитувчилар маърузанинг муаммоли саволларига турлича қарашларни асослаган ҳолда мунозарага киришади, талабаларни фаоллаштиради ва илмий баҳслашишга замин яратади.

Предметли «маъруза-икковлон» бир ўқув фани ўқитувчилари томонидан ўқилади, предметлараро «маъруза-икковлон»ни икки турли фан ўқитувчилари ўтказишади.

«Маъруза-икковлон» туридан қатъий назар, уни тайёрлашнинг муҳим жиҳати педагог-шерикларни танлаш, уларнинг психологик ва интеллектуал жиҳатдан бир-бирига тўғри келиши, лаёқатлилиқ даражасининг тахминан тенглиги, фанлараро алоқалардан фойдаланишга педагогик тайёргарлиги

ҳисобланади.

Бундай маъруза асосий элементлари мулоҳаза қилиш, режиссура (педагогик вазиятлар ва ўқитувчи роли йиғиндиси сифатида тушунилади) муаммоларини қайд қилиш ҳисобланган сценарий ёзишни талаб этади. Сўнгги элементи – аудитория фикрини башорат қилиш бўлиб, уни ўтказиш икки ёндашувга таянади: «контраст» (турли қарашлар) ёки ўзаро тўлдириш асосида ўқитиш.

«Маъруза-суҳбат». Бу бирмунча кенг тарқалган ва айни вақтда ўқув жараёнига талабаларни фаол жалб этишнинг нисбатан оддий шаклидир. У диалог, полилог усулларини оқилона қўллаш орқали талабаларни ўқитувчи билан жадал суҳбатга чорлашни талаб этади. Бундай ҳолатда фаоллаштириш воситалари сифатида аудиторияга бериладиган алоҳида саволлар, аста-секин тортишув (диспут)га ўтадиган мунозарани ташкил этиш, муқобил ҳолатни ҳосил қилиш учун шароит яратиш кабиларни киритиш мумкин. Унинг бир неча кўриниши мавжуд: маъруза-мунозара, маъруза-очиқ тортишув, маъруза-семинар (полилог).

Ушбу шаклнинг одатдаги маърузадан фарқи шундаки, у талабалар диққатини мавзунинг муҳим саволларига жалб қилади, аудиториянинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ўқув материални баён қилиш мазмуни ва методини аниқлаб беради.

Жамоавий ўқитиш шароитида бу шаклнинг самараси ҳар бир талабани фикр алмашиш жараёнига жалб этишнинг имконияти йўқлигидан камаяди. Айни пайтда гуруҳли суҳбат фикрлар доирасини кенгайтиришга ва жамоа тажрибасини ҳамда талабалар билимини ишга солишга шароит яратади.

Талабаларнинг маъруза-суҳбатга фаол қатнашишини таъминловчи баъзи усулларни қараб чиқамиз:

1. Аудиторияга саволлар маъруза бошида ва уни ўтказиш давомида тавсия этилади. Бундан мақсад талабалар билимини текшириш эмас, балки қаралаётган муаммо бўйича уларнинг фикрлари ва хабардорлик даражаси ҳамда навбатдаги материални қабул қилишга тайёргарлигини аниқлашдан иборат.

Саволлар аудиториядагиларнинг барчасига берилади. Талабалар жойларида туриб жавоб беришади. Вақтни тежаш мақсадида саволларни шундай ифодалаш лозимки, натижада жавоблар тўлақонлигига эришилсин.

Жавобларнинг фарқланишини ёки яқдиллигини ҳисобга олиб, ўқитувчи навбатдаги чиқиш тезисини бирмунча ишончли баён қилиш имкониятини қўлга киритган ҳолда ўзининг кейинги мулоҳазаларини тузади. Саволлар оддий ёки муаммоли характерга эга бўлиши мумкин.

Талабалар ўқитувчи томонидан берилган саволга мустақил фикрлаб яқуний хулосага келишади, муҳокамага тортилган муаммоларнинг аҳамияти ва муҳимлигини тушуниб олишади, бу эса ўз навбатида уларнинг материалга бўлган қизиқиши ва уни қабул қилиш даражасини оширади.

Машғулотнинг бу шаклида ўқитувчи ўзининг саволлари жавобсиз қолмаслигини кузатиб бориши лозим, акс ҳолда улар риторик характерга эга бўлади ва талабалар фикрини етарлича фаоллаштиришни таъминламайди.

2. Жамоавий тадқиқотга таклиф. Ўқитувчи талабаларга биргаликда жараён ва ҳодисаларнинг қонуниятларини ифодалашни таклиф этади. У

бунда аудиториянинг тажриба ва билимига мурожаат қилади. Киритилган таклифларни аниқлаштириб, тўлдириб, жамоа тажрибасини назарий асослайди, уни тизимлаштиради ва биргаликда ишлаб чиқилган тезис шаклида талабаларга «қайтади».

Шундай қилиб, нафақат тўлиқ ахборотларни талабаларга узатиш, балки уларни кўрсатма сифатида қўллаш заруратига ишонтириш ҳам амалга оширилади.

Маъруза-мунозара. Ўқитувчи маъруза методикасини баён қилишда ўз саволларида талабаларнинг берган жавобларидан фойдаланиш билан бирга ўзаро мантиқий билимлар интервалида эркин фикр алмашишни ташкил этади. Бу ўқув жараёнини жонлантиради, аудиториянинг билиш фаолиятини фаоллаштиради ҳамда баъзи талабаларнинг негатив кўрсатмалари ва нотўғри фикрларини йўқотиш мақсадида ўқитувчига режиссурадан фойдаланган ҳолда гуруҳнинг жамоавий фикрини бошқариш имконини беради.

Мунозара учун саволлар тўғри танланганда ва моҳирона мақсадга йўналтирилган тарзда бошқарилганда ижобий самарага эришиш мумкин. Муҳокама учун саволларни танлаш ўқитувчи томонидан талабаларнинг тайёргарлик даражаси ва аудитория олдида қўйиладиган дидактик масалаларга боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Маъруза – «ғаламис» (хатолари олдидан режаланган маъруза).

Маъруза ўқишнинг бу усули машғулотда талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради, маърузанинг назоратловчи функциясини оширилишига йўл очади.

Бундай маърузанинг ўзига хос томони шундаки, ўқитувчи кириш қисмида машғулот мавзусини эълон қилади ва баён қилинаётган материалда хатоларнинг мавжудлиги ҳақида маълумот беради (хатолар сони айтилмайди). Хатолар турли кўринишга эга бўлади: мантиқий, хулқий, дунёқарашга оид, таъриф, тушунча ва ҳоказо. Ўқитувчи уларни алоҳида плакатга ёзади ва тескари томонини талабаларга кўрсатади. Маъруза тугагач, талабаларда ўз билимлари натижаларини ушбу плакатнинг олд қисми билан таққослаш имконияти мавжудлигини эълон қилади.

Талаба маъруза давомида барча режалаштирилган хатоларни аниқлаши ва уларни дафтарига белгилаб бориши шарт. Маъруза тугашидан 15-20 дақиқа олдин талабалар аниқлаган хатоларнинг батафсил таҳлили ва тўғри жавобларнинг асосланиши амалга оширилади.

Ўқув ахборотларини ўзлаштириш кафолати сифатида психологик «четки қонун» га таяниш хизмат қилади: маъруза сўнггида материални тўғри англаб етилганлиги аниқлаштирилади, яъни туғри жавобларни таъкидлаш тавсия этилади.

«Хатоси режаланган» маъруза талабалар диққатини фаоллаштиришга имкон туғдиради (ҳамма лаёқатли бўлиб кўринишга уринади), уларни жавобларни тўғри ифодалашга ўргатади ҳамда касбий фаолиятга тайёргарлигини назорат қилади.

Маъруза-тадқиқот. Маърузанинг кириш қисмида умумий билув топшириқлари шундай қўйиладигани, натижада талабалар ўқув муаммоларини тўлалигича англаб олишади, ўқитувчи билан биргаликда мавзунинг тадқиқ

қилишни талаб этадиган ҳолатларини ажратиб олишга йўналтиради.

Маъруза жараёнида умумий масала мавзунинг асосий йўналиши бўйича хусусий билув топшириқлари ёрдамида аниқланади ва чуқурлаштирилади.

Маърузанинг тугунли босқичларида 4-6 тагача муаммоли саволлар ва 7-9 тадан ортиқ муаммоли топшириқлардан фойдаланилади, уларнинг ҳар бири асосий муаммони ечишда, керакли ҳолатларни аниқлаштиришда, жиддий алоқа ҳамда муносабатларни аниқлаштиришда муҳим роҳна ҳисобланади. Бунда асосий масала фикрлар ҳаракатининг усуллари ва мавжуд материалларнинг таҳлил қилиш методикасини очиб бериш ҳисобланади.

Бундай маърузаларда талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш воситаларини саралаш муҳим аҳамият касб этиб, нафақат назарий қисми, балки материални узатиш ва татқиқ қилиш методикасини, билув элементлари сифатида дидактик ва тадқиқот усуллари эгаллашга, илмий изланишга ва мазмунли муҳокама қилишга ёрдам бериши лозим.

Машғулот ёки маърузанинг якуний қисмида назорат саволлари ҳамда мантиқий ва амалий топшириқлардан бирмунча кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу амал ўзлаштириш даражасини аниқлаш, назорат қилиш, мустақил ишларни янада чуқурлаштириш учун методологик аҳамият касб этадиган муҳим ҳолатларни англаб етиш мақсадида бажарилади. Натижада ўзлаштириш даражаси ва мавзуга чуқур мустақил ишлов бериш асосида талабаларда тадқиқотчилик фаолияти кўникмасини такомиллаштириш учун муаммо билан ишлаш кўникмаси текшириб кўрилади.

Маърузада тесқари алоқа техникасини қўллаш. Бундай маърузани ўтказишда дастурли ўқитиш учун махсус жиҳозланган аудиториядан фойдаланилади. Ҳар бир талабанинг шахсий ЭҲМи ўқитувчи компьютерига уланади. Шу тариқа берилган саволларга талабалар гуруҳининг жавобларини техник воситалар ёрдамида олишга имконият яратилади.

Саволлар маърузанинг ҳар бир бўлимини баён қилишдан олдин ва якунида берилади. Биринчи ҳол талабалар муаммони нечоғлик илғаб олганликларини билиш учун зарур. Агар аудитория асосан кириш саволларига тўғри жавоб берса, ўқитувчи қисқача тезис баёни билан чегараланиши ва маърузанинг кейинги бўлимига ўтиши мумкин. Агар тўғри жавоблар сони кутилаётган даражадан паст бўлса, маърузанинг зарур бўлими ўқилади, сўнгра талабаларга баён қилинган материални эгалланганлик даражасини аниқлашга мўлжалланган янги саволлар берилади.

Назорат натижалари қониқарсиз бўлган тақдирда ўқитувчи материални узатиш методикасини алмаштиради ва ўқилган бўлимга яна қайтади.

Визуал маъруза. У ўқилмайди, балки кўрсатилади. Бунда асосий ўқитиш методи-кўргазмали намойиш. Кино, теле ва видеокадр, слайдлар ҳамда дискдаги ахборотлар блоки ўқитувчи томонидан шарҳланади.

Шундай қилиб, олий мактаб амалиётида синаб кўрилган маъруза турларини шарҳлашга ҳаракат қилдик ва улардан педагогик фаолиятингизда фойдаланишингизга умид боғлаб қоламиз.

КОММУНИКАТИВ МАЛАКАЛАР ВА ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛ

*Турсунова Э. М., Шамишева Р. Н. – НДПИ, «Математика ўқитиш
методикаси» кафедраси ўқитувчилари*

Улкан вазифаларни амалга оширишда олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогик маҳорат фанининг аҳамияти каттадир. Чунки — педагогик маҳорат талаба шахсини маънавий шакллантиришда, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашда, уларнинг маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Дарҳақиқат, ўқув масканлари, ишлаб чиқариш корхоналарида иш фаолиятини тўғри ташкил этиш ва бошқариш ўқитувчи ёки раҳбарнинг педагогик маҳорати ва педагогик фаолиятига боғлиқ.

Маҳоратли ўқитувчи – бу бевосита педагогик фаолиятни бошқаришнинг устаси ҳисобланади. Шундай экан, халқимизда ҳар бир ишнинг устаси бўлганидек ўқитувчи ёки раҳбар маҳорати икки баравар усталикни талаб этади. Раҳбар маҳоратида шахс психологияси, таълим-тарбия жараёнини яхши билиш муҳим ўрин тутди. Чунки маҳоратли ўқитувчи талабаларнинг фанлардан тез ўзлаштириш, мутахассислик касбини тез ўрганишни ташкил этади.

Ўқитувчининг асосий мақсади жамият талабидан келиб чиққан ҳолда комил инсонни вояга етказишга қаратилиши ва аниқ вазифаларни белгилаши лозим. Ўқитувчи фаолияти доимо талабалар фаолиятини бошқаришга қаратилган бўлиши керак. Бу жараёнда ўқитувчи маҳорати талаба ёки ўқувчи билан бир қарорга келишини ўргатиши керак. Педагогик маҳоратнинг мақсади шундаки, ўқитувчи мақсади талаба мақсадига айланиши керак. Бунинг учун ўқитувчи ўз ишининг уддасидан чиқиши, ишлашни билиши лозим. Педагог замон билан яшаши, келажакни кўриши керак. Педагог маҳоратининг хусусияти талаба шахсида жамиятнинг мақсад ва вазифаларни аниқ бажаришида ижодий ёндашиш қобилиятига эга бўлишни шакллантириши лозим.

Педагогик қобилият – педагогга хос бўлиб, педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш ва олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятлари қуйидагилардир:

а) педагогик такт (педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар, ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиш малакаларига эгаллиги);

б) педагогик кузатувчанлик (ўқитувчининг ўқувчиларга хос бўлган ҳатто энг оддий хусусиятларни ҳам пайқаб олиш қобилиятига эгаллиги);

в) болаларга бўлган муҳаббат (уларга меҳр қўя олиш, уларга меҳрибонлик кўрсатиш, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, ҳаётий интилишлари билан ўртоқлашиш, улар учун қийин бўлган вазиятларда ғамхўрлик қилиш);

г) билимларни узатишга бўлган эҳтиёж.

Педагогик қобилиятлар турлари, энг аввало, қуйидагилар саналади:

1. педагогик кузатувчанлик;
2. педагогик хаёл (фантазия);
3. характер сифатларининг тарбияланишига бўлган талабчанлик;
4. педагогик такт;
5. ташкилотчилик қобилиятлари;
6. нутқ маданиятига эгалик;
7. мулоқотга киришувчанлик (киришимлилик);
8. ҳиссий сезгирлик (касбий зийраклик, бошқаларга ҳамдард бўла олиш, ички сезгига эга бўлиш);
9. ҳаракатчанлик, таълим жараёни иштирокчиларига иродавий таъсир кўрсатиш ва ишонтириш қобилиятига эгалик;
10. ҳиссий барқарорлик (ўз-ўзини тута билиш, бошқариш ва назорат қилиш);
11. келажакни мақбул ҳолда башоратлай билиш;
12. касбий мустақиллик, ижодий қобилиятга эгалик.

Педагогга хос қобилиятларни умумлаштириб, уларнинг турлари қуйидаги эканлигини кўрсатиб ўтади. Қобилиятли ўқитувчиларда ноёб қобилиятлар ҳам кўзга ташланади. Яъни: бир вақтнинг ўзида бир неча фаолиятни бажара олиш (масалан, эшитиш, кўриш, ўқиш, ёзиш, фикр юритиш, мулоқот қилиш ва б.); атрофида кечаётган икки ёки бир неча воқеликни бирдек қабул қилиш (бир ўқувчининг маърузасини эшитгани ҳолда, синфдаги бошқа ўқувчиларнинг фаолиятларини кузата олиш); ўта қизиқувчанлик (табиат ва жамиятда кечаётган ҳар бир воқеа-ҳодиса (гарчи улар энг аҳамиятсиз, эътиборга ташланмайдиган бўлса-да) моҳиятини билишга интилиш, ҳаддан зиёд кўп саволларга жавоб топишга интилиш); мия фаолиятининг биокимёвий ва электрик фаоллиги (мия деярли тўхтовсиз фаолият кўрсатиб, ниҳоятда кам вақт “дам олади”, билиш жараёнида ноаниқликлар кўзга ташланса, улар тезда бартараф этилади; уйқучанлик қобилиятли педагогларга хос хусусият эмас); нутқи ва фантазиясининг бойлиги (қобилиятли ўқитувчиларнинг аксарияти ниҳоятда бой нутққа эга, уларда фантазия (тасаввур қилиш) қобилияти беқиёс даражада кучли); кучли хотира (йирик ҳажмдаги матнни, жумладан, дostonларни бир марта ўқиш билан тўлалигига ёдлаб олиб, уни сўзма-сўз қайта ҳикоя қилиб бериш қобилияти)га эгалик кабилар алоҳида ўрин тутади.

Ҳар қандай қобилият каби педагогик қобилиятни ҳам ривожлантириш бориш тақозо этилади. Педагогик қобилиятни ривожлантириш – мутахассис сифатида фақат педагог (ўқитувчи)ларгагина хос бўлган қобилиятларни янада бойитиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиш саналади.

Табиийки, педагогик қобилият муайян йўллар билан ривожланади. Педагогик қобилиятни ривожлантиришда маълум шакллар ниҳоятда самарали саналади. Шунингдек, педагогик қобилиятни ривожлантиришда муайян методлар қўлланилади.

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*Шамшиева Р.Н., Турсунова Э.М. – НДПИ, «Математика ўқитиш
методикаси» кафедраси ўқитувчилари*

Келажакдаги буюк давлатимиз тараққиёти учун муҳим ҳужжат ҳисобланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ёш мутахассисларга қўйилган талабларнинг негизида талабаларда мустақил фикрлаш қобилиятини мукаммал шакллантириш ётади. Бу соҳада ижобий натижаларга эришиш учун таълим жараёнида талабалар мустақил ишларини самарали ташкил этиш алоҳида ва ўзига хос аҳамият касб этади. Шу сабабли талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг самарадорлигини ошириш учун фан ўқитувчилари томонидан талабаларга мустақил иш сифатида берилаётган мавзу ва топшириқларни режалаштиришда талабаларнинг таянч ва назарий билимлари, эркин ва чуқур фикрлашлари, мантиқий мушоҳада қилишлари ҳамда амалий кўникмалари каби қобилиятларини қатъий эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Амалий машғулотларда аудиториядаги талабалар мустақил ишини ташкил этишда ўқув машғулотида ечилиши режалаштирилган масалаларга оид мавзулар билан талабалар олдиндан таниш ҳамда назарий билимга эга бўлишини талаб этилиши, талабалар онгида олинган назарий билимларни амалда қўллаш олиш кўникмасининг шаклланиши билан узвий боғлиқдир. Аудиториядаги талабалар мустақил ишини мавзуга оид мураккаблик даражасини эътиборга олган ҳолда 5 ёки 6 та масалани гуруҳдаги барча талабалар учун бир хил вариантларда тузиб, ҳар бир талабага мустақил ечишлари учун тавсия этиш шаклида ташкил этишнинг аҳамияти каттадир. Амалиёт натижаларининг кўрсатишича аудиториядаги талабалар мустақил ишини мазкур шаклда тизимли ташкил этилишининг натижаси сифатида талабаларда масалаларни мустақил еча олиш кўникмаси мунтазам равишда шаклланиб боради.

Шу сабабли лаборатория ишларида талабалар мустақил ишига доимо жиддий муносабатда бўлиш ва мунтазам равишда тизимли шуғулланиб бориш талаб этилади. Амалиёт натижалари шуни кўрсатадики, талабалар лаборатория машғулотларига юқорида баён этилган талабларга тўлиқ жавоб бера олиш даражасида тайёрланса лаборатория машғулоти учун ажратилган 2 соат давомида фақат тажриба ишини бажариб қолмасдан, балки олинган натижаларни математик ҳисоблаб, таҳлил қилишга ҳам улгуради.

Бу натижа лаборатория машғулотида талаба олдида қўйилган мақсадга эришилганлигини англатади. Ўқув машғулотларининг барча турлари бўйича мустақил ишларни бажариш талабаларда мустақил ишлаш кўникмасини шакллантиради ҳамда курс ишлари, малакавий амалиётлар ҳисоботларини тайёрлаш ва битирув малакавий ишларни мустақил бажаришлари учун муҳим замин яратади.

НЕМИС ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ МАҚОЛЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА БЕРИЛИШИ.

Тожибоева Шохсанам Расулбековна. Ўқитувчи. ГулДУ.
Азимова Лобар Орифжон қизи. 32-15 гуруҳ талабаси.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг истиқлол моҳиятини чуқур англаш, улардан амалий ҳаётимиз учун керакли хулосаларни эҳтиёжи кишиларни чет тилини ўрганишнинг етарли даражада юқори бўлишини тақоза этади. Тиллараро мулоқат хорижий илмий-техник ахборотни излаш ва ўзлаштиришда алоҳида аҳамият касб этиб, бу жараёнда йил сайин фан ва техника ва маданиятнинг турли соҳалари мутахассислари кўпаймоқда.

Шу сабабли республикаимиз таълим тизимида чет тилларни ўқитишда талабаларнинг эркин фикрлашлари, нутқларини ўстиришда, янгича усуллар қўлланилиб келмоқда.

Хорижий тилни ўрганишда турли хил мақоллар, идеомалар ва фразеологик ибораларнинг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Ҳар бир халқнинг оғзаки ижоди қадимдан яшаб ва ривожланиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Ҳар бир даврнинг ўзига хос мақоллари бор ва улар ҳаётнинг барча муаммоларини ҳаёт тарзини, урф-одатларини, орзу ва умидларини, ғалаба ва мағлубиятларини ифодалайди. Мақолларнинг яратилишида халқ билан биргаликда шоир ва ёзувчиларнинг ҳам ўрни муҳим роль ўйнайди.

Ҳар хил мамлакатда яшаб, турли хил тилларда сўзлашувчи халқларда маъно жиҳатдан бир-бирига мос келувчи мақоллар, идеомалар ва фразеологик бирикмалар мавжуд. Уларда ёмонлик ва яхшилик, раҳимдиллик ва жоҳиллик акс этади. Мақол ва ибораларнинг кўпчилигида феъллар буйруқ, илтимос, маслаҳат маъносида ишлатилади.

Фразеологик бирикмалар ва идеомаларни ўз ўрнида қўллаш олиш учун уларнинг маъносини ва стилистик хусусиятини яхши билиш талаб қилинади.

Қуйида немис ва инглиз, ўзбек тилларидаги мақолларни таҳлилини эътиборингизга ҳавола этамиз. Энди хорижий тилларни ўзлаштиришдаги мақолларнинг ўрганиш даражаси бўйича учта гуруҳини кўриб чиқамиз.

Биринчи гуруҳда кўпчилик мақоллар таржима қилинганида учта тилда ҳам сўзма-сўз бир хил таржима қилинади.

-East or West, home is best.

-Das dicke Entekommt noch.

-Ўз уйинг ўлан тўшагинг

-ҳали ҳаммаси олдинда.

-Daheimistes am besten. – Everything comes to him who waits

Иккинчи гуруҳ мақоллар ўзбек тилига таржима қилинганида сўзма-сўз эмас балки, уларнинг маъносига қараб таржима қилинади.

Масалан: **-ҳаводанолибганирмоқ.**

- auf der Luft gegriffen.

-Taken out of thin air.

-Ein Haar in der Suppe finden.

- қилдан қийиқ ахтармоқ, тирноқ орасидан кир қидирмоқ.

Учинчи гуруҳ мақоллар тузилиши жиҳатдан шеърга ўхшайди.

Масалан: **-Ende gut alles gut**

- A good beginning makes good ending.

-Яхши бошланган иш яхши тугайди.

- *Morgen, morgennurnichtheutesagenallefaulenLeute.*

- *дангасанинг эртаси тугамайди.*

Тўртинчи гуруҳдаги мақолларни тузилиши қийин, уларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш қийинчилик туғдиради, бундай мақоллар фразеологизмлар дейилади. Фразаларни ва идеомаларни ўз ўрнида қўллай олиш гапларни чиройли ва таъсирчан чиқишига ёрдам беради. Масалан: - *auf großen Flüße leben.*

- *To live in grand stile.*

- *Егани олдида емагани кетида.*

- *Ehreverloren, allesverloren.*

- *номус ўлимдан қаттиқ.*

- *Geduld bringt Huld.- тоқатлига тоғлар эгар бошини.*

Хулоса қилиб айтганда, ҳамма тиллардаги фразеологик иборалар ва идеомаларни ўрганиш орқали талабаларнинг сўз бойлиги ортиб боради ва тили ўрганилаётган халқнинг урф-одатлари, анъаналари билан танишади. Мақолларнинг маъносини ўрганиш орқали чет тилларини ўрганаётган талабанинг нутқи яхшиланади, фикрини аниқ ва раён баён қила олади.

Шунингдек, талабаларнинг оғзаки нутқини ривожланишига хотирасини кучайтиришга ва дунёқарашини ўсишига ёрдам беради, шу билан бирга тил ўрганувчини маънавий тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИСТОРИКО-МАТЕМАТИЧЕСКОГО МАТЕРИАЛА НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ

*Низамова Низора Негматовна, старший преподаватель,
Самаркандский Государственный Университет*

В годы независимости в результате в результате реформ, осуществляемых в сфере образования, стало возможным формирование всесторонне развитой личности, обладающей прочными знаниями, самостоятельной и свободно мыслящей. Говоря о реформировании системы образования, Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов утверждал, что реформа образования необходима для демократических изменений, создания нового общества и как внутренняя движущая сила и что, не изменив систему образования, невозможно изменить сознание человека, а значит и его образ жизни.

Неразрывная связь и единство задач формирования диалектико-материалистического мировоззрения учащихся, задач всестороннего воспитания, обучения и развития – вот что позволяет дать научное обоснование выводу о желательности, целесообразности и необходимости использования историко-математического материала при изучении современного курса математики. Учитель должен четко определить, какие цели он преследует при использовании элементов историзма в обучении математике. Основными целями являются:

- а) Показать как возникли из практического опыта людей те или иные проблемы, решенные с помощью математики. Проследить многообразные связи математики с практическими потребностями и деятельностью людей.
- б) Установить межпредметные связи между математикой и другими

науками. Подтвердить следующее высказывание – «математика - царица наук».в) Способствовать развитию интереса к математике, более глубокому и прочному усвоению науки, зарождению и формированию методов научного познания, умственному развитию, укреплению принципа сознательности в обучении.г) Формировать у учащихся творческий подход к науке. Кроме этого можно выделить и воспитательные цели: способствовать формированию чувства патриотизма, гордости за свою страну; воспитывать у учащихся пылкий ум, упорство и настойчивость в достижении цели.

Использование исторического материала при обучении математике в школе, позволит: воспитать у учащихся любовь и уважение к талантливым ученым; способствовать формированию уважительного отношения к людям другой национальности, показать коллективный и интернациональный характер математического творчества; доказать, что культурное и научное наследие каждого народа является наследием и сокровищем всех народов мира.

Математики средних веков посвящали свои труды совершенствованию методов счета, открыли десятичные дроби. Ал-Хорезми считается отцом алгебры, ал-Каши – тригонометрии. Современные исследователи истории науки находят все новые и новые математические трактаты, открывают новые имена. Пример жизни великих мыслителей прошлого, ознакомление с их научным вкладом и нравственными убеждениями оказывает сильное влияние на процессы самосовершенствования и самовоспитания школьников. Использование историко-математических сведений повышает интерес школьников к изучению математики. Ознакомление учащихся с историей науки дает импульс их нравственному совершенствованию, воспитание в духе патриотизма и интернационализма.

Только с помощью исторического подхода можно проследить огромный сложный процесс, который прошла математика в своем развитии, как со временем менялись её идеалы и основные направления исследований. Такой подход поможет понять школьникам принцип построения школьного курса математики. Указание на то, что школьная математика не оканчивается знаниями, полученными до 19 века, должно служить стимулом для дальнейшего углубления в математическую науку и овладение современными основами. Беседы о роли отечественных учёных в развитии науки важны не только для воспитания патриотизма, но и для уверенности в собственных творческих возможностях.

Без преувеличения можно сказать, что фундамент уникального и прекрасного здания науки, интеллектуального потенциала Узбекистана был заложен много веков назад. Мы вправе с гордостью говорить о том, что отечественная наука восходит к очень древним временам, имеет глубокие и мощные корни. Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов подчеркнул: "Так же как в IX-XV веках просвещенный мир ценил и уважал таких ученых и мыслителей, как ал-Бухари, ал-Фаргони, ал-Хорезми, ал-Беруний, Ибн-Сино, Улугбек, нам необходимо добиться, чтобы в XXI веке мир вновь испытывал столь же высокое уважение к нашему народу, нации. Подобно тому, как это делали и прославились на весь мир новыми современными научными школами".

РИСОВАНИЕ ИНТЕРЬЕРОВ.

*Махмудова Сабохат – ст.302-дизайн, Суюнова .Н.А. – ст.преп.,
Сидикова .М.С. асс. кафедры «Изобразительного искусства»*

Рисование интерьера- внутреннего пространства архитектурного сооружения, предназначенного и подчиненного всецело нуждам и потребностям человека, имеет своей целью развить объемно-пространственное мышление, научить учащихся изображать внутреннее пространство различной сложности , закрепить и углубить знания по практическому применению закономерностей перспективы, расширить композиционные понятия.

Жизнедеятельность человека определяется весь внутренний строй интерьера:

-освещение, декор, цветовое решение, с одной стороны, и внутреннее оборудование - мебель, ее размеры и расстановка с другой .

в интерьере, гармонично построенном и отличающемся бытовым или производственным комфортом, все элементы внутреннего пространства соподчиняются друг с другом и отвечают функциональным потребностям человека, его духовным, эстетическим запросам.

При рисовании интерьеров используются широкий набор изобразительных материалов – карандаш простой и угольный, тушь, перо, акварель, бумага белая и цветная и т.д.

Каким бы сложным по конфигурации не был интерьер, его всегда можно, как правило, привести к известным геометрическим объемам, которые имеют в плане квадрат , прямоугольник ,круг, полукруг и т.д.

Поэтому умение хорошо рисовать геометрические формы в перспективе значительно облегчит рисование интерьеров с натуры . Учащиеся к этому времени должны знать , как строится фронтальная или угловая перспектива.

Основные ее виды применялись ранее при рисовании различных моделей, но при рисовании интерьеров приходится вводить коррективы в перспективное построение в соответствии со зрительным восприятием изображаемого помещения. В этом заключается сложность рисования интерьеров.

Для характеристики интерьера важен вопрос выбора линии горизонта. Линия горизонта в определенной степени раскрывает назначение внутреннего пространства.

В много ярусных помещениях: театре, цехе, спортзале, водном бассейне и т.д., по высоте она может изменяться в больших пределах в зависимости от задач, поставленных перед учащимися. При рисовании интерьера помимо эскиза делаются схематические рисунки плана разрезов изображаемого помещения с пометкой точки зрения, картинной плоскости, точки схода. Такая схема поможет понять и разобраться в построении сложной перспективы и выразить правильно пропорции.

Учебные работы иллюстрируют методический подход к выполнению рисунков.

Логичная композиция листа помогает достаточно полно раскрыть содержание внутреннего пространства, посредством различных средств и приемов передается многообразие архитектурных форм, освещения, строительных материалов, оборудования и т.п.

При рисовании интерьеров, так и архитектуры вообще, используются всевозможные материалы- простая и цветная бумага, различной мягкости карандаши, уголь, кисточки, перо, тушь, гуашь, акварель, масло и т.д.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ РИВОЖИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ БАЪЗИ МУҲИМ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Нишоновна Д.Б. ЎзМУ Иқтисодиёт факультети, талаба

Туризм саноати бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган соҳалардан биридир. Туризм ривожини мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг орттишига олиб келиши билан биргаликда, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадлари ўсишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон бу борада улкан салоҳиятга эга бўлиб, мустақиллик йилларида туризм соҳасининг ривожланишига ҳукумат томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда. Юртимиз қадимий цивилизациянинг марказларидан бири бўлганлиги, ноёб тарихий обидалар, моддий маданий бойликлар ва меъморчиликнинг бетакрор намуналари туризм соҳасининг энг катта имкониятларидан бўлса, мўътадил иқлим, жозибали ва тароватли гўзал табиатимиз ҳамда унинг хилма-хиллиги бу соҳани янада ривожлантирувчи муҳим омиллардандир.

Бутун дунёда туризм ривожини кузатадиган бўлсак, бу соҳа асосан тинч мамлакатларда гуркираб ривожланмоқда. Сиёсий барқарорлик бузилган мамлакатларда эса туристлар оқими кескин камайиб бормоқда. Чунки сайёҳлар тинчлик, хавфсизлик, сиёсий барқарорлик таъминланган юртгагина ташриф буюришни хошлашади. Мамлакат қанчалик хилма-хил туризм хизматларини таклиф қилмасин, у ерда тинчлик ҳукм сурмаса, ҳеч бир сайёҳ ўз жонини хатарга қўйиб бу жойга қадам босолмайди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бу борада қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда сайёҳларнинг оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2015 йилда “Иқтисодиёт ва тинчлик институти” томонидан тайёрланган халқаро баёнотга кўра Ўзбекистон дунёдаги энг тинч мамлакатлар орасида 38-ўринни эгаллади.⁵³ Бу маълумот ҳам ўз навбатида, халқаро сайёҳларнинг янада кўпайишига туртки бўлади.

Туризм дам олишнинг кенг тарқалган турига айланиб бормоқда. Айниқса, ўрта синф вакиллари кейинги йилларда, туризм хизматларидан кўпроқ фойдаланишаётганини кузатиш мумкин. Қайси мамлакатнинг ўрта синф қатлами қанча кўп бўлса, унинг сайёҳлик салоҳияти ҳам шунчалик юқори бўлади. Бунга ўрта синф вакиллариининг ҳаракатчанлиги ва

⁵³ www.uzbektourism.uz

тадбиркорлиги, янгиликларга интилиб яшаши сабаб бўлади. Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг илк йиллариданоқ ўрта синфни шакллантириш устувор мақсад қилиб қўйилди. Бугунги кунда шаклланган ўрта синф имкониятларидан унумли фойдаланиш, аҳолини туризм соҳасига кўпроқ жалб этиш ва бунинг натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги икки фоизлик ҳиссасини янада орттириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Шунингдек, туризм инфратузилмасининг яратилганлиги ва қулайлиги, сайёҳлар учун яратилган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги туризм соҳасининг яна бир муҳим жиҳатларидандир. Туризм инфратузилмаси жуда кўп хизматларни ўз ичига олади: транспорт-логистика, алоқа, меҳмонхона-овқатланиш хизматлари, мамлакатга, худудга кириш-чиқиш билан боғлиқ бўлган хизматлар ҳам шулар жумласидандир. Улар қанчалик тез, содда ва сифатли йўлга қўйилган бўлса, шунингдек, халқаро сифат даражаларига жавоб берса мамлакатнинг туристик жозибадорлиги шунчалик ортади. Биргина мисол, Испаниянинг “Талго” компаниясида ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланадиган “Афросиёб” поездининг “Тошкент-Самарқанд-Тошкент” йўналиши бўйлаб ҳар кунги қатнови йўлга қўйилгандан буён йўловчи ташиш ҳажми ошиб, чет эллик сайёҳлар сони сезиларли даражада кўпайди. Инфратузилмада яратиладиган қулайликлар сайёҳлар оқимиغا бошқа омилларга қараганда тезроқ ва самаралироқ таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, туризм соҳасида хизмат қилувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи ҳам туризм ривожига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, 11 та касб ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.⁵⁴ Етишиб чиқаётган кадрларнинг худудлар бўйича тақсимотига алоҳида эътибор бериш лозим. Юртимизнинг айрим худудларида малакали кадрларнинг тақчиллиги кузатилаётган бир пайтда бошқа худудларда кадрлар бу соҳада иш тополмай, бошқа соҳада фаолият олиб боришларига тўғри келмоқда. Бундай шароитда худудларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ҳақида аҳолига керакли маълумотларни етказишнинг тезкор ва жозибадор йўллари амалиётга жорий этиш лозим.

Туризм соҳасида эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар бир ҳолат, шарт-шароит сайёҳнинг кайфиятига, мамлакат ҳақидаги таассуротига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли бу соҳанинг ривожланишида амалга ошириладиган чора-тадбирлар сайёҳларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда ва узлуксиз тарзда олиб борилиши зарур. Ўзбекистон бу соҳада жуда улкан салоҳиятга эга, айниқса халқимизнинг меҳмондўстлиги, тинчликсеварлиги, миллатлараро тотув ҳаёт кечираётганлари ҳам сайёҳларда юртимиз ҳақида илиқ таассурот қолдиради. Зеро, муҳтарам Президентимиз айтганларидек, сайёҳнинг кайфияти мамлакатнинг асосий бренди, товар белгиси бўлиши керак.

⁵⁴ www.uzbektourism.uz

ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Д.Нормаматова-Гулистон давлат университети

Синтактик семантикада турли хилда ифодаланиб келувчи воситалардан бири сўроқ олмошлари бўлиб, улар олмошлар гуруҳи ичида ўз лексемалари ва хусусиятларига эгадир. Сўроқ олмошлари ўзида жуда кенг маънони ташкил этиб: нисбийлик, кўрсатиш, ноаниқ, инкор ва жамловчи маъноларни касб этади ва уларнинг ҳар бири бошқа вариантлардаги синтаксемлар билан алоқага киришиш учун маълум бир лексемаларни талаб этади. Умуман олганда барча сўроқ олмошларининг синтактик семантикада маъно ва турларига кўра, белгиларига кўра қўлланилишини интернационал терминологияда **интерогативлар** деб атаймиз. Интерогатив олмошлар яъни *who, whom, what, why, which, whose* олмошлари синтактик семантикада бири-биридан фарқ қилиб ифодаланишига кўра субстанциал(отлашган) ёки квалификатив синтаксемлар бўлиб келади ва баъзан бошқа бир томондан нокатегориал белгиларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ушбу синтаксемлардан аввало субстанциал (отлашган) интерогатив олмошларни ифодаловчи *who, what, whom, which* олмошларига тўхталиб ўтамиз ва қуйидаги мисолларни келтирамиз: *Who is speaking? Who of us can still remember his name? Who are ready to follow me? Whom did you see? Of whom are you speaking? Whom do you want? What are you talking about? What is it made of? What is his name? What is he? What do you take for me? Which will you take milk or ice-cream? Which of you did that? Which of the two is better? Which of the members were present? Which would you like best?* каби мисоллар субстанциал интерогатив синтаксемалар орасида энг хилма хиллика эга бўлган синтаксемлар бўлиб, гапда хабарни, ҳолатни, сифатни, тенгликни ёхуд гапни тўлдиришни билдириш каби ўз функцияларига эга.

Интерогатив агентив синтаксема бошқа гапларга кўчганда маъносини ва ўз позитциясини йўқотмайди. Бундай вақтда фақатгина лексемалар ўзгариши мумкин. Мисол: *Who is speaking? ___ Is John speaking? Whom did you see? ___ Did you see my friend? What are you talking about? ___ Are you talking about the event? Etc.* Шаклни ўзгартирган гаплар яъни умумий сўроқ гаплар (махсус сўроқ гаплардан фарқ қилган ҳолда) мос келувчи агентив ёки тўлдирувчили (қаратқичли) синтаксемаларни ўзида ифода этибгина қолмай субстанциаллик категорияларни бошқа олмошлар ёки элементлар билан боғлаш хусусиятига эгадир. Бундай трансформацион - эксперимент(ўзгартириш тажрибаси) орқали тадқиқотчи интерогатив синтаксемда мавжуд бўлган белгиларни аниқлаб олиши осонлашади.

Интерогатив синтаксемларни қўллашда ҳам бироз чегараланиш ҳолати мавжуд бўлиб бу ҳолатни ушбу мисолларда кўрамиз: *Who of us can still remember his name? Which of the two is better?* (қайси биримиз унинг исмини ҳали ҳам эслаймиз? Иккаласидан қайси бири яхшироқ?) берилган бу мисолдаги of предлогини гапда чегаралаш билан субстанциал интерогатив синтаксемдан от билан ифодаланган синтаксемларни бир биридан фарқлаб олишимиз мумкин *қиёсланг: Who can still remember his name?* Ким ҳали ҳам унинг исмини эслай олади? *Can John still remember his name?* Жон ҳали ҳам унинг исмини эслай оладими? *Which is better? Қайси яхшироқ? Is this book is*

better? Мана бу китоб яхшироқми? Ва ҳ.к. Кўрсатилган чегаралаш трансформациясидаги субстанциал интрогативлик таркибида аддетивлик (ўхшашлик, мослик) синтаксемаларини ҳам пайдо қилиш мумкин ва бу ҳолат эса –*else* юкламаси орқали амалга оширилади Who else could be? Who else is coming? What else could I do but this? Бу тафовут субстанциал интрогативда от билан бевосита боғланиб отнинг белгиси эканлигини кўрсатади. Of предлоги ва else юкламаси нисбий субстанциал интрогатив who, whom, what, which, that синтаксемалари билан доимо сўроқ гапларда актив иштирок этади.

Тилда ҳар бир субстанциал(отлашган) интрогативликнинг турли хил вариантлари мавжуд бўлиб улар бир – бири билан турли муносабатга кўра боғланади шу муносабатга кўра интрогатив объектли ёки воситали тўлдирувчи синтаксемларда баъзан препозатив яъни предлогли боғланиш юзага келиши мумкин: Of whom __ Whom ... Of, of whom are you speaking? __ Whom are you speaking of? About what __ what about. About what are you talking? __ What are you talking about? Of what __ what Of. Of what is it made? __ what is made of? For what __ what for. For what do you take me? __ what do you take me for. Ва ҳ.к. Юқорида биз бир бирига мос келувчи ва тўлдириб турувчи субстанциал нисбий синтаксемаларни кўрсатиб ўтдик. Бундай ҳолат кўпроқ оғзаки нутқда ишлатилиб туради. Бундан ташқари оғзаки нутқда баъзан whom олмоши ўрнида who олмоши ишлатила туриб кенг маънода препозативлик маъносини ҳам ўз ичига олади: Who do you want? Who were you talking to? Гап who ёки whom олмошлари ҳақида борганида албатта билвосита What ёки which олмошларининг ҳам бир бири билан маъно жиҳатидан ўзгара оладиган коннотатив (маъно англатадиган) вариантлари билан танишиб чиқиб, уларнинг предметларга нисбатан нисбий маъно англатишдаги фарқларини билиб олишимиз мумкин ва уларнинг квалификатив (сифат) категориясини мисоллар орқали кузатиб чиқамиз. What papers do you read? What manner of man is he? What good is it?

Which book did you choose? Which boy won the prize? Which is the right road? I'm going with the girls __ which girls? Яна бир мисол what олмошининг квалификатив бирликдан ташқари яна квантатив (миқдор) эга эканлигини оғзаки ва ёзма нутқда учратамиз. What time is it? Шундай экан, what олмошининг квантатив синтаксеми how much билан парадигматик эквивалентликка тенг ҳисобланади: How much time did it take you?

Юқоридаги дастлабки маълумотлар интрогатив ва субстанциал синтаксемларни батафсил ўрганиб чиқишни ва уларни тўғри талқин қилган ҳолда алоҳида иш(илмий) ва кенг мулоҳаза юритишни таъкидлайди.

«ОБ ИСПОЛЬЗОВАНИИ НОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ»

Шайдулина А. А. канд. пед. наук, доцент;

Маматова Б. Н. старший преподаватель академического лицея при ФерГУ

Основные задачи современного образования подчиняются определённым целям-воспитанию творческой, активной личности, умеющей и любящей учиться, совершенствоваться самостоятельно, т.е. обучаемые

готовятся как самостоятельные субъекты образовательной деятельности. Решению этих задач призваны способствовать новые педагогические технологии, применение которые особо актуально при обучении неродному, в частности, русскому языку. Интерактивные педтехнологии облегчают работу педагога, заинтересовывают учащихся, делают обучение русскому языку увлекательным и эффективным. Использование интерактивных приёмов и методов при обучении русскому языку – один из наиболее эффективных путей развития навыков коммуникации, общения.

Чтобы общаться на русском языке, нужно обязательно ГОВОРИТЬ на нём. Но так как за пределами аудитории лицеистам это трудно осуществить, то очень важно построить занятие так, чтобы для активного говорения хватило место и на занятии. Для этого прежде всего нужно создать мотивацию, направить её на реализацию изученных или изучаемых грамматических форм и активизировать их. Думается, что оптимальным средством для этого является развивающая игра, в частности – ролевые игры, игры выводящие в речь.

Реализация ролевой игры возможны при заинтересованном отношении обучаемых к предмету, поэтому на занятиях по русскому языку применяем игровые приёмы, позволяющие активизировать познавательную деятельность. В этих целях на занятиях можно использовать необычные, запоминающиеся формы подачи материала; новые методы и приёмы обучения, способствующие развитию мышления и творческих способностей лицеистов, развитию их самостоятельности.

Например, «Круглый стол». Эта ролевая игра рассчитана на работу в подгруппах. В центр стола кладётся лист бумаги, у каждого ученика – карандаш определённого цвета (чтобы видеть: кто и что написал). Каждый член группы пишет на листе то, что он знает по данной теме, затем передаёт лист следующему. Каждый, не повторяя написанное, дополняет лист своей информацией. Лист возвращается к тому, кто начал писать. Он и готовит презентацию. Этот приём позволяет развивать новые работы в группе, мобилизовать имеющиеся занятия по конкретной теме.

Так же можно использовать такой прим, как «Коллаж»: на листе ватмана сверху записывается тема, а на всё свободное поле ватмана прикрепляются работы лицеистов. Это могут быть рисунки и кроссворды, карты, высказывания великих людей, рефераты, фото и т.д. – всё то, что ребята могут приготовить дома по теме занятия.

Приём «Интервью в парах»: учащиеся за 5-10 минут должен рассказать друг другу правила, стихотворения, текст песни, любую другую информацию (пересказ текста, рассказа) и оценить качество ответа. За короткое время даётся возможность высказаться каждому ученику, приучая его и рабочей обстановке. Более подготовленный, сильный ученик может задавать уточняющие, наводящие вопросы, помогая более слабому.

Особое место в обучении неродным языкам отводится компьютерным технологиям. Понятие «Мультимедиа» обозначает совокупность компьютерных технологий, одновременно использующих несколько информационных средств: графику, текст, видео, фотографию, анимацию, звуковое сопровождение. Медиаурок имеет широкие методические

возможности и преимущества по сравнению с традиционным уроком, который пока не изжил себя. Традиционные методы обучения по-прежнему важны и нужны, они вооружают учащихся знаниями, т.е. способствуют решению главной образовательной задачи.

Современные педагогические технологии позволяют учителю находить новое в преподавании своего предмета, повышать интерес учащихся к нему, расширять горизонты познания, усиливать эффект подачи нового материала. К нетрадиционным урокам относят: 1) уроки-конкурсы, турниры, эстафеты, лингвистический бой, дуэль, КВН, викторины; 2) уроки-аукционы, пресс-конференции, бенефисы, митинги, регламентированные дискуссии, панорамы, телемост, «живая газета», устный журнал; 3) урок-сказка, урок-сюрприз; 4) урок-утренник, урок-спектакль, урок-концерт, урок-инсценировка, урок-диспут, «клуб знатоков»; 5) интегрированные уроки.

Нетрадиционные уроки позволяют ставить проблемы и создавать проблемные ситуации, решать задачи дифференцированного обучения, активизируют познавательный интерес, развивают языковую наблюдательность, способствуют развитию критического мышления.

ОБУЧЕНИЯ КОММУНИКАТИВНАЯ ЛИНГВИСТИКА

Тожибоева Шохсанам Расулбековна. Преподаватель.. Гулду.

Гаимназарова Мухайё Курбановна. студентка 1 курса. 32-15

Основной задачей коммуникативной лингвистики является формирование коммуникативной компетенции. Многие исследователи в области методики преподавания иностранным языкам пытались перейти от лингвистики, которая занимается структурным анализом фраз, коммуникативной лингвистике речи, изучающей речевое общение. т. е. вопросы коммуникации на иностранным языке.

Первое нужно, чтобы методист знал, как и чему учить, а лингвист не замыкался в своей работе на практике. Иначе говоря, исходя, из современной теории речевой деятельности мы различаем следующую фазы: подготовительную, программирующую и фазу реализации. Фаза реализации - урочная фаза – разработана хорошо, а до урочная – недостаточно. Что касается определения содержания обучения, т.е. отбора учебного материала, то он разработан хорошо, но только в области теории, на практике же ничего этого нет. Вместе с тем «Современная» области лингвистики может решить эту проблему.

Второе. Расположение учебного материала. Здесь тоже много неясного: с чего начать, к чему переходить, т.е. какая должна быть упорядоченность по годам обучения? Эту задачу помогает развивающаяся сейчас новая область лингвистики.

Методическим содержанием современного урока иностранного языка должно быть коммуникативность. В чем заключается необходимость этого? Прежде всего, в том, что со временем все отчетливее стало ощущаться несоответствие между традиционно используемыми приёмами обучения и новой целью.

Следовательно, если мы хотим научить человека общаться на иностранным языке, то учить этому нужно в условиях общения. Это значит, что обучение должно быть организовано так, чтобы оно было подобно процессу общения (коммуникации). Только в этом случае будет возможен перенос сформированных навыков и умений: учащийся сможет действовать в реальных условиях.

Коммуникативность означает подобие процесса обучения и процесса общения лишь по основным признакам, которые представляют собой целенаправленный и мотивированный характер речевой деятельности, наличие определенных взаимоотношений между собеседниками, образующими ситуацию общения, обсуждение тех тем, которые соответствуют возрасту и интересам учащихся, их уровню развития, использование тех речевых средств, которые функционируют в реальном процессе.

Учащихся должны уметь разговаривать, уметь общаться. Проблема это вдвойне сложна ещё и потому, что мы не учим нашего школьника общаться и на родном языке. Мы бросаем его в море общения, выплывешь – выплывай. Вся система обучения в средней школе в очень большой степени порождает или может породить комплекс неполноценности. На учащихся часто кричат, обзывают их глупыми, они не справляются с трудными заданиями, у них появляется безразличие. И когда такой ученик, который изучал, например, немецкий язык, вступает в общение с немцем, у которого нет таких комплексов, но присутствует чёткая, прагматическая ориентация, складывается впечатление о коммуникативном превосходстве последнего. Приведём примеры коммуникативных упражнений, которые можно использовать на уроках в 5-6 классах. Ситуация под названием “Помогите навести порядок в классе применяется при тренировке учащихся в употреблении в речи просьб. До урока учитель создаёт некоторый беспорядок в классе, который ученики устраняют. В начале урока учитель обращается к классу”.

”Das Zimmer ist nicht fertig zur Stunde” Schauen sie die Lappen nicht auf dem Tisch. Auf dem Fußboden liegen die Stücke der Kreide. Die Tafel ist nicht sauber. der Kuli von Madina liegt unter der Schulbank.

Далее идёт управляемый разговор в режиме L-K-SCH

L: Kinder, fragen Sie Hamit aufzustehen.

K: Hamit, stehen Sie bitte auf

Ученица выполняет действие. Работа по данному образцу продолжается. В результате выполненных действий в классе наведен порядок. Учитель благодарит ребят за помощь и начинает урок. Ситуация “Помогите кому расставить мебель” вызывает у ребят интерес и помогает практиковать учащихся в употреблении предлогов. Учитель показывает ребятам игрушечного кота и его новую пустую квартиру и говорит: *Das ist eine Katze und sie hat ein Haus. Helfen Sie der Katze, bitte. Bringen Sie ihres Bett, Sessel und den Tisch in Ordnung!*

С этими словами учитель раздает ученикам игрушечную мебель, и они приходят к коту (слова кота произносит учитель):

Katze : Guten Morgen, Kinder. Kinder: Guten Morgen, Katze.

Katze: es freut mich, Sie zu sehen, helfen Sie mir bitte. Stellen Sie das Sessel nach rechts! Die Schüler (ученик выполняет просьбу кота сообщает о ее выполнении): *Der Sessel steht von rechter Seite des Zimmers.* Далее кот обращается к ребятам с другим просьбами: *Stellen Sie das Bett nach links. Die Garderobe legen Sie neben das Bett. Den Buffet stellen Sie das Sessel.* В результате мебель расставлена, и кот благодарит ребят за помощь: *Katze: danke schön, Kinder.*

Kinder: *bitte, mit Vergnügen. Katze.*

Ученик садятся на свои места, а учитель говорит: *“Die Katze ist zufrieden. Ihres Zimmer ist sehr gemütlich, aber in ihrem Haus hat eine Maus”* (учитель показывает игрушечную мышку и прячет ее за диван). *Schau mal, die Maus ist hinter dem Sessel. (кот бежит и останавливается перед диваном). Die Katze ist dem Sessel gegenüber. Jetzt die Maus ist hinter dem Buffet. Und die Katze ist jetzt dem Buffet gegenüber. usw. Мышка прячется от кота, а кот старается её поймать. Ученики произносят предложения хором за учителем с целью фонетической отработки фраз, а затем отвечают на вопросы: “ wo ist die Maus? Und wo ist die Katze?”* Когда учащиеся научились хорошо отвечать на вопросы, учитель говорит: *“Die kleine Maus, die Tür ist geöffnet. Geh fort!”* и мышка убегает.

Таким образом, основными приёмами усиления коммуникативной направленности, иностранному языку являются: логичное построение урока, использование ситуаций общения, в которых может функционировать изучаемый языковой материал, постановка коммуникативной задачи перед отдельным учеником или группой учащихся, а также перед всем.

ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОММАВИЙ-МУСИҚИЙ ТАДБИРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Одилов Аскарали Исмоилович катта ўқитувчи, СамДУ

Одилова Азиза Аскаралиевна ўқитувчи

Самарқанд шаҳар 3- сон болалар мусиқа ва санъат мактаби

Республикамизда таълим ислоҳатлари босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган ҳозирги даврда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан ва ислохотнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда, касб-хунарга йўналтириш соҳасида мавжуд бўлган илмий хулосалар ва тавсиялар ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, хусусан улкан уммон бўлган касблар олами билан таништириш усулларини янгилаш зарурати юзага келмоқда. Зеро, умумтаълим муассасалари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, уларнинг касб-хунарни онгли равишда ва тўғри танлашига кўмаклашиш масаласи таълим соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Инсон ҳаётида, унинг улғайиши ва шахс сифатида шаклланиб боришида мусиқий тарбиянинг роли бинихоят катта бўлиб, у инсон туғилгандан, яъни, гўдаклик даврида айтиладиган она алласидан то умрининг охиригача кунларигача инсон билан ёнма-ён, шодлигу-хурсандчилик, қайғу-ғам, осойишта дамларини ҳам инсон мусиқа билан баҳам кўради, у билан дардлашади, сирлашади.

Таълим тизимида ҳам муסיқий таълимни ушбу тизимни энг қуйи поғонаси бўлган мактабгача тарбия муассасалари фаолиятдан бошлаб кучайтирмоқ, бу йўлда учраётган тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилмоқ керак. Чунки, биз ҳам фарзандларимизнинг келажакда жаҳолатдан йироқ, маърифатли, фозил ва комил инсонлар бўлиб етилишини истаймиз. Шунинг учун уларни болаликдан муסיқасевар, адабиёт ва санъатнинг барча жабҳаларига ихлосманд, кенг фикр, ахлоқ-одобли, меҳр-оқибатли, бадиий-эстетик дунёқараши юксак қилиб тарбиялашимиз ва шу ишни болалар боғчаларидан бошламоғимиз лозим.

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган оммавий-муסיқий тадбирларнинг бола шахси шаклланишидаги роли муסיқа маданияти машғулотларидан асло кам эмас. Чунки, ушбу муассасаларда олиб бориладиган тадбирларда муассаса педагог-ходимларининг ҳамда тарбияланувчиларнинг барчаси қатнашади. Бу эса болаларни жамоат жойларида ўзини яхши тутиш ва ўзининг яхши сифатларини кўрсатишга ўргатади. Бундай тадбирларнинг энг асосийси байрам эрталиклари бўлиб, у узок тайёргарлик ҳамда ташкилотчилик, пухта билим ва маҳорат талаб қилувчи тарбиявий аҳамиятга эга. Бу муассасаларда эрталиклар асосан мустақиллик куни (1-сентябр), янги йил, ватан ҳимоячилари куни (14-январ), хотин-қизлар куни (8-март), наврўз умумхалқ байрами (21-март), хотира куни (9-май) ва боғча билан хайрлашиш куни (1-июн болалар куни) га бағишлаб ўтказилади.

Болалар муассасаларида ўтказиладиган муסיқий тадбирлар ичида эрталиклардан ташқари туғилган кун, ота-оналар билан учрашув, викторина-корнавал, муסיқий сайрлар ўтказилиши мумкин. Бундай тадбирлар қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар болалар эмоционал ҳис-туйғуларини, ахлоқ сифатларини ақлий ва жисмоний камолотини яхшилашни амалга оширади ва бундай тадбирларда муסיқа асосий ролни ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий муסיқий тадбирлар орқали бўлажак баркамол авлодларимизни бадиий-эстетик тарбиялаш таълим муассасаларида фаолият юритаётган муסיқа ўқитувчилари мактабгача, мактабдан ташқари муассаса раҳбарлари, тарбиячиларининг муқаддас бурчларидан биридир.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

*Гулистон давлат университети “Филология” факультети
“Инглиз тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси
Қўзиев Шавкат Абдумуротович*

Тарихий манбаалар шундан далолат берадики Ўзбек миллати ўзининг бой маданияти ва маънавияти ҳамда юксак иқтидори ва истеъдоди билан бошқа миллат вакилларига ибрат бўла олган ва уларни ҳурматиغا сазовор бўлган. Буюк аллома Абу Наср Фаробийнинг 60 дан зиёд тилларни мукамал билиши ва уларда эркин мулоқот қила олиши юқоридаги фикримизнинг яққол далили бўла олса, бобокалонимиз ҳазрати Алишер Навоийнинг адабий мерослари ҳақида сўзлаганда биз қўллайдиган қалам-

нинг нечоғлик ўтмас эканлигига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Тил борасидаги ютуқларимизнинг дебочаси шу бўлса бошқа соҳадаги муваффақиятларимизнинг чеки-чегараси йўқ. Нафақат тарихимиз балки ҳозирги кунимизда ҳам шу каби буюк сиймоларга муносиб ворис бўлаётган ёшларимиз талайгина. Бироқ улар орасида ҳам изланишга кўз учида қарайдиган, қимматли вақтини беҳуда сарфлаётган ёшларимиз ҳам йўқ эмас.

Бир томондан олиб қараганда бугунги глобаллашув жараёнида бу ҳолат табиийдек туюлади. Ёшларимизнинг муҳитга мослашишга бўлган мойиллиги диққатнинг бузулишига сабаб бўлиши мумкин. Шунини айтиб ўтиш жоизки муҳит деганда биз фақатгина табиий шароитни эмас балки, ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган оммавий ахборот воситаларини ҳам назарда тутамиз. Зеро ҳозирги кун кишиси ўз ҳаётини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиши даргумон. Чунки бундай жамиятда ҳар бир фуқаро ахборотга эҳтиёж сезади, у орқали онгида маълум ўзгаришлар содир бўлаётганини ҳис этади.

Биз ёшларга қўшилиб устозларимиз ҳам тараққиёт меваси бўлган оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини ўзлаштириб келишмоқда. Улар учун бу иш бир мунча мураккаблигига қарамай ёшлар кўмагида бўлса ҳам бу ишни уддасидан чиқаётганликларига хайратланасан. Уларнинг истеъдоди ва маҳоратларини кўриб ҳар қандай ёш рухланиши ва мақсад сари дадил қадам ташлаши табиий. Ўйлайманки бундай шахсларни тарихимизнинг улуғ фарзандларига муносиб ворислар ва келажагимиз пойдеворлари десак муболаға бўлмайди. Чунки ҳар бир киши олган билимини ким биландир баҳам кўради ёки ўргатади ва шу орқали мустаҳкамлашга сазовор бўлади. Демак оммавий ахборот воситаларининг тараққиётимизга таъсирини шу тарзда тасвирласак мақсадга мувофиқ бўларди.

Ахборот ҳамиша янгиланиб боради, бугунимиз эртага тарихга айланиши, эртага келажагимиз сари қўйиладиган дастлабки қадам бўлишини ахборот орқали англаб етамиз. Умуман олганда оммавий ахборот воситаларининг кўзга кўринган хусусиятларидан бири бу бизни замон билан ҳамнафас бўлишимизга ундашидадир.

Бу жараён юртбошимизнинг *“Тарихий хотирасиз келажак йўқ”* асаридаги *“ҳар қандай тарихни ўрганиш аслида ҳозирги кун ва келажак учун аҳамиятлидир”* деган фикрларининг амалдаги ифодасидир.

ODDIY MEKANIZMLARNI QO'LLANILISHINING TARIXIY MANBALARI

E.A. Qudratov, B.T. Bisenova - NavDPI, “Fizika va astronomiya o'qitish metodikasi” kafedrasida katta o'qituvchilari.

Fizika fanini o'rganishda fanning tarixini ham parallel ravishda o'rganib borishni taqozo etadi. Bu esa o'quv jarayonida quyidagi vazifalarni amalga oshiradi:

- tarixiy faktlarni topish va oydinlashtirish;
- tarixiy faktlarni tahlil qilish, uning mohiyatini ochish;
- fizikaviy umumiy qonunlarni o'zaro bog'liqligini ochish.

Fizika tarixini bilish uchun asosan shu qonunlarning ochilishini, asl nusxasini o'rganish uchun asl ma'nosini o'rganishda amaliyot muhim o'rin egallaydi. Masalan, juda qadim zamonlardan boshlab insonlar mexanik ish bajarishlari uchun turli xil narsalar yoki moslamalar - *oddiy mexanizmlardan* foydalanib kelganlar.

Oddiy mexanizmlar turli xil bo'ladi: *richag, blok, chig'ipiq, qiya tekislik*. Biroq ularning hammasi kuchni o'zgartirish uchun xizmat qiladi.

Richag va boshqa oddiy mexanizmlar nazariyasi Arximed tomonidan aytib o'tilgan. Richag yordamida kuchdan juda katta yutish mumkinligi haqidagi fikrni Arximed quyidagi so'zlar bilan ifoda etgan: «Menga tayanch nuqtani topib bering, men Yerni harakatga keltiraman».

Arximedning richag haqidagi postulatları:


Og'irliklari bir xil bo'lgan va bir xil uzoqlikda (tayanch nuqtasidan) turgan jismlar muvozanatda bo'ladi, og'irliklari bir xil bo'lib, tayanch nuqtasidan har xil uzoqlikda bo'lgan jismlar muvozanatda bo'lmaydi, tayanch nuqtasidan uzoqda turgan jism bosib ketadi.

Agar ikki jism ma'lum masofada bir-birini muvozanatlasa va agar bu ikki jismdan biriga biror qo'shimcha yuk qo'yilsa, u holda bu jismlar bir-birini muvozanatlamaydi, biroq qo'shimcha yuk quyilgan jism tomon og'adi.

Agar xuddi shu tarzda muvozanatlangan ikki jismning biridan biror miqdorda yuk olinsa, u holda jismlar muvozanatda bo'lmaydi, biroq yuk olinmagan jism tomon og'adi.

Mo'jizalar qanday qilinadi?

Qadimgi grek mexanigi Geron Aleksandriyskiy oqilona ishlangan qurilmaning bayonini yozib qoldirgan. Undan Misr kohinlari xalqni aldab, ularni mo'jizalarga ishonitirish uchun foydalanganlar.



1-rasm. Qurbongoh ibodatxonasining ko'rinishi

1-rasmda metallardan yasalgan ichi bo'sh qurbongohni (unda olov yonadi) ko'rasiz, uning ostida yerto'la bo'lib, unda ibodatxona eshiklarini ochib-yopadigan mexanizm joylashgan. Qurbongoh ibodatxonaning tashqarisiga qurilgan. Bu joyga o't yoqilganda uning ichidagi havo isib, pastga yashirilgan idishdagi suvga kuchli bosim ko'rsata boshlaydi, idishdagi suv esa trubka orqali chelakka quyiladi, chelak og'irlik ta'sirida pastga tushadi va eshikni aylantiradigan mexanizmni harakatga keltiradi.

Erto'laga yashirilgan mexanizmni xayoliga ham keltirmagan, hayron qolgan tomoshabinlar ko'z oldida «mo'jiza» namoyon bo'ladi: qurbongohda o't lovullab yonishi bilanoq «kohinning o'qigan duosi» bilan ibodatxona eshiklari go'yo o'z-o'zidan ochilib ketadi...

Rasmda ibodatxona eshiklarini harakatga keltiruvchi blok va richaglar yaxshi ko'rinib turibdi.

Gul mexanikasi

Mavrak (zig'irak) gulidagi «richag mexanizmi» hashoratlarga gul changini «ortishda» qanday ishlashini ko'rib chiqaylik. Gul o'simlikda gorizontol holda joylashadi. Uning pastki labi (mavrak labguldoshlar oilasiga mansub) tukli arilarning qo'nishi uchun juda qulay maydoncha vazifasini o'taydi (2,a-rasm). Bu yerdan hashorat gul ichiga, ya'ni uning nektariga tomon yo'l oladi. Biroq uning yo'lida «shlagbaum» turadi: kirishda yon tomonlarda gulda ikkita changchi (otalik guli) joylashgan bo'ladi. Ular gulga shu tarzda yopishganki, ulardan har birining qisqa va qattiq quyi qismi richagning bir yelkasi vazifasini, yuqori, uzun changdon tebranadigan qismi esa richagning boshqa yelkasi vazifasini o'taydi. Ari gul ichiga kirishga harakat qilib, quyi yelkani bosadi. Bunda yuqoridagi richag pastga tushadi va changdon gul changini hashoratning ustiga surkaydi (2,b-rasm).



2-rasm. Hashoratlarni gulchanglar bilan “yuklaydigan” mavrak gulidagi “richag mexanizmi”

Ari boshqa gulga borib qo'nganida va nektar turadigan joyga borishida gulning pastga tushgan onalik gullariga tegib o'tadi, bunda onalik guli hashoratning ustini «artib» gul changlarni olib qoladi, gullarning changlanishi ana shunday amalga oshadi.

Bu manbalardan ko'rinadiki, har qanday fanning asosiy vazifasi- qonunlar ochishdir, bu qonunlar shu sohani rivojlantiradi. Fan tarixining asosiy vazifasi esa shu qonunlar asosida fanning rivojlanishini boshqarishga qaratilgan.

ISSIQLIK HODISALARI TUSHUNCHALARINI “FSMU”DA LOYIHALASH

E.A.Qudratov, B.T.Bisenova - NavDPI, “Fizika va astronomiya o'qitish metodikasi” kafedrasi katta o'qituvchilari

Ta'limda sifat va samaradorlikka erishish va shu orqali modernizatsiya qilingan ta'lim standartlarini to'liq bajarilishini ta'minlashda “Maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dastur”i ta'lim jarayoniga tatbiq etish asosiy vosita sifatida qabul qilingan. Maktablarni yangi jihozlar, asbob-uskunalar, takomillashtirilgan dasturlar, modernizatsiya qilingan, tajriba-sinovdan o'tgan standartlar, darsliklarni yangi avlodi bilan (ijara tariqasida) ta'minlash, kompyuterlashtirish Davlat umummilliy dasturi asosida izchil amalga oshirilmogda.

Munozarali masalalarni hal etishda, bahs - munozaralar o'tkazishda yoki o'quv-seminar yakunida, yoki o'quv rejasi asosida biror bo'lim oxirida qo'llanilishi mumkin, chunki bu texnologiya tinglovchilarni o'z fikrini himoya qilishga, erkin fikrlash va o'z fikrini boshqalarga o'tkazishga, ochiq holda bahslashishga, shu bilan bir qatorda o'qituvchi o'quvchilarni o'quv jarayonida egallagan bilimlarini tahlil etishga, qay darajada egallaganliklarini baholashga hamda tinglovchilarni bahslashish madaniyatiga o'rgatadigan texnologiya - FSMU texnologiyasidir.

(F) – **Fikringizni** bayon eting

(S) – Fikringiz bayoniga biron **sabab** ko'rsating


(M) – Ko'rsatilgan sababni tushuntiruvchi (isbotlovchi) **misol** keltiring

(U) – Fikringizni **umumlashtiring**

Texnologiya maqsadi: Ushbu texnologiya tinglovchilarga tarqatilgan oddiy qog'ozga o'z fikrlarini aniq va qisqa holatda ifoda etib, tasdiqlovchi dalillar yoki inkor etuvchi fikrlarni bayon etishga yordam beradi.

Ma'lumki, molekulyar fizika termodinamika va statistik fizika bilan uzviy bog'langan. Termodinamika va modda tuzilishining molekulyar kinetik nazariyasi bir xil fizik muammolarni hal etishga yaratilgan.

Issiqlikning molekulyar-kinetik nazariyasi statistik fizikaning asosiy qismini tashkil etadi. Issiqlik hodisalarini o'rganish jarayonida bu ikki metoddan foydalaniladi. O'quvchilarni bu metodlar bilan o'quv darslarida ko'zda tutilgan eng sodda fizik hodisalar misolida tanishtirishda tajribalar, demonstratsion eksperimentlar va hatto AKTlardan foydalanilgan holda tushuntirish mumkin.



Mavzuni nazariy va amaliy jihatdan tushuntirib bo'lgach, fizik tushunchalar ifodalangan tarqatma materiallar o'quvchilarga tarqatiladi. FSMUning mohiyati va ishlash texnologiyasi tushuntiriladi.

Savol	Ichki energiya
(F) Fikringizni bayon eting	Moddaning harakatlanayotgan molekulalarining kinetik energiyasi bilan ularning o'zaro potensial energiyasining yig'indisi
(S) Fikringiz bayoniga sabab	Jismlarning o'zaro ta'siri va harakati natijasida sodir bo'ladi

ko'rsating	
(M) Ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi misol keltiring	Jism yurganda, harakatanganda, ish bajarganda yoki biron jismni yuqoriga otilganda, pastga tushganda va balandlik bilan tezlik bor joyda energiya mavjuddir
(U) Fikringizni umumlashtiring	Jismlar yuqoriga otilganda, potensial va kinetik energiyaga ega bo'ladi, prujinalar ham siqilganda potensial energiyaga ega bo'ladi va ular birgalashib ichki energiyani hosil qiladi

Savol	Solishtirma erish issiqligi
(F) Fikringizni bayon eting	1 kg moddani, o'zgarmas temperatura va o'zgarmas bosimda eritish uchun zarur bo'lgan issiqlik miqdoriga teng kattalikka aytiladi
(S) Fikringiz bayoniga sabab ko'rsating	Qattiq jismning suyuq holatga o'tish jarayoni erish deyiladi. Erish issiqligi qattiq jism massasiga to'g'ri proporsionaldir.
(M) Ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi misol keltiring	Masalan, qattiq jismlar har qanday yuqori temperaturada eriydi, bularga metallardan miss, temir, oltin va yana amorf jismlar ham eriydi, lekin aniq erish haroratiga ega emas.
(U) Fikringizni umumlashtiring	Solishtirma erish issiqligi $Q=r*m$ tengdir. Bundan ko'rinadiki, solishtirma erish issiqligi issiqlik miqdoriga va modda massasiga bog'liqdir.

Savol	Solishtirma bug'lanish issiqligi
(F) Fikringizni bayon eting	O'zgarmas temperatura va o'zgarmas bosimda birlik massadagi suyuqlikni to'la bug'ga aylantirish uchun zarur bo'lgan issiqlik miqdoriga solishtirma bug'lanish issiqligi deyiladi.
(S) Fikringiz bayoniga sabab ko'rsating	Moddaning suyuq holatidan gaz holatiga o'tishiga bug' hosil bo'lishi deyiladi. Bug'lanish jarayoni hamma temperaturalarda ro'y beradi. Modda bilan uni o'rab turgan muhit orasidagi energiya almashinishi mavjud bo'lgan holatdagina ro'y beradi
(M) Ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi dalil keltiring	Masalan, suv qaynatilgandan so'ng undan bug' hosil bo'ladi yoki ovqat pishirilganda ko'pgina suyuqlik qaynatilganda bug'lanish hodisasini ko'rish mumkin.
(U) Fikringizni umumlashtiring	Solishtirma bug'lanish issiqligi $Q=\lambda*m$ teng bo'lib, demak solishtirma bug'lanish issiqligi modda massasiga va undan ajralib chiqayotgan issiqlik miqdoriga tengdir.

Savol	Moddaning solishtirma issiqlik sig'imi
(F) Fikringizni bayon eting	Moddaning massa birligini 1 gradusga qizdirish uchun zarur bo'lgan issiqlik miqdoriga son jihatdan teng bo'lgan

	fizik kattalik solishtirma issiqlik sig'imi deyiladi.
(S) Fikringiz bayoniga sabab ko'rsating	Solishtirma issiqlik sig'imining o'lchov birligi J/kg*K. Bundan ko'rinadiki, solishtirma issiqlik sig'imi modda massasiga haroratga va issiqlik miqdoriga bog'liq ekan.
(M) Ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi misol keltiring	Masalan, oddiy muzning 3 ta agregat holatida solishtirma issiqlik sig'imini aniqlash mumkin. Ya'ni muz suvga aylanganda, suvdan bug'ga aylanganda tajriba yo'llari orqali aniqlangan.
(U) Fikringizni umumlashtiring	Demak, solishtirma issiqlik sig'imi orqali jismlardan ajralib chiqayotgan issiqlik miqdorini aniqlash mumkin va solishtirma issiqlik sig'imi barcha moddalar uchun har xil

Issiqlik hodisalarining fizik xossalarini o'rganishda foydalanilgan interfaol FSMU texnologiyasida:

- O'quvchining faolligi oshadi, ijodkorlikda ishlash ko'nikmalari shakllanadi.

- Ta'lim mazmunini, mavzuni mustaqil o'rganish va o'zlashtirish kundalik shaxsiy ishlariga aylanadi.

- O'quvchi erkin fikr bildirish, o'z fikrini himoya qilish, isbotlay olish, tasdiqlay olishga odatlanadi.

Eng muhimi o'quv jarayonida didaktik motivlar vujudga keladi. Ya'ni o'quvchining ehtiyoji, hohishi, istagi qondiriladi. O'quv-biluv jarayonida o'quvchining manfaatdorligi oshadi, bu holat esa o'quv maqsadlariga erishishda yuqori bosqich hisoblanadi.

Demak, ta'lim-tarbiya sifati va samaradorligi o'quvchining o'quv mazmunini o'zlashtirishga yo'naltirilgan mustaqil ta'lim olish bilan samarali shug'ullanishi, mustaqil fikr yuritishi va tafakkur faoliyati bilan bog'liq bo'lgan ta'limning innovatsion texnologiyalari o'quv jarayoni sifatini oshirishga xizmat qiladi. Jumladan, fizika darslarida ta'lim texnologiyalardan foydalanish o'quvchiga bilimlarni tayyor holda berilmasdan, mustaqil o'rganishni darsliklardan, internetdan, turli boshqa manbalardan izlash, topish, qayta ishlash orqali o'quvchining bilim olish malakasi rivojlanadi. Olgan bilimlari orqali dunyoqarashi shakllanadi va ilmiylikka asoslangan fikrlarni yuritish imkoniyati paydo bo'ladi.

ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ИЖТИМОЙЛАШИШИ ВА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР УЙҒУНЛИГИ

С.Зоҳидова СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси

Илғор педагогик технологиялар «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида олиб борилаётган туб ислохотларни ҳаракатлантирувчи кучлардан биридир. Ижтимоий тараққиёт таълим-тарбия тизимида фан-техника янгиликларини мукамал эгаллаган мутахассисларни талаб қилганидек, таълим ва тарбия жараёнининг такомиллашиб бораётганлиги ҳам педагогик технологияни ҳаётга кенгрок жорий этишни тақозо этмоқда. Ҳозирда таълим методларини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишларидан бири интерфаол

таълим ва тарбия усулларини жорий қилишдан иборат. Бугунги кунда олимларимиз ва илғор педагог-ўқитувчилар замонавий педагогик технологияларни ҳаётга жорий этишга астойдил киришганлар. Бу борада уларнинг педагогик фаолиятларида шаклланган педагогик маҳоратлари қўл келиши табиийдир.

«Педагогик маҳорат» - таълим-тарбия жараёнини доиморивожлантириб, юксак даражага олиб чиқиш санъатидир. Ҳаётда ҳамма ҳам моҳир педагог-тарбиячи бўлиб туғилмайди, педагогик маҳоратга ўқув тарбия жараёнида ўрганиш, билиш, кўникма ва малака орқали эришилади. А.Макаренко: «...биз фақатгина педагогик маҳоратга таяна оламиз, демак, ўқитувчи тарбия жараёнини тўлиқ, аниқ билиши шарт» деб бежиз айтмаган. Педагогик маҳоратга эга ўқитувчилар ҳар қандай вазиятдан чиқа оладилар, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва билимдонлик даражаси самарадорлигига эриша оладилар. Ўқитувчи ўз касбий маҳоратини ошириб боришлари учун қуйидагиларга эътибор беришлари лозим:

- ўқувчиларлар фаолиятини бутун машғулот жараёнида бошқара олиш, яъни режиссёрлик маҳоратига эга бўлиш;

- ўқувчилар фаоллигини ошира олиш, қобилиятини ривожлантириш, уларни эркин фикрлашга, ижодкорликка ундай олиш;

- таълим жараёнида ўқувчиларнинг ахлоқий сифатларини, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий ифтихор, маънавий ҳислатларни тарбиялай олиш;

- фаоллик, қизиқарли мисоллар билан ўқувчиларда шу фанга нисбатан қизиқишларини уйғота олиш;

- нутқий маданиятга эга бўлиш, дунёқарашнинг кенглиги;

- мулоқот психологиясини билиш, ўқувчилар диққатини жалб қилиш, ҳиссиётни бошқара олиш;

- интонация, мимика, пантомимика, ҳаракат, товуш оҳангига эътибор бериш.

Юқори даражадаги умумий касбий маданиятга, мустақил фикрлашга эга, турли ечимларни мустақил ҳал қиладиган баркамол авлодни шакллантиришда педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларнинг машғулотларда замонавий педагогик технологияларни, ноанъанавий усулларни кенгроқ қўллаш олиши таълим-тарбия тизимида катта аҳамият касб этиши амалда ўз исботини топмоқда.

Интерфаол усулларни ўқув жараёнига жорий этишнинг туб мақсади - дарс қайси шаклда бўлмасин, қаерда ўтказилмасин дарсда ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорликда ишлашини ташкил этишдир. Бунда ўқитувчи кўрсатувчи, кузатувчи, хулосаловчи вазифасини бажаради. Кузатишлардан маълумки, интерфаол усулларни қўллашда қуйидаги ҳолатлар яққол кўринади:

- таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг илғор педагогик технологиялардан хабардор эмаслиги;

- ўқувчиларнинг ўқитувчиларда анъанавий таълим ва интерфаол ўқитишдаги афзалликлар ва камчиликларни кўра олмаслик;

- ҳис қилмасдан амалда қўллавериш;

- ўқитиш жараёнида ахборот техника воситаларидан фойдаланишга сезиларли даражада эътибор қаратилмаганлиги;

- ўқувчиларнинг мустақил фикр юритиши ва фаоллик кўрсатишларига етарлича имконият берилмаслиги;

- дарслар анъанавий таълим йўналишида олиб борилаётганлиги;

- дарснинг асосий бошқарувчиси ўқитувчи эканлиги;

- интерфаол дарсларни енгил, ўйинлардан ташкил топган деб қарашнинг мавжудлиги;

- аудиторияда ўқувчилар билан дўстона муносабатларнинг мавжуд эмаслиги.

Бундай ҳолатларга барҳам беришда энг мақбул йўл дарсларни интерфаол усуллар асосида ташкил этишдир. Мазкур жараён моҳиятини методик жиҳатдан асослаш мақсадида ўқитувчилар учун қуйидаги талабларни тавсия қилиш мумкин:

- таълим жараёнида илғор педагогик технологияларнинг мақсади, моҳияти, тараққиёт босқичларини билиш;

- илғор педагогик технологияларни ўқув фани мақсадига мувофиқ танлай олиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

- педагогик тамойилларга тўлақонли амал қилиш баробарида ўз устида тинмай изланишлар олиб бориш;

- интерфаол дарс шаклининг анъанавий дарсдан устунлигини англаш ва ҳар иккала дарс шаклларида ўринли фойдаланиш малакасига эга бўлиш;

- шахс тарбиясида ўқитувчи масъуллигини тўлақонли ҳис этиш;

- ўқувчи шахсий сифатларидаги ўзига хослик муносабатларини яқдил англай олиш ва индивидуал маҳорат орқали ёндашиш малакасига эга бўлиш;

- дарс мақсадига эришиш йўллари билиш, дарс босқичлари таркибий тузилишига тўлиқ таяниш;

- ўқувчилар ижодкорлиги, дунёвий фикрлаши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун дарсда шарт-шароит яратиш, фан ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқлари асосида уларни ҳаётга тайёрлашнинг самарали шакл ва услубиётларини излаш ва амалда қўллаш.

Ноанъанавий машғулотларда кичик гуруҳларни ташкил этиш муҳим ҳисобланади, шунинг учун тажрибадан келиб чиққан ҳолда кичик гуруҳларни ташкил этишда қуйидагиларга эътибор беришни тавсия этамиз:

1. Гуруҳларга аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш;

2. Кичик гуруҳлар учун берилган вазифанинг бажарилишига етарлича вақт ажратиш. Бошқа гуруҳларга нисбатан вазифасини эрта бажарган гуруҳни банд қилишни ўйлаш;

3. Баҳолаш ва мукофотлаш тизими кичик гуруҳлардаги ишларга қандай таъсир этишини ўйлаб кўриш;

4. Муваффақиятли гуруҳий иш учун мукофот тайёрлаш;

5. Жамоа бўлиб ўрганиш вақтидаги шовқинга кўникиш учун ҳозирлик кўриш;

6. Ўқувчиларга мутлақо тайзиқ ўтказмаслик;

7. Барча ўқувчиларнинг дарсга фаол қатнашишларини таъминлаш;

8. Ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлаши ва бунинг қандай натижага эга бўлишларини уларнинг ўзларига тушунтириш;

9. Ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари ва фикрлашларига имконият яратиш.

Педагог таълим тарбия жараёнига қадам қўяр экан, мутахассислиги бўйича ўзлаштирган билимдан қатъий назар, педагогик–психологик билимлар, педагогик технологиялар ва ўқитиш-ўргатиш услублари йиғиндиси бўлган ана шундай зарур педагогик кўникмаларни эгаллаши ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган шу кунги долзарб вазифалардандир.

ТАЪЛИМ БЕРИШДА МАЪРУЗА ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Равшанов Ҳамроқул Амирқулович, кафедра мудири, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Маъруза – олий таълим муассасаларида ўқитишнинг етакчи шакли ҳисобланади. Маъруза (лекция) – латинча “lectio” сўзидан олинган бўлиб, “ўқитиш” (чтение) деган маънони англатади. **Маъруза** - ўқув материалларини, илмий янгиликларни, ахборотларни изчил, маълум бир тизимга солинган ҳолда баён қилишдир.

Маърузалар дастлаб ўрта асрларда Европа мамлакатлари университетларида ўқиш бошланган. Ўқув материални баён қилишнинг бу шакли XVIII асрларга келиб кенг жорий қилинган. XVIII асрнинг ўрталарида Россияда биринчилардан бўлиб М.В.Ломоносов маъруза ўқиган.

Ўрта Осиёда XV асрда Мирзо Улуғбек мадрасаларда маърузалар ўқилганлиги тўғрисида манбалар бор. XV асрда Самарқандда қурилган Улуғбек мадрасасининг очилиш кунда Мавлоно Ҳавофий тўқсон нафар олимга “Очиқ дарс” ўтказиб кўради. Ушбу мадрасага ўн нафар мударрис шу усул билан қабул қилинади. Улар фалакиёт, риёзиёт, хандаса, тиббиёт, тарих, жуғрофия, илми аруз, илоҳиёт каби фанлардан маъруза ўқишган.

Бугунги кунда, маърузали ўқитиш технологиясининг жараёни тузилмаси қуйидагилардан иборат:

I-босқич. Ўқув машғулотига кириш – ўқув машғулотининг мавзусини ифодалаш, мустақил ўқиш учун мавзу, мақсад, вазифа ва маъруза режаси, адабиётларни, ушбу мавзу бўйича калитли тоифалар ва тушунчаларни, ўз-ўзини текшириш учун савол ва топшириқларни маълум қилиш.

II-босқич. Асосий, ахборотли – маъруза машғулоти режасига қатъий риоя қилиш, ўқув машғулотининг технологик харитасига биноан таълим мақсадларини амалга ошириш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг тартибий ҳаракатлари.

III-босқич. Яқуний, натижавий – яқуний хулосалар қилиш, мазкур мавзу бўйича асосий ўқув ахборотига таълим олувчилар эътиборини қаратиш. Ўзаро назорат ва ўзининг фаолияти ҳақида фикр юритишни ташкиллаштириш, бажарилган ишни келгуси касбий фаолияти учун аҳамиятлилиги тўғрисида маълум қилиш.

Маърузанинг турлари ва улар асосида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

❖ **кириш маърузаси** - маърузанинг энг анъанавий тури. *Педагогик вазифаси:* ўқув маълумотини баён қилиш ва тушунтириш;

❖ **умумлаштирувчи қисқа маълумотли маъруза** - курсни ёки унинг битта бўлимини қисқа баён этиш, назорат ҳолатлари негизини, аввалом бор, илмий-тушунчавий ва концептуал асосни етказиш. *Педагогик вазифаси:* илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш. Ички ва фанлараро алоқани ёритиб бериш;

❖ **муаммоли маъруза** - янги билимлар савол, вазифа, вазиятларни муаммолиги орқали амалга оширилади. Бунда талабалар билими ўқитувчи билан ҳамкорликда ва суҳбатда тадқиқотчилик фаолиятига олиб келинади. *Педагогик вазифаси:* янги ўқув маълумотини ёритиб бериш; муаммони аниқлаш, уни ечиш, жамлаш ва анъанавий ва замонавий нуқтаи назарни таҳлил қилишни ташкиллаштириш;

❖ **кўргазмали маъруза** - бундай маърузани олиб борилиши кўрилатган материалларни очиқ ҳолда ва қисқа шарҳлашга олиб келинади. *Педагогик вазифаси:* маълумот мазмунини таълимнинг техникавий воситалари ёки аудио техникалар ёрдамида ёритиб бериш

❖ **бинарли маъруза** - бундай маърузани олиб борилиши икки ўқитувчи, 2 та вакил, олим ва амалиётчилар, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги суҳбатни намоён қилади. *Педагогик вазифаси:* янги ўқув маълумотларини икки томон нуқтаи назарларини таққослаш орқали ёритиб бериш;

❖ **олдиндан кўзланган хатоликли маъруза** - ўқитувчи онгли равишда йўл кўйган мазмунли, методологик хатоларни: талабалар томонидан топишга қаратилган. Маъруза якунида талабаларнинг ташҳиси ва кўйилган хатоликлари таҳлили олиб борилади. *Педагогик вазифаси:* янги материал мазмунини ёритиб бериш; талабаларни таклиф этилаётган маълумотни доимо назорат қилишларига қизиқтириш

❖ **анжуманли маъруза** - ўқитувчи томонидан тайёрланган дастур миқёсида, олдиндан белгиланган муаммо ва маъруза тизими билан илмий-амалий машғулот олиб борилади. *Педагогик вазифаси:* янги ўқув маълумотини излаш ва тизимлаштиришга ҳаракат қилдириш.

❖ **маслаҳатли маъруза** - турли йўл билан ўтказилиши мумкин: “Савол-жавоб”. Ўқитувчи маъруза давомида бутун курс ёки бўлим бўйича талабаларнинг саволларига жавоб беради. “Савол-жавоб-мунозара”. Янги маълумотни нафақат баён этади, балки кўйилган саволларга жавоб излаб топишни ташкиллаштиради. *Педагогик вазифаси:* талабалар билимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, уларни янги маълумотлар билан тўлдириш.

Маъруза – давомли вақт ичида ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги ўқув материални монологик баён қилиш. Маърузада таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкиллаштиришнинг самарадорлик шартлари қўйидагилардан иборат: маърузанинг батафсил режасини тузиш; таълим олувчиларга маърузанинг мақсади, вазифалари ва режасини тақдим этиш; ҳар бир режани ёритгандан сўнг қисқа умумлаштирувчи хулосаларни шакллантириш; маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтганда мантиқий боғлиқликни таъминлаш; ёзиб олиш учун зарур материалларни алоҳида эътироф этиш; семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари билан маърузанинг мослиги.

Фан бўйича маъруза ўқийдиган профессор-ўқитувчи таълим йўналишининг Давлат таълим стандарти, ўқув режаси, фан дастури асосида ишчи дастур ва календар-тематик режа тузади. Фан ва ишчи дастур ҳамда календар-тематик режа бўйича модулли электрон мажмуа тайёрлайди.

Маъруза - мақсади, ўтиладиган материалнинг хажми, хусусияти кабиларни эътиборга олиб лойиҳалаштирилади ва шу асосида ўтказилади. Маъруза ўқишда педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш лозим. Маълумки, бугунги кунда замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг интерактив методлари, графикли органайзерлар, тарқатмали материал, ишчи ва назорат варақалари мавжуд.

Маърузани кўтаринки руҳ билан ўқиш керак. Ҳаётининг мисоллар маърузага жонли мазмун, ҳаёт нафасини бахш этади, унинг аҳамияти бу жиҳатдан бебаҳодир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

СамДАҚИ ўқитувчиси Бекзод Боймуратович Расулов

СамДАҚИ Қурилиш факультети 3- босқич талабаси Ҳабиба Бекчанова

СамДАҚИ Қурилиш факультети 3-босқич талабаси Заршод Меликов

Инсон ҳуқуқлари жаҳонда етакчи мақомга эга. Ҳар қандай ривожланган демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда инсон ҳуқуқлари ролига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқлари - ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ички ва ташқи сиёсатида БМТ нинг иккинчи Умумжаҳон конференциясида 1993 йилда тасдиқланган “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг универсаллиги” талабларига қатъий риоя этиб, давлат қонунчилик тизимида уни муҳофаза қилиш ва таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий базани шакллантирди.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда 60 дан ортиқ инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қуйидаги тўрт таркибий қисмдан иборат:

Биринчи: Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар – виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар.

Иккинчи: Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар – жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, сайловлар тўғрисидаги, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунлар.

Учинчи: Фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳуқуқларига оид қонунлар - мулк, тадбиркорлик, ер, ижара, хучучийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар, фан, таълим, кутубхона, маданий меросни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар.

Тўртинчи: Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар, яъни кўп томонлама ва икки томонлама – миллий-ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида.

Конституциямиз мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари халқаро андозалар асосида ифодаланиши билан биргаликда, уни таъминлаш ва қафолатлаш борасида энг муҳим қоидалар ўрнатилган.

Бугунги кунда давлатлар томонидан қабул қилинган Конституцияларнинг деярли барчаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида белгиланган қоида ва қадриятларга ҳамоҳангдир.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг муқаддимасида шундай дейилади: “Башарият оиласи барча аъзоларининг кадр-қиммати ва уларни ажратиб бўлмас ҳуқуқларини эътироф этиш жаҳон миқёсида эркинлик, адолат ва тинчлик негизини ташкил этади. Умумий ассамблея ушбу декларацияни барча инсонлар ва ҳамма миллатларни муштарак истаги деб эълон қилади”.

Ўзбекистон Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 30 та моддасига киритилган барча қоида ва тартибларни қамраб олиб, мукамал тарзда уларни акс эттириши билан жаҳоннинг йирик ва демократик давлатлар асосий қонунлар қаторида муносиб ўрин тутди. Фикримнинг исботини Конституциямиз муқаддимасининг биринчи бандидан олишим мумкин.

Ўзбекистон халқи номидан:

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик эълон қилинади;

Иккинчидан, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинади;

Учинчидан, инсонпарвар демократик давлат барпо этиши кўзланади;

Тўртинчидан, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсад қилиб қўйилади.

Муқаддимада қайд этилган бу асосий принциплар бош қонунимизнинг ички мазмуни, том маънода мохиятини ташкил этади.

Халқимизнинг миллий давлатчилик мақсадларига хизмат қиладиган мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституцияси жамиятимизнинг юксак интеллектуал ва ҳуқуқий камолотидан далолатдирки, худди шу боис Бош Қомусимзда халқона, миллий давлатчилик билан азалий қадриятларимиз башарият ҳуқуқий маданиятининг жами илғор жиҳатлари билан ўзаро уйғунлашиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий қоидаларни мустаҳкамлаган:

- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбурияти;

- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги;

- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб таалуқли эканлиги, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

- Хаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;
- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмумини ташкил этиши;
- Фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;
- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш - Конституциянинг асосий принциpidир. Президентимиз И.Каримовнинг маъруза ва нутқларида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган:

1. “Инсон ҳуқуқлари а эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини вужудга келтириш;

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида миллий қокунчилиқни такомиллаштириш;

3. Қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида қонун устунлигини таъминлаш;

4. Одил судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

5. Аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш”.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларни таъминлашнинг ишончли механизми бу шубҳасиз, суд ҳокимиятидир. Суд тизимини ислоҳ қилиш Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, “Энг аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таминлашга қаратилиши керак. Фақат шу ҳолатда судга кишилар жазоловчи орган сифатида эмас, балки, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақил тармоғига айланади”.

Бош қомусимизнинг иккинчи бўлим, V-XI боблари шу масалага бағишланган бўлиб, бунда инсон ва фувароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари батафсил ёритилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ички ва ташқи сиёсат, ўз навбатида, аҳолининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш, янги кўникма ва қадриятларни шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиром ва унинг умуммиллат даражасида ривожлантирилишига олиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мухтарам Президентимиз И.Каримовнинг бир гапларини таъкидлаш ўринлидир, “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган мустаҳкам қомусномадир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат бериш эса, ҳар бир давлат раҳбарининг асосий вазифасидир”.

ОДАМ САВДОСИ – ИНСОН ҚАДРИНИ КАМСИТУВЧИ ОҒИР ЖИНОЯТ

*“Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси Расулов Бекзод Боймуратович
Тошкент давлат юридик университети талабаси
Тожиев Зариф Боймурод ўғли*

Кишилиқ жамиятида инсон ва унинг кадр-қиммати муаммоси энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Инсоният неча минг йиллар давомида куллик, эрксизлик, жабр-зулм, қирғин баротлар каби бирмунча оғир ҳолатларни бошидан кечирди. 20-асрга келиб эса, қўллик, эрксизлик муаммоси жаҳон мамлакатлари томонидан кескин қораланди ва мамлакатлар қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари демократик қоида ва тамойилларни қўллаб-қўвватлаб, ер юзидаги барча инсонларни тенг ҳуқуқли деб, эълон қилди. Аммо 20-аср сўнгида бошқа бир муаммо – одам савдоси жиноятининг инсонларни ҳар хил мажбурий меҳнатга ёллаш, фоҳишалиққа мажбурлаш каби кўринишлари авж ола бошлади.

Табиатан ҳар бир инсон табиат бойлиқларидан лаззатланиши, соғ-саломат, кучли ва ақлли бўлиши учун, ўзини-ўзи асраб авайлаши, ҳимоя қилиши ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинлиқларини муҳофаза қилиши лозим. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида хавфсизлигимизга ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорлигимизга раҳна солувчи иллатлардан бири бўлган одам савдоси – бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Одам савдоси - куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш.

Одам савдосига қарши курашиш юзасидан давлатлараро ҳамкорликни кўчайтириш мақсадида 2005 йили МДҲ доирасида "Одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида"ги келишув, 2006 йилда саккиз аъзо мамлакат доирасида "Одам савдосига қарши курашнинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган дастури" қабул қилинган.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишалиқнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар

имзоланди. 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг ҳамда 2008 йилнинг 8 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан юқоридаги қонун нормалари амалга янада самарали тадбиқ этилмоқда.

Одам савдоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига ҳам жиноят сифатида киритилди ва ушбу ҳаркатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди (Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-179-сонли Қонуни) "Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш - ..." (Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-модда, 1-қисм).

Натижада инсон ҳуқуқларини тўла-тўқис таъминлаш чорасини кўрган давлатлар ўтмишдаги давлатчилик ва жамиятлардан мазмун-моҳияти билан мутлақо фарқ қилувчи янги ижтимоий адолатга асосланган ҳуқуқий давлатни, яъни, ўз ҳуқуқ тизимини қатъий қонунлар, меъёрлар асосида бошқарадиган, энг муҳими, жамиятдаги ҳар бир шахс, индивиднинг эмин-эркин, ҳеч бир тўсиқсиз, қийноқсиз, камситишсиз хоҳлаган жойида эркин ҳаракатланган ҳолда яшаши, ҳаттоки жамиятнинг яратувчиси, ҳаракатлантирувчи фаол аъзоси сифатида фуқаролар, давлат идоралари, мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назорат қилишгача ҳуқуққа эга бўлган очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга эришилди.

Хулоса тариқасида айтганда, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ва ўзаро ҳамкорликка асослансагина яхши самара бериши мумкин.

Зеро, инсон савдоси, унинг инсоний ҳуқуқ ва эркинликларини ғайриқонуний ва ғайри ахлоқий равишда айнан инсон томонидан камситилиши, йўққа чиқарилиши - кечириб бўлмас жиноятдир.

РАҲБАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК

ГулДу доценти Б.Қурбонов., ГулДу ўқитувчиси Г.Қурбонова

Одатда раҳбар деганда ҳарқандай ёки ташкилотнинг раҳбаридан тортиб, бўлим бошлиғигача бўлган ходимлар тушунилади. Чунки уларнинг ҳарбири ўз кўл остида муайян миқдордаги бўйсунувчи ходимларга эга бўлади ва уларни уюштириб, йўналтириб, бошқариб туради. Фуқаролик жамиятнинг энг кичик субъекти бўлган оилада ҳам раҳбарлик ўрни мавжуд бўлиб, бу вазифани ота бажаради. Бундан келиб чиқадики, жамиятда бошқарув ўринлари, раҳбарлик лавозимлари, уларнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётдаги ўрни ва роли ниҳоятда каттадир.

Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Шунинг учун ҳам унинг келажаги ёшлар кўлида. Ёшлар деганда 17-35 ёш орасидагилар тушунилади. Ўзбекистон ёшларини таълим турига қараб, бир неча категорияларига ажратиш мумкин. Мактаб ёшигача бўлганлар, мактаб ўқувчилари, ўрта-маҳсус касб-хунар таълими даври ёшлари, талабалик даври, ишчи-хизматчи ёшлар, зиёли ва раҳбар ёшлар.

Раҳбарлар Ўзбекистоннинг ишончи, таянчи ва ҳал қилувчи кучи ҳисобланади. Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан давлат ва

жамият бошқарувининг турли раҳбарлик лавозимларига ёшлар кўп тайинланмоқда. Давлат бошқарувининг қонунчилик ижроия ва суд ҳокимияти идораларида ёшлар қатламининг кўпайиши бунга яққол мисол бўлади. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотларида ҳам ёш етакчи ва раҳбар ходимлар сони мунтазам кўпайиб бормоқда.

Агар бошқарувдан кўзланган мақсад ҳалққа хизмат қилиш, инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш бўлса, раҳбарлик фалсафасига амал қилинса, кутилган натижага эришиш мумкин. Шу билан бирга, ҳар бир раҳбар маданиятга эга бўлиши лозим. Маданият ҳар хил турларга бўлинади: ижтимоий маданият, меҳнат маданияи, муомила маданияти, кийиниш маданияти, иқтисодий маданият, ҳуқуқий маданият ва ҳаказо. Улар орасида раҳбар учун муҳим ўрин тутадигани – **бошқарув маданиятидир**. Агар раҳбарда бошқарув санъати, маҳорати ва маданияти етарли бўлмаса, ишлар таналлузга учрайди (яъни банкрот)га ёки инсон қалри (раҳбар қўл остидаги ходимларни) йўқолади. Раҳбар эга бўлиши лозим маданиятлардан яна бири **сиёсий маданиятдир**. Сиёсий маданият – давлат ва жамиятни бошқаришда маданиятли кенг дунёқарашли ва маънавиятли бўлишдир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, раҳбарнинг сиёсий маданияти **бағрикенглик** асосида қурилган бўлиши лозим. Бу раҳбарларда давлат ва жамият тинчлиги, барқарор тараққиётни таъминлашда бағрикенгликни ўрни ва ролини англаш, бошқарувни бағрикенглик асосида олиб бориш, жамоанинг барча аъзолари ўртасида бағрикенглик чуқур ўрин эгаллашини таъминлаш деганидир.

Бағрикенгликни луғавий маъноси **“чидамли, сабрли бўлиш”**. Яна бир маъноси, турли хил ҳаёт тарзи, юриш-туриш, урф-одат, хис-туйғу, эътиқот ва фикрларга нисбатан чидамли, сабрли ва бағрикенг бўлиш тушинилади. Бағрикенглик ҳар хил бўлиши мумкин: ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, миллий, диний, ирқий, худудий, илмий, маданий ва бошқалар. Ҳар қандай маънавиятли, маърифатли инсон, шу жумладан РАҲБАР бағрикенглик турларининг барчасини ўзида мужассамлантирган бўлиши зарур.

Хўш, сиёсий маданияти юқори бўлиши ва унда бағрикенглик муҳим ўринни эгаллаши қандай илмий ва амалий аҳамиятга эга? Биринчида, ушбу мавзу мамлакатимизда илмий тадқиқотчиларимиз томонидан етарлича ўрганилинмаган. Иккинчидан, масаланинг амалий аҳамияти шундаки, агар давлат муаасасалари вакилларида сиёсий ва бағрикенглик хусусияти қарор топмаса жамиятда келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Бу эса ўз навбатида беқарорликка парокандаликка олиб бориши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки.

Раҳбар, хусусан ёш раҳбарлар жамият ва давлат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Агар улар етук сиёсий маданиятга эга бўлса, мазкур маданият **бағрикенглик** тамойилига таянса, демакки ўша давлат ва жамият равноқ топади.

Жамиятимизда ҳар бир раҳбар айниқса (ёш раҳбарлар) сиёсий маданиятли ва бағрикенг бўлишлари лозим деган фикрдамиз.

БАРКАМОЛ ЁШЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

*Қарши Давлат университети Ижтимоий фанлар кафедраси
ўқитувчиси С.Авазов*

Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатлам саналади. Зеро, ҳар бир жамиятнинг ҳолати, тақдири ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг салмоғи, маънавияти ва онглилиги даражаси билан белгиланади. Ёшлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса жамият эртасининг муносиб ворисларидир..

Мустақил давлатимиз ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган аҳолининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил қилади. Буни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов маърузаларида ёшларимиз тўғрисида келтирилган рақамлар ҳам тасдиқлайди. Маърузада тасдиқланишича бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64,5 фоизини ташкил қилади. Бу рақамлар аҳолиимизнинг аксарият кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этишидан далолат беради.

Келтирилган ушбу рақамларга асосланиб айтиш мумкинки, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатиб келаётган ёшларимиз, жамият ва давлат ривожига таъсир этувчи ва ҳал қилувчи асосий омилдир. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунлар асосида инсон ва фуқароларга берилган шахсий ҳуқуқлар, эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ёшларимизга ҳам таъллуклидир.

Ривожланган бозор иқтисодиётига ўтиб боришнинг ҳозирги босқичида давлатимиз олдида турган асосий вазифалардан бири - аҳолиимизни кўпчилик қисмини ташкил қилувчи ёшларимизни манфаатларини ҳимоя қилиш ва уни таъминлашдир.

Мамлакатимизда амалдаги таълим соҳасида амалга ошириб келинаётган умуммиллий давлат дастурининг ижросини янги босқичга кўтариш, марказда ва жойларда бунга масъул бўлган идораларнинг масъулиятини янада ошириш ҳам ёшларимизга оид асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу борада ёшларимизнинг тегишли бўлишига қараб, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида замонавий таълим олиши керак бўлган касбга эга бўлиш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Зеро, ёшларимизни замонавий билим ва тарбия олиши давлатимиз томонидан белгиланган мақсаднинг бир қисмини ташкил қилса, буларнинг олган билимини ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ҳамда ишлатиши учун, ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи - бу борада белгиланган мақсадимизнинг иккинчи қисмини ташкил қилади. Бугунги кунда ўткир муаммоларимиздан энг муҳими – бу ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор

марказида туриши зарурлиги, шу борада, авваламбор, қишлоқларимизда, кичик шаҳарларда истиқомад қилаётган ўғил-қизларимизни муносиб иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимдир. Кундалик ҳаётда ёшлар тўғрисида куйидаги иборалар кўп ишлатилади. Ёшлар бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз. Дарҳақиқат, шундай. Бу сўзларнинг замирида катта маъно ётади. Хоҳ оилада бўлсин, хоҳ жамиятда, хоҳ давлатда бўлсин, унинг равнақини келажагини, демократик ҳуқуқий давлат куриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида шахдам қадамлар қўйиб илгарилаб бораётган мустақил республикамизни келгусидаги ривожини, тараққиётини ёшларимизсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу бўйича Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз” деган сўзлари кўп ишлатилган иборага айланиб қолди. Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Лекин мен ... бу иборани кенгроқ маънода ифода этишни истардим. “Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир”⁵ деб билдирилган ишончлари ўйлайманки барча соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган ёшларимизга куч ғайрат бағишлаб, ўз вазифаларини юқори даражада бажаришга даъват этади ва бу борада уларнинг масъулиятларини янада оширишларида дастурамал бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилганлиги муносабати билан республикамизнинг барча ҳудудларида ўқувчи ўғил-қизлар ўртасида турли хил спорт мусобақаларини жумладан, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада» спорт мусобақаларининг уч босқичли тизимининг жорий этилиши ёшларимизга яратилаётган имкониятлар сирасига киради. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда Бу «Кичик олимпиада» деб эътироф этилаётган ушбу спорт мусобақалари мамлакатимиз байроғини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРДА ЎЗ-ЎЗИНИ АСРАШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ҚаршиДУ Ф.ф.н. С.Боймуродов

Ҳар қандай давлат аҳолисининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлади. Глобаллашув даврида билимлилик мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини кўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда, аҳолининг юксак маънавий даражаси эса одамларда ҳуқуқий маданиятни, эркин ва демократик ҳуқуқий давлатда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар халқимизнинг турмуш даражасини оширмоқда. Жамият аъзоларининг турмуш даражасининг юксалиб бориши уларнинг ўз-ўзини асраш маданиятини шакллантиришни талаб этади.

Мустақиллик йилларида шахсни ўз умрига, соғлиғига муносабатини ўзгартирувчи янги мотивлар юзага келганига қарамасдан, соғлиқ шахснинг марказий қадриятига айланиб улгургани йўқ. Ўз соғлиғини мунтазам назорат қилиб бориш, диагностика марказлари ва тегишли соғлиқни сақлаш муассасаларида ўз соғлиғини текширувдан ўтказиб туриш, санатория-профилакториялар хизматидан фойдаланиш, соғлиққа салбий таъсир ўтказувчи омилларни бартараф қилиш, тиббиёт ходимларининг маслаҳатларига риоя этиш ва шу каби тадбирлар системавий характер касб этгани йўқ. Ҳанузга қадар соғлиққа уни йўқотгандан кейин эътибор бериш иллати мавжуд. Давлат муассасалари, фан, маданият ва санъат соҳаларида банд бўлган кишилар орасида ҳатто касбий маҳоратга эришиш йўлида соғлиғига зиён етказганидан фахрланиш ҳоллари ҳам кўплаб учраб туради.

Соғлиқнинг шахс қадриятлари системасидан муносиб ўрин эгаллаши учун тегишли мавзуларга бағишланган кўплаб мақолалар ва рисоаларнинг чоп этилиши, тарғибот ва ташвиқот ишларининг амалга оширилишининг ўз етарли эмас. Афтидан, шахсни ўз соғлиғига тўғри муносабатда бўлишга одатлантириш учун тиббий-профилактик тадбирларга мажбурий характер бериш керак бўлади.

Шахсни ўзини асрашга одатлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, Совет ҳокимияти йилларида турли кампаниялар ташкил этиш, унга фуқароларни ёппасига сафарбар қилиш одат тусига кирганди. Жумладан, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, БАМни барпо этиш, кўриқ ерларни ўзлаштириш ва шу каби кампанияларга миллионлаб кишилар жалб этилдилар. Бундай кампаниялар чоғида оддий физиологик эҳтиёжларга эътиборсизлик, “мақсадга штурм билан эришиш” қарийб қаҳрамонлик санала бошланди. Натижада шахс кундалик ишларда ҳам ўзини асрамасликка, аслида бемалол ва шошмасдан қилса ҳам бўлаверадиган иш учун уйқудан, таомдан, дам олишдан воз кечишга, эртанги кун учун бугунни қурбон қилишга одатланди. Ушбу жиддий ижтимоий иллат бугунги кунда ҳам тез-тез учраб турибди.

Албатта, ўзини асраш деганда қийинчиликдан қочиш, ўз функционал вазифаларини бажармаслик тушунилмайди. Бироқ кундалик фаолиятда экстремал услублардан фойдаланиш малакасидан воз кечиш учун фурсат етди. Бунинг учун ташкилот ва корхоналардаги касаба уюшмаларининг амалда мустақиллигига эришиш, жамоат ташкилотларининг фаоллигини ошириш, мамлакат меҳнат қонунларига қатъий риоя қилишнинг ўзи кифоя.

Ёшларда ўз-ўзини асраш маданиятини шакллантиришда шахс овқатланиш маданиятини ривожлантириш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Оилаларда асрлар давомида шаклланган овқатланиш тартиби шахс соғлиғига жиддий зарар етказаётгани мутахассислар томонидан қайта-қайта уқдириб келинмоқда. Масалан, оилаларда асосий овқатланиш кечки вақтга тўғри келади. Бу эса турли касалликларнинг, хусусан, атеросклероз, миокард инфаркти, гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасининг кўпайиши-

га сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида эришилган муваффақиятларга қарамасдан фуқароларнинг овқатланиш рационали талаб даражасига кўтарилмаётир. Қишлоқ жойларида дастурхон учун турли озиқ-овқат маҳсулотларини танлаш маданияти ҳали шакллангани йўқ. Шу сабабдан оқилона овқатланиш тартибини йўлга қўйишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жонлантириш зарур.

Глобаллашув жараёнида ёшларда ўз-ўзини асраш маданиятини шакллантириш учун, уларнинг бўш вақтини самарали ўтказишини таъминлаш зарур. Бу вақтнинг салмоқли қисми ишга бориш ва қайтиш, рўзғор юмушларини бажариш, табиий-физиологик ва маиший эҳтиёжларни қондириш учун сарфланмоқда. Натижада шахс бўш вақти миқдори камайиб кетди. Унинг мазмуни ҳам талаб даражасида эмас: бўш вақт оила маданий савиясини ошириш, унинг ижтимоий аҳволини янада яхшилаш йўлларини топишга сарфланаётгани йўқ. Бинобарин, жамият манфаатларига мос бўлган ёшларда ўз-ўзини асраш маданиятини шакллантириш учун унинг бўш вақтини бошқармоқ, маълум мақсад сари йўналтирмоқ лозим. Бўш вақтнинг бошқарилиши унинг оқилона ташкил этилишига, шахс маънавий ва жисмоний юксалиши, оптимал ўз-ўзини асраш маданияти учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилишига замин ҳозирлайди.

ЗАМОНАВИЙ ДАРСГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

С.Яхяева СамВХТХҚТУМОИ катта ўқитувчи

Ф.Каттаева Самарқанд шаҳар 14-мактаб ўқитувчиси

Ҳозирги замон дидактикаси кўп йиллар давомида тўпланган ўқитиш қоидалари, фан ютуқлари ва илғор тажрибалар асосида бойиб бормоқда. Аммо, ўқув жараёнининг ҳамма қисмларини ўқитишни ташкил қилишнинг мазмуни, усули, воситалари ва шакллари билан муносабатлари масаласи ҳали унча яхши очиб берилмаган. Бу эса дидактик қонуниятлардан фойдаланишни маълум даражада қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқитувчининг ўзи ўқув жараёнини онгли равишда аниқ таҳлил қилиши ва шу асосда дарснинг муҳим томонларини ўзлаштиришда қатъий эътибор бериши лозим. Бунда у ҳар бир дарсга қўйиладиган қуйидаги талабларни етарли даражада чуқур билиши керак:

- Ҳар бир дарс маълум мақсадга йўналтирилган ва пухта режалаштирилган бўлиши;
- Ҳар бир дарс юксак ғоявий-сиёсий йўналтирилган бўлиши;
- Ҳар бир дарс ҳаёт билан, амалиёт билан боғланган бўлиши;
- Ҳар бир дарс турли хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда ўтилиши;
- Дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш;
- Ҳар бир дарс ўқувчи ва ўқитувчининг фаоллиги ва ҳамжиҳатлигида ўтишини таъминлаш;
- Дарсда кўرғазмали қуроллар, техника воситалари ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш;

- Ҳар бир дарсда ахлоқий, тарбиявий масалаларни халқ педагогикасидан намуналар орқали олиб бориш.

Умумтаълим муассасасида ўтказиладиган ҳар бир дарснинг замонавий бўлиши ўқитувчидан замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда янги педагогик технологияларни ўз фаолиятида қўллашни тақозо этади. Бунинг учун у ўз устида тинмай ишлаши, ўзининг назарий ва касбий билимларини мунтазам ошириб бориши лозим. Бу ишда унга илмий-услубий манбалар ва илғор тажрибалар катта кўмак бериши мумкин.

Ўқувчиларда ташқи хабардорлик даражасининг ошиши, ота-оналар томонидан ўз фарзандлари келажаги учун қўйилаётган талабларнинг кундан-кунга ошиб бориши ўқитувчини айрим вақтларда шоштириб қўймоқда.

Юқоридаги муаммолардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ўқитувчи:

- Ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик кўриши;
- Дарс мақсадига мувофиқ психологик вазифани чуқур англаши;
- Дарс бошидан охиригача ишчан кайфиятни сақланишига эришиши;
- Дарсда қўйилган мақсадга қатъийлик ва талабчанлик билан эришиш;
- Дарсга оптимистик ёндошиш ва топқирлик;
- Педагогик такт (одоб)га қатъий амал қилиши лозим.

Атроф муҳитдаги муаммоларни, нарса ва ходисаларни ўрганишнинг қандай амалга оширилишини ва унга қандай эришилишини, объектив борлиқнинг конкрет шароитларида содир бўладиган мураккаб ва чуқур жараёнларнинг қандай йўллар билан ўрганилишини аниқлаш ва белгилаш ниҳоятда муҳимдир.

Ҳаётни ва объектив дунёни билиш назариясида икки асосий масала – нимани ўрганиш ва қандай ўрганиш керак, кимни тарбиялаш керак деган масалалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экан, биз шунга қараб иш тутмоғимиз лозим.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Республика Президентининг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг кўпгина қарорлари ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги обрў-эътибори ва нуфузини кўтаришга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳамда турмуш шароитларини яхшилашга қаратилиб келинмоқда.

Жумладан Республика Президенти И.Каримовнинг ўқитувчига берган куйидаги баҳоси фикримизни далилидир: “Фарзандларимизни эркин фикрлашга ўргатиш, уларда мустақил дунёқарашни шакллантириш, ўқитувчи фаолиятининг мазмуни ва моҳиятини ташкил этади”, “Яхши ўқитувчи деганда касбий маҳорати юқори бўлган муаллимни тушунамиз. Педагогик маҳорат эса ўқитувчининг маънавий юксалганлигидан далолат беради”.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ МУОММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Соҳида Яхяева, СВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси

Президентимиз И.Каримов “Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар”, деб такидлаган эдилар.

Дархақиқат, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий вазифаларидан бири таълим мазмунига янги педагогик технологияларни олиб киришдир. Илғор педагогик технологиялар замирида ўзлаштирилган билимнинг самарадорлиги, иштирокчиларнинг дўстона ҳамкорлиги ётади. Бу технологиялар воситасида ўрганилаётган мавзу бўйича қўйилган муаммолар ечими изланар экан бунда, албатта, курс тингловчилари ўзаро ҳамкорликда ижодий изланган тақдирдагина ижобий натижага эришиш мумкин.

Педагогик технология – таълим жараёнига янгича, замонавий ёндошув бўлиб, анъанавий ўқитиш тизимидан анча фарқ қилади. Масалан, анаънавий ўқитиш тизимида билимларни ўқувчилар томонидан асосан хотирада сақлаб қолиш ва уни оғзаки баён қилиш мақсад қилиб қўйилган бўлса, янгича педагогик технология методида ўқувчини таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши назарда тутилади. Янгича педагогик технологиянинг анъанавий ўқиш тизимидан фарқли жиҳатларидан яна бири шундаки, бундай таълим жараёни албатта олдиндан лойиҳалаштирилган бўлади.

Педагогик технология – ўқитувчининг ижодий фаолияти бўлиб, бунда дарс жараёни узликсиз, изчил режа асосида қўйилган мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Педагог дарсни тўғри ташҳис асоасда тўлиқ режалаштира олса, билим олувчи (ўқувчи, тингловчи) мавзу мазмунини тез англайди. Педагогик техноло

Курс иштирокчиларининг машғулотлар давомида илғор педагогик технологиялардан моҳирона, ўз ўрнида фойдаланиши ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Технологиялар ўқитувчидан янгиликни, ижодкорликни, фаолликни, касбий маҳоратни талаб этади.

Адабиёт фанидан илғор педагогик технологиялар асосида қуйидагича дарслар ташкил этиш мумкин.

Кейинги босқичда “Чархпалак” методини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, иштирокчиларга “Адабиёт фанидан замонавий дарсларни қандай ташкил этиш мумкин?” деган савол берилади ва жавоблари изоҳлар билан тингланади, қониқарсиз жавоблар тўлдирилади.

Кейинги босқичда “Нима учун” методини қўллаш мумкин. Бунда бир-бирини инкор этувчи муаммоли савол ёки топшириқ берилади. Масалан, “Нима учун биз, умумий ўрта таълим мактабларда адабиёт фанини ўқиймиз” каби саволлар берилади. Иштирокчиларнинг берган жавоблари изоҳланади, иш тажрибасидан мисоллар келтириб, фикрлар мустаҳкамланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган методлардан фойдаланиш иштирокчиларни мустақил ишлашларига, ўзаро фикр алмашишларига, фаолиққа, ижодкор бўлишга, эркин бўлишга, мавзу асосида музокаралар олиб боришига имкон яратади.

Мактабларда ҳар кунги дарсларида АКТ ва педагогик технологияни қўллаётган фан ўқитувчиларнинг ишини оммалаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг тажрибаларини матбуотда ёритиб, телеведенида эшиттиришлар олиб борилса, тавсиянома тариқасида оммалаштирилса яхши

самара беради.

Хулоса, таълим жараёнида аниқроғи фанларни ўқитишда педагогик технология элементларини киритишда институт профессор-ўқитувчилари ҳам фаол қатнашиб, қўлларидан келгунча мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларга методик хизмат кўрсатилса, таълим самарадорлигини оширишда ўз хиссаларини қўшган бўладилар.

ЭР ХОТИНЛИК, ОИЛА МУҚАДДАСЛИГИ

Р.М.Латинов, СамДАҚИ катта ўқитувчиси,

Садуллаева Парвина СамДАҚИ талабаси

Эркак ва аёл муносабатлари қандай? Оила қачон вужудга келади? Бунақа саволлар қанчалик кўи бўлса, унга жавоблар ҳам шунчалик хилма-хил.

Энг қадимий муқаддас китобларга мурожаат этайлик. Инжилга биноан Худо азалда осмон билан ерни яратди, сунгра уруг берадиган ут-уланлар, мевасида уруги бор турли-тўман мевали дарахтларни, қуёш, ой, юлдузларни, паррандаю даррандаларни, ёввойи хайвонларни бунёд этди. Сунгра Худо одамни ўз суратида яратди. Буларнинг барчасини олти кунда иайдо қилди.

Худо ернинг туироғидан одамни ясаб, унинг димогига хаёт нафасини иуфлади. «Одам ухлаб қолгач, унинг қовургаларидан биттасини олди ва урнини эт билан қоплади. Одамнинг қовургасидан Худованди Карим бир Хотин барпо қилиб, уни одамнинг олдига олиб келди. Шунда одам: «Мана, энди бу суюк менинг суюқларимдан, бу эт менинг этимдандир. У хотин киши деб айтилади, зероки у эр кишидан олинган, деди.

Шунинг учун киши ота-онасннн қолдириб, хотинига ёпишиб қолади ва иккови бир тан бўладилар

(Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм. 1993, 4-5-бетлар).

Инжил таълимотига кура Хотин илоннинг алдовига учиб богнинг уртасидаги дарахт мевасндан еб қўяди ва ундан эркакка ҳам беради. Шундан сунг уларнинг кўзлари очилиб, ялангоч эканликларини билишади. Бунинг учун Худованди Карим илонни лаънатлаб, уни умр буйи қорни билан юриб, тупроқ ейишга мустахқик этади, аёлнинг эса хомиладорлик пайтида машаққатини бағоят орттириб, дард билан фарзанд куришга, иштиёқи эрига ва эри унга хоким булишига хукм этади. Эркакни эса хотинининг гапига кириб гуноҳ қилиб қўйгани учун умр буйи машаққат чекиб, пешона тери тўкиб мехнат орқали нон тоийиб ейишга махкум этади. Ана шу тарика биринчи бор Одам Ато ва Момо Хавво пайдо бўлади. Улар одамзод номини оладилар. Қуръони Каримда уқиймиз: «Биз инсонни (яъни Одам алайхиссаломни) лойнинг магзидан яратдик»; «Биз инсонни (Одамнинг асли) қора ботқоқдан булиб (одам) сурати берилгач, қуритилган лойдан яратганмиз». «Сунгра унинг насли авлодини хақир бир сувдан иборат булган нутфадан пайдо қилди. Сунгра уни (инсон қилиб) ростлаб, ичига ўз (даргохидаги) жондан киритди», «Оллох сизларни (аввал) тупроғдан, сунгра нутфадан яратиб, кейин сизларни жуфт-жуфт (яъни эркак-аёл) қилиб қуйди».

«У сизларни бир жондан (Одамдан) яратди, сунгра уни жуфттини

(яъни *Хаввони*) пайдо қилди...» (*Қуръони Карим. Таржима ва изохлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чулпон», 1992, 181, 244, 300, 316, 339-бетлар*).

Яна Қуръони Каримда ўқиймиз: «Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Хаввони) вужудга келтирган Хамда у икковидан куп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз!...

Агар етим қизларга адолат қила олмасликдан кўрқмасангиз, сизлар учун никохи халол бўлган аёлларга иккита, учта, турттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки кул остингиздаги чури билан (кифояланинг). Мана шундай жабру зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқ ишдир. (*Қуръони Карим. Таржима ва изохлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чулпон», 1992, 54-бет*).

Эру хотинлик масалаларига доир фикрларни Мухаммад пайгамбар ҳадисларида ўқиймиз: «Хотин киши қовургадан яратилган. Агар сен қовургани тўғрилайман десанг, синдирасан, муроса қилу ў билан яша!» (*Мухаммад пайгамбар қисса си. Хадислар. Т., «Камалак», 1991, 69-бет*).

Қуръони Каримдаги оятларга Аловуддин Мансур илох бериб ёзади: «Уламолар мазкур оятни қуйидагича тафсир чиладилар: шариат ҳукмича, ота- онадан ажраб, етим булиб қолган қизни уз қарамоғига олган одам у қизга уйланишга ҳаққи бор. Лекин одатда бундай ҳолларда купинча қизнинг ҳаққи-махрини тўла-тўқис қилиб бермай, арзонгаров уйланиб олиш пайига тушилади. Шунинг учун Қуръон: «Етим қизларнинг ҳақини адо қила олмасликдан қурқсангиз, сизлар учун никохи халол булган аёлларга иккита, учта, турттадан уйланаверинг», деб рўхсат беради ва дарҳол ў хотинлар ўргасида адолат қилиш шарт эканини таъкидлайди. Қолаверса, исломдаги бу қонун Қуръон нозил булган даврда кенг тарқалган купхотинликни тартибга солиш учун жорий қилингандир

Муросаю мадора - оилани сақлашнинг асосий белгиси. Қуръони Каримда ўқиймиз: «Агар бирон аёл эри томонидан кунгилсизлик ёки юз ўгириб кетиш содир бўлишидан кўрқса, у иккови узаро бир сулҳга келишиб олишлари зарарсиздир. Сулҳ (ажралиб кетишдан) яхшироқдир. Нафслар қизганишга ҳозиру нозир булиб турадилар. Агар аёлларингизга чиройли муомала қилсангиз ва *Оллоҳдан қурқсангиз (узингизга яхшидир)*» (*Қуръони Карим. Таржима ва изохлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чулпон», 1992, 67-бет*).

Фарзанд елкасида ота-она юки ётади. Ундан фақат ота-онани эъзозлаш орқали қутулиш мумкин. Мухаммад пайгамбар ҳадисларида ёзади: «Кимга яхшилик қилай?», деб сўраган саҳобага уч марта онангга деб, тўртинчисида отангга деб айтдилар» (*Мухаммад пайгамбар қиссаси. Хадислар. Т., «Камалак», 1991, 66-бет*). Бу бежиз эмас. Фарзанднинг пайдо бўлишида отанинг ҳам, онанинг ҳам хизматлари улуг булсада, она фарзандини уз жонини гаровга қуйиб, бунёд этади. Шунинг учун фарзанд зиммасида ва камолида онага нисбатан қарз бағоят каттадир. Шунинг учун «Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир» (*Мухаммад пайгамбар қиссаси. Хадислар. Т., «Камалак», 1991, 82-бет*).

Хотинини ўз онаси ва сингиллари, қизлари сингари севган, ҳурмат қилган ва эъзозлаган эркак ҳеч қачон оилада хор бўлмайди.

ЁШЛАРНИ РАҚОБАТБАРДОШ КАДР СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИНИНГ АҲАМИЯТИ

Сайдирасулов Н.С. – ТАТУ Самарқанд филиали ассистенти

Бугунги кунда Интернет тармоғига кирувчилар контингентини катта қисмини асосан ёшлар ташкил этади. Ёш авлоднинг Интернет ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи уларнинг ёши ва руҳий ҳолати хусусиятларига боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” қонуни ва қонун ости ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган. Ахборот тизими ёшларни электрон адабиётлар билан танишишга, маданиятни ўрганишга, ўзаро ахборот алмашинувиغا кенг имконият яратиб бермоқда. Натижада ёшларда чет-эл лтиллари ўрганишга иштиёқ ва эҳтиёж туғилмоқда, бу ўз навбатида кенгроқ доирадаги маълумотларни ўзлаштиришга олиб келмоқда. Интернет орқали билим олиш, эстетика ва санъат, тарихий воқеалар, экологик жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳақидаги маълумотлардан ногирон ёшларнинг хабар топишига имконият яратилди. Лекин Интернет ахборот ресурслари барча ёшларга бирдай ижобий таъсир этмай, балки уларнинг онгига, маданиятига, миллий урф-одатларига, ҳуқуқий, ташаббускорлик ҳолатига, диний дунёқарашига ва экологик тарбиясига турлича таъсир кўрсатмоқда. Ёшларда тез мослашувчанлик ҳислатлари катта ёшдагиларга нисбатан анча юқори даражада бўлганлиги учун уларнинг хулқ атвори, руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни мунтазам равишда кузатиб бориш лозим.

Ёшларда ташаббускорликни шакллантириш диалектик боғланишлар, яъни интеллектуал – англаш, эмоционал-қадрият, амалий фаолият элементларига боғлиқ. Шунинг билан бира ёшларда муҳим инсонийлик фазилатлари ва сифатларини шакллантириш, жамиятнинг турли соҳаларида бўлаётган ўзгаришларни англаши, билиши ва унга мослашишга тайёр бўлиши ёш авлодни ривожланишида асосий мақсад ҳисобланади. Бунда ёшларнинг давлат гимни, байроқ, давлат герби рамзини билишлиги талаб этилади. Шунинг билан бирга мамлакатда олиб борилаётган сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўғри тушуниб англашни тақозо этади. Ташаббускорлик бугунги кунда ёшларнинг руҳий-инсонпарварлик ҳолатини белгиловчи фактор ҳисобланиб, жамиятнинг мўтадиллиги, давлатнинг хавфсизлиги ва мустақиллигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ёшларни ташаббускорлик руҳида тарбиялашнинг негизида тарихий онгнинг шаклланиши ётади. Тарихий тарбия – келиб чиқиш авлод аждодларимиз, урф-одатларимизни билиш билан бевосита боғлиқ. Жамиятнинг дунё миқёсида тутган ўрни, кўпмиллатлиги, тарихий жараёнлар, урф-одатлар, диний эътиқод, минталитет хусусиятларини тушиниш, ташқи ахборот хуружларидан ҳимояланиш даражаси билан ифодаланади.

Интернет тармоғининг афзаллиги шундаки, ихтиёрий сизни қизиқтирган маълумотни бир зумда излаб топишингиз ва уни қайта

ишлашингиз мумкин. Ҳар бир ёш ўзини қизиқтирган соҳага оид электрон ахборот ресурслари жамғармасини яратиш имконияти, унинг ижодий фаолият олиб боришига олиб келади. Ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишишига, ватанпарварлик руҳида шаклланишига замин яратади. Уларнинг маънавий билим савияси ошади, дунёқараши, ватанга, оилага, жамиятга нисбатан ватанпарварлик руҳи, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни тўғри таҳлил қилишлари асосида ташаббускорлик ҳислатлари намоён бўла бошлайди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ТАДБИҚ ЭТИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМЛАРНИНГ БИР НЕЧА ТУРЛАРИ

Сайдирасулов Н.С. – ТАТУ Самарқанд филиали ассистенти

Жамиятнинг барча соҳаларига ахборот коммуникация технологияларининг жадал суръатларда кириб келиши ахборотга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Бу ўз навбатида ахборот ресурсларидан фойдаланиш борасида бир қатор ислохатларни амалга оширишни тақозо этди. Ҳусусан, таълим соҳасини модернизациялашда ахборот технологияларининг бекиёс имкониятлари муносиб ўрин эгаллай бошлади. Тажриба шуни кўрсатдики, ахборот технологияларидан жамиятда ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ, акс ҳолда у самара эмас балки, зарар етказиши муқаррар. Ушбу мақолада таълим тизимини модернизациялаш жараёнида юзага келган айрим муаммоларни ахборот технологиялари ёрдамида ҳал этиш омиллари келтирилган.

Таълим тизимида ўқув жараёнига тадбиқ этилиши зарур бўлган дастурий тизимларнинг бир неча турлари яратилган:

1. Мустақил равишда ўз – ўзини ўқитиш дастурлари. Унинг таркибига мультимедиа, электрон ўқув қўлланмалари, электрон амалий ва тажриба ишлари, мустақил тайёргарлик материаллари киради;

2. Билим даражасини назорат қилиш дастурлари. Фойдаланувчи ва талабаларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолаши мумкин бўлган тест материаллари, амалий топшириқ ва ҳисоботлар;

3. Педагог-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот ва муносабатларни шакллантирувчи ва таъминловчи дастурлар. Бундай муносабатларни шаклланишида албатта, прогрессив инфраструктуранинг локал ва глобал ахборот тармоғидан ва масофадан ўқитиш технологиясидан фойдаланиш;

4. Модель – дастурлари. Ўрганилаётган объектнинг турли ўзига хос хусусиятларини намоён этиш ва улар устида тажрибалар ўтказиш;

5. Талабалар мутахассис сифатида тайёрланаётган соҳа фаолиятини имитация қилувчи дастурлар (эксперт тизимлар, имитацион моделлар);

6. Ахборот маълумотлар базаси ва тизимига талабаларнинг эркин кириб ишлашини, ҳамда ўрганилаётган объект экспертлари хулосалари билан муаммосиз танишишни таъминлаш дастурлари (электрон кутубхона каталоги, маълумотлар банки ва базаси, электрон почта, эълонлар тахтаси, телеконференция тизими).

7. Соҳа йўналишлари бўйича талабаларнинг битирув малакавий иши ва

магистрлик диссертация ишларини, профессор – ўқитувчиларнинг методик материалларини (электрон нашр, электрон ўқув қўлланмалари, чоп этиш тизими) тайёрлаш дастури.

Келтирилган ва бажарилиши лозим бўлган дастурларнинг деярли кўпчилиги ўқув режалари ва моддий - техник таъминот дастурларида ўз аксини топган. Лекин кўзда тутилган ва ўқув жараёнини таъминлашга қаратилган дастурларни комплекс усулда амалда тадбиқ этилиши тақозо этилади. Акс ҳолда кўзланган ижобий ва самарали натижага эришиш муаммо. Бунинг учун ўқув юрти аудитория ва ўқув -методик хоналарни, кутубхона ва тажриба иш жойларини локал ва глобал тармоққа улаш зарур. Шунингдек, талабаларнинг билим олишлари учун ҳар бир соҳа йўналишлари бўйича маълумотлар базаси яратилиб, унга талабаларнинг эркин мурожаатини таъминлаш лозим. Маълумотлар базасига мурожаат этиш орқали ихтиёрий вақтда ўқув жараёнига оид маълумотни олиш ва уларни қайта ишлаш мумкин. Жумладан:

- гуруҳ рўйхати, ҳар бир талаба ҳақида батафсил маълумот;
- соҳа йўналиши бўйича ўқитилаётган фанлар рўйхати;
- кафедра профессор - ўқитувчиларининг юкламалари тақсимооти, талабаларнинг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичлари, энг яхши ва сушт ўзлаштирувчи гуруҳ, ўртача фанни ўзлаштириш бали ва хоказо.

Президентимиз ёшларни, айниқса ёш мутахассисларни иш билан тўлиқ таъминлашни бугунги куннинг долзарб масалалари қаторига киритиб, ушбу ҳолатга жиддий эътибор қаратмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқув юрти ўз даргоҳини битирган мутахассисларни иш билан жойларда таъминланганлиги ҳақидаги маълумотни йиғиш ва таҳлил этиш асосида таълим соҳасини такомиллаштиришга ўз фикр мулоҳазаларини билдириш ишларини олиб бормоқдалар.

ПРИМЕНЕНИЕ ОПЕРАТОРНОГО МЕТОДА К ЛИНЕЙНОЙ СИСТЕМЕ С ПОСТОЯННЫМИ КОЭФФИЦИЕНТАМИ

Сам ГАСИ доц. Б. Хусанов и студентка Сайдуллаева С.

Один из эффективных способов нахождения решений линейной системы с постоянными коэффициентами состоит в сведении её к одному линейному уравнению применим для этой цели операторной или символический метод. Сначала рассмотрим некоторые сведения об операторном полиноме. В велем оператор дифференцирования $D = \frac{d}{dt}$. Тогда операторным полином будем называть $e(D) = D^n + a_1 D^{n-1} + \dots + a_n$, где a_1, a_2, \dots, a_n - постоянных число. Условимся обозначать $e(D)y = D^n y + a_1 D^{n-1} y + \dots + a_n y$. Имея ввиду $D^k y = y^{(k)}$ получаем, что $e(D)y = y^{(n)} + a_1 y^{(n-1)} + \dots + a_n y$. Отображение $y \rightarrow e(D)y$ переводит $y(x)$ в функцию $[e(D)y](x)$. Это отображение называется линейным дифференциальным оператором порядка n с постоянными коэффициентами. Определим сумму и произведение двух дифференциальных операторов :

$$\begin{aligned} e(D) &= a_0 D^n + a_1 D^{n-1} + \dots + a_n \\ e(D) &= b_0 D^n + b_1 D^{n-1} + \dots + b_n \end{aligned}$$

Приравнивая коэффициенты при t^2 , t и свободных членов нулю, получаем алгебраические системы:

$$\begin{cases} -a + a_1 + a_2 = 0 \\ -2a + 2a_1 + 2a_2 = 0 \\ a - a_1 - a_2 = 0 \end{cases} \quad \begin{cases} 2a - b + b_1 + b_2 = 0 \\ -2b + 2a_1 + 2b_1 + 2b_2 = 0 \\ b - b_1 + 2a_2 - b_2 = 0 \end{cases}$$

$$\begin{cases} b - d + d_1 + d_2 = 0 \\ -2d + 2b_1 + 2d_1 + 2d_2 = 0 \\ d - d_1 + b_2 - d_2 = 0 \end{cases}$$

Откуда находим, что $b_1=2b, b_2=-b, a_1=a_2=a=0, d-d_1-d_2=b$ полагая $b=c_1+c_2+c_3$

Таким образом

$$\begin{cases} x = (c_1 t + c_1 + c_2 + c_3)e^t \\ y = (2c_1 t + c_2)e^t \\ z = (-c_1 t + c_2)e^t \end{cases}$$

общее решение данной системы.

SHEKSPIR SONETLARI TARJIMALARI XUSUSIDA

Saloxiddinov Manuchehr SamDAQI qoshidagi

1-son akademik litseyi ingliz tili o'qituvchisi

Adabiyot ilmi o'zining juda ko'p xususiyatlari bilan boshqa fanlardan ajralib turadi. Chunki, boshqa fanlar, asosan, insonning ongiga, tasavvuriga ta'sir etib, uni takomillashtirishga, boyitishga xizmat qilsa, adabiy asarlar faqat inson ongi va tasavvuriga ta'sir etib qolmay, balki uning hissiyotlariga ruhiga ham ta'sir ko'rsatib, ularni junbushga keltiradi. Boshqacharoq aytganda, adabiyot tabiat va jamiyat haqidagi hukm va mulohazalarni tayyor, agar aytish mumkin bo'lsa, zebuziynat berilmagan xulosalar tarzida insonga tortiq qilmaydi, balki uni til vositasida go'zal liboslantirib o'quvchi qalbiga singdiradi.

Ma'lumki, Shekspirning dunyoviy shon-shuhrati birgina dramaturgiyasiga emas. Hozirgi kunga qadar nafaqat ingliz, balki butun Yevropa poeziyasining cho'qqisi sanalmish sonetlariga ham asoslanishini qator olimlar e'tirof etganlar. Darhaqiqat, Shekspir antik poeziya an'anasiga (Katull, Ovidiy), italyan Uyg'onish davri poeziyasiga (Dante, Petrarka), ingliz shoirlari (E.Spenser, F.Sidni, S.Daniel, Drayton) yutuqlariga tayangan holda, milliy lirikaga, yevropa sonetiga asos soldi. Keyinchalik sonet janriga turli davrlarda turli millat shoirlari ko'p marotaba murojaat qildilar: Milton va Gyote, Vordsvort va Bayron, Lermontov va Fet, Mitskevich va Pushkin, Blok va Bryusov, I.Bexer va boshqalar; o'zbek she'riyatida ilk sonet U.Nosir tomonidan yaratilgan. Shekspirni sovetnavis sifatida A.S.Pushkin, keyinchalik 1841-yil Belinskiy "Adabiyotning tur va janrlarga bo'linishi" nomli maqolasida e'tirof etishgan edi. 19-asrning 40-yillarida Rossiya adabiy-madaniy muhitida Shekspir dahosiga sig'inish darajasida mashhur bo'ladi.⁵⁵

Har qanday badiiy asarda bo'lganidek, "Sonetlar" da ham badiiylik masalasi

⁵⁵ Левин.Ю.Д. На путях к реалистическому истолкованию Шекспира. – в кн; Шекспир и русская литература. М. – Л., 1965, с 317

hal qiluvchi o'ringda turadi. Shekspir "Sonetlar"ida ifodalangan mazmun bilan birgalikda uning qay darajada san'atkorlik bilan yuzaga chiqarilganligini aniqlash, "Sonetlar" badiiy qimmatini xususida fikr yuritish g'oyat mushkul, shu bilan birga qiziqarli vazifa. Ayniqsa, Respublikamiz o'z mustaqilligini qo'lga kiritganidan keying davrda jahon madaniy merosini chuqurroq o'rganish, dunyo adabiy-madaniy jarayoni taraqqiyotida milliy madaniyatimiz, adabiyotimiz o'rni, jahon badiiy adabiyoti bilan bog'liqligi masalasi dolzarb bo'lib qoldi. Biz o'z oldimizga Shekspir "Sonetlar"ida badiiy tasvir vositalarining o'rni, mavzu xarakteriga mosligi, badiiy til xususiyatlarini "Sonetlar"ning o'zbekcha tarjimalari bilan muqoyasa qilgan holda o'rganishni maqsad qilib qo'ydik. Shekspirning 1-soneti sharhlovchilar tomonidan Uyg'onish davri ingliz poeziyasining an'anaviy mavzulari bo'yicha adabiy urunish sifatida talqin qilinadi:

From fairest creatures we desire increase,
That thereby beauty's rose might never die,
But as the ripener should by time decease,
His tender heir might bear his memory:
But thou, contracted to thine own bright eyes,
Feed'st thy light's flame with self-substantial fuel,
Making a famine where abundance lies,
Thyself thy foe, to thy sweet self too cruel.
Thou that art now the world's fresh ornament
And only herald to the gaudy spring,
Within thine own bud buriest thy content
And, tender churi, makest waste in niggarding.
Pity the world, or else this glutton be,
To eat the world's due, by the grave and thee.

Bu sonetda o'z go'zalligiga maftun bo'lgan o'spirin obrazi "o'zini o'ziga" qizg'anib gul yoshligini, umr bahori – yigitlik yillarini behuda sarflayotgan baxil odam bilan qiyoslanadi. Shoir ziqnalikni yerga hamisha yangi hayot bag'ishlovchi saxovatli tabiat, bir muddat barq urib ochilgan gul va keyin gulbarglari orasiga yashirgan boyligi – urug'ini ona-zaminga sochib, "avlod"larining unib chiqishini ham kutmay yerga bosh qo'ygan "qahramon" gulag qarama-qarshi qo'yadi. Buning uchun avlodlari undan minnatdor bo'lishini ta'kidlaydi:

But as the ripener should by time decease,
His tender heir might bear his memory:
But thou, contracted to thine own bright eyes, -
Qarigan gul bargin to'ksa mayliga,
Ketidan g'unchalar yozajakdir gul...

Inglizchada "the ripener" (yetuk, gullagan) to'rtinchi qatordagi "tender" epiteti bilan qiyoslanmoqda. Bu epitet Shekspir davrida asosan balog'at yoshidagi yigitlarga nisbatan qo'llanilgan. "His" – "gul"ga taalluqli, ingliz tilida esa gul – mujskoy rodda ifodalanadi. 1-sonetda go'zallik, yoshlikni vaqtida qadrlab so'ldirmay, buyuk ishlarga baxshida etishga da'vat qilingan bo'lsa, 2-sonetda 2 kontrast (qarama-qarshi) manzara tasvirlangan: yolg'izlikdan qurimoq va yoshligini, umrini farzandlariga baxshida etib raqibi – qarilik ustidan g'olib kelib tantana qilish. Zamon, vaqt tushunchasi insonni qamal qilayotgan yov obrazida ifoda etilgan:

When forty winters shall besiege thy brow,
 And dig deep trenches in thy beauty's field,
 Thy youth's proud livery, so gazed on now,
 Will be a tatter'd weed, of small worth held:
 Then being ask'd where all thy beauty lies,
 Where all the treasure of thy lusty days,
 To say, within thine own deep-sunken eyes,
 Were an all-eating shame and thriftless praise.
 How much more praise deserved thy beauty's use.
 If thou couldst answer 'This fair child of mine
 Shall sum my count and make my old excuse,'
 Proving his beauty by succession thine!
 This were to be new made when thou art old,
 And see thy blood warm when thou feel'st it cold.

Mazkur sonet poetik til jihatidan 1-sonetga yaqin turadi. Agar birinchi sonetda shoir do'stini "ziqna" deb atagan bo'lsa, bu yerda uni kelajakda kutayotgan "sharmandalik"dan ("all-eating shame") ogoh etishga urinadi; "baxillik" qilib o'z umrini behuda sovurish (makest waste in niggarding) mavzusi bu sonetda ham davom ettirilgan ("thriftless praise")

Birinchi satrdagi "forty" (son) – Uyg'onish davri she'riyatida katta, lekin noaniq miqdorni ko'rsatish uchun ishlatilgan. Bizningcha, bu o'rinda "forty winters" – "umrning adog'i" deb tushunilish mumkin.

O'zbekcha tarjimasida tarjimon aniq sonni ko'rsatib, inson umrining turli pallasini qiyoslaydi:

Umrдан qirq qishning mash'um ayozı...

Kim eslar shohona go'zallik yozin?

Shekspir "Sonetlar"i va ularning tarjimalari jahon madaniy-adabiy taraqqiyotida alohida o'ringa ega. Ayniqsa Sharq va G'arb adabiyoti mushtarak bo'lgan bugungi kunda ularni o'rganish, tadqiq etish, tarjimalar bilan qiyoslab baholash kelajakda, shubhasiz, asliyat tilidan qilinadigan tarjimalar uchun asos bo'ladi.

ЗАМОНАВИЙ ОИЛАДА ФАРЗАНДЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ БАЪЗИ ТУРЛАРИ

*Бекимбетова Гулбахар Рисбоевна - ҚРХТХҚТвУМОИ «Педагогика,
 психология ва таълим менежменти» кафедраси катта ўқитувчиси*

«Хар қандай миллатнинг ўзига хос маданиятини шакллантириш ва кучайтиришда шубҳасиз оиланинг ўрни ва таъсири беқиёс бўлиб ҳисобланади. Сабаби, инсоннинг энг тоза ва покиза туйғулари, дастлабки ҳаётий тушунчалари илк бор оилада шаклланади».⁵⁶ Оила Ватан ичидаги кичик Ватан бўлиб фарзандларимизнинг инсон бўлиб шаклланишида ўрни беқиёс ҳисобланади.

Инсон зоти туғилар экан, у ҳаёти давомида ўз йўлини осон топишга бахтли яшашга икки нарсада хатоликка йўл қўймаслиги керак.

⁵⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008.

Биринчи йўл - умр бўйи сизга содиқ инсон – умр йўлдоши танлаш; Иккинчи йўл - ўз севган касбини тўғри танлаши. Сабаби, инсон ўз севган касби асосида халқига нафи тегадиган етук мутахассис бўлиб элга танилади. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва таълим ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тасдиқланди. Бундан мақсад - «Таълим тармоғини тубдан ўзгартириш, ўтмишдан қолган ғоявий қарашлар ва қолдиқларни бутунлай тозалаш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юқори маънавият ва одоб-ахлоқ талабларига жавоб берадиган олий малакали мутахассислар тайёрлаш, миллий тизимни яратишдан иборат эди».⁵⁷ Дастурдаги бош мақсад «Кадрлар тайёрлашнинг мазмунини турмушда қўллаш ва мустақил фикрлайдиган, миллий мустақиллик ғояси билан қуролланган миллий мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштиришга қаратилган».⁵⁸ Юртбошимизнинг айтганидек: «Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли, фарзанд, нафақат ота-онанг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир»⁵⁹ – деган эди. Фарзандларимизнинг давлатимизга нафи тегадиган комил инсонни шакллантириш, туғилиб усган Ватани учун жонини фидо этадиган кадрларни шакллантириш - бу биринчидан оиланинг ва мактабнинг бола тарбиясидаги маъсулиятли вазифаси ҳисобланади.

Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатадики, болалар тарбиясига масъул, ўсиб келаётган боланинг психологиясига, унинг қизиқишига, қобилиятига, келажакда ўз фарзандининг қайси касб-ҳунарга қизиқишига йўналиш берадиган ва ички дунёсига қулоқ соладиган инсон бу унинг ота-онаси бўлиб ҳисобланади. Ота-она болани ўйинчоқлар оламида синаб кўрар экан, боланинг қайси касб-ҳунарга қизиқишига эътибор қаратади, бола ўйинчоқлар оламига кириб, қайси ўйинчоқ билан кўпроқ ўйнаса ва болада шу касбга бўлган қизиқишнинг бор эканлиги намоён бўлади.

Демак, оилада ота-она мактаб билан биргаликда ҳамкорликда бўлиб, фарзандининг келажакда Ватанига нафи тегадиган комил инсон қиёфасини яратиш учун қуйидаги методларин қўллаши мумкин:

- Ҳар бир ота-она оилада фарзандларига касб-ҳунар ҳақида, касб-ҳунарнинг турлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш;
- Ота-она фарзандларинг касб-ҳунар танлашда уларинг қизиқишлари ва қобилиятларига эътибор бериш, касб-ҳунарга тўғри йўналтириш, мактабдан ташқари вақтлари фарзандларни ҳар хил тўғарақларига жалб қилиш;
- Ота-она мактаб билан ҳамкорликда бўлиш, фарзандларнинг меҳнат қилишга лаёқатини шакллантириш;
- Мактабда ўқувчилар билан касб-ҳунар ҳақидаги тадбирлар, учрашувлар, семинар-тренинглар ташкиллаштириш ва ҳаказо.

Таълим-тарбия ҳақидаги китобларида фарзанд ҳақида шундай фикрлар битилган: «Фарзанд ота-она қўлидаги омонатдир, унинг дили эса нафис гавҳарга ўхшайди. Гавҳарга ҳар хил нақшлар солиш мумкин бўлгани каби,

⁵⁷ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: 1998, 39-бет.

⁵⁸ Косназаров К., Пазылов А., Тилегенов А. Қарақалпақ этнопедагогикаси. «Билим», 2009, 71-бет.

⁵⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008.

бола дилига ҳам турли фикрлар нақшини солиш мумкин. Бола тоза ер кабидир, унга қандай уруғ сепсанг, ўша уруғ унади. Шунинг учун ота-она ва муаллим бу ишда ўзаро ҳамкор бўлиб; унинг дилига яхшилик уруғини сепмоғи лозим».

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРГА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД БИЛИМЛАР БЕРИШ.

*Б.Арзымбетова ҚРХТХҚТ ва МОИ «Табиий ва аниқ фанлар таълими»
кафедраси катта ўқитувчиси*

Табиат – инсоннинг моддий ва маънавий талабларини қондирувчи биринчи манба. Шу сабабли ҳам табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар, қадимдан бугунги кунгача, барчани қизиқтириб келувчи муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Жамият табиатнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, бошқа қисмларидан фарқли ўлароқ, атроф-муҳитга нисбатан онгли ва аъктив муносабатда бўладиган қисмидир. Табиат абадий мавжуддир. Шунинг учун табиат қонунларининг кўпчилиги абадий қонунлар ҳисобланади. Энергиянинг бир турдан иккинчи турга айланиш қонуни шулар жумласидандир. Табиат қонунлари стихияли кучлар тарзида амал қилади. Масалан, кучли шамоллар, денгизда кучли довуллар, кутилмаганда ер қимирлашлари, тоғларда муз, қор ва тупроқнинг кўчиши ва бошқалардир. Бугунги кунда сувнинг потенциал энергияси, атом энергияси, денгизларда сувларнинг кўтарилиш ва пасайиш энергияси, термоядро энергияси, ер бағридаги иссиқ сув энергияси, қуёш ва шамол энергияси кабиларнинг инсон томонидан забт этилиши бунга яққол мисол бўла олади. Атмосфера ниҳоятда кенг, аммо ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ривожланиши натижасида, атмосфера таркиби ифлосланиб бормоқда. Ифлосланган ҳаво инсонга зарар етказди. Ҳавоси бир неча минглаб тонна қиммат баҳо металл чанг тутунлар билан бирга учуб кетади, тузлар билан чанглар бу инсонга иқтисодий зарар келтириши билан бирга ҳавони ифлослайди. Ифлосланган атмосфера ўсимликлардаги фотосинтезни 1,5-2 марта камайтиради. Бундан ташқари дарахт илдизларини сиқиб, физиологик процессларни ўзгартириб юборади. Ҳавонинг ифлосланиши натижасида касалликлар, бахтсиз ҳодисалар кўпаяди, кишиларнинг меҳнат қобилиятлари пасаяди. Табиий фанлар (физика, кимё, география, биология) да ҳам ушбу масалаларни ўрганишда кенг имкониятлар мавжуд. Масалан бу фанларнинг барчаси инсониятнинг глобал муаммоларини аниқлашга ёрдам беради. Бу фанлар табиатни, унинг қонунлари ва жараёнларини инсоннинг табиатдаги ўрни масалаларини муҳокама қилиш учун жуда қулай. Табиий фанлардан ўтилган мавзуларда ресурс тежамкорлик ва эколик ҳавфсиз янги технологияларни жорий этишнинг афзалликларини қизиқарли тарзда баён этиш мумкин. Экологик таълим ва тарбия бериш орқали кишиларда жумладан ёшларда коинотдаги ягона ҳаёт мавжуд бўлган ер сайёраси ҳақидаги тасаввурлар, ўз яшаш муҳити тўғрисидаги билимлар атрофимиздаги олам, табиат ва инсонларини ўзаро узвий боғланганлик ҳақидаги илмий-назарий дунё-қарашлар, ўз ватанининг экологик тизимларининг пайдо бўлиши, макон ва майдон бўйича тарқалиш қонуниятлари, ундан келиб чиқидиган

хусусиятлари, бойликлари, ҳолати, келажак истиқболлари, амалий экологик кўникма ва малакалар, ер шарини мукофаза қилиш, унинг бойликларидан оқилана фойдаланиш ва бузилган табиат неъматларини қайта тиклашга оид муаммоларини англаш ва уларнинг ечимни топишга доир тўғри қарорларни қабул қилиш компетенцияси, уларни танглаган касбларга қараб экологик таълим ва тарбия шаклландирилади ва ривожлантирилади. Умуман экологик билимларни интеграциялашда маҳаллий халқнинг маданияти ва анъаналарини замонавий таълим технологиялари, оммавий ахборот воситалари ва мультимедиа имкониятлари билан уйғунлаштирган ҳолда фойдаланилса экологик таълим-тарбиянинг самарадорлиги ошади.

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АДАБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ.

*Файзуллаев Ш.Н. СамДАҚИ п.ф.н. доцент
Файзуллаева Г.Ш. СамДУ 2-босқич КИХИ*

Инсоният тафаккури ва амалиёти тарихидаги адабий категорияларидан бири бўлмиш *тарбия* ҳамиша жамиятдаги етакчи ахлоқий кадриятлар билан уларнинг одамлар томонидан бажарилиши ўртасидаги мувозанатни таъминлашга йўналтирилиб келинади. Муайян жамият ундаги устувор бўлган маънавий, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа кадриятлар ҳамда талабларга амал қилган ҳолда тараққий этади. Жамиятнинг устувор кадриятлари қанчалик умуминсоний бўлса, шунчалик умрбоқийлик касб этади. Кадриятлар тизимидаги ўзгаришлар ижтимоий тузумни ўзгартиришга олиб келганидек, унинг тарбия тизимини ҳам ўзгаришига олиб келади. Шу нуқтаи назардан бугунги кун жамиятининг ўзгариши педагогик қарашлар тизимида ҳам турлича янгилашларни юзага келтирди.

Маълумки, ҳар қандай жамият ўз аъзоларига муайян ижтимоий идеаллар асосида ёндашади ва фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари, қарашлари ва яшаш тарзлари ана шу ғояларга мувофиқ келишини хоҳлайди. Шу маънода тарбия ислоҳида олиб бориладиган ҳар бир методологик иш кўлами аҳамиятлидир. Ҳар бир жамият ва замон ўзига яраша педагогик қарашлар тизимига эга бўлади. Негаки, муайян жамият ва замонда яшаётган кишиларнинг таълим-тарбия ҳақидаги етакчи фикрлари унинг педагогикасида акс этган бўлади. Шунинг учун миллий педагогикамиз жаҳон тарбияшунослик фанидан ажралиб қолмаган ҳолда, ўзининг тараққиёт тенденцияларини белгилаб олган.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда, шунингдек илғор педагогик фикрлар тараққий топган юртларда педагогика фани ва амалиёти олдида эндиликда мутлақо ўзгача мақсад қўйилмоқда. Бугунги илғор педагогиканинг эътибори мутахассис тайёрлашдан шахсни шакллантиришга кўчган. Яъни педагогиканинг диққати тарбияланувчи шахсини ҳар жиҳатдан камол топтиришга, уни ўзига хос тарзда фикрлайдиган, мустақил хулосаларга кела оладиган, ўзгаларнинг қарашларига мослашишни ўйламайдиган, ижодкор ташаббускор, масъулиятни зиммасига олишдан чўчимайдиган, таваккал қилишга қодир, фаол инсон қилиб шакллантиришга

қаратилади. Бугунги кун педагогик жараёнини сидқидилдан ўзлаштиргани ва тоқатли бўлгани учунгина “аъло” баҳоларга ўқийдиган лицей ёки коллеж ўқувчиларини тайёрлаш қониктирмайди. Ҳозирги кунда таълим-тарбия ўз олдига ўзи вазифа қўя оладиган, бирор қарорга келишда бировнинг оғзига қараб турмайдиган, ўзини ўзи ривожлантирадиган, ўз фаолиятини ўзи назорат қила биладиган ёрқин шахсиятларни шакллантириш масалалари билан шуғулланади. Ҳозирда замон муаммоларини ҳал этиш учун билимнинг ўзи етарли эмаслиги, бугун таълим-тарбия муассасаларида шакллантирилаётган шахслар воқеликка ижодий назар билан қарай билиши, қуюшқонлардан ташқарида фикрлай олиши муҳимлиги, хулласки, тарбияланувчиларда кучли шахслик сифатларининг ҳосил қилиниши янги педагогик фикр учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Тарбия ўқувчининг табиатида бўлмаган фазилатларни шакллантиришга ёки бор бўлган айрим кераксиз сифатларни йуқотишга қаратилган фаолият экан, ўқувчи шахсиятига дахлдор барча жиҳатларни кўзда тутгандагина олдига қўйган мақсадга эриша олади. Янгиланган педагогика бола табиатини, маънавиятини шакллантиришда тарбия тутган бекиёс ўринни тан олган ҳолда, тарбия бу борада барча муаммоларни ҳал қилади деган даъводан ҳақли равишда тийилади. Чунки тарбия қандай методологияга таянганлигидан, қандай метод ва усуллардан фойдаланганлигидан қатъий назар одам шахсини шакллантириш жараёнининг барча қирраларини қамраб ола билмайди.

Демак, педагогика гуманизациялашган, яъни таълим-тарбия жараёнидаги энг асосий қадрият – тарбияланувчи шахси барча тарбиявий тадбирларнинг марказига қўйилган шароитда ўқувчилар маънавиятини шакллантириш борасида энг кўп самара бериши мумкин бўлган узлуксиз таълимда олиб борилаётган адабиёт таълими муаммоларига алоҳида эътибор қаратилиши табиийдир. Педагогик жараён бутунича инсонийлашиш йўлига кирар экан, асл моҳиятига кўра гуманистик табиатга эга бўлган бадий адабиёт ўқитишнинг мавқеи ортади. Ўз-ўзидан бу жараён шахс шаклланишининг асосий босқичи бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида адабий таълимни ислоҳ қилиш, уни нафақат бугун, балки узоқ келажак талабларига ҳам жавоб бера оладиган даражага кўтариш, энг муҳими, дидактик адабиётни комил инсонни тарбиялаш ишига самаралироқ йўналтириш каби бир қатор мақсад ва вазифаларни қўяди. Ушбу мақсадни амалга ошириш йўлида бир қанча қадамлар босиб ўтилган, адабиёт ўқитиш методикаси янги босқичга кўтарилган бўлса-да, узлуксиз таълим жараёнида адабиёт ўқитишнинг узвийлиги ҳамда мавзулар ўқитишнинг узлуксизлиги тўла таъминлай олингани йўқ.

Умумий ўрта ҳамда касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчиларда бадий ижодкорлик сифатларини шакллантиришнинг узвийлигини таъминлаш муаммолари алоҳида тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган. Шу сабабли, адабий таълим орқали комил инсон сифатларини шакллантиришда ягона методологик асосга қуриладиган узвий тизимни яратиш адабиёт таълими назарияси ва методикасининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Фикримизга кўра, бундай тизим қуйидаги концептуал асосларга таянган ҳолда яратилиши мумкин:

- узвийлик мактаб адабий таълимида тўпланган тажрибаларни умумлаштирган ҳолда, навбатдаги босқичларга ўтказишга қаратилганлиги билан адабиёт таълимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади;

- адабиёт фанини ўқитишдаги узвийлик тамойили кадрятларни акс эттирувчи аксиологик, таълим ва тарбия методларининг мувофиқлигини таъминловчи антропологик, фаолият кўрсатиш муҳитини лойиҳалаш каби ташкил этувчиларни ўзида мужассамлаштиради.

Шундай қилиб, узвийлик, адабиёт таълимида мавзулараро узлуксизлик тамойилининг барча таълим босқичларида устувор вазифа сифатида амалга оширилиши шахс потенциалининг тўла рўёбга чиқарилиши, педагогик тафаккурнинг ривожланиши, ўқувчиларда унинг ўзига мос касбий фаолият соҳасининг танлаши ҳамда имкониятларини амалга ошириши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади.

INTERFAOL TA'LIM - DARS SAMARADORLIGINING MUHIM OMILI

Sanoat Zohidova SamDU katta ilmiy xodim-izlanuvchisi

Mamlakatimiz rahbari I.A.Karimov ta'kidlaganidek: «Mustaqillikning dastlabki yillaridanoq butun mamlakat miqyosida ta'lim-tarbiya, ilm-fan, kasb-hunar o'rgatish sohalarini isloh qilishga nihoyatda katta zaruriyat sezila boshlandi»⁶⁰. Yurtimizning kelajagi, uning ertangi taqdiri, ozod va obod jamiyat qurilishiga erishishimiz ham ma'lum ma'noda shu islohatlarning natijasiga bog'liq edi. «Chunki ta'lim-tarbiya-ong mahsuli, lekin ayni vaqtda ong darajasi va uning rivojini ham belgilaydigan omildir. Binobarin, ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirmasdan turib ongni o'zgartirib bo'lmaydi. Ongni, tafakkurni o'zgartirmasdan turib esa biz ko'zlagan oliy maqsad- ozod va obod jamiyat barpo etib bo'lmaydi»⁶¹ degan yurtboshimizning fikrlaridan ta'lim-tarbiya islohoti, yuqori malakali kadrlar tayyorlashga erishish mamlakatimiz taraqqiyotini ta'minlovchi asosiy omillardan biri ekanligini bilib olishimiz mumkin.

Ta'lim-tarbiya tizimini, jumladan, kadrlar tayyorlash tizimini isloh qilishning muhim omillari kadrlar tayyorlash milliy dasturida ko'rsatib berildi va ular quyidagilardan iborat:

- respublikaning demokratik huquqiy va adolatli fuqarolik jamiyati qurish yo'lidan izchil ilgarilab borayotganligi;

- mamlakat iqtisodiyotida tub o'zgarishlarning amalga oshirilishi, respublika iqtisodiyoti asosan xom ashyo yo'nalishidan raqobatbardosh pirovard mahsulot ishlab chiqarish yo'lga izchil o'tayotganligi, mamlakat eksport salohiyotining kengayayotganligi;

- davlat ijtimoiy siyosatida shaxs manfaati va ta'lim ustuvorligi qaror topganligi;

- milliy o'zlikni anglashning o'sib borishi, vatanparvarlik, o'z vatani uchun iftixor tuyg'usining shakllanayotganligi, boy milliy madaniy-tarixiy an'analarga va xalqimizning intellektual merosiga hurmat;

⁶⁰ I.Karimov. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni-xalq, millatni-millat qilishga xizmat etsin. «Tafakkur»jurnali, 1998y, 2-son, 29 bet.

⁶¹ O'sha joydan. 29-30 bet.

• O'zbekistonning jahon hamjamiyatiga integratsiyasi, respublikaning jahondagi mavqeyi va obro'-e'tiborining mustahkamlanib borayotganligi⁶²

Ta'lim-tarbiya sohasida olib borilayotgan tub islohatlarning asosiy yo'nalishlari:

- ta'lim tizimini, mazmunini isloh qilish;
- ta'lim-tarbiya boshqaruvini isloh qilish;
- ta'limning bozor iqtisodiyotiga asoslangan mexanizmini yaratish;

• ota-ona, o'qituvchi, o'quvchining ta'lim jarayoniga bo'lgan yangicha qarashlarini shakllantirish va bu islohatlarning bosh harakatlantiruvchi kuchi yangi pedagogik texnologiyani amaliyotga tatbiq etishdan iborat.

Ta'lim tizimi va o'quv-tarbiya ishlari sohasiga turli o'zgarish, yangilik va pedagogik texnologiyalarni jalb qilish muammolari «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» ni ro'yobga chiqarish bosqichlarida o'ziga xos tarzda ko'rsatib berilgan. Mazkur dasturni ro'yobga chiqarishning birinchi bosqichi (1997-2001 yillar)da - «o'quv-uslubiy majmualarning hamda ta'lim jarayonini didaktik va axborot ta'minotining yangi avlodini ishlab chiqish va joriy etish», ikkinchi bosqich (2001- 2005 yillar)da - «ta'lim muassasalarining moddiy-texnika va axborot bazasini mustahkamlashni davom ettirish, o'quv-tarbiya jarayonini yuqori sifatli o'quv adabiyotlari va ilg'or pedagogik texnologiyalar bilan ta'minlash, uzluksiz ta'lim tizimini axborotlashtirishni amalga oshirish», uchinchi bosqich (2005 va undan keyingi yillar) da «ta'lim muassasalarining resurs, kadrlar va axborot bazalarini yanada mustahkamlash, o'quv-tarbiya jarayonini yangi o'quv-uslubiy majmualar, ilg'or pedagogik texnologiyalar bilan to'liq ta'minlash» vazifalari belgilab qo'yilgan.

Pedagogik texnologiyalarning bugungi kunda eng ommaviylashgan turlaridan biri-bu interfaol metodlardir. Interfaol metodlar o'quvchi va o'qituvchining birgalikdagi faoliyati bo'lib, asosan o'quvchilarni fikrlashga undaydi. Kerakli xulosalarga kelishni, ular o'zini tahlil qilishni va amaliyotda qo'llashni o'rgatadi. O'qituvchining asosiy vazifasi bu yerda o'quvchilarga yo'l ko'rsatish, yo'nalish berish, eng to'g'ri xulosani aytishdan iborat.

O'qitish metodi ta'lim oluvchi va o'qituvchining o'qitish jarayonidagi o'zaro aloqa shaklidir. O'qituvchi va o'quvchi orasidagi jarayon aslida o'quvchini u yoki bu bilim ko'nikma va malakalarini o'zlashtirish maqsadida bog'lab turganligini ko'rsatib turadi. Agar keng ko'lamda oladigan bo'lsak, o'qitishning birinchi kunlaridan to shu kungacha o'qituvchi va o'quvchi orasidagi keng ma'noda uch xil bog'lanish shakllangan bo'lib, u o'z tasdig'ini topgan. Ko'rinib turibdiki, uslubiy yondashuvda o'qituvchining barcha metodini uch guruhga bo'lishimiz mumkin:

1. Nofaol metod.
2. Faol metod.
3. Interfaol metod

Nofaol uslubiy yondashuv-bu o'quvchi bilan o'qituvchi orasidagi bog'liqlik shaklidir. Bunda o'qituvchi darsning asosiy harakatlanuvchi figurasi hisoblanadi, o'quvchilar esa nofaol eshituvchi sifatida namoyon bo'ladi. Mazkur metod

⁶² Barkamol avlod-O'zbekiston taraqqiyotinig poydevori. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi.T., «Sharq», 1998y, 38-bet.

darslardagi tezkari mustaqil savol-javoblarda, nazorat ishlarida, test va boshqa usullarda aks etadi. Nofaol metod o`quvchilarning o`quv materialini o`zlashtirishlaridagi eng samarasiz usul hisoblanadi. Bu dars turi oliy o`quv muassasalarida keng tarqalgan bo`lib, keng yoyilgan shakli ma`ruzadir.

Faol uslubiy yondashuvda o`qituvchi bilan o`quvchi bir-biri bilan o`zaro aloqada bo`ladi. Dars jarayonida o`quvchi nofaol tinglovchi emas, balki darsning faol ishtirokchisiga aylanadi. Agar nofaol dars metodida asosiy harakat qiluvchi figura o`qituvchi bo`lgan bo`lsa, bu metodda o`quvchi va o`qituvchi teng huquqqa egadir. Nofaol darslar o`qitishning avtoritar uslubiga ega bo`lgan bo`lsa, faol metodlar demokratik uslubga egadir.

Interfaol uslubiy yondashuvda o`quvchilar bilish va o`rganish jarayoniga butunlay sho`ng`ib ketadilar, ular o`zlari bilgan va o`ylayotganlari xususida bahslashishilari ham mumkin. Interfaol darslarda maqsadga erishish uchun yetarli zamin yaratadi. O`qituvchi dars rejasini tuzadi (qoida bo`yicha interfaol mashq va topshiriqlar o`quvchi o`zlashtirayotgan material bilan o`zaro bog`liq bo`ladi). O`quvchilar bajaradigan interfaol darsdagi interfaol mashq va topshiriqlar uning asosiy tarkibi hisoblanadi.

Interfaol metodlar o`quvchilarda doimiy faollikni ta`minlaydi.

O`quvchilar dars davomida bo`sh qolmaydilar, ular mavzuga oid biror bir muammo bilan band bo`ladilar. Natijada esa zerikish holatini oldi olinadi. Oddiy mashq va topshiriqlardan shunisi bilan farqlanadiki, ularni bajarish jarayonida o`ragilgan material nafaqat mustahkamlanadi, balki yana yangilari ham olinadi. Shuningdek, bu mashq va topshiriqlar interfaol yondashuvga mo`ljallangan bo`lib, zamonaviy pedagogikada ham uning boy zaxirasi to`plangan, shulardan quyidagilarni ajratib olamiz:

1. Ijodiy topshiriq.
2. Kichik guruhlar bilan ishlash.
3. Ta`limiy o`yinlar (rolli, maqsadli va bilim beruvchi o`yinlar).
4. Jamiyatdagi zahiralardan foydalanish (mutaxassis taklif etish, ekskursiyalar).
5. Ijtimoiy loyihalar va auditoriyadan tashqari beriladigan ta`lim metodlari (ijtimoiy loyihalar, radio va gazetalar, filmlar, sahna asarlari, qo`shiq va ertaklar).
6. Razminka.
7. Yangi materialni o`rganish va mustahkamlash (interfaol ma`ruza, ko`rgazmali qurollar bilan ishlash, video va audio materiallar, “o`quvchi-o`qituvchi rovida”, “har bir kishi har bir kishiga o`rgatadi”), mozayka (ajurli arra) savollardan foydalanish, suqrotli dialog).
8. Murakkab va muzokara talab savol va muammolarni yechish (“fikir maktabi”, “pozitsiyani egalla”, “POPS” loyihalashtirilgan texnikalar, “bir o`zing, ikki kishi birgalikda”, “pozitsiyani o`zgartir”, “karusel”, “televizion tok shou uslubida munozara”, debatlar, simpozium).
9. Muammo-yechim (“yechimli daraxt”, “aqliy hujum”, “kazuclar tahlili”, “kelishuvlar va mediatsiya”) va hokazo.

Xullas, hozirgi zamon ilm-fan, texnika rivojlanib borayotgan bir paytda ta`lim sohasida ham tub o`zgarishlar sodir bo`lishi tabiiydir. Bu ta`limda sifat va samaradorlikka erishishning bosh omilidir.

ЁШЛАРДА МАДАНИЙ САВИЯ ВА БИЛИМНИНГ ШАКЛЛАНИШ АСОСЛАРИ

*Қарши давлат Университети Тарих факультети “Ижтимоий фанлар”
кафедраси ўқитувчиси Сохибова Л.Ж.*

Ёшларнинг маданий савиясини шакллантиришда аввало унинг билими ва қай даража тарбия олганлиги билан боғлиқдир. Ҳаёт ҳақиқатини англаш ва билиш учун аввало инсонда билим бўлмоғи лозим. Чунки, инсоннинг комиллик даражаси унинг билим асосидаги эзгу фаолияти билан эришиш мумкин бўлган маънавий юксакликдир. Шу билан биргаликда ҳаёт ҳақиқатини англашда фалсафа ва маданият дунёқарашнинг кенглиги, таълим-тарбия чамбарчас боғлиқдир. Шундагина, узлуксиз таълим бериш ва мақсадли тарбиялаш орқалигина комиллик сифатларига эга бўлган баркамол инсонларни вояга етказиш мумкин. Шу боисдан ҳам бугунги кунда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи тобора давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Зеро, “Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бугун жамиятнинг энг катга бойлигидир”⁶³.

Инсонни тарбиялаш, маданий савиясини шакллантириш айниқса унга таълим бериш, юксак қадриятли, дунёқараши кенг қамровли чуқур, билимдон ҳамда соғлом ёш-авлодни тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидандир. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида шахсни ижтимоийлаштириш, уни ҳар томонлама шакллантириш, камолга етказиш, ривожлантириш асосий вазибалардан биридир. Айни шунинг учун ҳам истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ёшлар камолотини таъминлашга қаратилган кенг қамровли Ёшлар сиёсати туфайли юртимизда миллий кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-иқтисодий ва маърифий асоси ва ёшларга бўлган эътибор кучайтирилди.

XXI аср – ахборот асри деб таъкидланади. Бу яхшидир балки, сабаби кундалик турмуш тарзи, жамиятнинг турли соҳаларига бўлаётган янгиликлар, ўзгаришларни технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ижобий томони. Лекин бу ерда асосан интернет, компьютер уяли алоқа тизимларидан фойдаланиш маданиятини билиш уни тушуниш даркор. Салбий томони шундаки, бу ерда асосий масала ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ва маданий савиясини пасайиб кетишига олиб келмоқда. Масалан ёшларнинг маданий савиясини пасайиши улар тарбиясидаги қуйидаги ҳолатларни намоён этадиган бўлади.

1. Жиззаки, қайсар бўлиб қолиши;
2. Ҳамма нарсага юзаки қарашлик (эътиборсизлик);
3. Қисқа ёки тор фикрловчи бўлиши;
4. Ўзини фикрини тўлиқ баён этолмаслиги;
5. Мустақил ва соғлом фикрга эга эмаслиги;
6. Мақсадли ҳаёт тарзидан чиқиши;

Юқорида фикрлар умумлаштириб, бу ҳолат олимлар олдида бугунги

⁶³ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – 56 б.

кунда фалсафа ва ҳатто фан учун ҳам қандай билимлар зарурлиги, қандай билимларни узатиш, билимларнинг ривожланиш динамикаси, билимларнинг турли соҳалардаги инновацияларга айланиш тезлиги, сунъий интеллект, ахборот маданияти каби кўплаб масалаларни тадқиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Замонавий тараққиёт талабларига мос келадиган ёшларни тарбиялаш, уларнинг дунёқарабини шакллантириш, чуқур билим ва малакагали кадрлар тайёрлаш ҳар бир малакали мутахассиснинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ёшларнинг маданий савиясини шакллантиришда асосан қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим. Масаланинг энг муҳим томони шундаки, етишиб келаётган ёш авлодга миллий тарбияни кучайтириш лозим. Оммавий маданият деб бизга кириб келаётган ёт ғояларни миллий тафаккур билан, миллий маданият билан аралаштирмаслик лозим. Чунки, ҳар кимнинг ҳаёт йўли ҳар хил. Фикр мулоҳазага қўшимча қилиб, Лев Толстойнинг “Ҳаёт йўли” асарида таъкидланишича, “Ҳеч кимнинг ҳаётини бошқа биров яхшилаб бера олмайди ҳар ким ўз ҳаётини ўзигина ўнглай олиши мумкин”. Шундай экан таълим-тарбияни, маданий савияни юксалтиришимиз, ҳар бир юртдошимиз онгига чуқур сингдиришимиз лозим. Ўйлайманки, шундагина ҳар бир инсонга лоқайдлик ёт бўлиб, у фаровон жамият барпо этиш баробарида маънавиятини ҳам камол топтириб боради. Шундагина биз, халқимиз ўтмишида ўтиб кетган улуғ зотларнинг, бобокалонларимиз томонидан ёдгор бўлиб келган маънавий ва маданий савиямизни асраб қоламиз.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Усмонов А.Ш. ТАТУ СФ ассистенти

Ҳозирги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар узвийлиги ва босқичма-босқичлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу жараён умумий ўрта таълим мактабидан сўнг ўқувчилар ўрта махсус, касб-хунар таълими билан тўла қамраб олинишида намоён бўламоқда. Шу боис барча таълим муассасалари бугунги талабларга жавоб берадиган замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозланган.

Таълим муассасаларида амалга оширилаётган таълим – тарбия ишларининг барчаси ёшларни баркамол инсон қилиб шакллантиришга йўналтирилган. Айниқса, бўлғуси мутахассисларни касбга тайёрлашда, уларни эркин фикрловчи малакали кадр қилиб етиштиришда мустақил таълимнинг аҳамияти жуда катта ҳисобланади.

Олий таълим тизимида назарий билим бериш билан биргаликда, мустақил таълим бериш ҳам муҳим саналади. Бу талабаларни мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантиришда хурфикрли бўлиш, журъатсизлик ва ишончсизликдан ҳоли бўлган ўзининг билими ва кучига таяниб яшайдиган комил инсонни тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг олий таълимга доир меъёрий ҳужжатларида мустақил таълим, талабаларнинг мустақил ишлари ўқув

машғулотларининг турларидан бири, таълим олишнинг муҳим шакли, усули сифатида кўрсатилган.

Олий таълим тизимида талабага мустақил таълим олиш малака, кўникмаларини шакллантириш ишларини режали ва секин - аста мураккаблашиб, юқорилаб борадиган босқичлар шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Мустақил таълим олишни тизимли ташкил этилса, бўлғуси мутахассисни билимли, салоҳиятли, эркин фикрловчи қилиб тарбиялашга замин яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақил таълим олиш олий таълим тизимида талабаларни илмий фаолият билан шуғулланишга, мустақил илмий изланишлар олиб боришга ундайди. Мамлакатимизда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир юксак салоҳиятли малакали кадрлар тайёрлаш учун барча шароит яратилган. Узлуксиз таълимнинг тизимли йўлга қўйилгани ҳар бир талабада ўзига мос касб-ҳунар эгаллаши, истеъдодини тўла рўёбга чиқаришида муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун педагогларнинг касб малака ва маҳоратини янада ошириш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, мустақил таълим мавзуларини ишлаб чиқариш ва фан соҳалари билан узвий-боғлаган ҳолда амалга ошириш тавсия этилади.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти доценти З.Сариева

Ўзбекистонда халқ таълими тизимида таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашув масаласи ўртага ташланди. Бу билан барча олийгоҳларда педагогик технология назарияса ва амалиётини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш ижтимоий буюртма сифатида кенг педагогик жамоа олдига қўйилди. Ушбу вазифалар янги педагогик технология асосида ўқув тарбия жараёни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Янгиланаётган фикр, ўзгараётган замон педагогика илмида интенсив йўналиш етакчи бўлишини талаб этади. Таълим-тарбиянинг қамровини кенгайтириш билан эмас, балки чуқурлаштириш йўли билан кутилган натижаларга эришиш мумкин. Қўлланиладиган барча касбларнинг юздан бирини хам ўргатиш мумкин эмас, чунки илму фан тараққиёти тезкорлик билан ривожланиб бораётган ҳозирги кунда бугун эгалланган энг янги технология оз вақт ўтмай эскириб бораётибди. Шу сабабли моҳир педагог бутун эътиборини тарбияланувчи шахсида ижодкорлик ҳиссини уйғотишга қаратмоғи лозим. Дарс тўғри ташкил этилгандагина ёшларнинг ҳиссиётларини уйғота олади, индивидуал хусусиятлари очилади, уларда изланиш омиллари шакллантирилади.

Олий таълим муассасаларида педагогика фанини ўқитишнинг илмий-методик асослари янгиланаётган миллий педагогика фанининг талаблари асосида педагогик таълим жараёнида рўй берган, бераётган ва бўлиши муқаррар ўзгаришларнинг асосий хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан умумлаштиришга эҳтиёж туғилади. Педагогик таълимнинг ўзак масалаларини ҳал этмай туриб, унинг хусусий муаммоларини тўғри ечиб

бўлмайди-ки, айнан мазкур жараён орқали шахс маънавияти шакллантирилади. Педагогика фани миллий асосларга таяниши, ўзига хос руҳият соҳиби бўлмиш халқ вакиллари билан, алоҳида кадриятлар тизимида мувофиқ яшаётган кишилар қатлами билан иш кўраётганини ҳамини ёдда тутиши лозим. Бу нарса асосий педагогик тушунчаларни белгилаш ва таълим-тарбиянинг мазмунини талқин этишда ҳам, педагогик тажрибаларга муносабатда ҳам, педагогик меросга ёндашишда ҳам, тарбиявий тадбирларнинг рухий-жисмоний асосларини тайин қилиш, назарий қарашларни амалиётга татбиқ этишда ҳам беистисно ҳисобга олиниши керак бўлади. Педагогик тадбирлар, тарбияшуносликка доир қарашлар фақат миллий асосларга таянилгандагина, таълим-тарбия объектлари ва субъектларининг миллий хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўра билгандагина ўз олдига қўйган натижаларга эришмоғи мумкин. Чунки педагогик тадбир умуман одамларга эмас, балки муайян миллатга мансуб конкрет одамларга татбиқ этилади. Муайян миллат дунёга бугун келгани йўқ ва ўзининг тарихий умри давомида ўзига хос ижтимоий тажриба тўплаган, маънавий кадриятлари, жойлашган ўрни, иқтисодий, сиёсий ва маданий шароитга мувофиқ руҳиятлар тизимида эга.

Педагогик технологиялар таълимнинг самарадор услублари бўлиб, технология – бу бир ишда, маҳорат ва санъат қўлланиладиган усуллар йиғиндисидан иборат. Педагогик технология 3 аспектда намоён бўлиши мумкин:

1. илмий аспект – педагогик технология педагогик фаннинг қисми сифатида таълим услублари, таркиби ва мақсадларини ишлаб чиқади ва ўрганади ҳамда шу билан бирга педагогик жараёнларни лойиҳалаштиради.

2. процессуал-тавсифий аспект – таълимда режалаштирилган натижаларга эришиш учун жараённи тасвирлаш, мақсад, таркиб, услуб ва воситалар мажмуидир.

3. процессуал-амалий аспект – педагогик (технологик) жараённинг амалга ошиши, барча педагогик методологик (услубий), инструментал воситаларнинг амал қилишидир.

Педагогика фанларини ўқитишнинг асосларини белгилаш, педагогик таълимнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни тушунчаларини янгича педагогик тафаккур нуқтаи назаридан изоҳлаш, педагогик таълим жараёнида ўқувчи ўқитувчи муносабати характерини кўрсатиш, педагогика дарслари талаба-ўқувчилар маънавиятини шакллантириш воситаси эканини асослашга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ ЙЎНАЛИШ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ ҲАҚИДА

Гаимназаров Қ., физика ўқитувчиси

Гулистон давлат университети

Ўқитувчининг жамият олдидаги бурчи ҳам олийжаноб, ҳам мураккаб бўлиб, у ёшларни тарбиялаш, уларда одамийликнинг энг яхши сифатларини шакллантириш ҳамда маълум предмет асослари бўйича билим беришдек муҳим вазифа билан шуғулланади. Ўқитувчи, жонкуяр меҳнати, ёшларни

тарбиялашда катта хизматлари эвазига халқимизнинг эътиборини ва обрўсини қозонди. Миллионли ўқитувчилар армияси Ватанимизнинг фахри, ёш авлодни тарбиялашни йўлга қўйишда ҳукуматимизнинг ишончли таянчи бўлиб келмоқда.

Республика Олий мажлисининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг бош вазифаси – умумтаълим ва профессионал мактаблар фаолиятини янги сифат даражасига кўтаришга қаратилган бўлиб, энг аввало мактабда ёшларга мавжуд фанларнинг асослари ҳақида билим ва тарбия беришнинг сифатини кескин орттиришни мақсад қилади. Шу муносабат билан ўқитувчи шахсини шаклланишини таъминловчи психологик омилларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки бўлажак ўқитувчиларда касбга нисбатан қурилманинг ижобий бўлишида олий таълим муассасида ташкил этилган ўқув-тарбия шарт-шароитларидан ташқари талабалар гуруҳлари ва жамоаларидаги ўзаро муносабатлар муҳим рол ўйнайди. Шахслараро муносабатлар шахсдаги ижтимоий ижобий фазилатларнинг шаклланишига сабаб бўлиб улар ўз навбатида ўқув фаолиятинининг самарадорлигини таъминлайди. Шахслараро муносабатлар мулоқот жараенида ривожланади ҳамда унинг мазмуни ва кечишини аниқлаб беради. Ўқитувчилик касби йўналишининг тўғри шаклланишига тўғри самарали мулоқот сабаб бўлади. Касбий педагогик йўналишнинг шаклланишига олиб келувчи психологик омиллар ичида идентификация ходисасининг аҳамияти, табиати ҳамда ривожланиши алоҳида урин тутади.

Идентификация бу гуруҳ ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни белгиловчи психологик омил бўлибу шахснинг ўзини бошқа одамлар билан солиштириш, ўз муносабатларини доимий текшириб туриш билан боғлиқ психологик қобилятдир. Идентификациянинг бошланиши одамнинг ўзини ўзгалар ўрнига қўйиб кўриш орқали тушуниш, уларнинг психологик ҳолатини тушуниш билан боғлиқ. Демак ўқитувчига зарур бўлган ўзгаларни тушуниш ўзгалар ҳолатига кириш қобиляти идентификациянинг кучи билан боғлиқ экан. Тўғри, мақсадга мувофиқ идентификация объектларининг мавжудлиги эса касбий тараққиётнинг замини ҳисобланади.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ - МУТАХАССИС КАДРЛАР ҚЎЛИДА

Тилабов Толиб ҚарДУ доценти

Мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар ёш авлодни жамиятда тутган ўрни масаласига янгича ёндашишни тақазо этмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2008 йил янги йил табригида «ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда бизнинг ишончимиз ва суянчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизга янада кенгроқ йўл очиб бериш ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этаётганини бугунги кунда барчамиз чуқур ҳис қилмоқдамиз» деб таъкидлаган эдилар.

Олдимизда ечимини кутаётган мураккаб ва қатор-қатор янги муаммолар турибди. Буларни ечимини топишнинг муҳим томони биз тарбиялаётган ёшларга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистонимизнинг озод ва обод ватан ва ривожланган буюк давлатга айланиши кўп жиҳатдан биз тарбиялаётган фарзандларимизнинг қандай шахс бўлиб камолга етишишларига боғлиқ. Бунинг учун таълим-тарбиянинг сифатини замон талаби даражасига кўтариш ўқувчи ва талаба ёшларни эркин фикрлашга, тафаккури ва илмий дунёқарашининг шаклланишига эътибор қаратишимиз лозим.

Чунки мустақил фикрлайдиган чуқур билимга эга маънавиятли маърифатли ёшлар юртимиз келажаги ҳисобланади. Бундай ёшларимиз турли хил миш-мишлар, уйдирмалар, ифволар ва бузғунчи вайронкор ғояларга эргашмайди, аксинча мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларнинг, ўтказилаётган ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур англаб етадилар.

Ёшларимиз ўзларига яратилаётган кенг имкониятлардан тўла фойдаланиб, ўз қобилияти, исътедоди ва имкониятларини тўла намоён этиш учун ўқиб ўрганиб изланмоқдалар. Келажакда ўз соҳасининг ҳақиқий устаси, билимдони бўлишга интилмоқдалар. Айнан шундай ёшларимиз мамлакатимиз келажагини унинг тараққиётини жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини белгилаб берадилар.

Мамлакатимиз ёшларга ғамхўрлик қилишни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирди. Асосий мақсадимиз Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларни етук мутахассис ва ўз соҳасининг билимдони этиб тайёрлашдан иборат.

Ёшлар етук мутахассис, ўз соҳасининг билимдони бўлиши учун талабалик давриданоқ барча фанларни чуқур ўзлаштириш билан бирга хорижий тилларни мукамал билиши, компьютер саводхонлигини ошириб бориши, интернетга кириш орқали ўзига керакли маълумотларни олиши, баъзан интернетдаги бухтон, ифво ахборотларга нисбатан ўз фикри мулоҳазасини эркин баён эта оладиган бўлиши керак бўлади. Ана шундагина биз тарбиялаётган ёшларимиз ҳақиқий зиёли, ўз соҳасининг билимдони, ривожланган мамлакатларнинг мутахассислари билан ўз соҳаси бўйича рақобатга кириша оладиган замон талабларига мос мутахассис кадр бўлиб етишади.

Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ ёшлар тарбиясига катта эътибор бериб келинмоқда. Ёшлар тарбиясида энг аввало оила, маҳалла, мактаб, академик лицей, касб ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўта масъулиятли бўлиш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам Миллатимиз Президенти И.А.Каримов “Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир - оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ”¹ - деб таъкидлайди.

Бугун, ёшларни жисмонан ва ақлан соғлом етук баркамол авлодни тарбиялаш орқали улар биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг буюк келажаги,

уларнинг ўз қўлларида эканлигини ва жамиятда асосий ҳал қилувчи куч бўлиб қолишларини чуқур англаб, тушуниб етишлари лозим.

Ана шундагина мамлакатимиз, юртимиз келажаги ва тақдири ишончли қўлларда бўлади..

РОЛЬ СОВРЕМЕННЫХ НОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ – ЭТО ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ И ЛИТЕРАТУРЕ

Тойчиева Н.С. (Ведущий учитель, 2-академический лицей при СамСХИ)

Сегодня основная цель обучения – это не только накопление обучающихся определённой суммы знаний, умений, навыков, но и подготовка его как самостоятельного субъекта образовательной деятельности. В основе современного образования лежит активность и преподавателя, и что не менее важно, обучающегося.

Применения современных коммуникативных педтехнологий – развитие у учащихся способность решать наиболее типичные коммуникативные задачи в пределах учебной, трудовой, бытовой, культурной, общественной сфер общения, пользуясь тем минимумом лексики и грамматики, которым они владеют на активном уровне.

В настоящее время изучение иностранных языков (английский, французский) в том числе и русского языка становится все более актуальным. Раньше обучение иностранным языкам было направлено на развитие грамматических знаний и считалось, что они помогают выработать навыки правильного использования языка. Сейчас, наравне с укреплением грамматики, вводится и развитие коммуникативных навыков.

На уроках русского языка эффективно применяются современные педтехнологии, направленные именно на развитие навыков разговорной речи, т.е. формирование практических умений. И, несомненно, процесс обучения становится более увлекательным, интересным. Помимо использования учебных материалов, включаю и дополнительные источники информации – публикации из прессы, фрагменты фильмов и песен, мультимедийные материалы из интернета.

При коммуникативном подходе, как, педагог выступает в качества советчика, помощника, друга. Особое внимание уделяется групповому обучению задача учащихся – научиться работать сообща, слушать своих одноклассников, вести беседы и дискуссии, работать над заданиями с другими участниками группы. В этом случае ученик больше ориентируется на своих товарищей по команде, чем на учителя.

Сегодня в нашем быстроменяющемся мире педагогам следует постоянно работать над собой, самосовершенствоваться, чтобы на каждом занятии не только обучать подрастающего поколения в соответствии с программой, но и помогать им всесторонне развиваться, говорить с ними, на одном языке. В процессе работы неизменно придерживаюсь принципа «Обучая, воспитывать». То есть на каждом уроке, будь литература или русский язык стараемся донести до учеников значение понятий «патриотизм» или «уважение к старшим», объясняю различия между добром

и злом, справедливостью и несправедливостью, отзывчивостью и равнодушием.

Для успешного проведения урока используем информационно-коммуникационные технологии, которые облегчают процесс восприятия и запоминания материала учащимся, помогают привлекать и удерживать их внимание на долгое время. К примеру, знакомиться со сказкой М.Е.Салтыкова – Щедрина «Как мужик двух генералов прокормил» гораздо интереснее, когда учитель предварительно подготовив презентацию, посредством технических средств представляет на слайдах картинки или отрывки из него. Также в простой и понятной форме объясняются новые слова, встречающиеся в тексте, учащиеся рассуждают о правильности поступков героев. При изучении новой темы по литературе основной информации, предоставляем ученикам дополнительные данные из интернета.

На уроках русского языка и литературы используем различные интерактивные методы – вопросно-ответную беседу, «кластер», «синквейн», «мозговой штурм», «рыбий скелет», «пинборд», работу в больших и малых группах, диаграмма «Венн», мельница и т.д. Возьмем, к примеру посредством составления синквейна на уроке литературы можно достичь более глубокого осмысления темы, провести параллели и русским языком: назвать части речи и члены предложения, записать, на какие вопросы они отвечают. Помощниками в процессе работы с учащимся выступают всевозможные игры, которые в значительной мере оживляют урок, делают его более интересным и разнообразным, активизируют учеников, способствуют запоминанию нового материала.

К примеру, во время проведения уроков в группах с экономическим и техническим направлением используем игры «математическое лото». Учащимся раздается заранее подготовленные карточки с ответами. Задается вопрос, записываются на доске пример или условие задачи. Тот, кто нашел у себя на карточке ответ, поднимает руку и зачитывает его. Определенный соревновательный дух развивает в воспитанниках еще одна математическая игра «кто быстрее». Делятся класс на группы и раздаются им задания, с которыми необходимо справиться на скорость.

К примеру, урок на первом курсе лицея: учащиеся делятся на три команды, на доске вывешивается бумажное дерево, на ветвях которого написаны вопросы для обсуждения. Представители команд ведут дискуссию по выбранной теме, после чего остальные ученики высказывают свои мнения или вносят дополнения. Это может быть осуждение жизненных ситуаций: знакомства, рассказ о лицее, покупка продуктов, заказ еды в кафе, и т. или постановка мини-спектаклей на заданную тему. На каждом таком занятии у учеников активизируется поисковая и творческая деятельность, формируется умение поддерживать разговор даже при ограниченной лексической и грамматической базе, появляется возможность создавать и понимать тексты различного типа и характера.

В процессе игр, помимо закрепления пройденного материала учащиеся усваивают новую лексику, тренируются в произношении определенных слов, словосочетаний целых предложений, если речь идет об уроках

литературы – стремятся выразительно прочитать стихотворения, загадки, пословицы и скороговорки.

Многое зависит, как от мастерства учителя преподнести тему, так и от подбора соответствующих заданий, методов способствующих закреплению материала. Умелое употребление интерактивных методов и новых педтехнологии, при изучении русского языка и литературы становится все более интересным и доступным. В обучении учеников самое главное-качество обучения и мастерство учителя. Простое и интересное объяснение материала во сто крат полезнее сложных истин, не соответствующих понятиям ученика.

В заключении хочу отметить, что успешное использование инновационных педагогических технологий в процессе обучения помогают учащимся глубоко усваивать учебный материал, вырабатывать умения работать в команде, оказывать помощь друг другу, приобретать навыки решить проблемы при выполнении упражнений. Каждый преподаватель может подойти к данному вопросу творчески, каждый из нас должен придумать свои варианты интерактивных методов обучения.

GEOMETRIYA O'QITISH JARAYONIDA IBN SINONING MATEMATIKAGA DOIR ISHLARI HAQIDAGI MA'LUMOTLARDAN FOYDALANISH

Toshqulov H., Mo'minov U., Mardonov E., Ostonov Q. (SamDU)

O'rta Osiyoning o'tkir zehnlisi buyuk olimi Abu Ali Ibn Sino (980- 1037) fanning turli sohalarida samarali ish olib bordi. U tibbiyot, kimyo, matematika, fizika, astronomiya, falsafa, axloq va odob, notiqlik nazariyasi, musiqa va boshqa fanlarga oid 200 ga yaqin asar yozgan. Biz bu erda geometriya o'qitishda bayon etilishi mumkin ibo'lgan ilmiy ishlari haqida fikr yuritamiz. Faqat birgina "SHifo kitobi" nomli asarining geometriyaga oid boblarida Ibn Sino planimetriya va stereometriyaning tegishli mavzulari bo'yicha 74 ta ta'rif, 7 ta postulat, 5 aksioma va 255 ta jumla(teorema)lar orqali bayon etadi.

Eramizdan III asrda yashagan mashhur yunon geometri Evklid 13 kitobdan iborat "Negizlar" nomli asar yozgan. Bu asarning 1-kitobida ta'riflar, aksiomalar va postulatlar (postulat-talab etish ma'nosini beradi) bo'lib, Evklid geometrik shakllarga tegishli aksiomalarni postulatlar deb ataydi. Uning 5-postulati quyidagicha:

Bir tekislikda yotgan ikki to'g'ri chiziqni uchinchi to'g'ri chiziq kesib, bir tomonli ichki burchaklar hosil qilsa va bu burchaklar yig'indisi ikkita to'g'ri burchakdan kichik bo'lsa, mazkur to'g'ri chiziqlarni davom ettirganda ular yig'indisi ikki to'g'ri burchakdan kichik burchaklar tomonida kesishadi.

Bunda beshinchi postulat parallel to'g'ri chiziqlar haqidagi aksioma deb ham yuritiladi, chunki bu postulatdan foydalanib, tekislikda, to'g'ri chiziqda yotmagan nuqtadan shu to'g'ri chiziqqa faqat bitta ta parallel to'g'ri chiziq o'tkazish mumkinligini isbotlash mumkin.

Mana shu postulat to'g'risida Evklid zamonidan boshlab olimlar turli fikrlarni bayon qila boshlaganlar. Bu postulat qolgan postulatlardan farq qiladi. Bunda ko'p tushunchalar bo'lib, tuzilishi ham qolganlariga qaraganda

murakkabdir. SHu sababli ko'plab matematiklar bu beshinchi postulatni postulatlar orasidan chiqarib, uni teorema sifatida isbotlashga urindilar.

Mana shu olimlar qatorida Ibn Sino ham bor edi. Quyida biz uning beshinchi postulatni isbotlashga uringanligini bayon etamiz. Ibn Sino yozadi: "Bir-biridan biror masofada turgan to'g'ri chiziqlar shunday bo'lishlari mumkinki, ulardan biring oxiri ikkinchisiga og'ma bo'ladi, agar ularning shu tomonini davom ettirsak, ularkesishadi, ularni ikkinchi tomonga davom ettirganda ular kesishmaydi, masalan, AV va SD chiziqlar. Bu tushunchalarni davom ettirib Ibn Sino yozadi: "Ular bir-biridan shunday masofada turgan bo'lishlari mumkinki, ularning ikkala oxirlari (uchlari) orasidagi masofalar o'zaro teng bo'ladi". Bunday ikki chiziqni Ibn Sino o'zaro parallel to'g'ri chiziqlar deb ataydi. Demak, ibn Sino parallel chiziqlarni baravar uzoqlikda turgan chiziqlar sifatida ta'riflaydi.

Evklid "Negizlar" asarining birinchi kitobida parallel to'g'ri chiziqlarga shunday ta'rif beradi: "SHunday to'g'ri chiziqlar o'zaro parallelki, ular bir tekislikda yotib, har ikki tomonga cheksiz davom ettirilganda, u tomonda va boshqa tomonda biri-biri bilan uchrashadi".

Parallel to'g'ri chiziqlarga berilgan Evklid va ibn Sino ta'riflarini biri-biriga solishtirib, shuni aytish mumkinki, ibn Sinoning ta'rifi beshinchi postulatga ekvivalent deb hisoblanadi. Evklid ta'rifi esa beshinchi postulatga bog'liq bo'lmagan jumladir.

SHunday so'ng Ibn Sino quyidagi teoremlarni isbotlaydi:

1-teorema..Agar biror chiziqqa perpendikulyar chiziq tushirilsa va u perpendikulyar bu chiziqqa parallel bo'lgan ikkinchi chiziqqacha davom etirilsa, u ikkinchi chiziqqa ham perpendikulyar bo'ladi.

2-teorema. Agar to'g'ri chiziq berilgan ikki parallel chiziqlarga og'ma bo'lib, ularni kesib o'tsa, hosil bo'lgan mos burchaklar va ichki almashinuvchi burchaklar o'zaro teng bo'ladi, ichki bir tomonli ichki burchaklar $2d$ ga teng bo'ladi.

3-teorema. Agar biror to'g'ri chiziq ikkita boshqa chiziqni kesib o'tsa va hosil bo'lgan ichki bir tomonli ichki burchaklar yig'indisi $2d$ ga teng bo'lsa, bu ikki chiziq o'zaro parallel bo'ldi.

Bundan so'ng 4-teorema isbot etiladi, bu Evklidning beshinchi postulati hisoblanadi.

4-teorema. Agar biror chiziq boshqa ikki chiziqni kesib o'tsa va hosil bo'lgan ichki bir tomonli ichki burchaklar yig'indisi $2d$ dan kichik bo'lsa, u vaqtda bu ikki to'g'ri chiziq davom ettirilganda ular shu tomonda kesishadi. Masalan, bunday to'g'ri chiziqlar AK va CL bo'ladi.

Isbot. Bunda bir chiziq ikkinchi chiziqqa og'ma bo'lib joylashgan va shu sababli ular kesishadi. Haqiqatdan ham, agar ulardan biri ikkinchisiga og'ma bo'lmaganda edi, ular o'zaro parallel bo'lar edi. Agar shunday bo'lsa, ya'ni ular parallel bo'lsa, u vaqtda aytilgan burchaklarning yig'indisi $2d$ ga teng bo'lar edi, bu bundan oldin isbotlangan 3-teoremaga zid. SHu sababli AK va CL to'g'ri chiziqlar davom ettirilsa, yuqorida aytilgan tomonda kesishadi.

Demak, Ibn Sino beshinchi postulatni isbotlashga urinib, bundan o'zining avval berilgan chiziqlarning parallellik ta'rifiga asoslanadi. Ammo bu ta'rif beshinchi postulatga teng kuchli ekanligi yuqorida aytilgan. SHunday qilib, boshqa juda ko'p matematiklar qatori Ibn Sino ham beshinchi postulatni,

postulatlar orasidan ajratib, teorema sifatida isbotlashga urinadi. U beshinchi postulatni isbotlashda shu postulatga teng kuchli bo'lgan jumladan ochiq bo'lmagan holda foydalanadi. Bu esa teoremaning isboti bo'la olmaydi.

SHuni qayd qilish kerakki, beshinchi postulatni isbotlashdagi bunday urinishlar noevklid geometriyaning yaratilishiga zamin tayyorlashda katta rol o'ynadi.

Ibn Sinoning "Donishnoma" asarining geometriyaga bag'ishlangan qismi 12 bobdan iborat bo'lib, uning:

1-bobi o'zaro kesishuvchi to'g'ri chiziq'larga doir asosiy geometrik masalalarga bag'ishlangan bo'lib, unda tekislikda va fazoda to'g'ri chiziq'larning kesshishi, to'g'ri o'tkir, o'tmas, qo'shni va qarama-qarshi burchaklarning ta'riflari, xossalari va boshqa shunga o'xshash tushunchalar bayon etilgan.

2-bobi bir-biridan biror masofada turgan chiziq'larga oid asosiy geometrik masalalar bayon etilib, unda bir chiziqning ikkinchi chiziqqa og'maligi tushunchasi asosida parallel to'g'ri chiziq'larning ta'rifi beriladi, parallel to'g'ri chiziq'lar bilan ixtiyoriy to'g'ri chiziqning turlicha joylashishi tekshiriladi. SHuningdek, bu bobda Evklid 5-postulatining isboti beriladi.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ШАХСНИ КАМОЛ ТОПТИРИШДАГИ ЎРНИ

ТАТУ Самарқанд филиали ўқитувчиси Д.А.Тошпулатов

"Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танланган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатида суянган ҳолда ҳар қандай гаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишига қодир бўлади".

И.А.Каримов

Дарҳақиқат, 1997йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги" Қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда таъкидланишича, таълимнинг мазмуни; ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга ва дунёвий демократик жамият бахт-саодати йўлидаги юқори унумли меҳнатга баркамол авлод қилиб тайёрлаш билан белгиланади.

Ўқитувчи ўқувчи - талабанинг билим доирасини кенгайтириш мақсадида икки муҳим нарсани англаб етказиши керак. Бу биринчиси таълим, иккинчиси тарбия ҳисобланади. Бундан ташқари ўқувчи - талаба билиши керак бўлган яна бир тушунча борки, буни билиши лозим яъни одоб -бу ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқатида ҳамда юриш -туришида ўзини тута билишидир. Хулқ - бу одобнинг ички кўриниши, Ахлоқ - бу жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ - одоб нормалари мажмуи. Маданият - жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуқлар мажмуаси. Маънавият -инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуасидир.

Бугунги ҳаётимизда шуни кузатар эканмиз, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний тарбиялаш, руҳий тарбиялаш, маънавий иммунитетини шакллантиришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир ўқувчи ёки талабага

яхши хислатлар фазилатини ривожлантиришда педагог ва ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Бу ўринда тарбия яъни ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшаши жараёнида орттирган сабоқлари ва интеллектуал ривожланиш жараёнидир.

Мутафаккир А.Авлоний таъкидлаганидек, “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё саодат, ё фалокат масаласидир”. Ушбу иборалар ҳар қандай замонда ҳам ёшларга ибратли сўзлар бўлган. Инсон бўлишда кўплаб жамият тамонидан таъсир этувчи омиллар мавжуд. Булар эзгу ният, фикр, эзгу сўз, хушмуомалалик, эзгу иш, эзгу фаолиятдан иборатдир. Шу сабабли давлатимиз раҳбари таъкидлагандек, “Миллий мафкура бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир”. Ушбу фикрлар биз бугунги ёшларга мустақил фикрлашга ундайди.

Мустақил фикрлаш комилликнинг асосий белгисидир. Комилликнинг ўзи уч босқидан иборат. Булар, жисмоний саломатлик, ахлоқий поклик, ақлий етуқлик каби босқичлардир. Илмий адабиётларда таъкидланишича мустақил фикр юритиш жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад кабилар вужудга келади.

Дьюи ўз китобидаги билимларни қуруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормайди, аксинча ўқувчиларни ўқишдан совутиб, тафаккурини занглатади деб ҳисоблайди.

Таълим тарбияга Дьюининг қўшган асосий хиссаси бу “ақл юритишнинг тўлиқ жараёни”дир. Ақл юритиш тўлиқ жараёнининг етакчиси халқаси муммонинг пайдо бўлиши дейди Дьюи. Муаммо пайдо бўлгандан кейин, ўқувчи қийин ҳолатга тушиб, унинг ечимини излайди ва фаол фикр юритиб, бир қатор мулоҳазалардан кейин бу муаммонинг ечимини топади ва синаб кўради, нотўғри бўлган тақдирда, яна ақл юритади ва бу жараён бир неча мартаба қайтарилгандан кейин, охир оқибатда унинг тўғри ечимини топади.

Натижада фикр юритишнинг тўлиқ жараёни ташкил топади. Кейинчалик бундай дидактик тизимни муаммоли дарс ўтиш, деб номланиб кетилишига сабаб бўлди.

AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRIDA IQTISODIY ALOQALAR BUYUK IPAK YO'LI MISOLIDA

Talaba: Toshtemirova A. 303-арх guruhi

Raxbar: katta o'qituvchi Jalilova Sh

Qadimda Buyuk ipak yo'li mintaqamizni dunyo bilan bog'lovchi ko'prik vazifasini o'tagan. Ayniqsa, O'rta Osiyo uchun bu katta ahamiyatga ega edi. Shu ma'noda mamlakatimiz va dunyo davlatlari o'rtasidagi bugungi munosabatlarda ham Buyuk ipak yo'li strategik o'rin tutadi.

Xitoy Xalq Respublikasi Raisi Si Tszinpinning mamlakatimizga rasmiy tashrifi chog'ida ham O'zbekiston — Xitoy munosabatlari uzoq tarixga borib taqalishi, bunda Buyuk ipak yo'li muhim ahamiyatga ega bo'lgani qayd etildi.

Mazkur uchrashuvlarda Prezidentimiz va Xitoy davlati rahbari bildirgan fikrlar menda ham katta taassurot qoldirdi. Aytish kerakki, Buyuk ipak yo'lining eng ravnaq topgan oltin davri Temuriylar davriga to'g'ri keladi.

Tarixdan ma'lumki, sivilizatsiyalar katta saltanatlar hududlarida, iqtisodiy va mintaqaviy barqarorlik hukm surgan, uzoqni ko'ra oladigan, xalq farovonligi yo'lida jon-u jahd ko'rsatgan, ilm-fan homiysi bo'lgan davlat rahbarlari davrida yuz bergan. Barcha sohalarga birdek e'tibor, ijtimoiy adolat tamoyili, tadbirkorlikning rivojlanishidan manfaatdorlik, umuman obod turmush konsepsiyasi Amir Temur siyosatining natijasi sifatida ikkinchi Renessansga asos bo'lib xizmat qilgan. Yigirma yetti davlatni o'z ichiga olgan saltanatda ichki va tashqi savdo-sotiq almashinuvlari mamlakat iqtisodini yuksaltirishga ijobiy ta'sir ko'rsatgan.

Amir Temur ko'pgina sharq va g'arb davlatlari rahbarlariga bitgan maktublarida ham avvalo xalqaro savdo-sotiqqa keng yo'l ochish va tadbirkorlarga katta imtiyozlar berish lozimligi hamda davlat taraqqiyotiga aynan xususiy tadbirkorlar katta ta'sir ko'rsatishini alohida ta'kidlab o'tgan.

Xususan, Yevropa qirollariga «Siz savdogarlaringizni biz tomonlarga yuborsangiz, toki biz ularni qizg'in, barcha izzatlarni o'rniga qo'yib kutib olaylik. Bizning savdogarlarimiz siz tomonlarga borsalar va ularga ham shunday izzat-ikromlar ko'rsatsalar. Mayli, ular hech qanday xavf-xatarsiz, to'siqsiz yo'l yursinlar. Dunyoni savdogarlar farovon qiladilar, degan naqlni inkor etish befoyda», mazmunidagi xatlar yuborgan.

Sohibqironning bu xatti-harakatlarini olimlar diplomatiyada «qo'l cho'zish siyosati» deb atamoqda. Haqiqatan ham, u do'stlik va hamkorlik yo'lida Yevropaga qo'l cho'zgan birinchi davlat rahbaridir. Amir Temurning ichki va tashqi siyosatidagi millatlararo munosabatlarning muvofiqligi taraqqiyot omillaridan biri bo'lgan. Zero, uning ko'p millatli va turli diniy qarashlar mavjud bo'lgan saltanatidagi bu jihat o'sha davrning eng ahamiyatli voqealaridan biridir.

Mironshoh Mirzoning Yevropa qirollariga yozgan maktublarida Amir Temur tutgan siyosatga amal qilingani ko'rinib turibdi. O'sha xatlardan birida quyidagilar ta'kidlangan: «Savdogarlarga kelsak, istardikki, Sizning savdogarlaringiz bizning yurtlarda, bizning savdogarlar Sizlarning yurtlaringizda xavf-xatarsiz, hozirgidek yursalar. Nihoyat, agar e'tiqodimizda farq bo'lsa ham, baribir barchamizning manfaatlarimiz yo'lida do'stlikni avaylashimiz darkor».

Amir Temur va temuriylarning millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik siyosati tufayli bu davrda savdo yo'llari orqali integratsiya jarayonlari kuchayib borgan.

Temuriy hukmdorlardan Shohrux Mirzoning Xitoy imperatoriga yo'llagan maktubida: «Sayyoh va savdogarlar uchun yo'llarni ochiq tutsalar, toki do'stlik va muhabbat sabablari ta'kidlanib, birlik va yakdillik vositalari quvvat topsa. Mamlakatlar atroflaridagi xalqlar toifalari rohatga erishsa, fuqarolarning barcha tabaqalari orasida tiriklik vositalari tartibga tushsa», — deya alohida ta'kidlagan.

Amir Temur Buyuk Ipak yo'lining ish faoliyatini ma'lum bir qonun-qoidalar, uning himoyasini kafolatlovchi yangiliklar asosida shakllantirgan.

Birinchi navbatda Buyuk Ipak yo'lining bekatlari ta'mirlangan va ba'zi yerlarda yangilari bunyod etilgan. Yo'llarda karvonlarning dam olishini ta'minlovchi karvonsaroylar qurilgan. Bu karvonlarni mahalliy hokimliklar tomonidan qo'yilgan harbiy qo'riqchilar himoya qilib, bir manzildan ikkinchi manzilga yetkazib qo'ygan.

Buyuk Ipak yo'lida o'z diplomatik missiyasini bajargan Rui Gonsales de

Klavixo o'ziga va Misr elchilariga ko'rsatilgan e'tibor haqida alohida eslatib o'tgan. Masalan, Misr elchilarini 20 nafarga yaqin harbiy suvoriy Samarqandga qo'riqlab borganini yozadi.

Elchilarning ot-ulovlari har kuni yangisiga almashtirib turilgan, bir kunlik masofaning so'nggida ba'zan 100 ta ba'zan 200 ta yangi ot ular uchun tayyorlab turilgan.

Shuningdek, tarixchilar bunday otlar boshqa joylarda ham tayyorlab qo'yilgani, Amir Temur farmoni bilan maxsus musofirxonalar barpo etilganini alohida qayd etadi. Otlarni boqib parvarishlovchi maxsus otboqarlar guruhi mavjud bo'lgan — deya eslatib o'tgan. Ulardan bir-ikkitasi hatto karvonlar bilan ikkinchi manzilgacha hamroh sifatida borgan va o'sha otlar bilan boshqa yo'lovchilarni olib orqaga qaytgan.

Tarixchilar o'sha davrda yo'llarga qo'yilgan maxsus ustunlar haqida yozib qoldirgan. Ustunlar karvon yo'llarining masofa o'lchovi bo'lib, ular har bir chaqirim yerga o'rnatilgan.

Xulosa o'rnida aytish kerakki, Buyuk Ipak yo'li tranzit shahar va davlatlarning keng o'zaro madaniy hamda ilmiy aloqalar o'rnatishida ham muhim ahamiyat kasb etgan.

ТАЛАБАЛАРДА ТАДҚИҚИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ШАКИЛЛАНТИРИШ

*Тоштемурова К.Э., Ражабова Г.С., НавДПИИ “Математика ўқитиши
методикаси” кафедраси ўқитувчилари.*

Ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети, методологик асослари, тадқиқот методларига эгадир. Ўсиб келаётган ёш авлодни, айниқса олийгоҳ талабаларини фаннинг ички қатламлари билан таништириш, уларга изланувчанлик, тадқиқий фаоллик сирларини ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки учинчи минг йилликда фан ва техника жадал суратлар билан жадаллашаётган бир пайтда ижодкор, изланувчан, мантиқий мушоҳада кўникмаларига эга, аналитик ва синтетик фикр юритувчи, ўз шахсий ва қатъий хулосасига эга соғлом шахсни тарбиялашни давр тақозо этмоқда. Бу ўринда талабаларнинг математик таълим жараёнида кузатувчанлигини тадқиқий фаолият сифатида регуляция қилишнинг дидактик асосларини ишлаб чиқиш жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида вужудга келмоқда. Шу сабабли бугунги кунда олий таълим тизимида математика ўқитишни модернизациялаш таълим жараёнининг ажралмас қисми деб қаралиши лозим. Чунки мазкур ишларни олиб бормасдан туриб, жамиятни, унинг ривожланишини, глобал муаммолардан бири–инсон тафаккурининг интеллектуал ва илмий салоҳияти бўлмиш маҳсулини ҳаётга татбиқ этиш масалалар ечимини топишни тасаввур қилиш қийин.

Бугунги кунда математика ўқитиш методикаси мустақил педагогика фанининг барча элементларига, жумладан ўқитишнинг алоҳида объектига, бошқа фанлар орасида муайян ўринга, назариянинг тобора ривожланишига, қонуниятларнинг кашф этилишига, тизимлар, таърифлар, категориялар, классификацияларнинг мавжудлигига, муаммони тадқиқ қилиш методларига эга. Шундай экан, талабаларнинг математикадан билим ўзлаштиришлари

жараёнида кузатувчанлигини тадқиқий фаолият сифатида ўрганишнинг дидактик асосларини яратиш ўта муҳим масалалар қаторидан ўрин олганлиги билан белгиланади ва у қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. Ҳозирги замон математика фанига комплекс баҳо бериш эпистемологияда турли-туман концепция ва ёндашувларнинг муносиб тарзда уйғунлашганлигини эътироф этилиши;

2. Ижтимоий янгиланиш ёшларнинг фаоллик даражасига янгича ёндашиш, қараш, муносабат, мезон, талаб, моҳият, мазмун тақозо этиши;

3. Ҳозирги замон фанида кенг қўлланилаётган ва ривожлантирилаётган умуммиллий ёндашувлар ва концепциялар тадқиқот методларини кенгайтиришни талаб қилиши;

4. Педагогик тадқиқотларда психологик назария ва амалий-илмий аппаратни қўлланилиши, муҳитга мувофиқлаштирилиши тенденциясининг кучайиши;

5. Кузатув, тест, тестология (принциплари, функциялари, параметрлари, интерпретацияси) ҳамда математик статистика имкониятларидан фойдаланилиш, мумтоз ва замонавий методлар туркумлари татбиқийлиги намойиш этилиши;

6. Математика соҳаси туташган жойда амал қиладиган методологиянинг турли даражалари элементларини бирлаштириш натижасида юзага келган бир қанча синтетик ва интегратив усуллар мажмуидан иборатлиги билан белгиланиши.

Талабаларда математик таълим жараёнида тадқиқий фаолиятини «Тажриба воситасида ўқитиш цикли⁶⁴» сифатида ўрганиш билиш жараёнининг умумий қонуниятлари, ҳақиқат, унга етиш йўллари ва шакллари ҳақида гносеологик жиҳатдан уларга математик муносабатларининг моҳияти, унинг шакллари, даражалари, дастлабки шартлари ва умумий асослари, унинг ҳақиқийлиги шартлари, ҳақида кўрсатмалар беради.

Педагогик амалиётда педагог-психологлар ва ўқитувчилар шахсининг алоҳида сифатларини ўрганадилар, лекин олинган натижаларга асосланган ҳолда, талабалар тадқиқий фаолиятини математик таълим жараёнида шакллантиришнинг барча таркибларига умумий баҳо беришга ҳар доим ҳам мушарраф бўлавермайдилар. Чунки тажриба узлуксизлигини таъминлаш интегратив ёндашишни тақозо этади, кўп омиллик таҳлилгина унинг ечимига ижобий таъсир этади, холос. Математик таълим жараёнида талабаларда тадқиқий фаолиятни математик шакллантиришнинг ҳеч бўлмаганда оддий методикасини эгаллаш, уни татбиқ этиш, касбий-педагогик тайёргарликнинг муҳим унсурларидан биридир.

Талабаларда тадқиқотчилик қобилиятини шакллантириш уларнинг онгига, ҳис-туйғуларига таъсир этувчи ва турли ижобий қобилиятлари ҳамда шахсий фазилатларни шакллантирувчи фаолият тури деб белгиланади. Математик билим ўзлаштириш таъсирида уларнинг математик, экологик, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик ҳислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга нисбатан илмий қарашлари тизими таркиб топади. Таҳсил

⁶⁴ Толипов Ў.Қ. ., М. Усмонбоева. Педагогик технология: назария ва амалиёт. -Тошкент, «Фан», 2005. -Б.62.

олувчилар математик билим ўзлаштириш жараёнида илмий фаолият талабларига мувофиқ келадиган хулқ-атвор малака ва одатлари ҳосил қилинади. Талабаларда тадқиқий фаолиятни шакллантириш натижасида уларда математика соҳасини ўрганишни универсал умумий хусусиятларда ўзлаштиришга йўналтирилади. Бунда талабаларда эвристик стратегия олиб бориш шаклланади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тоштемуров Д.Э., Норматова М., Абдусаматов О.А. - ГулДУ

Талабаларнинг мустақил таълим олишини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, ўқув материалларининг турли шакллари, жумладан ўрганиладиган жараён ва ҳодисаларни виртуал шаклда акс эттирадиган электрон ўқув-методик ресурслар, янги мавзуларни ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган саволларга ихтиёрий вақтда тўла жавоб олиш имкониятини берадиган интеграллашган электрон луғат-маълумотнома, табиий фанларни йўналишлари бўйича виртуал лаборатория ва намоёиш-тажриба машғулотлари талабалар томонидан ўқув фанларини мустақил ўрганишга зарур бўладиган ресурслардан саналади. Мустақил ишни ташкил этишда юқорида санаб ўтилган ахборот ресурслардан фойдаланиш тартиби ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Талабалар мустақил иш фаолиятида ахборот технологияларининг қуйидаги воситаларидан кенг фойдаланиши алоҳида аҳамият касб этади: электрон ўқув-методик ресурслар, интеграллашган электрон луғат-маълумотномалар, виртуал лаборатория ва табиий экспериментларни моделлаштириш тизими ва бошқалар.

Ҳозирги кунда талабалар мустақил таълимни ташкил этишда таълим олишнинг интеллектуал тизимини яратиш ва жорий этиш долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- талабаларнинг мустақил таълим олишга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиш ва уни амалга ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш;
- таълим тизимининг турли йўналишларида талабаларнинг фаол таълим олиш шаклларида бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва уни жорий қилиш;
- талабалар томонидан таълим мазмуни, методи ва замонавий воситаларини мустақил танлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- фан ва техника тараққиётининг бугунги даражаси билан мукамал таништириш ва бўлажак мутахассисларни касбий тайёргарлик сифатини ошириш;
- олий таълим муассасаларининг электрон ахборот-таълим муҳити ва интеграллашган ўқув-илмий ресурсларини яратиш;
- таълим жараёнини ахборотлаштириш борасида тўпланган илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш;
- замонавий ахборот технологиялари муҳитида талабалар мустақил таълимни ташкил этиш имконини берувчи электрон ўқув-методик мажмуалар яратиш;

- талабалар мустақил таълим олишларини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилишга оид ўқув-методик адабиётлар, тавсиялар, ишланмалар, йўриқномалар, кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Таълим олишнинг интеллектуал тизимини жорий этишнинг асосий мақсади – таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш тамойиллари асосида ташкил этишни таъминлаш, таълим тизимида фаолият кўрсатаётган етакчи профессор-ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятларига таянган ҳолда, таълим сифатини ошириш, талабалар учун узлуксиз таълим олиш имкониятини яратиш, таълимнинг турли шаклларини ўзаро бир-бирига мувофиқлаштиришдан иборат.

Таълим олишнинг интеллектуал тизими асосида мустақил таълимни ташкил этиш анъанавий таълим шаклидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

- талабалар мустақил ишлаш имкониятининг катталиги;
- ўқув-методик таъминотнинг ранг-баранглиги;
- таълим олишни индивидуаллаштириш;
- етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларда фаолият кўрсатаётган юқори малакали профессор-ўқитувчилар ҳамда олимлар салоҳиятидан кенг фойдаланиш;
- талабалар бўш вақтини мазмунли ўтказишга шароит яратиш;
- талабаларнинг кенг аудиториясини қамраб олиш ва унинг натижаси сифатида ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратиш;
- ўқув жараёнида талабалар гуруҳини фаоллаштириш ва мувофиқлаштириш;
- талабаларни кузатиш, ёрдам кўрсатиш ҳамда улар билан ишлашни индивидуаллаштириш ва табақалаштиришга қаратилган ахборот муҳитини яратиш;
- мультимедиа технологияларини қўллаш орқали талабаларда ўқишга қизиқишни орттириш;
- таълимнинг интерфаол хусусияти асосида талабаларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиш ва ўқув материалларини ўзлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;
- реал ҳолатларда намойиш қилиниши қийин, ёки мураккаб бўлган жараёнларни моделлаштириш ва кузатиш имкониятларини яратиш;
- анъанавий ҳамда масофали таълим ўқув-методик таъминотининг самарали интеграциясини таъминлаш;
- талабаларга мустақил изланиш орқали ўқув материалларини топиш, ўрганиш ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш орқали уларда маълум тадқиқот ишларини амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш;
- талабаларнинг амалий касбий кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришда ўқув тренажер вазифасини бажариш;
- ўқув жараёнида назорат таҳлилини сифатли ташкил этиш;
- талабаларнинг курс, малакавий битирув ишларини бажаришда, магистрлик диссертацияларини тайёрлашда ўқув материаллари билан мустақил танишиш, танлаб олиш, турли маълумотларни таҳлил эта олиш каби малакаларни шакллантириш.

Бугунги кунда таълим жараёнини такомиллаштиришнинг асосий омил-

лари сифатида компьютер билан мулоқотни, электрон ахборот-таълим ресурслари орқали ўқув-методик таъминотни яратиш, ўқув жараёнини компьютерли ахборот-таълим муҳити ва замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш, таълим беришда гиперматн, мультимедиа, ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланиш кабиларни қайд этиш мумкин.

АҚЛИЙ ЗУККОЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ-МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ

Тўраева Азиза Пулатовна ҚарДУ катта ўқитувчиси

Шарқ халқлари ва ўзбек миллатининг юксак маънавияти асрлар давомида бутун башариятни лол қолдириб келгани ҳаммамизга маълум. Айни пайтда турли мамлакатларда илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар ҳам ушбу юксак маънавият шаклланишининг қонуниятларини топишга, асл сабабларини ифодалаб беришга интиладилар. Президент И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида илк бор миллий маънавиятимизнинг юксак чўққиларини забт этиши сабаблари кўрсатилади. Эзгу фазилат ва интилишларнинг халқимиз маънавий оламига сингиб кетгани тўғрисидаги мулоҳаза юритар экан, давлатимиз раҳбари шундай белги - аломатлар ҳақида гапирганда, уларнинг тарихий-ижтимоий заминига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман. Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё худудида азалдан водийларда, катта сув манбалари дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати, иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва иллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақазо этиб туради”. И.Каримовнинг ушбу мулоҳазасидан кўриниб турибдики, халқимизнинг юксак маънавияти объектив ва тарихий зарурият сифатида юзага келган ва ривожланган. Бугун ана шу юксак маънавиятни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни замоннинг ўзи тақазо этмоқда. Чунки инсоният тараққиётининг бугунги босқичига келиб, миллат борлиғига турмуш тарзи ва менталитетига жиддий таҳдид солаётган, шу миллат вакилларининг маънавий оламига қарши қаратилган омиллар ва воситалар миқдори ниҳоятда кўпайиб кетди. Уларга эътиборсизлик – миллат тақдирига эътиборсизлик демакдир.

Ақлий зукколик – юксак маънавиятли инсон қиёфасининг муҳим фазилатларининг асосини ташкил қилади. Шу боис ақлий зукколикни бир бутун сифатида қандай фазилатларни шакллантириш орқали мустаҳкамлаш мумкин деган савол туғилади. Ақлий зукколикнинг компонентлари: фаҳм-фаросат, мустаҳкам хотира, фикр-мулоҳаза юритиш ва ижодкорлик, мустақил фикрлаш қобилияти.

Фаҳм-фаросат инсон ақл-заковатининг қуйи босқичи бўлиб, инсон ҳис-туйғулари асосида содир бўладиган турли тасаввурлар, ақл учун материал вазифасини бажарувчи укув ва малакаларни ҳам қамраб олади. Мустақил хотира ақлий зукколикнинг муҳим шарти сифатида эшитган нарсаларни моҳиятини зийраклик билан илғаб олиш, кўрган, эшитган нарсага фаҳм

ёрдамида уқиб олиш, кўрган эшитган нарсаларни ичда бир неча марта такрорлаб олиш ва энг муҳими диққатини жамлай олишни ўз ичига олади.

Ақлий зукколикнинг кейинги компоненти фикр-мулоҳаза юрита олиш. Одам боласини, дейлик, ўйлаб-чамалаб иш қилишга одатлантириш мумкин, бироқ унга теран фикрлашни рисоладагидек ўргатиб бўлмайди. Шу боис “калламга бир фикр келиб қолди”, деб дабдурустдан ажиб ҳикмат сўйлайдиган ҳамсухбат орамизда кам учрайди. Зеро, фикрлаш – қобилият талаб этиладиган, илм билан бойитиладиган лаёқатдир. Сухбатдошимиз фикр айтяптими, ёхуд фикрляяптими шунга диққат қилмоғимиз лозим. Агар у фикрлаётган бўлса, бахсли саволлар берсак, хулосаларимиз янада тиниклашади, агар у фикр айтаётган бўлса чалғиб кетиши мумкин. Тафаккурнинг примитивлиги ва провинциаллиги кўпинча фикр-мулоҳаза юритишда оқсоқликларни келтириб чиқаради. Провинциал тафаккур аксарият ҳоларда маҳаллий ва бачкана мулоҳазаларга ўралашиб қолади, уларнинг аҳамиятини ортиқча баҳолайди. У мулоҳаза юритаётган муаммолар бўйича дунёдаги янгиликларни, муқобил фикрларни, ечимларни яхши билмайди, шу боис унинг мулоҳазалари масалага бир томонлама тор ёндашиши асосида саёзлиги билан ажралиб туради. Баъзан муросагўйликка, келишувчиликка мойиллик кўрсатиб, обрўли шахс фикрини нотанқидий қабул қилади. Бу белгилар унинг мустақил эмаслигини, тоъбелигини кўрсатади. Шунингдек провинциал тафаккур маҳаллий муаммоларни минтақавий ва глобал муаммолар билан чуқур боғлай олмайди. Хусусий ҳодисаларда мавжуд бўлган умумий тенденцияларни яхши пайқамайди. Умумлаштириш маданияти пастлиги, теран таҳлил қила олмаслик, ижодий мустақиллик етишмаслиги, турли тамойилларни чалкаштириб юбориш, зиммасига маъсулият олишдан қўрқиш, воқеликни ва ҳодисаларни ўзига хос тарзда муқаддаслаштириш провинциал тафаккурнинг моҳиятини ташкил қилади.

Ақлий зукколикнинг яна бир муҳим компонентларидан бири ижод ва ижодкорликка мойиллик қобилиятидир. Билими кам киши бахсда ёки суҳбатда эшитган гапларини холис баҳолай олмайди. У иккиланиши, суҳбатдоши далилларининг тўғрилигига шубҳа қилиши мумкин, аммо асослар ёрдамида рад этишга ожизлик қилади. Агар ички туйғу уни “огоҳлантирмаса”, у суҳбатдоши фикрини тўлиқ ёки қисман қабул қилиши ҳеч гап эмас. Билим кўпроқ ахборотлар мажмуидан иборот бўлиб қолса, унда таҳлил қилиш, мустақил хулосалар чиқариб янги фикр яратиш орқали янги нарса ижод қилиш, яъни амалиётга айланиш салоҳияти етишмаса, у тафаккур маданиятига айланмайди. Билим ижодкорлик салоҳияти билан қўшлигандагина тафаккур маданияти юзага келади. Хуллас, ақлий зукколикни ёшлар онгида шакллантириш учун, бошқача айтганда тафаккурни тобеликдан примитивликдан, провинциалликдан холос қилмоқ учун уларни мустақил фикрлашга ўргатмоқ лозим. Бунинг учун фарзандларимиз қалбида адабиётга муҳаббатни юксалтирмоқ зарур, уларни бадий китобларни ўқишни рағбатлантирмоғимиз, мантиқий фикрлашга ўргатмоғимиз зарур.

Ахлоқий поклик, ахлоқий комиллик сифатларини шакллантириш орқали эса маънавий олам янада бойийди ва сайқаллашади.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНГАН БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИГИ

У.Худаяров СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси.
У.Ҳ.Тошимов Тошкент Юридек университети талабаси.

Икинчи жаҳон уруши йилларида собиқ СССР нинг бир қанча ҳудудларидан саноат корхоналари ва аҳолининг кўчириб келиниши, Ўзбекистондаги демографик жараёнларга катта таъсир кўрсатган. Масалан, уруш йилларида ташқи миграция ҳисобидан аҳоли сонининг ўсиши кузатилади, биргина 1941 йилнинг кузидан 1942 йилнинг декабрь ойигача 786866 киши Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Агарда, аҳолини ташқи миграция ҳисобидан кўпайишини бундан олдинги йиллар билан таққослайдиган бўлсак бў кўрсаткич 1926 йилдан 1939 йилгача 650000 кишини яъни республикамиз аҳолисини 10 фоизини ташкил этган. 1940 йилдан 1971 йилгача бўлган вақт оралиғида Ўзбекистон аҳолиси 5881,4 кишига ортган бўлса шундан, аҳолининг табиий кўпайиши 4664,6 кишини меграция ҳисобидан кўпайиши эса 1216,8 минг кишини ташкил этган. Мухтасар қилиб айтганда аҳоли сонининг кўпайишининг 79,3 фоизи табиий кўпайиш ҳисобидан 20,7 фоизи меграцион кўпайиш ҳисобидан иборат бўлган. Уруш йилларида Ўзбекистонга 200 мингдан ортиқ болалар собиқ СССРнинг турли ҳудудларидан эвакуация қилинган. Фикримизни 1941-1945 йилларда Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар уйлари ва уларда тарбияланаётган болалар сонига қаратсак.

Йиллар	Болалар уйлариининг сони	Болалар сони
1941	137	16 980
1942	164	21 470
1943	200	26 500
1944	230	30 000
1945	242	31 500

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики уруш йилларида собиқ СССРнинг уруш ўчоқларидан Ўзбекистонга болаларни эвакуация қилиш камайиш ўрнига йилдан-йилга ортиб борган⁶⁵. Эвакуация қилинган болалар ўзбекистоннинг барча вилоятларига жойлаштирилган. Эвакуация қилинган лар билан биргаликда Ўзбекистонга ишчилар, инженерлар ва техниклардан ташкил топган 14500 оила 40155 киши кўчириб келтирилган.⁶⁶

Урушнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонга болаларни кўчириб келиш бошланди. Хоразм областида 1941 йилнинг бир неча ойи ичида келтирилган 4617 боланинг 1160 таси 15 ёшгача бўлиб, улар дарҳол оилаларга фарзандликка олинди. Самарқанд шаҳрида эса 206 бола оилаларга тарбиялаш учун топширилди, 56 оила эса, болаларни ўз тарбиясига олиш мақсадида ариза топширдилар. Бухоро областида 1942 йилнинг март ойигача 1029 бола, Тошкент областида 643 бола оилалар томонидан тарбияга олинди.

⁶⁵ Мулладжанова С.Х., Турсунов Х.Т., Фазылходжаев К.Ф. Край преображенный октябрем. Издательство "Узбекистан", 1973. Стр.35.

⁶⁶ Мизарбаев А.Я. Советы Узбекистана в годы великой отечественной войны. Т."Фан"1985.33 бет.

Республика бўйича 1942 йилнинг март ойигача ота-онаси, қавм-қариндошларига қайтарилгандан ташқари 3430 ўғил-қиз, 1943 йилда эса 4672 бола оилаларда тарбияландилар. Аммо уруш тугагандан сўнг болаларни ота-онаси ва қавм қариндошларига қайтариш давом этди. Ўзбекистонга кўчириб келинган болаларнинг барчаси ҳам ўз яқинлари оиласига қайта олмадилар Биргина Бухоро областининг Ғиждувон районида фронт ёқасидан эвакуация қилинган болалар мингдан ортиқ бўлса, юзлаб болалар шахсий тарбияга олинган эди. Шахсий тарбияга олинганларнинг атиги 20 нафари ўз яқинларини топа олдилар қолганлари шу ерда доимий яшаб қолдилар.⁶⁷ 1941 йилнинг бошларида Бухоро областида 8 та болалар уйлари бўлган бўлса уруш охирларига келиб 27 тага, уларда тарбияланувчилар сони эса 850 дан 2938 тага етди. Самарқанд областида эса 40 тага, унда тарбияланувчилар сони ўн мингдан ошди, Сурхондарё областида болалар уйлари сони 2 тадан 12 тага ўсди. Қашқадарё областида болалар уйлари 22 тага етди, ундаги болалар сони 1360 кишини ташкил қилди. Юқорида қайд қилинган областларда 1945 йилнинг охиригача болалар уйлари сони юздан ошди, уларда тарбияланувчилар сони 17998 кишини ташкил этди.⁶⁸

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтадиган бўлсак уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар болажон халқимиз томонидан илиқ кутиб олиниб қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар улар оилалар томонидан фарзандликка олинди. Биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 165 минг киши жойлаштирилди ва уларга ғамхўрлик кўрсатилди. Анашундай инсоний фазилятлар қалбида жуш урган халқ дунёнинг ҳеч қаерида топилмаса керак.

ФИЗИКА ВА МАТЕМАТИКА ФАНИ ДАРСЛАРИНИ ЯНГИЧА УСУБЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИШ, ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ.

Умирова Норхол Зулпихоровна физика фани ўқитувчиси

Юлдошева Инобат Рузимуродовна математика фани катта ўқитувчиси

Навоий тиббиёт коллежи

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақилликни қўлга киритгач маънавий-марифий соҳада туб ислохатларни амалга оширмоқда.

Дархақиқат, баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашда қадим замонлардан жамиятнинг билимдон олимлари жалб етилган

Дарс ўтишда метод танлаш нафақат ўқув мақсадларига, балки ўқув материаллари мазмуни ва бу фаннинг мураккаблигига боғлиқ.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимида ўтиладиган физика дарсликларидаги айрим мавзуларни такрор ўтиш ўқувчиларни зериктириши табиий. Шу боис дарс ўтишда дарслар бир-бирига ўхшамаган ҳолда дарс ўтиш лозим. Бунинг учун мавзуга мос янги методларни танлаб олшимиз лозим.

⁶⁷ Турдиев. С. Улуғ ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги. Т.; “Фан” 1987. 31 бет.

⁶⁸ Уша жойда 33 бет.

Масалан: **Майда гурухларда ишлаш усули**

1. Турли усуллар ёрдамида гурух майда гурухчаларга (4-5т) ажратилиб, хар бир кичик гурух ўзининг бошлиғини сайлайди.

2. Мавзу ва унинг мақсади, асосий муаммоси аниқ қўйилади.

3. Муаммо буйича қуйидагича фикрлар бурони ташкил этилади:

а). Мустакил равишда дафтарга жавоблар руйхати тузиш.

б). Ўзаро жуфтликда (ёнма-ён ўтирган) бир-бирининг тузган руйхати билан танишиб, кўшимчалар киритиш.

в). Гурухчаларда руйхатларни умумлаштириш, муҳокама этиш, таҳлил қилиш, синтез қилиш, тоифалаш, умумий битта хулосага келиш.

г). Гурухнинг сардорлари навбат билан руйхатларни ўқиб бериш, такрорланмаган янги фикрлар билан руйхатларни тўлдириб, доскага ўқитувчи битта умумий фикрлар “шодаси” тузади.

4. Тузилган “шода” га ўқитувчи томонидан кўшимчалар киритилади.

5. Ўқитувчи ёрдамида “шода” элементлари шархланади ва тоифаларга ажратилади.

6. Мустаҳкамлаш учун тадбир ўтказилиб ва уйга вазифа берилади.

7. Хулоса.

Танқидий тафаккур усули

Танқидий тафаккур услуги ўқитувчи қўйган масала ёки муаммони ўқувчи ўз фикрини баён қилиш, ўзгалар фикрини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаий назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш орқали ечиш ёки ҳал этиш имкониятига эга бўлишига асослангандир.

Қўлланилиши:

- ўқувчи ўз нуқтаий назарини шакиллантиришга йуналтирилган ҳолатларда;

- ўқувчига ўз нуқтаий назари, фикрини ишлаб чиқиш учун имконият ва фурсат берилишида;

- Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда турли нуқтаи назарини муҳокама қилиш жараёнида.

Афзаллиги:

- ўқувчи ўз фикрини асослайди;

- таълим олувчиларга эркин сўзлаш имконини беради;

- барча фикрлар эркин таҳлил қилиб чиқилади.

Ҳар ким ҳар кимга ўргатади усули.

“Ҳар ким ҳар кимга ўргатади” услуги ўқувчиларга ўргатувчига айланиш, маълум билимларни ўзлаштиргач, ўртоқлари билан баҳам кўриш имконини берувчи ўқитиш услубидир. Бу услубнинг мақсади ўқувчиларга ўқитиш жараёнида зарур бўлган ахборот максимумини бериш, айти пайтда ўқувчига ахборот олиш ва беришга қизиқиш ўйғотишдир. Шунингдек ахборот ҳажмини олган ўқувчи маълум вақт давомида уни иложи борича кўпроқ ўртоқларига етказди.

Қўлланилиши:

- ўқувчига ахборот олиш ва беришга қизиқиш ўйғотишдир;

- ахборотни диққат билан эшитиш ва эслаб қолиш учун;

- шеригининг ахборотини тинглаб, бошқа шерик ахтариш учун;

Афзаллиги:

-ўз фикрини лўнда баён этиш:

-тинглаб ва эслаб қолиш даражасини ривожлантириш;

-фанга ва мавзуга бўлган қизиқишини ўйғотиш.

Лимерик усули

Ўқувчилар бирор мавзу бўйича қуйидаги саволларга жавоб бериш таклиф этилади.

1.Ким, қайирдан

2.Қандай, қанақа

3.Нима содир бўлади.

4.Нима билан тўғайди.

Бу усулдан лаборатория ишларини ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Шуни айтиб утиш керак-ки, биз педагоглар, замонавий инновацион технологиялар асосида баркамол авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда виждонан ва қалбан меҳнат қилишимиз, порлоқ келажагимиз олдида масъулятли бўлишимиз керак.

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ- РЕСПУБЛИКАМИЗ ФУҚОРОЛАРИНИ – ОНА ТАБИАТНИ АСРАШГА УНДАЙДИ.

Умматова М.Б. Гулистон давлат университети.

Ўзбекистон экологик ҳаракати Ўзбекистон Республикаси фуқороларининг ҳозирги ва келгуси авлодлари мусаффо экологик шароитда яшашлари ҳамда аҳоли саломатлигини тубдан яхшилаш билан бир қаторда табиий ресурслари ва хом- ашёларни муҳофаза этишга чорлайди. [1-3]

Ўзбекистон экологик ҳаракати сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохатларни амалга ошириш жараёнида мамлакатнинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлишига ишонган атроф – муҳит тозалиги ва инсон саломатлигини сақлаш ҳақидаги ғояларни қўллаб қувватлашга ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган фуқоролар ва нодавлат-нотижорат ташкилотларини бирлаштиришга йўналтирилган оммавий жамоат ҳаракати вакиллари ҳисобланади. Она Ватанимиз халқларининг бошдан ўтказган тотолитар, маъмурий- буйруқбозлик тизими, беписанд муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан ваҳшиёна фойдаланиш, Она замин тупроғига гербицитларни меъеридан кўп ишлатиш билан тавсифланади.

Мустақиллик Республикамизда экологик муамоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш борасида муайян ижобий ва салмоқли тажриба ортирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами Ватанимизда ҳамда минтақамизда экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқоролик жамияти институтлари ва фуқороликнинг саъи ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этади.

Демак, соғлом муҳит муҳофаза давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқоронинг Она – замин олдидаги муқаддас бурчи бўлишини мақсадга мувофиқдир деган фикрдаимиз.

Дарҳақиқат, Республикамизда фаолият юритган экологик жамоат бирлашмалари, экоҳаракат тимсолида атроф – муҳитнинг инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча салбий ҳаракатларни бирлаштириш имкониятига

эга бўладилар. Бу жараёнларни ҳаммаси Республикамиз Баркамол авлодининг маънан бой ва соғлом ҳаётини таъминлашдаги асосий экологик шарт ва экологик омил ҳисобланади. Экоҳаракат “Соғлом муҳит инсон саломатлиги” ғоясининг ўзининг асосий шиори ҳисоблайди ва ўзининг бор имкониятини шу эзгу, муқаддас ва пок вазифани сидқидилдан бажаришга сарф этади.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ПРЕИМУЩЕСТВА РАБОТЫ С ИНТЕРАКТИВНОЙ ДОСКОЙ

Усманова Насиба Махмудовна

Ушбу мақолада талабаларнинг тил урганишга булган маҳоратини ва кизиқишларини оширишда дарс жараёнида интерактив доскалардан самарали фойдаланишнинг ахамияти борасидаги масалалар ёритилган.

Особенно интенсивно начинает изменяться учебное пространство, в котором используется новый тип образовательного инструмента - интерактивные доски SMART Board. Они порождают новые возможности работы с образовательным материалом: активно включаются в процесс обучения тактильные коммуникации, успешно дополняемые новыми аудиальными и визуальными возможностями программы. Возникает более глубокий сенсорный уровень включенности человека, что расширяет доступность образования, позволяет решать многие психологические проблемы детей и взрослых с ограниченными возможностями восприятия, создавать свою индивидуальную форму работы с учебным материалом. Технологии такого типа основаны на активации зон внимания, а точнее, на включении, запуске познающей системы, ее погружению в окружающую среду.

Интерактивная доска – сенсорный экран, присоединенный к компьютеру, изображение с которого передает на доску проектор. Доска проста в использовании. Достаточно прикоснуться к ее поверхности, чтобы начать работу на компьютере. Интерактивная доска имеет интуитивно понятный, дружелюбный графический интерфейс. Работа с интерактивными устройствами (досками) существенно помогает в образовательном процессе. Это хороший выбор для тех преподавателей, которые хотят заинтересовать своих воспитанников, повысить посещаемость, облегчить усвоение материала, а также помочь учащимся с физическими недостатками.

Технологии мультимедиа позволяют осмысленно и гармонично интегрировать многие виды информации. Это позволяет с помощью компьютера представлять информацию в различных формах, таких как:

- изображения, включая отсканированные фотографии, чертежи, карты и слайды;
- звукозаписи голоса, звуковые эффекты и музыка;
- видео, сложные видеоэффекты;
- анимации и анимационное имитирование.

Новая форма подачи материала с помощью интерактивного оборудования SMART Board, представляет собой презентацию, создаваемую

докладчиком во время своего выступления - презентацию, создаваемую здесь и сейчас. На интерактивных досках SMART Board можно писать специальным маркером, демонстрировать учебный материал, делать письменные комментарии поверх изображения на экране. При этом все написанное на интерактивной доске SMART Board передается учащимся, сохраняется на носителях, распечатывается, посылается по электронной почте отсутствующим на занятии детям. Учебный материал, созданный во время урока на интерактивной доске SMART Board, записывается встроенным видеорекордером и может быть многократно воспроизведен.

Благодаря Smart-технологиям у меня получилось значительно разнообразить и усовершенствовать занятия русского языка. Я очень люблю конкурсные занятия по русскому языку. Использую на итоговых занятиях, занятиях повторения игры и т.д.

Но именно интерактивная доска Смарт Боард позволяет сделать викторины и конкурсы максимально яркими, интерактивными, захватывающими. Все это позволяет превратить обычное занятие в увлекательнейшее путешествие в страну знаний.

Интерес обучающихся к таким занятиям очень высок. Плюсом является и то, что, побывав в роли конкурсантов, студенты стремятся стать и ведущими конкурсов и, что очень важно, сами составляют такие занятия.

Интерактивная доска используется при выполнении таких заданий, в которых необходимо добавлять записи, передвигать объекты и надписи, рисунки, добавлять цвета, устанавливая соответствия, в которых рисунки скрыты, а затем показываются в последующие моменты занятия, заполнять таблицы и кроссворды.

Интересные возможности предоставляет доска при *работе над ошибками*. Используя *документ-камеру*, преподаватель может демонстрировать работу учащегося на экране и даёт возможность ему найти и маркером исправить ошибки.

Возможно привлечение нескольких ресурсов, и преподаватель может выбрать, то, что ему необходимо: видео-файлы, звуковые файлы. Интерактивная доска – привлекательное оборудование. Атмосфера урока становится более непринуждённой, а общение со студентами свободным и лёгким.

Преимущества интерактивной доски

- ИД помогает учителю использовать средства обучения легко и непринуждённо, находясь в постоянном контакте с классом
- ИД позволяет существенно экономить время на различных этапах урока
- ИД позволяет учителю создавать простые и быстрые поправки в имеющемся методическом материале прямо на уроке
- ИД помогает расширить использование электронных средств обучения, потому что они передают информацию слушателям быстрее, чем при использовании стандартных средств
- ИД позволяет заменить бумажные карточки, таблицы и плакаты
- ИД позволяет ученикам выполнять совместную работу, решать

общую задачу, поставленную учителем

- ИД позволяет создавать собственные коллекции материалов к урокам
- ИД даёт обеспечение многократного использования педагогами разработанных материалов, обмена материалами друг с другом
- ИД стимулирует профессиональный рост педагогов, побуждение их на поиск новых подходов к обучению.

Исходя из выше сказанных можно с уверенностью подтвердить, что использование информационных и коммуникационных технологий в учебном процессе является актуальной современной образованности. Необходимо расширять кругозор учащихся, повышать уровень их культурного образования, развивать языковые и коммуникативные навыки и умения.

Использование интерактивных досок на занятиях предоставляют широкие возможности для индивидуализации и дифференциации обучения, при их грамотном использовании позволяют сделать образовательный процесс интересным и даёт возможность сотрудничеству преподавателя с учащимися.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МЕХНАТ ТАРБИЯСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Усмонов А.Ш. ТАТУ СФ ассистенти

Халқ ижодида инсонларнинг меҳнат фаолияти, ижтимоий-миллий ҳаёти, турмуш тарзи, табиат тўғрисидаги тушунчалари, маданияти, эътиқоди, орзу-истаклари, ҳис-туйғулари ҳамда тафаккурининг бой олами, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўйлари ўз ифодасини топади. Таълим-тарбияда дастлабки халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, буюк мутафаккирлар ижодигача ёшларни меҳнатсевар бўлиб етишиши, касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат аҳлини ҳурмат қилиш ҳамда меҳнат инсонни улуғлаш масалаларига алоҳида эътибор берилганлигига гувоҳ бўламиз.

Биз буни турли даврларда яратилган таълимий-ахлоқий асарлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари топишмоқ, халқ кўшиқлари, масал, мақол, эртақ ва дostonларда меҳнат ва касб-ҳунар одоби, ахлоқи ва қоидаларини ўзлаштириш муҳим ҳаётий зарурат эканлиги таъкидланади.

Бундан ташқари «Авесто», Кайковуснинг «Қобуснома», Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райҳон Берунийнинг «Геодезия», «Минерология», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Алишер Навоийнинг бир қатор асарлари ва шу каби маърифий мерос намуналарида меҳнатсеварлик, касб-ҳунарнинг аҳамияти ҳақида муҳим фикрлар баён этилган. Булар дастлабки халқ оғзаки ижоди намуналаридаги халқ эпослари, эртақ, мақол ва топишмоқлардан бошланган.

Мана шундай эртақлардан бири «Ақл ва бойлик» эртагидир. Бунда чол тўрт ўғлига қарата «Ким ақлли ва давлатманд бўлса, ўша оила бошлиғи бўлиб қолади», деган сўзларига ўғилларидан бири зумрад кўзли олтин узуги, иккинчиси зарбоф чопонини, учинчиси эса қимматбаҳо камарини кўрсатади.

Кенжа ўғил эса отасининг саволига «Менда зумрад кўзли узук ҳам, зарбоф чопон ҳам, қимматбаҳо камар ҳам йўқ. Лекин меҳнаткаш кўлим, ботир юрагим, ақлли бошим бор», - дейди ва отаси уни оила бошлиғи қилиб, уй-рўзғорини мерос қолдиради.

Кўриниб турибдики, халқ бу эртақ воситасида ёшларга инсонни ҳаётда бахтли қила оладиган нарса меҳнат деган ғояни илгари сурган.

Фақат эртақларда эмас, халқ мақолларида ҳам меҳнатсеварлик, меҳнатда ҳамкорлик, меҳнатнинг инсонни бахтли-саодатли қилиши ифодаланган. Масалан:

Дарё сувини баҳор тоширар,
Инсон қадрини меҳнат оширар.
Меҳнатда дўст ортар,
Ғийбатдан душман.

каби мақоллар шулар жумласидандир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида эса шаҳар ва қишлоқ халқини ижтимоий табақаларга ажратиб, деҳқонлар, ҳунармандлар, чорвадорлар олимлар, табиблар ва бошқалар ҳақида сўзлаб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтади. Турли касблар, айниқса, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачиликка оид фикрларини баён этади. У деҳқон, ҳунарманд ва чорвадорларни жамиятнинг моддий бойликларини яратувчи сифатида таърифлайди.

Алишер Навоийнинг ҳақиқий инсон учун энг яхши фазилатлардан бири меҳнатсеварлик деб кўрсатади. У «Ҳайратул аброр»нинг бешинчи мақолатида кишиларнинг саховатига кўз тикишдан кўра ўз кўли билан ҳаёт кечириш улуғроқ ва олийжаноброқ эканлигини «Ҳотам Тойи» ҳикоятида келтиради.

Ҳотам Тойи бир куни кўй-кўзилар сўйдириб, халққа катта зиёфат беради. Сўнг бир оз дам олиш учун далага чиқади. Унга елкасида ўтин кўтариб келаётган бир чол учрайди. Ҳотам Тойи унга «Даштда юриб беҳабар қолгандирсан, ташла бу оғир юкни, Ҳотам уйига бориб зиёфатда иззат кўргил», - дейди. Шунда чол кулиб: «Эй, оёғига ҳирс банд солган, ғайрат водийсига қадам урмаган киши, сен ҳам бу тикан меҳнатини чеккин ва Ҳотамнинг миннатидан қутулгин», - деб жавоб қилади.

Ҳотам Тойи чолнинг бу сўзларига тан беради ва ҳалол меҳнат билан кун кечириши унинг ҳимматидан баланд эканлигини англайди.

Алишер Навоий меҳнатнинг инсонни гўзаллаштириши, фақат меҳнат туфайлигина инсоннинг камол топиши мумкинлигини таъкидлайди. Шу мақсадда у қатор меҳнатсевар бадиий образларни яратади. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонининг асосий қаҳрамони Фарҳод ана шундай қаҳрамонлар жумласидандир.

Фарҳод Арманистон ўлкасига қадам кўйганда, ўз юртида Қорандан ўрганган тош йўниш ҳунарини ишлатиб, оғир меҳнатдан эзилган халққа ёрдам беради. Ўз ҳунари, меҳнати туфайли бир томондан халқнинг оғир меҳнатини енгиллаштирган бўлса, иккинчи томондан севгилиси Шириннинг ҳурматига сазовор бўлади.

Фарҳоднинг меҳнатсевар ва ижодкорлигидан илҳомланган Алишер Навоий ўз достонининг иккинчи номини «Меҳмоннома» деб атайди.

Меҳнатга муҳаббат, ижодкорлик дostonнинг марказий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарида эса турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётидаги ўрнини белгилайди, фазилат ва нуқсонларини кўрсатади. Дехқонлар тўғрисида фикр юритар экан, «Дехқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. ... Олам маъмурлиғи алардин ва олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаёнки, қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут етқум, ҳам баракот», - деб дехқонларни, яъни, меҳнаткаш инсонни улуғлайди. Шу билан бирга шоир бу асарида текинхўрларни, ножўя иш тутувчи кишиларни, очкўз ва таъмагирларни, меҳнат қилмай ҳаёт кечирувчи шахсларни танқид қилади.

Педагог-шоир Ҳ.Ҳ.Ниёзий эса мактаб ёшларни илмли, одобли қилиб тарбиялаши ва ҳунарга ўргатиши керак, - деб таъкидлаган экан, ёшлар маънавий фазилатларининг шаклланишида меҳнатнинг ролини юқори баҳолайди. Шеърларида болаларни ота-оналарининг меҳнати қадрига етишга ундайди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ёшлиқда илм олишнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, «Ўқи», «Китоб», «Қалам» каби шеърларида илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмаслиги тўғрисидаги ғояни илгари суради.

У ёшларга келажакда ўз орзуларига етишиш, илм-фанни эгаллаш учун ёшлиқдан меҳнат қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Маърифатпарвар шоир Фурқат ҳам ўзининг маърифий шеърларида илм, ҳунар ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир соғлом фикрловчи инсонни ҳунар эгаллашга даъват этади, ҳунарга меҳр қўйган, уни ўрганишни даъват этган кишининг жаҳонда қадри баланд бўлажagini уқтиради. "Таълим-тарбия меҳнат асосида гўзал нарссаларни ҳосил қилади", деб тарбия ишида меҳнатнинг роли жуда катта эканлигини таъкидлайди.

ЎЗБЕК ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИДА МАТН УСТИДА ИШЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Икром Холмуродов- Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими
ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши институти
катта ўқитувчиси*

Матн нутқий ҳодиса бўлиб, у икки ва ундан ортиқ гапнинг мазмуни бирикишидир. "Баҳор бошланди" шаклидаги учтагина сўзнинг мазмуни бирикишидан тортиб, бутун бошли бадиий романлар, йирик трилогиялар ҳам матн саналади. Ҳар бир матн маълум бир нарса, воқеа-ҳодисани тасвирлайди. У ҳақда хабар беради, сўзловчининг муносабатини ифодалайди.

Матн ўз тузилишига кўра гап, мураккаб синтактик бутунлик, хат боши (абзац), бўлим, қисм, боб ва параграфлардан ташкил топиши мумкин. Ўқувчилар томонидан яратиладиган матнлар эса асосан гап, абзац ва қисмдан иборат бўлади. Бу бирликлар, албатта, матн ҳосил қилишда иштирок этади ва уни шакллантиришда муҳим аҳамиятга молик бўлади.

Баёнинг бу усулидан айниқа 5-7 -синфларда кўпроқ фойдаланилади. Чунки, бу усул ўқувчилар учун унча мураккаблик туғдирмайди ва улар

ходисаларни ўрганиш жараёнида йил фасллари, лола сайли, мактаб боғи, хўжалик фермаси, пахта даласи, чўл, сахро, тоғ, дарё, шаҳар, қишлоқ ва ҳоказолар тасвирини бемалол яратишлари мумкин.

Тасвирлаш кузатувчанлик билан боғлиқ. Шунинг учун она тили машғулотида болаларни кузатувчанликка ўргашиш, нарса, воқеа, ходисалардаги энг муҳим белги ва хусусиятларни кўра билишга одатлантириш жуда катта аҳамиятга эга.

Айниқса, ўзбек тили машғулотида матнлардан жуда кўп фойдаланишга тўғри келади. "Бизнинг оила", "Ёз кунларининг бирида", "Дарвозабон", "Раҳим касал бўлиб қолди", "Менинг дўстим" каби мавзуларда яратилган матнлар шулар жумласидандир.

Ўзбек тили машғулотида кенг қўлланиладиган баён усулининг яна бир тури муҳокамадир. Муҳокама матнининг ўзига хос хусусияти шундаки, сўзловчи (ўқувчи) баъзи қилинаётган воқеа-ходисага ўз муносабатини билдиради. Ўз фикрини исботлаш учун далиллар излайди ва уни асослашга интилади. У кузатиш, таққослаш натижаларига таяниб, маълум бир фикрини рад этади ва бу ҳақда ўз ҳукмини чиқаради.

Муҳокама тарзидаги матнлар яхшилик ва ёмонлик, меҳнатсеварлик ва ишёқмаслик, ҳалоллик ва текинхўрлик, тўғрилиқ ва эгрилик, яхши сўз ва ёмон сўз, дўстлик ва душманлик, ботирлик ва кўрқоқлик, одоб ва одобсизлик, кадр-қиммат ва қадрсизлик, сабр-қаноат ва сабрсизлик каби мавзуларда бўлиши мумкин. Айниқса, халқ мақолларини муҳокама матнининг мавзуси қилиб танлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, "Бетга айтганинг захри йўқ", "Дили тўғрининг-йўли тўғри", "Саёқ юрган-таёқ ер" каби. Матнлар услуб жиҳатидан ҳам ранг-барангдир. Она тили маълумотида бадий, публицистик, илмий ва расмий матнлардан фойдаланилади. Ҳар бир услуб маълум бир тил меъёри талаб этади.

Бадий услубда ёзилган матнларнинг ўзига хос хусусияти уларда тасвирийлик ва таъсирчанликнинг кучлилигидир. Ўқувчи бадий матн яратишда табиат ва ижтимоий борлиққа нисбатан эркин муносабабда бўлади: унинг моҳиятини очиш учун турли-туман лексик бирликлар (кўп маъноли сўзлар, маънодош ва қарама-қарши маъноли сўзлар), тасвирий ифода ва фразеологии бирикмалар, адабий тилнинг тасвир воситалари: ўхшатиш, мчболага, кичрайтириш, жонлантириш кабилардан ўз имкониятига қараб бемалол фойдалана олади. Бадий матн ўқувчиларда бадий дидни шакллантиришнинг асосий воситасидир. Ўқувчи бундай матнлар орқали гўзаллик ва нафосат оламига қиради, ўз қувончи ва ташвишлари билан ўртоқлашади, сеvimли қахрамонларига эргашади.

Ўқувчиларнинг оғзақи нутқини ривожлантиришда матнга айрим ўзгартиришлар киритиб сўзлаш усулидан ҳам фойдаланилади. Мустақил ишнинг бу тури гаркибида маълум даражада ижодийлик борлиги билан ажралиб туради. Бундай ишларга маълум бир шахс номидан берилган мағнии бошқа шахс номидан сўзлаш, матн мазмунини тўлдириш, воқеани саҳналаштириш кабиларни киритса бўлади.

Матнда сўзловчи шахсни ўзгартириб сўзлашда гўё ижодийлик йўқдай бўлиб кўринади. Аммо шахсининг ўзгариши гапнинг эгаси ва кссими ўртасидаги

муносабатларнинг ўзгаришига, жумланинг матнда берилган тартибини ўзгартиришга олиб келади.

Матн мазмунини тўлдириш ўқувчидан бирмунча ижодий изланишпи галаб қиладиган топшириқлардан биридир. Уқувчи матнга киригиш учун аввало унда баён қилинган тасвир, воқеа, ходисанинг моҳиятини чуқур англаб етиши, қўшиладиган фикрлар баён қилинган фикрларни қай даражада тўлдиришни ҳисобга олиш лозим. Лйниқса, бошланиш қисми берилган ҳикояни мустақил давом эттириш уни тўлдиришнинг иш самарали усулларида биридир.

Шундай қилиб, узбек тили машғулотида матн мазмунини қайта сўзлаш, уни қисқартириб ёки кенгайтириб баён қилиш, матн мазмуни асосида режа тузиш, матнни ижодий тўлдириш, уни ролларга бўлиб ўқиш каби мустақил иш турларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришга мўлжалланган матнлар устида ишлаш. Ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш йўллари ҳам оғзаки нутқ каби ранг-барангдир.

Матн мазмунини кенгайтириб ёзиш. Матн мазмунини кенгайтиришда бошланиш қисми берилган ҳикоялар, содда йигиқ гаплардан иборага матнлар, халқ мақоллари, ҳикматли сўзлардан фойдаланиш ўринлидир. Бошланиш қисми берилган матнни давом эттириш, уни кенгайтириш имконини яратади. Шубҳасиз, матннинг давом эттирилган қисми ўқувчининг ижодий иши саналади. Чунки бошланиш қисми берилган воқсапи давом эттириш учун ўқувчи изланишга, ижодий фаолият кўрсатишга мажбур бўлади.

Фикрни кенгайтириш чораларидан яна бири халқ мақолларининг маъносини шарҳлашдир. Масалан, ўқувчилар "Аввал ўйла, кейин сўзла" халқ мақолининг маъносини шарҳлар эканлар, кишилар сўзлашув одобига ҳамиша риоя қилишлари лозимлиги, ўйламай айтилган сўзнинг оқибати ёмонлиги, бу ҳақда қанча доно фикрлар, ҳикматли сўзлар борлиги ҳақида сезадилар.

Ўқувчилар "Дўст ачитиб гапирар, душман- кулдириб" халқ мақолини шарҳлар эканлар, чин дўстдан фақат фойда тегшиши, ундан ёмонлик ва зиён тегмаслиги, агар дўстнинг қаттиқ гапирса ҳам ундан хафа бўлмаслик кабилар ҳусусида фикр юритадилар.

ЎҚИТИШ АМАЛИЁТИДА ГАПИРИШДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдураззакова Шохидат Гулистон давлат университети

Ўқиш санъати ёзилган сўзларга асосий эътибор қаратиш дегани бўлиб, бу масала бугунги методикада гапиришнинг асоси ҳисобланади. Сўзлар шунчаки уни ёзган кишининг фикрини ўқувчига етказишдир.

Ўқувчи ўзи танишаётган матннинг шаклини эмас матн мазмунини фаол ўзлаштирилиши талаб қилинади, айниқса ўқиётган матнни таниш ва нутқда қўлланиши қийин бўлмаса яна яхши. Қачонки ойнадан ташқарида ойнанинг ўзини эмас, унинг моҳиятини кўриб англаб ета олса, ўқувчи китобхон шундагина ҳақиқий хис туйғуга берилади.

Бундай англаш етарли даражада эски таржима услубини қўллаш жуда-жуда қийин, чунки бу пайтда ўқувчи биргина ягона сўзга ҳам диққатини қаратишга мажбур ва ўз она тилида ўша калимага мос келадиган маъносини топиш қизиқтиради. Фақат сўзга эътибор қаратиб ишлаш эса бугун мақбул услуб ҳисобланмайди, бундай фаолият юритиш таржимондан талаб қилинган маҳоратни иккинчи даражага тушириб қўяди.

Шуғулланиш техникаси ўқувчини ўқишга ўрганишнинг иккита мактаби фикри, нуқтаи назари қабул қилинган. Ўқишнинг бир тури-овоз чиқармай ўқиш, иккинчи оғзаки – овоз чиқариб ўқиш

Овоз чиқармай ўқиш ҳоллари асосий масала ва бунда қуйидаги воситаларга эътибор беришимиз мумкин:

1. Бу анъанавий оғзаки ўқиш тил дарсларидан замонавий шаклдаги ўқишни қўллаш шакли

2. Оғзаки ўқиш анъанавий мисраларда жамоавий дарс жараёнларида қўлланилган, шу билан бирга қисқа шахсан дарс ўтиш туркумларида ҳам қўлланиши мумкин.

3. Овоз чиқармай ўқиш кўз билан ўқиш ҳисобланиб лаблар билан қарши қўйилади. Кўзнинг ҳаракатлари тез бўлади ва ёзилган варақларни калит сўзларига эътиборини қаратади.

4. Овоз чиқармай ўқиш бутун синфнинг фаол бўлишини ва ўқитувчига бўшроқ ўқувчиларга ёрдам беришига имконият яратади.

5. Бундай ўқиш тури ўқувчиларни ўзларининг қобилаятлари даражасида ишлашларига имкон беради ва шундай қилиб фавқулодда қийин жойларни ўзлари хал қилиб кетишига имкон беради

6. Синфда овоз чиқармай ўқиш амалиёти ўқувчиларни уларнинг ўзларининг кутубхонасида ҳам ишлай олишларига тайёрлайди.

7. Бу ўқувчиларни ўқиётган нарсасини бир қарашда англаб олишларига ҳам йўл очади

8. Оғзаки ўқиш шундай бир маҳоратки бунда ўқувчиларнинг ҳаммаси хар доим фақат энг зарурийгина нарсани ушлаб тушуниб олишлари шарт эмас

Оғзаки ўқишнинг фойдаси ҳақидаги бази мулоҳазалар:

1. Овоз чиқариб ўқиш бу ёзув шаклидаги рамзларни гўё бошқаларга айтиб туришдек бўлади; Бунда аниқ ёзиш учун ёрдам кўринади, шунингдек тўғри талаффуз қилиш ва тўғри оҳангига ўргатади

2. Агар тўғри овоз чиқармай ўқиш маълум айрим техника қўллаш билан амалга оширилса (кўзнинг ҳаракати сўзлар гуруҳларини қамраб олишлари) болалар бундай хил ўқишга ўрганишда қандай эришишлари мураббий томонидан кўрсатилади.

3. Босмадан чиқарилган бетдаги сўзлар жонли рамзлар эмас, ва уларни қачонки яхши ўқувчи ўқиса уларга ҳаёт ато этилади. Ўқитувчининг матнни ифодали ва бурро етказиши жуда ҳам қимматли воситадир.

4. Тилнинг луғат бойлиги алоҳида эътибор талаб қиладиган муҳим ёндашиш бўлиб, бунда сўзлар ҳам эшитишга ҳам кўзда кўришга мўлжалланган бўлиши шарт.

5. Ўқиган пайтда матнни гўё қўшиқ ижро этгандагидек ўқилиши (хусусан ўқишнинг бошланғич босқичида) бу умумий фаолиятга эришиш-

нинг яна бир танлаб олса бўладиган воситасидир

6. Овоз чиқармай ўқиш уйда ҳам шуғулланса бўладиган ўқиш туридир. Бироқ синфхона нозорат қилинадиган ягона жой ҳисобланади, буни ҳисобга олиб қўйишимиз керак.

7. Оғзаки ўқиш англаш, тушунишни синаш воситаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин ва сунъий ўқиб ўрганишни текшириб туради, натижа асосий диққатни майда чуйда икир чикирларга эмас, мазмунга қаратиш талаб қилинади.

8. Интенсив ўқиш анчагина ахамиятли бўлиб, у матнни иложи борича кўпроқ қисмини қамраб олишни эмас, айниқса ўрта босқичларда ва каттароқ қисмларни ўзлаштириш талаб қилинмайди албатта. Бироқ аслида мактаб болалари билан бирга ўқиш энг асосий нарса бўлиб қолмаслиги керак.

Ижобий босқичлар. Ўқиш шундай бир маҳоратки унга эришиш учун ўқувчи билан шуғулланиш талаб қилинади, ҳар бир матнни бир-бирига алоқадар босқичлар серияси сифатида бўлиши маслаҳат берилади ва бундай ишни амалга ошириш тайёргарликни талаб қилади албатта. Асосий мақсад ўқувчи томонидан ўқитувчининг ёрдамисиз эркин ўқий олишига эришиш, лекин бунда вақти-вақти билан луғат ҳам кўл келади. Оқибатда фақатгина шу воситанинг ўзигина эмас, керак уларга охириги босқичларга қараганда бошланғич босқичларда фарқ қиладиган матнларни бериш.

ЎҚИТУВЧИНING КАСБИЙ ҚОБИЛИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ф.Эшназарова, СВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси

Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясининг миллий ғоялар, талаблари асосида ташкил этиш, уни жамият тараққиёти истиқболлари ва жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган даражада бўлишини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмиш қолдиқларидан тозалаш ва ривожланган демократик давлатлар даражасига кўтариш, жамият равнақи учун юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини таркиб топтириш “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг асосий мақсади ҳисобланади.

Шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия тизимининг илмий-назарий асосларини яратиш ва шахсга йўналтирилган таълим-тарбия тизимини назарий-методологик жиҳатдан қуроллантириш – бугунги кунда педагогика фанининг бош мақсади сифатида белгиланган.

Маълумки ҳар қандай даврда таълим-тарбия тизими ўқитувчи олдига бир қатор муҳим вазифаларини қўяди. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ўқитувчининг касбий маҳоратини янада юксак даражага кўтариш давр талабидир. Чунки, келажаги буюк бўлган мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзандини эркин фикрлашга ўргатиш, уларда мустақил дунёқарашни шакллантириш, ҳар бир ўқитувчининг бугунги кундаги фаолияти мазмуни ва моҳиятини ўзида акс эттиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат эгаси бўлиши мумкин. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчи ўз фанини чуқур билиши, унга турдош фанлар ҳақида ҳам тушунчага эга бўлиши, ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиши, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиши, ўқувчиларнинг билим, камолот даражаси ва руҳиятини ҳисобга олиши, уларнинг нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликларини тасаввур эта олиши лозим.

Ўқитувчининг касбий қобилияти қуйидагилар асосида ривожланади:

- ўқитувчи ўқувчиларга фан асосларини ўргатар экан, энг аввало ўзи фанига доир адабиётлар, дарсликлар, қўшимча манбалар ва материаллардан чуқур фойдаланиши, шу соҳадаги кашфиётлар, янгиликлардан хабардор бўлиши;

- ўқув материални ўқувчиларга тушунарли, равои тилда, қизиқарли қилиб тушунтириши, ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантира бориши;

- бутун синф бўйича ва ҳар бир ўқувчини руҳиятини алоҳида кузата бориши;

- ўқувчиларнинг ўз фани бўйича билимларни ўзлаштириш даражасини аниқ билиши;

- ўқувчиларни нимани билиш истагида эканликларини аниқлаш;

- ўқитувчи бутун дарс давомида ўзини ҳар бир ўқувчи ўрнига қўя олиши ва шунга қараб иш тутиши;

- ўқувчининг ички дунёсига йўл топиши;

- ўқитувчи ўз нутқининг равоилиги, талаффузининг аниқлиги ва оҳангдорлиги билан ўқувчини ўзига жалб эта олиши;

- машғулот давомида имо-ишоралардан тўғри фойдаланиши;

- ҳар бир дарс учун ажратилган қимматли вақтдан тўғри самарали фойдаланиши лозим.

Юқорида баён этилганлар ўқитувчининг ижобий сифатларига – аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, дадиллик, чидамлилиқ, талабчанлик кабиларга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Педагогик маҳорат ҳар бир ўқитувчи меҳнати фаолиятида аста секин шакллана боради. Уни ижтимоий, адабий, педагогик, психологик шаклланиши жараёни қуйидаги босқичлардан таркиб топади:

Биринчи босқич – касбий маҳоратга доир адабиётлар ва бошқа манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва кўникма ҳосил қилиш;

Иккинчи босқич – адабиётлар ва бошқа манбалардан олинган билим, кўникмалар асосида маҳоратни ошириш режасини тузиш;

Учинчи босқич – ўз фаолиятини тузилган режа асосида ташкил этиш, илғор педагогик тажрибалар, илмий тадқиқотлар натижалари ва янги ахборот технологияларни амалда қўллаш.

Юқорида баён этилган жараёндан умумий хулоса шуки, **педагогик маҳорат** – касбий тайёргарлик, касбий фаолият ва кенг маънодаги ўз устида ишлашни билдиради.

ОБУЧЕНИЕ ПИСЬМУ КАК СРЕДСТВУ ОВЛАДЕНИЯ РУССКИМ ЯЗЫКОМ

*Файзиева Ю.Ю. Преподаватель русского языка кафедры “Языков”
СамГАСИ*

В практике работы некоторых преподавателей наблюдаются случаи неправильного отношения к письму: можно слышать рассуждения о том, что письму учить не надо и пользоваться им следует как можно меньше. В условиях обучения русскому языку, когда успех в овладении им во многом определяется самостоятельной учебной работой вне аудитории, письмо должно занять подобающее место в качестве помощника, способного облегчить усвоения русского языка на уровне, определенным программой.

Для начала посмотрим, как трактуется само понятие «письмо». Следует начать с того, что в науке различают письмо и письменную речь.

В лингвистической литературе под письмом понимается графическая система, как одна из форм плана выражения, средство представить язык с помощью знаков и наконец, дополнительное к звуковой речи средство общения при помощи системы графических знаков, позволяющее фиксировать речь для сохранения её произведений во времени и для передачи её на расстоянии.

Письменная речь определяется как речь в письменной форме, речь фиксируемая на письме, книжный стиль речи.

В психологическом плане письмо – это сложный процесс характеризующийся соотношением речевых звуков, воспринимаемых на слух, букв видимых зрением и производимых человеком речевых движений. Это сложная речевая деятельность, состоящая из умения соотносить зрительные образы со звукомоторными и связывать их со значением.

Письменная речь определяется как процесс письменного выражения мыслей и как речевая деятельность, связанная с видимой речью.

Для нас обучение письму – это формирование умений пользоваться графической и орфографической системами языка для записи отдельных слов, словосочетаний, предложений, фиксировать устную речь с помощью графических знаков, а усвоение письменной речи - это овладение умением сочетать слова в письменной форме для выражения своих мыслей в соответствии с потребностями общения.

Таким образом, перечисленные подходы к определению понятий объективно отражают определенную сторону письма и письменной речи.

Рассмотрим содержание обучения письму на начальном этапе обучения (его составляющие компоненты) первым таким компонентом является графика – совокупность всех средств данной письменности.

Русский язык пользуется кирилльской графикой. Графика русского языка существует в двух вариантах: печатном и рукописном, каждый из которых имеет в свою очередь прописные и строчные буквы, так что почти каждая графема представлена четырьмя вариантами алфавитных единиц. Сравнение начертаний букв печатного и письменного шрифтов показывает, что у единых графем наблюдаются близкие соответствия, у других печатный и рукописный варианты, резко отличаются друг от друга.

Существенные расхождения между печатными и рукописными вариантами, большое количество графических единиц и сложность начертания букв письменного шрифта в определенной степени создают трудности при обучению письму.

Чтобы сформировать навыки правильного начертания букв русского алфавита и перевода звуков и звукосочетаний в соответствующие буквы и буквосочетания, нужно учитывать:

- 1) Сходство букв русского и узбекского алфавита
- 2) Интерферирующее влияние родного языка
- 3) Новизну букв русского языка
- 4) Вариантность соответствий при переводе русских звуков в буквы.

Следующим компонентом составляющим содержание обучения письму, является орфография, которая определяется как правописание или система правил использования письменных знаков при написании конкретных слов. Если графика допускает несколько вариантов для передачи звука или звукосочетания, то орфография всегда употребляется только для написания и передачи определенного слова с этим звуком или звукосочетанием которое признается правильным, а все другие ошибочным.

При обучении письму следует учитывать перечисленные трудности орфографии. Их преодолению в известной мере помогает опора на определенные принципы: фонетический, морфологический и традиционный.

Фонетический принцип написания сводится к правилу «Пиши, как говоришь», то есть опорой для письма в таких случаях произношение. Основой фонетического принципа правописания становится звуковой анализ. От пишущего требуется только услышать и выделить звуки записываемых им слов, а затем фиксировать их соответствующими буквами.

Морфологический принцип написания состоит в том, что та или иная морфема на письме в родственных формах или словах всегда сохраняет графический образ. Такой принцип написания в современном русском языке особенно ярко выражается в графическом выражении форм множественного числа существительных.

Таким образом, можно сделать вывод о том, что в современном русском языке морфологические написания составляет довольно большое количество, и это необходимо учитывать при обучении орфографии. Не смотря на то, что в русском языке имеется довольно много слов, написание которых подчиняются фонетическому и морфологическому принципам, основным принципом русской орфографии все же является исторический или традиционный. К историческим написаниям относятся те, которые нельзя объяснить ни фонетически, ни морфологически, поскольку они отражают исчезнувшие нормы произношения, различные орфографические приемы, используемые в прошлом, либо вообще являются случайными написаниями.

Традиционные написания не представляют однородной группы. Объяснить их можно только при помощи истории языка, но и то не всегда.

Орфографический облик слов помогает во многих случаях определить их этимологию, определить слово либо как исконно русское, либо как заимствованное из других языков.

Следующим компонентом содержания обучения письму является запись. Прежде чем раскрыть содержание обучения записи, необходимо сравнить запись с письменной речью, определить их общие и отличительные черты. Запись и письменная речь являются производными от устной речи индивида и отражают её особенности. Запись и письменная речь используют одну и ту же знаковую систему кодировки (графику) и подчиняются единым лексико-грамматическим нормам языка. Если целью письменной речи всегда является передача информации другому лицу, то запись, как правило не решает коммуникативной задачи и предназначена для самого пишущего. В связи с этим запись и письменная речь отличаются и по степени развернутости суждения, использованию специфических стилистических и языковых средств. Продуктом письменной речи всегда являются связное высказывание, в то время как продуктом записи могут быть отдельные языковые единицы (слова и словосочетания), не связанные друг с другом предложения, план высказывания. Таким образом, запись рассматривается как учебная деятельность, способствующая совершенствованию речевых навыков и умений.

Поскольку овладение письмом осуществляется через усвоение букв, слов, словосочетаний, предложений, сверхфразовых единств, то соответствующими уровнями записи является каждая из указанных единиц. Запись может быть эффективным средством обучения лишь при условии, если каждое письменное задание выполняется в соответствии с целесообразной учебной задачей, стимулирующей активную мыслительную деятельность.

Запись на уровне словосочетаний помогает лучше осознать и заполнить механизм соединения, сочетаемости слов и служит переходной ступенью к записи на уровне предложений. Использование записи в процессе изучения русского языка имеет обучающее значение, так как в письме проявляется высокая активность обучающегося.

ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК ВОСИТАСИДА УМУМКАСБИЙ ФАНЛАР УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

*Мамутов Узақбай Балтабаевич, Бино ва иншоотлар қурилиши кафедраси
ўқитувчиси, Қорақалпоқ давлат университети,*

Олий таълим тизими ўқув жараёнида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида 340 000-Архитектура ва қурилиш таълим соҳасида янги мазмун ва шаклга эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, олий таълим муассасаларининг ўқув режа ва дастурлари такомиллаштириб борилмоқда. Ушбу ўқув режа ва дастурлар давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб тайёрланган бўлиб, улар ёрдамида талабаларга тақдим этиладиган асосий билим, кўникма ва малакалар тартибга солинади ва унда таълим йўналиши бўйича фан соатлари, курс, семестрлар ва ҳафталар бўйича тақсимланади. Бироқ бу тақсимотлар бўйича ўқув жараёни олиб боришда таълим жараёнини ташкил этувчилар ва

амалга оширувчилар томонидан айрим муаммоларга дуч келинмоқда. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 10 мартдаги 84 сонли ва 2015 йил 21 августдаги 303 сонли буйруқлари билан тасдиқланган ва амалга киритилган 5340200-Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари) таълим йўналиши намунавий ўқув режасида ўқитиладиган умумкасбий фанларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Умумкасбий фан ҳисобланган «Қурилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси» фанини ўқитишда талабалар томонидан амалий қисмини ўзлаштириш ҳолатлари паст ҳолда эканлигини кузатишимиз мумкин. Ушбу ҳолатга асосий сабаб сифатида талабаларни «Қурилиш машиналари» фанини «Қурилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси» фанидан бир семестр кейин ўқитилишидир. Бунинг натижасида талабалар назарий билимларни тўлиқ ўзлаштирмасдан туриб амалий билимларни ўзлаштиришларида айрим муаммоларга дуч келишмоқда. «Қурилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси» фанини ўзлаштириш учун эса талабалар ушбу фандан олдин «Қурилиш машинлари» фанини тўлиқ ўзлаштиришлари лозим. Бунга эса ўқув режасида «Қурилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси» фани «Қурилиш машиналари» фанидан олдин ўтказилиши тўсқинлик қилади.

Таълим жараёнида умумкасбий фанларни ўрганиш кетма-кетлиги ва изчиллигини таъминлаш, улардан бирини ўрганиш иккинчисини ўрганишга асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўқитиладиган фан юзасидан тушунча, кўникма ва малакаларни шакллантириш узвийлигини ҳамда билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакаларни эгаллашга бўлган талаблар бирлигини таъминлайди.

Ўқитиладиган фаннинг мазмунини чуқурроқ ва кенгроқ қамраб олиш учун ўқув жараёнида фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш таълимда ижобий натижалар беради. Бунга эришиш учун ўқув режасидаги фанлар ва малакавий амалиётларни курслар ва семестрлар ўртасида тўғри тақсимлаш ҳамда улар орасида ўзаро алоқани тўғри таъминлаш, сўнгра узвийлашган фан дастурларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, таълимда фанлараро узвийликни таъминлашда ўқув меъёрий ҳужжатларнинг асосийларидан бири бўлган амалдаги ўқув режанинг мазмунан такомиллаштирилган тузилмасини ишлаб чиқиш зарур.

Жумладан, амалдаги ўқув режада кўрсатилган «Қурилиш машиналари», «Қурилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси» фанлари ҳажмини ва ҳафталик юкломани сақлаган ҳолда ўтилиш вақтини семестрлар кесимида қайта тақсимлаб, айрим ўзгартиришларни киритилишини яъни «Қурилиш машиналари» фани 4 семестрда «Қурилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси» фанидан аввал ўқитилишини таклиф қиламиз.

МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА MICROSOFT EXCEL ЭЛЕКТРОН ЖАДВАЛЛИ ДАСТУРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Фатхуллаев Ф., ЙўлдошеваФ., ХурсандовМ., СамДАҚИ

Барча замонавий фанларда математика лаштириш (математика методларни жорий этиш) табиий ҳолатдир. Умуман олганда, математик методларни қўлланиш соҳаси кенг бўлиб ва уни чеклаб бўлмайди. Айниқса табиий ва техник фанларда математиканинг роли каттадир. Бошқа фанлардаги моделлар ҳодисани сифатий ўзгаришини тасвирласа, улардан фарқли равишда математик модел миқдорий ўзгаришлар асосида хулосалар олишга, яъни ҳодисанинг қандай бўлишини ва оқибатини олдиндан айтиб беришга имконият яратади. Демак, у ҳодиса амалга ошаётган жараёни янада аниқроқ тасвирлайди.

Математик билимларнинг манбаи бўлиб амалиёт ҳисобланади, унда табиатни, воқеликни, ишлаб чиқаришни тадқиқ этувчи аниқ масалалар асосида математика ўзининг абстракт тушунчаларини ифодалайди. Масалан, узунлик, юза, ҳажм, ҳосила, интеграл тушунчаларининг математикага кириб келишига, ўлчашларни бажиршга ва қуйидаги масалаларни тезликка боғлиқ бўлган, босиб ўтилган йул, бажарилган иш ҳақидаги ва ҳоказоларни, ечишга бўлган эҳтиёж сабаб бўлди.


Ҳар қандай фаннинг ҳақчиллигини мезони, бу амалиётдир. Математика фани ҳам бундан мустасно эмас. Амалиётга оид масалаларни ечиш учун яратилган математик билимлар, амалдаги татбиғи билан текширилади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан хулоса шуки, математика дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишда ўқитувчидан бу фаннинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олишни таълаб этади.

Маълумки, таълим мақсадлари таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий мақсадлардан ташкил топган бўлиб, улардан таълимий мақсадларда талабаларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш назарда тутилади. Юқорида айтилган мақсадга эришишда таълим мазмунини танлаш, уни ўқувчиларга ўргатиш воситалари, шакли ва усуллари муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўқитишнинг асосий мақсадига эришиш, ўрганиш учун сарфланадиган вақтни тежаш, иқтисод қилиш албатта кўзда тутилиши лозим [1].

[2] да Microsoft Excel электрон жадвалли дастуридан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ва материаллар қаршилиги соҳаларида, материалнинг лаборатория жараёнида ўтказиладиган синов ишлари бўйича, тайёрланган балка материали намуналарининг эгилишга, сиқилишга, чўзилишга бўлган мустаҳкамлик чегараларини ҳисоблаш ва дастурда унинг кўрсаткичларини декарт координатлари системасида график кўринишда тасвирлаш амаллари бажарилган. Шу дастурни, олий математика фанида қўлланишини кўриб ўтамиз.

Мисол. Функция экстремумлари топилсин ва унинг графиги ясалсин. $y = x + \cos 2x$ функция $(0; 2\pi)$ ораликда берилган. Microsoft Excel дастури муҳитига ўтилади.





1-расм.

Унда фойдаланувчи интерфейси, яъни асосий меню ва ҳар бир менюга алоқадор дастурлар билан таъминланган тасмалар мажмуаси, электрон жадваллар соҳаси жойлашган бўлади, 1-расм. $y = x + \cos 2x$ функциянинг $(0; 2\pi)$ оралиқда ётувчи қийматларини ҳисоблашда қийматлар жадвалини тузамиз. Функциянинг қийматлар жадвали 2-расм (а) да келтирилган. Бунда ҳўзгарувчи жойлашган устунга унинг қийматлари қўйилади, бу электрон жадвалнинг B4-B25устуни билан белгиланган. $x + \cos 2x$ ифодани қийматини ҳисоблашда D электрон устунда жойлашган ячейкаларга мос формулалар сатрида (Вставить функцию)Vi+Ci ёзувлар қўйилади, бу ерда $i = \overline{4,25}$. C4-C25устунда $\cos 2x$ функция қийматлари ҳисобланган бўлади. C электрон жадвал устунининг Ciячейкаларга ($i=\overline{4,25}$) $\cos 2x$ функция қийматлари қўйилади. Бунинг учун асосий менюни “Формулы” иловасига ўтилади, ундаги “Библиотека функций” гуруҳида “Вставить функцию” ёзуви босилади, 1-расм (б). “Мастер функций” дарчаси пайдо бўлади. “Поиск функции” сатрига “cos” функция номи ёзилиб, “Найти” тугмаси, сўнг “ОК” тугмаси босилади. “Аргументы функции” дарчаси пайдо бўлади. “Число” сатрида функциянинг аргументи ёки аргумент ўрнига ифода ёзилади, ушбу ҳолда Vi ($i=\overline{4,25}$)ёзилиб ва “ОК” тугмаси босилади, 2-расм (б).

	D2		fx	
	A	B	D	E
1				
2				
3	N	x	$x + \cos 2x$	$x + 1$
4	1	0,00	1,00	1,00
5	2	0,13	1,10	1,13
6	3	0,26	1,13	1,26
7	4	0,39	1,10	1,39
8	5	0,52	1,02	1,52
9	6	0,65	0,91	1,65
10	7	0,79	0,79	1,79
11	8	0,92	0,66	1,92
12	9	1,05	0,55	2,05
13	10	1,18	0,47	2,18
14	11	1,31	0,44	2,31
15	12	1,44	0,47	2,44
16	13	1,57	0,57	2,57
17	14	1,70	0,74	2,70
18	15	1,83	0,97	2,83
19	16	1,96	1,26	2,96
20	17	2,09	1,59	3,09
21	18	2,23	1,97	3,23
22	19	2,36	2,36	3,36
23	20	2,49	2,75	3,49
24	21	2,62	3,12	3,62


	B4		fx		0
	A	B	D	E	
1					
2					
3	N	x	$x + \cos 2x$	$x + 1$	
4	1	0,00	1,00	1,00	
5	2	0,13	1,10	1,13	
6	3	0,26	1,13	1,26	
7	4	0,39	1,10	1,39	
8	5	0,52	1,02	1,52	
9	6	0,65	0,91	1,65	
10	7	0,79	0,79	1,79	
11	8	0,92	0,66	1,92	
12	9	1,05	0,55	2,05	
13	10	1,18	0,47	2,18	
14	11	1,31	0,44	2,31	
15	12	1,44	0,47	2,44	
16	13	1,57	0,57	2,57	
17	14	1,70	0,74	2,70	
18	15	1,83	0,97	2,83	
19	16	1,96	1,26	2,96	
20	17	2,09	1,59	3,09	
21	18	2,23	1,97	3,23	
22	19	2,36	2,36	3,36	
23	20	2,49	2,75	3,49	
24	21	2,62	3,12	3,62	



2-расм.

Худди шу тартибдаги амаллар кетма-кетлиги бажарилиб, E электрон жадвал устунисидаги E_i ячейкаларга ($i=4,25$) $x+1$ ифодани қийматлари қўйилади, 2-расм (а). Натижада функциянинг қийматлар жадвали ҳосил бўлади.

Функция графигини яшашда B_i ва D_i ($i=4,25$) электрон жадвал устунларининг ячейкалари ниқобга олинади, 2-расм (а), сўнгра асосий менюни “Вставка” иловасига ўтилади. Ундаги “Диаграммы” гуруҳида “График” ёзуви босилади, 1-расм (а). Пайдо бўлган дарчада “Все типы диаграммы” ёзув ости босилади, навбатдаги пайдо бўлган дарчада “Точечная” ёзув ости босилади, ҳосил бўлган “Точечная” гуруҳидан “Точечная с гладкими кривыми” шакл белгилаб олиниб ва “ОК” тугмаси босилади. Электрон жадваллар соҳасида, “Область диаграммы” дарчасида функциянинг графиги ясалади, 3-расм. Агар қийматлар жадвалидан B_i ва D_i электрон жадвал устунларининг ячейкалари билан E_i ($i=4,25$) электрон жадвал устунларининг ячейкаларини биргаликда ниқобга олиб, юқорида функция графигини яшашда бажарилган амаллар кетма-кет бажарилса, функцияни олдинги графиги асимптота чизиғи билан биргаликда ясалади, 3-расм.



3-расм.

Мисолни одатий усул билан ҳам бажарса бўлади. Унда функцияни текширишнинг ва графигини яшашнинг умумий схемасидан фойдаланилади.

ЖИСМОНИЙ ВА САЛОМАТЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ф.Ж.Қосимов. СамДАҚИ С.М. Фаниева 101-КТ (бик) талаба

Мамалакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига берилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бундай мувоффақиятларнинг ҳамда қураётган демократик жамиятимизга муносиб жисмоний соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган комил авлодни тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт иродани тоблайти, одамни аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади. Шунинг учун жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, уни ривожлантириш баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим шартидир. Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф-одат, маросим ва байрамлар ҳам миллий мафқуранинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Мазкур мавзунинг долзарблиги ҳам, давлатимизнинг аҳоли соғлиғи, саломатлик онгига катта эътибор бераётганлиги ҳам шундаки, жаҳонда илм, фан-техника ютуқларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, оммавий қирғин ҳарбий қуроолларни синаш ва ишлаб чиқиш тўхтатилмаяпти, экологик, тинчлик ва соғлиқни сақлаш каби глобал муаммолар янада кескинлашиб бормоқда.

Турли хил юкумли, ўта хавфли қутириш ва спид касалликларининг халқаро майдонда тарқалиши хавфи янада кучаймоқда. Шунинг учун бу муаммо барча давлатлар учун ўз халқи келажагини таъминлаш ва фуқаролари саломатлигини турли хавф-хатарлардан сақлаш вазифасини кўндаланг қўймоқда. Шаклланаётган миллий истиқлол мафқураси миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассамлаштириб, жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан акс эттирмоғи зарур, токи ҳар бир ватандошимиз биз қандай жамият, қандай давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олсин.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, шахснинг саломатлик маданияти унинг тозалikka гигиена қоидаларига риоя қилиши, ювиниб-тараниши билангина белгиланмайди. Ёки бу борадаги авлодларимиз қолдирган ушбу одатлар ва қоидаларни билиб, уларга риоя қилишгина эмас, глобализация, интеграция, ахборотлар бўрони ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий, савдо ҳамда маданий алоқалар ўта кенгайган, тезлашган ҳозирги тарихий даврда ҳар бир шахс учун тиббий билимлар ва дори-дармонлар ҳақида муайян маълумотларга эга бўлиш шарт бўлмоқда. Саломатлик маданияти – бу танамиз ва унинг барча аъзолари соғлиғини таъминлашни тушуниш, ҳамда бу тўғридаги биологик, физиологик минимум билимларга эга бўлишдир.

СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИ ЎРНИ

Ф.Қосимов И. Нарзуллаев, Эшмуродов СамДАҚИ

Соғлом бола тарбияси – ҳозирги кундаги энг долзарб ва муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки соғлом авлодни тарбиялаш – соғлом дуё қараш, турмуш тарзини яратишни ва шакллантириш муҳим бўлаги ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йилнинг юртимизда “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилинган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барчамиз учун кадрли бўлган оилаларни мустаҳкамлаш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш, юртимиз ривожини, Ватанимиз обрў-эътиборини халқаро майдонда юксалтириш йўлида рўёбга чиқарилаётган ишларни янада юқори босқичга кўтарди.

Соғлом авлодни вояга етказиш борасида болаларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштириш, тарғибот ва ташвиқот қилиш, спорт йўналишлари бўйича билим, малака, кўникма ҳосил қилишдир. Ақлий камолот сари интилган жамият, жисмоний юксалиш орқали ҳам ўз мақсадига эришадилар, бу эса жисмоний маданиятни ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. У оммавий жисмоний тарбия, жисмоний маданиятга жисмоний маданият эса маънавий камолотга етаклайди.

Жисмоний маданият тизимининг мақсади тарбиянинг умумий мақсадларидан келиб чиқиб, болаларни ҳар томонлама баркамол авлод даражасида ривожлантиришдан иборат.

Жисмоний тарбиялаш – юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида шахсни тарбиялашга, инсоннинг жисмоний имкониятларини ривожлантиришга, унинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларни ортиришга қаратилган жараён дир.

Ҳозирги вақтда болаларимизни бўш вақтларини мазмунли ўтказишда жисмоний тарбия ва спортни ўрни ва аҳамияти беқиёс дир. Болаларни ёшлигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашимиз зарур.

Болаларимизни болалиқдан бошлаб спортни ўзининг ҳаётдаги доимий ҳамроҳи деб билиши, улар доимий спорт билан шуғулланиши ўзини соғлиғини мустаҳкамлашни шакллантиради ва иродасини тоблайди, уларнинг мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топиши, турли – туман синов ва қийинчиликларни мардона енгиб ўтишга қодир бўлиши ҳамда юқори натижаларга эришишидан иборат дир.

“Соғлом авлодни тарбиялаш – деб ёзади проф. М.Холмаматова, - буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш демак дир. Соғлом авлодни тарбиялаш икки жиҳат – ёш авлодни жисмонан соғлом этиб вояга етказишни ўзида мужассамлаштиради.!”

Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида комил инсо тарбиясига кенг тўхталиб, қуйидагиларни такидлайди: “Ҳар қайси ота – она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало,

шахсни кўриши зарур ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш, таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим”.

ВЛИЯНИЕ ФИЗИЧЕСКИХ УПРАЖНЕНИЙ НА ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА

*Хусаинов Ш.Я. Старший преподаватель кафедры физической культуры,
ассистент З.М. Пулатов*

Хусаинова Ф.Ш. Студенка 203 группы дизайн (Сам ГАСИ).

Здоровье – главная социальная ценность, которой обладает человек. Это ставит перед семьей, школой, где по существу закладывается фундамент здоровья человека, актуальную проблему - формирование здорового образа жизни, что в определенной мере способствует решению вопросов оздоровления нации в целом.

Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов, подчеркивает также, что «укрепление здоровья народа является одной из важных задач, забота о здоровье подрастающего поколения также введена в ранг государственной политики. В настоящее время образ жизни каждого индивидуума характеризуется возрастанием числа воздействующих факторов, частым проявлением различных перемен, проявляющиеся в изменении мест и форм обучения, правил общежития, жизни детей и подростков, что заставляет их приспособливаться к новым условиям без ущерба для своего здоровья.

Систематические занятия физическими упражнениями оказывают благотворное влияние на функции органов и систем человека, повышая его резервные возможности.

У людей, ведущих малоподвижный образ жизни, резко понижается обмен веществ из-за недостаточного поступления в организм кислорода. Отсюда и многие заболевания: атеросклероз, инфаркт, инсульт, болезни легких и др. При гиподинамии наступает ожирение, а из костей теряется кальций. Гиподинамия приводит к снижению микронасосной функции скелетных мышц, а сердце тем самым лишается своих надежных помощников, что приводит к различным нарушениям кровообращения в организме человека и сердечнососудистым заболеваниям.

Бездействие мышц приводит к нарушению кровообращения во всех органах, но чаще других страдают сердце и мозг. Малоподвижный образ жизни приводит и к преждевременному старению организма человека: атрофируются мышцы, резко снижается жизненный тонус, падает работоспособность, появляются ранние морщины, ухудшается память. Поэтому долголетие невозможно без активного образа жизни.

В последние годы опубликованы работы, в которых указывается, что малоподвижный образ жизни способствует развитию опухолевых заболеваний. А вот занятия физическими упражнениями, наоборот, положительно сказываются на функции всех органов и систем, повышают резервные возможности человека. Так, под влиянием физических упражнений усиливается эластичность кровеносных сосудов, их просвет

становится больше. В первую очередь это относится к сосудам, снабжающим кровью мышцу сердца. Систематические занятия физической культурой и спортом предотвращают развитие спазмов сосудов и тем предупреждают стенокардию, инфаркт и другие заболевания сердца. Для профилактики застоя крови в организме необходимо заставить себя регулярно заниматься физическими упражнениями.

Не следует забывать, что чем старше возраст человека, тем меньше остается функционирующих капилляров. Однако в постоянно работающих мышцах они сохраняются. В функционирующих мышцах сосуды стареют гораздо медленнее, чем во внутренних органах. Доказано, что сосуды ног стареют быстрее всего из-за плохого оттока крови в результате дефекта клапанов вен. И это приводит к застою крови, расширению вен и хроническому кислородному голоданию тканей с образованием тромбов, трофических язв. Поэтому мышцам ног нужно в течение всей жизни давать усиленную нагрузку, чередуя ее с периодами рационального отдыха. У человека, который не занимается физическими упражнениями, к 40-50 годам жизни скорость движения крови замедляется, уменьшается мышечная сила и глубина дыхания, повышается свертывание крови. В результате среди таких людей резко увеличивается число больных стенокардией и гипертонией. Малоподвижный образ жизни современного человека стал одной из основных причин возникновения раннего атеросклероза, пневмосклероза, ишемической болезни сердца.

Для сохранения функционирования всех органов и систем на протяжении всей жизни человек должен в первую очередь позаботиться о правильном дыхании. Учеными доказано, что при правильном дыхании в организме человека развиваются компенсаторные процессы, в частности, происходит образование новых альвеол и капилляров кровеносных сосудов. Этому способствуют и активные занятия физическими упражнениями.

Чтобы нейтрализовать пагубные для здоровья последствия малоподвижного образа жизни, необходимо регулярно, до самой глубокой старости, заниматься физическими упражнениями на свежем воздухе, дыхательной гимнастикой, закаливаться, рационально питаться. А чтобы физическая культура и спорт принесли ощутимую пользу, ими необходимо заниматься не менее 6 часов в неделю.

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШТИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Ҳамдамов И.А Ижтимоий фанлар кафедраси уқитувчиси СамДҶТИ

Инсоният жамиятининг вужудга келиши ва ривожланиши, табиий равишда, уни ижтимоий-сиёсий жихатлардан ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш жараёнларини демократиялаштириш ҳамда доимий модернизациялаштиришни тақозо қилган. Хусусан, жамиятни ташкил қилган ижтимоий-сиёсий структура элементларнинг конкрет манфаатлари давлатни ва жамиятни бошқаришнинг муқобил назарялари, методологияси, амалиёти тамойилларини вужудга келтирган. Шунга кўра, муайян ижтимоий гуруҳ

эҳтиёжларини қондиришга, манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қиладиган сиёсий партиялар ичида ҳам ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг хусусиятлари, воситалари ва йуллари ҳақида муқобил фикрлар, ғоялар, муҳолифлик руҳидаги амалий ҳаракат дастурлари бўлиши зарур.

"Ҳар бир партия ўзига бўлган ишончни, куч-қувватни халқ ичидан олади. Шунинг учун ҳам ҳар қайси партия – халқнинг маълум қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч, сиёсий партиялар ҳам ўз ғояси, мақсад ва вазифалари билан бир – биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина улар жамиятдаги хилма – хил қарашдар ва манфаатларни тўлақонли акс эттирган бўлади". Бу ҳаракатларнинг хилма – хиллиги ва муқобил йўналишлари жамиятнинг демократиялашув тенденциясини ҳам ифодалайди. Зеро, назарий жиҳатдан ҳар қандай жамиятда бошқаришнинг демократиялашуви, давлат тизимининг модернизациялашуви ҳар бир шахс эркинлигини, тенглигини таъминлайдиган шарт – шароитларни яратиши керак.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуришда давлат бош ислохотчи экан, унинг бу борадаги вазифаси сиёсий кучларнинг ҳаракатларини фалсафаси, либерализм ғояси асосида мувофиқлаштиришда ҳам яққол намоён бўлади. Чунки ҳозирги даврда ижтимоий – сиёсий муносабатларнинг оламшумул миқёсда глобаллашуви, интенсивлашуви, интеграциялашуви ва универсаллашуви давлат ва жамият бошқарувини демократиялаштириш тамойилларини, баҳолаш мезонларини қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Яъни, юқорида айтилган жараёнлар бир – бирига уйғун бўлган икки тенденцияни вужудга келмоқда. *Биринчиси* – жамиятдаги маълум қатлам манфаатларининг устуворлашуви асосида, миллат тақдирини белгилайдиган давлат ва жамиятни бошқаришнинг ижтимоийлашувни; *иккинчиси* – ҳар бир шахс, миллат, давлат манфаатларининг умуммиллат ва жамият манфаатларидан нисбатан мустақил индивидуаллашувида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга бу жараёнлар ҳар қандай ижтимоий табақада эркинлик ва тенгликнинг нисбийлигини, ҳатто, жаҳон миқёсида кучайтирилмоқда. Ислом Каримов мамлакатимизда сиёсий жараёнларни такомиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишда умуминсоний тамойиллардан фойдаланишнинг йўлларини кўрсатиб берар экан, кўйидаги вазифаларни кун тартибига қўяди: "Қадимий ва бой тарихимиз, кадрларимиз, ота – боболаримиз азалдан асраб – авайлаб келган ва биз ҳам амал қилаётган муқаддас дин-у диёнатимиз, урф – одат, удум ва анъаналаримизга риоя этган ҳолда, ҳар қандай ҳолат ва бошимизга тушган синовда ҳам ўзлигимизни йўқотмасдан, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни унутмасдан яшаш, фарзанларимизни ҳам шу аснода тарбиялаш ва ҳаётга йўлланма бериш".

Умуман, мустақиллик даврида сиёсий партияларнинг амалий тажрибаси, сиёсий нуфузи ортгани ва анча пишиб етилганини ҳисобга олган олган ҳолда, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва ҳаётимизда ҳал қилувчи сиёсий кучга айлантириш учун қонуний йул – йўриқларни яратиб беришни бугун замоннинг ўзи талаб қилаётганлигини қайд этиш зарур.

Сиёсий партиялар фаолият доирасининг конституциявий асосда белгилаб кўйилиши уларнинг умумий стратегик мақсад ва вазифаларини

аниқлашда алоҳида роль ўйнайди. Чунки, “фуқаролик жамияти – ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг зарур, оқилона усули, инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шаклланишини эркин танлаш кафолатлайдиган, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қарор топадиган, кўп партиявийлик, сиёсий институтлар ва ўзини – ўзи бошқарадиган органларнинг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тузум” ҳисобланади.

Бироқ, бир томондан, анъанавий шаклланган ва амалдаги демократик талабларга кўра, сиёсий партиялар алоҳида давлат бошқарув органлари тизимига кирмайди ва бевосита давлат сиёсатида иштирок этмайди. Иккинчи томондан, сиёсий партиялар давлат ижтимоий, иқтисодий, маънавий – маданий сиёсатига ҳам, омманинг жамоатчилик ташкилотлари – фуқаролик жамияти институтларига ҳам фаол таъсир курсатувчи сиёсий ташкилотлиги билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан, сиёсий партияларга, уларнинг вужудга келиши, генезисига кўра – объектив ҳодиса, жамиятга таъсирига кўра эса – субъектив омил тарзида қаралиши керак.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ВИДЕОМАҲСУЛОТЛАРДАН Фойдаланишнинг аҳамияти

*Хамдамов Эркин Эргашевич, Филология факультети декан, ГулДУ,
Эшбоева Дурдона Алишер қизи, талаба, ГулДУ,*

Инглиз тилини ўргатишнинг асоси суҳбатлашиш кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади. Аммо бу кўникмани эгаллаш нутқ жараёнида кийинчиликлар билан кечади. Ўқув машғулотлари давомида инглиз тилида мулоқот қилишга ундайдиган сабаб кўрсатиш учун, ўрганувчида сўзлашишга ундайдиган ҳолат ёки вазиятлардан фойдаланиш даркор. Дарсларда инглиз тилидаги видеофилмларни кўриш жараёнида ўқувчилар ўзаро мулоқот ва муҳокамага киришадиган вазиятлар пайдо бўлади. Шунга кўра ўрганувчиларда тилга бўлган қизиқишни ошириш ва дунёқарашини кенгайтириш учун видеофилмлар намойиш этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу мақолада биз, видео дарсларни ташкил этиш бўйича баъзи фикр мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ўқувчиларнинг вазифаси лавҳадаги қайси саволларга жавоблар берилишини аниқлашдир. Ўқувчилар лавҳани қайтадан томоша қилишади. Гуруҳ вакиллари жавоби топилган саволларини ўқишади. Қолган саволларга ўқитувчи уй вазифаси сифатида ёки гуруҳларда жавоб топишни таклиф қилади. Бундан ташқари, ўқитувчи лавҳадан парча кўрсатиб барча ўқувчилар муҳокама мавзусини тушунганлигини текшириб кўриши ҳам мумкин.

Кейинги машғулот “Таржимаи ҳол” деб номланиб, 20-30 дақиқага мўлжалланади. Бу машғулотни ўтказиш учун ўқитувчи қаҳрамонлар ўзаро мулоқот қиладиган 5-10 дақиқалик лавҳа танлайди. Лавҳа қаҳрамонлар ким эканлиги, қаерданлиги каби саволларга жавоб бўла олиши керак. Агарда ўқувчилар оғзаки нутқни яхши тушунишса, уларга узунроқ лавҳа ёки бутун бир филмни кўрсатиш ҳам мумкин. Сўнгра, ўқитувчи доскага қуйидагича саволларни ёзади:

What is the character's full name? Where was he or she born?

When was he or she born? What was his or her family like ?

Шундан сўнг ўқитувчи лавҳа нима ҳақидалигини тушунтиради ва ўқувчилар лавҳани томошо қилишади ва бирор бир қаҳрамонни танлашади ҳамда унинг таржимаи ҳолини ёзишлари керак бўлади. Бунинг учун уларга маълум вақт берилиши лозим. Ўқувчилар ўзларининг таржимаи ҳолларини гуруҳларда навбат билан муҳокама қилишади ва ўзлари қилган таҳминларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириш учун лавҳани қайтадан томоша қилишади.

“Истеъмолчилар фикрини аниқлаш” деб номланадиган машғулот 30 дақиқага мўлжалланган. Ўқитувчи ўқувчиларни қизиқтириши мумкин бўлган маҳсулот ёки хизмат рекламасини танлайди. Улар ўртача қанча вақт телевизор кўришларини аниқлаш мақсадида анкета тарқатади. Кейин реклама ролигида нима кўрсатилишини айтади. Доскага жавоб берилиши керак бўлган саволларни ёзади.

What is the message? What target audience is the message aimed at?

Are you part of the target audience? Do you find the message convincing?

Сўнгра ўқувчилар рекламани кўришади ва саволларга ўзлари берган жавобларни гуруҳларда муҳокама қилишади. Жавобларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида роликни қайтадан кўришади.

“Видео бўшлиқни тўлдириш” машғулоти 10-15 дақиқага мўлжалланган. Ўқитувчи аниқ сюжетга эга бўлган лавҳа танлайди. Унинг боши ва охиридан тахминан 1 дақиқа атрофидаги қисмини алоҳида ёзиб олади. Ўқувчиларга 2 та парча кўрсатилишини айтади. Ўқувчиларнинг вазифаси бу икки лавҳани боғловчи ҳикоя тузишдир. Ўқувчилар биринчи парчани кўришгач, ундаги вазият ва қаҳрамонларни гуруҳларда муҳокама қилишади. Иккинчи парча билан ҳам худди шундай муҳокама бўлгач, бу икки лавҳани, ундаги жойларни, воқеаларни ва қаҳрамонларнинг муносабатларини таққослашади. Ҳар бир гуруҳ ўз ҳикоясини тузиб бўлгач, гуруҳ вакили уни синфга ўқиб беради. Ўқувчилар ҳикоянинг ишончлилигини ва бошқа жиҳатларини кўриб чиқадилар. Кейин эса бутун лавҳани бошидан охиригача кўришиб, ўз ҳикояларини ҳақиқийси билан солиштирадилар.

Таклиф қилинган машқлар ўқувчиларнинг чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишларини янада кучайтиради. Кўрсатилган филмлар эса ўқувчиларни сўз бойлигини ўстириб қолмай, уларнинг фикрлашини ҳамда дунёқарашини ҳам ўстиради.

РАЗВИТИЕ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ УЧАЩИХСЯ НА УРОКАХ БИОЛОГИИ

А.Б. Хамидова, М.А. Асламова

Самаркандский государственный университет

В условиях модернизации образования, главным направлением развития академических лицеев и профессиональных колледжей является повышение качества образования, создание условий для развития личности каждого учащегося через совершенствование системы преподавания. Невозможно добиться успехов в решении задач, поставленных перед

учителем, без активизации познавательной деятельности, внимания учащихся, формирования и развития устойчивого познавательного интереса к изучаемому материалу. Важное условие творческого мышления учащихся – наличие у них общей культуры мышления, поэтому учебная деятельность на уроке направлена, прежде всего, на развитие интеллектуальных умений учащихся: умений анализировать, синтезировать, находить причинно-следственные связи, обобщать, делать выводы, классифицировать, сравнивать и т.д.

Формирование познавательных интересов и активизация личности – процессы взаимообусловленные. Познавательный интерес порождает активность, но в свою очередь, повышение активности укрепляет и углубляет познавательный интерес. Вопросы активизации учащихся относятся к числу наиболее важных проблем современной педагогической науки и практики. Реализация принципа активности в обучении имеет определенное значение, т.к. обучение и развитие носят деятельностный характер и от качества учения как одна из видов деятельности зависит результат обучения, развития и воспитания учащихся.

На уроках биологии для развития познавательного интереса учащихся можно использовать всевозможные биологические задачи. Постановка задач в процессе обучения повышает активность учащихся. Учащиеся исследуют явление, ищут пути его решения, выдвигают различные предположения, приводят доказательства, а это, несомненно, способствует активизации мыслительной деятельности учащихся, развитию логического мышления, познавательной самостоятельности и в итоге формированию и развитию познавательного интереса к биологии. На уроках биологии используются следующие типы задач: а) задачи, способствующие развитию логического мышления; б) задачи на распознавание натуральных объектов; в) задачи на формирование умений выдвигать и доказывать гипотезы; г) задачи, способствующие развитию исследовательских навыков; д) задачи, помогающие устанавливать связь теоретических знаний с практическими; е) задачи, связанные с самонаблюдением; ж) задачи, содержащие новую для учащихся информацию. Решение таких задач требуют фактических знаний и их теоретического анализа и обобщения. Например, в теме «Происхождение человека» учащимся предлагается задача: «В раннечетвертичных геологических отложениях в Африке найдены существа, у которых затылочное отверстие сдвинуто к центру черепа, большой палец руки хорошо развит и противопоставлен остальным, мозг весил 650-700 г, объем его 600-650 см³, рядом найдены кости павианов и антилоп. Опишите образ жизни и другие особенности этих существ. К какой группе они относятся: к человекообразным обезьянам, к обезьянолюдям или к людям? Ответ обоснуйте».

Для активизации познавательной деятельности учащихся в процессе изучения биологии – создание проблемной ситуации на основе высказываний. Можно предложить учащимся прокомментировать высказывания: 1) «Кто не любит природу, тот не любит человека». Ф. Достоевский 2) «Грандиозные вещи делаются грандиозными средствами. Одна природа делает великое дело даром». А. Герцен 3) Известный географ

и путешественник А. Гумбольдт утверждал, что «человеку предшествуют леса, а сопровождают пустыни». Почему так считает ученый?

Активизация познавательной деятельности в обучении биологии, позволяет достигать определенных результатов: 1) обучение активизирует мыслительную деятельность, без которой школьнику очень сложно учиться, тем более с интересом; 2) у большинства учащихся сформировалась положительная мотивация к изучению предмета, познавательный интерес не только к отдельным темам курса, а в целом к биологии; 3) возросла эффективность развития интеллектуальных и творческих способностей учащихся.

Таким образом, только стимулируя познавательную деятельность самих ребят, и повышая их собственные усилия в овладении знаниями на всех этапах обучения, можно добиться развития познавательного интереса к биологии. В обучении надо активно работать над развитием всех учащихся, как сильных по успеваемости, так и слабых. Педагогическая теория приобретает действенную силу только тогда, когда она воплощается в методическое мастерство учителя и стимулирует это мастерство. Поэтому система методических средств и приемов активизации познавательной активности учащихся нуждается в практическом освоении каждым учителем в выработке соответствующих умений и навыков.

ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ – ОСНОВНОЕ УСЛОВИЕ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ.

Хасанова Лола Таджиевна - старший преподаватель СамГАСИ

Особо важное значение в становлении высоконравственного отношения человека к природе имеет экологическое воспитание в семье и в школе. Здесь закладываются основы гуманного отношения к природе. Экологическое воспитание в семье во многом зависит от родительского авторитета, от того, как семья в целом и каждый взрослый в отдельности реагируют на сохранение природной среды дома, в парке, в поле и т.д.

Семейная жизнь, работа родителей, их поведение формируют первые ростки детского отношения к природе и человеку. В экологическом воспитании важное значение имеет сила подражания. Нужны живые хорошие примеры перед глазами детей. Каждое наше слово, каждый наш жест, не говоря уже о поступках, раз их видит ребёнок, могут служить для него примером для подражания.

Школа и семья призваны заложить у человека отношение к природе как источнику уникальных материальных и духовных ценностей. В этом плане значительно усиливаются экологические аспекты воспитания и образования в школьных программах и учебных планах, ведётся внешкольная работа по организации кружков по охране окружающей среды.

Статья 50 Конституции Республики Узбекистан посвящена бережному отношению к окружающей природной среде и это является одной из обязанностей граждан нашей Родины.

Уровень общественного экологического сознания во многом определяет направление и интенсивность природо-охранной деятельности

государствен-ных и неправительственных организаций. Процессы воспитания, образования, информационно- просветительской деятельности способствуют преодолению потребительской политики природопользования в стране, развитию экологических прав и обязанностей граждан, формированию их экологического мировоззрения.

В формировании экологического образования первостепенное значение имеет усвоение принципов охраны природы и рационального природопользования. Для этого необходимо преодолеть несколько стереотипов мышления и поведения, широко распространённых в прошлом. Это убеждённость в том, что наша страна обладает несметными природными богатствами и они избавляют нас от заботы об их экономичном и экологичном использовании. Окружающая природная среда обладает не только сиюминутной ценностью. Мы обязаны использовать все возможности современной цивилизации, чтобы она могла и в будущем удовлетворять потребности общества. В последнее время на эти цели выделяются крупные средства, но из-за серьёзных организационных недостатков и отсутствия единой системы трудно рассчитывать на ощутимые результаты.

Научно-технический прогресс изменил условия жизни человека, сделал её более комфортабельной, но вместе с тем и отделил человека от природы. Эта оторванность привела к утилитарному, потребительскому отношению к ней. Практическое отношение человека к природе закономерно. И всё же необходимо не только потребительское, но и эстетическое отношение к окружающему миру. Лишь рациональное использование природы в сочетании с любовью к каждому её проявлению, ко всей её красоте даст возможность обеспечить будущее планеты, а вместе с ней и человечества.

Экологическое образование и воспитание нельзя отрывать от формирования личности, так как взаимодействие общества и природы – это прежде всего мировоззренческая проблема. В процессе формирования научного мировоззрения опреляется место человека в системе “общество-природа”. Целью экологического образования должно стать осознание всеми людьми идеи гармонического взаимодействия общества и природы, человека и окружающей среды, ответственности за её состояние, проявляющейся в научно обоснованном воздействии на природу.

Эстетическое значение природы огромно. Она всегда вдохновляла искусство, была источником великих творений во все времена существования человечества. В лучших произведениях литературы и живописи отражены картины природы. Красота её способствует творческому вдохновению, вызывает у человека положительные эмоции, воспитывает вкус и чувства. Излюбленные поэтические образы народного творчества заимствованы из природы.

Познание законов гармонии и красоты природы помогает человеку создавать прекрасные города, новую, эффективную и в то же время гуманную технику, не уничтожающую красоту природы, а обогащающую её. Эстетические переживания, связанные с красотой природы, воспитывают любовь к Родине, прививают вкус к прекрасному, стремление к сохранению природных богатств.

ХОРИЖИЙТИЛЛАРНИЎЎҚИТИШДА ТАРЖИМАҚИЛИШДА ИНТЕРФАОЛМЕТОДЛАРНИНГ РОЛИ.

Тожибоева Шохсанам Расулбековна. Ўқитувчи. ГулДУ.

Номозова Шохсанам. 32-15 гуруҳ талабаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг жамиятни модернизациялаш иқтисодиётга инновацион ғояларни жорий этиш масалаларига қаратилган фикр-мулоҳазалари барча ижтимоий соҳалар каби олий таълим тизимини ҳам мазмун ва шакл нуқтаи назаридан янада такомиллаштиришнинг илмий-услубий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши юртимизни жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлди. Мамлакатимиз узликсиз таълим тизимининг ислоҳ қилинишида ҳам ёшларга чет тили ўргатиш долзарб вазифа этиб белгиланди.

Ўқув жараёнидаги меъёрий-ҳуқуқий, илмий-педагогик, ўқув-услубий, ахборот-ресурс, илмий-техник таъминотнинг мазмунан ўзаро боғлиқлигига эришиш, бу жараёнлар яхлитлигини таъминлаш ва пировард натижани қўлга киритиш олий таълимнинг бугунги ҳамда истикболдаги фаолиятига жиддий эътиборни талаб қилмоқда. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларда билимга бўлган эҳтиёжни янада кучайтириш, мустақил фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш орқали салоҳиятли, қўйилган муаммони ҳал қила олиш лаёқатига эга етук мутахассисларни тайёрлаш олий таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизациялаш ва технологик жиҳозлашга жамиятимизнинг устувор йўналиши сифатида қаралиши масалага жиддий эътибор беришни талаб қилади.

Ҳозирги кунда таржимонлик соҳаси бўйича дарслик, методик қўлланма, ишланма, луғат ва китоблар яратиш ишлари олиб борилмоқда. Таржимон мутахассислари тайёрлаш учун методик қўлланмалар ва дарсликлар муаммоси бўйича кўпгина масалалар ўз ечимини топомқда. Гарчи кўпгина олий ўқув юртлари келажакда таржима билан шуғулланувчи инсонларни тайёрласа ҳам, олий ўқув юртларида таржима назарияси бўйича мутахассис ўқитувчиларни тайёрламайди, шунингдек, фразеологизмлар таржимасини ўқитиш методикаси алоҳида фан сифатида ўқитилмайди. Таржимани ўқитиш билан, ёки инглиз тили ўқитувчилари, ёки амалиётчи-таржимонлар шуғулланишади.

Шуниси маълумки, на тилни билиш, на таржимани билиш ўз-ўзидан талабалар билан малакали ва муваффақиятли таржима дарсларини олиб бориш қобилияти бор дегани эмас. Бунинг учун махсус методик тайёргарлик керак бўлади, ҳамда ўқитилаётган фаннинг спецификасини, ўқув жараёнини ташкил қилиш принциплари ва методларини билиш талаб қилинади.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, аслида таржимон касби ўз ичига таржимон ва ўқитувчи деган мутахассисликларни қамраб олиши мумкин, шу билан бирга, фанвамаданият билан боғлиқ бўлган билимларни билишни талаб қилади, нафақат ўзининг мамлакатини балки, тил ўрганилаётган мамлакатнинг тилини ва маданиятини билиш ҳам талаб қилинади.

Жамиятнинг ўз олдига қўйган вазифаларидан бири жамиятнинг ҳозирги кундаги талабларига жавоб берадиган таржимон мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Ҳозирги кунда таржимон мутахассис нафақат ёрдамчи таржимон ҳисобланади балки, турли миллатлар билан ўзаро халқаро алоқалар ўрнатишда марказий шахс сифатида қаралади. Таржимон мутахассиси нафақат таржима билан шуғулланади, балки чет тилини ўқитишда ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Чет тилини таржима орқали ўргатади. Масалан: немис тилида берилган ушбу **“Für diese wichtige Aufgabe kommt nur Dr Weber in Frage –Jahrelang ist er die rechte Hand unserer Chefs gewesen.”**

жумладади **die rechte Hand sein** ибораси **ўнғ қўли бўлмоқ, ишонган тоғи бўлмоқ** каби маъноларини беради. Мана шу ибора орқали гап чиройли чиқади. Инглиз тилидаги **“To kill the goose that lays the golden eggs”** иборасини ўзбек тилига сўзма-сўз **“Тилла тухум бераётган ўрдакни ўлдирмоқ”** деб таржима қилишлари мумкин. Лекин бу нотўғри таржима бўлар эди. Бу иборани тўғри таржима қилиш учун талабадан ўзбек халқ мақол ва маталларини яхши билиш талаб қилинади. Ўзбек тилидаги таржимаси куйидагича кўринишда **“Товуқни есанг, бир ейсан, тухумини есанг, минг ейсан”**. ўргатади. Масалан: немис тилидаги Hans im Glück эртагида шундай ибора учрайди. **Das Prerd bricht mein Hals** иборасини ўзбек тилига сўзма-сўз **“Бу от мени бўйнимни сундиради”** деб таржима қилсак, нотўғри таржима бўлар эди. Бу иборани тўғри таржимаси **“От мени бошимга бало келтиради”** деган маънони беради. Бу мисолда, тилнинг лексик-грамматик шакллари ҳамда тилнинг структуравий шакллари ҳам мос келмаганини, лекин семантик жиҳатдан мос келганини кўриш мумкин.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади, талаба нафақат бошқа халқ тилини, балки унинг миллий-маданий хусусиятларини ҳам яхши билиши керакдир, ўқитувчи ўқувчига таржиманинг икки тилда учрайдиган кийинчиларини тушунтириши керак. Хорижий тилини ўқитишда, авваламбор, талаба тилни яхши ўзлаштирган бўлиши керак, кейин ўрганаётган тили тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН

ТАТУ Самарқанд филиали катта ўқитувчиси Хотамов Н.Б
СамДУ Қулмуродова С.С

*«Соғлом, баркамол авлод қамоли спорт ва
жисмоний тарбия билан узвий боғлиқ»*

Ислом Каримов

Устози аввал Арасту «Хитоба» («Риторика») китобида ёзадики, ажойиб жисмоний фазилятларга эга бўлган йигитлар – соғлом, бўйдор, спорт мусобақаларида чакқон ёшлар ҳар қандай давлатнинг бойлигидир. Бундай жисмоний фазилятларга қандай эришилади? Албатта оила, мактаб, муҳитида тарбия топиш, айна вақтда ўзини тарбиялаш, жисмоний тарбия билан ақлий тарбияни ахлоқий тарбияга мувофиқлаштириш йўли билан баркамол инсонларни вояга етказиш мумкин. Сир эмаски, умр бўйи фақат жисмоний

меҳнат қилиб, бирорта китоб ўқимаган, доно, фозил одамларнинг суҳбатидан баҳра олмаган, билаги бақувват, лекин ақли ноқис, маданиятдан узоқ, маънавий қашшоқ одамлар ҳам бор. Ва аксинча, фақат ақлий меҳнат билан шуғулланиб, умрида теша ушламаган, кетмон чопмаган, ақалли бирорта миҳ қоқмаган ёки бирорта кўчат эрмаган одамлар ҳам борки, булар жисмоний меҳнат қилмагани учун, доимо касалликдан боши чиқмай юрадилар. Қадим донишмандлари барча соҳаларда қизғин фаолият кўрсатиб, ҳар томонлама камол топганлар. Шунинг учун инсонни доимо сиҳат-саломат бўлишини назарда тутиб 1000 йилдан олдин ўтган улуғ табиб, тиббиёт оламнинг мутафаккири Абу Али ибн Сино бобокалонимиз дейди: «Бадан тарбия билан мунтазам шуғулланган инсон ҳеч қандай табиб муолажасига муҳтожлик сезмайди». Улардан 500 йилдан кейин дунёга келган шеърят оламининг султони буюк мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий инсон саломатлиги ҳақида қуйидаги сўзларни айтади:

*Ва лекин тибби ҳикмат эрур хўб,
Ки сиҳатдур киши жисмон матлуб
Улуч дин илмиюбубирбадандур,
Булармуҳтожяхиши, гарёмондур.*

Абу Муслим, Муқанна, ЗаҳириддинБобур, Тўмарис, Спитамен, Жалолоддин, Темур Малик, Амир Темурваунингбаҳодирсафдошлариаклий, жисмоний, ахлоқийжиҳатданетук, баркамолинсонларэдилар.

Алпомиш, Гўрўғли каби халқ қахрамонлари ҳам ўз оиласини, эл-юртини турли бос-қинчилардан ҳимоя қилишда жисмоний ва ақлий қуввати билан жасоратлар кўрсатиб, халқ меҳрини қозонганлар. Донишманд шоир, Хоразм баҳодири Паҳлавон Маҳмуд ақли ва жисмоний куч-қуввати билан курашда ғолиб чиқиб, минглаб ватандошларини ёвлар қўлидан озод қилиб, халқ дуосини олган.

Жисмоний машқлар ва ҳаракатлар қадим замонлардан пайдо бўлган. Ўша пайтлар одамлар кечаю кундуз турли йиртқичлар хужумидан ҳимояланиши, табиат кучларига қаршилиқ кўрсатиши, овқат топишлари керак бўлган. Айрим пайтларда овчилик қилиб, ҳайвонлар исканжасига тушиб қолишган. Мана шунинг учун инсон доимий ҳаракатда бўлиб, тирик қолган. Кўпроқ ҳаракатда бўлганликлари учун анча чакқон, кучли, чидамли ва бошқалардан кўра соғлом, бақувват бўлганлар.

Овқат ва сув излашда, йиртқичлардан ҳимояланишда одамлар тош ва таёқ отишган, ҳайвонлардан қочишда турли тўсиқлардан ошиб ёки сакраб ўтишган ва ҳ.к.

Секин-аста одамлар у ёки бу ҳаракатлар маълум бир усулларга боғлиқ эканлигини пайқайбошлаган. Масалан, таёқ ва тошни югуриб келиб ёки бўлмаса улоқтиришдан олдин силкитма ҳаракат қилинса, анча узоққа кетиши ва одам тезроқ югуриши учун гавдаси биров олдинга эгилиши, узоқроқ сакраши учун югуриб келиб сакраши керак ва ҳ.к.

Одамлар мана шу фойдали усулларни билиб олиб, овда ва меҳнатда кенг қўллаш бошлашди. Кейинчалик бу ҳаракатларни болаларига ўргатишган. Шундай қилиб, аста-секин ҳаракат маданияти ҳаракатлари йиғилиб, жисмоний тарбия ва спортнинг асосий қисмини ташкил қилувчи турли ҳаракатлар жамланмаси кўпая бошлаган.

Инсон англадики, ҳаракатларни қанчалик кўп бажарса, шунчалик ўсиш бўлади. Тошни кўп улоқтирган сари у янада узоқлашиши, сакраш ва югуришни кўп бажарган сари янада узоқроқ ва баландроқ бўлишини кузатишган. Ҳаракатларни доимий қайтариш нафақат бу натижалар ўсишига, балки инсон организмнинг мустаҳкамланиши ва фойдали бўлишига таъсир қилади.

Шу ҳаракатлар ва усуллар пайдо бўлганига неча-неча йиллар ўтди, авлодлар алмашинуви рўй берди. Болалар ўз оталари, бувалари тажрибаларини ўрганишган. Ўша пайтларда бўлган турли ҳаракатлар тўплами ҳозирда «машқлар» деб аталиб келинади. Инсонлар аввало меҳнат қилиб, бўш вақтларида нафақат дам олиб, балки ўйин-кулги қилишлари ва бу организм учун (айниқса ўсиб келаётган организм учун) жуда фойдали эканлигини билишган.

Масалан, қадимий Юнонистондаги шаҳарлардан бири Спартада ёш йигитлар (7 дан 20 ёшгача) доимий махсус мактабларда ўқишган экан. Улар турли машқлар, маршировка, югуриш, сакраш, найза улоқтириш, сузиш ва бошқа ҳаракатларни ўрганишган.

Олимпия ўйинлари пайтида барча урушлар тўхтатилган. Кўплабодамлар ана шу ажойиб мусобақалар гувоҳи бўлиш учун қаттиқ интилишган. Мухлислар катта майдонлар атрофида ва баланд тепаликларга чиқиб ўз олқишлари билан қатнашчиларни қўллаб-қувватлаб туришган. Олимпия ўйинларига шоир ва ёзувчилар келиб, ўзасарлари, шеърларини ўқиб беришган.

Олимпия ўйинлари ғолибларини бутун шаҳар олқишлар билан кутиб олишган. Шаҳар деворлари олдида ғолиб учун махсус жой қилишган ва уни чиройли аравада ўша ерга олиб киришган. Бу маросимни шаҳар аҳолиси кўришга муваффақ бўлган.

Қадимий беллашув ва курашлардан «спорт» деб номланган янги фаолият тури туғилган. Спорт ўзида машғулотлар ва мусобақаларни жамлаган. Мусобақалар нафақат чемпионларни (ғолибларни) аниқлашга ёрдам беради, балки инсонларнинг жисмоний имкониятларини ҳам яққол кўрсатиб беради.

ЁШЛАРНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛИК КАЙФИЯТИДАН

ҲИМОЯЛАШ МАММОЛАРИ

Д.Худойбердиев – ўқит. (ҚарДУ)

Интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашнинг муҳим вазифаларидан бири уларни маънавий эҳтиёжларни моддий эҳтиёжлардан устун қўйишга одатлантириш билан боғлиқ. Бунинг учун ёшларда истеъмолчилик кайфиятининг илдиз отишининг олдини олишимиз керак бўлади.

Бугунги замон ёшларида истеъмолчилик кайфиятининг устуворлигини оддий визуал кузатишлар ҳам намоён қилади. Замондошимиз моддий манфаатларини қондиришни биринчи ўринга қўймоқда, ҳатто маънавий маданият маҳсулотларига ҳам истеъмолчи сифатида муносабатда бўлмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизга турли йўллар билан кириб келаётган замо-навий оммавий маданият артефактлари ҳам

истеъмолчиликни тарғиб ва ташвиқ қилмоқда. Шу муносабат билан истеъмолчилик кайфиятининг сабаб-лари ва оқибатлари хусусида мулоҳаза юритиш зарурияти туғилмоқда.

XIX асрга келиб ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рентабелликни ошириш, маҳсулотдан келадиган даромадни кўпайтиришга алоҳида эътибор берадиган корхона эгалари фан ва техника кашфиётларидан бажонидил фойдалана бошладилар. Бунинг устига, янги кашфиётлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишини англаб етган мулк эгалари фан ва техника тараққиётига миллионлаб доллар маблағларни сарфлай бошладилар. Бу, бир томондан, истеъмол маҳсулотларини оммавий ишлаб чиқариш имконини берган бўлса, иккинчи томондан, фуқароларнинг иш ҳақини оширди ва харид қилиш имкониятларини кенгайтди. Натижада шу пайтга қадар санокли ки-шилари фойдалана олган маҳсулотлар кундалик истеъмол маҳсулотларига айланди. Масалан, 1920-йилларга келиб ўртача иш ҳақи йилига 1236 доллар бўлган бир шароитда бир дона эркалар костюми 15,85 доллар турадиган бўлди.

АҚШ ва Ғарбий Европада иккинчи жаҳон урушидан сўнг содир бўлган иқтисодий ўсиш, биринчидан, кенг оммага мўлжалланган автомобиллар, май-ший техника воситалари, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари миқдо-рини кескин кўпайтирди. Уларни харидорга етказиш билан шуғулланадиган савдо индустрияси кенг қулоқ ёйди. Иккинчидан, моддий неъматларга эга бў-лиш, уларни истеъмол қилиш кайфияти кучайди. Йигирманчи асрнинг 60-70-йилларига келиб, АҚШ ва Ғарбий Европада аҳолининг барча табақалари моддий неъматлар истеъмолчиларига айландилар. Истеъмолчиликни турмуш тарзига айлантирган бутун бошли авлод шаклланди. Учинчидан, аср мобай-нида кундалик истеъмол маҳсулотлари ҳаммабоплигининг ўсиб бориши на-фақат маҳсулот кадр-қимматини, балки уни харид қилган кишининг мақо-мини ҳам тубдан ўзгартди. Аввал маҳсулот кадр-қиммати унинг бетак-рорлиги билан белгиланган бўлса, энди фойдаланилиши меъёри ва кўлами асосида аниқланадиган бўлди. Бошқача айтадиган бўлсак, қайси маҳсулот кўпроқ харидоргир бўлса, шу маҳсулот кадрлироқ саналди, уни ишлаб чи-қаришга эътибор кучайтирилди.

Интернетнинг вужудга келиши ва унинг ижтимоий оқибатлари хусу-сида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. АҚШ мудофаага оид илғор тадқиқот лойиҳалари Агентлиги таклифи асосида 1957 йилдан шакллана бошлаган компьютер тармоғи ўтган асрнинг 70-йилларидан кейин шиддат билан ри-вожлана бошлади. Асрнинг 90-йилларига келиб Интернет бирлашган ком-пьютер тармоқларининг умумсайёравий системаси сифатида қарор топди. Айнан шу пайтдан (аниқроғи, 1991 йилдан) Интернет тармоғи ҳамма фойда-лана оладиган манбага айланди. Шундан кейинги атиги 5 йил давомида ун-дан фойдаланувчи кишилар сони 50 миллионга етди. Таққослаш учун айтади-ган бўлсак, радиога бундай оммавийликка эришиш учун 38 йил, телевидение-га 13 йил, кабелли телевидениега 10 йил кетганди.

Хуллас, янги аср арафасига келиб, истеъмолчилик ёшлар кайфиятининг муҳим элементига айланди. Унинг таъсирига тушаётган

ёшлар маънавий эҳ-тиёжларини қондиришга эмас, моддий эҳтиёжлар билан ўралашиб қолишга одатланмоқдалар. Бинобарин, маънавий-тарбиявий ишларимизда бу масалага жиддий эътибор бермоғимиз даркор бўлади.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНАЯ ЗРЕЛОСТЬ ЛИЧНОСТИ: СТРУКТУРНЫЙ АНАЛИЗ

Санжар Чориев - д. ф. н., проф. (Каршинский ГУ)

В условиях, когда идет социально-экономические, политические и культурные преобразования, истинной целью которых является именно создание гуманного, демократического общества, особое значение приобретает формирование интеллектуально зрелой личности, ибо только такая личность с динамическим мышлением способна понять мозаику современной жизни страны и мира в целом, позитивно и прагматично оценить происходящее. В связи с этим на повестке дня встает вопрос о теоретической разработке проблем интеллектуальной зрелости личности.

Следует отметить, что под термином «зрелость» понимается возмужалость, рассудительность, неопрометчивость человека. Следовательно, интеллектуальная зрелость есть качественное состояние личности, достигшей полного развития, имеющей обдуманые и взвешенные мысли и определенную позицию. Иными словами, интеллектуальная зрелость – это качественный показатель сформированности у личности культуры мышления. Отсюда, однако, не истекает вывод о том, что приобретение интеллектуальной зрелости есть итог, завершение процесса развития личности. Она всего лишь означает достижение определенного культурного уровня.

В структуре интеллектуальной зрелости личности центральное место занимают следующие компоненты:

- а) убежденность;
- б) компетентность;
- в) приверженность к общечеловеческим ценностям и идеям национальной независимости;
- г) социальная активность.

Отнюдь не претендуя на исчерпанность и завершенность в своем исследовании, все-таки попытаемся детально проанализировать указанные компоненты интеллектуальной зрелости.

Интеллектуальная зрелость означает наличие не только широких знаний, но и осознание общечеловеческих и национальных ценностей, выработку мотивов социальной деятельности. Речь фактически идет о формировании убежденности, которая является ядром интеллектуальной зрелости.

Формирование интеллектуальной зрелости предполагает формирование убеждений. Как же осуществляется процесс их формирования? Каков механизм перерастания знаний в убеждения? Отвечая на эти вопросы, мы прослеживаем функционирование следующей логической цепочки: «знание-понимание-согласие-желание-волевые усилия по претворению норм в дейст-

вия-убежденность». Изучение этого механизма полагает обеспечение эффективного управления этим процессом.

Только став убеждениями человека, знания приобретают действенный характер, только через совершаемые человеком действия, они переходят в практику. Проводя различие между знаниями и убеждениями, нужно иметь в виду, что хотя знания являются результатом обобщения социальной практики, следствием познавательной деятельности людей, в меньшей степени выражает субъективное отношение людей к содержанию этих знаний. Убеждение же непременно включает в себя оценочный момент, субъективное отношение, ибо оценка знаний совершается с учетом интересов.

Когда знания, идеи, теории проходят сквозь призму социальной практики личности, только тогда убеждение превращается в убежденность. Таким образом, убежденность характеризует единство сознания и поведения личности, образуя сплав знаний, убеждений и практического действия.

Интеллектуальная зрелость личности сопряжена с ее компетентностью, которая состоит из необходимых знаний для понимания законов общественного развития, происходящих событий и процессов, умения сопоставлять и проанализировать факты, давать им точные оценки, делать правильные выводы и находить оптимальные пути решения. Компетентным должен быть не только профессиональный специалист, но и всякий гражданин, ибо, чтобы найти свое место в жизни, необходимо правильно видеть мир, уметь верно определять тенденции его развития. А это невозможно без достижения интеллектуальной зрелости, без компетентности.

Для понимания сути происходящих в обществе процессов личность должна иметь определенный запас знаний. Таковым служат произведения из сокровищницы философской мысли, причем, как отечественной, так и зарубежной. Разумеется, человек может осваивать особенности социальной жизни на основе обыденной практики, жизненного опыта, здравого смысла. Однако только систематизированное самообразование позволяет ему подняться выше обыденных представлений. Только образование и самообразование даст необходимые знания о природе общества, принципов и идей, лежащих в основе управления социальными процессами, что в конечном итоге способствует формированию компетентности личности.

Одним из главных показателей интеллектуальной зрелости личности является ее социальная активность. Социальная активность – это конкретная включенность людей в общественную жизнь. Речь, конечно же, не идет о поголовной занятости профессиональной социальной деятельностью. Социальная активность рядового гражданина должна проявляться в участии в управлении государственными делами, принятии ответственных решений на различных социальных уровнях.

Только зрелая в интеллектуальном отношении личность может обеспечить успех осуществляющихся в стране социально-экономических и политических реформ.

PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF WRITING

Shayzakov G'ulom Muxtarovich., Kamalova Dilnoza GulSu English teacher

The development of writing follows the same pattern both in the mother tongue and in a foreign language from reception to reproduction as psychologists say, and from hearing to write if we express it in terms of methodology.

Since language is not a substance, it is a process. and language doesn't exist. It happens, we should know under what conditions it happens. What are the psychological characteristics of oral language? They are as follows:

1. Writing must be motivated, i. e., the speaker expresses a desire to inform the hearer of something interesting, important, or to get information from him. Suppose one of the pupils is talking to a friend of hers. Why is she talking? Because she wants to either tell her friend about something interesting, or get information from her about something important. This is the case of inner motivation. But very often writing is motivated outwardly. For instance, the pupil's answers at an examination.

Rule for the teacher: In teaching a foreign language it is necessary to think over the motives which make pupils speak and write. They should have a necessity to speak and write not only a desire to receive a good mark, ensure conditions in which a pupil will have a desire to say something in the foreign language, to express his thoughts, his feelings, and not to reproduce someone else's as is often the case when he learns the text by heart. Remember that writing in the classroom should be always stimulated. Try to use those stimuli which can arouse a pupil's wish to respond in his own way.

2. Writing is always addressed to an interlocutor.

Rule for the teacher: Organize the teaching process in a way which allows your pupils to speak to someone, to their classmates in particular, i. e., when speaking a pupil should address the class, and not the teacher or the ceiling as is often the case. When he retells a text which is no longer new to the class, nobody listens to him as the classmates are already familiar with it. This point, as one can see, is closely connected with the previous one. The speaker will hold his audience when he says something new, something individual (personal). Try to supply pupils with assignments which require individual approach on their part.

3. Writing is always emotionally colored for a speaker expresses his thoughts, his feelings, his attitude to what he says.

Rule for the teacher: Teach pupils how to use intonational means to express their attitude, their feelings about what they say. That can be done by giving such tasks as: reason why you like the story; prove something; give your opinion on the episode, or on the problem concerned, etc.

4. Writing is always situational for it takes place in a certain situation.

Rule for the teacher: While teaching speaking real and close-to-real situations should be created to stimulate pupils' writing. Think of the situations you can use in class to make pupils' writing situational. Remember the better you know the class the easier it is for you to create situations for pupils to speak about.

These are the four psychological factors which are to be taken into account when teaching writing.

"АХБОРОТ АСРИ"ДА ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

СамДАҚИ, 201-архитектура гуруҳи талабаси Шатанова Ситора

Илмий раҳбар: Н.Қ.Ҳаққулов

XXI аср кўплаб ютуқлар ва имкониятлар асри сифатида эътироф этилмоқда. Инсоният янги минг йилликда янги – янги кашфиётлар ва ихтиролар эгаси сифатида яшамоқда. Шу билан бир қаторда бугунги кунда дуч келаётганимиз - мафкуравий таҳдидлар аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг дунёқарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, диний экстремистик, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғояларни сингдиришга уринишдек кўринишларда содир бўлмоқда.

"Ахборот асри" деб аталаётган ҳозирги замонда маълумот олиш ва ахборот алмашишнинг қулай воситаси Интернет ҳисобланмоқдаки, бу тармоқда ҳамма нарса аралаш-қуралаш; қайсики, оқ билан қора, эзгулик билан ёвузлик ёнма-ён учрамоқда. Маълумот тарқатиш, бизнес ва реклама учун катта майдонга айланган глобал тармоқни назорат қилишнинг умуман имкони йўқ.

Шунинг учун ҳам "Ўргимчак тўри"да диний экстремистик, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғояларга чақириқлар, яъни, маънавий таҳдидларга кўп ду келинмоқда. Маънавий таҳдид ҳақида Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" қуйидагича таъриф беради: "Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инфорацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман"

Маънавий ахлоқсизлик, диний экстремистик кайфиятидаги гуруҳлар ва шахслар томонидан ижтимоий тармоқлар орқали олиб бораётган тарғибот-ташвиқотлари кун сайин авж олиб бормоқда. Жумладан, "Odnoklassnik", "Fakebook", "Instagram", "Tvetter" ҳамда "Vkontakte" каби ижтимоий тармоқларида бузғунчилик ва ёт ғояларни тарғиб қилувчи юзлаб гуруҳлар мавжудлиги фикримизнинг далилидир.

Шунинг учун ҳам ёшларда хабар ва маълумотларни таҳлил эта олиш малакасини ҳосил қилиш зарур. Зеро, ҳар қандай хабар ҳам тўғри ва холис бўлавермайди. Юртбошимиз "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида таъкидланаидек; *"Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам рангбаранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди*

Талаба-ёшларни бундай хавфли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишимиз учун аввало таълим тизимининг барча босқичларида уларда мантиқий фикрлаш тафаккурини, илмий-фалсафий дунёқарашини

шакллантиришимиз зарур. Шунингдек, уларда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларга ёки берилаётган ахборот маълумотларга ижодий ёндашиб, танқидий таҳлил қилиш қобилиятини ўстиришимиз лозим бўлмоқда.

Бу борадаги энг долзарб вазифамиз, юқорида зикр этилган барча жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини мукамал очиб бериш, тенгдошларимиз бўлган талаба-ёшларга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб боришимиз ва уларни бугунги замон талабларига жавоб берадиган фуқаролик жамияти қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришимиздан иборат.

ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРИ

*Ҳайдаров Ш.З. 301- Шаҳар қурилиши ва хўжалиги талабаси
Илмий раҳбар Элмуродов Б.Э.- катта ўқитувчи – СамДАҚИ*

Замонавий компьютер технологияларининг ривожланиш даражаси бир жойда тўхтаб қолмасдан балки инсон ҳаётини янада яхшилаш мақсадида доимий равишда янгиланиб бормоқда. Ахборот коммуникация технологияларининг тез суратда ривожланиши натижасида инсон фаолиятининг ҳар хил соҳаларида янги имкониятлар яратмоқда.

Мультимедиа қурилмаларининг яратилиши ва қўлланилиши боис инсон ҳаёти янада қизиқарлироқ ва завқлироқ бўлиб бориши билан таълим тизимида ҳам улкан ижобий ўзгаришлар ва силжишларга сабаб бўлди. Бу қурилмалар ҳамоҳанглиги видео ва аудиони якдил бир нуқтага бирлаштира олди ва беминнат майда кўп маълумот ташувчилар муҳитини яратди. Бундан ташқари замонавий мультимедия технологиялари ёрдамида видео филмларга овозларни уйғунлаштириб монтаж қилиш имкониятлари ҳам яратилди.

Маълумки, ўқитиш воситалари – ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Ўқитувчининг бош вазифаси талабаларга ўз предметини қизиқарли қилиб етказиш ва шу билан бирга талабаларни фанга бўлган қизиқишларини оширишдан иборатдир. Бу ўринда ўқитишнинг замонавий техник ва дастурий воситаларидан фойдаланишга тўғри келади. Замонавий мультимедия технологияларидан фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳоратини, уларни бошқариш технологик имкониятларини янада кенгайтиради. Ўқув жараёни учун технологияларни танлашда ўқув жараёнида янги технологияларнинг ўзи эмас, балки ундан фойдаланиб таълимнинг мақсадларига эришишни таъминлаш мумкинлигидадир.

Шундай экан ўқитишнинг аудиовизуал воситалардан ўқув масканларида фойдаланиш ўқувчиларда ўтилаётган фан даражасида маълум бир тассавурлар, қизиқишлар ва кўникмалар ҳосил бўлишида катта аҳамият касб этади. Аудиовизуал воситалар ва маълумотлар ўқувчининг икки муҳим аъзаларига, эшитиш ва кўриш органларига бир пайтда таъсир қиладики, бунинг натижасида уларнинг ўтилаётган дарсни ўзлаштириш даражаси анча юқори бўлади.

Тажриба синовларидан аниқландики ўқитишнинг аудиовизуал воситалари сифатида кўрғазмали ва овозли фильмларни, ўқув жараёнида кўрғазмали проекторлар ёрдамида жиҳозланган аудиторияларда олиб бориш

ўқувчи-ларни билимларини 70-80% гача мустаҳкамлашга ёрдам беради. Кўргазмали ва овозли фильмлар ўқитиш жараёнида катта рол ўйнайди. Кўргазмали ва овозли фильмлар ўзларида нарсаларни, ҳодисаларни ва жараёнларни ҳаракатланувчи қиёфаларда тасвирлаб, уларни ҳар хил вақтда ўқитувчи бўлмаса ҳам қайта қайта кўриш имконини яратади. Бунда бир қанча дидактик афзалликлар мавжуд. Масалан ўқитувчи ўқув материални бир неча марта кўрсатиш, талабалар эътиборини энг керакли воқеа-ҳодисаларга қаратиш, уларни яқиндан кўрсатиш, баъзи жараёнларни секинлатиб кўрсатиш, ўқув материалларини кейинги ривожини таъминлаш каби имкониятларга эга бўлади.

Шундай қилиб, кўргазмали тақдирот ёки фильм кўринишидаги дидактик материал қуйидаги афзалликларга эга бўлади:

- ўқув материалларини, воқеа-ҳодисаларни ва жараёнларни аниқ, қайта-рилувчан тарзда кўришини таъминлаш;
- ҳаракатларни ўз ўрнида намоёиш этиш;
- кўргазмали материалдаги шакллар ва овоз ёрдамида керакли саволларга ўз вақтида жавоб бериш
- ўрганаётган ўқув материални қисқа вақт ичида юқори савияда ўрганишини таъминлайди.

Агарда педагог кўрсатилаётган материални ўқувчиларга кўрсатишдан аввал, ундаги воқеа-ҳодисалар ҳақида гапириб ундан қайси саволларга жавоблар олишлари мумкин эканлигини ўқувчиларга айтиб ўтилса, ўтилаётган ўқув материали янада қизиқарли ва самаралироқ бўлади.

Бизга маълумки мультимедия технологияси 20 аснинг 90-йилларидан тез суратлар билан ривожлана бошлади. Мультимедия компьютер техникасида муҳим ўрин эгаллади. Компьютер техникасининг ривожига мультимедия технологияларининг таъсири катта бўлди, малумотларни сақлашнинг янги технологиялари яратилди, микропроцессорлар тезлиги анчагина ошди.

Бугинги кунда мультимедия маълумотларни тасвирлашнинг қуйидаги усулларини келтириб ўтиш мумкин:

- Оддий гиперматнли кўриниши;
- Аудио;
- Видео;
- Анимация;
- Тасвир;
- Интерактивлик (мулоқатли);
- Виртуаль.

Бундан ташқари ҳозирги даврда мультимедия технологияси Web саҳифалар ва Web дастурлар яратишда ҳам кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида мультимедиянинг қуйидаги технологияларидан кенг фойдаланиб келинмоқда:

- Видеоконференция;
- Мультимедияли ўқитиш дастурлари;
- Электрон газеталар ва китоблар;
- Овозли ва видео почта;

- График дизайн воситалари;
- Икки томонлама интеръактив алоқа.

Яна шуни айтиш жоизки инсон фаолиятининг жуда кўп соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Бунга мисол тариқасида қуйидаги соҳаларни келтириш мумкин:

- ✓ таълим соҳасида;
- ✓ медицина соҳасида;
- ✓ компьютер ўйинлари яратиш соҳасида;
- ✓ тижорат ва менежмент соҳаларида;
- ✓ ҳарбий соҳада;
- ✓ ахборот таъминоти соҳасида (электрон маълумот олиш; электрон энциклопедия; бадиий луғатлатлар ва таржимон дастурлар);
- ✓ санъат соҳасида;
- ✓ ижод қилиш соҳасида;
- ✓ архив иши соҳасида;
- ✓ сунъий интеллект тизимлари яратиш соҳасида;
- ✓ виртуал реалликда (ҳаққонийликда).
- ✓ архитектура ва қурилиш каби соҳаларда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Умумани олганда мультимедиа дастурлари ва воситаларидан амалда фойдаланиш нафақат таълим соҳасини, балки бошқа соҳаларни ҳам ривож топишига юксак ҳисса қўшади десак муболаға бўлмади.

ОБУЧЕНИЕ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В СЕМЬЕ – ОДИН ИЗ ФАКТОРОВ ЭФФЕКТИВНОГО ПОЛУЧЕНИЯ ЗНАНИЙ

Элчаев З.А. преподаватель кафедры иностранных языков Каршинского инженерно экономического института

Постановление Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова от 10.12.2012 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» явилось мощным мотиватором в обеспечении качества обучения. Впервые в мировой практике на таком высоком уровне подчёркивается приоритетность и важность познания иностранных языков населением.

В последнее время в образовательных структурах нашей Республики проведена огромная работа по улучшению качества обучения иностранным языкам, совершенствуется существующая материально-техническая база всех учебных заведений, обновляются электронные ресурсы, издаётся много необходимых учебников, совершенствуется методологическая работа.

Вместе с тем, в вопросах массовости обучения иностранным языкам участие семьи в данном процессе или, говоря другими словами, существующей методической информации, модернизация образовательных стандартов, учебных программ, использование передовых информационных и медиа-технологий, обеспечение современными учебно-методическими материалами имеют некоторые недостатки.

Новые педагогические технологии обучения иностранным языкам основываются на технологическом подходе, на личностно-ориентированном обучении и системно – деятельном подходе к обучению. Личность обучающегося выступает центральной фигурой учебного процесса.

В большинстве случаев в практике обучения иностранным языкам преподаватель - единственное инициативное лицо, наряду с учебником – основной и наиболее компетентный источник знания, контролирующий субъект познания. Необходимость участия семьи как организатора самостоятельной активной познавательной деятельности детей раннего возраста, потребует, конечно, компетентных консультантов и помощников. В этом вопросе должна возрастать роль преподавателей иностранных языков, методических объединений и других структур, заинтересованных в обучении. Здесь большая роль должна отводиться средствам массовой информации - Республиканского, областного, городского телевидения.

В составлении подаваемого материала необходимо учесть, что в традиционном обучении используются методы сообщения готовых знаний посредством вербального изложения, по образцу, основанное на индуктивной логике от частного к общему, механической памяти, репродуктивном (воспроизведение без изменений) изложении. Это, в итоге, приводит к пассивности обучаемых, слабой речевой деятельности.

Подаваемый материал должен учитывать, что в обучении, основанном на новых педагогических технологиях на создании проблемных ситуаций, активной познавательной творческо–исследовательской деятельности, направленной на поиск и решение задач, переводов и т. д. и их применение знаний на практике. Только использование современных методов активного обучения, основанных на активной познавательной творческо–исследовательской деятельности, даст возможность обучаемым активизировать речевую деятельность.

Важным фактором является использование краеведческого материала, который преследует следующие цели обучения:

- социальная адаптация учащихся в условиях быстрого социально-экономического развития региона;

- формирование творческой индивидуальности личности, усвоившей духовные ценности и традиции малой родины, способной проектировать и строить свою жизнь на основе ценностей родного края.

- воспитание гуманизма, патриотизма, бережного отношения к традициям и культуре родного края;

- пробуждение интереса молодёжи к своему историческому прошлому, народным традициям и т. д.

Использование таких ресурсов, как участие семьи в изучении иностранных языков, способствует улучшению успешности обучения, экономит время, ресурсы, является одним из приоритетных методов для преподавателя иностранного языка и способствует развитию гармоничной личности.

«АВЕСТО»НИНГ СИНЕРГЕТИК МАНЗАРАСИ

Эргашева Махбуба Хотамбековна СамДУ

Халқимизга фидойлик бахш ва миллий ғурурни ошира оладиган ноёб манбалардан бири, зардуштийлик диний-фалсафий таълимотининг асосий манбаи “Авесто”дир. Бу муқаддас ёзма ёдгорликда инсониятнинг келгуси истиқболини башорат қилиб, кишиларни муштарак мақсадлар сари йўналтиришга ҳаракат қилинган. Чунки ундаги бош ғоя эзгуликнинг устуворлигини улуғлашдан иборат. Бу хусусда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов: “Энг мўтабар қадимги қўлёзмамиз Авестонинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан ўттиз аср муқаддам икки дарё оралиғида мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” қадим замонда, бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди”, дея таъкидлайди.

Барқарор ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай жамиятда замонавий илмий изланишлар ва технологияларни яратишда ижодкор ёшлар ва янгича тафаккур соҳибларини тарбиялаш асосий масала сифатида қаралади. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда жаҳон цивилизацияси тизимида ўзига муносиб, салоҳиятли ўринни эгаллаш мақсадида ўтказилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар фан ва техниканинг жадал суръатларда ривожланишига кенг имкониятлар яратмоқда.

Шу ўринда миллат, давлат тарихини, юксак маънавиятини ўзида мужассам этган беназир қўлёзмалар, асарлар, ёдгорликларни тадқиқ этишда муайян даражада анъанавий тадқиқот усуллари билангина чегараланиб қолмасдан, мазкур объектга фаннинг самарадор илғор ютуқлари асосида янгича ёндашиб, уни келажакда ёшлар онгига янгича усуллар воситасида сингдириш бугунги кун талабларидан биридир. . Чунки **биринчидан**, “Авесто” яратилган давр биздан камида 3-4 минг йил орқада қолган; **иккинчидан**, “Авесто” да ўта мураккаб ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, маънавий ва ҳуқуқий масалалар устида баҳс юритиладикки, уларни чуқурроқ англаб етиш учун фақат диалектик тафаккурнинг ўзи етарли эмас; **учинчидан**, “Авесто”да баён қилинган фикрлар анъанавий чизикли тафаккур доирасига сиғмайди, мазкур фикрларни тўла қамраб олиш учун очизикли тафаккур зарур бўлади. Бу эса Зеро, Б.О.Тураев ва У.А.Убайдуллаев таъкидлаганларидек: “XXI аср арафасида шахс, унинг фаровонлиги миллий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаги бўлиб бормоқда. Аниқроқ айтганда, одамларнинг янги мақсад ва идеаллар билан оммавий-сиёсий уйғунлиги ифодаланмоқда, Жамиятга юксак идеаллар, ғоя ва мақсадлар керак ва бу мақсадларда уни амалга ошириш технологияси - ҳаракат дастурини шакллантириш лозим”.

“Авесто”да илгари сурилган ғояларда инсон ва табиат, ҳаёт ва унинг моҳияти атрофидаги илк тасаввурлар илгари сурилади ва бу ғоялар инсоният цивилизациясининг илк куртаклари сифатида ўзини намоён этади. Дарҳақиқат, фалсафий тафаккур тараққиёти шундан далолат берадики,

фалсафий тафаккур эволюцион тараққиётининг илк босқичлари бевосита “Авесто”га бориб тақалади ва ундан етарли даражада қувват олади. Шунинг учун ҳам бу манбада илгари сурилган фалсафий ғояларни илмий-концептуал жиҳатдан тадқиқ қилиш муҳим масалалар сирасига киради. «Авесто»ни синергетика методологияси категориялари орқали тадқиқ этиш асар ғояларини бугунги кунда айнан турли вайронкор кучлар тинчликка таҳдид солаётган бир замонда нақадар аҳамиятли эканлигини, яъни янги томонларини, янги жиҳатларини очиш имконини беради. Бу эса фалсафа фанининг ҳам муҳим муаммо ва вазифаларидан биридир. , «Авесто»нинг бугунги давргача бўлган талқинлари асосан асарни тарихий, диний, мифологик, ахлоқий ва маънавий томонларини ёритиб берган. Ваҳоланки, асарнинг фалсафий (онтологик, гносеологик, эпистемологик, синергетик), илмий, ҳуқуқий, тиббий, космологик жиҳатлари эътибордан четда қолган. Буни бартараф этиш эса айнан «Авесто»дек юксак қомусий асар яратилган юрт фарзандларининг вазифаси деб ҳисоблаймиз..

Тизим эволюцияси ўзини-ўзи ташкиллаштириш асосида ўзини-ўзи янгиллаши мумкинлигини кўрсатиб берди. Бунга яқин ғоя ва фикрлар айнан “Авесто” да ҳам мавжуд. Масалан, “Авесто” даги эзгулик ғояларига биноан ҳар бир инсон фақат ўзи тўғри деб билган ғояга эргашиши, ўзи учун, ўзининг ҳаёти, бахтли яшаши учун ўзини-ўзи муносиб тарзда тарбиялаши, ривожлантириши лозимлиги уқтирилади. “Авесто” да ўқиймиз:

“- Эй Ахура Мазда! Эй гўзал Ардабиҳишт!

Буни ўзимизга муносиб кўрдик:

Икки оламда ҳам энг гўзал бўлган фикр, калом ва амални танлаймиз”.

Ушбу битикдан биз инсонларнинг ўз-ўзига эзгуликни, яхшиликни муносиб кўрган ҳолда фақат эзгу фикр, эзгу калом ва амал орқали ўз-ўзини етук, баркамол этиб тарбиялаши лозимлигини англаб олишимиз мумкин. Синергетика “ҳамма нарса сабаб - оқибат асосида боради” деган эскича детерминизм тамойили очик ночизикли тизимлар учун мос эмаслигини кўрсатиб, ночизикли, очик тизимдаги эволюциянинг янги детерминистик тизимини ишлаб чиқди, рационализм ва иррационализмнинг бирлигини, шунингдек, ривожланишнинг альтернатив, кўп йўлли эканлигини ва булар ўзининг атроф-муҳит билан қонунлашув жараёнининг ўзига хос томонини кўрсатади. Шуни таъкидлаш лозимки, синергетика “учинчи минг йиллик фани” деб эътироф этилаётган бўлсада, унинг туб илдизлари муқаддам “Авесто” китоби ғояларига бориб тақалишини эътироф эта оламиз.

Ҳозирги замон фанида синергетика методи кенг қўлланилмоқда. Синергетика сўзи юнонча (юнон. *synergein* – умумий, мувофиқ тарзда ҳаракат қилувчи), ўзаро таъсир каби маъноларни англатади. Герман Хакеннинг фикрича, синергетика кўп қисмлардан иборат бўлган, ўзаро мураккаб алоқадорликдаги компонентлар тизимини ўрганади. Бу сўзни Хакен ҳамкорликдаги ҳаракат билиб, бутуннинг тизим сифатида акс этувчи қисмларининг келишилган фаолияти маъносида талқин қилади. Хакен синергетикаси ворисийликка асосланган. Унинг давоми бўлган И.Шеррингтоннинг синергетик услуги, С.Уламнинг синергияси, И.Забусскийнинг синергетик йўналишлари ана шулар жумласидандир.

Зардуштийлик таълимоти ҳам бутунлай янги системанинг вужудга

келишига сабаб бўлди. “Авесто”даги ғоялар, қонун-қоидалар, битиклар, гоҳ ва яштлар инсониятни бирлаштиришга, ягона мақсад сари интилишга, ҳамжихатликка йўналтирди. Шунинг учун ҳам ушбу ғояларни бугунги кун нуқтаи назаридан, янгича тафаккур тарзи орқали ёндашган ҳолда кўриб чиқиш давр талабидир. Агар биз масалага ночизиклилик асосида ёндашсак, тадқиқот объектидаги янги маъно мазмун ва синергетик қонуниятларнинг амал қилишини илғай олишимиз мумкин. Жумладан, тартиб ва тартибсизлик жараёнларида ҳам айнан ночизикли тафаккур тарзи зарур ҳисобланади.

“Авесто”да биз бошдан-охир тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги кураш ғояларини кўришимиз мумкин. Бу ерда Олий худо Ахура Мазда тартиб тимсолида, Ахриман эса тартибсизлик тимсолида гавдаланади. Тартиб ва тартибсизлик, мувозанат ва мувозанатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, борлик ва йўқлик ҳамиша бирга бўлиши таъкидланади. Зардуштийлик ақидасига кўра, инсон пайдо бўлгандан бери одамзод андишасида икки гавҳар пайдо бўлган: бири андишада гуфтору-кирдорда яхшилик, иккинчиси андишада кирдору-гуфтордаги ёмонликдир. Доно ана шу гавҳардан яхшиликни танласа, нодон ёмонликни танлайди. “Авесто”да шундай дейилади:

“Бу икки олам бир-бирига ётлашганидан илк бор “тириклик” ва “нотириклик”ни бунёд айладилар. Бу ҳол олам сўнгигача давом этаверади. Энг эзгу ҳаёт Ашаҳ-Ҳақиқат пайравларига, ва энг қабиҳ тириклик дуруж-ёлғон тарафдорларига насиб қилади”.

Ушбу битиклардан келиб чиқиб ҳам шуни айтишимиз мумкинки, бу икки олам, яъни яхшилик ва ёмонлик, барқарорлик ва беқарорлик, тартиб ва хаос ҳамма вақт биргаликда мавжуддир. Тартибсизлик бор экан, унинг ечими сифатида тартиб юзага келади. Ахриман бор экан, унинг ёвуз амаллари, қабиҳ қилмишлари бор экан, унга жавобан Ахура Мазданинг эзгу амаллари, эзгу ғоялари, тартиб сари элтгувчи фикрлари вужудга келган. Ҳатто синергетика асосчиларидан бири бўлмиш И.Пригожин ҳам “беқарорлик ривожланиш меъёри, барқарорлик эса турғунликка олиб келади” дея жуда оқилона фикр билдирган.

“Авесто”даги ғоялар орқали олам, борлик ибтидоси дастлаб тартибсиз, ночизик, беқарор бўлганлиги ҳақидаги фикрларга гувоҳ бўламиз. Гоҳлардан бирида бу ҳақда шундай дейилади:

“Олам руҳи сиздан (Ахура Маздадан) сўради
Мени нечун яратдинг? Ким мени ато айлади?
Ғазаб ва адоват, қабиҳлик ва густоҳлик, эгрилик ва
тубанлик мени буткул қуршаб олгандир.
Менинг сендан ўзга пушт-паноҳим йўқ.
Менга ўз зотинг ва номингга муносиб
бўлган бир халоскор юбор!...”.

Кўриб турганимиздек, ана шундай беқарор, тартибсиз ҳолатда “Авесто” ғояларига кўра, олий илоҳлардан Эзгу Ният ва Ашаҳ-Ҳақиқат инсон зотидан бўлган Зардуштни бу оламда тартиб, мувозанат ўрнатишга сабаб бўлишлигини тавсия этишади ҳамда тинчлик, барқарорлик йўлида барча илоҳлар биргаликда, ҳамкорликда бўлишга интилишади. Бу ерда биз барча илоҳларнинг бир мақсад йўлида бирлашиб, Олий Худо Ахура Маздага

бўйсунушига, синергетикага хос бўлган ўзаро мувофиқлик хислатини кўришимиз мумкин.

Синергетика асосчиларидан бири Г.Хакеннинг фикрига кўра: “Ўрганилаётган системалар бир қанча ёки кўп бир хил ёки турлича қисмлардан ташкил топган ва улар ўзаро ҳамкорликда; системалар беқарорлашиши мумкин; системалар тартиблашган ёки хаотик бўлади...” Худди шу каби фикр-мулоҳазаларни биз бундан неча асрлар муқаддам яратилган “Авесто” ғояларида ҳам учратамиз.

Хуллас, “Авесто” китобини синергетика методологияси ёрдамида тадқиқ этиш жараёнида асарнинг фалсафий, диний, илмий моҳияти юзасидан янги илмий хулосаларга келинди. “Авесто”нинг бугунги кунда ҳам инсон камолоти учун нақадар улкан маънавий қувват ва қудратга эга эканлиги ўз исботини топди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “...бугунги шиддатли даврда чинакам маънавийли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойийлик билан кураша олиши мумкин”. Ана шундай юксак маънавийли, маърифатли, мустаҳкам иродали, серқирра, ўз-ўзини ташкиллаштира оладиган ҳақиқий ижодкор инсонларни тарбиялашда, камолотга етаклашда “Авесто”нинг таъсири жуда муҳим. Шунинг учун ҳам ушбу буюк асар яратилган юрт олимларининг вазифаси, мақсади “Авесто”ни халққа етказишда энг мақбул, изчил йўлни излаб топиш ҳамда замонавий методологик принциплар асосида унинг янги қирраларини кашф этишдан иборат.

ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Х.Боймуродов., Э.Қурбонов . Самарқанд Давлат университети

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва уларнинг ижросини таъминловчи бошқа ҳужжатларда ўқитишнинг замонавий инфорацион ва педагогик технологиялари ва шу орқали узлуксиз таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилган. Педагогик технологиялар таълим беришнинг замонавий усулларида энг муҳими бўлиб уларни қўллаш талабаларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятини берувчи ўқув воситалари ҳисобланиб, ўзига хос дидактик ва услубий асосларга эгадир.

Илғор педагогик технологиялар ҳозирги даврдаги таълим жараёнини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқиши мумкин бўлган методлар тизимига айланди. Шундай экан олий ўқув юртларида талабаларга билим бериш, уларнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ва шу асосда таълим жараёнини йўлга қўйиш, жаҳон андозаларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлашда қўл келади.

Электрон ўқув адабиётлари замонавий инфорацион ва телекоммуникацион технологияларга асосланган ўқув услубиятини,

мустақил таълим олишнииг самарали. усулларини қўллаш орқали ўқув материаллари ва илмий маълумотларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштирилишига мўлжалланган бўлиб талабаларда мустақил таълим олиш, ижодий фикрлаш, малака ва кўникмаларни шакллантиради. Электрон дарслик замонавий илмий билимларга асосланган маълумотларнинг жамланганлиги ва умумлаш тирилганли, кўргазмага бойлиги, таълим олувчиларнинг ёши хусусиятларининг ҳисобга олинганлиги билимларни назорат қилиш имкониятига эгалиги, матнларнинг жозибали шаклда баён этилганлиги, асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари аниқ ва равшан ёритилганлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Ҳар бир фан учун ишлаб чиқилган дастурлар бу фанларнинг педагогик технологияларни ҳар бирини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш, услубий жиҳатдан ишлаб чиқиш, педагогиканинг долзарб масалаларидан биридир.

Шу боис, мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш ва уни ҳозирги замон талабларига мослаштириш, замонавий инфорацион технологияларга асосланган жаҳон андозалари даражасига кўтариш умумдават сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да узлуксиз таълим тизимини тадбиқ этиш асосида жамиятнинг ривожланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда етук мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларига катта эътибор берилган. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун эса, биринчи навбатда ўқув жараёнини тубдан ислоҳ қилиш, унга жаҳоннинг ривожланган давлатларида кенг қўлланилаётган замонавий инфорацион ва педагогик технологияларни изчиллик билан тадбиқ этиш зарурдир. Булар борчаси баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин тутди.

Барча фанлар қатори ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология асослари фанларини ўқитишда ҳам компьютер технологияларидан фойдаланиш дарслар самарадорлигини таъминлаш ва талабалар билимини оширишда катта аҳамиятга эгадир. Бунда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология асослари фанини ўқитишга тегишли бўлган барча услубий кўрсатмаларга амал қилишни, уларни талабаларга етказишда янги педогогик технологиялар даражасида етказишга эришишни назарда тутилади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология асослари фанидан электрон дарслик яратишда давлат таълим стандартлари талабларида келтирилганидек, талабаларга 18 соат маъруза, 18 соат амалиёт дарслари ҳажмидаги. материалларни янги технологиялар асосида ишлаб чиқиш режалаштирилди. Бу фан буйича:

- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги экология асослари фанларининг ривожланиш тарихи, фойдаланадиган услублари;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси. Ўзбекистонда фуқаро муҳофазаси шакллантирилишининг ҳаётий зарурат эканлиги.
- Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини шакллантирилиши
- фавқулодда вазиятларни олдини олишнинг ҳуқуқий асослари.
- табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар;
- муҳитга мослашиш ва экологик омиллар, популяциялар экологияси;

- биоценозлар, биогеоценозлар ва экотизимлар, биоценозларда организмлар ўртасидаги муносабатлар;

- Орол денгизи ва Орол бўйи экологияси, табиий муҳит ҳолатини назорат қилиш мониторинглаш каби мавзуларида информацион технологияларга асосланган электрон дарсликлар яратишга киришилди.

Бизнинг назаримизда, янги педагогик технологиялар ўқув мақсадларини рўёбга чиқаришга оид маълумотлар мажмуасини назорат топширикларига айлантириш ва уларни бажарилишига эришиш орқали амалга оширилади ва бир йўла ўзлаштириш курсаткичини баҳолаш билан яқунланади. Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги таълим жараёнида таққослаш орқали кузатишни таъминлаш талабаларнинг билим эгаллашларини фаоллаштириш, мунтазам равишда мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш, рейтинг тизими асосида баҳолаш жорий қилинди.

Табиий фанларнинг ўқитиш сифатини ва самарадорлигини оширишда педагогик технологияларни замонавий информацион технология имкониятлари даражасигача кўтариш асосида уч турдаги ўқув машғулотларини маъруза, амалий машғулотлар ва лаборатория машғулотларининг ҳар бирини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш талабаларни билиш фаолиятини фаоллаштириш, дарслик ва кўшимча адабиётлар устида мустақил ишлаш, нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантириш, уларни онгли равишда ўз касбига меҳр қўйишга оид масалаларнинг ечимини топишга ундайди. Юқорида билдирилган фикр мулоҳазалардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

- Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахасисларни тарбиялаш борасида сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади. Бу ҳилда иш юритиш вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишга тайёр бўлиш ҳар хил вазиятларга дуч келганда таҳлил асосида иш кўриш ва нарса ходисалар бўйича тўғри хулоса чиқаришга тайёрлайди.

- Таълим жараёни самарадорлигини ошириш таълим олувчиларнинг мустаҳкам назарий билим, фаолият, куникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратига айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақозаси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

-Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатидан ўзгаришини таъминлайди.

К ВОПРОСУ ФОРМИРОВАНИЯ МОТИВАЦИИ СТУДЕНТОВ К УЧЕБЕ

Синдаров Р.У.(доцент ТАДИ), Уралов А.(ст.преподаватель СамГАСИ)

Изучение мотивов профессионального выбора необходимо для поиска различных форм профессионального обучения, для оптимизации учебно-

профессионального процесса, для совершенствования системы профессиональной ориентации и профессионального отбора.

Все существующие теории утверждают, что мотивы возникают, развиваются и формируются на основе потребностей. Однако они относительно самостоятельны, ибо “потребность не определяет строго совокупность мотивов, их силу и устойчивость” [2].

Очевидно, что при одной и той же потребности у разных людей возникают неодинаковые мотивы. Люди, имеющие потребность трудоустройства, идут учиться в разные вузы, выбирают различные специальности, а впоследствии - работу. При этом важным этапом является период обучения в вузе, где будущий специалист получает необходимые знания и умения, а также уточняет свое исходное представление о той деятельности, которой он решил посвятить себя, поступая в данное учебное заведение.

За время обучения в вузе под влиянием преподавания общественных, специальных и других дисциплин, участия в общественной жизни у студентов развивается и формируется профессиональная направленность личности, т. е. личная устремленность применить свои знания, опыт, способности в области избранной профессии. В профессиональной направленности личности выражаются положительное отношение к профессии, склонность и интерес к ней, желание совершенствовать свою подготовку, удовлетворять материальные и духовные потребности, занимаясь трудом в области своей профессии.

Поступив в ВУЗ бывший ученик сталкивается с совершенно новыми для него способами организации учебного процесса. По сравнению со средней школой меняются как форма преподавания, так и форма отчетности учащихся. Теоретический материал излагается на лекциях крупными порциями, большому количеству людей; освоению практических навыков выделяется другое время. Контроль за успеваемостью становится отсроченным, большая роль отводится самостоятельной работе как в планировании своего рабочего времени (в течение дня, недели, семестра), так и в выборе темы научной работы и организации консультативного взаимодействия с научным руководителем.

Стремление студентов к успешному овладению вузовской программой, устойчивая направленность применять свои знания, способности и опыт на пользу общества, показать себя в будущем творческим специалистом - важнейшая индивидуально - психологическая предпосылка успеха и эффективности его деятельности в ВУЗе.

В последние годы усилилось понимание педагогами роли положительной мотивации к учению в обеспечении успешного овладения знаниями и умениями. При этом выявлено, что высокая позитивная мотивация может играть роль компенсирующего фактора в случае недостаточно высоких способностей; однако в обратном направлении этот фактор не срабатывает - никакой высокий уровень способностей не может компенсировать отсутствие учебного мотива или низкую его выраженность, не может привести к значительным успехам в учебе.

Однако в ходе обучения развитию мотивации на овладение

профессией уделяется мало внимания: студенты просто пишут курсовые, сдают экзамены и т. д. Считается, что необходимая мотивация уже задана самим фактом выбора профессии, и этого достаточно. Однако, с нашей точки зрения, в ходе обучения развивается только познавательная мотивация. Нужно развивать мотивацию к профессии, например, путем предоставления большей свободы в выборе изучаемых предметов, а так же специально организованной индивидуальной и групповой работы во время производственной практики.

В период практики учебная, общественная и научная деятельность студентов находит свое продолжение непосредственно в условиях их будущего профессионального труда. Вместе с тем практика позволяет студентам уяснить положительные стороны и недостатки своей профессиональной подготовки, глубже осознать сложность и ответственность обязанностей по своей специальности.

Разнообразие выполненных студентами задач во время практики всесторонне формирует их как будущих специалистов, вырабатывает умения и навыки профессионально правильного использования полученных в вузе теоретических знаний.

Подводя итог, можно сказать, что поиск места работы по окончании учебы, успешное трудоустройство и профессиональное самоопределение зависит от личных возможностей и усилий молодого специалиста, а важной задачей высшего образования помимо передачи знаний и умений, является также формирование личности профессионала.

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРГА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД БИЛИМЛАР БЕРИШ.

*Б.Арзымбетова ҚРХТХҚТ ва МОИ «Табиий ва аниқ фанлар таълими»
кафедраси катта ўқитувчиси*

Табиат – инсоннинг моддий ва маънавий талабларини қондирувчи биринчи манба. Шу сабабли ҳам табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар, қадимдан бугунги кунгача, барчани қизиқтириб келувчи муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Жамият табиатнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, бошқа қисмларидан фарқли ўлароқ, атроф-муҳитга нисбатан онгли ва аъқтив муносабатда бўладиган қисмидир. Табиат абадий мавжуддир. Шунинг учун табиат қонунларининг кўпчилиги абадий қонунлар ҳисобланади. Энергиянинг бир турдан иккинчи турга айланиш қонуни шулар жумласидандир. Табиат қонунлари стихияли кучлар тарзида амал қилади. Масалан, кучли шамоллар, денгизда кучли довуллар, кутилмаганда ер қимирлашлари, тоғларда муз, қор ва тупроқнинг кўчиши ва бошқалардир. Бугунги кунда сувнинг потенциал энергияси, атом энергияси, денгизларда сувларнинг кўтарилиш ва пасайиш энергияси, термоядро энергияси, ер бағридаги иссиқ сув энергияси, қуёш ва шамол энергияси кабиларнинг инсон томонидан забт этилиши бунга яққол мисол бўла олади. Атмосфера ниҳоятда кенг, аммо ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ривожланиши натижасида, атмосфера таркиби ифлосланиб бормоқда. Ифлосланган ҳаво инсонга зарар етказди. Ҳавоси бир неча минглаб тонна қиммат баҳо металл

чанг тутунлар билан бирга учуб кетади, тузлар билан чанглар бу инсонга иқтисодий зарар келтириши билан бирга ҳавони ифлослайди. Ҳозирги кунда атмосферани қўриқлаш масаласи жаҳон халқини ташвишга солиб келмоқда. Ҳаво ер катламининг таркибий қисми бўлиб, ҳаёт ана шу ҳаво қатлами остида пайдо бўлган. Ҳаётни ҳар хил космик таъсирлардан ҳимоя қилувчи асосий нарса ҳаво қатламидир. Атмосферанинг юқори қатламига ҳар секундда космосдан ва қуёшдан ниҳоятда катта энергияли тўлқин оқимлари ва нурланиш, рентген нурлари, ультрабинафша нурлар, кўринадиган ёруғлик инфрақизил нурлари ерга етиб келганда, ердаги ҳаётни нобуд бўлар эди. Масалан бу фанларнинг барчаси инсониятнинг глобал муаммоларини аниқлашга ёрдам беради. Бу фанлар табиатни, унинг қонунлари ва жараёнларини инсоннинг табиатдаги ўрни масалаларини муҳокама қилиш учун жуда қулай. Табиий фанлардан ўтилган мавзуларда ресурс тежамкорлик ва эколик ҳавфсиз янги технологияларни жорий этишнинг афзалликларини қизиқарли тарзда баён этиш мумкин. Экологик таълим ва тарбия бериш орқали кишиларда жумладан ёшларда коинотдаги ягона ҳаёт мавжуд бўлган ер сайёраси ҳақидаги тасаввурлар, ўз яшаш муҳити тўғрисидаги билимлар атрофимиздаги олам, табиат ва инсонларини ўзаро узвий боғланганлик ҳақидаги илмий-назарий дунё-қарашлар, ўз ватанининг экологик тизимларининг пайдо бўлиши, макон ва майдон бўйича тарқалиш қонуниятлари, ундан келиб чиқидиган хусусиятлари, бойликлари, ҳолати, келажак истиқболлари, амалий экологик кўникма ва малакалар, ер шарини муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан оқилана фойдаланиш ва бузилган табиат неъматларини қайта тиклашга оид муаммоларини англаш ва уларнинг ечимни топишга доир тўғри қарорларни қабул қилиш компетенцияси, уларни танглаган касбларга қараб экологик таълим ва тарбия шаклландирилади ва ривожлантирилади. Умуман экологик билимларни интеграциялашда маҳаллий халқнинг маданияти ва анъаналарини замонавий таълим технологиялари, оммавий ахборот воситалари ва мультимедиа имкониятлари билан уйғунлаштирган ҳолда фойдаланилса экологик таълим-тарбиянинг самарадорлиги ошади.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ НАЗРАТ ҚИЛИШ ВА БАХОЛАШ

доц.Рахимов А.К., Тиловова М. 301 КТ (МКК)

Касб-ҳунар коллежларда ўқитувчилари ва ўқувчилари ўртасида билим, кўникма ва малака деб аталадиган терминлар жуда кўп ишлатилади, лекин бу тушунчалар ҳақида кўпчилик касб-ҳунар ўқитувчилари ва ўқувчилари аниқ тасаввурга эга эмас. Шунингдек СамДАҚИ қошидаги касб-ҳунар коллеж ўқитувчилари малака ошириш курсларига келган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълим усталари билан суҳбатлар натижасида шундай хулоса қилинган.

Ўқув тарбиявий жараён – бошқариладиган жараён бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчилардаги билим, малака ва кўникмаларини сон ва сифат жиҳатдан ҳаққоний баҳолаш, ўқув-тарбиявий жараёнида олинган натижаларга қараб

ўзгартиришлар киритиб бориш билан бирга ўзининг фаолиятига ҳам таъсир беради. Хўш, ўзи билим кўникма ва малака деганда нимани тушунамиз.

Билим - назарий ва амалий фаолият натижасида ўрганган, эсда сақлаб қолинган, қабул қилинган фикрлаштирилган ходиса ва предметлар ҳақидаги тушунчалар тизимидир.

Билимлар ўз навбатида тизимли ва тизимсиз, назарий – амалий, кенг ва тор, чуқур, юзаки, мослашувчан, андозали, мустахкам ва мустахкам бўлмаган турларга бўлишади.

Буларни ичида назарий билимлар, нарсаларнинг етарли даражадаги хусусиятларини, техника ва технологиялар ходисасини ва уларнинг объектив муносабатини билдиради. Амалий билим техника ва технологиялар соҳасидаги жараёнларининг алоқасини, ходисани ва бошқаларнинг тўғридан-тўғри амалий фаолиятга киритилганлигини билдиради.

Кўникма – янги шароитда инсонинг (мутахассиснинг) ишни сифатли, керакли ҳажмида ва ажратилган – белгиланган вақтда бажара олиш қобилияти.

Кўникма бирор бир ишни бир неча бор кетма-кет бажариш натижасида ҳосил бўлади.

Кўникма ўқувчиларда асосан амалий машғулотларда ўқув устахоналарда ва ишлаб чиқариш амалиётларда шаклланади ва юзага келади.

Малака – бу ўқувчининг автоматик равишда амалга оширилган ҳолда бирор бир ишни бажариш қобилиятидир.

Билим, кўникма, малака ва қобилият ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида баҳолаш жуда мураккаб. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш ўқитувчининг, муҳандис-педагогнинг услубий фаолиятини таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқув шароитида ҳар бир ўқувчини диққат билан кузатиб ўрганиб бориш ва фаолиятини баҳолаб бориши зарур.

Касб – ҳунар ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказида тасдиқланган “Низом” ва шу “Низом” асосида касб-ҳунар коллежларда ишлаб чиқилган намунавий мезонлар асосида амалган оширилиб, 4 баллик системада баҳоланади (2,3,4,5 баҳо). Баҳолашнинг қўйидаги турлари мавжуд.

Жорий – оғзаки сўраш, ёзма назорат ишлари, амалий иш ўқувчининг кузатиб бориши, дастурли назорат

Даврий - ҳар битта мавзунинг ўтганидан кейин текшириб бориш

Якуний – назорат ишлари ёзма, тест ва битирув ишлар.

Ўқувчиларнинг билим кўникма ва малакаларини назорат қилишда учта асосий функция амалга оширилади.

1. Текширувчи
2. Ўргатувчи
3. Тарбияловчи

Текширувчи – назорат қилувчи, ўқувчиларнинг, гуруҳ ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини белгилаб бориш, яъни ҳар бир амалий дарсларда уларга баҳо қўйиб бориш лозим. Бунда ўзига яраша қийинчиликлар юзага келади, чунки, кўпчилик ўқувчилар дарсга тайёргарлик кўрмасдан келади ва ўқитувчининг саволларига жавоб бера

олмайди. Демак, ўқитувчи ўқувчининг билим, кўникма ва малакасини баҳолай олмайди.

Ўргатувчи – ҳар бир ўқувчининг билими, кўникма ва малакасини текшириш натижасида, бошқа ўқувчилар ўзларининг билим, кўникма ва малакаларини таққослайди, ҳамда ўзига хулосалар чиқаради. Ўзларининг камчиликларини билиб, ютуқларини бошқа ўқувчилар билан бўлишиб, янги билимлар олишга интиладилар.

Тарбияловчи – тизимли назорат бўлиб, ўзига-ўзи баҳо бериши, имкониятларни тарбиялайди, вақтдан унумли фойдаланишга ундайди.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг энг кўп тарқалган тури – оғзаки сўрашдир. Лекин бунинг ҳам ўзига хос қийинчилик томонлари бор, яъни кимни, қачон чақириш керак, қандай савол бериш керак, саволнинг ҳажми қандай бўлиши лозим, қанча вақт керак, нимани сўраш керак ва х.к. Лекин кўп ҳолларда оғзаки сўрашда ҳам ўқувчилар саволларга ёзма жавоб тайёрлаб сўнгра оғзаки жавоб берадилар. Назорат қилиш қандай бўлмасин, уларга қўйиладиган умумий талаблар бор: ўқувчиларга аниқ саволлар билан мурожаат қилиш ва бу назоратга ўқувчиларни жалб этишдир.

Ўқувчиларнинг билим кўникма ва малакаларини белгиловчи қуйидаги объектларни эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш сифати
- ишлаб чиқариш мухити унумдорлиги - вақт ва маҳорат
- ишнинг бажаришда ишлаб чиқариш усулларини қўллай олиши
- ҳозирги замон техника ва технологиясини қўллай олиши, иш бажариши
- мустақил иш бажара олиши
- амалий ишларини бажаришда назарий билимларини қўллай олиши
- меҳнат маданияти, иш жойи тартиби
- иш бажариш вақтида хавфсизлик техникасини қоидаларига риоя қилиши

Хулоса қилиб айтганда, касб-ҳунар коллеж ўқувчисининг билим кўникма ва малакасини шакллантиришда, энг аввало унинг танлаган мутахассислигига бўлган қизиқиши, ўқишга мойиллиги ва иқтидори муҳим ўрин эгаллайди.

МЕДИАТАЪЛИМНИНГ МУҲАНДИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Синдаров Р.У. (доцент, ТАЙИ), Уралов А (СамДАҚИ)

Фан-техника тараққиётининг тўхтовсиз юксалиб бораётган бир даврида ўқув жараёнига янги информацион технологияларни қўллашнинг зарурлиги замонавий билимлар ҳажмининг тез орада ўсиши, кўп соҳаларда меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғиқдир. Айниқса, ҳозирда автомобиль саноатида ёки йўл қурилиши соҳасида лойиҳаларнинг янги компьютер технологиялари асосида яратилаётганлиги, ҳамда лойиҳаларни тайёрлаш жараёни билан уларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши орасидаги вақтнинг борган сари камайиб бориши масаланинг янада муҳим эканлигини

таъкидлайди. Ана шундай бир пайтда эски, анъанавий услублар ёрдамида дарс бериб замонавий, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мумкин эмаслиги барчага аён бўлмоқда. Қолаверса, ёшларни компьютер технологиялари махсулотлари - **медиа** ёрдамида ўқитиш уларда муҳандислик меҳнати ва ижодига қизиқишларини ошишида муҳим омил саналади [1].

Маълумки, **медиа таълим** – бу медиамахсулотлар (компьютер анимацияли электрон ишланмалар) воситасида талабаларга билим беришдир. Медиа таълим берувчи замонавий ўқитувчи – медиаўқитувчи - талабаларга медиаахборотни мустақил ишлашга, дифференциациялашга, баҳолашга ва тизимга солишга ўргатадилар. Ушбу ўқитувчиларнинг медиа таълимга нисбатан четдан мажбуран киритилган талаб сифатида муносабат қилишлари ҳам сир эмас. Ваҳоланки, янги технологиялар кириб келиши билан таълим ва ахборот манзараси ўзгарди, шунга мувофиқ равишда таълимнинг мазмуни ҳам қайта кўриб чиқилиши зарур. Медиа таълимни фаол ривожлантириш зарурлиги ҳозирги замон таълимнинг асосий талабларидан биридир. Ўқитувчи бу ишларга оид зарур кўникмаларга ва услубий воситаларга эга бўлиши шарт.

Компьютер технологияларнинг мунтазам ривожланиб бориши жараёнида, айниқса, дастурий таъминот воситалари соҳасида, ўқитувчининг бошқа ўқитувчилардан устунлиги шундаки, у нафақат бу воситалар билан ишлашда билим ва кўникмаларга ега, балки уларни бевосита яратиш ва амалиётга қўллай олиш имкониятига эга, медиа таълим билан шуғулланишни энди ўйлай бошлаган ўқитувчилар учун эса бу масала ўта мураккаб ва янги муаммодир.

Шундай қилиб, фанларни ўқитишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида янгидан янги медиамахсулотларни яратиш ва уларни ўқув жараёнига кенг қўламда жарий қилиш олий таълимнинг замонавий профессор-ўқитувчи олдида қўйган долзарб масалалардан бири эканлигини давр тақозо этмоқда.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ.

Д.Шодмонов (ТАТУ Самарқанд филиали катта ўқитувчиси)

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай бўлишнинг сабабларидан бири, шу давргача анъанавий таълимда ўқувчи-ёшларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган бўлса, ҳозирги замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқишларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билим билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланиб улгуради.

Шунинг учун умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари факултетларида малакавий касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқиш методлари жумладан, интерактив технологиялар, иновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоят каттадир. Педагогик технология ва педагогик маҳоратига доир билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-ёшларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Иновация фанга янгилик киритиш маъносини беради. Иновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи талаба фаолиятиги янгилик, ўзгартиришлар киритиш ҳисобланиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар бу жамоа бўлиб, фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар ўзаро фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қўйидагича характерланади.

- Ўқувчи-талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этади.

- Ўқувчи-ёшларни ўқув жараёнида билимга қизиқишларини доимий равишда назорат қилиб туришни таъминлайди.

Педагогик технологиялар масалалари, муаммоларини ўрганаётган педагоглар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчиларининг фикрига қараганда, педагогик технологиялар – бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланилиши зарур бўлган техник воситалар, компютер, масофили ўқиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиши керак. Бундай ҳолатда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиш муҳим аҳамият касб этади, чунки дарсининг технологик харитаси ҳар бир мавзу, фаннинг хусусиятидан, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши зарур. Бошқача қилиб айтганда ўқувчи - талабани таълимнинг марказига олиб чиқиши керак.

АКТУАЛЬНОСТЬ УСТРОЙСТВА «ЗЕЛЕННЫХ КРЫШ»

Ст.преподаватель: Ф.Ф.Сувонкулова., студент 403-КХАЛТЭ Л.Б.Хаитова

История садов на крышах начиналась с Ассирии, Вавилона (сады Семирамиды), затем постепенно подобия этих садов стали появляться в Греции, древнем Риме, с начала XVII века в Северной Европе (в Германии, Швеции) и в России (верховые висячие сады Кремля). Со временем, по мере развития индустрии строительных материалов и конструкций и их совершенствования, сады на крышах стали появляться во всем мире – в Японии, США, Канаде, и многих других странах. Зеленая кровля относится к одним из самых древних кровельных материалов. Современная технология устройства зеленых кровель была разработана в Германии в 1960-х гг., и с тех пор стала применяться во многих странах мира.

С тех пор в архитектуре появились понятия "живая крыша", "эксплуатируемая кровля" - лужайки или даже сады для отдыха прямо на крыше здания. На крышах могут быть сооружены теплицы и сады, использующие тепло дома для роста растений. Эксплуатируемые крыши могут также применяться для организации пешеходных зон, летних кафе. Устройство таких крыш не только красиво, но и практично. Считается, что озеленённые кровли по своим характеристикам не только не уступают обычным, но и превосходят их. Так, экономия на отоплении зимой и на кондиционировании летом с лихвой окупает высокую стоимость возведения оранжереи на крыше. Тепло- и гидроизоляционные свойства делают систему зелёных кровель идеальным решением задачи возведения экологичной, долговечной и очень надёжной кровли.

Зелёные насаждения на крыше улучшают звукоизоляцию здания, повышают показатели пылепоглощения. Согласно исследованиям немецких учёных, 150 м² травяной кровли обеспечивает 100 человек годовым запасом кислорода. Если на крыше высадить деревья и кустарники, то 1 м² такой кровли вполне способен на год обеспечивать кислородом одного человека. Зелёная кровля площадью 45 м² производит, к примеру, столько же кислорода, сколько дерево с кроной диаметром около 10 м. В зависимости от способа озеленения такая эксплуатируемая крыша может принимать от 40 до 80% осадков и участвовать в естественном круговороте воды. Традиционная плоская кровля возвращает в атмосферу менее 1% влаги, эксплуатируемая зелёная кровля – более 60%.

Применение зелёной кровли позволяет: снизить температуру воздуха в городах в летнее время и защитить от перегрева и УФ-излучения кровельные материалы; снизить загрязнение воздуха и исключить выделение опасных для здоровья человека летучих веществ и соединений из битумных кровельных материалов; обеспечить поступление кислорода; снизить общий шумовой фон; исключить быстрое распространение огня по поверхности кровли при пожарах.

Все перечисленные достоинства озеленённых кровель очевидны.

В зависимости от способа озеленения и вида эксплуатации существует два типа озеленения крыш: экстенсивное и интенсивное. Интенсивные зелёные кровли представляют собой сады в полном смысле этого слова. Их озеленение включает в себя не только травянистые растения, но также кустарники и деревья. Самые «продвинутые» системы озеленения кровель отличаются малым весом готовой конструкции (не более 60 кг на 1 м² во влагонасыщенном состоянии, с учётом высаженных растений) и очень простым способом монтажа. Это не мешает комбинировать зелёные участки с различного рода малыми архитектурными формами и дорожками.

Экстенсивный метод озеленения самый простой. Его часто используют на крышах промышленных предприятий в развитых европейских странах.

Озеленённая кровля представляет собой своего рода слоёный пирог. Самый нижний слой представляет собой гидроизоляцию. Для надёжной защиты от воды используются полимерные кровельные мембраны (ЭПДМ, ПВХ), обладающие повышенной климатической, химической и биологической стойкостью, а также высокой долговечностью. Далее идёт

дренажный слой, который выполняет функции первичной или дополнительной защиты корневых систем, и, кроме того – обеспечивает отвод воды. В зависимости от типа растительности применяют высокопрочные рулонные материалы, в менее ответственных случаях – плиты из перфорированного полистирола или засыпку гравием. Следующий слой – фильтрующий, предназначенный для предотвращения засорения дренажа частицами почвы. И, наконец – почвенный слой с растительностью.

Существуют разные системы озеленения (например, немецкая FlorDepot), которые монтируются даже на скатные кровли – главное, чтобы максимальный угол их наклона не превышал 45° .

«Облегченный» вариант интенсивного озеленения предполагает отсутствие деревьев и высоких кустарников. Соответственно, при экстенсивном озеленении речь идет только о создании травяного «ковра», а все другие растения размещают в специальных емкостях с почвенным субстратом. Доступ людей на такую крышу-газон, в принципе, не предполагается. Ходить можно только по специальным дорожкам. Поверхность крыши защищают от корней растений специальной пленкой, которая не дает корням разрушать кровлю. А для уменьшения давления на нее вегетационного слоя используется геополотно или геотекстиль. Параметры полотна, такие как плотность, толщина, структура, зависят от конструкции здания, то есть предполагаемой нагрузки. Крыши с уклоном меньше чем 4° должны обязательно оборудоваться дренажной системой, иначе будет происходить застой воды в почве, и как следствие увеличения нагрузки на кровлю. Для озелененных крыш, кроме традиционной конструкции, строители рекомендуют использовать инверсионную кровлю (в ее конструкции утеплитель располагается поверх гидроизоляции). Именно такая технология укладки покрытия лучше всего обеспечивает долговечность и надежность гидроизоляции, предотвращая неравномерные деформации слоев вследствие динамических нагрузок и разницы температур.

Озеленение следует осуществлять только растениями, имеющими мочковатую (т. е. располагающуюся горизонтально) корневую систему. Такие растения не слишком заглубляются в грунт, что выгодно в условиях строго ограниченной толщины почвенного слоя.



В связи с сокращением площадей озелененных территорий в городах возможно в ближайшем будущем вертикальное озеленение и озеленение крыш станут приоритетными направлениями. В вертикальном и крышном озеленении возможно использование различных видов фитонцидных

растений, воздействие свойств которых благоприятно отразится на экологическом состоянии городской среды. Вертикальное и крышное озеленение закрепляется за конкретным строительным объектом, что упрощает организацию последующей эксплуатации и ухода за зелеными насаждениями.

В городах, где отдается много природного пространства под застройку, зеленая кровля является идеальным решением для компенсации ущерба, нанесенного природе. Этот способ устройства крыши стал особо актуален с учетом того обстоятельства, что стоимость квадратного метра земли чрезвычайно высока, и использование свободных площадей крыш дало возможность восполнить дефицит зеленых зон, устраивать на крышах зданий места для отдыха и проведения досуга.

Эксплуатируемые кровли считаются очень перспективным архитектурным решением, функциональным и экономичным.

ҚУЁШ КОЛЛЕКТОРЛАРИ ОРҚАЛИ ТУРАР-ЖОЙЛАРНИ ИССИҚ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЙУЛЛАРИ

101-ИГТ, ВХМ ва ХХМҚ гуруҳ магистрианти М.Ў.Нурманова

Илмий раҳбар: Т.Ф.Н. доц Х.Ғ.Хусанов

301-МКК(ИГТ) талабаси И.О.Ўтаниёзов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 1-мартда чиққан ПФ-4512 фармони муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга эътиборни янада кучайтирди ва ўта долзарб масалага айлантирди. Бутун жаҳонда ноънанавий энергия манбаларига қизиқиш кундан-кунга ошиб бормоқда. Буларга биринчи навбатда қуёш билан боғланган бўлиб, буни қуйидаги мисолларда, биринчи навбатда, ёруғлик билан боғлиқ бўлагн фотосинтез жараёнида куриш мумкин.

Иккинчидан, hozirgi кунда инсонлар фойдаланаётган органик ёқилғилар тошқўмир, торф, табиий газ, нефть ва бошқалар. Бир вақтлар фотосинтез жараёнида қуёш энергияси ҳисобига ҳосил бўлган.

Маълумки, ердаги ёқилғи захираси чегараланган бўлиб, жами энергия захираси 198 x 10²¹ Ж ни ташкил этади.

Бу энергиянинг катта қисми (94%) қаттиқ ёқилғиларга, қолган қисми эса газ ва суюқ ёқилғиларга тўғри келади. [2] Жумладан Республикамиз вилоятларида қуёш энергиясидан фойдаланишнинг реал имкониятлари мавжуддир, чунки бу ерларда қуёшли кунлар сони йилига 280 – 300 кунни ташкил этади. Ер юзининг 1 м² тушадиган қуёш энергияси йилига ўртача 546 · 10⁷ Ж ни ташкил этади, бу эса 300 килограмм тошқўмир ёқилганда ажрайдиган энергия миқдорига тенгдир, бир гектар юзага тушадиган қуёш энергияси эса 2 тонна тошқўмирга эквивалентдир. Шу сабабли мамлакатимиз ҳудудининг катта қисми қуёш радиациясининг интенсивлигига ва унинг таъсири давомийлигига кура қуёш энергиясидан фойдаланиш масаласи истиқбол ҳисобланади.

Қуёш нури оқимининг зичлиги асосий омил ҳисобланиб, гелиоэнергетик лойиҳаларни амалга оширишда ва гелиоқурилмаларни

ишлатишда ҳисобга олиш зарур. Чунки, у бевосита уларнинг қўлланиш ва бошланғич капитал қўйилмалар ҳажмига таъсир қилади.

Шу сабабли, конкрет гелиоэнергетик лойиҳани амалга оширишга киришишдан олдин, объект жойлашган минтақадаги қуёш нурлари миқдори кўрсаткичлари ҳақида маълумотларни таҳлил қилиш зарур. Бундан асосий мақсад, конкрет амалий эҳтиёжларни қондирувчи қуёш қурилмасини танлашдан иборат.

Мамлакатимизда иккиламчи энергия манбасидан, шу жумладан қуёш энергиясидан фойдаланишга қизиқиш муттасил ортиб бормоққа.

Шунингдек, турли мақсадларида (иссиқ сув таъминоти, иситиш, қуритиш ва хоказо) паст потенциалли қуёш энергиясидан самарали ва амалий фойдаланишнинг қатор мисоллари бор. Шу сабабли, Самарқанд вилояти шароитида қуёш қурилмалари юқори самара берадиган, яхши текширилган ва кенг қўламда ишлатиш ҳозирнинг ўзида мумкин бўлган қурилма бу индивидуал мавсумий қуёш сув иситгич қурилмаларидир.

Шунинг учун бу мақолада бундай қурилма асосий конструктив унсурлари кўриб чиқилади ва шу билан бир қаторда уларга қўйиладиган талаблар умумий хусусиятлари кўрсатилади.

Бундай қурилмалар ишлаш принципи оддий. У махсус қурилмалар-қуёш коллекторлари томонидан қуёш энергиясини сингдиришга ва уни исътемомлчи томонидан кейин фойдаланиш учун иссиқликни сақлаш тизимига узатишга асосланган.


Гелиоқурилмаларни ўрнатиш вақтида маҳкамлаш мосламалари элементлар сифати катта аҳамиятга эга.

Қуёш сув иситгич қурилмаси намунавий конструкцияси тизими 2-расмда кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, қурилма 4 та асосий қисмлардан тузилган: коллектор тизими -иссиқлик сақлаш тизими - тақсимлаш ва исътемомл тизими -назорат қилиш

Сув иситишга мўлжалланган ясси қуёш коллектори хар хил материаллардан (пулат, гипс, алюминий, пластмасса ва бошқалар) тайёрланиши мумкин, аммо уларнинг ишлаши бир хил принципга асосланган.



1-расм. Қуёш коллекторининг ташиқи кўриниши



2-расм. Қуёш коллектори чизмаси.
1. Шаффоф ёпкич. 2. Йиғувчи юза
3. Қайтаргич экран. 4. Иссиқлик ўтказмайдиган қатлам. 5. Корпус

Коллекторнинг жойлаштиришда қиялик бурчагини тўғри танлаш коллектор фойдали иш коэффициентини оширади . Унинг катталиги жойлаштириш ўларнининг географик кенглигига боғлиқ. Коллекторга тушаётган қуёш нурлари иложи борича 90⁰ бурчак ҳосил қилиши керак. Бундан ташқари, коллектор экватор томонга йўналишда ориентирланган бўлиши керак. Нотўғри ориентирлаш унинг самарадорлигини сезиларли даражада (25%) гача пасайишга олиб келади. Илмий изланиш жараёнида мавжуд Фарғона Полетехника институтининг асбобсозлик маркази гелиоолигониди (табиий шароитда) синовда итказилган бўлиб, унинг натижалари уч типдаги сув иситкичларни ўрганиб чиқдик. Унинг натижалари 1.1-жадвалда берилган.

1.1- жадвал

Сув иситкичларнинг номи	Кунлик унумдорлик, литрда						
	Апрел	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь
КСТВ-359 типидаги сув иситкич	140 230*	150 245*	170 330*	180 340*	150 240*	140 220*	120 160*
БСВ-60 типидаги сув иситкич	90 140*	100 160*	110 200*	120 235*	110 215*	100 155*	90 135*
БСВ-367 Тверда типидаги сув иситкич	130 240*	140 270*	160 340*	180 400*	160 350*	145 260*	130 220*

Жадвалдан кўришиб турибдики, сув иситкичларнинг кунлик иссиқ сув олиш унумдорлиги юқори бўлиб, уларни ҳаётга татбиқ этилса, яхши самара беради.

Бундай сув иситкич Ўзбекистон шароитида ёз фаслида 3-4 кишилик оиланинг маиший талабини қондириши учун мулжалланган.

Бизнинг илмий изланишимизда юқорида курсатилган сув иситкичларни янада такомиллаштириб йил давомида турар-жойларни иссиқ сув билан таъминлаш илмий изланишимизда янгилик қилиб қуйилган.

Йил давомида турар –жойларни иссиқ сув билан таъминлаш учун қушимча гелиоқурилмалар ўрнатиш йули билан эришиш ҳамда табиий ёқилғиларни тежашни амалга ошириш мумкин. Хозирги пайтда қуёш қурилмаларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда маълум ютуқларга эришилган, аммо улар хозиргача кенг масштабда қўлланилмаяпти, чунки қурилмаларнинг таннари юқори. Шунинг учун асосий масалалардан бири - бу амалиётда қўлланиладиган техник ва иқтисодий характеристикалари бўйича тежамли бўлган қуёш қурилмаларини яратишдир. Бу эса мавжуд қурилмаларни такомиллаштириб боришни ҳамда ҳар хил конструктив схемаларнинг замонавий вариантларини тадқиқот қилишни талаб қилади.

ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*301 кт(БвайИҚ) гуруҳи талабаси Шарофиддинов Ойбек
Раҳбар: Б. Усманов - СамДАҚИ "Касб таълими" кафедраси катта
ўқитувчиси*

Бизнинг Республикамизда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ривожлантириш масаласига эътибор кун сайин ошиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 май 2012 йил 1761-сонли “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг бевосита бажарилишидан дарак бериб турибди.

Ушбу қарорнинг бажарилишида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ва олий таълим муассасаларида таълим сифатининг оширилиши, ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши ва айниқса ўқув амалиётини ташкил этилиши ва ўтказилишини юқори савияда ташкил этилиши ўз аксини топмоқда. Ана шу сабабли, ўқув амалиёти самарадорлигини ошириш, замонавий билим билан бойитиш, ҳозирги кун фан ва техника ютуқларини қўллаган ҳолда иш юритадиган мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Бу ўз навбатида, ўрта махсус, касб хунар таълими муассасаларида ва олий ўқув юртлирида ўқув амалиётини давр талаблари асосида ташкил қилиш, талабаларнинг касбий ва профессионал тайёргалигини кучайтириш, ўқув амалиёти самарадорлигини таъминлаш, ахборот ресурсларини, замонавий технологияларни қўллаш ва уларга тажрибали ўқитувчиларни жалб этишни талаб қилади.

Ўқув амалиётини ташкил этишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Ўқув амалиёти “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида ишлаб чиқилса;
2. Ўқув амалиётини ташкил этишда касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрти билан биргаликда уларнинг ўзаро фаолиятини ўз ичига олса;
3. Касбий педагогик тайёргарлик даражасини мукаммаллаштиришни;
4. Ўқув амалиётини ташкил этиш тизимининг моддий-техник базасини кучайтириш
5. Ўқув амалиётини ташкил этишга малакали мутахассисларни, ижодкор, тажрибали ўқитувчиларни жалб этиш;
6. Ўқувчиларнинг хоҳиш, таклиф ва эҳтиёжлари асосида ўқув амалиётини ташкил этиш.

Ўқув амалиётини ташкил этишда педагог-муҳандисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларига алоҳида аҳамият бериш лозим. Бу ишларни амалга оширишда Президентимиз И.А.Каримовнинг: “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб

қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало муаллимнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак” деган сўзларини келтириш жуда ўринли.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Рухшона Муסיнова, Самарқанд давлат университети Педагогика
факультети II босқич магистранти*

XXI асрга келиб инсоннинг интеллектуал ва амалий салоҳиятининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда ва жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий топишлари айнан инсон капиталининг қай даражада ривожланишига боғлиқ бўлмоқда.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек: “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Бу ўринда баркамол авлод, аввало, ҳар жиҳатдан етук, рақобатдош иқтисодиётни қуришга қодир бўлган юқори малакали кадрлар бўлиб етишишлари талаб этилади. Зеро, ривожланган иқтисодиёт дунё андозалари талаби даражасидаги таълим харажатларини қоплай олиши баробарида, инсон тараққиётига йўналтирилган чиқимлар инновацияларга асосланган жамиятнинг шаклланишига ва ўз-ўзидан бу жараёнлар мамлакатни тараққиётнинг янги босқичига етаклайди. Кўриниб турганидек, ривожланган иқтисодиёт ҳамда таълимнинг такомиллашиб боришининг зарурлиги ўртасида боғлиқлик кўзга ташланади.

Ўзбекистонда инсон капитални ривожлантиришда тарихий хотира, маданий, маърифий, аждодларнинг илмий меросини ёшлар онгига сингдириб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис Президент И.Каримов раҳбарлигида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимнинг миллий йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳада эришаётган муваффақиятларининг муаян жиҳати таълим ва тарбиянинг миллий асосга қурилаётганлиги билан боғлиқлик касб этади.

Миллий тарбия назарияси ва амалиёти соҳа олимлари ва мутахассислари томонидан муаян даражада ўрганилган ва амалиётда жорий этилган. Жумладан, миллий тарбиянинг этнопедагогик қирраларини кашф қилган олимлардан бири – культуронтрополог М.Мид бўлган. У ҳар бир кишининг маълум муҳитдаги хулқ-атворини тушунишда унинг болаликда олган миллий тарбияси таъсири катта аҳамиятга эга эканлигини қайд қилган.

Мисрлик педагог Сотей ал-Хусрий араб тилининг илмий атамаларини яратишга чақириб, “Миллий тарбия” тушунчасини илк бор илмий педагогик муомалага киритди.

Ушбу йўналишда қатор ўзбекистонлик олимларнинг илмий-амалий меҳнатларини ҳам эътироф этиб ўтиш жоиз. Уларнинг орасида, айниқса, профессор М.Қуроновиқнинг нашр этган ишлари миллийлиги, амалийлиги ва оммабоплиги билан таҳсинга сазовор, деб ўйлаймиз.

Эндиги олдимизда турган асосий вазифалардан бири – бу шарқ мутафаккирларининг илмий ва маданий меросини ёшлар онгига сингдириб бориш. Боланинг дунёқараши ва унинг шундан келиб чиқадиган феъл-атвори

ҳамда воқеа-ҳодисаларга муносабати унинг энг ёш чоғларидан эгаллаётган кўникмаларига боғлиқлиги барчамизга яхши аён. Демак, Президент И.Каримов алоҳида урғу бериб таъкидлаганидек, бугун фақатгина аждодлар меросига маҳлиё бўлиб қолмасдан, балки унинг муносиб давомчилари бўлиб вояга етиш – бу масалага мактабларнинг бошланғич синфлариданоқ жиддий эътибор беришни ва ушбу жараённинг методологик асосларини ишлаб чиқишни олдимизга долзарб масала қилиб қўяди.

Бугунги кунга келиб шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий мероси кўп жиҳатдан чуқур тадқиқ қилинган, уларнинг ёшлар камолотидаги долзарблиги ҳам олимларимиз томонидан кўп бора эътироф этилмоқда, назариялар яратилмоқда. Лекин ушбу назарияларни амалиётга самарали тадбиқ этишнинг аниқ механизмларини тобора такомиллаштириб бориш айти тезкор информацияларга асосланган жамиятнинг муҳим вазифаси, дея ҳисоблаймиз. Зеро, бугунги мактабнинг 1-синфига қадам қўйган болалар замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш ва уларда ахборотларни излашни пухта ўзлаштиришган. Шунга мутаносиб равишда уларни миллий руҳда тарбиялашнинг, аждодлар меросини уларнинг онги ва қалбига сингдиришнинг интенсив усулларини яратиш лозим бўлади.

Бу борадаги айрим мулоҳазаларимизни умулаштирган ҳолда куйидагиларни тақлиф этамиз:

- иқтисодиётнинг туристик сектори билан ҳамкорликда ихчам лойиҳаларни амалга ошириш. Этнотуризм ва археологик туризмдан самарали фойдаланиш. Бунда ўқувчиларни миллий маданиятимиз намуналари билан билвосита (ахборот манбалари орқали) эмас, балки бевосита – қишлоқ-овулларда, археологик маконларда, музейларда, тарихий қадамжоларда тарихимиздан бугунги кунга қадар сақланиб қолинган бой маданий мерос билан таништириб, уларда қизиқиш уйғотиш.

- таълим муассасаларидаги маънавият хоналарини тўлиқ миллий руҳдаги ижодий композиция (маданиятимиз намуналари: хонатлас, қадимги болалар ўйинлари воситалари ва ҳ.к.)лар билан бойитиш. Бунда “Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдиқ?” ғоясига асосланиш. Анжуманларни мазкур масканларда ташкил қилиш.

- мактаб ўқувчилари ўртасида “Миллий брендлар” кўрик-танловини анъанавий тарзда ташкил қилиш ва ҳамда ғолиблик намуналарини тренд даражасига кўтаришни рағбатлантириш.

- педагог кадрлар ўртасида миллий тарбияни мактаб ўқувчиларига сингдиришнинг интенсив йўллари кашф қилишга йўналтирилган анъанавий кўрик-танловлар ташкил қилиш (қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан мукофотлаш асосида).

- мактаб ўқувчиларини маҳаллада кенг жамоатчилик билан ўтказиладиган маросимларга жалб қилиш орқали уларда миллий руҳиятни чуқур сингдириш. Бунда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига алоҳида урғу бериш.

- миллий тарбия ва шарқ мутафаккирлари меросини сингдиришнинг ёшларбоп, қизиқарли усулларини яратиш мақсадида бошланғич синф ўқувчилари ўртасида мунтазам сўровномалар ўтказиб бориш.

Президент И.А.Каримов 1995 йил 23 февралда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг биринчи мажлисида сўзлаган маърузасида миллий тарбия ҳақида фикр юритиб, “Биз юз бераётган иқтисодий ислохотлар давлат томонидан амалга оширилиши, давлат бош ислохотчи эканлигини эътироф этдик. Демак, сиёсий-маънавий ислохотларда ҳам, миллий тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислохотчи бўлишини тан олишимиз керак ва тегишли қонунлар орқали маънавий йўналишларнинг пойдеворини асослаб беришимиз керак”, - дея таъкидлаган эди. Давлат бош ислохотчи бўлган Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг миллий асосга қурилиши, келажаги буюк бўлган давлатни барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШДА ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

*Х.Н.Қодирова Низомий номидаги ТДПУ магистранти,
Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳибаси*

Президентимиз Республикамизда мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг хусусиятларига тўхталиб ўтганда, янги моделнинг энг асосий жиҳати мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келиши эканлигини қуйидагича таъкидлаб ўтади: «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг фадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча - ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди»⁶⁹.

Президентимизнинг фикрларидан келиб чиққан холда шундай савол туғилади. «**Мустақил фикрлаш нима?**». Ушбу муоммо бўйича юртимизда мустақилликка эришганимиздан сўнг кўплаб педагог-психолог, социолог, фаалсафий олимларимиз томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда уларнинг жараёнга нисбатан қарашлари бир-бирини такрорламайди, яъни ёндашувлар турлича.

Жумладан психолог З.Т.Нишонова ўзи олиб борган тадқиқотлари натижасини умумлаштириб, мустақил фикрлашни ижтимоий ҳодиса сифатида қуйидагича очиқ беради: «Мустақил фикрлаш - инсоннинг бевосита ўзига ва ўзгаларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлган, унинг ташқи ижтимоий муҳитнинг турли таъсирларига нисбатан фикр-ўйлари воситасида қаршилик кўрсатиш ва ўз фикрини баён этиш қобилиятидир»⁷⁰. Бироқ мустақил фикрлаш фақатгина турли таъсирларга нисбатан фикр-ўйлари воситасида қаршилик кўрсатиш ва ўз фикрини баён этишнигина эмас, юзага келган муаммога жавоб топиш асносида ўқувчи янги гипотезаларни ўйлаб топишини ҳам қамраб олиши таърифда акс этмайди.

⁶⁹ Баркамол авлод орзуси. Тузувчилар: Ш.Курбонов, Ҳ.Саидов, Р.Ахлиддинов. -Т., Шарқ, 1999, 33-б.

⁷⁰З.Т.Нишонова. Мустақил фикрлаш». Қўлланма. - Т. 2010, 114-б.

Мустақил фикрлаш – мураккаб ўйлаш жараёни сифатида шахснинг индивидуаллиги, эркинлиги, ташаббускорлиги, фикрларнинг хилма-хиллиги, ижодийлик, танқидийлик билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз навбатида шахсда мазкур сифатларни таркиб топтириш демократик ва инсонпарвар жамиятнинг фаол аъзосини шакллантиришга имкон беради.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш - яхлит тизим сифатида таълимнинг мақсади, ўқитувчи фаолияти, ўқувчи фаолияти, таълим натижаси, таълим мазмуни, шакл, метод ва воситаларни ўз ичига қамраб олади.

Мустақил фикрлашни шакллантириш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Уни муваффақиятли амалга ошириш учун фаол таъсир этувчи омилларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади.

Мустақил фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи асосий омиллар—бу педагогик омиллардир. Мустақил фикрлашни шакллантиришга педагогик жиҳатдан таъсир кўрсатувчи маҳсулдор сабабларни тўртта умумий омилга ажратиб кўрсатиш мумкин.



1-расм. Мустақил фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи педагогик омиллар

Будан ташқари ашқари ўқувчининг таълим олганлик даражаси ҳам ўсиб бориши керак. Бу фақатгина билимлар кўламига боғлиқ бўлиб қолмайди. Таълим олганликнинг манбаи ўқитувчидан такомиллашган билим методларини эгаллашни, фикрлаш шакллари ривожлантиришни, ҳаётини тажрибани бойитишни талаб этади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчига ўқувчилар билан биргаликда ўқув материалларини таҳлил қилишга, қўйилган муаммоларга жавоб беришга, вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Мустақил фикрлашни шакллантиришнинг муҳим вазифаси - ўқув ишлари усулларини ўргатишдир. Реал изланиш жараёнини ва номаълумни топишни ўргатиш керак. Ўқитувчи ўзи вазифани тадқиқ этиб, ҳал қилиш йўллари ташкил этишни кўрсатиб бериши лозим.

Ўқувчилар бу мисоллардан шахсий ҳаракатларини таҳлил қилиш ва баҳолашни ўрганади, ўзининг хатолари ва камчиликларни кўра олади. Ўқитувчи иштирокчиларнинг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўяди ва тадқиқ этишга қизиқтиради. Натижада уларнинг мустақил фикрлашини бир неча марта самарадорлигини оширади. Бунинг учун эса, ўқитувчи ҳақиқий тадқиқотчи бўлиши керак.

Таълим мазмунининг янги ғоялар билан бойиб бориши, таълим методларининг доимий такомиллашуви, ўқитувчиларнинг билим савияларга

қўйилаётган талаблар - буларнинг барчаси ўқитувчидан билимларни мунтазам тўлдириб бориш ва мустаҳкамлаш, малакасини ошириш ва методик маҳоратни талаб этади. Ўқувчиларнинг ўзлари ҳам доимий равишда ўқитувчиларга янгидан-янги талабларни қўяверишади. Ўқитувчи синфда юзлаб ва минглаб «нимага?», «нима учун?» каби саволларга дуч келади.

Ўқитувчининг фаолияти мустақил фикрлаш жараёнини режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, ташхис этишдан иборат бўлса, ўқувчининг фаолияти билиш ва фикрлаш жараёнининг субъекти бўлиш, ахборотларни ўзлаштириш, уларни таҳлил этиш, умумлаштириш, таққослаш, ўзи учун муҳимларини ажратиб олишга ўрганиш ва амалий фаолиятда фойдалана олишдан иборат. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг натижаси дидактик жараённинг мақсади, ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг тўғри ва оқилона белгиланганлиги ҳамда танланганлигига боғлиқдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

СамДАҚИ “ИГТ,В ва сервис” кафедраси ассистенти Э.А.Ҳайдаров

СамДАҚИ 301-ШКваХ гуруҳи талабаси Д.С.Сувонова

Инсоният ер юзида пайдо бўлганидан бошлаб, яшаш ва ҳаёт кечирish учун ўзига қулайликлар яратиб келган. Бу эволюцион жараён неча юз минглаб йиллар давомида шаклланиб келинган бўлиб, ҳозирги кунда кўриб турганимиздек техника тараққиётига ҳам етиб келдик. Аксарият инсонларнинг ҳаётий истеъмоли энергия бўлиб хизмат килади. Бизга маълумки энергия турлари ҳар хил бўлгани билан ҳаммаси инсоният учун хизмат килади.

Ўзбекистон қурилиш ва илм-фан соҳасида ўзининг минг йиллик тарихига эгадир. Шундоқ экан мустақил мамлакатимизда Давлат дастури асосида шинам ва барча қулайликларга эга бўлган турар жой биноларини қуриш жадал сураётларда амалга оширилиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов 2009 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий якунлари ва 2010 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий



инфратузилмани ривожлантиришни жорий йилнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берди ҳамда 2009-йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилди. 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги ПҚ-1167–сонли ва 2010 йилнинг 17 июнидаги ПҚ-1354–сонли

қарори “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. [1]

Демак, мамлакатимизнинг ривожланиши ва равақ топиши учун бизлар ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор. Ушбу шиддат билан қурилаётган намунавий ва кўп қаватли турар жой биноларини муҳандислик коммуникация тармоқлари билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Истеъмолчиларни иссиқлик таъминоти, тоза ичимлик сув, вентиляция тизими, газ таъминоти ва электр энергияси билан доимий равишда таъминлаш муҳим вазифалардан биридир.

Авваломбор энергия манбалар ҳақида статистик маълумотларга назар ташласак Ўзбекистон ноёб ёқилғи энергетика ресурсларига эга бўлиб, қидириб топилган газ захиралари 2 триллион кубаметрга яқин, кўмир 2 миллиард тоннадан ортиқ, 160 дан ортиқ нефть конлари мавжуд.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон энергетика тизими 19 минг саноат, 80 минг қишлоқ хўжалиги, 19 минг коммунал ва 3,5 миллион маиший истеъмолчиларни энергия билан таъминлайди. Ўзбекистон энергетика системаси 37 та иссиқлик ва гидравлик электр станциясини ўз ичига олиб, уларнинг умумий қувватлари 11,58 млн. МВт га этади. Шундан 9,84 млн МВт иссиқлик электростанциялари, 1,74 млн МВт гидроэлектр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Асосий ёқилғи энергетика ресурслари қаторига нефть, газ ва кўмир ҳам киради. Муқобил энергия манбаларининг оммалашишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий сабаблардан бири - бу уларнинг таннархи юқорилигидир. Маълумотларга қараганда, бутун дунёда кунига миллионлаб тонна нефть, газ, уран ва бошқа энергиянинг табиий манбалари қазиб олинапти. Агар биргина “қора олтин”нинг пайдо бўлиши учун 100 миллион йил кераклигини ҳисобга олсак, мавжуд ресурслар XXI асрнинг охириларигача тугаш эҳтимоли жуда юқори. Аммо унутмаслик керакки, ҳавони ифлослантиришнинг 80 фоиздан кўпроғи айнан шу энергетика соҳаси ҳиссасига тўғри келади. [2]

Ўзбекистон Республикаси миқёсида минг-минглаб қурилаётган намунавий турар жой биноларини, энергия манбалари (иссиқлик, электр ва ҳ.к.) билан таъминлаш керак бўлади. Демак, истеъмолчилар сони хар йили ортанлигини инобатга олсак, захира қазилма бойликларимиз, жуда тезда тугаб қолиши ва экологик барқарорликнинг издан чиқиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Демак, атроф муҳитга етказилаётган зарар миқдори жуда катта. Шу боис дунё ҳамжамияти бугун қайта тикланувчи энергия манбаларига нажот кўзи билан қарамоқда. Бундай манбаларга қуёш, шамол, сув ресурслари,



геотермал манбалар, саноат, маиший ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан олинadиган биогазлар киради. Улар орасида, айниқса, қуёш ва шамол энергияси энг арзон ва самаралилиги билан ажралиб туради. Қайта тикланадиган энергия қуёш ва шамол энергиясининг захираси амалда чексиздир. Республикаимиз олимларининг ҳисобларига

кўра, шамол двигателларини ишлаш режими автоматлаштирилган ҳолларда, шамолнинг тезлиги 3 м/с бўлса, ер юзасининг 1 км² да ўрнатилган шамол двигателининг қуввати 300 кВт бўлганда бир йилда 550 минг кВт соат электр энергия ишлаб чиқариш мумкин. Агар 1 МВт қувватли ШЭС 10 йил давомида 15 минг тонна кўмир, 45 минг баррел нефтни тежаши мумкин. Бундан ташқари, атмосферага карбонат ангидрид, сульфат оксиди, азот оксидларини умуман чиқармайди. Бир сўз билан айтганда, атмосфера хавосига чиқариладиган 450 миллион тоннага яқин ис газининг (углерод икки оксиди) бартараф қилинишига эришиш мумкин Шу боис кўплаб мамлакатларда ШЭСлар барпо этишга давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралмоқда. [2]



Мутахассислар томонидан юртимизда шамол энергиясининг ялпи потенциали 2,2 миллион тонна нефт эквивалентига тенг деб баҳоланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда қурилаётган турар жой биноларини қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминлашни йўлга қўйишимиз даркор. Қуёш энергиясидан ҳамда шамол генераторларидан фойдаланиб иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқиб, аҳолини доимий энергия манбалари билан таъминлаш мумкин. Бу эса атроф мухитнинг ифлосланиши, қазилма бойликларимизни тежашга қаратилган биринчи қадамимизни ташлаган бўламиз. Энг асосийси бутун инсоният учун экологик муаммоларни бартараф этиш ва ер қурраимизни авайлаб асрашимизга қўшган катта ҳиссамиздир. Ўзбекистон Республикасида йилнинг 302-куни қуёшли вилоятларимиз борлиги ва республикада доимий шамол эсиб турадиган очиқ ҳудудларнинг кўплиги мазкур муқобил энергия турлари табиий қазилма ресурсларни тежашдан ташқари, экологиянинг мусоффолиги билан ҳам аҳамиятлидир. Мамлакатимизда, хусусан, тоғ ва чўл ҳудудларда яшовчи аҳолини электр энергияси, табиий газ, иссиқ сув таъминотидан узоқда жойлашган, ичимлик суви билан таъминланмаган, чўл, саҳро, тоғ ҳудудларидаги масканлардаги аҳоли турмуш тарзини яхшилаш учун қурилаётган намунавий турар-жой биноларини ҳамда истеъмолчиларни электр энергияси, иссиқлик ва ичимлик суви билан таъминлашда шамол ва қуёш энергияларидан фойдаланиш яхши самара беради деб ўйлайман.

ЭНЕРГЕТИКА ИСТИКБОЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Е.Дустмуродов (ТАТУ Самарканд филиали)

Ривожланиб бораётган бугунги даврда, энергияга булган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай эҳтиёжни қондириш учун олимлар тинимсиз изланиш олиб бормовдалар. Бундай энергия манбалари хилма-хил бўлиб, улар жумласига ГЭСлар, ТЭСлар, АЭСлар киради. Аммо бу энергия манбалари қандай қуринишда булишидан катъий назар уларнинг экологик зарарли таъсири, хавфсизлиги қафолатланмаган. Бугунги кунда экологик тоза,

хавфсиз энергия манбаларини излаб топиш ва ундан инсон эҳтиёжлари учун фойдаланиш энг мухим вазифалардан бири булиб колмокда. Шундай энергия манбаларидан бири, куёш энергиясидан фойдаланишдир.

Куёш энергиясидан фойдаланишнинг дастлабки гоёларини ашхоботлик гелиотехник Н.В.Линицкий илгари сурган эди. Унинг фикрича, ер шарининг қарийб 20 млн.кв.км.ни жонсиз сахролар эгаллаган, бу майдоннинг ярмидан Куёш станциялари учун фойдаланилса 130 млрд. кВатт энергия етказиб берувчи гелиостанциялар қуриш мумкин. Бу энергия кейинги аср учун ҳам етарли булишини курсатган эди. Бундай катта миқдордаги куёш энергиясининг ютилиши ер шаригадаги хароратнинг пасайишига олиб келиши, бу эса термоядро энергиясидан фойдаланиш натпижасида ер шаригада глобал исийш муаммосининг олдини олишга ҳам ёрдам беради.

Куёш съектр станцияларини такоммиллаштириш сохасида ҳам талайгина ишлар қилинган. Шулардан бири Г.М.Кржиженовский номидаги энергетика институти ходимларининг лойихасидар. Бу станция 1293 кузгули улкан лагандарн иборат булиб, хар бир кузгунинг юзи 15 кв.м дан иборатдир. Бу кузгулар махсус 23 та аравачага жойлашган булиб, улар куёшнинг осмондаги хдракатини илгаш даражасида секин харакатланади. Бундай кузгулар ёрдамида сувни 400° С хароратли парга айлантирилади. Ана шу пар электр генераторини айлантирадиган трубинани харакатга келтиради. Бундай генераторнинг қуввати 1200 кВатт/соат булиб, у йилига 2,2 млн.кВатт/соат энергия ишлаб чиқади.

Яна шундай лойих,алардан бири 1954 йилда Е.Я.Умаров томонидан олдинга сурилган Тошкент лойихасидир. Бу лойихада концентрик темир йул излари ва аравали автоматик поездлардек кимматга тушадиган қурилмалардаи воз кечиш таклиф цилинади. Тошкент лойихдси буййча кузгулар тегишли ерга доимий урнатилиб, кунгабоқарга ухшаб хдракатдаги куёшга синхрон бурилиб туради.

Куёш энергетикасининг истикболи жуда юкори булиб, бугунги кунда чекка-чекка кишлокдарда фойдаланиш учун қуриладиган кичик-кичик гелиоэлектрик станциялардан тортиб, улкан фазода харакатланадиган ер йулдошлари лойихаларини ишлаб чиқишни мутахассислар қайд қилмокдалар. Бундай усул билан яратилганэлектр энергиясининг тан нархи одатдагидан икки баробар кам булиши ва сарфланган маблаглар эса дастлабки йилларганок узини коплаши қутилмокда.

ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ОДАРЕННОЙ МОЛОДЁЖИ

*Зойир Муротович Пулатов., Ситора Алижоновна Холдарова.,
Улугбек Кулдашевич Жураев, Сирожиддинов Шавкат - СамГАСИ*

Выявление, отбор, социально-педагогическая поддержка одаренной молодежи – одно из важнейших направлений молодежной политики Республики Узбекистан. Такой подход ориентирован на создание условий и возможностей для успешной социализации и эффективной самореализации молодежи, позволяет развитию её потенциала и самоутверждению,

обеспечение ее конкурентоспособности и укрепления национальной безопасности Республики.

Принятая в 1997 году Программа по реформированию образования, получившая название Национальной программы по подготовке кадров, является неразрывной составной частью «узбекской модели» экономических и политических реформ, основанной на поэтапном, эволюционном принципе строительства нового общества в стране.

Не секрет, вопросы реформирования образовательной системы приобретает особую актуальность в наши дни, когда практически абсолютное большинство стран в мире продолжает оставаться под негативным воздействием разразившегося в 2008 году мирового финансово-экономического кризиса, грозящего новыми всплесками глобальной рецессии.⁷¹

Высококвалифицированные специалисты, так называемые асы своего дела необходимы для дальнейшего социально-экономического роста и развития страны. Для подготовки высококвалифицированных кадров особое значение имеет педагог и его роль в системе образования.

В настоящее время в нашем обществе происходят большие перемены, меняются ориентиры, расставляются новые акценты, возникают определенные веяния. Совершенно естественно, что эти изменения затронули и систему образования. Современному обществу требуется уже не столько педагог-исполнитель, сколько педагог-исследователь, новатор, творческая, широко образованная личность, способная смело мыслить и действовать. Высокий профессионализм необходимо сочетать с активным педагогическим поиском.

Наша трудовая деятельность тесно связано с воспитанием и обучением современных молодых студентов в Самаркандском Государственном архитектурно-строительном институте. Мы ведём активную деятельность в поисках новых, более эффективных и современных методов обучения одарённой молодёжи.

По нашему мнению, когда студент удостоверится в том что, от его стараний в будущем будет положительная отдача, тогда он свои действия и интересы направит на получение более глубоких знаний.

Преподаватели кафедры, начиная уже с первого курса, стремятся показать студентам возможности их личного роста, развития творческих возможностей, предлагая участвовать в специально разработанных тренингах, семинарах, ролевых играх.

Нами с участием других преподавателей кафедры ведется кружок под названием «Молодые менеджеры», куда привлекаются молодые заинтересованные и одарённые студенты.

Этот кружок направлен на получение управленческих навыков, связанные с практикой. Обучение в кружке основан на нескольких методах, таких как, метод организации, метод контроля, метод стимулирования.

⁷¹Выступление Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на открытии международной конференции «Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны». 17.02.2012 год

Методы организации и осуществления учебно-познавательной деятельности:

- словесные, наглядные, практические (по источнику изложения учебного материала);
- репродуктивные объяснительно-иллюстративные, поисковые, исследовательские, проблемные;
- индуктивные и дедуктивные (по логике изложения и восприятия учебного материала).

Методы контроля над эффективностью учебно-познавательной деятельности:

Устные, письменные проверки и самопроверки результативности овладения знаниями, умениями и навыками.

Методы стимулирования учебно-познавательной деятельности:

Определённые поощрения в формировании мотивации, чувства ответственности, обязательств, интересов в овладении знаниями, умениями и навыками.

Кроме выше перечисленных методов, нами применяются активные и интерактивные методы обучения.

Активные: где обучающиеся являются “субъектом” обучения, выполняют творческие задания, вступают в диалог с учителем. Основные методы это творческие задания, вопросы от учащегося к учителю, и от учителя к ученику (рис 1).

Интерактивные: От англ. (inter - “между”; act – “действие”) таким образом дословный перевод обозначает интерактивные методы – позволяющие учиться взаимодействовать между собой; а интерактивное обучение – обучение построенное на взаимодействии всех обучающихся, включая педагога (рис 1).⁷²




Рис 1. Схемы активных и интерактивных методов обучения.

Эти методы наиболее соответствуют личностноориентированному подходу, так как они предполагают со обучение (коллективное, обучение в сотрудничестве), причем и обучающийся и педагог являются субъектами учебного процесса. Педагог чаще выступает лишь в роли организатора процесса обучения, лидера группы, создателя условий для инициативы учащихся.

⁷² Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий. В 2 т. М.: 2006. Т.1 - 816с., Т.2 - 816с.

BUGUNGI KUNDA TA'LIM TARBIYANING RIVOJLANISHI VA AYRIM MUAMMOLAR. TA'LIM TARBIYANING YUKSAK MA'SULYATI

*Navoiy tibbiyot kolleji "Hamshiralik ishi" fani o'qituvchisi
Siddiqova Bashorat Mamarajabovna*

Ta'lim va tarbiya yuksak ma'naviyatli kadrlar tayyorlashning eng asosiy poydevoridir. Murabbiy ham Ota ham onadir!.

Bugungi kunda faqat yuksak bilimli, zamonaviy fikrlaydigan, intellektual rivojlangan va professional tayyorgarlikka ega bo'lgan yoshlargina sifatli, jadal va innavatsion taraqqiyotning eng muhim sharti va garovi bo'la olishi, aynan ular mamlakatning buyuk kelajagini ta'minlashi mumkinligiga kimnidir ishonirish yoki buni isbotlab berishning xojati yo'q deb o'ylayman.

I.A. Karimov

O'zbekistonda kadrlar tayyorlash masalasi davlat siyosatining eng ustuvor yunalishi qilib belgilangan. Mana 15 yildirki, mamlakatimizda kadrlar tayyorlashning noyob tizimi amalga oshirilmoqda. Ta'lim sohalarini rivojlantirish va isloh etishning 2012-2013 o'quv yilida mamlakatimizda 12 yillik majburiy bepul ta'lim tizimiga o'tish to'liq ta'minlandi. Bunda umum ta'lim maktablaridagi 9 yillik tahsildan so'ng yoshlar keyingi 3 yil maboynida kasb-hunar kollejlarda yoki o'z xoxishiga ko'ra akademik letsiylarda o'qishni davom ettiradi. Faxr bilan aytish joizki Fransiyadagi dunyoning eng yaxshi 5 ta biznes maktabi qatoriga kiradigan "Inssad" xalqaro biznes maktabining 2012 yilgi "Innavasiyalarning global indeksi" ma'ruzasida dunyoning 141 mamlakatidagi innavasion rivojlanishi kompleks tarzda tahlil qilindi. Tahlilning asosiy tarkibiy qismlaridan biri inson kapitalini rivojlantirish darajasi bo'lib, maskur ko'rsatgich bo'yicha bizning mamlakatimiz 35 o'rinni egallagan. Ta'lim tizimini rivojlantirish darajasi bo'yicha esa O'zbekiston dunyoning 141 mamlakati orasida 2 o'rinni band etgan.

O'tgan yillar davomida qariyb 1,5 ming yangi, eng zamonaviy uskunalar bilan jihozlangan o'rta maxsus, kasb-hunar o'quv yurtlari-kollejlar barpo etilib, ular 3-4 ta zamonaviy mutahassislik bo'yicha kasb-hunarga ega bo'lish va kamida ikkita chet tilini o'rganish imkoniyati yaratilgan. Faqat so'ngi 5 yil davomida ushbu o'quv yurtlarini 2 million 500 ming nafaridan ortiq yoshlar tamomlab, hozirgi vaqtda mamlakatimizda yangi barpo etilgan zamonaviy korxonalar va fermer xo'jaliklarida mehnat qilayotgan yurtdoshlarimizning saflarini to'ldirmoqda.

O'qitish jarayonida o'quvchilarga shaxs sifatida qaralishi, ilg'or texnologiyalar hamda zamonaviy metodlarning qo'llanilishi, ularni mustaqil, erkin fikrlash, izlanish, har bir masalaga ijodiy yondoshish, ma'suliyatni sezish, tahlil qilish ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi.

Ta'lim tarbiya sohalarini rivojlantirishda ko'z ilg'ab bo'lmaydigan kamchiliklar va muammolar mavjudligi achinarli holat albatta, vaholanki biz ularga sayoz qarab kelmoqdamiz. Ta'lim tarbiyaning yaxshi yo'lga qo'yilishi bozor islohatlari talablariga muvofiq kelishi, bu bizning yutug'imiz hisoblanadi. Lekin shuni aytish joizki o'quv jarayonining moddiy texnika va axborot bazasi etarli emasligi, yoki pedagoglarning yuqori malakali kadrlar etishmasligi, sifatli o'quv –uslubiy va ilmiy adabiyotlar ham dadidaktik materiallarning kamligi, ta'lim tizimi, fan ishlab chiqarish o'rtasida puxta o'zaro hamkorlik va o'zaro

foydali integrasiyaning yo'qligi, kadrlar tayyorlashning mavjud tizimidagi jiddiy kamchiliklar sirasiga kiradi. Ta'lim-tarbiya va o'quv jarayoning tarkibini, bosqichlarini bir-biri bilan uzviy bo'lash, ya'ni uzluksiz ta'lim tarbiya tizimini tashkil qilish muammolari halicha hal qilingan emas. O'quv jarayoni bilim darajasi o'rtacha bo'lgan o'quvchilarga mo'ljallangan bo'lib, ta'limning iqtidorli yoshlar bilan yakka tartibdagi o'quv dasturlari bo'yicha ishlash kabi mexanizmlaridan foydalanilmayapti. Ma'naviy va axloq asoslari o'rgatuvchi, xuquqiy, estetik bilimlarni beruvchi fanlarga etarlicha o'rin berilmayapti. Chetdan kelayotgan kiyimlarda, poyafzallarda har xil bo'lmag'ur sur'atlar, yoki rasm-rusmlar, turli xil telefon orqali tarqalayotgan qo'shiq yoki kliplarga e'tibor qaratayotgan bolalarni tarbiyasi yoki ularga taqlid qilishi o'quvchi yoshlar tarbiyasiga salbiy ta'sir qilayotgani hech kimga sir emas. Shunday ekan biz bolalarni oiladagi muhitni o'rganishimiz yoki maktabgacha ta'lim va tarbiya ahvoriga ijobiy qarashimiz, shu bilan birga maktablarda va boshqa o'quv yurtlarida ta'lim jarayonining o'zidagi va o'qitish uslubiyatidagi har xil kamchiliklar oqibatida bilim berishda yuzaga kelgan nodemokratik hamda jamiyat uchun zararli muhit shunga olib keldiki o'quvchilarda mustaqil fikrlash rivojlanmay qolyapti. 9-sinfni tamomlagan yoshlar mustaqil hayotda o'z o'rnini aniqlay olmaydi. Ularning ayrimlari o'zlariga ishonch shakillangan emas. Kasb-hunar ta'limining obro'si hamda o'qituvchilar, tarbiyachilar va murabbiylarning, ilmiy va ilmiy-pedagog kadrlarning ijtimoiy maqomi pasayib bormoqda. O'qituvchilar, pedagoglar va tarbiyachilarning kattagina qismi yaxshi tayyorgarlik ko'rmaganligi, ayrimlarining bilim va kasb saviyasi pastligi jiddiy muammo bo'lib kelmoqda. Maktabgacha ta'lim sohasidagi jami tarbiyachi va pedagoglarning atigi 20 % oliy ma'lumotlidir.

Chetdan bo'ladigan axborot xujumlariga yoshlarimizda kuchli mafkuraviy immunitetni shakllantirish nihoyatda dolzarb masala ekanligi. Yoshlarni haqqoniy tarix bilan qurollantirish kerakligi. Buyuk ajdodlari, allomalari, boy ma'naviy merosi bilan faxrlanib yashayotgan xalqimiz ichida bugungi kun xorazmiylari, farg'oniylari, beruniylari, sinolari etishib chiqmog'i uchun har birimiz shu Vatanga fidoyi bo'lmog'imiz lozimligini o'quvchi yoshlarga singdirishimiz lozimdir.

Toshkentda O'zbekiston Prezidenti Islom Karimov tashabbusi bilan "Yuksak bilimli va intellektual rivojlangan avlodni tarbiyalash, mamlakatni barqaror taraqqiy ettirish va modernizasiya qilishning eng muhim sharti" mavzusidagi xalqaro konfrensiya va uning amaliy ahamiyati.

Mustaqillik, tinchlik har bir inson, har bir xalq orzu qiladigan va e'zozlaydigan ulug' ne'mat ekanligi. Vatanimiz mustaqilligini, uning xavfsizligi va barqarorligini ta'minlashimiz lozimligi. Tinch va farovon, erkin va ozod hayotni ta'minlash va himoyalash, yuksak ma'rifiy-madaniy salohiyatga ega bo'lgan demokratik huquqiy davlat qurish, jahonning ilg'or mamlakatlari orasida munosib o'rin egallash, aynan shu davrda o'rganilgan ilm hayot o'nqir-chunqir yo'llaridan qoqilmay olg'a borishga insonga kuch bag'ishlaydi.

Biz kelajak vorislariga sifatli ta'lim-tarbiya berish, ularni etuk va barkamol qilib voyaga yetkazishimiz kerak. Buning uchun bizga berilgan imkoniyatlardan qilonafoydalanishimizning o'zi kifoya.

ФИЗИКА ФАНИ ДАРСЛАРИНИ ЯНГИЧА УСУБЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИШ, ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ.

*Умирова Норхол Зулпихоровна физика фани ўқитувчиси
Юлдошева Инобат Рузимуродовна математика фани катта ўқитувчиси
Навоий тиббиёт коллежи*

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақилликни қўлга киритгач маънавий-марифий соҳада туб ислохатларни амалга оширмоқда.

Дарҳақиқат, баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашда қадим замонлардан жамиятнинг билимдон олимлари жалб этилган

Бугунги кунда Ўзбекистон таълим тизимини модернизатсиялаш давлат сиёсати даражасида кўтарилиб, мутлоқо янгича қараш барпо этилди.

Миллий дастур босқичларида таълим жараёнини педагогик технологиялар билан таъминлаш алоҳида вазифа сифатида кўрсатиб ўтилган.

Педагогик технологиянинг моҳияти ўқитувчининг анъанавий оғзаки баён қилиш усулидан вос кечиб, кўпроқ мустақил таълим олишга ундашдан, келажакда эса ахборот-коммуникация, инновацион технологиялардан кенг фойдаланишга ўтишни таъминлашдан иборат.

Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси ва раҳномалигида Тошкентда симпозиумлар саройида 2012 йил 16-17 феврал кунлари “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

Дарс ўтишда метод танлаш нафақат ўқув мақсадларига, балки ўқув материаллари мазмуни ва бу фаннинг мураккаблигига боғлиқ.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида ўтиладиган физика дарсликларидаги айрим мавзуларни такрор ўтиш ўқувчиларни зериктириши табиий. Шу боис дарс ўтишда дарслар бир-бирига ўхшамаган ҳолда дарс ўтиш лозим. Бунинг учун мавзуга мос янги методларни танлаб олшимиз лозим.

Масалан: **Майда гуруҳларда ишлаш усули**

1. Турли усуллар ёрдамида гуруҳ майда гуруҳчаларга (4-5т) ажратилиб, ҳар бир кичик гуруҳ ўзининг бошлиғини сайлайди.

2. Мавзу ва унинг мақсади, асосий муаммоси аниқ қўйилади.

3. Муаммо буйича қуйидагича фикрлар бурони ташкил этилади:

а). Мустақил равишда дафтарга жавоблар руйхати тузиш.

б). Ўзаро жуфтликда (ёнма-ён ўтирган) бир-бирининг тузган руйхати билан танишиб, кўшимчалар киритиш.

в). Гуруҳчаларда руйхатларни умумлаштириш, муҳокама этиш, таҳлил қилиш, синтез қилиш, тоифалаш, умумий битта хулосага келиш.

г). Гуруҳнинг сардорлари навбат билан руйхатларни ўқиб бериш, такрорланмаган янги фикрлар билан руйхатларни тўлдириб, доскага ўқитувчи битта умумий фикрлар “шодаси” тузади.

4. Тузилган “шода”га ўқитувчи томонидан кўшимчалар киритилади.

5. Ўқитувчи ёрдамида “шода” элементлари шарҳланади ва тоифаларга ажратилади.

6. Мустаҳкамлаш учун тадбир ўтказилиб ва уйга вазифа берилади.

7. Хулоса.

Танқидий тафаккур усули

Танқидий тафаккур услуби ўқитувчи қўйган масала ёки муаммони ўқувчи ўз фикрини баён қилиш, ўзгалар фикрини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаий назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш орқали ечиш ёки ҳал этиш имкониятига эга бўлишига асослангандир.

Қўлланилиши:

- ўқувчи ўз нуқтаий назарини шакиллантиришга йуналтирилган ҳолатларда;

- ўқувчига ўз нуқтаий назари, фикрини ишлаб чиқиш учун имконият ва фурсат берилишида;

- ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда турли нуқтаи назарини муҳокама қилиш жараёнида.

Афзаллиги:

- ўқувчи ўз фикрини асослайди;

- таълим олувчиларга эркин сўзлаш имконини беради;

- барча фикрлар эркин таҳлил қилиб чиқилади.

Ҳар ким ҳар кимга ўргатади усули.

“Ҳар ким ҳар кимга ўргатади” услуби ўқувчиларга ўргатувчига айланиш, маълум билимларни ўзлаштиргач, ўртоқлари билан баҳам кўриш имконини берувчи ўқитиш услубидир. Бу услубнинг мақсади ўқувчиларга ўқитиш жараёнида зарур бўлган ахборот максимумини бериш, айти пайтда ўқувчига ахборот олиш ва беришга қизиқиш ўйғотишдир. Шунингдек ахборот ҳажминини олган ўқувчи маълум вақт давомида уни иложи борича кўпроқ ўртоқларига етказди.

Қўлланилиши:

- ўқувчига ахборот олиш ва беришга қизиқиш ўйғотишдир;

- ахборотни диққат билан эшитиш ва эслаб қолиш учун;

- шеригининг ахборотини тинглаб, бошқа шерик ахтариш учун;

Афзаллиги:

- ўз фикрини лўнда баён этиш;

- тинглаб ва эслаб қолиш даражасини ривожлантириш;

- фанга ва мавзуга бўлган қизиқишини ўйғотиш.

Лимерик усули

Ўқувчилар бирор мавзу бўйича қуйидаги саволларга жавоб бериш таклиф этилади.

1. Ким, қайирдан

2. Қандай, қанақа

3. Нима содир бўлади.

4. Нима билан тўгайди.

Бу усулдан лаборатория ишларини ўтказишда фойдаланиш мумкин.


Шуни айтиб ўтиш керак-ки, биз педагоглар, замонавий инновацион технологиялар асосида баркамол авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда виждонан ва қалбан меҳнат қилишимиз, порлоқ келажагимиз олдида масъулятли бўлишимиз керак.

АРМАТУРАЛАНГАН ЁГОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ҚУРИЛИШДА ҚЎЛЛАНИШИ

доцент Ганиев Ж.Н. асс. Тўрақулова Ш.М.,
402 БваИҚ гр. талабаси Раунов Абдуғафур (СамДАҚИ)

Чўзилишига ва кўндаланг кесувчи кучга ишловчи катта оралиқларни ёпиш учун ёғоч конструкциялар ва элементларнинг мустахамлиги ва барқарорлиги XIX аср охирларидан буён қурувчи ва тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бу муаммони ечишда ёғоч элементларнинг ичига пўлат арматураларни ўрнатиш бошқа усуллардан кўра самаралироқ деб топилган. Ёғоч ва металлнинг конструкцияларда биргаликда ишлатилиш ғояси кейинчалик ёғоч конструкцияларни метал арматуралар билан жихозлаш сари ривожланди. АКШда 1921йили А.Клайтила аэропланлар ва дирижабл-ларни юк кўтарувчи элементларини қутисимон кесимли ёғоч тўсинларни пўлат симлар билан жихозлашни таклиф этди. 1-расм [1]. Худди шу конструкциялар хозирги арматура билан жихозланган ёғоч конструкцияларнинг илк кўриниши дейиш мумкин.



1-расм Пўлат симлар билан арматураланган қутисимон кесимли тўсин.

Германияда эса 1926 йилда А.Фишер қурилишда юк кўтарувчи конструкциялардаги брусли тўсинлар ва устунларни пўлат симлар билан кучайтириш йўлини таклиф қилган. Фишернинг таклифига кўра тўртбурчак кесимли тўсиннинг бетларидаги бўйлама ўйиқларга пўлат симлар жойлаштирилиб, махсус мастика билан тўлдирилади.(2-расм.)


Пўлат сим ёки арматура билан кучайтирилган ёғоч конструкцияларнинг илк лойиҳалари амалда тадбиқ этилмаганлигининг сабаби шундаки, у вақтларда арматура ва ёғочни бир-бирига мустахам бириктириш усули мукамал эмаслигида эди.

Арматурани ёғоч билан бириктиришнинг самарали усулини топиш йўлида олиб борилган тадқиқотлар механик усулларнинг афзаллигини кўрсатди. Рус инженерини А.Л.Монасевич брусли тўсиннинг бўйи бўйлаб, эни баробар бўлган металл пластина тўсиннинг ён қисмига эгилиб кирган тишлар билан боғлаш усулини ўзининг тадқиқотлари жараёнида ишлаб чиқди (3-расм) [2]. Бундай брусли тўсинларни синашда уларни оддий тўсинларга нисбатан анча мустахам эканлигини исботланди. Бу устунлик айниқса кесувчи кучларга қарши чидамли, чунки бруснинг бир бети бўйлаб

ўрнатилган металл пластина ёғочни эгилишдан ҳам ҳимоя қилади. Кейинчалик бу ечим бутун бир ёғоч конструкцияларда ишлатила бошланди. Аммо металлнинг ёғоч билан айти шундай боғланиши металлни фақат ёғочнинг чўзиладиган томонидан қўйилишини кўзда тутати. Ҳисоблар эса ёғочни ҳам чўзиладиган қисмидан, ҳам сиқиладиган қисмидан арматуралаш янада яхшироқ натижа беришини кўрсатди.

Швеция олими Х.Гронхольм арматурани бўйи бўйлаб халқалар билан жиҳозлашни таклиф этди. Бу ҳолда ёғочни металл билан ишлаши самарали бўлишини ёғоч сиртларига ўйиб ўрнатилган арматуранинг халқалари ёғоч ичига таяниши натижасида таъминланади.


Арматура ёғоч билан механик усулда бириккан конструкциялар кейинчалик ўзини оқлай олмасликлари пўлат сарфи қанча кўпайтирилмасин бирикишнинг кераклича мустаҳкам эмаслиги конструкциянинг мустаҳкамлигини ошишини яхши таъминлай олмади.




2-расм. Арматураланган ёғоч элементлар.

а)-бруснинг қарама-қарши бетлари арматураланган. б)-брус кесимининг бурчаклари арматураланган. в)-брус кесими чор атрофи бўйлаб арматураланган.

Ёғочни металл билан кучайтириш конструкциялардаги тугунли ва стикли бирикмаларда бутунлай янгича ва самарали ечимлар топишга имкон беради, колаверса, конструкцияларни осон йигиш, транспортировка қилиш ва умумий монтаж ишларида қулайлик туғдиради. [3]



3-расм. Чўзилувчи қисми бўйлаб кучайтирилган брусли тўсин.



4-расм. Х.Гронхольмнинг ҳалқали арматураланган тўсини.

Ҳозирги пайтдаги қурилиш ишлари учун олдиндан зўриқтирилмаган пўлат стерженлар билан жиҳозланган конструкциялар истиқболли деб ҳисобланади. Негаки уларни яшаш ва ишлаб чиқариш бир мунча осон, ҳамда бундай конструкциялар оддийлиги билан афзал ҳисобланади.

Олдиндан зўриқтирилмаган арматура билан жиҳозланган конструкциялар устида илк бор Х. Гронхольм бир қатор тадқиқотлар олиб борган. Бундай конструкцияларни ишлаб чиқишда металл арматураларни ёғоч билан бириктириш учун эпоксид ва фенолоформальдегид елимдан фойдаланди.

МУҲАНДИСЛИК –ГЕОЛОГИК ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИНГ БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИДАГИ ЎРНИ (СамДАҚИ, катта ўқитувчи Маҳмудова Ш.Ж.)

Маълумки, муҳандислик - геологик қидирув ишларини бажармасдан ҳеч қаерда капитал қурилиш амалга оширилмайди. Муҳандислик-геологик қидирув ишларининг натижалари шу ерда қуриладиган бино ёки иншоотнинг ҳажмий-режавий ва конструктив ечимларига бевосита таъсир кўрсатади. Ўз навбатида қуриладиган бино ва иншоотлар ҳам ўша жойнинг геологиясига, гидрогеологиясига, қолаверса атроф муҳит экологиясига катта таъсир кўрсатиши маълум нарса ва бу таъсирларнинг ижобийлардан салбийлари кўпроқ учрайди.

Муҳандислик - геологик қидирув ишларини амалга ошириш учун маълум миқдорда маблағ ва иш кучи сарфланади. Бунда қўлланиладиган усуллар, машина-механизмлар ва талаб қилинадиган маълумотларнинг тўлиқлик даражасига-қамровига қараб, ишларнинг нархи катта чегарада ўзгариши мумкин. Охири оқибатда қурилиш нархи ҳам ўзгариши табиий нарса.

Геологик – қидирув ишларининг мақсади ва объекти турлича бўлиши мумкин. Масалан, қидирув ишлари натижасида ҳам халқ хўжалигида қўлланиладиган фойдали қазилмалар конлар топилади. Муҳандислик - геологик қидирув ишларининг пировард маҳсулоти бўлиб қурилиш бўладиган ҳудуднинг табиий (геологик, гидрогеологик ва бошқа) шароитлари тўғрисида тўпланадиган маълумотлар хизмат қилади.

Бундай маълумотларни айрим меъзонлар (масалан, батафсиллик, ишончилиқ, оддийлик, тушунарлиқ, долзарблиқ ва бошқа) ёрдамида сифат ва миқдор жиҳатидан баҳолаш мумкин. Олимлар маълумотларнинг шартли ўлчов бирлиги сифатида “Маълумотдор элемент” тушунчасидан фойдаланишни тавсия қилишган. “Маълумотдор элемент” деганда муҳандислик геологияси усуллари ёрдамида тадқиқ қилинган маълум юзага (майдонга) ва чуқурликка эга геологик жинснинг ҳажми назарда тутилади. “Маълумотдор элемент” биринчи қатламнинг устки сиртки рельеф, гидрогеологик шароит, физик-геологик жараёнларининг сиртда намоён бўладиган омиллари орқали шу участкада ташқи сиртни ифодалайди. Шундай қилиб, “Маълумотдор элемент” геологик - литологик тузилиш, физик - геологик жараёнлар, жинсларнинг таркиби, ҳолати ва хоссалари тўғрисидаги барча зарур маълумотларни ўз ичига олади. Бу маълумотлар аниқ бир масалаларни ҳал қилиш, истиқболда бўлиши мумкин бўлган

ўзгаришларни олдиндан айта олиши учун етарли даражада деталлаштирилган бўлиши керак.

“Маълумотдор элемент” нинг шартли қалинлигини 2 метр, узунлиги ва энини 10 метр қабул қилиш тавсия қилинади. Грунт қатлами оралиғида бундай элементлар сони бутун сонларда ёки каср сонларда ифодаланиши мумкин. Юқоридаги параметрлар бошқача қабул қилинишига рухсат берилади. Бу эса қидирув ишлар бажариладиган майдонинг юзасига табиий шароитларининг мураккаблик даражасига боғлиқ. Қидирув ишларининг нархи ундаги “Маълумотлар элементлар”нинг нархи орқали аниқланиши мумкин.

Табиийки, қурилишга маблағ ажратувчилар муҳандислик - геологик қидирув ишларининг минимал сарф – харажатлари билан амалга оширилишини истайдилар. Дарҳақиқат, бунда қурилишнинг умумий нархи камаяди. Лекин бунга муҳандислик-геологик қидирув ишларининг зарур ҳажмини қисқартириш ҳисобига эришиши мақсадга мувофиқ эмас. Қидирув ишларининг батафсиллик даражаси ишончлилиги бир сўз билан айтганда сифати пасаяди. Бу йўл билан қилинган фойда, кейинчалик 3-4 марта кўп харажатларга сабаб бўлиши мумкин. Қурилиш амалиётида бундай ҳоллар кўп учрайди. Чала ёки нотўғри маълумотлар асосида, масалан, ўта чўкувчан грунт қатламлари бор ҳудудларда уни эътиборга олмасдан пойдевори девори ёки умуман конструктив ечими ҳал қилинган биноларда авария ҳолатларининг юзага келиши кўп кузатилади. Бунинг сабабини аниқлаш учун кўпинча қайтадан муҳандислик-геологик қидирув ишлари бажаришга тўғри келади. Қолаверса, авария ҳолатларини бартараф қилишга сарфланадиган харажатлар қурилишнинг нархи янада ошишига олиб келади. Бундай ҳолатлардаги маънавий зарарларни пул билан ўлчаш қийин.

Хулоса шуки, муҳандислик – геологик қидирув ишлари ҳажмини қисқартириш натижасида сифатни пасайтириш ҳисобига қурилиш нархини камайтириш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

INTERFAOL USULLAR YORDAMIDA O'QUVCHILARINI KASB-HUNARGA YO'NALTIRISH

*G. Mamadiyorova., G. Toshmurodova., G. Azizova1 - Samarqand pedagogika
kolleji o'qituvchilari*

A.I.Odilov katta o'qituvchi Samarqand davlat universiteti

О'қувчиларни касб-ҳунарга yo'naltirish ишлари ta'lim-tarbiya билан uzviy kechadigan, uning barcha qirralarini qamrab oladigan uzluksiz jarayondir. Maktabgacha ta'lim muassasalari, umumta'lim maktablari va maktabdan tashqari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari, jamoa tashkilotlari hamda ota-onalarning o'zaro hamkorligi bu jarayonning samaradorligini oshirishga yordam beradi.

Bunday hamkorlik o'sib kelayotgan yosh avlodga ongli kasb tanlash, o'z kasbiy istiqbolini belgilash hamda jamiyat ravnaqiga munosib hissa qo'shish imkonini yaratadi.

Kasbga yo'naltirishning asosiy maqsadi - bu umumta'lim maktablarining o'quvchi va bitiruvchilarini ongli va mustaqil ravishda kasb-hunar tanlashga

tayyorlash, kelgusi ta'limning yo'nalishini va kasb-hunar egallashning usullarini aniqlash.

Demak, maktabdagi har bir o'qituvchi kasb-hunarga yo'naltirish bo'yicha qanday ishlarni amalga oshirishini bilishi lozim. Chunki, kasb-hunarga yo'naltirish ishlarini amalga oshirishda nafaqat maktab kasb-hunarga yo'naltiruvchisi yoki amaliyotchi psixologi, balki butun maktab jamoasi mas'uldir. Xalq ta'limi vazirligi tomonidan (2007 yil 5 fevraldagi 35-sonli buyruq) tasdiqlanib, amaliyotga kiritildi. Ushbu dasturda kasb-hunarga yo'naltirishning aniq maqsadlari, vazifa va yo'nalishlari, maktab o'quvchilari bilan olib boriladigan kasb-hunarga yo'naltirish ishlarining quyidagi bosqichlari belgilab berilgan:

Birinchi bosqich- "Kasblar alifbosi" bilan tanishish, erta kasb-hunarga yo'naltirish;

Ikkinchi bosqich- "Kim bo'lsam ekan?" - boshlang'ich kasb-hunarga yo'naltirish;

Uchinchi bosqich – "Kasblar olamiga sayohat" - rivojlantiruvchi kasbga yo'naltirish;

To'rtinchi bosqich - "Men orzu qilgan kasb" - shaxsning kasbiy yo'nalganligini shakllantirish va rivojlantirish;

Beshinchi - yakuniy bosqich - kasbiy moslashish, kasbiy o'sish va shaxsning o'z-o'zini rivojlantirishi.

Maktab o'quvchilariga kasb-hunarlar haqida tushuncha berar ekanmiz, ularning yosh va individual xususiyatlari, qiziqishlari, qobiliyatlarini inobatga olishimiz zarur. Maktab o'quvchilarini kasb-hunar haqidagi tafakkurlarini shakllantirishga samarali ta'sir etadigan "Debat", "Tarmoqlar"(Klaster), «Mu'jizalar maydoni», «Ha yo'q», «Kasblar alifbosi» kabi interfaol usullardan keng foydalanish orqali yuqori natijalarga erishish mumkin.

"Debat" usuli asosida o'quvchilar bilan kelajakda qanday kasb egasi bo'lishni xoxlashlari va tanlagan kasblarining o'ziga xos xususiyatlari, nima uchun shu kasbga qiziqishlari haqida suhbat olib boriladi va qilingan suhbat natijasida o'quvchilarning quruvchi, shifokor, o'qituvchi, muhandis, uchuvchi kasblari haqidagi tushunchalari kengayadi, kasbga bo'lgan qiziqishlari ortadi, o'z maqsadini amalga oshirish uchun ilk qadam qo'yiladi.

"Tarmoqlar" (Klaster)-fikrlarning tarmoqlanishi bo'lib, o'quvchilarni mavzuni chuqur o'zlashtirishlariga hamda mavzuga taalluqli aniq fikrni jamoa bo'lib, erkin ravishda, ketma-ketlik bilan, bir-biriga uzviy bog'langan holda tarmoqlashni o'rgatadi. Shu maqsadni amalga oshirish uchun o'quvchilarni (5-6 tadan) guruhlariga ajratib, qanday kasblarni bilishlarini tarmoqlab, yozib berish vazifasi topshiriladi. O'quvchilar yozgan kasb-hunarlar haqida qanchalik ma'lumotga ega ekanliklarini namoyon etadilar.

"Mo'jizalar maydoni" *O'yinning maqsadi:* kasblar olamining turli-tumanligi to'g'risidagi tasavvurlarni shakllantirish, kasblarning nomlarini bilib oladilar. *O'yinning borishi:* Ishtirokchilar uch kishidan guruhlariga bo'linadilar. Birinchi guruh o'yinni boshlaydi, biror bir kasbning nomini o'ylaydi va qolganlarga faqat shu kasbning nomi nechta harfdan tuzilganligini aytadi. Soat millari bo'yicha keyingi guruh harf aytadi. Agar bunday harf kasb nomida bo'lmasa birinchi kguruh bu haqida ma'lum qiladi va o'yinni keyingi guruh

davom ettiradi. Agar aytilgan harf soʻzda boʻlsa, unda birinchi guruh bu harfning nechtaligini va uning soʻzdagi oʻrnini aytadi. Shu guruh keyingi harfni aytadi. Kasb nomini topgan guruh keyingi kasb nomini oʻylaydi va oʻyinni davom ettiradi. *Oʻyinning davomiyligi: 20-30 daqiqa*

“Ha-yoʻq” *Oʻyinning maqsadi:* kasblar tasnifi haqidagi tasavvurlarni shakllantirish, mantiqiy fikrlash koʻnikmalarini, kasbiy faoliyat doirasida tasniflash tushunchalarini aniqlash va rivojlantirish.

Oʻyining borishi: Boshlovchi ishtirokchilarni uchtadan guruhlariga boʻladi. Birinchi- biror bir kasb nomini oʻylaydi, lekin hech kimga aytmaydi. Ikkinchining vazifasi –imkoni boricha kam savollar berib, birinchi ishtirokchi oʻylagan kasbni topishi kerak. Shunday savollar berish kerakki, birinchi ishtirokchi “ha yoki yoʻq” deb javob berishi kerak. Uchinchi ishtirokchi oʻyinni borishini kuzatadi va berilgan savollarni sanab boradi.

Xulosa oʻrnida taʼkidlash joizki, umumtaʼlim maktablarining oʻquvchi va bitiruvchilarini ongli va mustaqil ravishda kasb-hunar tanlashga tayyorlash, kelgusi taʼlimning yoʻnalishini va kasb-hunar egallashning usullarini aniqlashda yuqorida koʻrsatilgan interfaol usullardan unumli foydalanish ijobiy natijalar berishi nazarga olinadi.

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TEMIR YOʻL QURILISHINI TASHKIL ETILISHI

Magistrantlar: M.S.Hamdammov., U.Berdiqulov., SH.Sirojiddinov


Ilmiy rahbar:katta oʻqituvchi.,A.A.Mirzaev(SamDAQI).

Oʻzbekistonda temir yoʻllarni qurish oʻzining maʼlum tarixiga ega. Oʻzbekiston Sharq va Gʻarb oʻrtasidagi bogʻlovchi vosita hisoblanadi. Shu bois Respublikada yangi transport kommunikatsiyalarni (xususan temir yoʻllar) qurish juda dolzarb hisoblanadi.

Oʻzbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan soʻng, mamlakat xukumati tomonidan temir yoʻl transportining rivojlanishiga katta ahamiyat berila boshlandi. 1994 yil 7 noyabrda respublika xududlarida joylashgan Oʻrta Osiyo temir yoʻllari baʼzasida “Oʻzbekiston temir yoʻllari” davlat aksionerlik kompaniyasi (“Oʻzbekiston temir yoʻllar”) tashkil etildi. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2001 yil 3 martdagi 108-sonli “Oʻzbekiston temir yoʻllari” Davlat aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruv tashkilotini takomillashtirish haqidagi qarori oʻtkazilayotgan isloxlarga yangicha kayfiyat bagʻishladi. Ushbu xujjatlarda yoʻlovchilar va yuklar tashish soxasida bozor infratuzilmalarini va raqobat muhitini yaratishga aloxida ahamiyat berilgan. Tarmoqning asosiy vazifalari quyidagicha belgilangan:

- yagona temir yoʻl transporti tarmogʻini tuzish;
- temir yoʻllarining asosiy uchastkalarini elektrlashtirishni davom ettirish;
- telekommunikatsiyani optik tolali tizimga oʻtkazish bilan temir yoʻllarni takomillashtirishni oʻz ichiga olgan temir yoʻl transporti infratuzilmalarini rivojlantirish;
- harakatdagi sostavning xususiy taʼmirlash bazasini tashkil etish;
- respublika hududlari va yuklar tashish uchun tranzit qoʻshimcha hajmlarini jalb qilish 2001 yil 3 martdagi xukumat 109-sonli qaroriga muvofiq, temir

yo'llarda yuklar tashish xavfsizligini nazorat qilish bo'yicha "O'ztemiryo'nazorat" davlat inspeksiyasi tuzildi.[1]



1-rasm. O'zbekistonning temir yo'l kartasi

Bugungi kunda «Samarqand — Buxoro» yo'nalishida yuqori tezlikda harakatlanuvchi poyezdlar uchun temir yo'l qurish va elektrlashtirish, «Navoiy — Konimex — Miskin» temir yo'l liniyasini qurish loyihasining dastlabki bosqichidagi qurilish ishlari boshlab yuborildi. Shuningdek, bu yo'nalishda harakatlanuvchi tezyurar yo'lovchi elektrovozlarni xarid qilish rejalashtirilmoqda.



2-rasm O'zbekistondagi ilk elektr poyezdi



3-rasm Zamonaviy tez yurar elektr poyezdi

Mamlakatimiz temiryo'lchilari sa'y-harakati bilan so'nggi 15 yilda 1 ming 200 kilometrdan ziyod yangi temir yo'l qurilib, 3 ming 800 kilometr temir yo'l modernizatsiya qilindi. 1100 kilometr temir yo'l magistrallari elektrlashtirildi. Buning natijasida, mamlakatimiz temir yo'llarining umumiy uzunligi 6 ming 500 kilometrga yetdi. Bu haqda «O'zbekiston temir yo'llari» aksiyadorlik jamiyati rasmiy sayti xabar bermoqda.

2016 yil Investitsiya dasturiga ko'ra, «O'zbekiston temir yo'llari» aksiyadorlik jamiyati tomonidan 28 loyihani amalga oshirish rejalashtirilgan bo'lib, buning uchun 801,03 million AQSh dollari miqdoridagi mablag'ni

o‘zlashtirish va 799,22 million AQSh dollari miqdorida mablag‘ jalb qilish belgilangan. Shuningdek, yangi elektrlashtirilgan «Angren — Pop» temir yo‘lining qurilishi va ushbu loyiha doirasida amalga oshirilayotgan «Qo‘qon — Andijon» temir yo‘l uchastkasida elektrlashtirish ishlarini yakunlash, «Samarqand — Buxoro» yo‘nalishida elektrlashtirilgan yuqori tezlikda harakatlanuvchi yo‘lovchi poyezdlar harakatini tashkil etish, «Qarshi — Termiz» temir yo‘l liniyasini elektrlashtirish bo‘yicha qurilish ishlarini davom ettirish kabi qator loyihalar ko‘zda tutilgan.[3]

ПРОБЛЕМЫ ВЗАИМОСВЯЗИ ТРАНСПОРТА И УЛИЧНО - ДОРОЖНОЙ СЕТИ ГОРОДОВ

Бекназаров М.Б. (СамГАСИ)

Основными из характерных особенностей развития современного общества являются высокий темп роста городского населения и ещё более быстрый рост потребности населения в перевозках. Рост потребностей человека оказывает все возрастающее влияние на развитие градостроительства и является естественным законом.

Рост объёма перевозок и автомобильного парка ведет к увеличению интенсивности движения, что по своим темпам намного опережает соответствующее развитие улично-дорожной сети городов и приводит к возникновению транспортной проблемы. Увеличиваются транспортные задержки, снимается скорость сообщения, происходит перерасход топлива. Многочисленные остановки автомобилей на перекрестках являются причиной повышения загазованности бассейна городов и уровня шума.

В этой связи задачи градостроителей улучшить организацию работы пассажирского автомобильного транспорта в городах и в сельской местности, повысить регулярность и частоту движения автобусов, повысить безопасность движения и обеспечить уменьшение вредного воздействия транспорта на окружающую среду.

Выполнение этих задач возможно лишь при условии соответствующего и современного развития улично-дорожной сети городов. На основе научных исследований в градостроительстве при проектировании улично-дорожной сети города и её развитии, успешно используются современные методики и планировочные решения. Наряду с эти высокие темпы развития транспорта и существующая необходимость больших, постоянно растущих капиталовложений всё острее ставят вопрос о научной обоснованности и поиске новых планировочных решений по совершенствованию улично-дорожной сети городов.

Требования к улично-дорожной сети с позиций автомобиля и общественного транспорта имеют ряд сложных противоречий, что очевидно на примере городов с развитым индивидуальным транспортом и городов с развитым общественным транспортом. Рост насыщенности городов автомобилями обостряет эти противоречия. Градостроительный аспект их разрешения связан с поиском новых планировочных решений по совершенствованию улично-дорожной сети.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ (XIV-XVIII АСРЛАР)

*Жисмоний маданият ва спорт кафедраси катта ўқитувчиси Деҳқонов А.М.,
Қурилиш факултети 204-ҚМБ ва КИЧ талабаси Якубов Д.Ф.*

Амир Темури 1336 йил 9 апрел (ҳижрий 736 йил) да Қашқадарё воҳасининг Шаҳрисабз (Кеш) беклигига қарашли Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. Темури ёшлигидан яхши таълим ва тарбия олади, у ўсмирлик ёшидаёқ Қуръонни ёд билган. Уни уламолар имтихон қилишиб, билимдонлиги ва хотирасига тасаннолар айтишган.

Ёш Темурнинг дастлабки саводи оилада чиқарилган ва етти ёшидан мадрасада ўқий бошлаган.

Амир Темури ўзининг умри давомида турли мамлакатларга ўттиз маротабадан ортиқ қўшин тортиб борган ва жанглар қилган. У бу жанглар натижасида Ўрта Ер денгизидан то Ҳиндистоннинг шарқи, Муғулистон ва Хитойгача, Ҳинд океанидан то Урол тоғлари, Москва остоналари ва Днепр бўйларигача бўлган ҳудудларни забт этди ва буюк бир салтанат барпо қилди. Юқорида қайд қилинган жангу жадаллар, ҳарбий юришлар инсондан афсонавий жисмоний салоҳиятни, куч-қудрат, баҳодирлик, ақли-зукколикни талаб этарди, Амир Темури ана шундай сиймолардан бири эди.

Темурнинг бунчалик шон шуҳрати ва зафар қозонишининг сири моҳир саркардалиги, одиллик ва зукколик билан иш юритишлиги, донишмандлиги билан бир қаторда ёшликдан кураш, чавандозлик, найзабозлик, қалқонбозлик, тийранбозлик, қиличбозлик ҳамда ов қилиш илмини мукамал эгаллаганлигидир.

Жамият тараққиёти туфайли ҳарбий-амалий жисмоний машқлардан соф спорт турлари ажралиб чиққан, бинобарин тирандозлик, чавандозлик ёки от спорти, қиличбозлик ва бошқалар.

Қиличбозлик спорт тури ҳам Темурийлар салтанатида анчайин ривожланган эди. Мазкур спорт турида ҳам Амир Темури ўз даврининг энг моҳир усталаридан саналган. У ҳеч таб тортмай, хатто ўн-ўн беш нафар душманга қарши қилич солган.

Найзабозлик ҳам ҳарбий амалий спорт турларига кирган. Абу Али ибн Сино «Найзабозликни, тез ҳаракатлар, найза учи билан санчишни равон ва енгил машқлар жумласига киритган. Найзабозлик от устида бажариладиган машқ турларидан бири саналган.

Ҳар бир элат, уруғ, миллат ўзининг миллий, маънавий ва маданий меросини асрлар оша авайлаб асраб келмоқда, худди шу асосда халқимизнинг қадимий ва навқирон миллий кураши бунга мисол бўла олади.

Кураш-бу паҳлавон йигитларнинг куч синашиши, елкама-елка туриб ушлашиб, бўйин ва белни қайтариб ҳар хил усулларни ишлатиб рақибининг елкасини ерга текизишдир. Миллий курашимиз ёшларни ҳаётга соғлом, бақувват, жасур, эпчил, кучли, чидамли қилиб тайёрлаш ва тарбиялашида асосий восита бўлиб ҳизмат қилган.

Амир Темури баҳодир, жасур, қўрқмас, шерюрак паҳлавон бўлган. Жисмоний камчилиги-оёғининг оқсоқлиги ва икки бармоғининг йўқлигига

карамай рақиблари билан елкама-елка олишувларга чиқаверган.

Амир Темур улуғ давлат арбоби ва салоҳиятли саркарда бўлиши билан бир қаторда бизга ибрат бўладиган даражада турли соҳаларга кизикқан, кўп соҳаларда муваффақиятга эришган эди. Хусусан, шохмот соҳасида ўз даврида камдан-кам унга тенглаша олган.

Шохмот ёки Шатранж Марказий Осиё халқларининг энг қадимий ўйинларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Турони заминимизда, шохмот ўйини ҳақида кўплаб тарихий манбалар учрайди. Турон мамлакати машҳур ва моҳир шохмотчиларга бой бўлган. Амир Темур даврида шатранжчилардан Мухаммад ибн Акийл ал-Хаймий, Зейн ал-Яздий ва бошқалар бўлиб, уларнинг алломаси фикхчи, хадисчи олим Аллоуддин ат-Табризий эди. У Зейн ал-Яздийга ортикча бир пиёда кўяр ва бу ўйинда барибир ғолиб чиқар эди. Ибн Акийлга эса битта от донасини кўйиб, унинг устидан ғалаба қозонар, яъни енгарди. Темур шохмот ўйинида ҳам тенгсизлардан бири бўлган. У билан тўқнаш келган ҳар бир султон, ҳар бир шох жангда ҳам, шохмот ўйинида ҳам ундан енгилиб мот бўлар эди.

Амир Темур буюк жаҳонгирлиги билан бир қаторда, жисмоний салоҳиятда беназир шахс эди. У ҳарбий юришдан олдин жангчиларнинг жисмоний тайёргарлигига алоҳида эътибор бериб душман кўл, оёқларини қайириб синдириш, оёқ билан тепиш, муштлашиш, оёқ-кўлни бир вақтда ишлатиш усулларини кўрсатиб, сипоҳларига намуна бўлган. Шунингдек, махсус таёқлар, занжирлар, гурзилар ёрдамида зарба бериш, пичоқ, болға санчиш маҳоратини уларга жангоҳларда жуда кўл келган. Соҳибқирон навкарларининг қанчалик жисмоний тайёргарликка эга эканлигини тарихий манбалардан билиб олиш мумкин.

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш — фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдавлат аҳамиятига молик масала — кўп миллатли Ватанимизда туғилиб ўсган, томир ёйган барча қардош халқлар учун бирдай эзгу мурод мақсаддир. Бу нуқтада миллий ва умуминсоний кадриятлар, бой маънавий меросимизнинг энг яхши анъаналари ҳамда шаклланиб келаётган янги удумлар бирлашади, тарбиянинг қудратли омилига айланади. Халқимиз ирсиятини бойитиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш жараёнида оила, давлат ва жамиятнинг муштарак муддаоси бўлмиш комил инсон шаклланади.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ИЗУЧЕНИИ ТЕХНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

Мухамедсаидов Б.К., Даминова Р.Б., Якубова И.Ж.

Основные понятия: Скорость, ускорения, кривошип-ползун, кулачок, кулиса, стержень, кинематическая пара, плоско-параллельное движение шатуна, прямолинейное движение ползуна, аксиального и дезаксиального кривошипно-ползунных механизмов.

Известно, что при изучении одной из сложных технических дисциплин, как «Теория механизмов и машин», студенту необходимо иметь соответствующую интеллектуальную подготовку, основывающуюся, не

только на знания в области машиностроительного черчения, начертательной геометрии, физики, математики, сопротивления материалов, теоретической механики, но и обладать способностью пространственного восприятия движения частей механизмов и машин, характера их скорости, ускорения, а также траектории точек звеньев.[1]

В целях облегчения процесса усвоения студентами основ рассматриваемой дисциплины в Ташкентском Государственном педагогическом университете им. Низами, в учебный процесс внедрены цикл виртуальных лабораторных работ с использованием программы «flash» для изучения кривошипно-ползунных, кулачковых, кулисных, стержневых и других механизмов.

Особенностями этих лабораторных работ являются то, что более чем 30 вариантов различных плоских механизмов можно изучить, анализировать, определить виды и количества кинематических пар, количество движущихся звеньев, определить степени подвижности рассматриваемых механизмов.

Например, при изучении группы кривошипно-ползунных механизмов студент имеет возможности визуально наблюдать вращательное движение кривошипа, плоско-параллельное (сложное) движение шатуна и прямолинейное движение ползуна. Кроме того, во время движения этих звеньев, студент воочию убедится, что кинематические пары механизма не только соединяют двух звеньев, но и позволяют их взаимному угловым, прямолинейным и сложноплоско-параллельным перемещениям.[1]

Здесь приведены варианты аксиального и дезаксиального кривошипно-ползунных механизмов, что позволяют студентам сравнивать их движение и запоминать особенности компоновки этих механизмов.

Здесь также рассмотрены механизм для забивания сваи и механизм с двумя подвижными звеньями, где на место ползуна и шатуна применен шатун с рабочим органом, в виде стального шара, предназначенного для различных строений, конструкций и т.д.

Анализ этих схем механизмов показывает, что замена двух низших кинематических пар в одну, высшую, превращает трехзвенного кривошипно-шатунного механизма в двухзвенную, предназначенную для выполнения другой операции, что позволяет студентам приобретать навыков определения числа звеньев механизма, кинематических пар и степеней подвижности.

При изучении кулачковых механизмов, студент подробно ознакомится с различными схемами этих механизмов с вертикальным и угловым перемещениями толкателя, с особенностями кинематических пар, где контакт между элементами механизма осуществляется по точке или по линии.

Известно, что одним из недостатков кулачковых механизмов является интенсивный износ профиля кулачка, при взаимодействии с толкателем, в процессе работы, что снижает ресурс их работы.[1]

Приведенные варианты виртуальных кулачковых механизмов, где высшая кинематическая пара, между кулачком и толкателем, замена одной высшей и одной низшей кинематической парой, которые широко

применяются во многих кулачковых механизмах увеличивающие их долговечность.

Кулисные механизмы, имея свою специфику, значительно отличаются от других, что создают многие затруднения и сложности при их изучении.

Студентам часто трудно представить сложного движения «камня» кулисного механизма.

Ведь, во время работы механизма «камень» совершает сложное движение - вместе в кривошипом – круговое, вокруг оси вращения, угловое – вокруг кинематической пары, соединяющей камня с кривошипом и сложное – вдоль кулисы и угловое вместе с ней, вокруг опоры кулисы.

Понять и представить эти движения кулисного механизма, для студентов, порою, становится практически невозможным. Поэтому во виртуальных вариантах этих механизмов эти сложные движения студенты визуально могут наблюдать, анализировать и легко представить.

Когда говорят, что тот или другой механизм обладает одной, двумя и т.д. степенями подвижностей, то понимают что для движения этого механизма, для совершения движения исполнительных органов, необходимо приводить в действие одним, двумя и т.д. ведущими звеньями.

Хорошо, что студент получил эту информацию, но как он должен вообразить, осмысливать, усвоить эту информацию. Иногда этот процесс становится довольно проблематичным.[2]

Для решения этой проблемы, дана виртуальная схема кулачкового механизма с двумя степенями подвижности, позволяющая работу с одним и с двумя степенями подвижности.

Сравнивая режимы работы кулачкового механизма в этих вариантах студент имеет возможности сравнивать эти две режимы работы механизма. Осмысливать и понять, что время работы этих виртуальных кулисных механизмов можно рассматривать две различные модификации таких механизмов.

Одной из основных задач изучения дисциплины «Теории механизмов и машин» является определение траектории точек движущихся звеньев механизмов, что входит в основу исполнения студентами графических работ по этой дисциплине.[3]

Для облегчения решения этой задачи звенья ряда виртуальных механизмов в движущем состоянии описывают траектории точек центра их тяжести. Эти графики строятся для 12 положений вращения кривошипа.

Последовательность построения этих точек, а также визуальное наблюдение этого процесса позволяет легко представить предполагаемую траекторию рассматриваемых точек звеньев механизма.

Резюмируя изложенное можно сказать, что внедрение в учебный процесс новых педагогических технологий, в особенности, виртуальных лабораторных работ, позволяют студентам приобретать навыки анализировать, критически осмысливать движения тех или других звеньев механизма и легко усваивать материалы, что и является целью изучения данной дисциплины.[4]

ҚАШҚАДАРЁ ТЎҚАЙЗОРЛАРИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА Фойдаланиш

Ҳайдаров Х.Қ¹., Умурзакова З.И²., Қорабоева М.Б³., Азизова Р.А⁴.
^{1,2,3}СамДУ, ⁴СамСТК

Биохилма - хилликни ўрганиш ва сақлаб қолиш ҳозирги замоннинг назарий ва амалий жихатдан долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Айнан Ўзбекистон дарёлари атрофидаги тўқай ўсимликларини ҳар томонлама ўрганиш катта аҳамият касб этади. Чунки, собиқ иттифоқ даврларда уларда анча салбий ўзгаришлар содир бўлган - биоценозлар таркиби ўзгарган, турларнинг ареаллари ва популяцияларидаги захиралари камайиб кетган, дарё қайирларида ўсган айрим турлар бутунлай йўқотилган. Айнан шундай ҳолатни Қашқадарё тўқайзорларида мисол келтиришимиз мумкин. Қашқадарё бўйи тўқайзорлари антропоген таъсир натижасида жиддий инкирозга учраган, асосий майдонлари пайҳонланган ва қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ва чорва боқиладиган далаларга айлантирилган. Шу сабабдан қачонлардир мавжуд бўлган йирик тўқайзорлардан унинг айрим қолдиқларигина сақланган.

Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг жанубида жойлашган. У 37°58' билан 39°32' шарқий кенглик ва 64°23' билан 67°42' шимолий узунликлар орасида жойлашган. Майдони 28,4 минг кв км. Қашқадарё вилояти шимолда Самарқанд, шимоли-ғарбдан Бухоро, шарқ ва жануби-шарқдан Сурхондарё вилоятилари ҳамда жануб ва жануби-ғарбдан Туркманистон билан чегарадош. Қашқадарё ҳавзасининг майдони 12 минг км². Ушбу дарё Тожикистоннинг Суғд вилоятидаги Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоғи бўлган Обихунда тоғларининг шимолий ён бағридан, Товтош довонидан 1,5 км шимоли-шарқда, 2960 м баландликдан бошланади. Дарё ўнг ирмоғи Ўртабулоқнинг (Фароб қишлоғи ёнида) қуйилишигача Шинчасой деб аталади. Юқори оқимида баланд плато бўйлаб чуқур водийда оқади. Дарё водийсининг бош қисми кўп жойларда тор. Водий ён бағирлари кўпинча тик, бал. 50—120 м. Ярғак ирмоғи қўшилгандан сўнг водий бир оз (100—200 м) кенгаяди. Шу ердан дарёда қайир пайдо бўлади (эни 100 м, Дуғоба қишлоғи). Чироқчидан пастроқда Ҳазрати Башир қишлоғидан бошлаб дарё суви ариқ ва каналларга олинади. Қашқадарёга серсув бўлиб бир қанча ирмоқлар: Жиннидарё, Чироқчидан 18 км юқорида Оксув, Танҳоздарё, Ғуздордарёлардан иборат. Бу ирмоқлар юқори оқимида чуқур ва тор водийда оқадиган типик тоғ дарёларидир.

Қашқадарёнинг ўнг соҳил томонидан унча баланд бўлмаган Қоратепа тоғининг жанубий ён бағридан 20 га яқин сой (Шўробсой, Макридсой, Оёқчисой, Қалқамасой ва бошқалар) оқиб тушади. Тоғликдан текисликка чиққач, дарё водийси кенгаяди. Шу ердан дарё суви бутунлай суғоришга олинади. Қадимда дарё атрофи ўсимликларга бой бўлган ва кўплаб парранда ва хайвонлар у ерда яшаган. Дарё ўзани Қарши чўлига етганда тугайди. Ўртача йиллик сув сарфи Варганза қишлоғи ёнида 14,1 м³/сек.дан (кўп сувли йилда) 1,45 м³/сек.гача (кам сувли йилларда). Чироқчи қишлоғи ёнида йилдаги энг кўп сув сарфи 781 м³/сек. дан (кўп сувли йилда) 21,4 м³/сек.гача (кам сувли йилда) бўлади. Қашқадарё тўқайзорлари жуда кам ўрганилган.

Айрим мутахассислар томонидан илмий ишларида ўсимликлар таркиби тўғрисида маълумотлар бериб ўтилган. Ушбу ҳудуд флорасини Русанов Ф.Н., Граве Н.П., Петров Н.Н, Коровин Е.П., Бондаренко О.Н., Дробов В.П., Майлун З.А., Закиров К.З., Овчинников П.Н., Сагитова С.И., Бахиева А., Аширова А.А., Бондаренко О.Н. ва бошқа олимлар ўрганган. Эътирофли тадқиқотчилар томонидан *Tamarix*, *Elaeagnus*, *Salix*, *Potamogeton*, *Polygonum*, *Ceratophyllum*, *Echinochloa*, *Agrostis*, *Bidens*, *Epilobium*, *Cyperus*, *Bolboschoenus*, *Alisma* ва бошқа туркум турлар тўғрисида қисқача маълумотлар берилган.

Тадқиқотларимиз айнан Қашқадарё вилоятидаги дарё атрофидаги тўқайзорларни батафсил ўрганиш ва деградация сабабларини аниқлашдан иборат эди. Натижасида маълум бўлдики ҳозирги кунда Қашқадарё тўқайзорлари кучли деградацияга учраган ҳолда бўлсада 120 км² майдонни эгаллайди.



1-расм. Қашқадарёнинг умумий кўриниши (Паландара қишлоғи атрофида)

Шунинг асосий қисми Қашқадарё вилоятининг Китоб, Чироқчи, Косон туманларига қарашли Хазрати Башир, Варганза, Санчикул, Дукчи, Обиканда ва Қорабулоқ қишлоқлари атрофида бўлиб, ушбу жойларда тўқайзорларнинг айрим фрагментларигина сақланиб қолган. Экспедиция давомида Қашқадарё тўқайзорларида юксак ўсимликларнинг 30 оила, 104 туркум ва 201 тури аниқланди. Ушбу ҳудудлардан йўсинлар бўлимига мансуб 4 та тури ва лишайникларнинг 8 та тури аниқланди ва тавсифланди. Қашқадарё тўқайзорлари таркибида дарахтлар 8 тур, буталар 7 тур, яримбута ва яримбутачалар 21 тур, ўт ўсимликлар 165 та турдан иборат. Ҳозирги вақтда Қашқадарё тўқайзорларида дарахтсимон ўсимликлар асосан иккита; тол ва жийда формациялардан таркиб топган. Буталардан чингил, юлғун формациялари аниқланди. Юлғун ёки *Tamariceta* - формациясида юлғуннинг олти та тури (*T. pentandra*, *T. elongata*, *T. laxa*, *T. florida*, *T. litvinovii*, *T. hochenackeri*) қатнашиб, бир қанча ассоциацияларни ҳосил қилган. Буларнинг ичида энг кенг тарқалгани ва биз томондан аниқланган учта ассоциациялар киради. Булар юлғунлар, жийда- чингил - юлғунлар, янтоқ- эфемер-юлғунлар.

Қашқадарё бўйи тўқайзорлари қадимий тарихга эга. Тарихий манбаларда ёзилишича бу ерлар ўсимликларга бой бўлган ва дарё атрофларини йирик дарахт ва буталар қоплаб турган. Айнан шу жойларда маҳаллий халқ овчилик билан шуғулланган. Маҳаллий халқ сонининг ортиши ва қишлоқ хўжалигини ривожланиши тўқайзорлар ривожланишида салбий оқибатларга олиб келди. Натижада кўпчилик тўқайзорлар антропоген таъсир асосида йўқ қилинган. Қашқадарё тўқай ўсимликларини химоя

қилишда тарғибот ишларини жонлантириш зарур. Бунинг учун ушбу вилоятида қолаверса қўшни республикларидаги дарё атрофида жойлашган маҳаллий халқлар ва жамоа ҳамда давлат хўжаликларига уларнинг фойдали томонларини ўқтириб, асраш, қўриқлаш ва муҳофаза қилиш кераклиги тўғрисида тарғибот ишларини олиб бориш зарур. Ўзбекистонда ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиш ҳамда кўпайиш йўлларини ўрганиб, камайиб кетаётган турларни ҳар томонлама сақлаш ва муҳофаза қилиш, ноёб геологик ва географик объектларни йўқотилишидан, емирилишдан, ифлосланишдан муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг вазифасигина бўлиб қолмай, балки унинг табиатга бўлган ҳурмати ҳамдир.

ИЗУЧЕНИЕ ДЕКОРАТИВНЫХ РАСТЕНИЙ ПРИРОДНОЙ ФЛОРЫ УЗБЕКИСТАНА И ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИ ФОРМИРОВАНИИ ПАРКОВЫХ ПЕЙЗАЖЕЙ

*Ҳайдаров Х.Қ.¹, Қорабоева М.Б.², Шодиева О.М.³, Карчигаев Н.⁴,
Каримова Ф.Р.⁵ - ^{1,2}СамГУ, ³НавГПИ, ⁴Первый Самаркандский
педагогический колледж, ⁵Самаркандский колледж строительства и
национальных ремесел.*

Ўзбекистан - страна с богатейшим архитектурно-ландшафтным и садово-парковым наследием, истоки которого уходят в далекое прошлое. Он издавна находился на пересечении важных караванных путей, ведущих из Азии в Европу. Стратегическое положение страны, природные богатства, благоприятный климат, а также многочисленные поселения, возникшие на плодородных землях Узбекистана, способствовало тому, что ландшафты этой территории становились ареной исторических событий и зачастую подвергались изменению.

В Узбекистане с каждым годом возрастают объемы строительства и широко осуществляется реконструкция городов и сел, которое включает в себя благоустройство и озеленение как одно из важных государственных мероприятий, направленных на коренное улучшение условий жизни народа.

За последние годы использование декоративных растений, относящейся к полезным дикорастущим видам не уделяется должного внимания. Между тем, местная флора может предоставить большой выбор декоративных растений, предназначенных для любых способов озеленения. Дикорастущие виды помимо того, что обладают ценными декоративными показателями, еще и хорошо приспособлены к местным климатическим и экологическим условиям. Однако недостаток сведений об их биологии, ритме развития и агротехнике задерживает широкое внедрение в культуру данных видов. С другой стороны, среди декоративных дикорастущих растений отмечается большое количество редких и исчезающих видов. Одним из эффективных приемов охраны растительного мира и восстановления биоразнообразия является интродукция растений в ботанические сады, где изучаются их биологические особенности и разрабатываются приемы агротехники.

Использование растений природной флоры в парковом строительстве будет также способствовать сохранению и умножению редких, исчезающих

и охраняемых видов. На территории ботанического сада Самаркандского госуниверситета произрастают нуждающиеся в охране краснокнижные представители аборигенной местной флоры: *Crocus korolkovii*, *Juno magnifica*, *Colchicum kesselringii*, *Petilium eduardii*, *Tulipa ingens*, *Tulipa micheliana*, *Tulipa fosteriana*, *Eremurus robustus*, *Eremurus olga*, *Paeonia hybrida*, *Corydalis sewerzowii* и др. Эти растения природной флоры необходимо шире культивировать в садах и парках, что в настоящее время рассматривается как дополнение к основному способу – охране растений в естественных местообитаниях.

Вопросы использования растений местной флоры для озеленения уже исследуются очень давно. Во многих государствах дикорастущие декоративные растения интродуцированы местными любителями. Например, богатство китайской флоры нашло отражение в китайских садах и парках. Большинство растений являются представителями местной флоры. Китайские садовники искренне верили в тесную энергетическую взаимосвязь между человеком, растением и землей, на которой они живут. По анализу видового разнообразия в китайских садах установлено, что большинство растений относится к местной флоре – 79 %. Остальные 21 % являются интродуцентами, причем 8,1 % – это эндемы японских островов, то есть на долю растений японо-китайской флористической провинции приходится 87,1 % видов.

Цель настоящего исследования – проанализировать применение растений аборигенной местной флоры из семейства астровых (*Asteraceae*=*Compositae*) в садах и парках Узбекистана, предложить способы обогащения, охраны и рационального использования перспективных местных декоративных растений в зеленом строительстве исследуемого района.

Для этого были поставлены следующие задачи: выяснение видового состава семейства астровых (*Asteraceae*=*Compositae*), которое проводилось путем стационарных наблюдений, маршрутных обследований и экспедиционных выездов. При этом определялись следующие показатели: вид (разновидность, гибрид, форма), количество экземпляров и их местопроизрастание; возраст и высота; биологические особенности растений: рост, цветение, плодоношение, генеративное развитие; экологическая характеристика (засухоустойчивость – стойкость к летней засухе, морозо- и зимостойкость, ветроустойчивость). Изучалась также декоративность растений и способы их использования в парковых сообществах и иных зеленых насаждениях района исследования. Среди декоративных признаков наиболее ценным является цветение. Окраска цветков, их размеры, махровость, форма, время зацветания, продолжительность цветения, наличие аромата – все эти особенности должны учитываться при подборе ассортимента.

Астровые (*Asteraceae*) – одно из наиболее обширных семейств двудольных растений. Представителями являются, главным образом, травянистые растения, однолетние или многолетние. Отличительный признак данного семейства – цветки, собранные в соцветие корзинку. Семейство включает два подсемейства: трубкоцветные (*Tubuliflorae*) и

язычковые (*Liguliflorae*). Сложность устройства цветков обуславливает особые декоративные качества данных растений.



рис.1. *Tragopogon* – Козлобородник



рис.2. *Inula* – Девясил

Самые разнообразные сложноцветные разводятся как красивоцветущие растения садов и цветников. Всемирную известность завоевали хризантемы и георгины. Многочисленные виды рода *хризантема* (*Chrysanthemum*) обитают в различных районах Старого Света. Уже задолго до н.э. они культивировались в Китае и скоро стали излюбленными цветами. Их роль в поэзии и живописи Китая огромна. Хризантема - национальный цветок Японии.

Род *георгина* (*Dahlia*), в диком состоянии обитающая в Мексике и Гватемале, также принадлежит к числу распространеннейших и излюбленных садовых растений. Выведено более 8000 сортов, главным образом махровых, у которых срединные трубчатые цветки превращены в ложноязычковые. Окраска, форма и размеры корзинок очень разнообразны, иногда превышают 20 см в диаметре. Большое значение имеет также *астра садовая* (*Callistephus chinensis*), *ромашка* (*Matricaria recutita*), *ноготки* (*Calendula officinalis*), *подсолнечник* (*Helianthus annuus*) и многие другие представители.



рис.3. *Centaurea* – Василек



рис.4. *Achillea* – Тысячелистник

Астровые обладают высокой изменчивостью морфологических признаков, что ведет к разному пониманию объема многих видов. В природной флоре Узбекистана насчитывается порядка 550 видов и 146 родов астровых. Высокой видовой насыщенностью отличаются роды: *Artemisia*, *Erigeron*, *Cousinia*, *Jurinea*, *Taraxacum* и *Scorzonera*. Из них 45 видов занесены в Красную книгу Узбекистана. Имеются представители различных экологических групп, в том числе: галофиты, петрофиты, псаммофиты, гидрофиты. Практически все виды семейства астровые отличаются устойчивостью в условиях интродукции. Многие виды проявляют высокую устойчивость, что выражается в способности к самосеву. Кроме того, среди астровых имеются виды различных фенологических групп, что расширяет возможности использования их в зеленом строительстве.

Массовое цветение большинства видов приходится на май-июнь-июль. Оценку декоративности видов астровых проводили на основе методических разработок В.Н. Былова. В результате представители из 9 родов астровых получили высокие баллы и отнесены к группе высоко декоративных растений с ярко окрашенными корзинками, продолжительным и обильным цветением: *Scabiosa* – скабиоза, *Tanacetum* – Пижма, *Tragopogon* – Козлобородник, *Centaurea* – Василек, *Jurinea* – Наголоватка, *Inula* – Девясил, *Matricaria* – Ромашка, *Artemisia* – Полынь, *Achillea* – Тысячелистник.

Изученные виды в условиях культуры красиво цветут, у них имеются многочисленные цветки с длительным периодом цветения, образуют большое количество семян и могут с успехом применяться для озеленения. Все виды улучшают свои декоративные показатели в условиях культуры по сравнению с природными условиями обитания.

Таким образом, целесообразно строить парковую композицию на базе существующей естественной растительности, которая, с одной стороны, служит индикатором условий местопроизрастания, что очень важно при подборе пород из числа интродуцентов, с другой стороны, является тем фоном, в который должны вписываться вновь создаваемые сады и парки. А это даст возможность создать своеобразный парковый комплекс, гармонично входящий в окружающий природный ландшафт.

ВОЗМОЖНЫЕ ПАТОЛОГИИ ЭМБРИОГЕНЕЗА ЧЕЛОВЕКА И ЕГО ПРИЧИНЫ

Карабаева М.Б., Алланазарова Н.А.

Самаркандский государственный университет

Актуальность темы. Человеческое общество, развиваясь веками, непрерывно продолжает свой род. Происходит постоянная смена поколений, что связано с процессом размножения. Сам процесс размножения является общим для всех живых существ. Организм ребенка несет определенные признаки организма родителей. Наряду с этим он имеет определенные отличия от организма родителей. Кроме того, дочерний организм подвергается непрерывному воздействию факторов окружающей среды с момента слияния половых клеток родителей до наступления родов и в течение послеродового периода, роста и развития. Под влиянием

неблагоприятных воздействий окружающей среды в этом организме могут происходить отрицательные изменения [1,4].

Развитие человека представляет с одной стороны процесс достаточно хорошо изученный, но с другой стороны, в наше время нарушенной экологии окружающей среды, разного рода патологии родителей, пьянство, наследственные заболевания, близкородственные браки, распространенные в нашем регионе, – все это лишь малая толика того, что может повлиять на процессы индивидуального развития человека и вызвать отклонения или нарушения. И потому процессы эмбриогенеза в настоящее время актуальны как никогда [2,3].

Цель и задачи исследования. Цель наших исследований - изучение эмбриогенеза человека, его критические моменты и возможные патологии.

Научная новизна и практическое значение работы. В последние годы наблюдается крайне быстрый рост исследований, относящихся к проблемам зачатия и применения противозачаточных средств. Это привело к возникновению новой дисциплины, которую обычно называют биологией размножения. Помимо проблем, главным образом, практического характера, касающихся методов оплодотворения и применения противозачаточных средств, эта дисциплина уделяет внимание нормальному гаметогенезу, эндокринологии размножения, переносу гамет и оплодотворению, ранним стадиям зародышевого развития и имплантации зародыша млекопитающих и человека.

Изучение эмбриогенеза человека, его критические моменты и возможные патологии в настоящее время исследуются благодаря современным методам исследования. Результаты работы имеют большое значение, прежде всего в просветительской деятельности среди населения, а также в преподавании биологических дисциплин учащимся школ, колледжей, лицеев и вузов.

Материал и методы исследования В основе наших исследований лежали методы клинического, ультразвукового исследования и изучение абортивных или выкидышных зародышей.

Собственные исследования. В наших исследованиях мы изучили и использовали клинические методы и методы ультразвуковой диагностики. В данной работе мы приводим данные ультразвуковой диагностики, проведенных у женщин с разными сроками беременности с демонстрацией закладок органов у плода и его размеров (рис 1-8).

Из нарушений внутриутробного развития наибольшее клиническое и социальное значение имеют врожденные пороки развития (ВПР). Современная наука считает, что не менее 50% всех ВПР имеют комплексную многофакторную природу, то есть образуются под влиянием наследственных и средовых факторов, тогда как 5% ВПР индуцировано тератогенными воздействиями [4]. К тератогенным воздействиям относят любую вредность, под влиянием которой может сформироваться ВПР. Известно несколько сотен тератогенных факторов, однако практическое значение у человека имеют всего лишь несколько:

- эндокринные заболевания матери (сахарный диабет);
- физические воздействия (температурные или ионизирующие);



Рис.1. УЗИ. Беременность 12 недель (длина 49.5 мм)



Рис. УЗИ.2. Беременность 9,5 недель (длина 26,3 мм)



Рис.3.УЗИ. Беременность 20 недель



Рис.4.УЗИ. Беременность 33 недели (половые органы) девочка



Рис.5. УЗИ. Беременность 16,5 недель



Рис. 6.УЗИ. Беременность 33 недели (лицо плода)



Рис.7.УЗИ. Беременность 33 недели (позвоночник, сердце, легкие)



Рис.8. УЗИ. Беременность 9 недель

- химические вещества, к которым относятся некоторые медикаменты (ретиноиды, вальпроевая кислота, талидомид и др.) и алкоголь;

- биологические факторы (инфекции — токсоплазмоз, краснуха и др.)

Часть этих факторов способны индуцировать определенные тератологические синдромы, хорошо известные врачам во всем мире.

Кроме критических периодов необходимо учитывать терминационные периоды действия тератогена - то есть предельный срок беременности, в течение которого неблагоприятный фактор может индуцировать аномалии развития. Этот период определяется сроками завершения формирования органа и отличается для различных органов и тканей, например, грубый порок развития мозга - анэнцефалия, может сформироваться под воздействием тератогенных влияний до 8 недели беременности, тогда как дефекты межжелудочковой перегородки сердца - до 10-ой недели.

Фетальный, или плодный, период развития зародыша характеризуется процессами перемещения органов, их дальнейшим развитием, созреванием, создающим возможность функционирования после рождения. Под воздействием вредных веществ (тератогенов) происходит остановка развития и редукция органов (кисты, «заячья губа» и «волчья пасть», черепно-глоточный проток и другие), неправильные повороты (обратное положение, транспозиции), неполная зрелость (неопускание яичек, сглаженность поверхностей полушарий большого мозга), неправильное развитие органов вследствие гормональной недостаточности желез плода (гермафродитизм) и др. Эти пороки объединяются под названием фенопатий и бывают более ограниченными. Они возникают реже, чем эмбриопатии, так как в плодный период уже сформированы системы органов и начинают функционировать механизмы защиты самого плода (гормональные, ферментативные, иммунные). Но так как эти процессы на данном этапе развития еще не совершенны, то они могут быть легко нарушены.

К сожалению, в результате наших исследований мы не смогли получить данные по количеству пороков развития и их причинам по Самаркандской области, эти данные считаются закрытыми. А с другой стороны у нас не было цели в цифровом варианте дать такую информацию.

Выводы

1. В развитии человеческого организма наиболее уязвимыми являются 1-ый и 2-ой критический период онтогенеза - это конец 1-ой начало 2-ой недели после оплодотворения и 3-6 недели беременности. Воздействие вредностей именно в течении 2-го периода приводит к формированию наибольшего количества врожденных пороков развития.

2. Из нарушений внутриутробного развития наибольшее клиническое и социальное значение имеют врожденные пороки развития (ВПР).

3. Необходима просветительская деятельность среди всех слоев населения, особенно среди молодежи репродуктивного возраста

4. Ранняя диагностика патологий при медико-генетических консультациях является оптимальным и своевременным решением проблем рождения детей с отклонениями, как в физическом, так и в умственном развитии.

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАР ЯГОНА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*И.Н.Бобобеков., В.Р.Ниязов. Ш.А. Суюнов.,
Б.И.Зиятов., Л.А.Илмуродова (СамДАҚИ).*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрлари Ягона тизимини ташкил этиш ҳамда уни юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 255-сонли қарори [1] га биноан бугунги кунда Республикада катор ривожланган ҳорижий давлатлардаги сингари давлат кадастрининг ягона тизими яратилмоқда. Давлат кадастрининг ягона тизими (ДКЯТ) – бу барча турдаги давлат ва тармоқ кадастрларини ягона тамойил асосида бирлаштирувчи куп қиррали информацион тизим ҳисобланади.

ДКЯТ ер юзасининг ҳар бир ҳисоб-кадастр участкаси бўйича уларнинг географик ҳолатини, ҳуқуқий ҳамда хўжалик статусини ёритган ҳолда ер, сув, ўрмон, қазилма бойликлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, кўчмас мулк ва бошқа табиий, шунингдек хўжалик ресурслари тўғрисидаги хужжатлаштирилган маълумотларни ўз ичига олади. Ер участкалари ва объектларнинг ҳуқуқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, белгиланган тартибга мос ҳолда аниқланган тармоқ кадастрларининг маълумотлари ДКЯТ нинг асосини ташкил этади [2]

Давлат кадастрлари ягона тизимини яратишда ер кадастри маълумотлари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун биз ушбу тизимни яратишда ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш бўйича ўз фикрламинизни баён этмоқчимиз.

Эътироф этиш жоизки, ер кадастри маълумотлари, жумладан ер турлари ва уларнинг таркиби майдонлар бўйича доимо ўзгариб туради. Ушбу ер кадастри маълумотларини шу куннинг талаб даражасига бўлинишини таъминлаш учун ушбу ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаб бориш ҳамда ер кадастр хужжатларида ёритиб бориш керак. Бу эса ўз навбатида жорий ёки кундалик ер кадастрини юритиб бориш заруриятини туғдиради.

Олиб борилаётган ер ҳисоби шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда 2005 йил 1 январга суғориладиган ер майдони 4277,6 минг гектар бўлиб, умумий майдоннинг 9,6 фоизини ташкил этади. Ушбу майдонлардан олинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95,0 фоизини ташкил этади. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқариш манбаъларини жадал ривожлантиришда суғориладиган ерлардан тўғри ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш катта аҳамият касб этади. Ягона ер фонди нафақат фойдаланиш мақсадлари бўйича, балки ҳар бир ердан фойдаланувчилар бўйича ҳам ажратилади.

Республикада бўйича асосий қишлоқ хўжалик ери ҳисобланган ҳайдалма ерлар 4056,6 минг гани, яйлов ва пичанзорлар эса 22263,4 минг гадан иборат. Эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда мамлакат ер фондида бўз ерларнинг майдони асосиз равишда ошиб кетмоқда [2].

Маълумки, ер кадастри маълумотларида суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, эрозияга учраганлиги у ерларда экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари структураси, майдони, ҳосилдорлиги, тупроқ балл

бонитети муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирда республикамызда жами суғориладиган ер майдонларининг 65 фоизи шўрланишга учраганлиги, қарийб ярми турли даражада эрозияга учраганлигини эътиборга олсак, ерларимизда бўлаётган ўзгаришларни даврий равишда кузатиб бориш зарур бўлади.

Давлат кадастр ягона тизими (ДКЯТ) тузишда ер кадастри бўйича юқорида билдирилган фикрлар ва улар асосида тузилган кадастр хариталари муҳим роль ўйнайди.

Шунинг учун ДКЯТ ни яратишда ер кадастри маълумотларини тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга деган хулоса келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрлари Ягона тизимини ташкил этиш ҳамда уни юритиш тартиби тўғрисидаги Низом. 1996

2. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. “Ер кадастри” фанидан дарслик. Т.: ТИМИ, 2008 й.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАШҒУЛОТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Усмонов Б.Ф. (СамДАҚИ)

Холиқова Бибинисо Самарқанд қурилиш ва миллий хунармандчилик коллежи

Машғулотларни режалаштириш кутилаётган ўқув натижаларни хаёлан олдиндан кўра билишни англатади. Чунки шундай қилиб бўлажак ўқув жараёнига оид қарорлар тайёрланади.

Барча имкониятларни инобатга олган ҳолда, бир марта тузилган режада ўзгаришлар бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак. Амалиёт ўқитувчиси учун эса ўқув жараёнини бошқаришда хатоларга йўл қўймаслик дегани. Ўқувчи учун эса, у бўлажак ўқув жараёни тўғрисида ва у таълимдан нималарни кутиши мумкинлиги аниқ тасаввурга эга бўлиши деганидир.

Назарий дарс вақтини режалаштириш қуйидаги даражаларда амалга оширилиши мумкин:

- бутун таълим даври даражасида
- бир ўқув йили даражасида
- бир семестр даражасида
- бир ой даражасида
- бир ҳафта даражасида
- бир кун даражасида
- назарий дарснинг бир соати даражасида

Купинча ҳар хил вақт даражалари учун мўлжалланган режалар бир вақтнинг ўзида қўлланади. Уларнинг фарқи уларни ким ишлатаётганлигида, яъни касб-хунар таълими менеждменти учун мўлжалланган режа умумийроқ бўлади, амалиёт ўқитувчиси учун мўлжалланган режада эса вақт аниқ кўрсатилган бўлади.

Мақсадлар ва мазмунларни режалаштириш одатда махсус бир соҳа бўйича бўлади ва уни амалиёт ўқитувчисининг ўзи тузади. Бунинг учун

танланган махсус соха бир-неча мавзуларга ёки материал сохаларига бўлинади. Сўнг усуллар ва шароитлар режелаштирилади.

Бу муносабатда эътиборингизни «Амалиёт ўқитувчисининг дидактик харакатлари» моделига қаратмоқчимиз. Бу модель бир махсус сохани режелаштириш мақсадида қўлланиши мумкин:

Назарий дарс ва инструктажни тўғри режелаштириш учун, амалиёт ўқитувчиси ўзининг вазиятидан бошлаши лозим: «Мавзуни илм-фаннинг энг сўнги замонавий талабларига мувофиқ ўргата оламанми ёки бунинг учун мен яна алоҳида тайёрланишим керакми?» ҳамда «Бирор ишлаб чиқарилган назарий дарс режаси ёки инструктаж режаси борми?»

Бундай кейин, амалиёт ўқитувчиси ўқувчиларнинг ҳозирги вазиятини таҳлил қилиб, режелаштиришни давом этиши мумкин, яъни у ўқитувчиларнинг дастлабки билим ва шароитларини аниқлаб олиши лозим.

Бунинг учун қуйидаги асосий саволлар қўйилиши лозим:

- Назарий дарс ёки инструктаж олиши керак бўлган ўқувчиларнинг дастлабки шароитлари қандай?

- Назарий дарс ва инструктажни ўтказиш учун қандай шарт-шароитлар мавжуд?

- Қандай ўқув мазмунлар ўргатилиши кўзда тутилмоқда?

Режелаштиришнинг энг бошида бу саволларни ўрганиб чиқиш – назарий дарс ва инструктаж мазмунининг бошқа барча тайёрлаш харакатларига асосдир. Бу тушунчалар ва саволлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги омиллар аниқ кўрсатади.

Мақсадлар: Нима учун? Ҳар бир назарий дарс ва ҳар бир инструктаж олдиндан белгиланган мақсадларга риоя қилиши лозим. Одатда ўқув дастури асосида белгилашимиз мумкин бўлган аниқ бир мақсад эришилиши лозим. Мақсадлар ёзма равишда назарий дарс режасига киритилади ва мақсад эришилган-эришилмаганлиги тест ва топшириқлар ёрдамида текширилади.

Мазмунлар: Нима? Танлаб олинган ўқув мақсадларга мувофиқ равишда билимлар соҳанинг мазмуни (шу жумладан кўникмалар ва узини тутиш тарзлари) белгиланади. Бу мазмунлар бир томондан керакли дастлабки билимларни (назарий дарс мазмунини) ва бошқа томондан топшириқларни бажариш учун керакли махсус билимларни (инструктаж мазмунини) инобатга олиши керак. Бунинг учун «Мазмун структураси» тузилиши керак.

Узини тутиш тарзлари ўзгаришини ифодалайдиган мазмунлар ҳам танлаб олиниши керак.

Усул: Қайси тарзда? Агар мақсадлар ва мазмунлар аниқ бўлса, айнан шундай усуллар танлаб олиниши керакки, улар шу мақсад ва мазмунларни ўлчанадиган натижаларга айлантира олишлари лозим. Бу муносабатда «ўргатиш ёки ўрганиш усуллари» деб аталган усуллар амалиёт ўқитувчиси томонидан танлаб олинади ва қўлланади.

Шароитлар: Нималар ёрдамида? Шароитлар деганда, биринчи навбатда материал-техникавий шарт-шароитлар тушунилади. Бир томондан, техникавий шароитлар тушунилади, яъни бўлган бинолар, синфхоналар, ўқув устахоналар, лабораториялар, жихозланганлик даражаси,

инструментлар, чиқим материалларнинг умумий ҳолати ва ҳоказо, чунки улар маълум сифат стандартларига жавоб бериши керак.

Бошқа томондан эса, усуллар ва ўқув воситалари тушунилади, чунки улар ўқув жараёнини билимлар ўзлаштирилишига ёрдам беришади. Ўқув мақсадларига мўлжалланган куплаб ўқув воситалари мавжуд. Лекин гап воситаларнинг кўплигида эмас, балки муайян ўқув мақсадга эришиш учун маъқул келадиган воситаларни танлаб олишдадир.

Ташкиллаштириш: Бу қандай қилинади? Юқорида айтилган ҳамма нарсалар – вақт факторини инобатга олган ҳолда – ташкил қилиниши керак. Чунки ҳар бир назарий дарс ва ҳар бир инструктажга аниқ вақт чегаралари бор ва айнан шу вақт доирасида ўқув мақсадларга эришиш лозим. Бунинг учун нафақат пухта режа, балки унумли ташкиллаштириш ҳам керак. Вақт пайти, вақт давоми ва ўқув жой – ташкиллаштириш жараёнида белгиланади. Ўргатиш ва ўрганишни ташкил қилишнинг хилма-хил имкониятлари бор.

Натижалар: Мақсадга эришилдими? Назарий дарс ёки инструктажнинг охирида мақсадлар эришилган-эришилмаганлиги текширилиши керак.

Бунинг учун баҳолаш воситалари, усуллари ва критерийлари белгиланиши лозим. Бунинг имкониятлари – бу машқлар, оғзаки ва ёзма тестлар ҳамда имтиҳонлар.

Улар ўқувчиларнинг қобилиятлари ва билим-кўникмаларини баҳолаш имкониятини яратади.

Адабиётлар:

1. Давлатов К. Мехнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан амалий машгулотлар. - Т.: «Ўқитувчи», 1995

2. Каримов А.А., Файзиев Ш.Н., Мелиев И.И. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси./Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ. 2007. 172 б.

ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИННОВАЦИОН ТАФАККУР ТАРЗИ

Султанова Гулноза Сабировна – СамДУ мустақил изланувчиси

Истиқлол даврида мамлакатимизда янги ҳаёт янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини ва инновацион тафаккур тарзинини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб ...биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди»⁷³. Ўз навбатида ҳозирги замон тафаккури хисобланган инновацион тафаккурни шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради.

Ижтимоий онг ва тафаккур ривожига инновацион тамойиллар ва йўналишлар ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда, уларни такомиллаштириш учун кенг имкониятилар очилмоқда.⁷⁴

⁷³Каримов И.А. Адолатли жамият сари.- Т.. 1998.- 17 б.

⁷⁴Назаров Қ. Мустақил тараққиёт ва тафаккур янгилиниши// Фалсафий кадрларнинг мустақил Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни. (Республика илмий амалий анжуман материаллари, 29 апрель) Т.: 2011. 9 б.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлигини аввало ҳалқ маънавиятининг тикланиши бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши анъана ва урф одатларимизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини энг муҳими жамият тафаккурининг узгариш ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Хусусан таълим тизимида ҳам инновацион характердаги ғоялар ва назариялар ишлаб чиқиш жараёнлари содир бўлмоқда.

Инновация (инг. *innovations* – киритилган янгилик, ихтиро) олдин мавжуд бўлмаган предмет, тузилма қадрият ва фаолият методлари (технологиялари)ни яратиш, пайдо бўлган янгиликларни белги образ ва символларда ифодалаш, ижтимоий ўзлаштириш ҳамда тарқатиш орқали жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ қилиш жараёни.⁷⁵

Инновацион тафаккур тарзи инсоннинг янги эҳтиёжлари ва муаммоларини қондиришга йўналтирилган янги ғоялар, қадриятлар ва лойиҳаларни ихтисосланган корхоналар ва уларни янгилаб туришга кетадиган вақтни қисқартиришга қаратилган интеллектуал фаолият шакли ва тизимидир. Инновацион тафаккурнинг фан ва амалиётдаги роли ва аҳамияти маълум жиҳатдан эвристик усул ва ёндашувларнинг ривожлантирилишига боғлиқдир.

Жамиятда кишилар тафаккур тарзини бутунлай янгилаш бир-икки йиллик иш эмас, узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён. Қолаверса бу йўлда тинимсиз изланиш ва меҳнат қилиш, ҳали бери учраб турган эскича фикрлаш асоратларини янчиб ўтиш осон эмаслигини ҳам англаш керак.

Юртбошимизнинг соғлом авлодни шакллантириш, мустақил мамлакатимизни янада раванқ топтиришда ҳал қилувчи, белгилувчи аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги ғояни изчил олға суриши – фалсафий нуқтаи назардан, тамомила асослидир. Бунда эса ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим босиқчларида интеграция жараёнларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Бундай шароитда самарали иш олиб бориш учун инновацион тафаккур тарзини шакллантириш мақсадида икки тизим ўртасида доимий равишда интегратив алоқалар ўрнатиш зарур. Хусусан,

- Илмий алоқалар, яъни илмий мақолалар, монографиялар, магистрлик диссертациялари ва докторлик диссертацияларини тайёрлашда ҳамкорлик, илмий-услубий алоқалар, ўқув-услубий мажмуалар, услубий ишланмалар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар тайёрлашдаги ижодий ва ғоявий интеграция, интеллектуал ва информацион алоқалар, яъни ўқитишнинг замонавий мултимедияли тизимини жорий этиш, масофавий таълимни кенг жорий этиш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим ўртасида инновацион, педагогик, ахборот технологияларини жорий этиш бўйича тажриба алмашиш;

- Шунингдек ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимида ҳам фаолият кўрсатадиган бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган инновацион

⁷⁵ Қўшоқов Ш.С. Инновация//Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. -138 б.

тафаккур тарзини шакллантириш керак. Айни пайтда истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, чет эл грантлари орқали турли марказларга ўқишга юбориш жуда муҳим.

Хулоса қилиб айтганда ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим ўртасида интегратив алоқалар жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош етук ва малалакали мутахассисларни тайёрлашнинг муҳим омилidir.

TURAR JOY QURILISHIDAGI AN'ANALAR, SHAROITLAR, TAJRIBALAR

Магистрант: Бўронов Н. Илмий раҳбар: Асқаров Ш.

Mustaqillik yillaridan boshlab shu kungacha davlatimiz aholining turmush tarzini yaxshilash bo'yicha turli sohalarida bir qator islohotlar olib borilmoqda. Jumladan, aholi uy joy tizimida qilingan o'zgarishlar ancha salmoqlidir. Bunda Prezident I.A.Karimov tomonidan 2009-yil 3-avgustdagi "Qishloq joylarida uy-joy qurilishi ko'lamini kengaytirishga oid qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida" gi PK-1167 sonli qarori qabul qilingani, namunaviy loyihalar asosida barcha qulayliklarga ega bo'lgan yakka tartibdagi uy-joylar va ijtimoiy infratuzilma obyektlari qurilishi uchun keng yo'l ochib berdi. Bularning barchasi rivojlanishdan dalolat beradi albatta. Ammo masalaning yana bir jihati me'morlarni yanada o'z ustida ishlashga, "moziyga qaytib ish ko'rishga" undaydi.

Ma'lumki xalqimiz uzoq tarixga, boy tajribaga ega. Bu barcha sohalar singari me'morchilikda ham o'zining salmoqli xissasiga ega. Aynan me'morchiligimiz shu darajada rivoj topganki, buning natijasi o'laroq O'zbekiston sayyohlik markazlari butun dunyoga mashxur.

Gap turar joylar haqida borar ekan bu borada ham xalqimizning tarixiy tajribasi kata o'ringa ega.

E'tiboringizni uy-joy qurishdagi 2 muhim jihatga qaratmoqchiman.


1. Tabiiy-iqlimiysharoit
2. An'analar

Yurtimizning turli joylarida turlicha iqlim kuzatiladi. Masalan, Buxoro, Navoiy, Xorazm va Qoraqalpog'iston respublikasi mintaqalarida qish mavsumi quruq-sovuq, yoz mavsumi quruq-issiq va nisbatan shamolli buladi. Samarqand, Qashqadaryo, Jizzah, Sirdaryo viloyatlarida havo harorati ancha mo'tadil, yoz va qish oylari harorati yuqori darajada bo'lishi bilan birga yog'ingarchilikla bu mavsumlarda sezilarli kuzatiladi.

Surhondaryo viloyatida iqlim mamlakatimizning g'arbiy qismida kuzatiladigan haroratga o'xshash bo'lib, ko'proq quruq ob-havo hukm suradi.


O'zbekistonning sharqiy qismi bo'lmish Andijon, Farg'ona, Namangan viloyatlarida havo harorati ancha mo'tadil, yog'ingarchiliklarga boy tarzda bo'ladi. Atrofi tog'lar bilan o'ralganligi tufayli shamolning kuchli harakati kuzatilmaydi. Toshkent viloyati va shahrini ham anashu mintaqaga qo'shsak bo'ladi.

Bu iqlimiy nomutanosibliklar uy-joy qurishga o'z ta'sirini o'tkazmasdan qo'ymaydi albatta. Buning natijasida har bir mintaqaning o'ziga xos me'morchilik maktablari vujudga kelgan.



Birgina Xorazm me'morchik maktabini ko'radigan bo'lsak, asosiy harakterli jihati bu- baland ayvon va katta "dolon" tizimining mavjudligidir.

Uyga kichik yo'lak orqali kiriladi. Undan kata dolonga o'tiladi. Bu yer honadon egalarining asosiy vaqti o'tadigan joyi bo'lgan. Hovli tarafida shimolga qaragan, uying eni bo'ylab baland ayvon qurilgan.



Ячейка-БЗ + Ячейка-А11(а)




Рис. 1. Хива. Жилой дом. Начало XX в. (Негатив Архива ГлавИПУ ОХ МК УзССР).

Uning vazifasi yozning issiq kunlarida shamol oqimini to'g'ridan to'g'ri hovliga yo'naltirish bo'lgan. Boshqa mintaqalarning ham o'ziga hos me'morchilik an'analari bor albatta va yerli aholi asrlardan beri shu an'analarga sodiq qolib yashab kelmoqda. Bu ularni to'laqonli qoniqtiradi.

Endi masalaning markaziga yetib keldik.

• **Bugungi kunda butun respublikamiz bo'ylab qurilayotgan namunaviy turar-joylar bu talablarni qay darajada o'zida namoyon qilgan?**

• **Turar-joyning tarhiy yechimi mintaqalarimizning farqli taraflarini nechog'li hisobga olgan?**

• **Milliy me'morchilik an'alarimiz bu turar-joylarda qanchalik o'z aksini topgan?**

Bu ko'ndalang qo'yilgan savollar o'rinli deb o'ylayman. Javob shundan iboratki, bu turar-joylar respublikamizning ayrim joylariga mos tushadi. Ammo barchamizga ma'lumki, iqlimi mo'tadil, yog'ingarchiliklarga boy bo'lgan so'lim vodiy mintaqasiga ham, tabiati keskin, yog'ingarchiliklar kam uchraydigan, sovuq va issiq shamollar esadigan Xorazm vohasiga ham bir hildagi uylar qurulishi jadal suratlarda olib borilmoqda.

Xulosa shuki, namunaviy loyihalar bir biridan keskin farq qiluvchi mintaqalar uchun noqulayliklar tug'diradi. Namunaviy loyihalar har bir mintaqaga uchun alohida qilinishi lozim. Bunda, o'sha mintaqaning shart-sharoitlari hisobga olinishi shart.

Bugungi kunda barcha sohalarda milliyligimizni tiklash, mustahkamlash borasida ishlar olib borilayotgan ekan, me'morchilik sohasida ham ananaviy me'morchiligimizning boy me'rosiga ahamiyat berib, uni ommaviy tarzda yuzaga chiqarish bu yo'ldagi muhim qadamlardan biri bo'lib hizmat qilgan bo'lardi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. SAN'AT 01/01/2003 выпуск №1 131

2. Президент Ислон Каримовнинг “Замонавий уй-жой курилиши—кишлок жойларини комплекс ривожлантириш ва киефасини ўзгартириш” мавзуида килган нутки 17.04.2013

3. sanat.orexca.com

4. O'zbekiston arhitekturasi va qurilishi 02.2011

МУНДАРИЖА

1	ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР-МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ. <i>С.И. Ахмедов - СамДАҚИ ректору</i>	3
<u>6-ШЎЪБА: ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ</u>		
2	МАКТАБГАЧА YOSHDA GI BOLALARGA EKOLOGIK TARBIYA BERISHDA INTERAKTIV METODLARDAN FOYDALANISH. <i>Y.Yuldasheva - Qashqadaryo VXTXQTMOI Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedrası o'qituvchisi</i>	5
3	SHARQ MUTAFAKKIRLARI EKOLOGIK TARBIYA HAQIDA. <i>Berdiyeva Lobar Norqobulovna - Qashqadaryo VXTXQTMOI</i>	7
4	4-SINF TABIATSHUNOSLIK DARSLIGIDAGI "KANALLAR, KO'LLAR" MAVZUSI ORQALI EKOLOGIK TARBIYA BERISH. <i>Moxidil Safarova Ahmadovna - QXTXQTMOI Maktabgacha, boshlang'ich va maxsusta'lim fanlari kafedrası o'qituvchilari</i>	9
5	O'QUVCHILARNI EKOLOGIK TARBIYALASHDA "YOSH TABIATSHUNOSLAR" TO'GARAGINING O'RNI. <i>Manzura Muhammadiyeva., Shuhrat Temirov – QDU Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrası o'qituvchisi</i>	11
6	JISMONIY MADANIYAT KADRLARINING MALAKA OSHIRISH VA QAYTA TAYYORLASH JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI. <i>M.A.Hotamov – SamISI o'qituvchisi</i>	12
7	TASODIFIY MIQDORLARNING BOG'LIQ BO'LMASLIGI HAQIDAGI GIPOTEZANI TEKSHIRISH. <i>Samarqand davlat universiteti 1-kurs magistranti M.Murtazayev</i>	14
8	OMMAVIY MADANIYATNING YOSHLAR HAYOTIGA TA'SIRI. <i>D.Xamdanova, 201-GKK guruhi talabasi, Ilmiy rahbar o'qituvchi M.O.Ibragimova</i>	15
9	O'ZBEKISTONDA CHIZMA GEOMETRIYA VA CHIZMACHILIK FANINING RIVOJLANISHI VA O'QITILISH TARIXI. <i>Dotsent B.B.Qulnazarov, ass. M.R.Norqulova (SamDAQI)</i>	17
10	M G 1 N XIZMAT KO'RSATISH TARMOG'I BANDLIK DAVRI O'RTA QIYMATINING ASIMPTOTIK HOLATI VA UNING TADBIG'QI. <i>H. Qurbonov, dots., Z. Madatova, magistr (SamDU, mexanika-matematika fakulteti)</i>	18
11	OLIY TA'LIM TIZIMIDA PEDAGOGIK DASTURIY VOSITALAR - MUSTAQIL TA'LIM OLIHNING ZAMONAVIY VOSITASI SIFATIDA. <i>Mamanazarov B.J. – TATU SF assistenti</i>	20
12	TIL O'RGANISH ZAMON TALABI. <i>O'qituvchi: Mamatova Dilnoza Bekpulatovna, Talaba: O'sanova Dilnoza – Guliston Davlat Universiteti</i>	22
13	ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ. <i>Абдуллаев Абубакир Нарзуллаевич-т.ф.н., доцент, СамДУ, Норбоев Абдулла Бойназарович-магистрант, СамДУ</i>	23
14	МАСОФАЛИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШ. <i>Эргашев Б.Б., Ирсадиев Ф.Ш., Йигиталиев И.Н. Гулистон давлат университети</i>	24

15	ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ. <i>Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Сиёсий фанлар номзоди Ш.А.Эрматов</i>	25
16	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. <i>Эшбоева Дурдона Алишер қизи, Боқиева Маҳзуна Алишер қизи, ГулДУ талабалари</i>	27
17	ЯЗЫК И КУЛЬТУРА. <i>Д.Э Мансурова “Чет тиллар” кафедраси ўқитувчиси, О.О.Бекмухаммедов 402 БИК талабаси</i>	28
18	KENZO TANGENING ZAMONAVIYLIK HAQIDAGI XOTIRALARI. <i>Yarashev F.S. – 202-QHALTE guruhi talabasi, Saidova B.A. – “Arxitektura nazariyasi va tarixi” kafedراسи katta o`qituvchisi</i>	30
19	STERJENLI SISTEMANING BIRINCHI KRITIK KUCHINI CHEGARAVIY ELEMENTLAR USULI BILAN ANIQLASH. <i>Salimov X. (magistrant, SamDU, Abdirashidov A. (dotsent, SamDU)</i>	31
20	МАКТАВ BIOLOGIYA FANIDA BADIY ADABIYOTLARDAN FOYDALANISHNING TARBIVAVIY AHAMIYATI. <i>NavDPI o`qituvchi M.X Ravshanova, NavDPI Tabiiy fanlar fakulteti 2-kurs talabasi N.P.Shomurodov</i>	33
21	О‘ЗБЕК ТИЛИДА “ЕРКАК” ТУШУНЧАСИНИНГ GENDER NUQTAI NAZARIDAN TAHLILI. <i>Latipov Aziz Akbaraliyevich-SamDCHTI 2-kurs magistranti</i>	34
22	TEACHINGCOLLOCATIONS: TECHNIQUES TO BEGINNERS. <i>Shakhnoza Nashirova - Karshi State University teacher</i>	36
23	TALABALAR MUSTAQIL ISHINING SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA O‘QUV, TEXNIK VA DASTURIY VOSITALARINING HAMDA FANLARARO ALOQANING AHAMIYATI. <i>assistant Xodjayeva D., dotsent Abdirashidov A., dotsent Mamatov Sh.S. – SamDU</i>	39
24	О‘ЗБЕК XALQ PEDAGOGIKASIDA MEHNAT TARBIVASINING YORITILISHI. <i>Yarmanova Yulduz - Qarshi DU o`qituvchisi</i>	40
25	BOSHLANG‘ICH SINIF “TABIATSHUNOSLIK” DARSLARIDA “O‘YIN-TOPIUSHMOQ” DIDAKTIK O‘YINIDAN FOYDALANISH. <i>Yulduz Yarmanova - Qarshi Davlat universiteti</i>	42
26	TABIY RESURLARDAN OQILONA FOYDALANISH VA TOG‘KON SANOATI CHIQINDILARINI QAYTA ISHLASH MUAMMOLARI. <i>Z.A.Ro`ziqulova, G.A.Raxmanova Navoiy davlat pedagogika instituti huziridagi kompyuter va axborot texnologiyalari akademik litseyi</i>	43
27	TALABANI JISMONIY MADANIYAT O‘QITUVCHISI KASBIY FAOLIYATIGA TAYYORLASHNING AYRIM MASALALARI . <i>SamDU pedagogika fanlar nomzodi dosent Yu.Masharipov, katta.o`qit.U.S.Do`sanov, o`qituvchi N.J.Mardonov</i>	45
28	O‘QUV-TARBIVAVIY JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK TAXLILI. <i>N. I. Amirov, QarMII katta o`qituvchisi, O.K. Nazarov QarMII talabasi</i>	46
29	TALABALAR TANQIDIY FIKRINI RIVOJLANTIRISHDA INTERFAOL METODLARNING O‘RNI. <i>N. I. Amirov, QarMII katta o`qituvchisi, B. X. Eshmurodova, QarMII talabasi</i>	48
30	ODOBNOMA DARSLARI –EKOLOGIK TARBIVALASHDA MUHIM MANBA. <i>Nilufar Sharopova Jamolovna., Hasanova Norxol Rabbimovna - O`zbekiston Qashqadaryo VXTXQTMOI</i>	50

31	ИНФОРМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА “КЛАСТЕР” ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ. <i>A.C.Narkulov, O.P.Jhiyov – TATU Samarqand filial, ассистентлари</i>	52
32	KASB-HUNAR KOLLEJLARI BILAN TUZILGAN INNOVASION KORPORATIV HAMKORLIKNING SAMARASI. <i>A.A.Eshbekov¹, O.Raximov², E.Boboqulov³ – ¹SamDU, ²SamDAQI, ³Samarqand ShMX KHK</i>	53
33	PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF WRITING. <i>Shayzakov G'ulom Muxtarovich</i>	54
34	TEXNIK VOSITALARNI O'QUV JARAYONIDA QO'LLASHNING ASOSIY TALABLARI. <i>Xumora Qahramonova-QMII “Informatika va axborot texnologiyalari” kafedrasida o'qituvchisi. Mustafu Toshmuhammedov - QMII IE-131 guruh talabasi.</i>	55
35	PEDAGOGIK DASTURIY VOSITALAR YARATISH USUL VA VOSITALARI. <i>Qarshiyev Husan Berkinbayevich (Samdu)</i>	56
36	“DARS JARAYONIDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH VA ELEKTRON DARSLIKLAR YORDAMIDA MASHG'ULOTLAR O'TKAZISH”. <i>Mahbuba Qarshiyeva, Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji Informatika va axborot texnologiyalari fani o'qituvchisi.</i>	58
37	КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ХАМДА ТАЪЛИМ –ТАРБИЯ СОХАЛАРИ ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР. <i>Б.Х. Имомов Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти.</i>	59
38	ТА'ЛИМ ТИЗИМИДА PEDAGOGIK JARAYON MOHIYATI. <i>Qosimov Ubaydulla dotsent (SamDAQI) Bobobekov Bekzod 101-KHALTE (SamDAQI) talaba</i>	61
39	QUYOSH NURLANISHI HISOBIGA ISSIQXONA ICHIDAGI TUPROQDA TABIIY ISSIQLIK JAMLANISHI KOEFFITSENTINI VA KUNLIK YO'LINI ANIQLASH. <i>Guliston Davlat Universiteti-A.Abdullayev V.Rahmonov</i>	62
40	INTERAKTIV METODLARNING TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA QO'LLANILISHI XUSUSIDA. <i>QDU Ingliz tili va adabiyoti kafedrasida o'qituvchisi R. Ergasheva, QDU qoshidagi MO va QT markazi o'qituvchisi Z. Suyarova</i>	64
41	TEACHING NEW WORDS EFFECTIVELY TO THE LEARNERS OF FOREIGN LANGUAGES. <i>Rasulov Feruzjon Xolmirzaevich - Teacher of academic lyceum №1 under Samarkand State Architectural and Building Institute</i>	66
42	MASOFAVIY O'QITISHNING TA'LIMDAGI AHAMIYAT. <i>Raximov O., Parmonova.R.T- (SamDAQI)</i>	67
43	БАРКАМОЛЛИК СИФАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. <i>ҚаршиДУ, Мактабгача ва бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти Д.Т.Кенжаева</i>	69
44	KVANT NAZARIYASINING YARATILISH TARIXI. <i>B.F. Izbosarov- “Fizika va astronomiya o'qitish metodikasi” kafedra dotsenti. J.M.Abdullayev- “Fizika va astronomiya o'qitish metodikasi” kafedra katta o'qituvchisi. Navoiy davlat pedagogika instituti</i>	72
45	BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA EKOLOGIK BILIMLARNI SHAKLLANTIRISH. <i>SamVXTXQTUMOI o'qituvchisi Xodjimatoeva Sh.M.</i>	74

46	ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA TARBIYA TEXNOLOGIYALARI. <i>SH.N.Eshpulatov, D.A.Rasulova (SamDU)</i>	75
47	O'QUV ISHINI TASHKIL QILISHNING SHAKLLARI VA ULARNING MAQSADLARI. <i>S.R. Botirova Navoiy Davlat pedagogika instituti</i>	76
48	KIMYO FANIDAN O'QUVCHILAR BILIMINI BAHOLASHDA "SIRLI VAHO" USULIDAN FOYDALANISH. <i>S.R.Botirova, H.H.Suyarova Navoiy Davlat pedagogika instituti</i>	77
49	ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH TADBIRLARI. <i>H.H.Suyarova, S.R. Botirova-Navoiy Davlat pedagogika instituti</i>	78
50	ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БЎЛАЖАК КИЧИК МУТАХАССИСЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ - ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА. <i>У.С.Ходиев, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириши маркази</i>	79
51	ТА'LIM – TARBIYADA TILNING O'RNI VA UNING PEDAGOGIK, ZAMONAVIY FALSAFIY QARASHLARI. <i>Toshpulatov D.A.TATU Samarqand filiali o'qituvchisi Safarov A.4-kurs talabasi</i>	82
52	KVADRATIK DIFFERENTIAL TENGLAMANI LIMITIK DAVRAGA EGA BO'LMASLIK SHARTLARI. <i>J.X.Xudoyqulov-assistent (SamDAQI), Y.Sh.G'aybulov -magistr., D.A.Beknazarova. (SamDU)</i>	84
53	YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANIB DARSDA TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH. <i>Xusanova D., Tog'ayeva S. Samarqand tuman Maishiy xizmat kasb hunar kolleji o'qituvchilari</i>	85
54	O'QUVCHILARNI ESTETIK TARBIYALASHNING MAVJUD HOLATI. <i>Z. Yuldasheva-O'zbekiston QXTXQTMOI Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedrasi o'qituvchisi</i>	87
55	СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ. <i>СамДАҚИ катта ўқитувчи - А.М. Дехқонов, СамДАҚИ талабаси М.Х. Рахимова</i>	88
56	ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ ХУСУСИДА. <i>О.К.Раупов, катта ўқит. СамДУ. А.А.Курбанов, катта ўқит. СамДУ</i>	90
57	ТАЛАБА ҚИЗЛАРДА СОҒЛОМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ. <i>А.Қ.Қидиров ўқитувчи СамДАҚИ, М.С.Шарипова талаба СамДАҚИ</i>	91
58	ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА И.А. КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ» АСАРИНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>СамДАҚИ. Талаба, Ю.Каримова, илмий раҳбар А.Э.Зиётова</i>	92
59	МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА «АМАЛИЙ ГЕОГРАФИЯ» ДАРСЛАРИДА ЛОЙИҲА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ. <i>Абдувоҳидов С.Н., Мамажанов Р.И., Маъсумжон Т. (СамДУ)</i>	95
60	ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА МУКАММАЛЛАШТИРИШ – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ. <i>доцент Абдуқодиров А.Т., 101 – АЙ ва А гуруҳи талабаси Сатимбаев Ж. (СамДАҚИ), Оқдарё политехника касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси Абдуқодирова Н.</i>	97
61	JISMONIY TARBIYA DARSLARINI SIFAT-SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA PEDAGOGIK TEXNALOGIYALARINING O'RNI VA ANAMYATI. <i>SamDU - Z.Abdulaxatov, D.Ro'ziqulov, R.Sultonov.</i>	99

62	КИМ ЭДИГУ, КИМ БЎЛДИК?! СамДАҚИ. 201-КТ(С) гуруҳи талабаси Абдуллаев Журабек Гофур ўғли. Илмий раҳбар: Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Зиётова Адолат Эргашевна.	100
63	ЎҚИТИШ АМАЛИЁТИДА ГАПИРИШДАН ОЙДАЛАНИШ. Абдураззакова Шохида Гулистон давлат университети	101
64	XXI АСР ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИДА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ. Алланазаров Мухиддин Хайитович-ҚарМИИ ўқитувчиси	103
65	РАЗВИВАЮЩИЕ ЛИЧНОСТНО - ОРИЕНТИРОВАННЫЕ МЕТОДЫ В ОБРАЗОВАНИИ. Аминова М. А. ст.преп., Алаева М. магистр (СамГАСИ)	105
66	БУГУННИНГ БОЛАЛАРИ-ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИНИ ТАРБИЯСИГА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ. Г.Б.АМИРОВА катта ўқитувчи, Юлдашев Бахтиёр ўқитувчи - Самарқанд қишлоқ хўжалик институти	108
67	РАНГТАСВИР ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРГА ЁРУҒ ВА СОЯМУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Аҳмедов М.Б. (Низомий номидаги ТДПУ «Меҳнат таълими ва дизайн» кафедраси катта ўқитувчиси)	109
68	ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ЭХТИЁЖЛАРГА АСОСЛАНГАН ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ. Ашурова О.Ю., Абдуқодиров Х.Ю -Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи, “Иқтисодий таҳлил” фани ўқитувчиси	111
69	СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА ИЧИМЛИК СУВИ ЗАҲИРАЛАРИНИ ЭКОЛОГИК РИВОЖЛАНТИРИШ. Ассистент З.Ясаков - СамДАҚИ, 2-тоифали шилаб чиқариш таълим устаси З.Т.Ўнгалова - Самарқанд туман маънавий хизмат касб-хунара коллежи	113
70	ЗЎРАВОНЛИК ҲОЯСИ ТАРҒИБОТИНИНГ ШАХС АҚЛИЙ ИМКОНИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ. Г.Бекмуродова, ф.ф.н. (ҚарДУ)	114
71	O'RTA ASRLARDA OSIYO DORIXONALARI TARIXIDAN. Sh.S.Bozorov Sam DCHTI Ijtimoiy fanlar kafedrasida o'qituvchisi.	116
72	ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ РУҲИЙ ҲОЛАТЛАРИ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ. Г.Холбоева- СамВХТХҚТУМОИ катта ўқитувчи, Т.Эшқувватов - СамДУ ўқитувчи	117
73	ЁШЛАР ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. Шайзаков Гулом Мухтарович., Каримова Зайнаб Абдуамитовна Инглиз тили ўқитувчиси ГулДУ	119
74	ПЕДАГОГИК ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРНИ ЯРАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР. Файбулов Қ.М.(СамДАҚИ).	120
75	СОДЕРЖАНИЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ В ВУЗЕ. Ганиева Р.Р. , Атоева Х. К. (СамГАСИ)	120
76	СТИМУЛИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ МОТИВАЦИИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ. Ганиева Р.Р., Атоева Х.К. (СамГАСИ)	123
77	АХБОРОТ ОҚИМИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ. Қарши Давлат университети Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси Д.Ахмедова	125
78	ЛИРИКАДА МИКРОСЮЖЕТ. М.Давронова СамДУ докторанти, ф.ф.н	126
79	ҲОЗИРГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИ УЧУН КУРАШ. Джумаев М. М. ТАТУ Самарқанд	129

80	ПАЙАРИҚ ТУМАНИ ҚИШЛОҚ ЁШЛАР БОҒИНИНГ МЕЪМОРИЙ–РЕЖАВИЙ ЕЧИМЛАРИ. Ўроқова Дилдора–104 <i>КХАЛТЭ гуруҳи талабаси (СамДАҚИ)</i>	130
81	К ПРОБЛЕМЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МАТЕМАТИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ ДЕТЕЙ. <i>Г.Э.Джанпеисова, к.п.н., доцент кафедры «Методика дошкольного образования» ТГПУ имени Низами</i>	132
82	ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ РАҚОБАТБАРДОШ КАДР СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ. Дониёров А.А. – ТАТУ Самарқанд филиали ассистенти	134
83	“ОЛИЙ МАТЕМАТИКА” ФАНИНИ ЎРГАНИШДА МАТЕМАТИК ПАКЕТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ (GEOGEBRA МП МИСОЛИДА). Сайфиев Бобур – 201- ХС гуруҳи талабаси, Джаббаров Мамасоли - “Олий математика ва физика” кафедраси доценти	135
84	МАҲАТМА ГАНДИНИНГ КУЧ ИШЛАТМАСДАН КУРАШИШ ҒОЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АҲАМИЯТИ. СамДАҚИ ўқитувчиси Жаббаров.Р.Ф.	137
85	ВЫЧИСЛИТЕЛЬНЫЙ АЛГОРИТМ РАСЧЕТА МНОГОСЛОЙНЫХ ПЛАСТИН СО СЛОЖНОЙ КОНФИГУРАЦИЕЙ. <i>Жумаев С.С. – старший преподаватель НавГПИ</i>	138
86	“KADRLAR TAYORLASH MILLIY DASTURI” VA O’ZBEKISTON-DA TA’LIM TIZIMIDAGI ISLOHOTLAR. Jumayeva Sh.S. QarMII, “Ijtimoiy fanlar kafedrasini” katta o’qituvchisi	140
87	МАКТАВГАЧА ТА’ЛИМ МУАССАСАСИДА БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ ВІЛАН ТАНІШНІРІШ. Z.Qarshiyeva SamVXTXQTUMOI assistenti	142
88	БАХТ ВА САОДАТ КУЙЧИСИ. З.Ф.Ахатова Самарқанд Таянч тиббиёт коллежи талабаси. Илмий рахбар доцент Н.А.Бобоқандов	143
89	ФИЗИКАНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. И.Т. Турдибеков, Н.Х. Холдоров, Ф.Н. Жамолов (СамДАҚИ)	144
90	ОНЛАЙН МУЛОҚОТНИНГ ЁШЛАР РУҲИЯТИГА ТАЪСИРИ. Э.Ибрагимов ҚарДУ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси	145
91	ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ЁТ ТАҲДИДЛАР ВА УНГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИ. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси Э.Т.Жумаев. Нуробод хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси С.А.Саидмуродов	147
92	ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. Алланазаров Мухиддин Хайитович-Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ўқитувчиси	149
93	ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ АМАЛИЙ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ХУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ТИЗИМИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ. Ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси К.С. Исламов	150
94	“INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI” FANIDA MASHG’ULOTLARNI KASBGA YO’NALTIRIB O’TKAZISH METODIKASI. SamDAQI “Axborot texnologiyalari” kafedrasini katta o’qituvchisi K.S. Islamov	151
95	ҲАЁТ ДАВРИНИНГ ТАСОДИФИЙ МИҚДОР СИФАТИДАГИ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ. Исматов Ў.- магистр, Тошқулов Ҳ., Остонов Қ., Мўминов (Самарқанд давлат университети)	152

96	РЕШЕНИЕ ЗАДАЧИ ОБ ИЗГИБЕ ТРЕХСЛОЙНЫХ БАЛОЧНЫХ ПЛИТ ВЗАИМОДЕЙСТВУЮЩИХ УПРУГИМИ ОСНОВАНИЯМИ С УЧЕТОМ РЕАКТИВНЫХ НОРМАЛЬНЫХ И КАСАТЕЛЬНЫХ ДАВЛЕНИИ ОСНОВАНИЯ. <i>К. Мамасолиев., К. Усанов</i>	155
97	ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ МУХИМ МАНБАСИ. <i>102-ГКК гуруҳи талабаси Бобобеков Ф. (СамДАҚИ), Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Қ.А.Нурбоев (СамДАҚИ)</i>	158
98	ТАРИХГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР. <i>т.ф.н. доцент К.Фаниев, ўқитувчи Т.Эрназаров (СамДАҚИ)</i>	160
99	MIRZO ULUG'BEKNING FALAKSHUNOSLIK FAOLIYATI. <i>SamDAQI. 201-SHQ va X. Qodirov.A.O. Ilmiy rahbar:katta o'qituvchi Ziyodova.A.E</i>	164
100	ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУВОЗАНАТИ МАСАЛАЛАРИ. <i>ТерДУ, ўқитувчи-Амиркулова З. талаба Панжиева.Б.</i>	165
101	OLIY TA'LIM TIZIMIDA PEDAGOG KADRLARNING MALAKASINI OSHIRISH VA KASBIY KOMPETENTLIK DARAJASINI RIVOJLANTIRISH MASALALARI. <i>Muxtorova L. A. (TerDU)</i>	166
102	PEDAGOGIK FAOLIYATDA PEDAGOGIK MAHORATNI SHAKLLANTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI. <i>Rafiqov I.G'. (TerDU) Muxtorova L. A. (TerDU)</i>	168
103	PEDAGOGIK TEXNIKA VA UNI SHAKLLANTIRISH OMILLARI. <i>Berdiyeva M.M. (TerDU)</i>	170
104	ГЛОБАЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГИК МЕХНАТ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ. <i>Д.Ёқубова, ТерДУ ўқитувчиси</i>	171
105	БОЛА КАМОЛОТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЖИДДИЙ ДАВРЛАР ВА УЛАРГА ОНГЛИ ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>СамДАҚИ катта ўқитувчи Коришубаева Р.Х.</i>	173
106	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ЯНГИ МАЗМУНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. <i>Қосимов Ш.У. - катта илмий ходим –изланувчи, ЎМКХТТКМО ваУҚТИ, Абдиқодиров Ш. - катта ўқитувчи, ТерДУ.</i>	174
107	ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. <i>“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси Қулдошев А.Т, 201-КТ (ТСваМГ) гуруҳи талабаси Қурбонова Ф.О.</i>	176
108	ПРЕПОДАВАТЕЛЬНИЦА САМГАСИ ИЗ КАФЕДРЫ «ВЫСШАЯ МАТЕМАТИКА И ФИЗИКА». <i>Кулмирзаева Г.А., Исмаилова М.Э. студентка СамИСИ 4-курса «Экономического» факультета.</i>	179
109	YOSHLARNI JISMONIY-INTELLEKTUAL SALONIYATINI RIVOJLANTIRISHDA JISMONIY TARBIYA VA OMMAVIY SPORT-SOG'LOMLASHTIRISH TADBIRLARINI O'RNI. <i>O.K.Raurov, katta o'qit. SamDU A.A.Qurbanov, katta o'qit. SamDU</i>	181
110	ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ОБУЧЕНИИ СТУДЕНТОВ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫХ СПЕЦИАЛЬНОСТЕЙ. <i>Старший преподаватель Л.А.Камолов - ВТШПБ при министерстве внутренних дел Республики Узбекистан</i>	183
111	МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРДАН ДАРСЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ. <i>Тожибоева Шохсанам Расулбековна – ўқитувчи, ГулДУ. Уралова Мафтуна . 32-15 гуруҳ талабаси.</i>	185
112	ЁШЛАРИМИЗНИ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРИ. <i>Бердиқулов А.А., асс. СамДАҚИ</i>	187

113	РЕСПУБЛИКАДА АЁЛЛАР МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МАРКАЗИ-НИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ. <i>Якубова Х. – Ёбосқич “Бино ва иншоотлар архитектураси” мутахассислиги магистри.</i>	188
114	INGLIZ TILI DARSIDA GURUH BILAN ISH OLIV BORISH. <i>R.T.Eshmatov, SamDAQI o'qituvchisi</i>	189
115	КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА АХБОРОТ–КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. <i>Низомий номидаги ТДПУ п.ф.н., доцент А.Э.Пармонов, ўқитувчи Ж.А.Хамидов талаба Ф.Х.Мирбилалов</i>	191
116	МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МОХИЯТИ. <i>Ассистент Ш.М.Мамарасулов-Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, ўқитувчи М.Н.Маматова - Самарқанд шаҳар қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи., Г.А.Ғаффорова - Жиззах давлат педогогика институти.</i>	193
117	ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МУТАХАССИС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ САМАРАЛИ ҚЎЛЛАШ. <i>Ассистент Ш.М.Мамарасулов - Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, ўқитувчи М.Н.Маматова - Самарқанд шаҳар қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи, Г.А.Ғаффорова - Жиззах давлат педогогика институти.</i>	194
118	ДАРС ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ МАҲОРАТ. <i>Мамарасулов Шахобиддин Мамарасулович - СамДАҚИ ассистенти., Есенова Сарбиназ Шарибаевна - Нукус давлат университети ассистенти</i>	196
119	ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН БАЪЗИ БИР ФАЗИЛАТЛАР. <i>Ф.ф.н., доц. Ш.Ж. Маматкулова Ш.Б.Қодирова 101- Лан.Арх магистрант СамДАҚИ</i>	197
120	БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ИЛМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>СамДАҚИ. 201-КТ(ТСваМГ) гуруҳи талабаси Маматкулова Зарнигор. Илмий раҳбар: Зиётова Адолат Эргашевна.</i>	199
121	ЗАРДЎШТИЙЛИК ДИНИ ВА “АВЕСТО”ДА ТАФАККУР МАСАЛАЛАРИ. <i>М.Маматова - Қарши ДУ ўқитувчиси</i>	201
122	МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИКНИ ТАРБИЯЛАШДА ВАТАН ТАРИХИНИНГ ЎРНИ. <i>Муратова Марғуба – СамДАҚИ ўқитувчи., Эрназаров Туйғун – СамДАҚИ ўқитувчи</i>	203
123	СИФАТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>Маҳмудова Гулруҳ Равшанбековна, ГулДУ, “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси</i>	204
124	НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРДАН КАСБИЙ ФАНЛАР УҚИТИЛИШИДА ФОЙДАЛАНИШ. <i>Камбарова Мухаббат Рахматовна-Навоий тиббиёт коллежи фармакология фани ката уқитувчиси</i>	205
125	MARKAZIY OSIYONING ROSSIYA BILAN XVI-XIX ASRLARDA O'RNATGAN SAVDO-MADANIY ALOQALARI. <i>Sh.A.Muslimov SamISI 1-son AL</i>	208
126	АНЪАНАВИЙ МАЪРУЗА АБАДИЙМИ ЁКИ УНИНГ МУҚОБИЛЛАРИ МАВЖУДМИ? <i>Н.С. Сайидахмедов (Самарқанд қишлоқ хўжалик институти)</i>	209

127	КОММУНИКАТИВ МАЛАКАЛАР ВА ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛ. Турсунова Э.М., НДПИ, «Математика ўқитиш методикаси»кафедраси ўқитувчиси., Шамишева Р.Н., НДПИ, «Математика ўқитиш методикаси»кафедраси катта қитувчиси	214
128	ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ. Шамишева Р.Н.,НДПИ, «Математика ўқитиш методикаси»кафедра катта ўқитувчиси. Турсунова Э. М.,НДПИ, «Математика ўқитиш методикаси»кафедра ўқитувчиси	216
129	НЕМИС ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ МАҚОЛЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА БЕРИЛИШИ. Тожибоева Шохсанам Расулбековна – ўқитувчи, ГулДУ. Азимова Лобар Орифжон қизи. 32-15 гуруҳ талаба.	217
130	ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИСТОРИКО-МАТЕМАТИЧЕСКОГО МАТЕРИАЛА НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ. Низимова Нигора Негматовна, старший преподаватель, СамГУ	218
131	РИСОВАНИЕ ИНТЕРЬЕРОВ. Студ.302-дизайн Махмудова Сабохат, Суюнова .Н.А. старший преподаватель, Сидикова .М.С. ассистент кафедры „Изобразительного искусства”	220
132	ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ РИВОЖИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ БАЪЗИ МУҲИМ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ. Нишинова Д.Б. ЎЗМУ Иқтисодиёт факультети, талаба	221
133	ИНГЛИЗ ТИЛИДА СҮРОҚ ОЛМОШЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ. Д.Нормаматова-Гулистон давлат университети	223
134	«ОБ ИСПОЛЬЗОВАНИИ НОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ». Шайдулина А.А. канд. пед. наук, доцент; Маматова Б. Н. старший преподаватель академического лицея при ФерГУ	224
135	ОБУЧЕНИЯ КОММУНИКАТИВНАЯ ЛИНГВИСТИКА. Тожибоева Шохсанам Расулбековна – преподаватель ГулДУ. Гаимназарова Мухайё Курбановна - студентка I курса. 32-15	226
136	ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОММАВИЙ-МУСИҚИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. Одилов Аскарали Исмоилович - катта ўқитувчи, Самарқанд давлат университети, Одилова Азиза Аскаралиевна – ўқитувчи, Самарқанд шаҳар 3- сон болалар мусиқа ва санъат мактаби	228
137	ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ. ГулДУ “Филология” факультети “Инглиз тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси Қўзиев Шавкат Абдумуротович	229
138	ODDIY MECHANIZMLARNI QO'LLANILISHINING TARIXIY MANBALARI. E.A.Qudratov, B.T.Bisenova - NavDPI, “Fizika va astronomiya o'qitish metodikasi” kafedrasida katta o'qituvchilari.	230
139	ISSIQLIK HODISALARI TUSHUNCHALARINI “FSMU”DA LOYIHALASH. E.A.Qudratov, B.T.Bisenova - NavDPI, “Fizika va astronomiya o'qitish metodikasi” kafedrasida katta o'qituvchilari	232
140	ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ИЖТИМОЙЛАШИШИ ВА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР УЙҒУНЛИГИ. С.Зоҳидова СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси	235
141	ТАЪЛИМ БЕРИШДА МАЪРУЗА ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. Равшанов Ҳамроқул Амирқулович, кафедра мудири, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти	238

142	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. СамДАҚИ ўқитувчиси Бекзод Боймуратович Расулов СамДАҚИ Қурилиш факультети 3- босқич талабаси Ҳабиба Бекчанова., СамДАҚИ Қурилиш факультети 3-босқич талабаси Заршед Меликов	240
143	ОДАМ САВДОСИ – ИНСОН ҚАДРИНИ КАМСИТУВЧИ ОҒИР ЖИНОЯТ. “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси Расулов Бекзод Боймуратович Тошкент давлат юридик университети талабаси Тоғжиев Зариф Боймурод ўғли	243
144	РАҲБАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК. ГулДУ доценти Б.Қурбонов., ГулДУ ўқитувчиси Г.Қурбонова	244
145	БАРКАМОЛ ЁШЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ. Қарши Давлат университети Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси С.Авазов	246
146	ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРДА ЎЗ-ЎЗИНИ АСРАШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. ҚаршиДУ Ф.ф.н. С.Боймуродов	247
147	ЗАМОНАВИЙ ДАРСГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР. С.Яхяева СамВХТХҚТҲМОИ катта ўқитувчи, Ф.Каттаева Самарқанд шаҳар 14-мактаб ўқитувчиси	249
148	ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУОММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ. Сожида Яхяева, СВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси	250
149	ЭР ХОТИНЛИК, ОИЛА МУҚАДДАСЛИГИ. Р.М.Латипов - катта ўқитувчи, Садуллаева Парвина - талаба (СамДАҚИ)	252
150	ЁШЛАРНИ РАҚОБАТБАРДОШ КАДР СИФАТИДА ШАКЛ-ЛАНИШИДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИНИНГ АҲАМИЯТИ. Сайдирасулов Н.С. – ТАТУ Самарқанд филиали ассистенти	254
151	ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ТАДБИҚ ЭТИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМЛАРНИНГ БИР НЕЧА ТУРЛАРИ. Сайдирасулов Н.С. – ТАТУ Самарқанд филиали ассистенти	255
152	ПРИМЕНЕНИЕ ОПЕРАТОРНОГО МЕТОДА К ЛИНЕЙНЫЙ СИСТЕМЕ С ПОСТОЯННЫМИ КОЭФФИЦИЕНТАМИ. СамГАСИ доц. Б. Хусанов и студентка Сайдуллаева С.	256
153	SHEKSPIR SONETLARI TARJIMALARI XUSUSIDA. Saloxiddinov Manuchehr SamDAQI qoshidagi 1-son akademik litseyi ingliz tili o'qituvchisi	259
154	ЗАМОНАВИЙ ОИЛАДА ФАРЗАНДЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ БАЪЗИ ТУРЛАРИ. Бекимбетова Гулбахар Рисбоевна ҚРХТХҚТвУМОИ «Педагогика, психология ва таълим менежменти» кафедраси катта ўқитувчиси	261
155	ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРГА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД БИЛИМЛАР БЕРИШ. Б.Арзымбетова ҚРХТХҚТ ва МОИ «Табиий ва аниқ фанлар таълими» кафедраси катта ўқитувчиси	263
156	ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АДАБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ. Файзуллаев Ш.Н. - СамДАҚИ п.ф.н. доцент, Файзуллаева Г.Ш. - СамДУ 2-босқич КИХИ	264

157	INTERFAOL TA'LIM - DARS SAMARADORLIGINING MUHIM OMILI. <i>Sanoat Zohidova SamDU katta ilmiy xodim-izlanuvchisi</i>	266
158	ЁШЛАРДА МАДАНИЙ САВИЯ ВА БИЛИМНИНГ ШАКЛЛАНИШ АСОСЛАРИ. <i>Қарши давлат Университети Тарих факультети "Ижтимоий фанлар" Кафедраси ўқитувчиси Сохибова Л.Ж.</i>	269
159	ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАРИ. <i>Усмонов А.Ш. ТАТУ СФ ассистенти</i>	270
160	ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР. <i>Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти доценти З.Сариева</i>	271
161	БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ ЙЎНАЛИШ ШАКЛЛАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ ХАҚИДА. <i>Гаимназаров Қ., физика ўқитувчиси, Гулистон давлат университети</i>	272
162	МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ - МУТАХАССИС КАДРЛАР ҚЎЛИДА. <i>Тилабов Толиб ҚарДУ доценти</i>	273
163	РОЛЬ СОВРЕМЕННЫХ НОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ – ЭТО ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ И ЛИТЕРАТУРЕ. <i>Тойчиева Н.С. (Ведущий учитель, 2-академический лицей при СамСХИ)</i>	275
164	GEOMETRIYA O'QITISH JARAYONIDA IBN SINONING MATEMATIKAGA DOIR ISHLARI HAQIDAGI MA'LUMOTLARDAN FOYDALANISH. <i>Toshqulov H., Mo'minov U., Mardonov E., Ostonov Q. (SamDU)</i>	277
165	ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ШАХСИ КАМОЛ ТОПТИРИШДАГИ ЎРНИ. <i>ТАТУ Самарқанд филиали ўқитувчиси Д.А.Тошпулатов</i>	279
166	AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRIDA IQTISODIY ALOQALAR BUYUK IRAK YO'LI MISOLIDA. <i>Talaba: Toshtemirova A. 303-arch guruhi., Raxbar: katta o'qituvchi Jalilova Sh</i>	280
167	ТАЛАБАЛАРДА ТАДҚИҚИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ШАКИЛЛАНТИРИШ. <i>Тоштемирова К.Э., Ражабова Г.С., НавДПИ "Математика ўқитиш методикаси" кафедраси ўқитувчилари.</i>	282
168	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. <i>Тоштемиров Д.Э., Норматова М., Абдусаматов О.А. - Гулистон давлат университети</i>	284
169	АҚЛИЙ ЗУККОЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ-МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ. <i>Тўраева Азиза Пулатовна - ҚарДУ катта ўқитувчиси</i>	286
170	ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНГАН БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИГИ. <i>У.Худаяров - СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси., У.Х.Тошимов Тошкент Юридек университети талабаси.</i>	288
171	ФИЗИКА ВА МАТЕМАТИКА ФАНИ ДАРСЛАРИНИ ЯНГИЧА УСУБЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИШ, ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. <i>Умирова Норхол Зулпихоровна физика фани ўқитувчиси, Юлдошева Инобат Рузимуродовна математика фани катта ўқитувчиси Навоий тиббиёт коллежи</i>	289
172	ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ХАРАКАТИ- РЕСПУБЛИКАМИЗ ФУҚОРОЛАРИНИ – ОНА ТАБИАТНИ АСРАШГА УНДАЙДИ.	291

	<i>Умматова М.Б. Гулистон давлат университети.</i>	
173	ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ПРЕИМУЩЕСТВА РАБОТЫ С ИНТЕРАКТИВНОЙ ДОСКОЙ. <i>Усманова Насиба Махмудовна</i>	292
174	ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МЕХНАТ ТАРБИЯСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ. <i>Усмонов А.Ш. ТАТУ СФ ассистенти</i>	294
175	ЎЗБЕК ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИДА МАТН УСТИДА ИШЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. <i>Икром Холмуродов-Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси</i>	296
176	ЎҚИТИШ АМАЛИЁТИДА ГАПИРИШДАН ФОЙДАЛАНИШ. <i>Абдураззакова Шохида Гулистон давлат университети</i>	298
177	ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ ҚОБИЛИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ. <i>Ф.Эиназарова, СВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси</i>	300
178	ОБУЧЕНИЕ ПИСЬМУ КАК СРЕДСТВУ ОВЛАДЕНИЯ РУССКИМ ЯЗЫКОМ. <i>Файзиева Ю.Ю. Преподаватель русского языка кафедры “Языков” СамГАСИ</i>	302
179	ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК ВОСИТАСИДА УМУМКАСБИЙ ФАНЛАР УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ. <i>Мамутов Узақбай Балтабаевич, Бино ва иншоотлар қурилиши кафедраси ўқитувчиси, Қорақалпоқ давлат университети,</i>	304
180	МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА MICROSOFT EXCEL ЭЛЕКТРОН ЖАДВАЛЛИ ДАСТУРДАН ФОЙДАЛАНИШ. <i>Фатхуллаев Ф., ЙўлдошеваФ., ХурсандовМ., СамДАҚИ</i>	306
181	ЖИСМОНИЙ ВА САЛОМАТЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. <i>Ф.Ж.Қосимов. СамДАҚИ С.М.Фаниева 101-КТ (бик) талаба</i>	309
182	СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИ ЎРНИ. <i>Ф.Қосимов И. Нарзуллаев , Эшмуродов СамДАҚИ</i>	310
183	ВЛИЯНИЕ ФИЗИЧЕСКИХ УПРАЖНЕНИЙ НА ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА. <i>Хусаинов Ш.Я.Старший преподаватель кафедры физической культуры, ассистент З.М. Пулатов Хусаинова Ф.Ш. Студенка 203 группы дизайн (Сам ГАСИ).</i>	311
184	ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШТИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ. <i>Ҳамдамов И.А Ижтимоий фанлар кафедраси уқитувчиси СамДЧТИ</i>	312
185	ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ВИДЕОМАҲСУЛОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>Ҳамдамов Эркин Эргашевич, Филология факультети декан, ГулДУ, Эшбоева Дурдона Алишер қизи, талаба, ГулДУ</i>	314
186	РАЗВИТИЕ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ УЧАЩИХСЯ НА УРОКАХ БИОЛОГИИ. <i>А.Б. Хамидова, М.А.Асламова - СамГУ</i>	315
187	ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ – ОСНОВНОЕ УСЛОВИЕ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ. <i>Хасанова Лола Таджиевна - старший преподаватель СамГАСИ</i>	317
188	ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТАРЖИМА ҚИЛИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИНГ РОЛИ. <i>Тожибоева Шохсанам Расулбековна.Ўқитувчи. ГулДУ. Номозова Шохсанам.32-15 гуруҳ талабаси.</i>	319

189	ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН. ТАТУ Самарқанд филиали катта ўқитувчиси Хотамов Н.Б СамДУ Қулмуродова С.С.	320
190	ЁШЛАРНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛИК КАЙФИЯТИДАН ҲИМОЯЛАШ МАММОЛАРИ. Д.Худойбердиев – ўқит. (ҚарДУ)	322
191	ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНАЯ ЗРЕЛОСТЬ ЛИЧНОСТИ: СТРУКТУРНЫЙ АНАЛИЗ. Санжар Чориев - д.ф.н., проф. (КарГУ)	324
192	PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF WRITING. Shayzakov G'ulom Muxtarovich., Kamalova Dilnoza GulSu English teacher	326
193	"АХБОРОТ АСРИ"ДА ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. СамДАҚИ, 201-архитектура гуруҳи талабаси Шатанова Ситора. Илмий раҳбар: Н.Қ.Ҳаққулов	327
194	ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРИ. Ҳайдаров Ш.З. 301- Шаҳар қурилиши ва хўжалиги талабаси. Илмий раҳбар Элмуродов Б.Э.- катта ўқитувчи – СамДАҚИ	328
195	ОБУЧЕНИЕ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В СЕМЬЕ – ОДИН ИЗ ФАКТОРОВ ЭФФЕКТИВНОГО ПОЛУЧЕНИЯ ЗНАНИЙ. Элчаев З.А. преподаватель кафедры иностранных языков Каршинского инженерно экономического института	330
196	«АВЕСТО»НИНГ СИНЕРГЕТИК МАНЗАРАСИ. Эргашева Махбуба Хотамбековна СамДУ	332
197	ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. Х.Боймуродов., Э.Курбонов . Самарқанд Давлат университети	335
198	К ВОПРОСУ ФОРМИРОВАНИЯ МОТИВАЦИИ СТУДЕНТОВ К УЧЕБЕ. Синдаров Р.У.(доц. ТАДИ), Уралов А.(ст.преп-ль СамГАСИ)	337
199	ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРГА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД БИЛИМЛАР БЕРИШ. Б.Арзымбетова ҚРХТХҚТ ва МОИ «Табиий ва аниқ фанлар таълими» кафедраси катта ўқитувчиси	339
200	КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ НАЗРАТ ҚИЛИШ ВА БАХОЛАШ. доц.Рахимов А.К., Тиловова М. 301 КТ (МКК)	340
201	МЕДИАТАЪЛИМНИНГ МУҲАНДИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ. Синдаров Р.У.(доцент , ТАЙИ)., Уралов А (СамДАҚИ)	342
202	ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ. Д.Шодмонов (ТАТУ Самарқанд филиали катта ўқитувчиси)	343
203	АКТУАЛЬНОСТЬ УСТРОЙСТВА «ЗЕЛЕННЫХ КРЫШ». Ст.преп-ль: Ф.Ф.Сувонкулова., студент 403-КХАЛТЭ Л.Б.Хаитова	344
204	ҚУЁШ КОЛЛЕКТОРЛАРИ ОРҚАЛИ ТУРАР-ЖОЙЛАРНИ ИССИҚ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЙУЛЛАРИ. 101-ИГТ,ВХМ ва ХХМҚ гуруҳ магестиранти М.Ў.Нурманова. 301-МКК(ИГТ) талабаси И.О.Ўтаниёзов. Илмий раҳбар: Т.Ф.Н. доц Ҳ.Ғ.Ҳусанов	347
205	ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. 301 кт(БвайК) гуруҳи талабаси Шарофиддинов Ойбек. Раҳбар Б. Усманов СамДАҚИ "Касб таълими" кафедраси катта ўқитувчиси	350

206	ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ. <i>Рухшона Мусинова, Самарқанд давлат университети Педагогика факультети II босқич магистранти</i>	351
207	ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШДА ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. <i>Х.Н.Қодирова - Низомий номидаги ТДПУ магистранти, Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳибаси</i>	353
208	ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАВР ТАЛАБИ. <i>СамДАҚИ “ИГТ,В ва сервис” кафедраси ассистенти Э.А.Ҳайдаров., СамДАҚИ 301-ШКваХ гуруҳи талабаси Д.С.Сувонова</i>	355
209	ЭНЕРГЕТИКА ИСТИКБОЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ. <i>Е.Дустмуродов (ТАТУ Самарқанд филиали)</i>	357
210	ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ОДАРЕННОЙ МОЛОДЁЖИ. <i>Зойир Муратович Пулатов., Ситора Алижоновна Холдарова., Улугбек Кулдашевич Жураев Сирожиддинов Шавкат - СамГАСИ</i>	358
211	BUGUNGI KUNDA TA'LIM TARBIYANING RIVOJLANISHI VA AYRIM MUAMMOLAR. TA'LIM TARBIYANING YUKSAK MA'SULYATI. <i>Navoiy tibbiyot kolleji “Hamshiralik ishi” fani o'qituvchisi Siddiqova Bashorat Mamarajabovna</i>	361
212	ФИЗИКА ФАНИ ДАРСЛАРИНИ ЯНГИЧА УСУБЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИШ, ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. <i>Умирова Норхол Зулпихоровна физика фани ўқитувчиси Юлдошева Инобат Рузимуродовна математика фани катта ўқитувчиси Навоий тиббиёт коллежи</i>	363
213	АРМАТУРАЛАНГАН ЁГОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ҚУРИЛИШДА ҚЎЛЛАНИШИ. <i>доцент Ганиев Ж.Н. асс.Тўрақулова Ш.М., 402 БваИҚ гр. талабаси Раунов Абдузафур (СамДАҚИ)</i>	365
214	МУҲАНДИСЛИК –ГЕОЛОГИК ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИНГ БИНО ВА ИНШОТЛАР ҚУРИЛИШИДАГИ ЎРНИ. <i>СамДАҚИ, катта ўқитувчи Маҳмудова Ш.Ж.</i>	367
215	INTERFAOL USULLAR YORDAMIDA O'QUVCHILARINI KASBHUNARGA YO'NALTIRISH. <i>G.Mamadiyorova., G.Toshmurodova., G.Azizova – Samarqand pedagogika kolleji o'qituvchilari, A.I.Odilov katta o'qituvchi Samarqand davlat universiteti</i>	368
216	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TEMIR YO'L QURILISHINI TASHKIL ETILISHI. <i>Magistrantlar: M.S.Hamdamov., U.Berdiqulov., SH.Sirojiddinov. Ilmiy rahbar: katta o'qituvchi., A.A.Mirzaev(SamDAQI).</i>	370
217	ПРОБЛЕМЫ ВЗАИМОСВЯЗИ ТРАНСПОРТА И УЛИЧНО - ДОРОЖНОЙ СЕТИ ГОРОДОВ. <i>Бекназаров М. Б. (СамГАСИ)</i>	372
218	АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ (XIV-XVIII АСРЛАР). <i>Жисмоний маданият ва спорт кафедраси катта ўқитувчиси Деҳқонов А.М., Қурилиш факултети 204-ҚМБ ва КИЧ талабаси Якубов Д.Ф.</i>	373

219	НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ИЗУЧЕНИИ ТЕХНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН. <i>Мухамедсаидов Б.К., Даминова Р.Б., Якубова И.Ж.</i>	374
220	ҚАШҚАДАРЁ ТЎҚАЙЗОРЛАРИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ҒОЙДАЛАНИШИ. <i>Ҳайдаров Х.Қ¹., Умурзакова З.И²., Қорабоева М.Б³., Азизова Р.А⁴. ^{1,2,3}СамДУ, ⁴СамСТК</i>	377
221	ИЗУЧЕНИЕ ДЕКОРАТИВНЫХ РАСТЕНИЙ ПРИРОДНОЙ ФЛОРЫ УЗБЕКИСТАНА И ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИ ФОРМИРОВАНИИ ПАРКОВЫХ ПЕЙЗАЖЕЙ. <i>Ҳайдаров Х.Қ¹., Қорабоева М.Б²., Шодиева О.М³, Карчигаев Н.⁴, Каримова Ф.Р.⁵</i> <i>^{1,2}СамГУ, ³НавГПИ, ⁴Первый Самаркандский педагогический колледж</i> <i>⁵Самаркандский колледж строительства и национальных ремесел.</i>	379
222	ВОЗМОЖНЫЕ ПАТОЛОГИИ ЭМБРИОГЕНЕЗА ЧЕЛОВЕКА И ЕГО ПРИЧИНЫ. <i>Карабаева М.Б., Алланазарова Н.А.Самаркандский государственный университет</i>	382
223	ДАВЛАТ КАДАСТРЛАР ЯГОНА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. <i>И.Н.Бобобеков., В.Р.Ниязов. Ш.А. Суюнов., Б.И.Зиятов., Л.А.Илмуродова (СамДАҚИ).</i>	386
224	КАСБ ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАШҒУЛОТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ. <i>Усмонов Б.Ф. (СамДАҚИ)</i> <i>Холиқова Бибинисо Самарқанд қурилиш ва миллий хунармандчилик коллежи</i>	387
225	ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИННОВАЦИОН ТАҒАККУР ТАРЗИ. <i>Султанова Гулноза Сабиrowна – СамДУ мустақил изланувчиси</i>	389
226	TURAR JOY QURILISHIDAGI AN'ANALAR, SHAROITLAR, TAJRIBALAR. <i>Магистрант: Бўронов Н. Илмий раҳбар: Асқаров Ш.</i>	391

**“ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР-МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ”
МАВЗУСИДАГИ XIII РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛАРИ**

V ҚИСМ

*Ушбу тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўпалигича
нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Мақолалардаги грамматик ва стилистик
хатоларга шахсан муаллифлар жавобгардир*

**7.04.2016 йил босишга тавсия этилган.
Бичими 60x84 ¹/₃₂. Офсет босма. Шартли босма 10,7.
Нашр табоғи 11,5 Адади 100 нусха
Буюртма № 1464/а**

**Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70**